

# ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАБҲУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАЎНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

## МУНДАРИЖА

### НАСР

СУОТ ДАРВИШ. Фосфорли Жаврия. *Роман*.....3  
АБДУЛЛА АЪЗАМ. Жек Лондон эртагининг ниҳояси. *Драма*.....71

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

ВЛАДИСЛАВ ХОДАСЕВИЧ. Борлигимни чулғайди секинч.....88  
УИЛЬЯМ ВОРДСВОРТ. Хур ҳаёт қасидаси.....92

### СЎНМАС СИЙМОЛАР

ҲАБИБУЛЛА ЗАЙНИДДИН. Ибн Ботута.....97


### МОЗИЙДАН САДОЛАР

ФРАНСУА БЕРНЬЕ. Бобурийлар салтанатининг сўнгги тарихи.....102

### АДАБИЙ ТАНҚИД

ЖОН ГОЛСУОРСИ. Олти адибнинг қиёфасига чизгилар.....142

Август 2002



## КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ФУЛОМ КАРИМ. “Абдуллонома” ўзбек тилида.....163

## САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

ДЭВИД ВЕЙС. Моцартнинг ўлими. Роман.....167

Бош муҳаррир:  
Озод ШАРАФИДДИНОВ

Таҳрир ҳайъати:  
Мирпўлат Мирзо  
(Бош муҳаррир муовини)  
Файзи Шоҳисмоил  
(масъул котиб)  
Амир Файзулла  
Раҳматилла Иноғомов

Жамоатчилик кенгаши:  
Юсуф Абдуллаев  
Аслиддин Боляев  
Жамолiddин Бўронов  
Одил Ёқубов  
Хайрулла Жўраев  
Рисбой Жўраев  
Неъматулла Иброҳимов  
Абдулла Оринов  
Пўлат Ҳабибуллаев  
Рустам Шогуломов  
Тўлепберген Қайипбергенов  
Саидахрор Ғуломов

Жаҳон адабиёти, 8. 2002

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Таҳририят манзили:  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Р.ИНОҒОМОВ  
Рассом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ  
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА  
Мусаҳҳиҳлар Д.АЛИЕВА, Д.ҚОДИРОВА  
Компьютерда саҳифаловчи Н.ҚОДИРОВА

Теришга берилди 03.06.2002 й. Босишга рухсат этилди 17.09.2002й. Бичими 70x108 1/16.  
Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1000 нусха. К-9358 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида териблиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Жаҳон адабиёти, 2002 й.

Суот ДАРВИШ

## Фосфорли Жаврия

Роман

## III

## “КЎЗЛАРИНГДАН АЁНДИР, ЖАВРИЯМ”

**Б**ироқ осмон унга ҳеч қачон бу оқшом кичкина бир дераза ортидан кўрингани сингари бунчалик гўзал бўлиб туюлмаган эди.

Ҳаво ниҳоятда иссиқ. Асабларни толиқтирадиган, вужудларни бўшаштирадиган иссиқ эди бу...

У катда ётганча сигарета чекарди. Жаврия ҳам сигаретанинг бири тугамай, иккинчисини туташтиради. Қоронғи хона ичида икки сигаретанинг учи тиллақўнғиз сингари гоҳ қизариб, гоҳ сўнади.

Иссиқдан аъзои бадани бўшашиб, лоҳас бўлган Жаврия кўкка боқиб ётаркан, у билан сўзлашгиси келди ва унга:

- Бу юлдузларнинг ҳар бири ўзга бир дунё эмиш, ростми? — деб сўради.
- Ким айтди буни сизга?

Унга бир лицей талабаси айтганди. Бундан бир неча кун олдин денгиз бўйида танишгандилар. У ҳам пляждан ташқарида ювинаётган эди. Иккови бир-бирига яқин келгач, ўз-ўзидан суҳбат бошланиб кетди, суҳбат Яшилқўй қирларида бирга тунаш билан якунланди. Бу йигит бутун кеча давомида унга юлдузлар ҳақида турли-туман гапларни айтиб берган, уларнинг ердан ва бир-биридан қанчалик узоқликда жойлашганини, худди ўзи метрлаб ўлчаб чиққандек, қатъият билан айтган эди. Зерикиб кетган Жаврия охири уни:

— Ҳой ёлғончи, сафсатаггни йиғиштирсанг-чи... — деб силтаб ташлаган эди. Ҳозир бунга иқрор бўлишдан негадир уялди ва унга:

— Худо ҳаққи, ўзим билмайман, эшитганимни айтдим, — деб жавоб қилди. Сўнг айёрона илжайди. У қоронғида буни кўрмади.

— Менга шундай дейишганди, бироқ ишонмадим... — дея илова қилди Жаврия. — Бунчалик кичик юлдузлар қандай қилиб дунё бўла олиши мумкин? У ерга Англия, Америка, Туркия, Арманистон, Франция каби мамлакатлар қандай қилиб сиғиши мумкин? Шу мияти юлдузга Истанбул ёки Измир жойлашиши мумкинми ҳеч?

Унинг кулимсирагани овозидан билиниб турарди.

— Юлдузлар жуда узоқда, шу боисдан улар кичкина кўринади. Аслида улар кичкина эмас...

— Қанча узоқ бўлса бўлсин, аммо улар ҳеч қачон дунё бўлолмайди.

Анча жим қолишди. Кейин Жаврия бирданига:

— Дунё бўлмаганлари ҳам кўп яхши! — деди.

— Нега?

— Юлдузларнинг юлдуз бўлгани, фақат нур сочиб тургани кўп яхши. Баладиянинг<sup>1</sup> кўча чироқлари бўлгани сингари, юлдузлар Оллоҳнинг чироқлари. Кўк гумбазини безатиш учун Оллоҳ уларни осмонга қадаб қўйган. Биласанми Акажон, мен кўкка боқдим дегунча нени эслайман?

<sup>1</sup> Баладия — туман ёки шаҳар ҳокимлиги. Давоми. Боши ўтган сонда.

— Билмайман, Жаврия.  
 — Отарчиларнинг ялтироқ кўйлаклари кўз олдимга келади. Уларнинг тангача ёпиштирилгандек кўринадиган кўйлакларини ёқтираман. Сен ёқтирмайсанми?  
 — Отарчиларнинг ялтироқ кўйлагини ҳеч кўрмаганман.  
 — Ҳеч кўрмаганмисан?  
 — Кичкина болалигимда онам олиб борган, бироқ яхши эслай олмайман.  
 — Онангми?  
 — Нега ҳайрон бўляпсиз? Ҳаммада бўлгани сингари менинг ҳам онам бор. Нима, онам бўлмаслиги керакми?  
 — Бўлади, албатта. Ҳамманинг ҳам онаси бўлади, сеники ҳам бор, албатта. Овозидаги ҳаяжонни билдирмасликка уриниб:  
 — Онанг тирикми? — деб сўради.  
 — Ҳа!  
 — Истанбулдами?  
 — Йўқ, узоқда, анча узоқда, — деди. — Унинг овози бирданига ҳазинлашди.

Жаврия ўксиниб:

— Узоқда бўлса ҳам онанг бор экан-ку! — деди, сўнг: — Менинг онам бўлмаган, — дея илова қилди.

У:

— Онасиз бола туғилмайди! — дегунча:

— Мана мен онасиз туғилганман, — деди. — Ҳеч қачон онам бўлмаган. Осмондан тушган бўлсам керак. Мен ҳақиқатан бирор аёлдан туғилганманми, йўқми, худо ҳаққи, билмайман.

“Осмондан тушганман” деркан, юлдузларга қаради. Уларнинг жимирлаши шунчалар яхши кўриниб кетдики, бирданига соддаларча ҳазин товущда деди:

— Балки бўлса бордир. Модомики, у юлдузларнинг ҳар бири бир дунё бўлса, балки мен ўша ердан бу дунёга тушиб қолгандирман.

Жимирлаган юлдузлардан тушган киши бўлиш унга ниҳоятда ёқиб кетди ва:

— Балки шунинг учун ҳам менга фосфорли деб лақаб қўйишгандир, — деди ва бирданига ажиб бир севинч туйғусини ҳис қилди.

У Жавриянинг болаларча содда, узук-юлуқ сўзларини жим туриб эшитаётгани.

Жаврияга ўз сўзи яна маъқул тушмади:

— Бунчалик юқоридан тушсам, балки мажақланиб кетган бўлардим.

Кўққисдан кўзи олдида мудҳиш бир манзара гавдаланди.

Бир кунни Кумри Фатош исмли бир қиз “Боязид ёнғин минорасига чиқайлик” деб барчани ҳоли-жонига қўймади.

Ўша кунни улар тўрт қиз эдилар. Июнь ойининг ажойиб кунларидан бири. Ҳаво ҳали унча иссиқ эмас. Мовий осмон тип-тиниқ ва мусаффо.

Кумри Фатош ҳаммага патта олиб, уларни минора тепасига олиб чиқди.

Қизлар ҳазил-хузул қилиб, хандон ташлаб кулишади, Фатош ҳам баробар ўйнаб-кулаётгани. Бироқ биров не бўлганини англашга ҳам улгурмасдан Кумри Фатош ўзини минорадан пастга отди. Қизлар унинг пастга қандай учиб тушганини ўз кўзлари билан кўришди.

Кейин бечора Кумри Фатошнинг гавдасини пастда, тошлар устида мажақланиб кетган бир ҳолда кўрдилар.

Уч қиз дод солиб, айланма зиналардан югуриб тушган эдилар.

Бу зинапоядан тушиб нақадар машаққатли, нақадар даҳшат бўлган эди.

Нега Кумри Фатош ўзини минорадан пастга отди? Ўйнаб-кулиб туриб, бирдан ўзини ташлашига сабаб нима? Боши айландими, мувозанатини йўқотдими ёки ақлдан оздими?

Жаврия ҳам, қизлар ҳам ўйларининг тагига етолмадилар.

Кумри Фатош яхши қиз эди. Доим хушчақчақ, шўху шодон юргувчи эди. Ўзи кишлоқдан чиққан. Бир зилзила пайти етим қолган, уни шаҳарга опкелиб, тарбиялашган. Бир оила уни фарзандликка олган, аммо бу оилада нелар бошига тушмади унинг. Охири азоб-уқубатларга чидамай, шу атрофдаги бо-

ёнларнинг уйида қоровул бўлиб ишлайдиган бир ёш йигит билан қочиб кетди. Бироқ йигит у билан атиги бир кеча яшади холос. Боёнлар ўша кунинёқ ҳамма гапни билиб олишганди. Қишлоғида хотини бўлган қоровул йигит ишдан ҳайдаб юборишларидан қўрқиб, Фатошни эртасигаёқ уйдан чиқариб юборди.

Қочган уйига қайтишга Фатошнинг юраги бетламади. Шундан сўнг у кўча қизига айланди.

Жаврия эсига тушган бошқа нарса ҳақида баланд овоз билан деди:

— Бир марта Такфур саройидан пастга бир одамни отишди. Мен ўша ерда ўтлар орасида дам олиб ётган эдим. Қарангки, бу балога йўлиққурга ҳеч нарса бўлмади. Мушукдек оёқ устида тушди. Дарров ўрнидан сакраб турди-ю қочди кетди, ҳатто оқсагани ҳам йўқ.

— Демак, сиз юлдузлардан ерга оёқ устида тушган экансиз-да?

— Акажон, мен қачон, қаерга тушмай доим оёқ устида тушаман. Денгизнинг куми бор, менинг омадим бор. Қолаверса, иллю, ер устига тушиш шартми? Сен кўприкдан денгизга калла ташлаган сузувчиларни ҳеч кўрмаганми-сан? Ҳатто мен ҳам Унқапани кўпригидан ўзимни ташлаб кўрганман. Сувга тушсанг ҳеч гап бўлмайди. Балки мен юлдуздан сувга тушган бўлсам керак.

Сўнг кулимсираб:

— Тўғриси айтганда, бу бир тахмин холос, — деди. — Лекин Республикаи байрами кунини учоқлардан парашотда тушганларни кўрганман. Оҳиста сузиб, ерга қўндилар. Ҳеч кимга ҳеч нарса бўлгани йўқ.

Унинг овозидан ҳамон кулимсираётгани билиниб турарди.

— Балки Оллоҳ сизни юлдузлардан бу дунёга парашотда ташлагандир?

Жаврия:

— Йўқ, — дея жавоб қилди. — Бундай бўлмаса керак. Ҳар ҳолда мен осмондан тўғри денгизга тушган бўлсам керак. Чунки эсимни таниганимдан буён кўприк остида тунаб, нукул денгизда чўмиламан. Хотирамда қолгани шу.

Анчагача жим қолишди. Сўнг Жаврия:

— Кўприк остида денгиз ниҳоятда гўзал товланади, — деди. — Кўкимтир, бунинг устига денгиз доим тўлқинланиб туради. Бейўғели дўконлари витриналарига газмолларни қат-қат қилиб осиб қўйишади-ку, худди шунга ўхшайди. Галата кўпригининг остида денгиз жуда чуқур. Бир кунини шўнғиб, сув остидан бир нарса олчиқмоқчи бўлдим, нафасим қайтди. Ҳеч тагига етолмайсан, ўпқонга ўхшайди. Болалар бу ернинг чуқурлиги етти минора узунлигига тенг келади, дейишарди. Бўлса бордир. Кўприкнинг устида сайр қилганмисан ҳеч? Йўсин ва пароход тутуни ҳиди уфуради. Хуш ёқали кишига.

Жаврия дераз томон юз буриб, ҳавони ҳидлади.

— Бу ердан ҳам доим тутун ва йўсин ҳиди келади. Денгиздан денгиз ҳиди келади. Шу боис уни яхши кўраман. Денгиз ва балчиқ ҳиди бор. Денгиздан тарвуз ҳиди келади. Шундай эмасми? Кечалари кўприк остида ўтириб, оёқларимни денгизга солган ва ўша ҳидни сезган заҳоти тарвуз егим келади.

Жаврия кулиб илова қилди:

— Баъзан ахлат ташувчи қайиқлар денгизга ахлат ағдаришади. Аксига олиб, шамол жанубдан эсиб қолса борми, ахлатнинг ҳаммаси кўприк томонга оқиб келади. Денгизнинг шундай ажойиб ҳидига ахлатнинг қўланса ҳиди аралашади, оқибат — кишининг кайфи бузилади. Ўшандай вақтларда балиқчи кушларнинг чарх уришини кўрсанг. Бечора кушлар. Бир нарса топадигандек ўзларини ахлат уюмига уришади, гоҳ кўтарилиб, яна пастга тушишади, учади, қўнади, учади, қўнади бечоралар. Ахлат уюмлари қирғоққа келиши билан кўча болалари балиқчи кушлар каби ахлат устига ташланадилар. Акажон, бу ахлат ичидан нелар чиқишини билсайдинг. Ажойиб қутилар, тахта парчалари. Тахталарни қуёшда қуритиб, ўтин ўрнида кекса хотинларга сотишади, нон пули чиқади. Менинг болалигим денгиз бўйида, денгиз ичидида ўтди.

— Демак, ота-онангиз кимлигини билмайсиз?

— Онамни ҳечам билмайман. Гўдаклик чоқларимда ёнимда бир касалванд одам бўлгучи эди. Ориқ, узун бўйли. У кишини жуда яхши кўрганимни эслайман. Эслаган заҳоти соғинаман. Нега яхши кўрганимни билмайман. Эҳтимол, у киши менинг отам бўлгандир.

Жаврия бир оз жим қолди. Сўнг кулиб:

— Балки юлдуздан денгизга тушган пайгимда мени топиб олган кишидир у, — дея ҳазил қилди. Бу оқшом у ўзига-ўзи ҳазил қилгиси келаётганди.

— Сиз бутун юлдуздан тушганингизга тамоман ишонганга ўхшайсиз.

— Тўғриси айтсам, бу гўзал юлдузларни кўриб, ихтиёрим қўлимдан кетганга ўхшайди. Юлдуздан тушган киши бўлиш менга жуда ёқади. Шундай эмасми Акажон?.. Кўзиқорин эмасманки, ердан бодраб униб чиққан бўлсам.

Жаврия бирдан жим қолди. Қалбини чексиз бир ҳазинлик қамради. Сўнг у ўқсинган бир товушда сўради:

— Сенинг онанг бор экан, Акажон... Менга айт-чи, онани жуда яхши кўришадими?

Йигитнинг товуши меҳр-муҳаббатга йўғрилган ҳолда жаранглади:

— Онани жуда яхши кўришадим, Жаврия!

— Уша ориқ ва хаста киши ҳар ҳолда менинг отам эди, чунки уни эсладим дегунча қалбим қувончга тўлади. Бир кунни у кўприк остида ўлди. Агар у отам бўлмаганида мени бунчалар яхши кўрмаган, мени бу қадар парвариш қилмаган бўлурди. У борлигида ғам-ташвиш нелигини билмасдим. Менга иссиққина кестана<sup>1</sup> олиб берарди. Ўзи емай менга едирарди. Уйкута ётганимизда мени қўйнига олар, совқотган оёқларимни қўйнида иситарди, камзули, пальтоси, хуллас, борини устимга ёпарди. Бутун борлиғи билан мени совуқдан асрарди.

Жаврия жим қолди, сўнг кўкқисдан:

— Сен ҳам ўша тобим қочган кечаси мени пальтонг билан ўрадинг!.. — деди.

Ўша воқеани эслаб ҳаяжонланиб кетди. Бу воқеа кўприк остида устига пальто ташлаб, уни совуқдан асраган кишини эслатганидан жуда ҳайратга тушди. Сўнг астагина:

— Отамга ўхшаб... — дея шивирлади.

Жаврия шу чоққача ўтмиш хотираларидан ҳеч кимга сўз очмаган ва бу хотираларни эслаганида ҳеч қачон кўзларига иссиқ ёш тўлмаган эди. Энди бошидан ўтказганлари тўғрисида сўзлар экан, тош қотиб музлаб ётган бу эски хотиралар тўсатдан эриб, жонлана бошлади.

Ўтмишдаги воқеалар худди ҳозир бўлиб ўтаётгандек туюларди. Аввалги шодлик онлари ҳам, ғам-андуҳли лаҳзалар ҳам худди ҳозир содир бўлаётгандек қалбига таъсир қиларди. Энди Жавриянинг сўзлари бамисоли беморнинг алаҳсирашига ўхшаб кетарди.

— Ҳа, худди шундай, у киши жуда яхши одам эди. Мени яхши кўрарди. Кўприк гўё отасининг мулкидек остида тунашни тақиқлашади. Отам кечалари мени баржаларнинг хилват бир гўшасига олиб борар, ўша ерда тунардик. Ёлгон бўлса худо урсин, отам мени шундай боққан, шундай боққанки, бундай ҳаёт ҳатто лордларнинг тушига ҳам кирмаган. Ўзи емай менга едирар, ўзи ичмай менга ичирарди. Еганим олдимда, емаганим кетимда эди.

Кўприк остида, бечора касалванд одам ёнида ўтган умридан Жаврияда ҳақиқатан самимий хотиралар қолганди. Жаврия бу даврни ҳаётининг энг масъуд ва бахтиёр палласи каби ёдга оларди.

Зотан Жаврия озгина нарсага ҳам қаноатланадиган одамлар тоифасидан эди. У бутун умрининг деярли ҳар бир кунини мана шундай мамнуният билан ёдга оларди. У табиатан ҳаётсевар инсон эди. Турфа рангларга тўлиқ ҳаёт унга доим мафтункор, гўзал ва ранг-баранг туюларди.

— У ўлган кунни кўп йиғладим. Уша кунимиди ёки бошқа кунимиди, эсимда йўқ, кўприк остидаги шумтакаларнинг бармоқларини биғиз қилиб мени кўрсатишадигани ҳамон кўз ўнгимда. Аниқ эслай олмаймаман. Бирон айб иш қилганимдими ёки баладия кунни туғиб, кўча болаларини Дорулжазога опкетиш учун қидирув бошланганимиди, хуллас, нечунлиги эсимда йўқ, атрофимни полициячилар ўраб олган. Мен бирдан қочдим, понтондан понтонга сакраб, қочиб кетавердим. Сичқон инига ўхшаш тор тирқишлардан ўтиб кетдим. Бу жойлардан полициячилар у ёқда турсин, бошқа болалар ҳам ўтолмасди. Фақат бўйбаста меникидай бўлган болакайларгина бу тирқишлардан ўта оларди. У бўлди, бу бўлди, чопа-чопа полициячилар қўлидан кутулиб кетдим. Худди мана шу қаричимдек кичкина зумраша эдим ўша пайтлари.

<sup>1</sup> К е с т а н а — каштан ёнғоғидан пиширилдиган таом.

Полициячиларни лақиллатгани эсига тушган шумтака боладек ҳузурланиб кулди.

— Сўнг устига қандай чиқдим, билмайман, бир сувсиз фавворанинг ичига биқиндим. Ҳар ҳолда мени Унқапани кўприги устида қувган бўлсалар керак. У пайтлари ҳозирги кўприк йўқ эди. Ҳарҳолда шундай бўлса керак, чунки янги кўприк қандай қурилганини яхши эслайман. Шундай қилиб, кечалари фаввора ичидан чиқиб, у ёқ-бу ёқда тентирар, даста-даста сабзавот чиқиндиларини топардим. Мен ҳам балиқчи қушлар каби бу ташландиқ сабзавот орасидан ризқимни терардим.

Жаврия жим қолди, кейин осойишта ва хотиржам товушда:

— Оллоҳ буюк, — деди. — Бандасини ризқсиз қолдирмас. Менинг ризқим чиқиндилар орасида эди. Ҳа, ризқ-рўзим шу бўлди. Шу туфайли ўлмай қолдим. Истанбулда кимса очидан ўлмайди. Гадо бўлса бордир, лекин очликдан ўлган йўқ. Хайр-садақа ҳисобига ҳам яшаш мумкин. Таваққалчининг ишини худо ўнглайди, деб бежиз айтишмаган.

— Сиз шу қадар севадиган Оллоҳ ризқингизни сизга тоза-покиза ҳолда беролмасмиди, ажабо?

— Оллоҳнинг ишига аралаштириб бўлмайди! — деди Жаврия. — Пешонамизга не ёзилган бўлса, шуни кўрамиз, тақдиримизда бори насиб бўлади.

Ҳисорда Жавриянинг ўзини унинг қайиғига олиб тушган ҳам тақдири азал эмасми?

Жаврия толеи ва тақдиридан ҳеч қачон норози бўлмаган. Ҳаётда кўрган-билганидан яхшироқ нарсалар бўлиши мумкинлиги хаёлига ҳам келмас, бундан яхшироғини ҳам билмас ва шунинг учун ҳам ҳеч қандай хафагарчилиги, армони йўқ эди.

Юлдузларга тикилиб, оҳиста товушда гоҳ шодланиб, гоҳ маъюсланиб, гоҳ қаққаха отиб, гоҳ хўрсиниб, ҳаётининг энг зўр дамлари ҳақида сўзлашда давом этди.

— Ризқимизни Оллоҳ бериб турибди, шунинг учун ҳам биз тирикмиз, Акажон, — деди. Сўнг яна давом этди: — Не-не машаққатлар тортмади Жаврия, Оллоҳу карим уни ўз паноҳида асраб келяпти. Шу Истанбул кўчаларида қанча тентирамадим дейсиз. Оллоҳ мендан воз кечдим, йўў... Бу ёруғ дунёда отам йўқ, онам йўқ. Улкан шаҳарни гўё душман босгандек, қаерга борма қувиб солишади. Шундай бўлса-да, биз ҳам бўш келмадик. Шунча вақтдан бери ким пешонамизни силади? Шу ёруғ жаҳонда на бошпанам, на ўчоқда ошим бор. Оллоҳ буюк. Мен унга шукр қиламан. Бир ғамхўри бўлмаган мендай бечорага вояга етгунига қадар ким ризқ берди? Бўш қайиқ топдик дегунча болалар билан балиқ овлаш учун денгизга чиқардик. Чиртлоқ Ҳамди деган бола бор эди. Бир куни мудириятнинг иккинчи қаватидан ҳовлига сакраса бўладими? Қандай сакради-я, ёқангни ушлайсан! Денгиздан балиқ тутиб келдик дегунча у бизга зайтун ёғи топиб келарди. Қаердан оларди — билмайман, лекин ҳамини зайтун ёғи опкеларди. Дарров бир ўтлоқда гулхан ёқиб, денгизданми, чиқиндилар орасиданми, қаерданми топиб келган консерва қутиси ичига зайтун ёғи тўлдириб, балиқни қовурардик. Қиш кунлари бўлса қорда қопқон қуриб, тузоқ қўйиб, қуш тугардик ва дарҳол ўша ернинг ўзида пишириб ердик. Кўпинча қайиқлардан мева, сабзавот тушириб берардик. Мол эгаси бизга пул бермас, мева-чевадан истаганингизча енг, дерди. Бир гал қайиқдан мушмула<sup>1</sup> туширдик. Эгаси қўлимизга сават берди. Оқшомга қадар ишлаб, ҳолдан тойдик. Бироқ у киши охирида бир сават мушмула берса бўладими?! Болалар билан бир ўтиришда ҳаммасини паққос туширдик. Мен кўп еворганим учун касалланиб қолдим. Мушмула заҳарли эмас, аммо... Ҳар нарсанинг ози яхши, кўпи кўплик қилади. Хуллас, хасталаниб, кўчада йиқилиб қолдим. Касалхонага ётқизишди. Ошқозонимни ювишди. Дорулжазога тушишимга сал қолди. Қорақўлнинг деразасидан чиқиб қочиб қутулдим. Ҳеч эсимдан чиқмайди, ўша кечаси бизнинг бечора Филай Қотининг оёқларини трамвай чўрт узиб юборган эди. Агар билсанг, юқорида Фотиҳ кўчасига яқин ерда бир эски мадраса бўлгучи эди. Унинг ҳужраларида бева-бечора, камбағал кишилар яшарди. Шаллақи Амина деган бир хотин ҳам ўша ерда яшарди. Бир

<sup>1</sup> М у ш м у л а — мева.

куни у менинг ва менга ўхшаш бир неча боланинг кўзига чўп солди. Биз тиланчилик қиладиган, оқшом пайти топганларимизни унга келтириб берадиган бўлдик. У бўлса бизни ювиб-тарайдиган, овқат пишириб берадиган бўлди. Истанбул кўчаларини ўзаро бўлишиб олдик. Анчагина пул топдик. Оқшом пайти пулни опкелиб бердик. У ўша оқшом гўмма пиширган экан, бизни гўмма билан сийлади. Ўзиям гўммамисан, гўмма бўлган экан, товоқларни ейишимизга сал қолди. Ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Кечаси тагимизга похол тўшак ёзди. Ёнма-ён ётдик. Эргалаб бизни яна кўчаларга тарқатиб юборди. Яна тиландик. Бироқ у бу оқшом бизга гўмма эмас, қовурилган ловия берди. Кейинги куни буғдой гўжа ичдик. Тўртинчи куни бўлса фақат тешиккулча берди. Хотин бизни лақиллата бошлаганини тушундик. Бизни оч қолдиргани етмагандай, кундузи бизни топмаса, кечаси калтаклар эди. “Ярамаслар, валадизинолар. Амина момонгиз бу дунёга оқшомлари сен ҳароми текинтомоқларнинг қорнини тўйдириш учун дунёга келганми? Кундузи шаталоқ отиб ўйнаб юрасизу, кечалари юмшоқ тўшакда ётишни, ширин таом ейишни хоҳлайсизми?..” дея бақириб-чақириб кетарди. Бир куни болаларнинг ҳаммасини тўтлаб дедим: “Бу шаллақи кампир бизни эшакдай ишлатади. Бироқ ошу нон бермайди, бунинг устига калтаклайди ҳам. Нега энди унга мардикорлик қилишимиз керак? Ҳозиргача бизни у боққанмиди? У бўлмаса оч қолармидик?” Хуллас, болаларни қаїрадим. Болалар масалани тушунишди. Ўша кундан бошлаб Амина учун ишламайдиган бўлдик. Мен унинг ёнига бордим. Болаларнинг энг каттаси мен эдим. “Менга қара, онагинам, — дедим унга. — Биз ўзаро гаплашиб сен билан ишламасликка қарор бердик. Сенга ҳар куни пул келтириб берсак-да, ҳақимизни бермаяпсан. Биз каби етим-есирларнинг ҳақини ейиш гуноҳ эмасми?! Бир оёғинг ерда, бир оёғинг гўрда. Гўрков Маҳмуд сени интизор бўлиб кутиб ётибди, қачон бўлса ҳам муздек лаҳадга кирасан. Шундай экан, Оллоҳдан қўрқмайсанми? Сен бизларни онадан ҳафтафаҳм туғилган, ақли қисир ёки эшакмия деб ўйлаганмидин? Бундан кейин сен билан ишлаймиз!” Кампир бирдан кўпириб-тошди. Супургини олиб, мени ура кетди. Қовурга суякларим пешвар куйини чалди. Мен дод солдим дегунча, эшик ортида пойлаб турган кузғунларимиз ичкарига ёпирилиб киришди. Ҳаммаси зумраша, бироқ учтига чиққан безори. Орамизда Кўчқор Мустафо деган бири бор эди. У ҳозир ҳам Галатанинг балойи азми. Уришса кўчқорга ўхшаб нукул калла кўяди. Бир калла кўйдими, агар Рустами Достон бўлса-да, йиқилади. Бошига темир билан урсанг ҳам таъсир қилмайди. Бу болани онаси танк қилиб тукқан дейсиз. У пайтлари ҳали ўзи муштдек бўлса-да, калласи ҳозиргидай катта эди. Хуллас, у кампирга бир калла кўйганди, чўзилди қолди. Болалар ҳашоратдек ҳар тарафни тита кетишди. Кўрпа-ёстиқ ҳам қолмади. Анчагина пул чиқди. Кампирнинг қўлини боғладик. Пулни унинг кўзи олдида тақсимладик, хотинга ҳам барча билан баробар улуш ажратдик. Ҳар биримизга учтўрт соққа тегди. Кейин кампирнинг қўлини бўшатиб, чиқиб кетдик. Хотин қорақўлга шикоят қилса керак, деб анчагача хавфсираб юрдик. Қорақўлдагилар қўлимиздан олиб қўймасидан олдин пулни сарфлаш ниятида олдин қандолатчига, ундан кейин муҳаллебичига<sup>1</sup> бордик. Ўша кунгача муҳаллеби еб кўрмагандим. Ошпаз устига гулоб селди. Таомдан гул бўйи уфуради. Битта едим, сўнг яна битта олдим. Кейин кўчага чиқдим. Дўконларнинг витриналарини томоша қилдим. Тайёр кийимлар осиглиқ. Бу либосларни томоша қилаётганимда ёнимда бойқушкўз киши пайдо бўлди. Дўконга кирсам, бола бўлганим учун менга қўйлак сотмайдилар, бунинг устига пулни қаердан олдинг, деб сўрайдилар дея кўрқдим. Ўша одамга: “Амаки, — дедим, — мана шу пулни олиб, ичкаридан анави қирмизи қўйлакни менга олиб беринг...” Қўлимдаги пул у қўйлакни сотиб олишга етмасди, ҳар ҳолда, бироқ бойқушкўз гинг демади. Пулни олиб дўконга кириб кетди. Бироқ қайтиб чиқмади. Текин келган тез кетаркан. Бу аблаҳ бизнинг яканни олиб, жуфттак ростлаб қолган экан. Кампир ўзининг айби борлиги учун қорақўлга хабар бермаган бўлса керак, полиция-молиция бизни тутмади. Бошқа сафар яна бир мутгаҳамга дуч келдик. Ҳаммамизни чўнтаккесарликка, қорадорига ўргатишга сал қолди. Мен сўйлафу сен эшит. Шу Истанбул ичида не ўйинлар борлигини бир кўр. Бир

<sup>1</sup> М у ҳ а л л е б и — гуруч унидан тайёрланадиган киселга ўхшаш таом.



куни тизза бўйи қор ёғди. Қорбўрон ҳануз давом этарди. Трамвай йўлларини тозалашар, бироқ кўп ўтмай излар яна қорга кўмилиб қоларди. Трамвайлар, бир-бир, аста-аста юради. Истанбулда ана шундай қорбўронли кунлар бўлиб туради. Бундай вақтларда истанбулликлар шаҳарни гўё кўча болалари ихтиёрига ташлаб, уйларига биқиниб олишади. У вақтлари Жўхорибозори ва у ердаги боғ ҳали йўқ эди. Биз, болалар, автомобиллар ҳосил қилган из устида турардик. Болалардан бири ёки бир нечтаси босмахонадан ўмариб чиққан бир кучоқ қоғозни ёқиб, атрофида исинаётгандик. Автомобилларнинг гилдирақларига занжир тақилган, тақур-туқур этиб, ўтиб кетишарди. Эминўну майдо-ни, Янгижоме камарининг олди бўм-бўш, истасанг от чоғтир, чавгон ўйна. Хуллас, биз — беш-ўнга шумтака гулхан теварагида исиниб турибмиз. Тўсатдан ёнимизда бир барзанги йигит пайдо бўлди. Эгнида яп-янги қора пальто. Бўйнида қизил шарф. Бир кўзи иккинчисидан каттароқ, бурни ўроқдек бир олифта. Кўллари чўнтагида. Бизни биров кузатгач:

— Ҳой шумтакалар, — деди, — тўнғиз қўпасиз-ку бу совуқда. Нима, уй-пуйингиз йўқми? Боринг уйингизга кетинг. Нима бало, ота-онангиз йўқми, хавотир оладиган?

Ёнимдаги болани туртиб, қулоғига дедим:

“Оғайничалиш, бу ҳариф хитга ўхшайди. Бизни тутишмоқчи шекилли!” Ёнимдаги Чўлоқ Шавкат эди.

“Ундай бўлса яхши-ку, — деди у. — Балки Қорақўйдаги мактабга олиб боришар”.

Сўнг у келувчига юзланиб:

“Уйимиз борми-йўқми сенинг нима ишинг бор?” — деди.

“Сенларни тукқан оналарни худо урсин, нега улар сизларни излаб келмайди?”

“Менинг онам ўйнашларидан ортмайди, мен ҳақда ўйлашга вақти йўқ, — деди Шавкат. — У йигирма тўрт соатнинг йигирма бешини тўшакда айғирлар билан ўтказди. Уйга бориб нима қилардим? Номуссизларча ҳаром ишга гувоҳ бўлайми?”

Бизнинг Чўлоқ Шавкат у пайтлари етти-саккиз ёшларда эди. Унинг сўзи барзангига ғалати туюлди шекилли, олдин кулди, кейин:

“Аҳмоқ, — деди. — Сен ҳали она сути оғзидан кетмаган болакайсан. Номус қилишинга ҳали эрта. Бу ерда лақиллаб юрмай, уйингга бор. Онангнинг ўйнаши бўлса бўпти, сенга нима?”

Чўлоқ Шавкат хўроздек хезланди.

“Акам, сен йўлингдан қолма, — деди у. — Биз сен айтганчалик беномус лаққи эмасмиз”.

Чўлоқ Шавкат кўп яхши бола эди. Охир-оқибат номусига чидай олмади. Фоҳиша онасини ўн йилдан сўнг отиб ўлдирди. Ўзига ҳам ўлим жазоси берилди. Ўша куни барзанги йигит боланинг сўзларидан роса кулди.

“Билдим, — деди у. — Борадиган жойингиз йўқ. Қор ҳам тинмайдиган кўринади. Яхшиси, сизни ўз уйимга олиб борақолай. Мен сизга енгилроқ бир иш бераман. Олдин исиниб оласиз, қорнингизни ҳам тўйдираман. Кейин мен айтган ишни бажарасиз.

Ёнимдагиларга:

“Бу ҳариф яхши одамга ўхшамайди, — дедим. — Худо урсин, бу бизни етимхонага тикади. Сизлар ўғил боласиз, чўчимасангиз ҳам бўлади. Сиз учун Қорақўйда мактаб бор. Аммо мен не қиламан?”

“Сен ҳам шим кийиб оласан, — дейишди улар. — Агар Эминўну маркази томон юрадиган бўлса, ҳаммамиз бир томонга қочиб, бу ҳарифни чалғитамиз, сен бошқа томонга қочиб қутуласан”.

Ниҳоятда совқотгандик. Барзангининг таклифини қабул қилдик.

Унинг орқасига тушиб, Тахтақалъага қадар бордик. У бизни ўша ердаги ғаройиб бир кулбага олиб кирди. Кулба бир эски саройнинг орқасида жойлашган бўлиб, унга сарой ҳовлисидан эмас, кўча томондаги эшикдан кириларди. Атрофдан ичак-чавоқнинг қўланса ҳиди анқир эди. Қирган хонамизнинг ўртасида бир темир ўчоқ бор экан. Барзанги ўчоққа ўт қалаштирди. Ўчоқ атрофига тешиккулчадек тизилдик. У киши:

“Аввало қизиниб олинглар, сўнг гаплашармиз”, — деди.

Иссиқ ўчоқ бошида бизни икки-уч соат холи қолдирди. Бизга чой ҳам олдирди. Чойчи тешиккулча ҳам келтирди.

Жуда хурсандмиз. Бироқ ҳеч ким ўз-ўзидан худо йўлига яхшилик қилмас-лигини биламиз. Орамиздан бири, ҳозир унинг исми эсимда йўқ, ўртага чиқди:

“Менга қара, Амаки, — деди у. — Агар бизга айтган ишинг тиланчилик бўлса мени ҳисобдан чиқариб кўяқол”.

Бошқа бири ҳам:

“Бунақа иш меъдамизга урган, роса безганмиз”, — дея унинг сўзларини тасдиқлади.

Барзанги болаларга қараб кулди.

“Хавотирланманг, — деди у. — Бизнинг ишимиз шунчаки бир эрмак. Бироқ эндигина сал-пал исиниб ўзингизга келдингиз. Яна бир оз дам олинг, кейин гаплашамиз”.

Бошқалар не қилди, билмайман. Чой, тешиккулча ва ўчоқнинг тафтидан жуда хузурланаётгандим. Бу кишининг нияти яхши эмаслигини сезсам-да, дош беролмадим, кўзларим ўз-ўзидан юмилиб, пинакка кетибман.

Қанча ухлаганимни билмайман. Кўзимни очсам, атрофда ҳеч ким йўқ. Болалар қасқадир кетишган экан. Дарҳол ўрнимдан туриб, нариги эшик томон юрдим. Эшикка яқинлашдим дегунча енгил тортидим, ичкаридан дўстларимнинг овози эшитилаётганди. Ичкарига бош тикдим. Барзанги қора пальтосини ечиб ташлаган. Эғнида ҳали оҳори тўқилмаган жигарранг костюм-шим. Қизил шарф ҳамон бўйнида. Ичидан тўқ яшил енгсиз камзулча кийиб олган. Ўртада турволиб, болаларга бир нарса улашаётганди. Нима бераётган экан, деб диққат билан қарадим. Сигарета экан. Мен ҳам ичкарига кириб:

“Амаки менга ҳам битта сигарета бергин”, дедим.

Юзимга боқиб кулимсиради. Сўнг менга бир дона сигарета узатди.

Кейин ҳаммамизга қарата:

“Сигарета чекиб, маза қилинг, — деди. — Бугун ҳаво ёмон, иш қилиб бўлмайди”.

Болалар билан бараварига нариги хонадаги ўчоқ бошига қайтдик. Ўт қалаштириб, сигареталаримизни тугаштирдик.

Жаврия жим қолди. Сўнг ундан:

— Сен ҳеч қачон наша солинган сигарета чекиб кўрганмисан? — деб сўради.

— Йўқ, Жаврия!

— Яхши қилгансан. Дунёдаги энг ёмон иш бу. Не-не гулдай йигитлар бу балога йўлиқиб, тамом бўлишди. Оллоҳ ҳеч кимни бу балога йўлиқтирмасин. Мен бир марта чекиб кўрганман. Менга ҳечам ёқмади, кейинчалик ҳеч чекмадим. Уша кунни биринчи марта нашали сигарета чекиб кўрганман. Сигаретани чекдим дегунча, ғалати бўлдим. У пайтлари ҳали ёш бола бўлганим учун тезда ўзимдан кетиб қолибман. Мен хушимни йўқотгач, у ерда роса ажойиб ишлар бўлган. Кўчқор Мустафо “Сигаретани кейинроқ чекаман” деб олиб қўйган экан. Бошқалар каби ўша заҳотиёқ чекмаган. Шунинг учун ҳам, табиийки, у хушёр қолган, не бўлганини кўриб, билиб турган. У бизга айтиб берди. Ўзим билмайман ҳам, эслолмайман ҳам, аммо айтишларича, ўртага тушиб рақе туша бошлабман. Чиртлоқ Ҳамди ўзини Қорақўйдаги чорраҳада турадиган полициячи ҳис қилиб, ўртага чиққан ва автомобил, трамвай ҳайдовчиларига буйруқ бера бошлапти. Бошқа бири бўлса “Қочинг, ит келаётди, кутурган ит келаётир!” деб бақира-бақира ўзини бир томонга урипти. Яна бири бўлса ухлаб қолган. Хуллас, бу ер нақ жиннихонанинг ўзи бўлган-қўйган. Кўчқор Мустафо “Бу сигарета одамни телба қилар экан” деб қўрқибди ва ўз сигаретасини ўчоққа отибди. Бироқ биз чеккан сигарета тутунлари унга ҳам бир оз таъсир қилган. Уша чўтқа, динсиз, имонсиз барзанги охири Чиртлоқ Ҳамдини ҳам, Чўлоқ Шавкатни ҳам қора дорига ўргатди. Ўзимга келганимда аҳволим ниҳоятда ёмон, бошим лўқиллаб оғрир эди. Акажон, бу наша деган нарса мени олдин роса кайф қилди, сўнг қустирди. Ўладиган бўлдим, бир оз ҳаво олай деб ташқарига чиқдим. Чикдиму қайтиб кирмадим. Сўнг билсам, ўша ҳариф бир ярамас одам экан. Ўша хонасида тақхона очиб қўйган экан. У ёш болаларни қорадори ичириб, наша чектириб, ўзига ипсиз боғлаб олар, сўнг уларга кисавурликни ўргатиб, кўчага чиқарар экан. Аммо-лекин киса-

вурликда бу ўғрига етадигани йўқ эди. Ҳечам сездирмай кисса кесаркан бу ўғри. Бизнинг дўстларимизни у тарбиялади. Бечора Чиртлоқ Ҳамди, калласини бетонга уриб ёрмасидан илгари уни бир кўрсайдинг. Ҳатто кисавурларнинг пири унинг шогирди бўлса арзирди. Трамвайда бировнинг ёнидан ўтса борми, чўнтагини шундай бошлаб қоқлардики, бечора йўловчи сезмасди ҳам. Бундай қўли гул, устаси фаранг кисавур дунёда бўлмаган. Ҳатто устаси бўлган ўша ҳариф ҳам унга: “Сен менинг устозимсан”, — деган экан. Бир куни турмада ўн икки гувоҳ ёнида “Сен менга устозлик даражасига чиқдинг, мен сен билган усулларни билмайман” деб эътироф этган ва унинг қўлини ўпган. Ўша куни биз ҳам у ердан кетмасак охиригимиз вой бўлиши турган гап эди. Биз ҳам унинг ҳунарини эгаллаб, кисавурликка ўтган бўлардик. “Ниҳол ёш-лигида эгилади” деган гап бор-ку!

Ҳа, ўз ўтмишини, болалик чоғлари, ҳали бирор эркак кучоғига тушмаган даврига оид бу хотираларини унга сўзлаб беришдан чексиз хузурланмоқда эди.

Бошидан ўтказганларини шу чоққача ҳеч кимга ҳикоя қилмаган эди. Ҳеч ким унга бундай эътибор билан қулоқ осмаганди. У бутунга қадар фақат бугунги куни билан яшаган, ўтмишда кўрган-кечирганлари тўғрисида ҳам, келажакда нималар бўлиши тўғрисида ҳам ҳеч бош қотирмаган эди.

Ҳозир унга бошидан ўтказганларини сўзлаб берар экан, буларнинг барчаси унга тегишли эканини, булар ўз ҳаётининг мингларча парчалари эканини, бугун борлигининг асоси бўлганини чуқур ҳис қиларди.

Жаврия гоҳ-гоҳ жим қолар, бошига қуюндай бостириб келаятган яхши-ёмон хотиралари орасидан унга айтишга арзигуликларини танлаб олишга ҳаракат қиларди.

— Истанбул қалъа деворлари яқинида, ҳар ҳолда Чатладиқопида бўлса керак, бир боғ бўлгувчи эди. Боғ қабристонга туташиб кетарди. Қабристонда тўрт-беш мазор ва каттакон бир мақбара бор эди. Боғда шундай анжирлар бор эдики, Акажон, кўрсангиз, ҳар меваси нақ мана шу муштумимдек келарди. Истанбулнинг бошқа бирон жойида бундай анжир битмайди. Боғнинг орқаси эгасиз майдон... Қалъа вайроналари... Авваллари бу ерда шинакли деворлар бўлган. Хуллас, бу ер кечалари тунашга жуда боп жой эди. Анжир пишиди дегунча бизнинг қузғунлар ўша томонга танда қўйишарди. Мева мўл... Тоза ҳаво... Жоним қурбон бўлсин шу Истанбулга, қаерига борма шоҳона яшаш мумкин... Подшолардек яшаш мумкин, худо урсин шундай бўлмаса. Боғбоннинг қўлига тушиб қолсак борми, бизни хумордан чиққунча дўппосларди. Бироқ биз унинг йўқ пайтини пойлаб, анжирнинг устига ҳашоратдек ёпирилдик. Анжирнинг энг ширини қабристон томонда эди. Мазорларнинг орқасида, мақбаранинг ёнида, яшил саллали авлиёнинг бош учида ажойиб анжирлар бўлгувчи эди. Бу авлиёнинг бошидаги қулоқдан жуда кўрқардик. Шунинг учун бу анжир қанчалик ширин бўлса-да, яқин йўламасдик. Орамиздан кимдир: “Бу анжир авлиёнинг анжирини, ким еса шол бўлади” деганди. Бу ерга яқин боришга ҳам юрагимиз бетламасди. Уч оғборли Маҳмудиядаги парвоналар янглиғ бу ердан чарх уриб, айланиб ўтардик.

Бошқа анжирларни шип-шийдон қилиб бўлдик. Бир куни кундузи мақбара ёнидаги анжирга маҳлиё бўлиб тикилиб қолдим. Анжир билан менинг ўртамда унаштирув маросими бўлди. Оқшомга яқин Оллоҳнинг амри-ю, пайғамбарнинг хоҳиши билан никоҳ ўқилди. Энди кечаси гўшангага кирадиган бўлиб турибмиз. Ошпик куёвдек бетоқат бўлиб, қоронғи тушишини пойлаяпман. Шу чоқда бирор жойимдан эт кўпорсалар ҳам сезмайдиган ҳолдаман. Кўзим анжирдан бошқа нарсани кўрмайди. Бир авлиё у ёқда турсин, мингги чиқса ҳам парвойимга келмайди, ҳеч ким мени бу йўлдан қайтара олмайди. Кечаси олдин боғ деворининг у ёқ-бу ёғини кузатдик... Сўнг хотиржам бўлиб, ичкарига ўзимизни урдик. Боққа кирдим, ўзимни кўз очиб-юмгунча анжирнинг устида кўрдим. Анжирни еяверибман, еяверибман, йигирматами-ўттизтами, санамадим, роса паққос туширибман. Оқшом ҳам гўзал, кўкда ой порлайди. Шундай ойдин кечаки, суқинг киради. Болалар қолган-қутган анжирларни қоқлаш учун ўша кечаси боққа ҳужум этишга қарор қилишган экан. Улар боққа кирди дегунларича, анжирнинг устида бир нарса қимирлаганини кўриб,

кўрқувдан қотиб қолишган. Анжир дарахти муқаддас саналади-ку! Бунинг устига, бу анжир яшил саллали авлиёнинг бош учиди. Болалар ой нурида бир кўланка анжирнинг бир шохидан иккинчисига сакраганини кўрди дегунча, мени инсу жинс деб ўйлаб, ўтакалари ёрилган ва думини қисиб, қочиб қолишган.

Мен уларни кўрганим ҳам йўқ. Анжир устидан тушганимда юргулик ҳолим қолмаганди. Уша ернинг ўзиди, мозорлар орасида чўзилиб, ухлаб қолдим.

Жаврия анча жим қолди. Нималарнидир ўйлаётганди. Кейин:

— Ушандан кейин қабристондан ҳеч кўркмайдиган бўлдим, — дея мақганиб қўйди. — Қабристон ниҳоят сокин бўлади. Уликлар айлангани қабрдан чиқади деган гап бекор гап экан. Ҳаммаси гўё ўлиб ётгандай эмас, тинчгина ухлаб ётгандай туюлади. Мен қабристонда кўп тунаганман, бироррта ўлик кўрганим йўқ.

У қабристонларда тунаб қолиш билан бирга, танасини дуч келганга сотиб ҳам юрар эди. Бироқ қандайдир уят ҳисси бу ҳақда унга оғиз очтирмади. Унга фақат болалик чоғларига оид беғубор ва қизиқ хотираларидан ҳикоя қилаверди.

Болалик давридан сўнг бугунга қадар бўлган хотираларини унга сўзлаб беришни хаёлига ҳам келтирмасди.

Била-кўра эмас, ғайриихтиёрий бир истак билан унга ўзини фақат бу томондан кўрсатишни, оддий, беғубор ва куйди-пишди кўча боласи бўлганлигини англаштишни хоҳларди.

Ажабо, бошдан кечирганларини англатаркан, мавзу балоғат даврига бориб тақалармикан? Узи истамаган ҳолда унга ўз ҳаётининг чиркин томонлари, паст ва гуноҳ ишлар билан ўтган даври ҳақида ҳам очиқ сўзлаб берармикан?

Жаврия тўхтовсиз ҳикоя қиларди. Энди у бошқа мавзуга ўтган эди.

— Ёлғизлик ёмон эканлиги, айниқса, касал бўлганимда қаттиқ билинар экан. Соғ бўлсанг бас, Истанбулнинг истаган томонида ризқ топиб ейсан. Аммо бир марта касал бўлдингми, ҳолинга вой. Шу падарлаънат хасталик бир ёзда мени оёқдан олди. Иситма ичида ёнардим. Танам у ёқда турсин, ҳатто бош ўтиришга ҳам ҳолим йўқ. Ёз бўлгани учун вақтимизни кўпинча бўғоз томонда ўтказардик. Амиргоннинг устида, бироз ўнг томонида боғчининг орқасида мўъжазгина бир кўшк бўлгувчи эди. У ўт тушиб ёниб кетди. Кейин у ерда бошқа кўшк бино қилдилар. У вақтлари бинонинг тўрт девори кўтарилган эди холос. Кечалари ўша ерда тунаб қолардик. Бир кеча яна ўша ерга бордим. Ётдим. Эргалаб ўрнимдан туролмадим. Ёлғиз эмасдим. Ҳар доим тўрт-беш бола бирга юрардик. Мени туртишди, силкитиб кўришди. Суякларим зирқиллар, кўнглим айнир эди. Араб Жамила: “Ҳой қиз, сенга не бўлди? — деди. — Юзинг саргайибди. Нима, сафаринг қариб қолдим?” Устимга эгилиб, пешонамга тушган сочларимни тўғрилади. Кичик қўллари духобадек қоп-қора, тирноқлари садафдек ялттирайди. “Жамила опа, аҳволим ёмон!” — дедим. Жамила мендан катта эди. “Сен бугун шу ерда қимирламай ёт, — деди. — Биз овга чиқамиз. Тушгача сенга бирон нарса топиб келамиз”. Ҳаммаси чиқди кетди. Ерда увадаси чиққан кўрпача. Боғ этагида жойлашган, томи чўккан отхонадан топгандик бу кўрпачани. Кўрпача устида Жамила икковимиз ётардик. Жамила туриб кетгач, кўрпача устида ёлғиз қолдим. Ҳаво иссиқ. Қўнғизлар визиллайди. Пашшалар гужғон ўйнайди. Араб Жамила тушга яқин менга сут опкелди. Ҳатто сутни ҳам ичолмадим. Аҳволим янада оғирлашди.

“Жаврия, кўрқма, — деди у. — Мен шу ерданман, ўзим сенга худди онангдек қарайман. Касалхонага юбормайман”.

Биз, кўча болалари, ҳукумат қўлига тушишдан кўрқамиз холос. У ерда ҳар хил қаланғи-қасанғилар, жинниларнинг орасига тикишади. Дорулжазога жўнатишади...

Бечора Жамила менга “Сен кўрқма” дерди. Ҳолбуки, ўша пайтлари унинг ўзи қамишдек ориққина бир қиз эди. Кейин у тўлишди. Бўйи эркаклардан ҳам баланд бўлиб кетди. Бели хипчагина, болдирлари тикмачокдек, кўкракларини олмадеккина тим-тик бир қиз бўлдики, асти кўяверасиз. Бугун эркаклар унга ошику беқарор эдилар. Ўтган йили ҳаром сут эмган бир ҳароми тўсатдан икки курагининг ўртасига пичоқ уриб ўлдирди. Ушанда неча кун касал

ётганим эсимда йўқ. Ёлгон айтсам, тилим танглайимга ёпишсин, ҳеч ким мени Жамиладек парвариш қилган эмас. Ҳали ўзи ёш бўлса-да, боғлардаги қаҳвахоналарда, казиноларда кинофильмлардан ўрганган қўшиқларни инглизчага тақлидан куйлар, арабча рақс тушарди. Азбаройи худо, тақлидни шунақа қойиллатар эдики, Акажон, кинофильмлардаги занжи артистлар ора йўлда қолиб кетарди. Зотан кейинчалик ўзи ҳам артист бўлди! Мумхона кўчасидаги артистлар қаҳвахонасига бир чўтир йигит келиб турарди. Ўша чўтир уни бош артист қилди. Онадўлида бормаган қишлоқлари қолмади. Юнонистонун Арабистонга ҳам кетишди. Охирида ўша зоти пастни яхши кўриб қолди. Кошки бу беномус одамбашара бўлса. Кўзининг бири боққа қараса, иккинчиси тоққа боқадди, озги ўпқондек. Бироқ шопмўйлов. Кеккайиб сўз сўйласа, ҳаммани оғзига қаратади. Ишқилиб, бечора Жамила ўша дарди бедавонинг қўлига тушди қўйди. Артистликни ҳам йиғишгирди. Охир-оқибат қора тупроқ унга пар тўшак бўлди. Нима ҳам дердим? Қўлимиздан нима ҳам келарди? Хуллас, мен касалланганда Жамила кундузлари қаҳвахоналарда ашула айтиб, пул топар, оқшомлари келиб менга қарарди.

Неча кун беҳол ётдим. У менга қаради. Кейинчалик Оллоҳ менга қилган яхшилиги учун мукофотини ҳам берди. Охирида бўлса ўз айби туфайли йўқ бўлди-кетди.

Бироз жим қолди, бир нарсаларни ўйлади, сўнг ух тортиб:

— Оҳ, шу кўнгил! — деди. Кейин яна жим қолди. Агар хона ёруғ бўлганида юзи қизаргани кўринган бўларди. Ажойиб туйғулар уни бирдан тўлқинлантириб юборганди. Яна ўтмишга қайтиб, ҳикояни тўхтаган жойидан давом эттириш учун ўйга толди. Каловланиб қолганини ва “Оҳ, шу кўнгил!” сўзини нега айтганини унинг тушуниб қолишидан чўчиётган эди.

Ниҳоят ўзини қўлга олди ва яна аввалгидай сокин сўзлашга уриниб давом этдим. Сўзларкан ўтмиш хотиралари ичига кўмилди ва овозининг оҳангини ўзгартиришга уринишнинг ҳожати ҳам қолмади. Энди у ўз-ўзидан табиий оҳангда сўзлай бошлаган эди.

— Араб Жамилани бир вақтлар ҳақиқатан ҳам бошларига кўтариб юришди. Егани олдида, емагани ортида. Бир марта унинг концертини Тепаустида томоша қилдим. Уларнинг дастаси Тепаустида концерт берди. Худо ҳаққи, умрим бино бўлиб бундай рақсни ҳеч кўрмаган эдим. Унга пичоқ урган ўша лаънатини қаранг. Ун беш йилга кесилди дейишади. Оллоҳдан илтижо қиламанки, у ўша турмада ириб-чириб кетсин. Ўша ерда тўнғиз кўпсин. Навниҳол, гўзал бир қизни ўлдиришга қандай кўзи қийди унинг?! Бундайлар ҳеч қачон дўст бўлмайди. Оллоҳнинг балоси улар. Ундан бошқага қарамаслиги керакмиш. Гўё Жамилани шу ёшигача ўзи боқиб катта қилган, едириб-ичириб қўйган одамдай уни темир қафасга қамаб қўймоқчи эди. Жамиланинг қўлидан гувоҳномасини тортиб олиб, устига-устак, текин ишламоқчи ҳам бўлди. Бекорри айтибди. Артист деб қўйибди буни! Унинг касби шундай — сен билан юриши мумкин, бошқаси билан ҳам. Жамила олифта қиз эди. Кейинги вақтларда фақат Бафра маъдан сувини ичарди. Белидаги камарини, қўлидаги портсигарини айтмайсизми. Бай-бай. Ўзиям бир қултум сув билан ютадиган пари эди ўша кезлари. Бироқ унда кибр-ҳаво йўқ эди. Қаерда кўрса бўйнимдан кучоқлаб, чўлп-чўлп ўпарди.

Ҳа, улар бир-бирини опа-сингилдек яхши кўришарди. Бир умр бир-бирини қўллаб келишганди. Бироқ Жамила артист бўлиб, гуруҳга кирганидан сўнг анчагача бир-биридан айро тушдилар. Жамила Истанбулга охирги келишида, ўлдирилишидан бир неча кун олдин Жаврия билан кўришган ва икковлон Галатадаги маъхонада ҳасратлашишган эди.

Жаврияга: “Жаврия, бошлиғимизга сен тўғрингда гапирдим. Гўзал миллий ўйинлар ўйнай олишингни айтдим. Бир ой ичида сафарга чиқамиз, сени ҳам олиб кетамиз ...” деган эди.

Бироқ Жаврия бу таклифни қабул қилмаганди. Чунки Араб Жамиланинг охирги келишидан олдин Жаврия “у” билан танишган эди.

Шу боис Истанбулдан узоқлашгиси келмасди.

Шунингдек, худди шу боисдан, Сумбул Дуду айтган ўша қишлоқи бойга ўйнаш бўлишдан ҳам воз кечганди.

Ваҳоланки, Сумбул Дуду Жаврияни роса авраган ва:

— Жаврия, бундайлар кўчада ётмайди. Ақдан озганмисан, нима бало? Ёки эс-хушдан айрилдингми, бир дардга муштало бўлдингми? Бу йигит сенга Кутулиш томонда бежовлиқ-ясатигелиқ шоҳона уй олиб бермоқчи. Бу уйнинг ертўласи ҳам Қорчааҳмад қабристонни, Тошқишлоқдаги уйлардан ўлса ўлиги ортиқ. Бу йигитни нозу карашмаларинг адои тамом қилибди... “Сумбул Дуду, Фосфорлини кўндирасан, фақат Фосфорлини!” дейвериб, қулоғимни қоқиб қўлимга берди. Утган куни яна келди. Элликага отандан сўнг олдига бироз газак қўйдик. Гап ораси айттай, бу йигит шиша кўрса туролмайди. Бирам отади, бирам отадики ... Бўшаган шишанинг сон-саногги йўқ. Охири сендан сўз очди. Ишқ таърифиди Минакян жанобларининг дастасидаги марҳум Бинамежиян ҳам унинг олдида ип эшолмас экан. Сўйлаб жўшаверди, жўшиб сўйлайверди. Рўпарасида ўтиргандим. Энг охирида мени сен деб ўйладими, бўйнимдан кучиб, икки ёноғимдан ўпа кетса бўладими? Тўғриси айтганда, бу бола нариги ишларни ҳам бошлаб юбормасайди деб қўрқиб кетдим.

Жаврия бу сўзларни эшитиб, хандон ташлаб кулганди.

Ўша кишига ўйнаш бўлгиси келмади.

У кишининг ўзи Сумбулнинг мусофирхонасида ўтирган оқшом Жаврияга рўйирост шу таклифни айтганди. Пули борлиги кўриниб турарди. Ўша кечаси унга даста-даста пул берган ва агар у билан яшашга рози бўлса тилла занжир ва олтин билагузук олиб беришни ваъда қилган эди.

Жаврия бўлса: “Галатада олтин билагузук ёки занжир тақсанг борми, кимдир ё қўлингни, ёки каллангни кесиб кетади”, деб ҳазиллашганди. Сўнг:

— Яхшиси, сен билан ҳафтада бир марта кўришақолайлик, Ҳожи оға, — деб унинг бўйнига қўл солганди. — Ҳар куни кўришишга не ҳожат? Ўзинг биласан, ҳар куни ош есанг, кўнгилга уради.

Ҳожи оға сархушлиқдан сузилган кўзларини унга тикиб:

— Жаврия, сен ўлгунга қадар ҳам кўнгилга урмайсан... — деган ва уни бағрига босган эди. Ҳожи оға қишлоқлик бўлгани учун вақтидан илгари кексая бошлаганга ўхшарди. Неваралик бўлса-да, у эндигина қирқ ёшга тўлган эркак эди. Қишлоғида салобатли кўриниш учун мўйлов қўйган. Қалин шоп-мўйловининг орасида оқ мўйлари ҳам бор эди.

Қишлоқдаги хотинига кўпдан бери қарамай қўйган. Хотини ундан беш ёш катта бўлиб, олдинига акасининг рафиқаси бўлган. Акаси ўлганидан сўнг у келинойисини никоҳлаб олган. Ўша пайтда аёл йигирма, ўзи ўн беш ёшда бўлган. У кўп йиллар бу аёлни худди Жаврияни севгандек севган. Ўн йил. Ўн йилдан кейин ўзи йигирма беш, хотини ўттиз ёшга киргач, хотинини кексайди деган фикрга борган.

Ўша вақтдан бошлаб у хотинига хиёнат қилиб келарди.

Бироқ ҳеч бир хотин унга Жавриячалик ёқиб қолмаганди.

Кейинги вақтларда у иш юзасидан Истанбулга тез-тез келиб турарди.

Сумбул Дуду айтган уй, тўшоғлиқ — бежовлиқ уй иккинчи қаватда эмас, балки биринчи қаватда жойлашган икки хонадан иборат эди. Бу уй бир юнонга тегишли бўлиб, хонада ундан қолган ашёлар бор эди.

Ҳожи оға олдин бу уйга ёшгина бир юнон қизни олиб келди. Олти ой мобайнида Истанбулга ҳар келганида унинг ёнига тушиб юрди. Охирги марта хабар бермай келган кечаси қизни ёш ва келишган бир юнон йигити билан қўлга туширди. Қиз:

— Бу ... бу қариндошим. Мататео акам...— дея уни алдамоқчи бўлди.

Бироқ шаҳарликларга алданиб, “аҳмоқ” деб ном кўтаришни истамаган барча қишлоқликлар сингари Ҳожи оға ҳам бу сўзларга ишонмади. Йигитни ҳам, қизни ҳам хумордан чиққунча дўшослаб, ҳайдаб юборди.

Уйнинг бир йиллик ижара ҳақи олдиндан тўлаб қўйилгани учун яна беш ярим ой у ерда ўтирадиган бир аёлга эҳтиёжи бор эди.

Ҳожи оға Жаврия билан беш ярим ой ўша уйда айшу ишрат қилмоқчи эди.

Эҳтимол, бошқа бир пайт бўлганида, Жаврия бошқа кўча қизлари каби, шубҳасиз, бу таклифни жон деб қабул қилган бўларди. Бироқ ҳозир у бунга кўнмади.

Хоҳијамади, тамом-вассалом. Агар Ҳожи оға билан бирга яшашга рози бўлса, “у” ни соғинган кечалари қандай қилиб бу “аҳмоқ” нинг ёнидан чиқиб кета олиши мумкин? Ҳожи оғанинг бўйнига чирмашган қўллари Жаврияга уни занжирбанд этаётган кишан бўлиб кўринарди. Ўз-ўзига: “Бундай хотинбоз ҳайвонлар билан бир марта ётилади. Сўнг қайтиб қорангни кўрсатмайсан. Ахир, ҳар куни бир кишининг ўзи билан ишрат қилишнинг не қизиғи бор?” дер эди.

Йўқ, йўқ, буларни, ҳаётининг бу томонларини унга айтишни ҳеч истамас эди. Бунга ўхшаш воқеаларни хотирлади дегунча уларни дарҳол унутишга ҳаракат қилар, биринчи навбатда уялтирмайдиган хотираларидан ҳикоя қилишга ўтарди.

— Араб Жамилани нақ икки курагининг ўртасидан пичоқлади. Динсиз, имонсиз!— дея давом этди у. Сўнг хўрсиниб кўйди. — Уни туғишган опамдай яхши кўрардим. Пул топсам, бир куни унинг учун мавлуд ўқитаман ...

Кейин:

— Мавлуд ўқитиш яхши иш, тўғрими? — деди. — Мавлуд ўқитилса ўлганлар шод бўлар эмиш. Ўқилган мавлуд уларнинг руҳини алқар эмиш.

— Буларни қаердан билдингиз?

— Буларни Қирқ Ямоқли Домладан ўргандим.

— Ким у?

— Қирқ Ямоқли Домлами? У мулла, Акажон. Султонаҳмадда олмонлар ясаган чашма ёнида тиланчилик қилади. Соқоли сариқ киши. Унча кекса ҳам эмас, бундай қарасанг, тоат-ибодатга ўтадиган ёшга кирмаган. Лекин жуда эътиқодли киши. Бир вақтлар ниҳоятда ёқимли овоз билан Куръон тиловат қилганини эшитганлар бор. Ҳофиз ўтган экан. Куръонни шундай қироат билан тиловат қиларканки, таърифига тил ожиз. Ёқимли овози борлигидан хабар топиб, уни ашула айтиш учун казинога таклиф қилишибди. Катта пул беришган. У ҳам рози бўлган. Бироқ Оллоҳнинг газабига учрабди. Казинода ашула айтмоқчи бўлган биринчи оқшомдаёқ овози хиппа бўғилибди қолибди. Ҳозир ҳам товуши хириллаб чиқади. Ўзи бу ҳақда оғиз очмайди, пинҳон тутайди. Буларнинг барчасини, Оллоҳни ва Оллоҳни севишни менга у ўргатди. У билан суҳбатлашишни яхши кўраман. Қачон кўрсам дарров ёнига ўтираман. Сўзлари юрак-юрагингизга етиб боради. Жамила ўлганида кўп йиғладим. Ўша куни кўз ёшларим дарё бўлиб оқди. Дали-девоналардек тентираб юрганимда олдимдан чиқиб қолди. Ёнига бориб ўтирдим. Менга кўп нарсалар ҳақида гапириб берди. Қирқ Ямоқли Домланинг айтишича, инсон бир марта чин дилдан товба қилса, Оллоҳ барча гуноҳларидан кечар экан. Аммо бунинг учун чин дилдан товба қилиш керак экан.

Ичидан: “Мен ҳам бир марта товба қиламан” деб ўйлади, аммо овозини чиқариб айтмади. “Ҳали ёшман. Кексайиб, ажал яқинлашгандан кейин...” Сўнг яна сўзлашда давом этди:

— Қирқ Ямоқли Домла Жамила учун йиғлаётганимни кўриб, “Не бўлди? — деб сўради. — Нега йиғлаяпсан, Жаврия?” Мен унга “Авваллари доим мен билан юрадиган қиз бор эди-ку, исмини Араб Жамила дейишарди. Кўрган-мидинг-йўқми, билмайман. Бир имонсиз елкасига пичоқ санчиб ўлдирди...” “Уни жуда яхши кўрармидинг?” деди у менга. Дедимки: “Яхши кўрганда қандоқ! Ўз туққанымдан яқинроқ эди менга. Менга кўп яхшилик қилганди”. Қирқ Ямоқли Домлага ҳаммасини айтиб бердим. Танишпанимиздан буён Жамиланинг менга қилган яхшиликларини, касалланганимда қандай парвариш қилганини айтиб бердим. “Ундан қарздор экансан, — деди у. — Унинг арвоҳига мавлуд ўқит, руҳи шод бўлади, сен ҳам енгил тортасан ...” Мен унга пул бериб турдим, менинг ўрнимга мавлуд ўқиб турсин деб... Оллоҳ барча нарсадан хабардор. У ўқиган дуолар менинг учун ўқилганини билади. Йўлида қурбон бўлай Оллоҳнинг, унга ҳар нарса ошкор...

— Оллоҳни жуда яхши кўрасанми, Жаврия?

Жавриянинг товуши бирдан ўзгача меҳр билан товланди.

— Ундан бошқа севадиганим йўқ, Акажон.

- Уни нега севасан?
- Ишонганим учун.
- Унга қаттиқ ишонасанми?
- Албатта ишонаман. Унга ишонмай кимга ҳам ишонай?

Униси жим қолди. Бошининг устида учи-кети кўринмайдиган осмоннинг бир парчаси. У ерда сон-саноксиз юлдузлар жимирларди.

— Бу дунёда нимамиз бўлмаса уни Оллоҳ у дунёда берар экан. Нариги дунёда. Балки менга у ёқда бир она берар.

У кулди. Бу унга ажабтовур бир фикрдай туюлганди.

— Сўнг, ким билади, билки Оллоҳ Бейўғли дўконлари витриналарида осиглиқ турган, ҳар гал гўштга тикилган мушукдек ўртаниб қарайдиган ўша парли, гулдор телпакчалар, кўрғанда ичинг узиладиган ўша ажойиб ипак матолар берар менга. Кўнглинг не истаса шуни берармиш.

Бирдан Қопаличоршидаги бир дўконда кўрган келин кўйлак, гулчамбару ҳарир рўмол кўз олдига келди. Бу либосни кийиб, ўзини кўз-кўз қилаётгандек кўринди.

Ўзини оппоқ келин кўйлак, гулчамбару ҳарир рўмолда, уни бўлса ёнида кўкрак чўнтагида қизил рўмолча, оёқларида яп-янги ялтироқ туфли, бўйнига гулдор галстук таққан куёв ҳолида тасаввур қилди. Атир ҳиди уфуриб турган кўлини узатиб, Жаврияни кўлтиқлайди. Эғнида ложувард камзул, кулранг, дазмолланган шим. Қандай келишган бир куёв бўлган бўлурди у. Никоҳ ўқитиш учун баладия биносига киришади, сураткашларга расмларини олдиришади.

Бу гўзал хаёлдан Жавриянинг юраги дук-дук ура бошлади. Сўнг ичида: “Номаяқул бузоқнинг гўштини ебсан, — деди. — Бу дунёда бундай иш ҳеч қачон бўлмайди. Бу иш фақат охиратдагина, барча армонлар ушаладиган жойдагина бўлиши мумкин. Ҳа, фақат жаннатда...”

— Кўнглимизда неки орзумиз бор, ҳаммасига жаннатда қовушамиз.

Овози оҳистагина чиқди.

— Кўнглинг не тиласа ижобат бўларкан. Не ейман, не ичаман, не кияман десанг ҳам ҳамма-ҳаммаси.

У:

— Арвоҳларнинг бадани, жисми бўлмайди-ку, — деди. — Овқат ва кийим-кечакнинг не ҳожати бор?

— Қиёмат куни бирча қайта тириларкан, ўликлар қабрларидан чиқаркан.

— Ким айтди?

— Қирқ Ямоқли Домла. Сен эшитганмисан?

— Йўқ!

Жаврия бироз жим қолди. Сўнг:

— Ё сен Оллоҳга ишонмайсанми? — деб сўради.

— ...

Жаврия чўчиб кетди:

— Оллоҳга ишонмасанг қандай қилиб ишинг ўнгланади? — деди. — Товба қил. Оллоҳга инонган, жаннатта инонади. Жаннатта инонмасанг бу дунёда яшашнинг не қизиғи бор?

— Мен ҳам жаннатга ишонаман. Бироқ менинг жаннатим Қирқ Ямоқли Домла айтган жаннат эмас.

Жаврия умрида ҳеч қачон ҳеч ким билан бунчалик узоқ суҳбат қурмаган эди.

Жаврия умрида биров билан бунчалик узоқ суҳбатлашганини эслай олмади. Тотли бир чарчоқ ва роҳат оғушида чалқанча ётганча кўкни томоша қиларди.

Йўқ! ... Ораларида ҳеч гап бўлмаган бўлса-да, ўтмишининг энг масъуд дамлари ҳақидаги хотираларини унга тўкиб солган бу кечани ўлгунича унутмайди, бу оқшом эса унинг қалбида ҳаётининг энг бахтиёр куни бўлиб қолади.

Жаврия вақт ўтган сари ичида “Товба, товба!” дер, қалбини у тобора кўпроқ эгаллаб бораётганини ҳис қиларди.

Жаврия уни ҳурмат қилишини, уни севишини, унинг бошқалардан кучлироқ ва яхшироқ эканига ишонч ҳосил қилганини сезарди.



Бу ҳиссиёт уни Оллоҳга боғлаган ҳиссиётга яқин бир туйғу эди. Қирқ Ямоқли Домланинг ўғитлари билан қалбида Оллоҳга нисбатан қандай меҳр-муҳаббат ва ҳурмат уйғонган бўлса, энди бу бегона кишига нисбатан ҳам ана шунга яқин туйғулар уйғонган эди.

Унга бўлган ҳурмат туфайли уни ўзидан шу қадар устун деб билардики, худди муҳаббати, ҳурмати ва эъзози эвазига Оллоҳдан бир нарса кутмагани сингари, ўз туйғуларига жавобан ундан ҳам ҳеч нарса кутмасди.

Қирқ Ямоқли Домланинг таъсирида кечиргувчи, ризқ бергувчи, яратгувчи Оллоҳга нисбатан туғилган ишонч-эътиқод чиркин, гуноҳга ботган ҳаётида барча гуноҳлардан фориғ қиладиган, покизалайдиган ўткир наштарга ўхшарди. Унга нисбатан туғилган туйғулари ҳам уни турли-туман ифлос, чиркин нарсалардан, гуноҳкор ҳислардан шу қадар узоқлаштираётган эди.

Бошқа эркаклардан кутган нарсаларнинг бирортасини ундан кутмасди. Бошқа эркаклар Жавриядан кутган нарсаларнинг бирортасини у ҳам Жавриядан кутмасди.

Шунинг учун ҳам у Жавриянинг бутун ҳис-туйғуларининг меҳварига айланганди.

У билан кўришиш, у билан суҳбатлашиш, бир неча соат у билан ҳамнафас бўлиш Жаврия учун дунёнинг энг буюк саодати бўлиб қолганди.

Унинг хонаси Жаврия учун гўё жаннатнинг бир парчасига ўхшарди.

Бу ерда у ҳозирга қадар борлигини ҳатто тасаввур ҳам қилиб кўрмаган бир ҳаёт ичида яшарди.

Севганининг ёнига отланаркан, эғнидаги кундалик либосларини алмаштирган кишидек, фоҳишалигини, кўчаю майхонани, пичоқбозликлар, бақирчақирлар, уриш-жанжалларни, бутун қабохату разолатни унутиб, покизаланар, оғзи шалоқликни четга отар ва тамоман бошқа одамга айланиб, ўша ёққа йўл оларди.

Бутун борлиғи янгиланарди. Шаҳло кўзлари оташларга тўлиб, маънодор боқар, юзлари ёш болаларникидек қирмизи тусга кириб, ол дудоқлари бир иштиёқ оғушида титрарди. Юзидаги беҳаё ва бешарм ифода ўрнини умид, хавотир, бахт, ҳасрат, андиша ва ҳаё эгалларди.

Дуч келган кимсадан баданини аямаган Жаврия уни тўсатдан бокира бир туйғу билан севиб қолган эди. У энди, бу хонага қадам қўйганидан кейин сочлари ҳам ўша кўча чироғи остида мижоз даъват қилган пайтларидаги сингари эмас, балки мутлақо бошқача товланарди.

Қоронги кечаларда бировларни ўртаб юборадиган ва Истанбулнинг энг пастқам жойларида Фосфорли лақаби берилишига сабаб бўлган сочларининг ёғду сочиши энди гуноҳ ишга даъват этувчи жозибасини йўқотарди. Унинг хонасида, унинг ёнида бўлган чоқларида Жавриянинг сочлари почта откриткаларида тасвирланган гўзал малакларнинг бошлари атрофида тасвирланган зарҳал нурга ўхшар ва бу сочлар қандайдир илоҳийлик касб этарди. Жаврия “Фосфорли Жаврия”ликдан мутлақо қутулган ҳолда унинг ёнига келарди.

Худди шундай, ётган эркакларининг исмини ҳам, сон-саногини ҳам билмайдиган, афт-башарасини ҳам эслолмайдиган бу кўча қизи, “Фосфорли Жаврия” унга ҳеч қачон кўча аёлига қарагандек қарамаган ёки, буни билса-да, билмасликка олган бу йигит ёнида ҳеч қачон эркакка юзи тушмаган бир бокира ва ифбатли аёлга айланиб қолгандек бўларди.

Жаврия буни бировга тушунтира олмас, тушунтирган тақдирда ҳам унга ҳеч ким ишонмас эди.

Бироқ, не бўлса-да, бу бегона киши унинг бутун борлиғи ана шундай ажойиб бир тарзда ўзгаришига сабаб бўлганди.

Жаврия унинг ёнига руҳияти бутун бу оқовалардан, ифлос ва аралашқуралаш ҳирслардан покизаланиб, шаффоф каби тиниқлашиб келарди.

Руҳиятидаги бу ўзгариш жисмини, кўринишини ҳам ўзгартириб юборганди.

Жаврияни пастқам жойларда, майхона, ишратхонаю гадейтопмас ерларда кўриб ўрганган кишилар уни бу хонада кўрсалар танимай қолган бўлишарди.

Аввалги елка учуриб нозу фироқ қилишлар, юзига тушган сочларини орқага ташлаш учун кескин бош силташлардан энди унда асар ҳам йўқ.

Овозидаги шаллақилик ҳам йўқ бўлган, бутун вужуди оғир-вазмин ҳаракат қилади.

У томонга отланаркан, юзидаги ортиқча пардоз-андозларни артиб ташлар, паришон сочларини тартибга келтирар, қўйлагини кир-чирлардан тозалар эди. Ва Жаврия доимо унинг ёнига боришни, ундан айрилмасликни хоҳларди.

Агар имкони бўлган, замин топган тақдирда бу янги фазилатлар Жавриянинг ҳақиқий ва ягона хусусиятига айланган бўлурди.

У ўзининг бу қизга ана шундай таъсир ўтказётганини билармиди, ажабо?

У не сабабдан бу аёл билан ўзаро муносабатни давом эттираётган эди? Бутун қиш бўйи ва ёзнинг кўпгина кечаларини унинг уйида ўтказган бу аёлга эғалик қилишни нега хоҳламади?

Бу аёл билан бундай муносабатга киришишдан, унга яқинлашишдан қўрқармиди, ажабо?

Ниҳоят, қолаверса, унинг ўзи якка-ёлғиз, яширин ҳаёт кечираётган бир киши эмасми, ахир? Хуллас, булар қандайдир тушуниб бўлмайдиган нарсалар эди.

Ҳатто бошқа ерда бошқа бир аёли бўлган тақдирда ҳам бундай бир қизни ўз сир-асрорига бу қадар ошно этганидан сўнг ҳам ўзини ундан узоқ тутишни ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмас эди.

Шундай бўлса-да, бор гап шу эди, холос.

Бу ҳолатни ҳеч ким ўзгартира олмасди.

Баъзан киши кўчада кетаётганида орқасидан озиб-тўзган бир мушук ёки кучук эргашади. Бу мушук ёки кучукни ҳарчанд қувиб солсангиз, ёнидан узоқлашмоқчи бўлсангиз ҳам у орқангиздан қолмай, ялтоқланиб келаверади. Аввалига жаҳлингиз чиқади, газабланасиз. Сўнг бора-бора юмшайсиз, ҳатто уни уйингизга киритиб, овқат-повқат берасиз, охирида у сизнинг қадрдон дўстингизга айланади.

Эҳтимол, Жаврия ҳам унинг учун шундай бўлган эди. Олдин уни кўришни ҳам истамагани аниқ. Сўнг эса келганидан жаҳли чиққан ва энг охирида унга ён бериб, қабул қилган эди.

У ҳам Жаврия ўзига боғланиб қолганини тушунганди. У Жаврияга ишониб, хавотирланмайдиган бўлди. “Қариндошим” дейдиган ва унга егулик келтирадиган киши энди Жаврия борлигида овқатни эшик ортига ташлаб кетмайдиган бўлди. Жаврия ичкарида бўлган вақтларида ҳам у ичкарига кирадиган бўлиб қолди. Жаврия энди унинг кимлигини билиб олганди. У омбор қоровули эди.

Жаврия у билан яқинлашгач, унинг яширин ва таҳликали бир ҳаёт кечираётганини тушуниб олганди.

Бу қадар таҳликали ва бундай яширин яшаган кишининг сирдоши бўлиш унинг учун ниҳоятда завқли эди.

У бундан завқдан кўра кўпроқ гурурланарди. Жаврия у билан яқин сирдош икки кишининг бири бўлганлигидан гурурланарди.

Иккинчиси, балки, унинг жиноятига шерикдир. Жаврия биладики, бу йигит полициядан қўрққан бир киши. Айби борки, бурга йўталса, тиззаси қалтирайди.

Жаврия у қамокдан қочган, ҳали қўлга тушмаган бир айбдор ёки ундан ҳам ёмонроқ ишлар қилган ашаддий жиноятчи бўлса керак деб ўйларди.

Бу, эҳтимол, ўзига хос бир контрабандадир. Бу йигит қачон қараса қайиқда у ёқдан-бу ёққа бориб келади, яширин хонасига доим оғир-оғир тугунлар кўтариб келади. Бинобарин, у ё қароқчи, ёки контрабандист.

Худди шундай, унинг яширин жойидан бохабар бўлган, у билан ҳамнафас икки киши бор эди, холос. Улардан бири зарурат юзасидан буни биларди.

Жаврия бўлса бу йигит билан ҳеч қандай иш зарурати юзасидан боғланмаган.

Бу йигит яширин яшаб юрганига қарамай, уни касал ҳолда кўчага ташлаб кетмаган, бундай қилишга виждони йўл қўймаган, бу ёт ва номаълум аёлни бу ерга, яширин уйига олиб келган эди.

Энди Жаврия ҳам унинг ишончига муносиб бўлмоқ, унга фидокор дўст бўлмоқни истарди.

Жаврия унинг ёнида ва ундан четда бир-бирига тамоман зид, бир-биридан фарқли иккита ҳаёт кечирарди.

Бу икки хил ҳаёт бир-бирига муглақо қовушмас, бири иккинчисига яқин ҳам келмас, кескин фарқланар эди.

Жаврия унинг ёнида ҳам, кўчада ҳам бирдай самимий эди.

Ҳар икки томонда ҳам у ўз борлигини ўзгартириш учун ўз-ўзини мажбурламас, балки табиий, кўнгли қандай тиласа шундай яшар эди.

Унинг ёнига келмаган кезлари яна бояги, ўша Фосфорли бўлиб қолаверар, кўча муюлишида туриб, харидор излар, маст-аласт давраларда “Яша Фосфорли!” олқишлари остида чифтателлига рақс тушишда давом этарди.

Яна Галатанинг, Чашмамайдони, Бейўғлидаги тор кўчаларнинг, Тўпхона, Тошқишлоқ, Кумушсуви, Янгишаҳар, Қутулиш, Мажидиякўйнинг ўша ягона Фосфорлисига айланарди.

Яна эркаклар майхоналарда уни деб ёқа бўғишишарди.

Яна у, кўча-кўйнинг Фосфорлиси гоҳида пул эвазига, гоҳида текинга дуч келганга ўзини инъом этишда давом қилаверарди.

Жаврия яна ўша оч қоринга рақини сув қўшмасдан устма-уст симирадиган, оғзини тўлдириб ҳақорат ёдирадиган, чифтателли ўйнаркан, елкасини учириб, қош-кўзини сузалдиган фоҳишага айланарди.

Ҳа, унинг аввалги ҳаёти ҳеч қандай ўзгаришсиз, қандай бўлса шундайлигича давом этмоқда эди.

У, ўз таъбири билан айтганда, фақат бир кишининг ўйнашига айланмасликка, кимдир унга бўғов, тушов бўлиб қолмаслигига ҳаракат қилар эди. Тушов бўлмасликлари, “ёпишиб олмасликлари” учун бир марта ётган эркакни иккинчи марта ёнига йўлатмасликка қаттиқ эътибор қиларди.

Жазманлари билан бўлган муносабатлари туфайли катта тажриба орттирган Жаврия такрорланадиган ҳар бир иш миждозни ўзига ўргатиб қўйишини билгани учун улар билан давомли мулоқот қилмасликка уринарди.

Ваҳоланки, у олдинлари дўст орттиришни, балонинг ўқи бўлган номдор бир жиноятчининг ўйнаши бўлишни афзал биларди.

Шу туфайли дугоналари орасида обрў-эътибори баланд бўлар, чўнтаги ҳам муллажирингсиз қолмас эди.

Бироқ энди Жавриянинг ҳеч кимга доимий ўйнаш бўлгиси йўқ эди.

Доимий жазман орттирадиган бўлса, маълум бир муддатта Нажотибей кўчасидаги яширин уйга қатнамаслиги, кимдир у яширин яшаётган уйдан хабар топмаслиги учун ҳатто ўша кўчага қадам ҳам ташламаслиги лозим бўлурди.

Жаврияни энг кўп ташвишлангирган нарса шу эди, холос.

У ҳақда ҳозирга қадар ҳеч кимга лоақал бир оғиз сўз айтгани йўқ. Қандайдир эҳтиётсизлик оқибатида унинг борлигини ва яширин яшаётган жойини ошкор этишдан кўрқиб, доим титраб-қақшаб юрди. Бу сирни сақлаш унинг учун ҳаётининг мазмунига айланди.

У ернинг яширин, номаълум қолиши ва кундалик ҳаётидан тамоман четда туришида, у билан ҳеч қандай алоқаси йўқлигида ҳам ўзига хос бир гўзаллик ва лаззат бор эди.

Жавриянинг борлигида кўча аёли ва бир эркакнинг дўсти бирлашиб кетган эди. Ҳа, у бир эркакнинг дўсти эди.

Бу эркак уни “сиз”лар, ҳатто қўлини ҳам ушламас, неча кунлаб бирга яшасалар-да, уни кучоғига олишни истамас эди.

Унга ор-номусли хотиндек муомала қилар, бошқалар сингари:

“Ҳой жонон, қани, бир чифтателлига ташласанг-чи!” деб ҳайвоний ҳирс тўла кўзлар билан тикилмасди.

Бу нарса унинг ҳатто ҳаёлига ҳам келмасди.

У энди Жаврияни очиқ чеҳра билан, самимий, бир жонажон дўсти каби кутиб оларди.

Ҳа, Жавриянинг икки хил ҳаёти ўртасига гўё қалин девор урилгандай. Зим-зиё кечалар унинг ҳаётини иккита бўлиб ташлаган эди.

Жаврия ҳаммага очиқ-ойдин бўлган кўчадаги чиркин ва ифлос ҳаётдан

узилиб, қоронғи кечаларнинг қоп-қора пардаларини йиртиб, унинг сирли-синоатли, бироқ покиза кўринган асрорангиз ҳаётига кириб борарди.

Жаврия бир неча бор унинг бошидан ўтказганларини билиб олишни хоҳлади. Бу хотинларга хос шунчаки қизиқсинишнинг ўзигина бўлиб қолмай, севган қалбнинг севгилисини янада яхшироқ билиб олишдан иборат ички эҳтиёжи ҳам эди. Жаврия уни бундай яширин яшашга мажбур этган, ҳаммаша юрагини пўкиллашиб юрадиган жинояти нимадан иборат эканлигини ва унинг не иш билан шуғулланишини билишни истар эди.

Жаврия полициядан қочиб, яширин яшаган кишиларни кўп кўрган.

Бироқ улар орасида ҳеч ким у қадар эҳтиёткор эмасди.

Қани энди унинг исмини, бошидан кечирганларини билиб олсайди.

Агар унга хавф туғдираётган бирон таҳлика бўлса, биргаликда бу хавф-хатарни бартараф қилса. Ушанда Жаврия нақадар бахтиёр бўлган бўларди.

Буларни билиб олиш учун берадиган ҳар қандай саволи уни шубҳалантириб қўйишини билгани, янада тўғрироғи, англаб, сезгани учун даммини чиқармас, унинг ҳаёти ва шахсига оид билган нарсалари бўлган кифояланишни мақбул деб ўйларди.

Бир йил ичида унинг хонасида ўтказган кунларнинг ҳаммасини қўшиб ҳисобласа, икки-икки ярим ойга етиб қолади.

Дарҳақиқат, энди улар бир-бирига жула ўрганиб қолган эдилар.

Унинг учун ҳам Жаврия ҳаётининг бир парчасига айланганди.

Эҳтимол, яширин ҳаёт кечириётган бу йигитни кўчадан келган, сергап, ҳаёти тубан можароларга тўлиқ бўлишига қарамай, оғиз очган заҳоти болалардек тўри ва самимий сўзлашга киришадиган кўча қизининг ҳикояси завқлантирар ва чалғитар эли.

Жаврия у билан ўтказган ҳар бир кун, ҳар бир соат ва ҳар бир лаҳзани ҳаётининг энг масъуд куни, соат ва лаҳзаси деб билар, ундан айрилгач эса буларнинг қайси бирини янада яхшироқ деб топишга қийналарди.

Бироқ энди у бу кунлар ичида энг бахтли ва энг бадбахт куни уни сўнгги марта кўрган арафа кечаси бўлганлигига амин эди.

Жаврия ўша куни унинг учун кундузиёқ бир қути ширинлик, бахтиёр ота ва икки болакайнинг рангли расми туширилган, заррин нур сочаётган қуёш расми тасвирланган откритка сотиб олган эди. Шундан кейин у почтахона рўпарасидаги мирзахонага кириб, чиройлироқ кўриниши учун откриткага машинкада “Байрамнингиз билан қутлайман, қўлингизни самимият-ла сиқаман” деб ёздирди. Откриткани тумшугида мактуб ушлаган кабутар тасвирланган хат-жилдга жойлади ва хатжилдни ширинлик солинган қути боғланган ялтироқ ва рангдор иплар орасига жойлашгирди. Оқшомгача вақт ўтказиш учун не қиларини билмай, у ёқ-бу ёқни кезишга тушди.

Авалли пайтлари байрам кунлари роса яйрарди. Байрам кунлари кўча қизлари мўмай пул топиб, катта фойда олишар ва роса ўйнаб, маза қилар эдилар.

Бироқ у бутун ҳеч кимнинг кўзига кўрингиси йўқ, қош қорайиши билан секингина ўша ёққа кетиши керак.

Шуни ўйлаб Бабақ томонга юрадиган трамвай бекатига кетаётганида кимдир қўлидан шаппа ушлади.

— Йўл бўлсин, Фосфорлигинам ... — деди орқадан кимдир.

Ичида: “Э, воҳ, кўлга тушдик!” деб ўйлаганча бош ўгирди ва рўпарасида Ёнғоқли Қаҳвачининг ҳарбий хизматдан таътилга қайтган хизматкори Камолга кўзи тушди.

— Ие, сенмидинг? — деди Жаврия.

Камол:

— Шошиб қаёққа кетяпсан, ажабо? — деб сўради-да, сўнг, таклиф қилди: — Байрам шарафига икковимиз бир кўнгилхушлик қилайлик. Сенинг Барбанг ёнига борақолайлик. Юзта-юзга отамиз. Қани, кетдик!

— Ишим бор эди.

— Э, беш дақиқалик иш-ку бу, Жаврия.

— Эрталабдан отадиган одатим йўқ.

— Нима бало, тавба-тазарру қилдингми дейман?

Бу сўздан бирдан Жавриянинг ичи ёришгандай бўлди. У:

— Тавба-тазарруми? — дея елкасини қисди. — Ишим бор дедим-ку.

Шундай деркан, кўзини қисиб қўйди.

— Кимгадир ваъда берганлар шекилли! ..

Камолдан қутулиш керак. Бироқ қандай қилиб қутулишни билолмади.

Камол энди уни икки қўлидан ушлаб, силташга ўтган эди.

— Сени жуда соғиндим, Фосфорлигинам! — деди у.

Камол унинг эски жазманларидан. Армияга кетишидан олдин Жаврияга ошиқу беқарор бўлган.

Жаврия ҳам хизматга кетмасидан олдин Камолни ёқтирарди. Буғдойранг, новча йигит эди у. Қора, қалин сочлари орқага таралган, хушбичим бурни бор. Катта оғзидан йиртқичларникидек ўткир тишлари ялтираб кўринади.

Ўша пайтлари Жаврияга унинг шу оғзи маъқул тушган.

Айиққолвонга ўхшаш бу йигитни бошқалардан афзал кўрар, у билан тез-тез учрашиб туришни хоҳлар эди.

Камол армияга жўнаётганида уни Ҳайдарпошого қадар кузатиб борди. Ўша куни Камол “Фосфорли Жаврия” ашуласининг ушбу байтларини тўхтамай хиргойи қилган эди:

“Кўприк усти бандаргоҳ,  
Аскар бўлдинг баногоҳ.  
Оймас, кунмас, уч йил, оҳ,  
Қандай ўтар Жавриям...”

Бу байтларни айтаркан паҳлавонкелбат йигитнинг кўзлари жикқа ёшга тўлганди.

— Жаврия, қайтганимдан сўнг турмуш қурайлик...

— Аввало хизматни битир, қайтиб кел, ундан кейин ўйлаб кўрамиз,— деганди Жаврия шунда.

Йигит жўнаб кетгач, Жаврия киприкларига сизган икки томчи кўз ёш-ни астагина артди.

Бироқ Жаврия кемага орқа ўтирган заҳотиёқ уни унутди.

Камол таътилга келган вақлари Жаврияни қидириб топар, бутун таътил-ни тонгдан шомгача у билан ўтказар эди.

Бу гал ҳам Довул Ойтан унга:

— Ёнғоқли Қаҳвачининг Камоли таътилга келибди. Сени излаб юрибди, — деб хабар берди дегунча юраги орқасига тортиб кетди ва у ўзини топиши мумкин бўлган кўчалардан ўтмай қўйди.

У Камолнинг байрам таътилига келганини, байрамнинг биринчи куни ва туниги у билан ўтказишни хоҳлашини, бундай тақдирда бутун режалари барбод бўлишини билгани учун унга дуч келмасликка ҳаракат қилганди.

Бироқ энди унинг ўзи оёқ остидан чиқиб қолди.

Йигит унинг қўлларини қисиб:

— Сени жуда соғиндим, Фосфорлим,— дерди.

Қўлларини зўрға бўшатган Жаврия деди:

— Ҳой бола, нима бало, куч синашга бошқа нарса топилмадими? Қўлларим синиб тушаёзди-ку!

Ҳақиқатан ҳам қўллари қаттиқ оғриган эди.

Қўлларининг қизарганини кўргач, аччиғи чиқди.

— Ҳой бола, айғирга ўхшайсан-а, — деди. — Қўлларимга қара. Бу аҳволда кўрган не дейди?

Жавриянинг ростакамига андишага тушиб, аччиқланганини кўрган Камол ҳам кўпирди:

— Ҳей, манжалақи,— деди у. — Бошқасини топдингми?

Камолнинг жаҳли чиққанини кўрган Жаврия паст тушди.

— Ҳой бола, сен ҳазил-пазил деган нарсани тушунмайдиган бир галча экансан-ку! Нозу карашма қилгандим сенга. Сен бўлсанг нозу карашмани билмайдиган тўнка экансан. Қолаверса, нега рашк қиласан? Фариштамидимки, бир

Йил давомида емай-ичмай яшасак?! Мунча пашшадан фил ясамасанг. Курсоқда бир нарса бўлмаса неча кун чидайсан? Ҳа, баракалла. Отамиздан бизга уй-жой, мол-мулк, Усмонийлар Банкаси мерос қолмаган-ку! Шаҳзодамиз рашк қилар эмишлар. Галатада бу гап кетмайди. Бир йилдан буён таъминлаб қўйган одамдек кекирдак чўзасан, бошқасига ўйнаш бўлган-бўлмаганимни суриштирасан? Менга қара, Камол, мен сенга сўз берганим йўқ. Фоҳиша эканимни яхши биласан. Яшириб ўтиришнинг не ҳождати бор? Бироқ шуни ҳам билиб қўйки, менинг ҳеч қандай ўйнаш-пўйнашим йўқ. Бу оқшом сен билан отамлашсак отамлашаверамиз. Отамлашганда ҳам хумордан чиққунча, сен айтгандай Барбаникида оёқ устида эмас. Фирт бўлгунча, янада тўғрироғи, фирт эмас, эмаклаб қолгудай бўлгунча ичишамиз. Бизнинг Камолжон ҳар куни келиб ўтирибдими? Таътилинг ва байрам шарафига бир чифтателлига тушиб берай-ки! Бироқ ҳозир йўлимни тўсма. Бир ишим бор. Кеч соат бешларга қараб Барбаникига бор. У бечора ҳам хийла қартайди. Нарёғи яқинлашиб қолган.

Сўнг унга сўзлашга имкон бермай, кўз қисди-да:

— Байрам совғаси келтиришни унутма лекин, — деди ва лик тўла трамвайга сакраб чиқди. Трамвайда кетаркан, қўл силкиб яна қичқирди:

— Кечки бешда Барбаникида!

Ўша куни яна Камолни учратиб қолишдан қўрқиб, шаҳарга қайтмади. Трамвайдан Бабақда тушиди, сўнг соҳил бўйлаб аста-аста юриб, Ҳисорга борди, қалъа девори устига чиқди, кейин шу атрофдаги ҳангаматалаб қаланғи-қасанғилар кўзига тушмаслик учун буталар орасида ётиб, узоқдан бўғоз сувини томоша қилиб, кунни кеч қилди.

Сўнг трамвайда Галатага борди. Трамвайдан тушгач, орқасида ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, хурсанд бўлиб, илдам юриб кетди. Омборнинг пастак эшиги бу кеча ҳам очиқ эди.

Жаврия ширинлик солинган қутини бағрига босганча, зинапоядан астагини кўтарилди.

Юқори қаватдаги хонанинг эшигини оҳиста чертди ва эшик шу заҳоти очилди.

Жаврия ичкарига кирар-кирмас стол устига оппоқ дастурхон ташланганини кўрди.

Хонани мовий чироқ ёритиб турарди. У дарҳол эшикни ёпиб, қулфладида, Жаврияга қараб жилмайди.

Дастурхон устида учта ликопча бор эди. У электр тутмасини босиб, катта чироқни ёқаётганида Жаврия:

— Меҳмон кутяписанми? — деб сўради.

— Ҳа, шундай!

— Ундай бўлса мен сени безовта қилмай, қайтиб кетақолай, — деб дудуқланди.

— Бироқ мен сени кутаётганим, Жаврия!

Буни эшитган заҳоти Жаврия қувончдан тўлиб-тошди. Қаттиқ ҳаяжондан юраги гурс-гурс урди.

— Мени кутаётганимдинг?

У биринчи марта Жаврияни “сен”лади.

— Ҳа, сени кутаётганим.

Энди уни “сен” лашга ўтган, айни чоқда уни кутаётганини айтган эди.

Жаврия қўлидаги қутини қаерга қўйишини билмай тик турарди.

— Байрамда келсан, — деб ўйлагандим.

— Тўғри ўйлабсан.

Жаврия ичидан: “Шайтон йўлдан уриб, Камол билан кетсам нима бўларди?” деб ўйлади.

Жаврия дастурхонга қараб турар, бахти қулганига ишонгиси келмасди.

Демак, уни келади деб ўйлаган ва ҳатто олдиндан дастурхон ҳам ёзган. Демак, унинг келишини истаган, умид қилган ва бунга тайёрланган.

Буни тушунган Жаврия ҳаяжондан бўғриқиб кетди. Эрталабдан буён кўтариб юргани учун бироз эзилган қутини унга узатди.

У қутига қараб:

- Бу нима? — деди.
- Бу сенга байрам совғаси.
- Бекорга овора бўлсан-да, — дея қўлидан қутини олди.

Оёғида покиза шиппак, устида кулранг шим ва енги калта, ёқаси очиқ кўйлак.

Чироқни ёқиб қўйиш учун деразани зич ёпиб, пардаларни тортанди. Шу-нинг учун ҳам хона роса исиб кетган эди.

У стол томон юрди. Жаврия ҳам унинг ортидан одимлади. Ҳар иккови дастурхонга тикилиб қолишди. Жаврия ҳаяжонини билдирмаслик учун боши билан дастурхондаги ликопчаларга ишора этиб, секингина сўради.

- Мендан бошқа яна кимни кутяпсан?

Униси боши билан пастки қаватга ишора қилиб:

- Оғайним ҳам кепқолади, — деди.

Жаврия стол ёнига ўтиб ўтираркан, унинг ўзи келтирган қути устидаги хатжилдни олганини кўрди.

- Бир хатжилд ҳам бор экан, — деди у.

- Ҳа, бор!

- У ҳам менгами?

Жаврия ўз-ўзидан мамнун кулимсираб:

— Албатта сенга! — деди.— Кўчада катта бўлган бўлсак-да, биз ҳам анойи эмасмиз.

У хатжилдни қўлига олиб, айлантириб кўрди.

— Ўхў!.. Бу жуда чиройли хатжилд экан-ку!— деди. Сўнг у бир ёш боланинг кўнглини олмоқчи бўлган катта кишидек откриткани ва ундаги ёзувни мақтаб кетди.

— Нақадар гўзал откритка бу! Бай-бай... Бунинг устига машинкада ёзилганини айтмайсанми?— дея Жавриянинг кўнглини олиш учун оғзини тўлдириб мақтади. Сўнг:

— Мен ҳам сени байраминг билан табриклайман! — деди-да, бирдан икки қўлини унга узатди.

Жавриянинг юраги тотли ҳаяжонга қўмилиб, гурс-гурс урди, бахтиёрликдан ўтдек қизиб кетган ва тиграётган қўлларини унга чўзди.

Бадани унинг баданига теккан, Жавриянинг қўлларини ўз қўллари орасига олган пайтда қиз ўзида йўқ даражада бахтиёр бўлганди.

Қачондан бери бу ерга неча бор келиб-кетганига қарамай, улар ҳалигача қўл олишиб кўришмаган эдилар. Энди бўлса у бирдан икки қўлини узатган эди.

Жаврия ҳозирга қадар унинг қўли ўзига неча бор текканини аниқ биларди.

Бир гал, уни илк бор кўрган кеча қайиқда томир уришини текшириб кўрганди. Кейин уни қайиқдан туширган, йўлда қўлтиқлаб олиб кетган, зинапоядан бўлса белидан қучиб кўтариб чиққан эди. Беморлигида ҳарорати бор-йўқлигини билиш учун бир неча бор пешонасини ушлаб кўрган, сўнг яна бир неча марта томир уришини текширган. Бор-йўғи шу, холос. Бир йилдан бери улар таниш-билиш бўлсалар-да, бирон марта ҳатто саломлашиш учун қўл олишиб кўришмаган эдилар.

Энди бўлса у қўлини узатиб, кўришиб қўйди.

Унинг ёнида ўзининг ундан жуда кичик, унинг эса жуда катта эканлигини доимо ҳис қилиб келган Жаврия энди ўз қўлининг унинг каттакон ҳовучи ичида нақадар жажжи эканига ҳам ҳайрон қолди.

Бу каттакон, иссиқ, дўст қўл унинг қўлини меҳр билан авайлабгина сиқаркан, Жавриянинг вужуди сархуш бир ҳолатга тушгандай бўлди. У умрида ҳеч қачон ҳис этмаган ажойиб бир завққа тўлиб-тошди.

Ҳозиргача у ҳеч кимдан бу қадар лаззатланмаган эди.

Ва ғайрияхтиёрий бир ҳаракат билан Жаврия бу қўлни лаблари томон яқинлашгирди.

Берган нашъу намосига ташаккур билдирмоқчи бўлгандек, у бу қўлни лабларига яқин келтириб, ўпди.

Жаврия бутунга қадар ҳеч кимнинг қўлини ўпмаган эди. Лаблари унинг қўлига теккан онда ичида ибодат қилаётган пайтдагига ўхшаш бир туйғу пайдо бўлди.

Бу туйғу завқ-шавқ, бахтиёрлик ва изтироб туйғуларига қоришиб кетган эди.

Шу қадар бахтиёр эдики, балки нашъу намо, завқ-шавқнинг бу қадар мўллиги унга изтироб каби туюлаётган бўлса ажаб эмасди.

Лаблари унинг қўлига тегар-тегмас, кўзларига ёш қуйилиб келди ва икки томчи ёш унинг қўлига томди. Шу холос. Жаврия хўнграб юборишдан ўзини зўрға тийиб турарди. Униси қўлини шартта тортар экан, Жаврия ёшли кўзларини кўрсатмаслик учун бошини ёнга бурди.

У ҳам ўзини аввалига қўлини куйдирган, сўнг қуригач, иккита доғ бўлиб қолган бу кўз ёшларини кўрмаган-билмаганга олди.

Жаврия анчагача сўзлай олмади. Бир оғиз гап айтиш учун оғиз очгудай бўлса, бўғзига тошдек тикилиб турган бир нарса отилиб чиқиб, хўнграб юбориши мумкинлигини сезиб турарди.

Нега унинг хўнграгиси келарди? Уни йиғлагудек даражада ҳаяжонлантирган миннатдорчилик туйғусимиди?

Ахир, дастурхон ёзилган, унга атаб бир ликопча ҳам қўйилган. Байрам оқшоми уни ўйлаган, уни кутган киши ҳам бўлар экан-ку?

Бироқ бу кеча уни кутган бошқа одам йўқмиди?

Бор эди...

Уни бу оқшом Ёнғоқли Қаҳвачининг шогирди Камол ҳам кутаётган эди.

Барбанинг майхонасида. Ҳа, шундай, байрам ва Фосфорли шарафига ким билади қандай дастурхон тузади экан?!

Буни ўйлади дегунча бурнига майхонадан анқийдиган ичкилик ва таом ҳиди урилгандек бўлди. Орқадаги ўчоқда жазиллаб овқат пишмоқда. Сал нарироқда бўлса шарманка.

Дудоқлари унинг қўлига теккан лаҳзадан кейин Жаврия жуда жўшиб кетганди.

Сехрланганга ўхшарди.

У шундай бир ҳолатга тушгандики, фақат кўча қизларига хос жазавага тушибгина таскин ола биларди холос.

Ёноқлари ял-ял ёнаётган Жаврия у қўлини тортиб олганидан буён ҳеч сўзлай олмаётган эди. Шахло кўзлари катта-катта очилган, юзлари сўлгин, дудоқлари хиёл очиқ ҳолатда унга термилиб турарди.

Мабодо тилга кирса айтадиган илк сўзи:

“Мени бағрингга ол. Худо ҳаққи, дин ҳаққи, нону туз ҳаққи, мени эркалат ... Мени сев ....” деб ёлвориш бўлурди.

Ҳа, бурнига майхона ҳиди урилганди.

Қаҳвачининг югурдаги бўлган бўлса нима қипти, агар қўли очилса борми сарфу харажатда миллионерлар ҳам унинг олдига тушолмайди.

Жавриянинг ичгиси келаётган эди. Тонгача шарманка чалдиришни истар, қадаҳ устига қадаҳ бўшатиб, бақриб-чақиргиси, гавго кўтаргиси, жўшгиси, жўшгиси, Галатага овоза бўладиган даражада қайнаб-тошгиси келарди.

Ҳа, худди шундай қилиши, ичидаги ҳовурини тушириш учун полицияга тушиши керак.

Қалби алғов-далғов, ичида қиёмат қойим. Кўзлари юмуқ. Жаврия кўзларини юмиб ўтирар, агар очгудай бўлса, у қўзимдан кўнглимдан ўтаётганларни дарров билиб олади, деб чўчиётган эди. Кўзига Галата кўчалари кўрингандек, майхоналар ҳиди димоғига урилгандек, бўянган қизларнинг бўғиқ товушлари қулоғига чалингандек бўлаверди.

Ичидаги бу хуруж фақат устма-уст рақи отиб, бир бурчакда чўзилиб қолгунга қадар ичган тақдирдагина босилган бўларди холос.

Фақат шундагина холос.

У Жавриянинг бу ҳолатини сезаётганмиди ёки сезмаётганмиди?

Ёки буни билишни ҳам хоҳламасмиди?

Жаврия ичидан ўтаётганларни унинг билиб қолишидан жуда кўрқётган эди.

Бирдан эшик астагина тақиллади. Жаврия кўзларини очди. Кўзини очди дегунча яна бу сокин хона, ошпоқ дастурхонни кўриб, кўчани, майхонани,



ҳамма-ҳаммасини унутди — шу ерда қолиш, бу ердан ҳеч айрилмаслик иштиёқида ёнди.

Агар у бир мартагина истасайди, бу ердан ҳеч қачон чиқмаган, доимо унинг ёнида қолган, унинг Фосфорлисига айланган бўлурди. Бундай қила олишига ишончи комил эди.

Агар ҳақиқатан ҳам у Жавриядан буни истаса Жаврия шундай қила олармиди?

Бироқ у бу ишни давомли бир шаклда қила олмасди!

Нима бўлгандаям шу лаҳзада уни бу ишнинг кейинчалик Фосфорли Жаврия учун кўп оғир иш бўлишига ишонтириш ғоят мушкул эди.

Бу ишни қила олиши учун Жаврия мутлақо бошқа одамга айланиши лозим эди.

Жавриянинг ўзига хос заиф томонлари бор эди.

Ҳозир бўлса Жаврия ҳамон ўша-ўша — қадимги Жаврия. Аини чоқда у бу бегона йигитни ўлгудек севиб қолган эди.

Ўз ҳаётида у илк бор севиб қолганди. Барча кишиларнинг пешонасига ёзилган бу савдо унинг бошига ҳам тушганди.

Уни кўрди дегунча яна бутун ўтмишини унутди.

Унинг ёнида бўлган вақтида Галатанинг машҳур Фосфорлиси эканига ўзи ҳам ишонмай қоладигандек туюларди.

Ичкарига кирган қоровул эди... У:

— Кечикдинг, Карим! — деди.

Жаврия бу Карим деганни жуда яхши кўрарди. Уни бир неча бор шу ерда кўрган. Биринчи кўрган кунийёқ уни ёқтириб қолган.

Зотан севганининг атрофида неки бўлмасин, унга яқин, кимки бўлмасин Жаврияга ниҳоятда қадрли, гўзал, яхши кўринарди.

Карим ҳам Жаврияга инсонларча муомала қиларди.

Карим у каби оғир-вазмин, камгап ва жиддий эмасди. У очиқ юзли, дилкаш одам эди.

Доимо ҳазил-хузул аралаштириб сўзлайди. Бироқ ҳазил-хузули Галатадаги каби шармсиз ва беҳаё эмас.

Қартайган. Аввалги подшоҳлар замонида, биринчи жаҳон уруши вақтида аскар бўлган.

Ажабтовур ҳикоялар сўзлайди. Шундай латифалар айтадики, кулудан ичак узилади.

Уят гап қўшилмаган латифалар ҳам ичакузди бўлиши мумкинлигини Жаврия ҳатто тасаввур ҳам қилиб кўрмаганди. Карим айтадиган латифалар Галатада эшитадиган бешарм латифаларга ҳечам ўхшамайди.

У кўпинча ўз бошидан ўтказган воқеалар, мушкул вазиятлар тўғрисида ҳикоя қиларди. Жаврия бу ҳикояларни эшитиб, роса завқланарди.

Карим ҳам Жавриянинг сўзларидан завқ оладигандек туюларди.

Жаврия севгилисига айтолмайдиган гапларни у билан бемалол ўртоқлашиши мумкинлигини ҳис қиларди.

Гарчи у шу чоққача ҳеч нарсани ошкор этмаган, қалбининг тўридаги ҳистуйғулардан оғиз очмаган бўлса-да, бу йигит нимаси биландир Жаврияга кўприк остида ўлган ўша кишини эслатарди.

Каримнинг севгилисини авайлаб-асраши Жаврияга энг мақбул тушган нарса эди.

Карим уни жуда яхши кўрар, ниҳоятда ардоқлар, асрар, унинг феъли-хуйини билар, унга отасидек меҳрибон эди. Жаврия кўпинча: “Ажабо, отасимикан ё?” деб ўйларди.

Бироқ қочоқ киши ҳеч қачон ўз отаси ёнида яшириниб юрмайди. Бу тўғри бўлмас эди. Нима бўлгандаям Карим унга жуда яқин бир киши. Бир-бирини қаттиқ ҳурмат қилишади, яхши кўришади.

Гоҳ-гоҳ Карим унинг болалик чоқлари ҳақида сўзлаб қоларди.

Унинг болалик даврига оид ҳикояларни эшитиш нақадар мароқли бўларди.

Бу жуда ёқимли эди.

Карим унга ҳеч қачон исмини айтиб мурожаат қилмагани учун Жаврия унинг исмини ҳеч билолмади.

Карим унинг болалиги тўғрисида бир неча бор ҳикоя қилган чоқларда Жаврия гап орасида унинг исмини билиб оларман деб ўйлаганди.

Бироқ ҳар гап умиди чиппакка чиқаверди. Карим ҳеч қачон паришонхотирлик қилмас, унинг исмини зикр этмас эди.

Карим олгмиш ёшларга борган. Сочлари қув оқарган, пешонаси кенг, бугдойранг юзини ажин қоплаган. Лекин кенг елкалари ҳали чўкмаган.

Чап қўлининг икки бармоғи йўқ. Биринчи жаҳон урушида бармоқларидан айрилганини айтган эди.

Салгина қишлоқ лаҳжасида сўзлайди. Бироқ Жаврия унинг қаерлик эканини аниқ билолмади. Жавриянинг улар ота-бола эмас, деган фикрга келишининг боиси ҳам Каримнинг шевада сўзлаши эди.

У бўлса соф Истанбул шевасида сўзларди.

Унинг истанбуллик эканлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлаверди.

Сўхбатлашаётганларида Жаврия унинг ҳаётига оид бирон тафсилот эшитиш умидида ҳамиша қулоғини динг қилиб ўтирарди.

Бу шунчаки бир қизиқиш эмасди.

Унинг ҳаётининг ҳар бир саҳифасини мароқ билан ўқигиси, ҳар бир хусусиятини алқагиси келарди.

Ичида катта ва даҳшатли қўрқув ҳам бор эди: Жаврия унинг бошқа хотини бўлиши мумкинлигидан чўчирди.

У ўзини севмаслигини билса-да, англаса-да, унинг бошқа бир аёли бор бўлиб чиқса бу Жаврия учун энг ёмон фалокат бўлган бўларди.

Буни билгиси келарди. Бошқа бир аёли бормикан? Тўғрироғи, уларнинг суҳбати асносида бундай бир хотин бор-йўқлигини билиб олишни истарди.

Уларнинг суҳбатига диққат билан қулоқ солишининг сабаби ҳам шу эди.

Дастурхон атрофидан жой олишди. Карим ҳамишагидек хушчақчақ. Ичакузди латифалар сўзлашга киришди.

Жаврия латифа эшитаркан, ишгаҳа билан овқат ерди. Чунки куни бўйи овқат емай, оч-наҳор кезганди. Нақадар ҳаяжонланган бўлмасин, ишгаҳаси карнай эди.

Янши таом еб ўрганган кишидек ишгаҳаю очкўзлик билан овқат ерди.

Жаврия овқат билан машғул экан, ҳар доимгидек улар суҳбатлашар эдилар. Жаврия бўлса жим ўтирар ва ўз-ўзидан: “Нега шу пайтгача овқатланмаган экан булар? ..” деб сўраб қўярди.

“Ажабо, мени кутишганмикан ё?”

Карим узоқдан келган одамга ўхшарди. Хонага кириб келган чоқда ҳорғин кўринган эди.

Энди бўлса унда ҳорғинликдан асар ҳам қолмаган.

Жаврия маза қилиб ўтирарди.

Дастурхонда шароб ҳам бор.

Бироз олдин шишани очар экан, Карим бирданига жиддий қиёфада:

— Бу ерда ҳеч ким маст бўлмаслиги даркор! — деган эди.

Жаврия тушунди. Карим буни унга қарата айтганди. “Кайфим ошиб, бақир-чақир қилишимдан қўрқаятти!” деб ўйлади Жаврия.

Ва у маст бўлмасликка, ичишни билишини унга кўрсатиб қўйишга қарор берди. Карим:

— Ичди дегунча кишининг ақли бошидан кетади, — деди. — Бақир-чақирни бошлаб юборсак аҳволимизга вой!

Жаврия кўз қисиб қўйди-да:

— Акажон! — деди. — Аввало шишани бўшатиб кўрайлик-чи. Керак бўлса тилни тизгинлашни биз ҳам биламиз.

Шундай дейишига қарамай, биринчи қадаҳ тўлдирилган заҳоти:

“Бу оқшом кайфимиз тарақ бўлади, шекилли!” деб ўйлади.

Шундоғам у мастга ўхшаб қолганди.

Бу ҳиссиёт шу қадар кучли эдики, унинг таъсирида Жавриянинг кўп ўтмай “ғирт бўлиши” муқаррардек туюларди.

Унинг ёнида, унинг дастурхони атрофида у билан бирга маст бўлиш ғоят завқу шавқли иш бўлишини ҳис қиларди.

Устига ликопча кўйилган дастурхон атрофида, у Жаврияни кутиб ёзган шу дастурхон ёнида ўтириб ичмоқ!

Қирқ Ямоқли Домла ҳам жаннатда бу қадар нашъу намо бўлиши мумкинлигини тушунтириб беролмаган эди.

Карим бардақ ичига қирмизи шароб қуяркан, Жаврия “Ичмасаммикан?” деб ўйлади.

Ичса, шубҳасиз, кайф бўлади. Кайфи тарақ бўлди, Жавриянинг бир ишқал чиқариши турган гап.

Унинг одати шундай.

Бироқ у бу ерда ҳам галва кўтарармикан, ажабо?

“Шароб ичмай кўяқолай. Ичмайман десам тарбиялидек ҳам кўринаман” деган фикр хаёлидан йилт этиб ўтди. Сўнг: “Улар менинг ким эканлигимни билишмайдими? Шароб деса жонимни беришимни ҳам билишади, бу хотин роль ўйнаётти, дейдилар...” деган фикрга келди, кейин “Не десалар дейверсинлар, ичаманми ичаман!” деб қарор қилди. Шароб калласига уришини билакўра туриб, лиқ тўлдирилган биринчи қадаҳни бир кўтаришда охирига қадар бўшатди. Биринчи қадаҳнинг ўзиёқ, ўйлаганидек, унга тез таъсир қилди. Қадаҳ устига қадаҳ, бардақ устига бардақ бўшатадиган, ҳатто шишанинг оғзидан рақи ичиб юрадиган Жаврияга шаробнинг бундай тез таъсир қилиши кутилмаган бир ҳол бўлди.

У бир бардақ шароб ичибоқ кайф бўлиб қолганди.

Маст бўлишдан ҳақиқатан қаттиқ кўрқатганига қарамай иккинчи бардақни ҳам қайтармади.

Уни ҳам бир кўтаришда бўшатмоқчи бўлди, бироқ ғирт маст бўлиб қолишдан кўрққани учун бундай қилмади.

“Нақадар хира, сувоқ эканлигимни кўрсатишнинг не ҳожати бор? — деб ўйлади у. — У, ҳар ҳолда, менинг бу томонимни кўришни хоҳламайди, мента кибор хонимлардек муомала қилади...”

Иккинчи қадаҳни иккинчи кўтаришда яримлатгач, шундай фикр хаёлидан ўтди: “Хўш, менинг бир аслзода хонимдан не фарқим бор? Уни ҳам, мени ҳам Оллоҳнинг ўзи яратган-ку!”

Бироқ кейин: “Оллоҳ яратди, аммо бошқа-бошқа қилиб яратди!— деди қатъият билан. — Бу дунёга мендек бир Фосфорли керак эди, Оллоҳ Фосфорлини яратмаса Галатанинг қаланғи-қасанғилари не қилардилар?”

Ичида қилган бу ҳазилни овоз чиқариб айттиси келди. Иккинчи қадаҳдан учинчи қултумни ҳам ютди. Бардақда Жаврия учун бир хўплам шароб қолган эди.

Кайфи ошганини билиб қолишларидан кўрқиб, жим ўтираверди. Улар ўзаро суҳбатни давом эттираётган эдилар. Нима ҳақида сўзлашаётганларига Жаврия кулоқ ҳам осмаётганди. Бу суҳбат асносида Жаврия фақат бир нарсани, унинг исмини билиб олишни истарди.

Унинг исмини билиб олсайди, унга исмини айтиб мурожаат қилсайди...

Унинг исми нима экан?

Аҳмадмикан?

Аҳмад исми унга маъқул тушмади. Эсита Кўфтачи<sup>1</sup> Аҳмад тушди.

Ғоят жирканч бир махлуқ эди ўша Аҳмад.

Балки исми Усмондир? Усмон исми жуда гўзал. Жаврия бу исми яхши кўрарди. Ҳозирга қадар нечта Усмонга дуч келган бўлса ҳаммаси яхши киши бўлиб чиққан. Кўприк остида бирга ўйнайдиган болалар орасида ҳам Лочин Усмон дегани бўлгучи эди.

Эҳ, Лочин Усмон... Жуда жўмард бола эди у...

Бир марта Жаврияни чўкиб кетаётгир деб ўйлаб ўзини Галата кўпригидан денгизга отган. Муштдек бўлса-да, арслон юракли бола эди у.

Эки Шофёр Усмон-чи... Шофёр Усмон унга озмунча яхшилиқ қилдими. Автомобилида уни айтган жойига обориб қўярди. Бунинг устига у худди Барба сингари ҳеч нарса тама қилмаган, Жаврияга ҳеч қачон ёмон таклиф этмаган. Уни кўрди дегунча: “Кел Жаврия, не гаплар?— дерди.— Қани, ўтир ёнимга, бир айланиб келайлик. Сен мента барака келтирасан”.

<sup>1</sup> К ў ф т а — котлет.

Жаврия автомобилдан тушаётганида пул ҳам берар эди. Бироқ ҳеч қачон ҳеч нарса тама қилмаган. Фақат икковлон очик-сочиқ ҳазил-хузул қилишиб кулишишган, холос.

Кейин Қоровул Усмон, қорақўлдаги комиссар муовини бўлган Усмон. Ҳаммаси ҳам яхши кишилар. Усмон исмлиларнинг барчаси яхши. Шу Қоровул Усмон уни неча марта қочириб юборган.

Комиссар муовини Усмон бўлса Жаврия қўлга тушиб, қорақўлга келтирилганида ҳар гал унга сигарета берар, чой билан сийлар эди.

Ҳатто бир гал Фосфорлига бир қути сигарета ҳам олиб берган.

“Хиллар орасидаги Усмонлар ҳам яхши-я!” деди.

Ва аввалига унга “Усмон” деб мурожаат қилишга қарор қилди.

Бироқ Шарафиддин, Ҳусомиддин каби улугвор исмлар ҳам бор-ку. Баҳо, Бюлент, Турғут... Йўқ, йўқ... Ҳеч бир исм унга “Усмон” исмидек ярашмайди.

“Агар онаси бўлсам, унга “Усмон” деб от қўйган бўлардим”, — деб ўйлади Жаврия.

“Усмон ... Усмон... Усмон!.. ” деб такрорлади у.

Ҳар бир кишининг исми, ҳар ашённинг номи бор.

Ашёларга ким ном қўяркан, ажабо?

“ Инсонларнинг қиладиган иши йўқмикан, дуч келган нарсага ном қўйишади” деди ичида. Сўнг бирданига хаёли бошқа ёққа кетиб:

— Ажабо, менга ким “Жаврия” деб исм қўйган экан?— деди. — Эсимни танганимдан буён мени “Жаврия” деб чақирришади...

Бу гапни у овоз чиқариб айтиб юборганди. Унга ҳайрон бўлиб қараб қолишди. Карим кулиб қўйди-да:

— Қалланга бу гап қаердан келди, Жаврия?— деди.— Ҳар бир кишига отаси ёки онаси исм қўяди.

— Менинг на отам бор, на онам.

— Ҳарҳолда қачонлардир бўлган. Инсонлар дунёга бошқа йўл билан келмайдилар-ку.

У ҳозирга қадар ўзига онаси исм қўйган бўлиши мумкинлиги тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

Ўз исми ўша номаълум она билан уни боғловчи сирли бир ришга, бир робита бўлиб кўринди унга. Ўз-ўзича: “Менинг ҳам онам бўлган, исмимни онам қўйган!” деб гурурланди.

Бу ниҳоятда ёқимли фикр эди.

У ҳозирга қадар онаси бўлганлигини ўйлаб ҳам кўрмаган, буни ҳатто тасаввур ҳам қилмаганди.

Оналик бўлмоқ!

Ҳаётда онаси бўлганлигига ҳеч ақли бовар қилмас эди.

Қандай туғилганини сўраб қолишса:

— Жоним қурбон бўлсин Оллоҳимга, мени ҳар ҳолда қўзиқорин каби ердан ундирган ёки ёмғир каби кўқдан индирган, — деб елка қисиб қўярди.

Она! Бу унга ғоят узоқ бўлган мавҳум тушунча эди...

Одамлар онасиз дунёга келмасликларини жуда яхши билса-да, ўзининг онаси бўлганлигига қўпам ишонавермасди.

Бир аёл... Ҳақиқатан уни тўққиз ой қорнида кўтариб юрган, унга жонидан жон берган ва унга ҳаёт бахшида этиш учун азоб-уқубат чеккан бир аёл бўлганмикан, ажабо?

Уни бағрида олиб юрган, кўксидан сут берган, эркалатган бир аёл.

— Эҳ, оналик бўлиш нақадар соз бўларди!— деди ва бунинг нақадар ёқимли эканлигини ҳис қилди.

У умрида она меҳр-муҳаббати, она муруввати не эканлигини, онанинг яқинлигини ҳеч қачон билмаган, сезмаган эди. Бирон-бир аёлнинг уни она муҳаббати билан севиши мумкинлигига ҳеч ақли бовар қилмасди.

Кўча қизлари орасида дугоналари жуда кўп. У яхши кўрган ва уни ёқтирадиган қизлар ҳам жуда кўп.

Бироқ уларнинг ҳеч бири она ўрнини босолмас эди.

Унга яқин бўлган бир қиз бор эди:

Араб Жамила!

Араб Жамила билан узоқ йиллар дўст бўлишди.

Аммо Жамила унинг тенгдош дўсти эди, холос.

Унинг меҳр-муҳаббати ва мурувватини фақат опа ёки сингилнинг муҳаббатига ўхшатиш мумкин эди, холос.

“Яхши опа-сингиллардек бир-бирини яхши кўриш учун ҳам бир онадан туғилмоқ керак!” деб ўйлади у.

“Икки дугона бир-бирини нақадар яхши кўрмасин барибир опа-сингил муҳаббатига тенг келолмайди!” деди Жаврия. Хўрсинди.

Ичида ўзи билмаган, ҳис этмаган бу меҳр-муҳаббат ҳисларини бошдан ўтказиш, тотиш ишғиёқчи жўш урди.

Таърифига тил ожиз бўлган бир аччиқ ҳасрат қалбини ўртаб юборди.

“Йиғлаб юбормасам гўргайди!” дея ўз-ўзидан ҳайратланди.

— Шу падарлаънат шароб бу кеча мени роса маст қилганга ўхшайди-я! — деди. — Байрам ҳам расво бўлди!

Болалик чоқларида онаси бўлганлар учун ким билади бу байрамлар қандай яхши ўтгандир?!

Байрам томошалари ўтказиладиган майдонларга борган кунларини эслади.

Қизил, пушти, жигарранг, сариқ, яшил кўйлак кийган қизалоқлар, эғнида матросча кўйлак, костюм-шим бўлган болакайлар кўз олдида жонланди.

У бу майдонларга яланг оёқларига лой чаплашган, бўйига ҳам етмайдиган калта кўйлак кийган ҳолда борарди... Тенгдошларининг ювиб-таралган сочларига, белларига боғлаб олган ипак рўмолларига, сочларига таққан ленталарига ҳайрат билан боқарди.

Уларга ҳеч қачон ҳасад қилмаган, Жаврия уларни ғайритабиий бир жонзотдек томоша қиларди холос.

Улардек бўлишни ҳеч истамаса-да, уларни кўргиси келарди.

Балки у ўз ҳаётида улардек бўлиши мумкинлиги тўғрисида ҳеч ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Бу ҳақда ўйламагани учун ҳам улардек бўлмаганидан заррача хафа бўлмасди.

Эҳ, у байрам кунлари ...

Жаврия байрамни ўша болалардан кўра кўпроқ сабрсизлик билан кутар, арафа кунни тўплар отила бошлагач, уйқуси қочар, майдонга боришини ўйлаб, юраги гурс-гурс урар, ётган жойида у ёқдан-бу ёққа ағдарилар, интиқ бўлиб тонгни кутарди. Тонг отиши ҳам бирам қийинлашиб кетардики...

Жаврия бир кун олдинданоқ ҳайинчак қураётган ишчиларнинг ишини томоша қилиш учун у ерларга борар:

— Амакижон, сента ёрдам берақолай, эвазига мени бир мартагина текинга учирсанг бўлди! — дер, уларга кўмаклашиб, тахта, миҳ ташир, эртасига ҳайинчак учиш учун қулдай ишлар эди. Бироқ эртасига ҳайинчакчи болаларнинг кўпчилигидан шошиб, уни эсидан чиқариб кўярди. Жаврия:

— Амаки, амакижон... Кеча мен сизга ёрдамлашгандим. Кеча эртага текинга ҳайинчак учасан, дегандингиз-ку, дерди. Ҳайинчакчи бўлса:

— Бор кет... Сени кўрганим йўқ! — дерди.

Жаврия шу тариқа неча бор текинга ишлаб берган ва ҳайдалган.

Овқатланиб бўлишгач, Жаврия идиш-товоқларни ювишга киришди. Икки эркак паст товушда гаплашишга ўтишди. Жаврия уларга кулоқ солгиси келмади, чунки бундай қизиқсиниш унинг жаҳлини чиқаришидан жуда қўрқарди. Бироқ, шунга қарамай, унинг ҳаётига тааллуқли бирон нарсани билиб олиш истаги кучайгандан кучайиб борар, бу истакни бостиришнинг иложи йўқ эди.

Улар деярли шивирлашиб гаплашаётган эдилар.

Жаврия унинг Каримдан:

— Йиғладими? — деб сўраганини эшитди, холос.

Каримнинг жавобини эшита олмасди. Сўнг у баланд овозда:

— Бечора хотин! — деди.

Бечора хотин! Кимни назарда тутди у? Бу хотин ким экан?

Идиш-товоқ юваётган қўллари титради, юраги сиқилди.

Эҳтимол, бу хотин унинг онасидир!

Мабодо у хотин унинг севгилиси бўлган тақдирда ҳам Жавриянинг рашиқ қилишга ё хафа бўлишга не ҳаққи бор?

У Жаврияни бирон марта бўлсин қучдими?

Бу, хотин, балки, Каримга тегишлидир. Ҳа, Каримга тегишли экани турган гап. Илло унинг севгилиси бўлиши шарт эмас-ку!

Жаврия ўзига ўзи таскин бермоқчи эди. Бу оқшомдаги шундай бахтиёр онларига путур етишини истамасди.

У билан дўстликка эришганини ҳис қилиб турарди. У Жаврияга бериши мумкин бўлган, берган, бермоқ истаганидан кўпроғини талаб қилиш ва кутиш тўғри бўлмасди.

Идиш-товоқни ювиб бўлиб, ичкарига қайтиб кирганида унда аввалги хурсандчиликдан асар ҳам қолмаганини кўрди. Йигит ўйга ботиб ўтирарди.

Стол ёнидан кетиб, кат устига ўтиб ўтирганди. Тирсакларини тиззаларига тираб, бошини кафтлари орасига олган. Карим бўлса стол ёнида ўтирарди, олдида шароб тўлдирилган қадаҳ.

Карим хурсанд ва шод. Қаҳқаҳалар орасида йўғала-йўғала унга қизиқ бир нарса тўғрисида ҳикоя қилаётган эди.

У бўлса очилиб кулмасди. Карим ўзи гапириб, ўзи қаҳқаҳа отган чоқда у маъюсина табассум қилиб кўярди.

Карим чўнтагидан бир нарса чиқарди. Бу тўқранг ипак галстук эди. У кулимсираб:

— Унутишимга сал қопти-я. Сенга байрам ҳадяси олган экан, айрилишадетганларингизда беришни унутибди.

Жаврия “Уша хотин!” деб ўйлади. Галстукни тортиб олиб, парча-парча қилиб йиртгиси келди.

“Демак, у билан кўришиб тураркан!”

Бу номаълум хотин унинг байрам кайфиятини бир пул қилди.

Йигит ўзига узатилган галстукни олди. Унинг юзлари саргайган, кўзлари чексиз ҳасратта тўлган эди. Жаврия оддий бир галстук уни қандай қилиб бу даражада маҳзун этганига ҳайрон қолди.

Ҳадяни кўриб ҳиссиётга берилдими ёки совға жўнатган аёлни эслаб ҳаяжонландими? Билолмади.

У бу кичкина ипак парчасини кўзига суртар даражада эҳтиётлаб ўтирганини кўрди.

— Уни жуда ранжитиб кўяяшман, — деди йигит. — Уни ниҳоятда бадбахт қилдим.

Карим жавоб бермади.

Хурсанд, шўху шодон кўринмоқчи бўлса-да, унинг кўзлари ҳам ўйчан боқарди.

— Бугун байрам, — деди Карим. — Хафагарчилик оқшоми эмас.

— Хафагарчилик оқшоми дедингми?— дея такрорлади у ва секин бош чайқаб:

— Битмас-туганмас кечалар булар! — деди сўнг.

Карим индамади. Жим қолибди. Ниҳоят Карим:

— Худога шукур, эртага байрам, — деди. — Бу кеча кўп ўтириб қолдик. Эртага маза қилиб ухлаймиз.

У Каримдан:

— Дарров кетмоқчимисан?— деб сўради.

Жаврия: “Қани энди, ҳадеб гап сотавермай тезроқ кетақолсайди”, деб ўйлади. Каримни қанчалик яхши кўрмасин, шу топда у кўзига ёмон кўриниб кетганди!

Негаки у ўша хотиндан галстук олиб келган эди.

Ё раббий, бу хотин ким бўлди ўзи? Нега у бу ерга келиб у билан бирга яшамайди?

“Агар мен унинг хотини бўлсам, у қаерда бўлса, мен ҳам ўша ерда бўлардим”.

Балки бу аёл унинг хотини эмас, фақат севгилисидир. Ундан бошқа турмуш бўлган бир хотиндир.

Жавриянинг ичиде чексиз бир қизиқиш ҳисси бор эди. Айни пайтда у ҳайратланарди. Унинг севган аёли фавқулодда бир аёл эканлигини, ўзи ҳеч қачон ўша хотиндай бўлолмаслигини билар эди.

Бу хотин жуда бахтли бўлса керак.

Кўзларига ёш қуйилиб келганини сездди. Қани энди ўзини ерга таппа таш-

лаб, ер териниб ва устма-уст қарғиш ёғдириб, биқириб йиғлайверса, йиғлайверса. Ундан:

— Сенга галстук юборган хотин ким? — деб сўрай олса кошки.

Бироқ унга бу саволни бера олмасди.

Бундай савол беришга ҳаққи йўқлигини биларди.

Унинг рашк қилишга ҳаққи йўқ эди.

Уни бу қадар ўлардай, вафодор итдай севишига қарамай, у уни севмагани, истамаганини тушуниб ва рашк қилишга ҳаққи йўқлигини яхши биларди. Бу ниҳоятда алам қиладиган бир иш эди.

Ҳозирга қадар бошидан ўтказмаган бундай изтиробнинг ўзига хос лаззати ҳам бор эди.

Унга тааллуқли барча нарсаларни севарди, ҳатто бу изтиробни ҳам.

“Бу галстукни юборган ким?” деган савол тилининг учида турган, лабла-рини ёндириб юбораётган бўлса-да, жим ўтирарди.

Жим ўтирганча унга боқар, “Уни севгунча мени севса бўлмасмиди, Оллоҳим?!” деб ўйларди.

Энди улар ёлғиз қолишганди.

Анчагача юзма-юз жим ўтиришди.

У ўз ўй-хаёлларига ботган. Жаврия бўлса жимгина унга тикилиб ўтирарди.

Бир соатча шундай ўтиришди. Сўнг у қаддини ростлади-да:

— Унуттишимга сал қопти-я, Жаврия, — деди. — Сенга бир нарса опқўй-гандим.

— Менга-я?

— Ҳа!

— Нима экан у?

— Байрам совғаси. Сенга байрам совғаси бор, Жаврия!

— Менга-я?

— Ҳа!

Ўрнидан турди, жавоннинг бир тавақасини очиб, бир жуфт ипак пайпоқ ва шарф олди.

Жаврия шу заҳоти билмаган, танимаган, у билан қандай муносабатда эканлигининг тагига етолмаган бир хотин унга галстук юборганидан ҳис этаётган рашкни унутди-қўйди. Катта ҳаяжон билан:

— Менгами? Менгами? — деб сўради.

Бу совғаларни қўл чўзиб олишга журъат этмади.

— Нима, ёқмадимми? — деб сўради йигит.

— Йўт-эй, жуда гўзал нарсалар-ку булар.

Жаврия бу нарсаларни бармогининг учи билан силаб-сийпади. Айтишга сўз тополмади. Бундай ҳадя беришган чоқларида ташаккур тариқасида айтиладиган назокатли сўзларни билмасди.

— Буларни мени эслаб олибсан-да?

— Сени эслаганимга нега ҳайрон бўляпсан, Жаврия? — деди. — Нима, биз дўст эмасмизми?

Сўнг овози товланиб:

— Ахир, сен ҳам мени эслабсан-ку! — деди.

Жаврия беихтиёр:

— Сени ҳеч қачон унутмайман-ку... — деди.

Жаврия унга чексиз меҳр тўла кўзлари билан боқди.

Бу сўз унга қаттиқ таъсир қилганди. Бироқ Жаврия бунинг фарқига борадиган аҳволда эмасди. У Жаврияга қараб кулимсиради ва:

— Мен ҳам доимо сени кутиб ўтираман. Келмаган пайтларингда излаб қоламан, — деди.

Жаврия беихтиёр ёш боладек қувониб, унга боқди. Бу кеча кутилмаган бир бахт унга кулиб боққан эди.

Оҳ, шу қимматли байрам совғалари.

У Жаврияни ўйлаганининг далиллари...

“Оҳ, Оллоҳим, қандай ажойиб байрам!” дерди у ичида. Инсон ҳам шу қадар бахтли бўла олишга ҳеч ишонгиси келмасди.

Ўша хотин бўлмасайди...

Ўша хотин унга галстук юбормасайди...

Қандай саз бўларди!

Қандай саз бўларди!

Жаврия ҳадиаларни сиаб-сийпаркан унга савол беришга журъат қилди:

— Бу чиройли галстукни сенга хотининг юбордимми?

Саволни эшитиб, у бирдан жиддийлашди. Юзи жуда жиддий, маҳзун ва маънодор тусга кирди.

— Менинг хотиним йўқ, Жаврия!— деди. Сўнг янада босиқлик билан: — Энди менинг хотиним йўқ!— деб такрорлади.

— Ундай бўлса севган аёлинг буни юборган бўлса керак.

Жаврия унинг каттакон кафти ёноғига яқинлашганини кўрди. Йигитнинг иссиқ кафти унинг юзини болакай юзини сийпагандек сийпаларкан:

— Ҳа, житарим, — деди. — Бу галстукни менга жонимдан ҳам ортиқ севадиган бир аёл юборди.

Сўзларкан товуши титради. Кўзлари намланди.

Галстук юборган аёлни у гоят қаттиқ севиши кўришиб турарди.

У кўз ёшини тутишга уринган кишининг товушига ўхшаш титроқ овозда деди:

— Мен у аёлни жуда яхши кўраман. У ҳам мени севади. Бу аёлни жуда бадбахт этганман. Бироқ не бўлса бўлгандир, мен ҳамон севадиган ўша муқаддас аёл юборди бу галстукни, Жаврия. Буни онам юборди.

— Онанг бу ердами? Истанбулдами?

— Ҳа.

— У билан кўришиб турасанми?

— Йўқ.

— Қачонгача бундай бўлади? Яширин яшаш, қочиб юришинг қачон ниҳоясига етади?

У кўлини силкиб, бу жуда узоқ, балки абадий давом этиши мумкинлигини аниқлади.

— Сенинг ишинг жуда чалқаш кўринади, — деди Жаврия. — Қандай иш ўзи бу? Наҳотки бирон чора тополмасак?!

Йигит кулди ва ёноқлари ёнидаги кўли аста-секин елкаси томон сузди.

Ва бирдан уни икки елкасидан тутди.

Жаврия энтикди.

Унинг бу кўллари, бу мушфиқ кўллар елкасидан ҳеч узилмаслигини хоҳларди.

Доим шундай ўтиришса, у доим шундай меҳр билан боқиб тураверса.

— Жаврия, сен кўп яхши қизсан, — деди у.

Жаврия:

— Мен Оллоҳнинг бир ғариб бандасиман,— деб жавоб қилди.— Бу аҳволим сенга кўп маъқулга ўхшайди чоғи.

— Сен менинг энг яқин дўстимсан, Жаврия. Дарддошимсан. Мен сенга ўрганиб қолдим. Тушуняпсанми?

Кўзларига тикилди.

— Бу ердаги ҳаётимни сал бўлса-да, енгиллаштирган ҳам сен бўлдинг, — деди. Сўнг:

— Инсонларни яхши кўрасан-а? — деб сўради.

— Ҳа, бу ёлгончиларни кўп яхши кўраман,— деб жавоб қилди Жаврия. — Нечоғлик пасткаш бўлсалар-да, инсон ахир улар. Ҳаммасининг ҳам қандайдир яхши томони бор.

— Одамлардан узоқ яшаш қийин, Жаврия. Кўпчиликдан четда, ёлғиз яшашга мажбур бўлишдан ёмони йўқ.

— Сени ғам босган, биламан,— деди Жаврия.— Онанг бор бўлса-ю, ҳатто байрам куни ҳам ёнига боролмасанг. Уйинг бўлса-ю, боролмасанг. Тушунаман.

Унга боқди.

— Менинг онам ҳам, уйим ҳам йўқ, аммо сени тушунаман. Энди мен кўп нарсани тушунаман.

Бирданига ҳайратта тушди.

Ҳақиқатан ҳам у бошқа бир кишига айланиб қолганга ўхшарди.

Олдинлари ўйлаб ҳам кўрмаган нарсаларни билар, авваллари ҳис қилмаган нарсаларни ҳис қилар, илгари борлигидан мутлақо хабари бўлмаган тушунчаларга ақли етадиган бўлиб қолганди. Ва илгари унга тамоман ёт бўлган



беғубор бир ҳиссиёт билан, гўё авваллари биронта эркакка берилмаган покиза бир вужуд билан уни севар эди.

Унинг иссиқ қўллари елкасига теккан лаҳзада қалбида уйғонган ҳаяжонни у ҳозирга қадар ҳечам, бирон марта ҳис қилмаган эди. Уни севмоқ Жаврия учун ўз-ўзини бирданига кашф этмоққа ўхшарди.

— Сен одамларнинг энг яхшисисан, Жаврия,— деди.— Сен жуда яхшисан. Сени хонамда, ўз ёнимда кўрдим дегунча...

Яна бир нарса демоқчи эди.

Ажабо нима демоқчи эди?

Жаврия буни ҳеч қачон билолмади.

Чунки бирданига эшик тақиллаб, сўзи бўлиниб қолди. Бир-биридан сал узоқлашдилар.

У эшик томон йўналиб, очди.

Остонада Карим кўринди.

Жаврияга Каримнинг ранги бироз оқаргандек туюлди.

Карим унинг қулоғига нималарнидир пичирлади. Унинг юз-кўзидаги маъно ўзгармаса-да, ранги ўчди.

— Йўғ-эй, азизим, — деди у.

Карим шивирлашда давом этди.

Жаврия ичкарироққа ўтиб, тўшак устида ўтирди. Бироз гангиб қолган бўлса-да, масъуд эди. Уларнинг пичир-пичиридан бироз хавотирланаётган бўлса-да, қалбини қамраган сўнгсиз бахтиёрлик ҳисси оғушида сармаст эди.

Не бўлди бу кеча, ё Раббим?

Ҳаёт бунчалар гўзал бўлмаса?! Яшамоқ нақадар гўзал.

Дунёда ёмон нарсанинг ўзи йўқдек туюларди унга.

Дунёда барча нарса гўзал ва борлиқ бахту саодат оғушида.

Каримнинг юзи бунча совуқ бўлмаса, у нималар деб пичирляпти, ажабо?

Унинг айтаётган гап-сўзлари Жаврия тушган бу бахтли-саодатли оламга пугур етказиши мумкинмиди?

Жаврия бу ҳақда ҳатто ўзи ўзига савол беришдан ҳам кўрқди.

Улар анчагача шивирлашдилар. Кейин у деворга осиглиқ камзулини олиб, индамай кийинди.

Нимаси ўзи бу?

Карим унга не деди? Қаёққа кетяпти?

Не замонлардан боши устида гир айланиб юрган таҳлика бирдан хавф солиб, ўртага чиқдимми ё?

Жаврияга юзланди. Бўғиқ товушда:

— Жаврия, сен ёт! .. — деди. — Ташқарига чиқишимга тўғри келяпти. Калитни олиб кетаман. Келгач, эшикни ўзим очаман. Сен ухлайвер.

Чиқиб кетишди.

“Сен ухлайвер!” деди. Уйку...

Жаврия ҳеч қачон бугунгидай бедор тонг оттиришни истамаган эди. Бахтиёрлик онларини бедор ўтказишни хоҳларди.

Унга қандай гўзал ҳадялар берди. Қандай яхши гаплар айтди.

Қаерга кетди экан?

Жаврия ўрнидан туриб, эшик томонга йўналди. Қулоғини эшикка босиб тинглади. Зинапоядан тушаётган оёқ товушини эшиттиси келди.

Бироқ ҳеч нарса эшига олмади.

Сўзи бўлиниб қолган эди.

Жаврия сўзнинг охирини қачондир эшитадими-йўқми — билмасди.

“Мени севармикан?” деб ўйлаганча, дастурхон томонга юрди.

Шиша тагида қолган озгина шаробни бардаққа қуйиб, бир хўплашда ютди.

“Бу кеча керак бўлса тоғларни талқон қила оламан!” деб ўйлади.

“Қўнғироқчаларни тақиб олиб, ажойиб рақс тушишим мумкин!” Қани энди шарманка бўлса... Мажидияқўйдаги казинода ва Галатадаги Йўргининг майхонасида эскироқ шарманка бор. Жаврия кайф қилган чоқларида шарманканинг дастасини айлантираверарди.

Шарманкадан куй эшитиларди.

Саёқлар:

— Яшавор, Фосфорли! — деб қийқиришади.

Қани энди бу кеча шарманкалар чалинса... Қоғоз фонарлар порласа...

У қоғоз фонарларни ва сунъий гулларни жуда яхши кўради.

Қани энди Жаврия қадаҳларни уриб синдирса...

— Фонару мушаклар сендан айлансин, яша, Фосфорли! — деб қичқиришса эди саёқлар...

Бутун Жавриянинг байрами. Жаврия учун ҳақиқий байрам бўлди бутун!

— Ендим-ку, Оллоҳим!— дея ҳайқириб стол устидаги қадаҳни мушт уриб синдиргиси, сўнг неча кунлар давомида яраланган кафтини опшоқ дока билан боғлаб, кезгиси келарди. Кайфи тарақлигидан чап қўлини карнай қилиб, орқага туфургиси келарди.

Чирт этиб бир туфуради-да: “Ҳаммангизга туфурдим. Севгилим мени севади. Энди мен унинг жазманиман!” дея қаланғи-қасанғиларни лол қолдиргиси келарди.

“Унинг жазмани!”

Мақтангиси келиб қолди.

Ахир унинг елкасидан тутди, ёноқларини силади.

Бу оқшом уни кутган эди.

Унга қандай ширин сўзлар айтди. Шоир бўлиб кетганди у бу кеча.

Шароб тугаб битганди. Пастга тушиб, шароб келтирсаммикан, деб ўйлади. Бироқ буни хавфли деб топди.

Ҳарҳолда улар беҳудага кетгани йўқ. Бир таҳлика борлиги аниқ.

Бу йигитни одамлардан четда якка-ёлғиз яшашга мажбур қилган сир нима эканлигини ҳеч билолмади.

Унга тааллуқли ҳеч нарсани тушунолмаб ҳайрон эди.

Шароб ичишдан умиди узилгач, кайфи баланд бўлмаса-да, мастларча чайқалиб, ётоқ томон йўналди.

Тўшакка юзгубан тушиб ётди.

Бошини ёстиққа буркади. Ўзи тушуниб етмаган бир сабабдан, бахтиёрликданми ёки изтиробданми, хуллас, не боисдан эканини ўзи ҳам билмаган ҳолда хўнг-хўнг йиғлади.

Жаврияга умрида ҳеч насиб бўлмаган бу бахтиёрлик ҳар ҳолда энг юксак чўққисига кўтарилган эди. Шундан кейин унинг толеи яна пастлашиб кетди.

Фалокат устига фалокат ёғилди, боши изтиробдан чиқмай қолди.

Ўша кечаси у, ўзи айтганидай, тезда қайтиб келгани йўқ. Тонг ёришай деган бир пайтдагина қайтиб келди.

Жаврияга:

— Сен дарҳол ўрнингдан тур-да, кетгин, — деди. — Вазият шуни тақозо этипти.

Юз-кўзи жуда сўлгин эди.

Изоҳ бериб ўтирмади. Жаврия ҳам изоҳ талаб қилиб ўтирмади.

Унинг бутун умри ўғри-каззоб, жиноятчилар, қочоқлар орасида ўтган.

Эркак кишининг қовоқлари уюлиб, ёноқлари уча бошласа фалокат оёқ остида деявер.

Жаврия тўшакдан туриб, шоша-пиша кийинди.

Совғаларни қўлига олиб, эшикдан чиқаётганида у Жаврияга яна қўл узатиб:

— Жаврия,— деди,— бу кеча кўп ёмон иш бўлди. Энди анчагача бу ерга келмагин. Ҳеч ким мени кўрмаслиги лозим.

Жаврия бу шунчаки эҳтиёт чораси эмаслигини тушунди. Бу гал ҳақиқатан ҳам бир таҳлика борлиги аниқ.

— Не бўлди?— деди у. — Менга ишонишинг мумкин. Мени энди яхши биласан-ку.

— Жаврия, оппоғим. Биласанки, мен яширин ҳаёт кечирягман. Кеча бир эҳтиётсизликка йўл қўйдим. Неча йиллардан бери кўрмаган онамни бориб кўрдим. Мени қўлга тушириш учун унинг орқасига одам қўйишган экан. Бизнинг учрашганимиздан хабар топишган. Мени топа олишмаган, аммо онамни қўлга олишибди. Онамни...

Ранги ўчиб, сомондек сарғайиб кетганди. Давом этди:

— Бу ерга билдирмай кириб-чиқиш энди хавфли. Онам терговдан қутулгунга қадар бу ерга келма.

— Мен бундан қандай хабар топаман? — деди. — Энди сени қачон кўришим мумкин?

— Бир ойдан кейин. Ропша-роса бир ойдан кейингина бу ердан ўтгин. Тушундингми? Агар тушдан кейин соат учда Карим эшик олдидаги ўриндикда ўтирган бўлса яхши, ўша кеча ҳамишагидек бу ерга келавер. Акс ҳолда яна бир ой кут. Ҳар ойнинг ўша кунида ўша соатда бу ердан ўт.

Жаврия йиғидан овози бўғилиб:

— Хўп, шундай қиламан! — деди. — Хавфдан қутулиб, сен билан учрашиш имкони пайдо бўлгунга қадар шундай қиламан...

Сўнг ёлворган нигоҳ билан унга боқиб:

— Нега бундай қилишади? — деб сўради. — Нега сени қидиришяпти? Айбинг оғирми?

— Мен ўлимга маҳжум этилган одамман.

Жаврия аввалига тушунмади. Сўнг аъзойи баданини титроқ босди. Униси:

— Сиртдан ҳукм этилганман! — деди. — Агар қўлга тушсам... Биласанми, нима бўлади?

Жаврия буни жуда яхши тушуниб турарди. Фарёд уриб йиғлагиси келди. Уни кўлидан олиб, дор тагига опкетишади, деб кўркувга тушди.

— Айбинг нима? — деб сўради.

— Кўй энди бу гапларни. Фақат шуни билки, арзимаган эҳтиётсизлик оқибатидан қурбон бўлиб кетишим турган гап.

Жаврия ич-ичидан қайнаб-тошиб келаётган иқрорини тўхтатишга энди қодир бўлмай қолди. Кўзларидан тирқираб отилиб чиқаётган ёшларни тўхтата олмаганидай, иқдор сўзлари ҳам ўз-ўзидан лабларидан отилиб чиқа бошлади:

— Сени ўлдиришмоқчимми? Илоё, сени осмоқчи бўлган қўллар ириб тушсин. Сени қандай севишимни, сенга бир итдек садоқатли эканимни наҳотки сезмаяпсан?! Сени бундан сўнг ҳеч кўрмасам ҳам майлига. Сен тирик бўлсанг бас... Сенинг ўрнингга менинг ўлганим яхши... дерди у.

У Жаврияга ҳеч нарса демасдан, икки елкасидан тортиб, бағрига босди. Кўксига бош қўйиб ўкраётган қизнинг сочларидан ўпиб:

— Азизим, — деди холос.

Шу орада зинапоядан кимнингдир шитирлаган оёқ товуши сезилди. Кўп ўтмай эшик оҳистагина тақиллади. Карим остонадан ҳатлар экан:

— Тез чиқиб кетсин! — деди.

Жаврия кафтининг орқаси билан кўз ёшларини артиб:

— Қандай чидаяпсан, портлаб кетмаяпсанми, Карим ака?! — деди-ю эшикдан чиқди-кетди.

Кўлида меҳр билан бағрига босган ҳадялар бор эди.

Бу у билан охирги кўришиши бўлди. Шундан кейин уни кўргани йўқ.

Бир йилдирки, Жаврияни мумдай эритиб битирган бу муносабат шу зайлда ниҳоясига етган эди.

Бир йилдирки, Жаврия жавобсиз севги оташида ёниб, эриб-битишдан ўзгача бир ҳузур топган эди.

Бир йилдирки, унинг ўзини севмаслигини, сева олмаслигини билган, ўзига аёл сифатида қарамаслигини ҳис этган, унга фақат дўст деб қарашини билган ҳолда ишқ оташида ёниб яшади.

Шунга қарамай у қачондир Жавриянинг аёллигини кўришидан, аёл сифатида севишидан умидвор эди.

Гоҳ-гоҳ қутуриб тошган бир жўшқинлик ичида ўзидан кетган, ичкиликка берилган, сарсон-саргардон тентираган, чиркинлигу қабоҳат кучоғига отилган бўлса-да, асос эътибори билан уни танигани, уни севгани учун руҳини бир нур ёригиб, ором берарди.

Жаврияни унга боғлаган туйғу ҳаётига яшндек бирдан ёриб кирганди.

Жаврия ҳам тўфонга дуч келиб, эгилиб-букилган кучсиз новдадек, бу ҳиссиётга таслим бўлганди.

У билан танишганидан кейин қалбининг тўрида шу чоққача пинҳон ёт-

ган, уйқу оғушидаги муҳаббат туйғуси бирдан уйғониб, жўш уриб кетган эди. Бугун туйғулари бирдан кўз очиб, куртак ёзган эди.

Жаврия ҳеч қачон кўрмаган онаси, қалбида ҳамон тирик бўлган отаси, дунёга келмаган, келган бўлса-да, ўзи кўрмаган-билмаган ака-ука, опа-сингиллари, ифбатли қиз бўлмагани учун пешонасига ёзилмаган қаллиғи, ҳеч қачон насиб бўлмайдиган эри ўрнига ҳам уни севарди.

Уни ҳамма-ҳаммаси учун, ҳаммасини нечоғлик севиши мумкин бўлса шунчалик севиб қолганди.

Уни бир ойдан сўнг кўриши мумкин эди.

Бир ой ўтишини кутиш, бунинг устига, унинг ҳаёти қил устида турганини била туриб бу бир ойни ўтказиш Жаврия учун жаҳаннам азобидан ҳам ўтиб тушди.

Қаёққа боришини, не қиларини билмасди.

Истанбул бирдан тораёйиб қолгандек бўлди. Бу улкан шаҳар тўсатдан кичрайиб қолгандек туюларди унга.

Кўчалар одамни дилгир қиладиган даражада ғамбода. Майхоналардан моғору ахлат ҳиди анқийди.

Денгиз кўрғошин рангига кирган.

Ҳавонинг қовоғи солиқ, гўё шаҳар устига кўрғошин қубба тўнкариб қўйилганга ўхшарди.

Жаврия ўзини қўйгани жой тополмас, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа йўл оларди. Бир соат олдин Эдирнақопада турган бўлса, бир соат кейин уни Мачқада, Тошлиқда кўришарди.

Ёнига келмаслик тўғрисида огоҳлантирганидан бери Жаврия Истанбулда борадиган жой тополмас, қўними йўқ эди.

Оқшом тушди дегунча Нажотибей кўчасидаги омбор томонга боргиси келарди.

Уйдан қувилган мушукдек дарбадар бўлиб қолди.

“Энди уни бир ой кўрмайман ҳарҳолда”, дерди. “Бирдан уни тутиб олишса-я...”

Бу фикр ҳаёлидан ўтиши билан аъзойи бадани музлаб қолгандек бўларди.

Унинг ўлимга ҳукм этилганини билган дақиқадан бошлаб яшаш Жаврия учун дўзах азобига айланди.

— Ҳозиргача тутқич бермапти, бундан кейин ҳам, иншооллоҳ, қўлга тушмас,— дея ўзига таскин берарди. Сўнгра бирдан аччиқланиб: “Бировни пичоқлашнинг нима кераги бор эди?” деб тўнғиллаб қўярди.

— Бироқ у одам ўлдирадиган кишига ўхшамайди ҳеч! ..

У бундай иш қилиши мумкинлигига ишонмасди.

— Ажалини сўраб оладиган кишилар ҳам бўлади-ку...

Айби не бўлса бўлсин, не сабабдан ўлимга ҳукм қилинган бўлса бўлсин, Жаврия учун фарқи йўқ.

Жаврия учун бу йигит уни хасталигида кўчага ташлаб кетмаган, ўлимга ҳукм қилинган бир қочоқ бўлса-да, унга ачиниб, ўз уйига олиб келган ва бир ҳафта уни боққан яхши инсон эди.

У оғир-вазмин ва яхши инсон...

Байрам оқшоми...

Уни кутиб, дастурхон тузаган, унга ҳадылар берган бир дўст эди у. Жаврия ҳеч кимдан кўрмаган ҳурмат-иззатни ундан кўрди.

— Қани бир ташла-чи, Фосфорли!— дея унинг қорин ўйнатишини истамаган, рақи анқиган лаблари билан дудоқларини ўпмаган ягона эркак ҳам эди...

У тамоман бошқача одам. Ҳеч кимга ўхшамайдиган фавқулудда бир киши. У билан яқинлик туфайли Жаврия бошқа кишига айланди.

Жаврия илк бор унинг ёнида ўзининг инсон эканлигини ҳис қилганди. У Жаврияга аслзода хонимлардек муомала қилган эди.

— Гўё мен кўприк остидан чиққан исқирт аёл эмас, балки ота-онаси ҳузурда тарбияланган бойвучча хонимдек!— дерди.

Ундан жуда миннатдор, уни бугун қалби билан севади.

Ажабо, уни яна бир марта кўра олармикан?

“Уни кўлга туширишса нима бўлади?” Бу фикрдан жигари эзилиб кетгандай бўларди.

“ Уни турмага тикишса-я!”

Турма бўлса гўрга-я, лекин, ахир у ўлимга ҳукм қилинган киши-ку.

Жаврия ўлимга ҳукм қилинган кишиларни кўрган.

Ё Раббим, уларнинг кунини ҳеч кимнинг бошига солмагин!

Уларни севган бахти қаро хотинларнинг аҳволини айтмайсизми?!

Жаврия Тентак Марикани эслади.

Унинг ўлимга ҳукм этилганини билган кундан бери кўз олдига нуқул Тентак Марика келади.

У пайтлари унга “Тентак Марика” дейишмасди, исми “Қишмиш Марика” эди. Галатанинг энг шўх қизи эди. Жаврия унинг сиртога рақс тушишларини, юнонча айтган қочиримли кўшиқларини ҳеч унутмайди. Марика бир кулса борми, майхона ёрилиб кеттудек бўларди.

Бечора Марика...

Хуллас, у Қатикчи Атемни ўлдирган Пўрим Умарни яхши кўриб қолган эди. Умар унча келишган йигит бўлмаса-да, ўзига бино қўйган йигит эди.

Қошларини чимириб, костюмини елкасига елвагай ташлаб юрарди.

Кафтининг орқаси билан мўйловини силаб кўярди. Марика унинг пўримлигига учган бўлса керак.

У Галатага Бурсадан келган эди. Бу бурсаликлар доим бир балони бошлаб юришади.

Пўрим Умарни биринчи кўришдаёқ Жаврия:

— Бу молнинг зоти паст!.. — деган эди.

Марика уни қандай қилиб севиб қолган, худонинг ўзи билади.

Ё раббим, одам ҳам шу қадар ўлардай севадимми, ахир?! Ваҳоланки, у қачон қарасанг Марикани дўшослагувчи эди. Уласи қилиб урарди.

Бир кун илфатлар Барбанинг майхонасида отиб ўтиришганди. Тепарокдаги стол ёнида Марика билан Пўрим Умар ўтиришганди.

Ён томондаги столда ўтирган бир маст йигит:

— Барба, бирр жигарр кабоб пиширр!.. — деркан Марикага кўз қири билан тикилди. Пўримнинг кутуриб кетиши учун шу бир қарашнинг ўзи етарли бўлди.

“Жуда бадгумон йигит эди!.. ” Балонинг нақ ўзи эди.

Пўрим бирдан жигар кабоб буюрган йигитга ўтирилди:

— Сен жигар кабоб деб нимага ишора қиялсан? Мени ҳафтафаҳм деб ўйладингми? Менинг ланкамга “жигарим кабоб бўлди” деяётганингни билмайди деб ўйладингми?!— деди-ю, сапчиб туриб, у йигитнинг ҳиқилдоғидан бўғиб, ерга таппа босди.

Жаврия у кечани ҳеч унутмайди. Унинг ёнида ўтирганлар ҳам ирғиб оёққа қалқишди.

Бир ола-тасир бошланиб кетса бўладими?!

Қиёмат қойим бўлди... Бу ғавғага ҳеч алоқаси бўлмаганлар ҳам муштлашиб кетишди. Ликопчалар, қадаҳлар ҳавода учди.

Барбининг ўша пайтдаги кўриниши ҳамон ёдида. Бурни янада узайиб кетганга ўхшарди. Барба, Барба...

Жавриянинг бошига ҳам бир қадаҳ учиб келиб тегди.

Унг қоши орасида ўша яранинг изи қолган.

Ўша кечаси Пўрим у йигитни чавақлаб ташлаган эди. Ҳаммасини гувоҳликка чақирди. Судга чақиртиришганида суд раиси унга бир ёмон қараб қўйди-да, қоидага кўра исмини сўради. Шунда у:

— Жанжал чиққан жойда гувоҳнинг исми нима ҳам бўларди, Раисбей?— деган эди.— Исми Жаврия... Шарифим бўлса Фосфорли... — деди.

Ўша кун и судья уни сўкиб берганди.

Марика Пўримга икисиз боғланган эди. Бу йигит хотинларнинг бошини айланттиришнинг ҳадисини олган эди. Тамом вассалом.

Марика унга пул топиш учун дугоналарига ялиниб, уларнинг мижозларини оларди. Жаврия у ҳақда дугоналарига:

С и р т о — юнонча рақс тури.

— Бу хотин хотин эмас. У темир хотин, чарчаш нелигини билмайди, — дерди.

Оҳ, бечора Марика. Пўрим Қатикчини ўлдираётганида ўзига ҳам ўлим жазоси беришлари мумкинлигини ҳеч ўйламаганмикан?

Арзимаган бир қиморни деб одам ўлдириш мумкинми, ахир?! Қолаверса, беш ярим лирани деб-а?!

Қатикчи қиморбозларнинг энг зўри эди.

Ҳийла ҳам ишлатар, оқибатда ора-чўра калтак ҳам еб турарди. Пўрим уни ўлдириганини эшитган бутун Галата:

— Ит қавмида кетди бечора... — деган эди.

Ит қавмида ... Ахир, у бу қизиққон Пўримни алдамаслик кераклигини билмасмиди? Қиморда ҳеч ким Пўримнинг олдида ип эшолмасди. Не-не усулларни билмасди у. Шундай уста бўлса-да, Қатикчининг фирибини билмай қолган. Беш ярим “қўқон”... Бор-йўғи беш ярим “қўқон” ютқизган холос.

Дўппи тор келганда беш ярим чақа ҳам аскотиши мумкин. Бироқ...

Беш ярим “қўқон” деб кишининг бу қадар кек сақлаб юриши яхши эмас-да, тўғрими?

Пўрим қамалган кунлари Жаврия Марикани кўриб қолди. Уст-боши, юз-кўзи афтода бир ҳолда у тергов идораси олдида пойлаб ўтирарди.

Бу аҳвол ойларча, балки, бир йилдан кўпга чўзилди.

Бечора Марика.

Охири Пўримни ўлимга ҳукм этишди. Ўша кечаси ҳам у Марикани учратганди. Кўприк устида унга дуч келди. Мариканинг юзи кўкариб кетган. Лаблари қимтилган, кўзлари бежо, бир нуқтага тикилган кўйи кетиб борарди. Жаврияни кўрмай ўтиб кетди.

— Марика... Марика!.. — деб қичқирди.

Бечора Марика. Гулдай бир қиз эди.

Энди бўлса юзлари сўлгин, сўлиб битган, афтода.

— Марика...

— Овозингни ўчир, Жаврия! — жеркиди у. — Ўчир!

— Қаёққа кетяпсан?

— Отамнинг ёнига! — деди у. — Қаердан билай қаёққа кетаётганимни?

— Юр, Барбаникига борайлик, дутонажон, юрақол. Ранг-рўйинг бир ҳолда.

Бир нарса ичайлик.

— Ичгим йўқ.

— Юр, дейман сенга. Ёки шу ерда, кўприк остида ўтириб, мени кут. Кут мени, рақи олиб келаман.

Жаврия бориб, бор пулига бир шиша рақи сотиб олди.

Қодикўй бандаргоҳидан Халиж бандаргоҳига ўтиладиган кичик кўприк ёнида Марика оёқда туриб, шишани бир кўтаришда бўшатди. Сўнг Жавриянинг елкасига бош кўйиб, шишани сувга отди.

— Уни ўлимга ҳукм этишди!

Боқини Жавриянинг елкасидан кўтариб, бор овози билан қичқирди:

— Йўқ... Йўқ... Йўқ...

Жаврия кўли билан унинг оғзини ёпди.

— Дутонажон, овозингни ўчир! — деди у. — Полицияга опкетишади бизни. Маст эканингни билиб қолишади.

Жаврия ёмон қиз эмасди. Унга чин дилдан ачинаётган эди, бироқ полиция участкасида тонг оттиришга кимнинг тоби бор дейсиз.

Ўша кечаси уни зўрлаб Барбаникига олиб кетди.

Барба деразаларни зич ёпди. Саҳармардонгача Марикани роса ичиришди.

Шу Барба қандай жўмард одам-а! Ғамхўр, бировнинг дардини тез пайқайдиган киши у. “Бу Барба юрак доктори, қалб табиби!” деб ўйлади Жаврия.

Умар қатл этилган кун эсида. Ўша тонг ниҳоятда мудҳиш бўлган эди.

Унинг ўлимга ҳукм этилганини эшитган кундан буён ... ўша Сулгон Аҳмад майдони... ўша халойиқ... ўша дор кўз олдида ҳеч кетмайди. Ўша кун томошага чиққандек майдонга одамлар тикилиб кетганди.

Тешиккулча сотувчи бола:

— Янги тешиккулча... Янги тешиккулча!.. Иссиққина! — дея қичқириб олюмонни оралаб юрарди.

Жавриянинг димоғига тешиккулча ҳиди уриландек бўлди. Умарнинг қатл этилишини кутаётган одамлар талаша-талаша хушбўй тешиккулча ер эдилар.

Жаврия ўша манзарани кўз олдига келтирди. Қамоқ аравасининг майдонга кириб келиши кўз ўнгида жонланди.

Пўримни кўриш учун Галатанинг барча қаланғи-қасанғилари дорга яқин жойлашиб олишганди.

Пўрим асл йигит эди, тамом-вассалом. Ҳатто дор остига опкелишларидан олдин соқолини олган. Сочларини ҳўллаб тараган, ложувард камзулининг кўкрак чўнтагига қирмизи рўмолча тиқиб олган.

Ҳамон ўша-ўша олифталиги ва пўримлиги қолмаган. Жаврия унинг дор остига шаҳдам қадам ташлаб бораётганини худди ҳозир ҳам кўраётгандек бўлди.

Жаврия ундан кейинги воқеани кўришни хоҳламаган, кўнгли айниб, тескари қараган, ерга туфуриб, майдондан чиқиб кетган эди.

Бир неча кундан кейин Марикани Галата соҳилида узала тушиб ётган ҳолда кўрди.

Улганмикан деб кўрқиб кетди. Йўқ, фирт маст экан.

Узиям унақа-бунақа эмас, мутлақо учиб қолган эди.

Уни ўзига келтиришга уринаётганида полициячилар келиб қолган, икковини бирга деб ўйлаб, Марикани касалхонага, Жаврияни полиция маҳкамасига олиб кетишганди.

Текширишганида у касал чиқди. Бир неча ҳафта таносил касалликлари шифохонасида даволанди.

Бу унча хавфли касаллик эмасди. Доим йўлиқиб турадиган касаллик.

Ундан сўнг на Жаврия, на Истанбулнинг барча полиция маҳкамалари, қорақўллари Марикани бирон марта бўлсин хушёр кўрганлари йўқ.

Топса рақи, топса шароб, топмаса қўлбола спирт ичарди.

Ичкилик уни соб қилди, охири ақлига ҳам путур етди. Шу боисдан уни “Тентак Марика!” деб чақирадиган бўлишди.

Тентак Марика!..

Жаврия уни эслади дегунча:

— Йўқ.. Йўқ!— деди.— Уни қўлга туширишолмайди!

Унинг қўлга тушишидан жуда кўрққан кезларда шундай умид қиларди. “Нега энди тутилар экан? Модомики, ҳозирга қадар қўлга тушмаган экан...” деб ўйларди.

Унинг қўлга тушишидан ва уни бошқа кўролмаслигидан кўрққани учун ўзини қўярга жой тополмасди.

Бир ойнинг тезроқ ўтиши, Нажотибей кўчасидаги омбор олдидан ўтиш ва, унинг айтганидай, Каримни эшик олдида курсида ўтирган ҳолда кўриш учун Жаврия азиз умрининг ярмини беришга ҳам тайёр эди.

— Ярми ҳам гап бўлтимми?— дерди у.— Унга жоним садақа. Унинг дардида адо бўлдим-ку...

Шу орада Барбаникига бир неча бор борди. Барба унинг кўзларидан оғир кунларни бошдан кечираётганлигини англади.

Ҳамма-ҳаммаси Жавриянинг қора, гўзал кўзларидан аён эди.

Кўча хотинларининг балки ҳеч бирида уникадек маънодор, ичидаги дарди-ю, севинчи яққол акс этиб турадиган кўз йўқ эди.

Ҳамма нарса унинг кўзларидан аён бўлиб турарди.

Барба унга:

— Худо ҳаққи, Жаврия, сен ошиқ бўлганга ўхшайсан,— деди.

Отасидек қадрдон бўлган Барбага дардини тўкиб солгиси келди.

Бироқ оғизга қулф урилган. Агар у тўғрисида бировга бир оғиз гап айтса борми, сир очилган ва, эҳтимол, уни бошқа ҳеч кўролмаган бўлурди.

Жаврия у ҳақда оғиз очиш нақадар хавфли эканини биларди.

Уни ҳеч ким билмаслиги лозим. У Жаврия учун Истанбул кечаларининг қоронғи қаърига кўмилган энг тотли бир сир бўлиб қолиши керак эди.

Шу героин балоси ҳеч кутмаган, ҳеч ўйламаган бир пайтда бошига тушди.

Бу қадар бахтсизлик ҳеч кимнинг бошига тушмаган бўлса керак.

Жаврия ҳар куни бармоқ букиб кун санарди. Ниҳоят ўша кунга ҳам оз қолганди.

Нажотибей кўчасидаги омборнинг олдидан ўтишига атиги бир ҳафта қолганди.

Уни излаб борадиган кунлар яқинлашган сайин Жаврия яна умидлана бошлади. Унинг некбин қалби: “У бу хавфдан ҳам эсон-омон қутулар!” дея севи нарди.

Ниҳоят уни кўради.

— Мен ўз толейимга ишонаман! Мен омадли одамман,— дерди.

Ҳақиқатан ҳам у ўз-ўзига қаттиқ ишонарди.

Бир ҳафтадан сўнг омбор ёнидан ўгади, шунда Каримни курси устида ўтирган ҳолда кўради.

Ошпоқ сочли боши ширакайфликдан ён томонга оғиб тушган, ҳар доимгидай оғзи қулоғида, лабида сигарета...

Кейин...

Оҳ, ундан кейин...

Ўша кечаси қош қорайгач, йўқ, йўқ, тун яримлаганда у ерга боради.

Зинапоёга тирмашади, йўқ, йўқ, қанот боғлаб учиб чиқади.

Ажралишларидан олдин, Карим хонага кирмасидан бурун Жаврияни бағрига босиб, “Азизим!” деганди.

Ҳеч қайси эркак унга бундай ширин ва мушфиқ товушда “Азизим” деган эди.

Эркаклар Жавриянинг ўз ҳирсларини қондиришини исташарди холос. Уларнинг ҳеч бири Жаврияни хурсанд қилишни, бахтиёр этишни, муҳофаза қилишни, ўзлари эмас, Жавриянинг кўнгли учун уни силаб-сийпаб, эркалатишни ҳатто ўйламаган ҳам.

Жаврияга ғоят покиза муносабатда бўлган, унга мушфиқона ёндошган, уни ўзига яқин олган ва уни самимий эркалатган ягона эркак у бўлди.

Жаврия унинг уйига бориб, йўқ, йўқ, қанот нелар бўлар эди, ажабо?

Жаврия юрагида борини унга аллақачон айтиб бўлган.

Ҳа, Жаврия унга дилда борини айтиб бўлган ва у Жаврияни бағрига босиб, “Азизим” деганди.

Энди унинг ҳаёти тубдан ўзгариб кетса керак.

— Унинг севгилисидан бўламан!— дерди у.

Бироқ энг муҳими бу эмас. Унинг Жаврияни қадрлаши дунёдаги энг катта бахт-саодат эди.

У ёқтирган, ўзига яқин олган аёл бўлиш...

Бироқ шу героин иши ҳамма нарсани ағдар-тўнтар қилиб юборди. Бу фалокат ҳеч қутилмаганда, бевақт юз берди. Шу сабабдан у уни йўқотди, қайтиб кўрмади.

Жаврия ўтган бир ой ичида яшаш учун, яшагани учун, яна нон ва ароққа пул топиш учун баданини унга-бунга сотган эди.

Бир кечаси бир бурчакда яна мижоз пойлаб турган пайтда ўша “ит эмган, номуссиз” кўлига героин пакетларини тутқазиб, “Тезда шуларни ол.. Мен сендан кейин оламан”, деб кўздан ғойиб бўлган эди.

Жаврия не бўлганини тушуниб ҳам етмай, кўлига тутқазилган пакетчаларда не борлигини билишга улгурмай ҳам туриб, атрофини полициячилар ўраб олди.

Жуда аҳмоқона иш бўлганди бу.

Полициячилар уни ҳовучида пакетча билан ушлаб олишди.

— Бу нима, эй қиз?

У саволга самимият билан:

— Мен ҳам билмайман, Акажон...— деб жавоб берди.

Бироқ полициячиларни танигач, юраги шув этди, кўлидаги пакетчаларда нима борлигини дарҳол тушунди.

Бу героин эди.

Полициячилардан бири ундан:

— Энди героин сотишга ўтдингми, Фосфорли?— деб сўради.

Иккинчиси:

—Ўзини-ку тонналаб сотарди. Энди грамглаб сотишни ўргана бошлабди-да! — дея гўё зўр гап айтгандек мамнун ишшайиб қўйди.



Учинчиси бўлса жаҳддор экан.

— Хўш, ёнингга келган киши ким эди?

— Қайси киши?

— Сенга бу пакетларни берган киши?..

— Танимайман уни, Акажон!

— Бизда тезда ақлингни киритиб қўйишади, шунда дарров таниб қола-санки...

Қорақўлларни, полиция марказлари, мудириятларни яхши биларди.

У ерга оборишганида ҳеч қачон қўрқмаган. Бироқ бу гал...

Ўз-ўзига:

“Ғарибу бечора Жавриянинг додини ким ҳам эшитарди?” деди.

Бу ишдан қутулиш осон эмасди.

Ҳақиқатан шундай бўлиб чиқди.

Жаврия ёқасига ёпишган бу балодан қутула олмади. У кўчанинг ёзилмаган ахлоқ қоидаларига қаттиқ риоя қиладиганлар тоифасидан эди.

Жавриянинг тушунчасига кўра, қўлига пакет тутқазган “ўша аблаҳ” унга ўз сирини ҳам ишониб топширган ҳисобланарди.

Жаврия ҳозирга қадар ўзига айтилган сирни бошқа ҳеч кимга айтган эмасди.

У ўзига “айтмаслик” шарти билан ошкор этилган сирнигина эмас, ўзи истамаган ҳолда, тасодифан шоҳид бўлиб қолган воқеани ҳам ўзгаларга айтмаган.

Бировнинг сирини махфий сақлай олиш кўчада олган тарбиянинг меваси эди.

Бирор воқеага шоҳид бўлиб, уни ошкор этдингми, тамом, инсоннинг бурди кетарди. Истаган жойга бош ур, истаган кишинга ёлвор, фойдаси йўқ, ишонч-эътибордан қоласан, ҳеч ким дардингни эшитишни хоҳламайди ҳам, сабаб-пабав билан ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ, сотқинсан, тамом-вассалом.

Иш полиция маҳкамасида битса кўп аъло бўларди. Акс ҳолда кейин тергов бошланади, камида саккиз марта чақиришади, гоҳ Али билан юзлаштиришади, гоҳ Вали билан. Ундан кейин айбланувчи ёки ноҳақ чиққан кишининг сизга шундай бир тикилиши борки... Бундан кўра ўлган яхши.

“Судьяларнинг олдига бориб кўрсатма берадиган шоҳидлар нуқул ғирт ёлгончи, мутгаҳам, фирибгар бўлса керак!” деб ўйларди Жаврия.

“Раисбей” ҳам айтилган сўзларга икки дунёда ишонмаса керак.

Гоҳ уни сўрайди, гоҳ буни, у қилади, бу қилади, хуллас, бошни айлантиради, натижада киши аввалбошда нима деганини, ҳатто не кўрганини ҳам эсдан чиқаради.

Тилни тийгандан, сендан бир нарса сўраб қолсалар:

— Кўрмадим, эшитмадим, сезмадим, билмадим, — деб туриб олишдан яхшиси йўқ.

Жаврия азалдан шундай қиларди. Гувоҳ сифатида чақирилган вақтларда суд раиси унга:

— Сен ўша ерда бўлган экансан. Бу одам сенинг кўз олдингга пичоқла-нибди-ку... — деса борми, Жаврия дарров:

— Нон урсин, Раисбей, кўрганим ҳам, эшитганим ҳам йўқ, сезганим ҳам йўқ! — деб жавоб берарди.

— Ўша жойда эмасмидинг?

— Ўша жойда эдим.

— Олдингга шунча тўс-тўпалон бўлади-ю, сен кўрмайсанми?

Жаврия икки оёғини бир этikka тикиб, инкор этаверарди. У шундай қилиш-га одатланган.

Галатада ана шундай қизларни ёқтиришади. Зағизонга ўхшаб қағиллайве-радиганларни ҳеч ким икки пулга олмайди.

Қаланғи-қасанғиларнинг ҳаммаси билади:

— Жавриянинг тириклай терисини шилсанг ҳам билганини айтмайди. Унга сир ишонса бўлади, — дейишарди улар.

Жаврия буни бировга ёқиш учун қилмасди. У табиатан шунақа. Бундан бош-қача бўлолмайди ҳам.

Хуллас, бу иш бошига тушганда ҳам оғзи қулфланди қолди.

- Бу героинларни сенга ким берди?
- Билмайман, Акажон.
- Ёнингдан ўтиб, қочиб кетган кишининг исми нима?
- Билмайман, Акажон.

Аслида бу ахлоқсиз каззобнинг исмини била туриб айтмаслик кўп қийин иш эди.

Бу ердан тезроқ қутулиш ишгиёқда бўлган ҳолда жим туриш кўп қийин. Жавриянинг ҳолатидан ҳеч кимнинг хабари йўқ эди.

Ҳеч ким уни тушунмасди.

Айтгиси келса-да, у кишининг исмини айтмади.

Балки бунга қандайдир қўрқув сабаб бўлгандир.

Галата безорилари ичида кек сақлаб юрадиган, турмадан чиқар-чиқмас ўзини сотган одамни чавақлаганлар озми?

Қамоққа тушган илк кунларида Жаврия қаттиқ асабийлашди, назоратчи хотинни силтаб ташлар, дуч келганни оғиз тўлдириб ҳақоратлар, ўзини қўйгани жой тополмас эди.

Ҳафта — ўн кун шу зайлда ўтди. Вақтнинг ўтиши жуда қийин, сиқилиб ўлгудай бўлди.

Икки ҳафтадан сўнг сукунат даври бошланди. Тахта кат устида юзтубан ётиб, кўзларини юмганча, уни ўйларди:

— Бўлар иш бўлди, энди уни бошқа кўрмайдиган бўлдим.

— Агар уни ҳеч бўлмаса бир марта кўрмасам ўламан, — дерди.

Тергов турмасига тушганига тўрт ҳафта бўлди деганда Шафиқа исмли ёш қиз билан дўстлашиб қолди.

Бошқа хотинлар унга “Нозли Шафиқа” дейишар, унинг нозу карашмасини масхара қилар эдилар.

Ваҳоланки, бу нозли аёл қотил эди.

Бир кечаси бу ҳақда Жаврияга ўзи сўзлаб берди.

Севгилисини ўлдирган экан.

— Севган кишингни қандай қилиб ўлдирдинг?

— Мени алдаб юрган экан.

— Бор айби шу холосми?

— Ҳа, Жаврия... Аввалига бошимни айлантирди. Мени севади деб ўйлардим. Ваҳоланки, кейин...

Кўзлари ёшланди.

— Номусимга тегди, — деди.

Номус!..

Жаврия номус нелигини билмас эди. Номуси бормидики, биров унга тегса.

“Ажабо, Оллоҳ мени нега беномус қилиб яратди экан?” деб ўйлаб қолди.

Оллоҳ бу қадар қимматли нарсдан уни нега маҳрум қилди экан? Нега унга бу номус деган нарсдан ҳеч бўлмаса жиндай бермаган?

“Ваҳоланки, мен яхши қизман-ку!”

Жаврия яхши қиз эди.

Буни ўзи ҳам яхши биларди.

Беномус кишилар ҳам яхши бўлиши мумкин бўлган ҳолда нега Нозли Шафиқа номусига теккани учун бир одамни ўлдирди?

“Инсонлар тенг туғилади, — деб ўйлади у. — Ҳарҳолда туғилган пайтимда мен ҳам номусли бўлганман. Хўш, унда менинг номусимни ким поймол қилди?”

Кўчаларни эслади. Кўчалар, турфа одамлар кўз ўнгида жонланди. Ўзининг бундай эканлигидан ҳеч кимга нисбатан кину адоват сезмади.

“Биз кўприк остида ўсган боламиз. Кўприк остида номус не қилсин?!” деди у.

У Шафиқага ўтирилди.

— Уни фақат номусинга теккани учун ўлдирдингми?

— Йўқ, фақат шунинг учунгина эмас, севганим учун ҳам уни ўлдирдим.

Севгани учун?!

Ажабо, у нега ўлимга ҳукм этилган экан? Севган аёлини ўлдиргани учунмикан ё?

Нега?

Шафиқа ҳам “Нозли” деганларича бор. Нав-ниҳол ва кичкинагина бир нарса. “У” ҳам юмшоқ ва хушфёъл киши, одам ўлдиришига ҳеч ким ишонмайди.

“Тўғрисини айтганда менинг ўзим ҳатто товуқ ҳам сўя олмайман!” деб ўйлади у.

“Ташқи кўринишдан Нозли Шафиқадан кўра мен қотилга кўпроқ ўхшайман”.

Нозли Шафиқа бировни ўлдирган.

Севганини ўлдирган, ҳалигача уни севади.

Ундан сўз бошларкан, йиғлаб юборади. Зиёрат кунлари уни кўришга келган онасидан унга сағана қурдиришни ўтинади. Мозор қурдириш учун тақинчоқларини сотишни онасига таъкидларди.

Жаврия Шафиқа билан бирга овқатланар, ишларини қилиб қўйгани учун Шафиқа унга пул бериб турарди.

— Агар ўй-фикрим ташқарида бўлмаганида, бағримни жуволдиз титмаганида бу ерда шоҳона яшаган бўлардим, — дерди у.

Тергов турмасида Фолчи Араб Фозилани танимайдиган йўқ.

У, бу қандай зўр хотин эди...

У турмага атайлаб тушган. Жиноят устида қўлга тушганлар унга қайтариқ қилдиришарди. Энг кўп пул ишлайдиган жой ҳам турма-да!

Бу ерда қизларга севги туморлари тайёрлаб берар, афсунлар ўқир, суддан олдин судянинг оғзини, тилини боғлаш учун не-не дуоларни ёзиб берар, тилсимлашни ўргатарди!..

Қаҳва қуйқасига қараб фол очишда унга тенг келадигани йўқ. Қамоқдагиларнинг ҳаммаси бир нарсага қаттиқ ишонарди: агар у бир эркакни бир хотинга иссиқ-совуқ қилиб берса борми, бу эркак ҳеч қачон, то ўлгунича бу хотиндан ажралмайди.

Жаврия ҳам чўнтагига пул тушди дегунча унинг ёнига чопар, фол очтирарди. Ромчи неча бор унга иссиқ-совуқ қилдиргин деб айтганди.

Бироқ Жаврия ҳар гал қатъият билан: “Севганим мени севади!” деб рад этган эди. “Сехр-жодунинг кераги йўқ”.

Шундай бўлса-да, у фолга эҳтиёж сезарди.

Араб Фозила Жавриянинг фолини ҳеч ўхшата олмасди.

Жаврия оғзига шунчалик маҳкам эдики, жодугар Араб Фозила унинг сирини билиб олиб, унга кўра қаҳвада фол очиш имконини тополмасди.

— Фозила янга, кўзингни ўйиб оламан, нима, менинг дардимни кўрма-япсанми?!— деб бақирарди Жаврия.

Шунга қарамай яна ҳар куни фол очтиргани унинг ёнига борарди.

Бироқ Фозила бирон марта унинг ташвишли ўй-фикрларига яқин бир гап айтгани йўқ.

Қаҳва финжонининг тубида лоақал бир марта “у”ни кўргани йўқ.

Жаврия ундан хабар топиш учун ёниб-қуярди.

Бу ерда ўтираркан, ундан бирор хабар олиш имкони йўқ.

Фақат ичида унинг бир балога гирифтор бўлмаслигини тиларди. Шу холос!..

Олти ой тутқунлик даври бир йиллик ҳукм билан охирига етди.

Жаврия маҳбусликнинг қолган даврини ҳам шу турмада ўтказди.

Эркинликдан маҳрум бўлиш Жаврия каби эркин қиз учун чидаб бўлмайдиган бир исканжа эди.

Неча марта бу тамбали эшикларни, баланд деворларни кўпориб ташлагиси, кутурган ҳайвондек деворларга бош ура-ура йиғлагиси келарди.

Шу ёшигача бирон жойда қайд этилмай, эмин-эркин яшаган Жаврияга тергов турмаси интизоми жуда қаттиқ туюлиши турган гап эди. Унга энг қаттиқ таъсир қилган нарса эркинликдан маҳрум бўлгани ҳам эмасди.

Ундан айрилгани, ундан хабар ололмаслиги, ундан хабар олиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлгани Жаврияга қаттиқ ботган, оғир бўлган эди.

Қамоқдан чиққан куни уни ўша жойдан топишига ишончи комил бўлсай-

ди, балки турмада ўтказаетган бу кунлари у қадар азиятли, узун кўринмаган бўлурди.

У қўлга тушмаган бўлса қандай яхши. Аммо унинг қалбини бошқа бир хавогир ўртаётган эди.

Қўлга тушмаган бўлса, Жаврия тўғрисида қандай фикрда экан? Жавриянинг Нажотибей кўчасидаги уйга келмай қўйганини, уни изламай қўйганини қандай изоҳлаётган экан?

“Ҳа, энди бир дайди қиз-да... Не бўларди, жойини топиб кетгандир” деб ўйлармикан?

Ёки ундан ҳам ёмонроқ, яъни: “Менинг ўлимга ҳукм этилганимни билгач кўрқди, бошқа келмади” деган хаёлга борган чиқар.

Жаврия унинг мана шундай фикрга боришидан жуда кўрқарди.

Шу гап хаёлига келди дегунча беҳаловат бўлар, у ёқдан бу ёққа ағанаб, тонгача мижжа қоқмай чиқарди.

Қўлга тушган бўлса-чи?

Буни қандай билади? Эркакларнинг тергов турмаси бу ердан икки қадам... У ердаги эркаклардан фақат бу ердаги ўйнашларидагина хабар келар эди.

Кошки унинг исмини билсайди, бошқа хотинлар воситасида у ердан суришгирган бўларди.

Муддатини ўтаб, турмадан чиққунига қадар ундан ҳеч хабар ололмади. Бирон нарса ўралган газета қўлига тушиб қолди дегунча саводи борларга кўрсатиб:

— Қани ўқи-чи, азизим, ичида ўлим жазоси ҳақида нелар ёзишган экан?— дерди.

Нозли Шафиқадан ҳам бир марта илтимос қилган.

Жаврия бу хатти-ҳаракати эсга тушди дегунча ҳалигача хижолат бўлади.

Билиши керак эди. Ваҳоланки, у ўйламай-нетмай бировнинг кўнглини оғритиб қўйди. Шафиқа қотилликда айбланиб, “ўлим жазоси” моддасига кўра судга берилган эди. У даъвонинг сўниги нима билан яқунланишини, прокурорнинг талабини кутаётган, ўзига ўлим жазоси талаб қилинишидан қаттиқ кўрқаетган эди.

Ана шундай бир одамга ўлим жазоси ҳақида сўз очиш мумкинми ахир? Ҳолбуки, бу Жавриянинг хаёлига ҳам келгани йўқ ва қўлига газета тушган захоти уни дарров Нозли Шафиқага кўрсатиб:

— Уқи! Кўрайлик-чи, ўлимга ҳукм этилганлар тўғрисида бирон гап бормикан?— деган эди.

Ўшанда Жаврия, тўғриси, Шафиқанинг ранги гезариб кетганидан чўчиб кетди.

Жон-пони чиқиб кетган Шафиқа узатилган газетани жаҳл билан Жавриянинг юзига отди ва бўғиқ овозда:

— Сени ўлдираман! — деб бақирди.

Ҳар доим чиройли юзи кўрқинчли туста кирди. Лаблари қимтилган, кўзлари ҳайвонларникидай бежо, бурун тешиклари керилган.

Худди юзига ниқоб тутиб олгандай бўлди.

Жаврия:

— Ие, сен ғирт аҳмоқ экансан-ку... Сендан кўрқадиган анойи йўқ бу ерда!.. — дея олдинига бир ҳурпайди, сўнг жанжал чиқмасин деб нари кетди. Шафиқанинг нега бундай қилганини у тушунмади.

Бироқ у бурилиб кетаркан, Шафиқа ўроқ тушган жўхоридек гуп этиб йиқилди.

Жаврия:

— Эй, мен ҳазиллашдим, — дея орқага қайтди.— Ҳар ҳолда паспортинг бор, сени ҳам одам деб биздан ҳисоб сўраб ўтирмасинлар тагин.

Нозли Шафиқа узала тушиб ётарди.

Безгак тутгандай қалт-қалт тиграрди.

Аъзойи бадани таранг тортилган, қўллари мушт бўлиб тугилганча қотиб қолган, кўзлари олайган, тишлари қисилган, бўйин томирлари бўртиб чиққан.

— Ие, рихлатга равона бўлмоқчимми, не бўлди бу хотинга? Нима қипмиз, бор-йўғи бир газета кўрсатдик, холос...

Шу ерда ўтирган ўрта ёшли бир аёл:

— Вой, қизим-эй, — деди. — Унинг ўлим ҳукми билан судга берилганини билмайсанми, ахир? Ё унга нисбат беряпсан, ёки ўлим ҳукми чиққан деб ўйлади.

— Қўйсангиз-чи, холажон. Биз қовун туширганмиз шекилли. Агар сиз айтган нарсани ўйлаган бўлсам қўзим оқиб тушсин.

— Уйлаш керак эди, Жаврия...

Бола тушириш иши юзасидан турмага тушган ўрта ёшли яна бир аёл ерга чўккалади.

Мушглари билан Нозли Шафиқанинг қорнига босиб-босиб қўяркан, Жаврияга деди:

— Нимага бақрайиб турибсан, ундан кўра чоп-да, озроқ сув билан атир опке!

Жаврия айбдор мушукдек оёқ учида юриб узоқлашди.

Нозли Шафиқа аста-аста нафас ола бошлади. Нафас орасида ҳиқичоқ тутиб турди. Ҳиқичоқ борган сари тезлашиб, шаклан ўзгариб, аччиқ фарёдга айланиб, турмани бошига кўтарди.

Бир жойидан этини қўпориб олгандай устма-уст урилаётган фарёд камера этагидаги беланчақда ётган гўдакни уйғотиб юборди. Гўдакнинг онаси Чаталжанинг бир қишлоғидан бўлиб, эшак ўғирлаганликда айбланиб, бу ерга келтирилган ва ҳали-ҳануз ҳеч нарса билмаслигини, айбсиз эканлигини даъво этаётган жувон эди.

Нозли ўзига келди дегунча у ҳақорат ёғдирди:

— Гуё этидан эт қўпоришгандек мунча доллайди бу фоҳиша?!

Нозли Шафиқанинг нозу карашмасини ёқтирмайдиганлар кўп эди бу ерда.

Турмада ёлғиз яшаган, ҳеч кимга ёқмаган эди.

Улар орасида Жаврия мустасно: бироқ унга ҳам хизматкоридек муомала қиларди.

Нафақахўр бир амалдорнинг қизи эди у. Бадавлат эмас, ўртаҳол.

Ишқ савдоси кўзини кўр қилмаганида ҳеч қачон бу ерга тушмаган бўларди.

Бироқ пешонасининг шўри бор экан, ўз айби билан бу ерга тушиб ўтирибди.

Хужрадош аёлларнинг ҳеч бирини назар-писанд этмасди. Биронтасига кўнглини кўтарадиган бир оғиз илиқ гап айтмаган.

Худди бошқа аёллар билан унинг орасига кўринмас девор урилгандек, ҳеч кимга қўшилолмайдик яқка яшарди. Шу сабабли нариги хотинларнинг ҳеч бири унга ёрдамга шошмади, билъакс, ажойиб томоша кўрсатилаётгандек унга қизиқсиниб қараб туришарди.

Жаврия қилган хатосини тузатиш учун, тезда сув ва атир келтирди. Шафиқанинг қўлларини силай бошлади.

Шафиқани томоша қилиш учун тўпланганларга қарата жаҳл билан:

— Манави каллаварам молларни кўринг! — деб бақирди. — Ҳой, сизларга айтяпман, бу ерда маймун ўйнатишяпгимиз ёки Перуз онамиз мақом айтяптими? Беайб парвардигор... Янглиш бир иш қилдик, йиқилди қолди. Бунинг нимаси қизиқ?

Бир қишлоқи хотин:

— Астафуруллоҳ, — деди. — Бу хотиннинг жон аччигида думалаганининг бизга нимаси қизиқ бўларкан? Аксинча, унга ачиниш қараб турибмиз.

Доя хотин ҳам:

— Қани, ўртани очинг. Ҳаммамиз хотинмиз. Тутқаноғи бор экан. Бу ҳар кимнинг бошига ҳам тушиши мумкин, — деди.

Шафиқанинг ўзига келиши, тўғрироғи, оху фарёдларнинг тўхташи учун ярим соат-бир соатча кутишга тўғри келди.

Шундан кейин Жаврия Шафиқадан неча бор кечирим сўраган бўлса-да, у қайтиб Жаврия билан эл бўлмади. Жаврияни ўз душмани деб билгани яққол кўриниб турарди.

Асосан ўша куни пайдо бўлган тутқаноқ кейин тез-тез такрорланадиган бўлди. Бу ёш қиз васвасага тушиб қолган эди.

Прокурорнинг айбномаси ўқиладиган куни эрталаб ҳожатхонага кетди ва ўша ерда ўзини осиб ўлдирмоқчи бўлди.

Зўрға қутқариб қолишди.

Жаврия “Оллоҳ, Оллоҳ, нари борса уни осадилар, балки осмасликлари ҳам мумкин, охирига қадар сабр қилган яхши эмасми?” деб ўйларди.

Жаврия яшашни яхши кўрар, ўлишни ҳеч истамас эди.

Бу ерда ўтирган вақтида, уни йўқотдим деб ўйлаб қаттиқ кўрқиб, изтироб чеккан лаҳзаларида ҳам ҳаётни севарди.

Ҳаёт умид қилмоқ дегани.

Ҳаёт ҳар нарса. Тирик бўлса уни яна топиши мумкин, тирик бўлса у билан қовушиши мумкин.

Жаврия ўлимни ҳатто энг сўнгги чора деб билмасди.

Ҳеч нарсаси қолмаган чоқда ҳам нимадандир умид қилса бўлади.

Чунки ҳаётда эҳтимол ва имкон беҳисоб.

Қарангки, айбловчи ҳам Шафиқанинг жиноятида енгиллаштирувчи ун-сурлар топиб, унга ўлим эмас, балки ўн беш йил қамоқ жазосини талаб қилди.

Нозли Шафиқа ўн беш йилни эшитган куни турмага оғзи қулоғига етиб қайтди. Ҳамма учун қаҳва буюрди ва биринчи марта ўзидан кичиклар билан сўзлашиб, улар билан дўстлашгиси келди. Шундан кейин у таклиф қилди:

— Бу кеча бир базми жамшид қилайлик.

Фоҳишахона хўжайини Ламия:

— Ичкилик мендан!— деди.

Ўша кечаси базми жамшид бўлди. Рақи ҳам ичилди. Бўкунча ичишди. Рақини фоҳишабоши Ламия топиб келди. Қандай опкелганини ҳеч кимга айтмади.

Нозли Шафиқа ўлим жазосидан қутулганидан суюнган Жавриянинг кўзларига ёш келди. Уша кечаси Жаврия бир чифтателли ўйнади, бир чифтателли ўйнадики, хотинларнинг ҳаммаси жўшиб кетди. Исловотчи Ламия:

— Жаврия, бу ердан эсон-омон чиқсак, сен менинг бошимнинг тожи бўласан!— деди ва хаёлан уни қандай қилиб кўз-кўз қилишини ўйлай бошлади.

— Ламия опа, бу ердан чиқсам борми, ҳеч кимга қорамни кўрсатмайман!..

— Қаёққа борасан, Жаврия?

— У ёлғиз Оллоҳу ўзимга аён.

Кисавур Малоҳат:

— Вой, — деди, — Оллоҳ билан сенинг ўртангда бир гап борми?

Доя хотиннинг жаҳли чиқди:

— Ҳой қиз, товба қил! — деди. — Бошимизга не тушган бўлса сизларга ўхшаш бединлар сабабли тушган.

Кисавур Малоҳат:

— Биз туфайлими ёки ўзингиз туфайлими, Доя хоним? — деди. — Оллоҳдан кўрқаман дейсану, ўзинг она қорнидан ҳомиласини кўпорасан.

— Мен бундай қилганим йўқ. Қилсам ҳам савоб учун, текинга қиламан. Бироқ гуноҳ иш деб бунга кўл урмадим.

— Текинга бола туширган дояни ҳам, докторни ҳам ҳеч кўрган эмасман.

— Бошқалар билан менинг ишим йўқ.

— Сен билан бизнинг ишимиз йўқ. Бу ерга бизни мачитда номоз ўқиганимиз, ваъз тинглаганимиз ёки элу юртга садақа улашганимиз учун тиқишгани йўқ-ку! Ҳаммамизнинг ҳам қандайдир айбимиз бор.

— Сизларники бўлса бордир, аммо менинг айбим йўқ.

Сўзга машинкачи Амина аралашди:

— Дояларга раҳмат! — деб бақирди у. — Яхшиямки, улар бор, бўлмаса ҳолимиз не кечарди?

Машинкачи Амина хўжайини билан ишрат қилаётганида хўжайиннинг хотини томонидан ушлаб олинган ва зинода айбланиб, қамоққа ташланган эди.

— Пулга бўлса-да, бизга ёрдам қилганларни ҳурмат қиламан, — деди у. — Уларнинг оёқларига йиқилиб ялиниб-ёлворамиз, қутқаришларини сўраб, ўгинамиз, устига қанча бор бўлса шунча пул ҳам берамиз.

Кисавур Малоҳат:

— Улар ҳеч қачон бизга ачинганидан қилмайдилар бу ишни, — деди.

Доя хотин:

— Кўнглимининг кўчаси, — деди. — Ҳам устингга масъулият ол, ҳам бу ишни текинга қил. Ол-а! Сизлар йигитлар билан айшу ишрат қилмасдан бурун биздан болани текинга олдириш тўғрисида ваъда олиб қўйганмидиларинг?! Жавриянинг жаҳли чиқди:

— Ота меросини талашгандек мунча бир-бирингизга ёпишдингиз, ҳой опаларим? — деди у. — Сизнинг хат-саводингиз бор. Биз бу гаплардан тўйганмиз. Шафиқа дугонамиз қутулди. Биз бугун шунга хурсандчилик қиляпмиз-ку, ахир! Тўхтатинг энди гиди-бидини! Яхшиси, сизларга бир “саватчи”га ўйнаб берай, маза қилинг.

Товуқ ўғриси Пушги:

— Яшавор, Жаврия опа! — деб қийқирди. — Шу камонни олиб, сенинг битингни бир тўктирай. Хотинларнинг уни ўчсин!

Шундай деб камон чала бошлади. Жаврия жуда эшилиб хиром этарди.

Жаврия завқ-шавқ билан ўйнади. Неча ой бўлдики, оғзига шароб тегмаган, бугун бўлса маза қилиб отиб олган эди. Ичган рақиси таъсирида ҳамда бир кишининг ўлим жазосидан қутулганидан суюниб, дунёни пушти рангда кўраётганди.

“Йўқ, азизим, уни тополмайдилар. Яширинишни билади...” деб ўйларди у.

Унинг маҳбуслиги шу тариқа ўтди. Унга энг алам қилгани маҳбуслик эмас, Бўлуга сургун қилингани бўлди.

Агар Бўлуга жўнатишмаганида турмадан қутулиб чиққанига севинган бўлурди. Бўлуга юборишга учун бу темир дарвозалардан чиққанига заррача қувонмади. Озодликка чиққандай бўлса-ю, Истанбулга келолмаса, Нажотибей кўчасига боролмаса, ундан хабар ололмаса, бундан ҳам ортиқроқ азоб борми дунёда?!

Жаврия Бўлуга борганини, Бўлуда яшаган кунларини ва Бўлуда учратган бир юк машинасининг шофёри билан қайтиб келганини худди рўёдек, даҳшатли бир тушдек эсларди.

Бўлуга келиши билан бу ердан қутулиш режасини туза бошлади.

Ўйлай-ўйлай, ниҳоят Бўлуга келиб-кетган ёки шу ердан ўтадиган юк машинаси ҳайдовчиларидан бирини лақиллатишга қарор берди.

Истанбулга келиши билан қўлга тушгач, яна дарҳол қочиб кетгани унинг учун бир омад бўлди.

“Тўп Малоҳатдан Оллоҳ рози бўлсин” дерди у.

Малоҳат бўлмаганида қутулолмасди. Мудириятдан текшириш учун касалхонага, у ердан яна сургунга жўнатиб юборишган бўларди.

Ўша кечаси Мавронинг қаҳвахонасининг орқа деразасидан тушиб, орқа йўлдан Тўпхонага боргач ва анча санқиб юргач, фоят табиийки, омбор томон кетишдан ўзини тия олмади.

Орқасида полициячилар йўқ эди.

Яна полиция қўлига тушмасдан олдин унга не бўлганини билишни истарди.

Зимзиё тузда омбор эшиги олдига етиб келган чоқда юраги қинини ёриб чиққудай бўлиб гурс-гурс урарди.

Агар ҳеч гап бўлмаган бўлса, агар у ҳамон ўша ерда бўлса, беш дақиқа ҳам ўтмай уни кўради. Зинапоядан кўтарилади, эшик ёнига бориб, оҳиста чертади. Балки ичкарида ухлаётгандир. Бироқ у шу қадар эҳтиёткор кишики, шитир этган товушни эшитади. Шу боис Жавриянинг эшик чертганини эшитмай қолиши мумкин эмас. Жаврия унинг эшик ёнига қандай яқинлашганини сезмасди, зотан Жаврия ҳеч қачон унинг оёқ товушини пайқаманган ҳам. У яширин яшашга шу даража кўникиб кетган эдики, товуш чиқармай писиб юрарди. Худди арвоқларга, шарпага ўхшарди.

Яна бирдан эшик очилади ва у... Жаврияни кўриб севинади.

— Жаврия қиз, сенмисан? — дейди. — Қаерларда қолиб кетдинг?

Эшикни зич ёпганидан кейингина айтади бу гапни. Жаврия қувончдан ял-ял ёниб:

<sup>1</sup> С а в а т ч и — туркча рақ тури.

— Асти сўрама!— дейди.— Олдинига турмада, кейин сургунда бўлдим.

— Йўғ-эй, жоним!

Шу қадар ҳайратта тушади, шу қадар ҳайратта тушадикки, унинг бу ҳолидан Жаврия суюнади.

Жаврия уни ташлаб кетмагани, унутмагани, турмада ётгани учун келолмаганини билиб, боши осмонга етади.

— Қани, кўрайлик-чи, ўзгарибсанми?

— Билмасам, — дейди.

— Ранги-рўйинг бироз сарғайгандек шекилли...

Катта чироқни ёқишади. Шунда унинг юз-кўзини атрофидаги майда ажинларигача энди тушида эмас, ўнгида яхшилаб кўриб олади.

— Мен бўлсам сен энди бизни соғинмай кўйдинг деб ўйловдим,— дейди.

Шунда Жаврия:

— Бўлиши мумкин эмас!— деб жавоб қилади.— Сени жуда соғиндим...

Сўнг кўлини ушлайди, пешонасини кўлига босиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлайди.

— Йиғлама... Азизим!..— дейди у.

Меҳрибон ва иссиқ кўллари билан елкасини тутади, сўнг ўнг кўли ёноғи томон кўтарилади ва ёноқларини силайди. Юзини силаркан қайта-қайта:

— Азизим...— деб такрорлайди.

Шундай қилиб бу тотли учрашув ўша ярим қолган жойидан бошланади.

Жаврия бу учрашувнинг давоми қандай бўлишини ўйламасди, фақат қандай бошланишини тасаввур этарди холос.

Жавриянинг ширин хаёли эшикка кўли теккан заҳоти сўнди.

Эшикка кулф осиеғлиқ эди.

Бу нимадан дарак берарди?

Орзуларининг хомхаёллигидан...

Йўқ, ёмонликка йўйиш керакмас, эҳтимол устидан кулфлаб кўйишгандир? Балки буни махсус қилишгандир? Эҳтиёт чораси тариқасида...

Жаврия у ердан зўрға судралиб чиқиб кетди.

Агар уялмаганида бақириб йиғлаб, кўчани бошига кўтарган бўлурди.

Истанбулга нега келди?

Энди қасққа боради?

Эшик кулф эканини кўргач, гўё яна турмага тушгандай ўзини ожиз ва нотавон ҳис қиларди.

“Бўлар иш бўлган!” деб ўйлади.

“Уни тутиб олишган”.

Йўқ, нега энди кўлга тушиши керак. Балки бошқа ёққа қочиб кетгандир.

Ҳа, унинг қочиб кетгани рост бўлишини хоҳларди.

“Балки хавфсирашгани учун эшикни устидан кулфлаб кўйишгандир”.

Жаврия бошидан ўтказган можаролардан роса ҳориб-чарчаган эди. Кеча соғуғидан титрарди.

Бошпана қидириб Тўпхонага кетди. Ўша ерда эски ҳаммом вайронаси эшигини тақиллатди. Ичқарида кимдир йўталди.

— Ким у?

— Сотилмиш борми?

Эркакларникига ўхшаш йўғон овозли хотин:

— Сотилмишни нима қиласан?— деб сўради.

— Ҳанифа Хотун, оч эшикни. Мен... Мен Жаврияман...

Вайрона уй эшиги фикирлаб очилди.

— Жаврияман дейди, қани кўрайлик-чи, ким экан?

Дахлиздаги чироқ ёруғи Жавриянинг сочига тушди.

— Ҳа, Фосфорли қиз, сенмидинг?— деб хотин уни ичқарига таклиф этди.

— Бу кеча сеникида қолмоқчиман, Ҳанифа хола,— деди.— Сотилмишни шунинг учун сўровдим.

Ҳанифа Хотун:

— Сотилмишни энди изламай кўяқол!— деди.

— Сотилмишга не бўлди?

— Унга не бўлганини энди Гўрков Маҳмуддан сўраш керак!— деди кампир. Бу сўздан Жавриянинг юраги орқасига тортиб кетди.



— Сотилмиш ўлдими?

— Ҳа, ўлди. Эти ҳам, балки суяги ҳам чириб битгандир.

— Опқочма, Ҳанифа Хотун!— деди.— Уни бир йил илгари кўрган эдим-ку.

— Бир йил дейсанми? Йўқ, жоним... Унинг ўлганига беш йилча бўлиб қолди.

Чироққа яқин келишди.

Шунда Ҳанифа Хотуннинг юзи яхшироқ кўринди.

Бир йил оддин юзлари таранг, кўзлари ёниб, лаблари доим табассум қилиб турарди бу хотиннинг.

Энди бўлса саксон ёшга кирган кампирдек юзлари бурушиб қолибди.

Кир рўмол остидан кўриниб турган сочлари қув оқарган. Лаблари қимтилган, қошлари чимирилган, кўзлари жинниларникидай олазарак боқадиган кўрқинчли бир махлуқ эди у.

— Олдин пулини тўла, сўнг ичкарига киравер!— деди у.

— Лекин Ҳанифа Хотун, турмадан чиқиб келаяпман. Чўнтагимда ҳемири йўқ.

— Бу ер хайрия уйими?

— Йўқ, Ҳанифа Хотун... Бироқ сен мени танийсан-ку... Сотилмиш мени бу ерга неча марта опкелган-ку!..

— Сотилмишнинг бошига не келган бўлса ҳам сизларга ўхшаш мочағарлар дастидан келди!

— Ҳанифа Хотун, бугун бу ерга мижоз сифатида келдим... Сен мени унутибсан, шекилли...

— Нега энди унутар эканман, Фосфорлисан.

— Фосфорлиман, тўғри. Бироқ сен ўзингни мен сўзимнинг устидан чиқшимни билмайдигандек тутяпсан.

— Ҳозир замон ўзгарган. Авваллари сўзининг устидан чиқиб юрганлар энди фириб бериш йўлига ўтганлар. Замона ёмон. Кўрмайсанми, шу ерда неча ойлаб текинга яшаган бир каззоб Сотилмишни бир мочағарни деб пичоқлади.

Ҳанифа Хотун чуқур нафас олди.

— Тўққизта ўғлимнинг энг кенжаси эди у...

Хотин ичкарига очиладиган эшикни тўсиб турар, Жаврияга йўл бермаётган эди.

— Гапнинг қисқаси, муллажиринг бермасам мени ичкарига киритмайсан, шундайми?.. Майли, майли... Кетаверайми бўлмасам?..

Хотин миқ этмай Жаврияга тикилди.

— Хўп, майли,— деди у. — Бу кеча тунайқол... Аммо эртага пулини опкеб бермасанг, бу ерга қайтиб қадам бостирмайман.

Ичкари дегани бузилган ҳаммомнинг иссиқхонаси эди. Мармар қопламалари кўчиб тушган собиқ иссиқхонада беш-ўн киши қопларга ўралиб ётарди. Иссиқхона тутунга тўлган ва иссиққина эди. Тутун бош айлантиради.

— Бир чилим тортасанми?

Ҳиддан кўнгли айниган Жаврия:

— Йўқ, йўқ, истамайман! — деди.

— Ичкарига киришга кирдинг, қарзинг озгина кўпаяди, холос. Яна ўзинг биласан.

— Сен мени ўзингнинг хонанга олиб борақол, — деди Жаврия.— Бу ерни тутун босибди.

— Менинг хонам бундан баттар. У ерни ҳам тутун ва ҳид босган.

— Не бўлди сенга, Ҳанифа Хотун? Сен ҳам наша чекишга ўтдингми?

Елкасини қисди.

— Не қилай, Жаврия? — деди. — Ўғлим ўлгандан бери кўзим илинмайди. Ҳай, майли... Шу ерга чўзилавер, Жаврия.

Кўланса ҳид димоқни ёрай дейди. Кўнгил айнийди. Жаврия ухлай олиш учун бир-иккита тортсам ёмон бўлмасди, деб ўйлади. Бироқ бу ердаги “шериклар” билан бу ишни бошлагудай бўлса, бу тақядан қайтиб чиқолмаслигига ақли етарди.

Қанчадан-қанча кишилар бу ишни ана шундай бошлаган.

Жаврия Ҳанифа Хотунга ўтирилди:

— Балки сенинг хонанга борганим яхшироқдир,— деди.— Менга Сотилмиш ҳақида гапириб берган бўлармидинг?

Хотин елкасини қисиб қўйди.

— У ҳақда нима ҳам дердим?— деди.— Ундан оғиз очсам бағрим қуяди. Қолаверса ўзим хонамда бемалол ётишни хоҳлайман. Бўлмаса мана бу ерда ётақол.

У Жаврияни эшик ўрнига шол тутилган бир совуқ хонага олиб кирди. Ерга сомон кўрпача ташланган эди.

Жаврия:

— Сотилмиш мени бу ерга опкелган кечалари ўз хонасидан жой берарди. Бунинг устига тунаганим учун пул-мул ҳам олган эмас,— деди.

Кекса аёл чиқиб кетди. Фосфорли “Сотилмиш нега ўлди экан?” деб ўйларди. Бу азамат йигит нега ўлдийкан?

Ҳали жуда ёш эди. Агар уни пичоқлашмаганида ким билади, неча ёшга кирган бўларди.

Энди бўлса ўлган.

Бир йил ичида йўқ бўлибди кетибди.

Уни йўқ қилишган эди.

Жаврия кўрпачага чўзиларкан шулар ҳақида ўйлар эди.

Бечора Сотилмиш...

Жаврияни бу ерга охириги марта олиб келган кундан кейин ўтган бўлса беш-ўн ойча вақт ўтандир.

Бир каззоб бир манжалақини деб уни пичоқлаган эмиш.

Омборнинг эшиги ҳам қулфлоглиқ эди. Уни ҳам тутган бўлишлари мумкин.

Кўлга тушган... Ё худойим-эй. Жаврия бу ҳақда кўп ўйлашни хоҳламади.

У сомон тиқилган кўрпача устида ётганча, эшикдаги шол тирқишидан нашавандларни томоша қилди.

Уларнинг ҳаммаси учиб қолган. Хонани бир шам ёритиб турибди. Шамнинг титроқ ёдуси хонада думалаб ётганлар устида липиллайди. Ораларида бир аёл ҳам бор. Келишган аёл экан. Хотиннинг эгнида жулдур-жулдур, искирт латта-путга, малларанг сочлари тўзғиган. У ҳам наша тортганмикан ё?

Ҳарҳолда шундай бўлса керак. Лекин наригилари хуррак отиб ётибди, бу хотин бўлса ухламай ўтирибди.

Эшик қулф эканлигини кўргани устига Сотилмишнинг ўлганини эшитгач, Жаврия кўркув ичида қолди.

“Иншооллоҳ, унга ҳеч гап бўлмагандир” дерди ичида.

Ўлим дегани ҳеч гап эмас экан. Сотилмиш ундан анча ёш бўлса-да, ўлибди кетибди.

Чарчаганига қарамай кўзларига уйқу келмади. “Тезроқ тонг отса-ю, Карим Амакининг ёнига бориб суриштириб билсам” дер эди.

Бу ернинг ҳавоси кишининг нафасини қайтарди. Бу оғир ҳавода унинг боши айланди.

Бора-бора кўзлари сузилди. Фикрлари чалқашди.

“Қайфим ошяпти, шекилли”, деган фикр хаёлидан ўтди.

Ваҳоланки, тонг отиши билан бу ердан чиқиб, Каримни топиши, ундан ҳамма гапни билиб олиши керак эди.

Ўйғонганида эшикдаги шол йиртигидан хира нур тушиб турарди.

Жавриянинг боши лўқилларди.

— Шу лаънатини ёмон кўраман-да! Ҳатто тутуни ҳам одамни ўлдиради-я! — деди.

Шунга қарамай наша тутуни унга ҳам таъсир қилган ва бундан у ҳечам норози эмасди.

Лоақал озгина бўлса-да, ухлаб олди-ку, ахир ... Энди бўлса аъзойи бадани йўл ҳорғинлиги, Истанбулга келиб кўлга тушиш ва қочиш туфайли содир бўлган ҳаяжондан, ҳамма-ҳаммасидан бўшашиб кетган эди.

Жаврия қамокдалигида, ҳатто сургунга юборишларини билганидан кейин ҳам, турмадан озодликка чиқиш нақадар тотли бир нарса бўлишини ўйлаб, бутун борлиги ҳаяжондан титраганини ҳис қиларди.

Турмадан чиқиб, бундай балоларга гирифтор бўламан деб ҳеч ўйламаган эди. Жаврия ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Ҳанифа Хотун ҳовлида эски тунука товада балиқ пишираётган эди.

Балиққа кўзи тушди ва қовурдоқ ҳиди димоғига урди дегунча Жаврия ютинди.

Ҳанифа Хотун балиқ ағдараётган қисқич билан товадан балиқ олиб, Жаврияга узатди.

— Ол, шунга ют! — деди. — Дам ололдингми?

— Олдим, кам бўлма Ҳанифа Хотун...

— Сени бу ерга ўғлимиз опкелланди, шундайми? Бечора Сотилмиш...

— Бечора Сотилмиш!.. — такрорлади Жаврия.

Иссиқ балиқни ердан олган қоғоз парчаси устига қўйди. Лабларини куй-диргудек бўлиб, балиқ ея бошлади.

— Садағаси кетай балиқнинг, — деди у. — Балиқ бўлмаса яшашнинг ҳам қизиғи бўлмасди...

Ҳанифа Хотун:

— Сотилмиш балиқни яхши кўрмас эди, — деди. — У ўлганидан кейин балиқ пиширадиган бўлдим.

Сўнг илова қилди:

— Балиқ қовурдоқ пишириш осон.

— Ширинлигини айтмайсизми?

— Сотилмиш эркатой эди. Тўққиз ўғлимнинг орасида кенжаси эди. Катталарини олдинроқ қора ер ютди.

Кулди:

— Мен тўйғизмасам бу қора тупроқнинг кўзини не тўйғизарди, ажабо?

Йўқ, бу ерда кўп қололмайди. Дарров ўша томонга бориб, сўраб-суриштириши лозим.

Балиқ чайнаганча эшик томон юрди.

— Ҳой қиз, қаерга?

— Эртага сенга йигирма беш куруш<sup>1</sup> келтираман, Ҳанифа Хотун.

— Йигирма беш курушнинг бошингдан ордона қолсин. Сени бу ерга Сотилмиш келтирарди. Сен Сотилмишнинг меҳмонисан.

Ҳанифа Хотун кўзига сизган ёшларни артди. Эҳтимол, ўчоқда ёнаётган ўтиннинг тутуни кўзларини ачиштиргандир...

Жаврия кўчага чиқиб, тарадудланиб тўхтаб қолди. Кўча ботқоққа айланганди. Қаерга борса экан?

Ҳали қош қораймаган. Демак, кеча тонггача мижжа қоқа олмаган Жаврия кундузи оқшомгача ухлапти.

Узоқроқда кўча чироғи ёнмаганида Жаврия оқшом тушганини билмаслиги аниқ эди.

Ҳаво булут бўлгани учун атроф қоронғи деб ўйлаган бўларди.

Агар Жаврия қоронғи тушмай кўчага чиқса шу заҳоти қўлга тушиши турган гап. Яхшиси, уйга қайтиб кириш керак.

Орқага қайтди...

Йўқ, Йўқ...

Тўхтамай Сотилмишдан, ўлимдан гапирадиган бу хотинни кўришга энди тоқати йўқ.

Бу ерга қайтиб киролмайди.

Лоп этиб эсига Сумбул Дуду тушди. Унинг ёнига боргани, уни кўргани яхшироқ эмасми?

Сумбул Дудуникига катта кўчага чиқмай етиб олса бўлади.

Қошқийди, у кеча эсига тушган бўлса.

Ун дақиқадан сўнг Сумбул Дуду унга эшик очди.

— Жавриям, болагинам... Тушимми, ўнгимми, ўзингмисан...— дея қичқира кетди.

— Менман, Сумбул холажон.

— Сумбул холангнинг гунчаси, қани, ичкарига. Ташқари қора совуқ, эт-этингдан ўтади. Иликларимгача музлатиб юборди-я. Ҳой қиз, бунча вақтдан бери қайси жаҳаннамда юрган эдинг?

— Ундан ҳам баттарроқ жойда эдим, Сумбул хола... Қамоқда эдим.

— Бошингга нелар тушди, ҳей хотин? Сен унақа нозик масалалар билан шуғуланмасдинг-ку. Нима, ё ўғирлик қилдингми?..

<sup>1</sup> Қ у р у ш — танга, турк пули — лыранинг юздан бири.

- Сафсата сотма, Сумбул хола...
- Мен қаердан билай... Сенинг касбинг зино... Ўз касби билан шуғулланган кишини ҳам қамайдиларми ҳеч?
- Нималар деб валдираяпсан? Нега энди зино юзидан қамалишим керак экан? Героин билан қўлга тушиб қамалдим, героин билан...
- Вой, тентак қиз-эй, нима қип қўйдинг? Нега героин ишга бурун тикдинг? Жазманларингнинг пули етмай қолдимми сенга?.. Нега бу ишга бурун тикдинг-а?..
- Мен героин билан шуғулланганим йўқ.
- Тўпна-тўғри, сен шуғуланмагансан. Тушундим... Тушундим... Сени неча ойдан бери дали девона этган ўша хушгорингнинг кўйида учрагансан бу балойи азимга.
- Йўғ-эй, Сумбул хола... Бир кўча бошида якка ўзим мижоз пойлаб тургандимда бир ит эмган қаршимда пайдо бўлди-да, кўлимга пакетларни тутқазиб, жуфтакни ростлаб қолди. Орқасидан хитлар етиб келди. “Кўлингдаги ни кўрсат” дейишди, кўрсатдик. Ичидан героин чиқди.
- Ҳайрон қоламан сенга, тўғриси. Бўйларингдан ўрғилай, қоқиндик, ҳалиям она сугинг оғзингдан кетмаган... Сен у каззобнинг фирибини сезмадингми?
- Ҳозир айтиш осон, Сумбул хола. Ўша пайтда бу каззобнинг не фириб ўйлаганини қаердан билай?
- Нега энди билмас экансан? Сен шу Галатани билмайсан ўзи. Нима у каззоб жазманингиди?
- Йўғ-эй, жоним, у бир латта ҳариф эди.
- Кўзимга тик қараб айт, Жаврия. Агар мени алдаётган бўлсанг яхши эмас!
- Худо урсин, Сумбул хола, у кўча саёқларидан бири эди. Шундай эканлигига на комиссарни, на бўлим бошлиғини, на бошқа бировни ишонтира олдим. Мен айбдор бўлиб чиқдим. Қоронғида ўша каззобнинг ланкасини кўрмаган эканлар. Кўтара сотувчи билан гаплашганини кўришган холос. Бир йил текин томоқ еб ётдик. Энди биз кимсан, полиция бармоқ изини олиб қўйган жиноятчимиз, ҳеч қаёққа қилт ётолмаймиз.
- Э, бундан ғурурлан, қизим.
- Ғурурланамиз ҳам Сумбул Дуду. Бизнинг ота-онамиз, авлод-аждодимиз номаълум. Жиноятларимиз кўпайса, обрўмиз ҳам ошиб, янги исму унвонларга эга бўламиз.
- Сен ориятли, ҳамиятли қизсан. Сенда фақат иффат йўқ, холос. Покиза эмассан, холос. Айтганларингга ишондим. Кўпчиликнинг кўз ўнгида бўлдингми, фалокатга тайёр тур. Балло-қазога сабр-чидамли бўлмоқ керак, холос сенга, қолса, шу героин деганинг ҳам, кокаин деганинг ҳам икки пулга қиммат, бефойда нарса. Энди қолаверса, героин мамлакатдан ташқарига сотилаётган эмиш. Бизнинг каззобларни қўлга тушириш учун Америкадан махсус изкуварлар келаётганмиш...
- Вой, холажоним-эй. Ҳадеб оёқ устида гап соттунча, мени ичкарига бошласанг-чи!
- Оҳ, жигарпорам. Оллоҳ мени бу ёшда тул қолдирди. Бола-чақа йўқ, Сени ўз қизимдай яхши кўраман. Менинг уйим— сенинг уйинг, Жавриягинам. Келганинг бош устига!
- Баравар ён тарафдаги хонага киришди. Жаврия бу хонада ўчоқ борлигини аввалдан тахмин қилгани учун шу ерга киришни хоҳлаган эди.
- Ичкарига кирди дегунча бутун вужуди титраб:
- Совуқ иликларимгача музлатиб юборди,— деди.
- Сумбул Дуду:
- Америка вискиси ичасанми? — деб сўради.
- Америка вискиси?
- Турмада бир йил ётибсан, Жавриягинам. Бу ерлар ўзгариб кетди. Мижозларнинг диди ҳам ўзгарди. Буни қара, шу Ҳожи оға деганимиз дунёнинг нариги четидан келади, аммо дарров ҳе йўқ, бе йўқ, Америка вискиси, жин талаб қилади. Кеча бир шиша опкелишувди. Ҳожи оға мол олиб-сотишга ўтган. Энди даллолнинг номи ҳам ўзгариб, қорамол тужжори бўлди. Шу Сумбул Дудунг замонавий хотин. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, дейдиганлар тоифасиданмиз. Шу даллолларни биз ҳам мол тужжори дейдиган бўлдик... Ҳа,

нима деяётган эдим... Ҳа, бунинг устига шундай бир тужжорки... Бу каззобни яйловларга жўнатиб кўр, ундан яхши айғир тополмайсан. Аслида уни ҳайвон наслини яхшилаш ишига қўйиш керак. Ундан тарқалган ҳўкизлар халқаро мол кўрғазмаларида олтин медал олмаса отимни бошқа қўяман. Бунинг шу Гилай Сорани айтмайсанми? Сочларини сариққа бўяди, оёғида куёвларнига ўхшаган пастпошна туфли, эғнида этаги кенг юбка... Елкасида лўлиларнинг тўрвасига ўхшаш сомон сумка.. Бир пайт эшикни тақиллатдилар. Эшикни очар-очмасимдан Гилай Сора “Хаварюи хелло...” дейди дегин. Тушундингми? Сумбул Дуду ҳам бўш келадиганлардан эмас... Пинагимни ҳам бузмадим, дарров “О кей” деб олдига уюб ташладим.

— Сумбул Дуду, демак, сен ҳам америкапараст бўлиб қолибсан-да?

— Гилай Сора америкапараст бўлгандан кейин биз қараб турармидик... Қолаверса у ким бўпти?.. Уни қўй, ҳатто мол тужжори ҳам кетаётганида менга “Сумбул Дуду, бай-бай” дейди... Чўнтагидан бир доллар чиқариб, қўлимга тутқазиб: “Бу сенга эсдалик учун” дейдиган ҳам бўлиб қолди... Туриб-туриб менга алам қилди. Чунки Сумбул Дуду шу ёшигача ифлос ишга қўл урмаган тоза хотин. Менга долларнинг нима кераги бор, эзибички қиламанми?.. Ёки бир доллар учун чайқов бозорида валюта ўтриси бўлиб чиқайми?.. Бу мутга-ҳам пул сочган бўлса, мен ҳам қараб турганим йўқ, пулига яраша хизматини қилдим. Ҳа, хизматини қилдик... Жаноби Ҳақ шоҳид. Бирдан миямга қон урса бўладими?

Шундай деркан қўли билан тиззалари томон эгилган бошини кўрсатди.

— Бечора Сумбул Дуду...

— Сумбул Дудунинг кўзичоғи... Биз унақа олифталик қилмаймиз. Гапнинг пўсткаласини айтсак, биз мол тужжори қиёфасидаги юрадиган ҳайвонлардан, сочини бўятиб, сақич чайнаб туриб “Хаварюи” дейдиган Гилай Сора сингари ҳашаротлардан эмасмиз... Сен, Фосфорли, жигарпорамсан. Сени бир мушгарийга таништирган пайтимда кўксим ифтихорга тўлиб тошади... Галатамиз, Чашмамайдонимиз, Эдирнақопи, Тўпқопи, Янгишаҳарнинг етиштирган энг кўҳли қизи сенсан.

— Кам бўлма, Сумбул хола.

— Ҳой қиз, бу ишга киришганимдан бери не-не жононларни кўрдим, бироқ ҳеч қайсиси сенинг олдинга тушолмайди. Уларнинг бирортасини сенчалик яхши кўрмаганман.

Бирдан кўнгли юмшаб кетган Жаврия қўлини узатиб, Сумбул Дудунинг қўлини ушлади. Уни лабига яқин келтириб, меҳр билан ўпди, сўнг юзига босди ва бирдан ўкраб юборди.

— Оҳ, йиғлама, Фосфорлим... Юрагимни тилка-пора этма... Кўзичоғим...

Сумбул Дуду иккинчи қўлини кўтариб, кўзларига яқинлаштирди, учи дўмбқ бармоқлари билан Жавриянинг кўзларидаги ёшни арта бошлади.

— Не гап ўзи, қани бир ёрил-чи... Нега йиғлайсан, Жаврияжоним?..

Бу меҳр-муҳаббат ҳавосида бирдан унга ҳамма-ҳаммасини айтиб, юрагини бўшатиши келди. Бироқ ўзини босди.

Йўқ, йўқ, “у”ни асрашга мажбур, акс ҳолда “унга” таҳлика туғилади. Буни яхши билади.

— Бир йил турмада ётиш осонми, Сумбул хола?— деди Жаврия.— Бир йилдирки, ҳаммангиздан узоқда, ёлғиз қолдим... Бу гўзал Истанбулдан узоқда яшаш...

— Осон эмас, қизим... Сени ҳам жуда соғинганман...

— Мен ҳаммангизни соғиндим... Айниқса, сени жуда соғиндим, Сумбул Дуду.

— Кўз ёшингни арт, Жаврияжоним. Мен ичкарига кириб, сенга овқат тайёрлай. Кейин бирга биир нўўш этайлик. Лекин бизга Америка вискиси кор қилмас кераг-ов.

Кулди.

— Букрини гўр тузатади дейишади, тўғрими?

— Тўғри, Сумбул Дуду...

— Бояқиш Майриқ раҳматли бўлганидан бери мен ҳеч қачон унингдек ширин таом пишира олмадим... Бунинг устига ҳиддан кўнглим айнийди дегин...

Жаврия бирдан чўчиб тушди.

— Нима дединг, Сумбул Дуду?— деди у.— Майриқ ўлдими?

— Ох, болагинам, хабаринг йўқмиди? Айтганча, сен у пайтлари нариёқда эдинг-ку. Бечора Майриқ... Тўғри жаннатга кетди у. Жаноби Оллоҳим уни аросатда қолдирмаган бўлса керак. Бир кечаси ёстиққа бошгинасини қўйди де. Тонгда турсам, у ҳали уйғонмапти. Ҳолбуки, ҳар тонгда азон вақти бўлмай ошхонасига тушарди. “Майриқ” деб овоз бердим. Бироқ ҳар доимгидай “Лаббай, қўзичоғим!” деб жавоб қилмади. Хонасига кириб қарасам, тўшакда узала ётибди, қўли юрагининг устида... Тўшакка яқин бордим... Худди ухлаётгандек кўзлари юмиқ, бироқ оғзи беўхшов очилиб қолган. Қарасам, қўлида Биби Марям онамизнинг ҳазрати Исони кучоқлаб ўтирган расми бор экан. Эҳтимол, ўлганидан кейин фаришталар қўлига бу расмни тутқазиб кетган бўлса керак. Ёки мазаси қочган бўлса, мадад бўлсин деб ўзи расмни юрагининг устига қўйгандир балки. Билмадим. Аммо, худо ҳаққи, айтайки, худди бир фаришта сингари бегуноҳ ва покиза ўтди дунёдан.

Овози ғамгинлашди:

— Мен уни жонимдан ҳам яхши кўрардим. Ундан бошқа ҳеч кимим йўқ эди. У менинг қайнонам эмас, ўз онамдек эди.

Жавриянинг сўз сўйлашга ҳоли йўқ, титроқ овозда:

— Бояқиш... Бояқиш хотин...— деб шивирларди.— У ҳам бу дунёдан кетди дегин!..

Гуё Азроил уни қадам-бақадам таъқиб қилаётганга ўхшарди.

Бу ўлимларнинг, бу йўқ бўлишларнинг қатъий ва қайғули маъносини тушуниб етгани учун қалбини қўрқув қамраб олган эди. Устма-уст эшитаётган ўлим хабарлари бу ваҳимани янада кучайтирарди.

Сумбул Дуду давом этди:

— Унинг учун шундай катта жаноза маросими қилдирдимки, асти қўяверасан, худо ҳаққи, агар у Америка подшосининг хотини бўлганида ҳам бунчалик дабдаба билан кўмилмаган бўлурди. Жанозасига бугун Галата келди. Баққол, қассоб деганлар бағритош бўлади, тўғрими? Бироқ ким бўлса-да, инсон боласида барибир юрак бор. Одамларнинг тили бошқа ҳолос. Сулаймон пайғамбар ҳайвонлару қушларнинг, жамики наботот ва ҳайвонотнинг тилини билгани сингари мукамал яратилган инсон ҳам барча юракларга йўл топа олиши лозим. Менинг қайнонам ҳаммининг тилини топан экан. Бечора Майриқнинг тобутини олиб ўтишаётганида дўкондорлар дўконларнинг панжараларини ёпиб, югуриб чиқиб, тобут кўтаришди. Қассоб Расим афанди бутхонадан у ёғига тобуткаш бўлиб борди. Йиғламаган киши қолмади. “У бир муқаддас аёл эди” дедилар. Ҳақиқатан ҳам у табаррук аёл эди.

Жаврия ҳам кўзёшларини артиб:

— Худо ҳаққи, мен ҳам уни жуда яхши кўрардим,— деди.

Сумбул Дуду:

— Йиғлама, Жаврияжоним,— деди,— йиғлаганнинг фойдаси йўқ. Оллоҳ сабр берсин, у боқий дунёга кетди. Бу фоний дунёда яшаш бир ҳавас ҳолос. Модомики жисмимизда жон омонат экан, бир куни фаришта Азроил уни биздан олади... Ундан у ёғи эса фалсафа. Гўри нурга тўлгур биринчи эрим Суфлёр Ҳочиқ афанди бу масалада менга Сукротдан гапириб берарди. Неча йил ўтди, уни унутдим. Ўзингдан қолар гап йўқ, сену мен каби шўх хотинларга ғам-ҳасрат ярашмайди ҳам, ёқмайди ҳам. Энди сенга озроқ таом билан рақи опкелай. Ўтмишинг мозий, емишинг қўзи бўлсин дейишади.

Сумбул Дуду эшиқдан чиқаркан:

“Кетган келмади, оҳ бу не савдодир!” дея бир ашулани хиргойи қилиб кетди.

Жаврия ўчоқ томонга назар ташлади: қора ялқов мушук ўша ерда. Ётган жойида кериша-кериша ухларди.

Бирдан умид пайдо бўлди. Қора мушук ўчоқ ёнида. Балки у ҳам бу кеча ўчоқ ёнида хушҳол ўтирса ажаб эмас.

Галатада энг севган жойи Сумбул Дудунинг уйи эди.

Бу ерни ўз ота уйидек яхши кўрарди. Шу боисдан ичкари кирган заҳоти бу уй ҳавоси унга ҳар доимгидай иссиқ туюлган эди.

Кекса аёл ўлганини эшитгандан сўнг эса бу уй бирданига ҳувиллаб қолгандек, кимсасиз ва ташландиқ аҳволга тушгандек туюла бошлади.

Ҳеч кўзга ташланмайдиган ўша кекса аёл гўё бу уйни обод қилиб турган ягона кимса эди. Кирар-кирмас димоққа уриладиган овқат ҳиди бу уйга ўзига хос оила ҳавосини бериб турарди. Димоққа овқат ҳиди урилди дегунча кўп ўтмай оила аъзолари дастурхон атрофига тўпланадигандек туюларди кишига.

Ўлимни эшитган ондан эътиборан бу уй ҳувиллаб қолгандай бўлди.

Жаврия ўчоқ ёнидан туриб, кўрпача устига бориб ўтирди. Айни шу лаҳзада патнус кўтарган Сумбул Дуду ичкарига кирди.

— Мана сенга арслон сути! — деди у.

Сўнг вискини эслаб, илова қилди:

— Бу сенга анави тахта ёғи эмас!

Патнусни ўртага қўйишди.

— Энди тез-тез келиб тур, Жаврия, — деди у. — Доим банд бўлмассан. Тез-тез келиб тур.

— Хўп бўлади, Сумбул Дуду.

— Лекин сен бир саёқ қизсан... Сенга ишониш қийин.

— Сен билан ишлаган вақтимизда сени бирон марта доғда қолдирганмидим?

— Йўқ, доғда қолдирмагансан. Сен билан ишласа бўлади, сўзининг устидан чиқадиган қизсан. Майриққа ҳам доим айтарди: Жаврия яхши қиз, ориятли деб. Унда фақат бокиралик йўқ, холос, дердим.

Жаврия бу сўзнинг маъносига ҳам эътибор бермай, тасдиқ маъносида бош ирғади.

Биринчи қадаҳни баробар бўшатишди.

Сумбул Дуду:

— Марҳум қайнонамнинг руҳи учун ичайлик, — деди.

Жаврия ҳам:

— Жойи жаннатда бўлсин, — деди.

Сумбул Дуду:

— Ғури нурга тўлсин, — деб илова қилди.

Ул-бул еган бўлишди... Жаврия ичидан: “Омади чопган қизман, — деб ўйлади. — Қаерга бормай Оллоҳ ризқ беради”.

Бугун ўзининг омадли эканига ишониши учун катта эҳтиёжи бор эди.

У омади чопган қиз эди... У толеи кулган бир қиз эди.

Бу кеча тун ярмидан оққач, яна ўша ерга боради, энди эшик очиқ бўлади.

Ҳа... Бир йилдан кўп бўлдики, кўп уқубат тортди.

Бу ҳадеб шундай давом этавериши мумкин эмас. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ, ахир!

Хуллас, энди қора кунлар ўтиб кетди.

Қамоқ тугади, сургундан қочди. Истанбулга келар-келмас қўлга тушди, бироқ дарров қочиб қутулди.

Инсон ҳаёти силлиққина ва осон кечмайди, ахир!..

Биринчи кунни борганида эшик қулф эди. Бироқ бу гал эшик албатта очиқ бўлади...

— Сен учун, гўзалим, Сумбул холажоним...

— Бир вақтлар гўзал эдик. Энди тасқара бўлдик, аммо шаънимиз, ориятимиз бор, бриллиантдек тоза... Шаънимизга ҳеч қачон доғ туширмасдик.

— Яша, Сумбул Дуду!..

Иккинчи қадаҳдан сўнг ҳаёт Жаврияга бироз яхшироқ кўрина бошлади.

— Сумбул Дуду, сенга жоним фидо, керак бўлса оёқларингга поёндоз бўлай!

— Кам бўлма!

Учинчи қадаҳни кўтаришгач, Жаврия:

— Сумбул Дуду, — деди. — Мен турмадан чиқдим, лекин полициядан бутунлай қутулганим йўқ. Шунинг учун кўча кезолмайман. Чунтак ҳам бўм-бўш. Сен менга иш топиб берсанг яхши бўларди, мен кўча кезмай қўяқолай. Мени кимларгадир таништириб қўя олмайсанми?

— Денгизда кум кўп, менда мижоз, Фосфорлигинам... Эртага кечаси...

— Кундузи бўлгани яхшироқ,

— Кундузимми?

— Кечаси бироз ишим бор...

— Сенга бир бало бўлган, Фосфорлигинам... Пинкертомисан ёки Шерлок Холмсмисан? Изкуварликка ишга ўтдингми?

— Мендан изкувар чиқармиди? Суф-эй сенга!

— Инсон хом сут эмган банда. Хом сут меъдасининг ўртасида туриб қолган. Бу сут гоҳ-гоҳ айниб, меъдани бузади, меъдадан қонга, қондан мияга ўтади, миядан бутун аҳволи-руҳиясига таъсир этади... Фаҳмаяпсанми?

— Тушундим, Сумбул Дуду... Аммо мен бундай ишлардан йироқман... Менинг калламда бир таъвиш бор холос. У ҳам бўлса фоҳишалик...

— Омон бўл, Фосфорлим...

— Бошимга бало келишидан қўрқаман, полициячилар мени кундузи кўришни истамайман. Яширадиган жойи йўқ; очигини айтсам, мен бир йил турмадан сўнг, яна бир йилга Бўлуга бадарға қилинган эдим.

— Бўлуга ўтиримли қилишди, дегин. Бу гапни айтсанг, сенинг хурмат-этиборинг ошади.

— Бу сафсатани йиғишгир. Мен Бўлуга боришга бордим у ерда кўп қололмайди, яширинча бу ерга қайтдим.

— Ё Оллоҳ, Оллоҳ... Нима, Бўлуга исловоотхона йўқми? Бўлу эркакларининг миждози сустми ё? Менга қара...

Жаврия:

— Мен Истанбулдан узоқда яшай олмайман,— деди.

— Яшаб бўлмайди, Жаврия... Бир гал, биринчи жаҳон уруши вақтида келишган бир олмон матроси мени Олмонияга олиб кетмоқчи бўлди... Ўша пайтда кетиб қолишим ҳам мумкин эди... Ҳамбург шаҳрида онасининг исловоотхонаси бор экан... Узиям зўри экан... Мени ўша ёққа олиб кетмоқчи бўлди... Ие, дедим, саматялик Сумбул Дуду молмидики, четта обориб сотсалар... Ўлсам ҳам Галатада ўла қолай, дедим. Шу Галатада бир қўланса ҳид йўқми, мабодо?

Худди хушбўй ҳид искамоқчи бўлгандек, чуқур нафас олди.

— Агар шу қўланса ҳид жигаримдан урмаганида эди, аллақачон тўрдан қутулган балиқдай бош олиб кетган бўлардим.

Жаврия бошини эгди:

— Оҳ, Сумбул хола,— деди у.— Хафа бўлмагин лекин, гап келганда айтиш керак. Сен насронийсан... Насроний бўлмаганингда ҳам, ҳар ҳолда ажнабийсан. Шунга қарамай бу Истанбулни шунчалик яхши кўрасан. Мен-чи... Мен-чи...

— Вой, вой. Бугун куларман деб ўйламагандим, Жаврияжоним... Ҳечам кулгим йўқ эди... Бироқ сен... Эй, кўп яша. Менинг насронийлигим билан сенинг мусулмонлигинг тўғрисида гапиришнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак. Мен-ку, ҳеч бўлмаса, ибодатхонада чўқинтирилганман. Сенда лоақал шу даража ҳам мусулмончилик йўқ. Сен мусулмон эмишсан, мен насроний. Эшитган қотиб-қотиб кулмаса мен ўлай. Агар гапнинг пўсткалласини айтадиган бўлсак, биз аслида инсон ҳам эмасмиз.

Жаврия:

— Кўнглингга оғир олма, Сумбул Дуду,— деди. — Ҳа, оғир олма, мен камситиш ниятида айтганим йўқ. Аҳмоқона бир валдирадим кўйдим-да. Истанбулни қанчалик яхши кўришимни сенга тушунтирмоқчи эдим. Мени Бўлуга олиб боришганидан кейин...— бир чуқур нафас олди-да, давом этди. — Худо ҳаққи, ақдан озиб қолаёздим!

Кўзлари қисилди. Қадаҳни кўтариб, рақини ичди.

— Жоним қурбон бу Истанбулга,— деди у. — Истанбул учун бир кўтарайдик.

— Ичайлик, Жаврияжоним...

Сумбул Дуду қадаҳини бўшатди. Жаврия жўшиб кетди.

— Яшил денгиз устида чиқётган қуёш қирмизи ранга киради, деб ўйлардим. Кўз олдимда яшил пўчоқ ёрилиб, ичидан қирмизи тарвуз чиқиб келгандек бўларди. Оҳ, шу денгиздан баъзи-баъзида ажойиб тарвуз ҳиди уфуради. Биласанми, Сумбул Дуду, Истанбулнинг нимасини кўзим қиймайди: шу тош кўчаларини! Куз кунлари ёмғир шивалади дегунча, кўчалар холдор газламага ўхшаб қолади. Улардай яхши кўраман шу Истанбул кўчаларини. Ёмғир ёғди дегунча хушбўй бир ҳид таралади. Ё шундай эмасми?



— Эй Оллоҳнинг суюкли Жаврияси, чунки у сени ўша кўчаларда дунёга келтирган, кўчада вояга етказган, тирикчилигинг ҳам кўчада...

— Омадли хотинман, тўғрими Сумбул Дуду?.. Оллоҳ севган бандаман.

— Албатта Жаврияжоним, акс ҳолда бунча кўшпакка, бу қадар очлигу совуққа бардош бера олармидинг... Агар сени севмасайди бунга чидай олмасдинг...

— Чилаб бўлмасди, Сумбул Дуду...

— Чилаб бўлмасди, ҳа!..

— Жоним қурбон Оллоҳимга, мени севади у... У менинг бадбахт бўлишимни истамайди, нима тиласам беради.

Шундай дер экан Оллоҳ бу оқшом ҳам ўзини истаганига қовуштиришидан умид қиларди.

Бироқ бу гал ҳам эшик кулфлоглик эди. Энди умидни узса ҳам бўлаверади. У бу ерда йўқ.

“Ё уни қўлга туширишган, ёки у қочиб кетган...” деб ўйлади.

Энди бундай хавотир ичида яшашга бардош бергулик ҳоли қолмаган эди.

Не қиларини билмасди.

Не бўлса бўлсин, эртага кундузи у ерга бориб, Каримни топмаса бўлмайди.

Каримни топиши, нима ҳодиса юз берганини ундан билиб олиши керак.

Унга не бўлганини билмай туриб ўзи қўлга тушиб қолишдан қаттиқ қўрқарди. Кўча-қўйда кезишдан қочарди.

Бор орзуси— не бўлганини билмоқ.

Агар у бу ерда бўлса, уни кўриш эҳтимоли бор бўлса, ўзини жуда эҳтиёт қилиб, яшириниб юрмоғи керак.

Мабодо, у йўқ бўлса, “Ҳаммасига туфурдим!” деб елка қисидан бошқа чора қолмайди.

Унда не бўлса бўлар, унга барибир.

Тунни қаерда яримлашни билмай ҳайрон.

Барба эсига тушди. Барбанинг деразасига бир нечта майда тош отди.

Бу Барба билан Жаврия ўртасидаги парол эди.

— Қайси шамол учирди сени?

— Қўявер, асти сўрама. Бугун сўзлагим келмаяпти. Эртага кечки бешга қадар ёнингданман. Яхшиси, ҳозир мени тинч қўй, бироз ухлаб олай!— деб жавоб қилди Жаврия.

Бироқ Барба берган тўшак устида тонгача ағанаб чиқди, мижжа қоқмади.

Учинчи куни оқшом соат бешда Нажотибей кўчасига кетди. Қалбида гоҳ умид порлайди, гоҳ сўнади.

Каримни кўрса уни топишини, Каримни топмаса барчаси барбод бўлишини ўйлаб кетаверди.

Уни танимаган ва севмаган пайтлари ҳаётининг мазмуни нимадан иборат эди, ажабо?

Энди нимаики ўйламасин, ўйлари унга тугашади.

Нажотибей кўчасидаги омбор қоровулхонаси каттагина ва саранжом-сарипта бир хона экан.

Карим тўрда чалқанча ётган эди.

Қўлларини боши остига ёстиқ қилиб қўйган.

Унга кўзи тушганданоқ Жаврия ҳаяжондан ҳушдан кетиб қолаёзди.

Ҳа, Карим шу ерда экан!..

Кичкина лампочканинг хира ёруғида Жаврия хона ўртасига яқинлашаркан, Карим ҳайрат билан қаддини ростлади.

Мамнуниятдан юзи ёришиб кетди.

— Ие, бизнинг Жаврия-ку бу!.. — деди у.

Жаврия қалбида кўрқув, лабида табассум билан Каримнинг илтифотига жавоб қилди.

— Ҳа, бу менман, сен ким деб ўйловдинг?

— Ҳой қиз, бунча вақт қаерларда қолиб кетдинг? — деркан Карим оёқларини ерга узатди. — Нега келмай қўйдинг? Не бўлди?

— Сен сўрама, мен айтмай, Акажон, — дея хўрсинди Жаврия. — Бир бадбахт каззобнинг дастидан бир йил қамоқда ётдим.

— Ҳеч эшитмадик.

“Эшитмадик” деркан унинг номидан ҳам сўзлаётган эди.

— Қаердан ҳам хабар топардингиз? Бу ғариб Жавриянинг исми ва расми газеталарнинг биринчи саҳифасида эълон этилмайди-ку!

— Қачон чиқдинг?

— Ўн беш-йигирма кунча бўлди, Акажон.

— Э, қойил, ўн беш-йигирма кундан бери бизни ҳеч изламапсан-да.

“Бизни деяпти!— дея ич-ичидан суюнди.— Демак, унга ҳеч гап бўлмаган”.

— Озодликка чиқиб, Истанбулга келганимга энди уч кун бўлди. Лекин бунга “озодлик” деб ҳам бўлмайди!

— Тушунмадим.

— Тушунмайдиган жойи йўқ, Акажон. Мени бир йил Бўлууда ўтқазишди.

Сумбул Дудунинг сўзларини хотирлаб, киборларча: “Ўтиримли қилишди” демоқчи бўлган, бироқ шошилганидан, “ўтқазишди” деб юборган эди.

— Бу нима деганинг?

— Яъни сену менинг тилимда айтганда, сургун қилишди Бўлууда.

— Ҳўш, унда нега бу ердасан?

— Қочдим.

— Қочдингми?

Каримнинг юзи жиддийлашди.

Жаврия, гўё бир ишни қойиллатгандек, тиржайди.

— Албатта қочдим. Турма дегани турма, баланд девори, темир эшиги, ҳужраси-ю, ҳовлисида соқчиси бор. Аммо Бўлу бир чет жой. Уша жойдан ҳам жуфтак ростлай олмасак, суф бизга.

Қилган ишидан фахрланар, ғурур билан кўкрак кериб мақтангиси келаётган эди.

— Уч кундан буён сизларни изладим, аммо тополмадим. Кечалари эшик доим қулф бўлади. Ҳозир совуқ тушиб қолди, ҳар ҳолда совқотаётган бўлсангиз керак...

Карим кулимсиради.

— Энди эшикларни қулфлаб қўядиган бўлганман, — деди у.

Каримнинг юзига шундай бир маъно қалқдики, Жавриянинг юраги орақасига тортиди ва эти увишиб:

— Нега? — деб сўради.

— Энди очик эшикдан кирадиган одам йўқ, шунинг учун.

— Тушунмадим, Акажон.

Жаврия олдидаги столга тиралиб турар, ўзини қаттиқ чарчагандек ҳис қилар эди.

“Эрталабдан туз тотмаган бўлсам-да, кўнглим айнияти!” деб ўйлади.

— У қаерда?

— Уми? — деди Карим. Бир оз жим қолди. Бор гапни айтсаммикин ёки йўқми деб иккиланарди.

Сўнг бирдан қарор бергандек қисқа қилиб деди:

— Қўлга тушди.

— Демак, онаси айтиб қўйибди-да? — деган Жаврия турган жойига беҳол чўнқайди.

Тиззаларидан дармон кетган эди.

“Мен омадли қиз эдим-ку, омадли эканим қаерда қолди?” деб ўйларди у.

Бу гапга ишониб бўлмайди. Ишониб бўлмайдиган, даҳшатли бир воқеа содир бўлган. Уни полициячилар тутган. Энди...

Йўқ... йўқ... Бунга дош бергулик ҳоли йўқ.

Дод солиб, фарёд ургиси келарди. “Қамоқхонада ўтирган ва бундай гапни эшитмаган бўлсам кошқийди”, деб ўйлади.

Карим:

— Онаси чурқ этмаган, — деди. — Шундан кейин онасини тинч қўйишди. Ўзини бўлса бошқа бир иш устида ушладилар. Бу энди бошқа бир иш.

Жаврия:

— Бу иши ҳам катта жиноятми? — деб сўради ва ўзининг унинг олдинги айбини ошкор этиб қўйганини тушуниб уялди.

— Йўқ, бу унча катта иш эмас. Бироқ унинг кимлигини аниқлашса...

Жаврия:

— Унинг ким эканлигини ҳали билишмайдимиз? — деб сўради.

— Йўқ!.. Бироқ азият йўли билан, қийноққа солиб билиб олишлари мумкин.

— Агар унинг ким эканлигини билишмаса, енгил бир жазо билан қутулиб чиқиши мумкин, шундайми?

— Ҳа.

— Бироқ аксинча бўлса!..

Энди у полиция кўлида. Ким эканлигини аниқлашса, олдинги жинояти ҳам кўшилиб, уни қатл этишади. Қийнаб ва азоблаб, уни иқроқ қилдиришлари мумкин.

Жаврия овозининг борича ўкраб юборай деб турарди. У ҳануз чўнқайиб ўтирарди.

Юзи сокин. Фақат боши айланар, Карим ўз жойида турмаётгандек кўринарди. Унинг юзига диққат билан разм соламан деб Жаврия қаттиқ чарчади.

— Карим ака, — деди. — Бир йўлини топайлик. Уни қутқарайлик. Қутқарайлик уни, қочирайлик. Улар раҳм-шафқат нелигини билишмайди, биламан, охир-оқибат уни иқроқ қилдиришади.

— У иқроқ бўладиган хилидан эмас.

Жаврия бирдан оғзидан қочирди:

— Бироқ аввалги жинояти юзасидан полициячилар уни таниб қолишлари мумкин. Ахир, у ўлимга ҳукм этилган-ку!

— Уни сиртдан ўлимга ҳукм этишган. Ўша пайтда ҳам у қўлга тушмаганди, фақат дўстларини ушлашганди.

— Энди улар билан юзлаштирадилар.

— Тириклари қолмади ҳисоб, борлари ҳам оғзига маҳкам.

— У яширин яшарди, аммо, ким билади, балки уни танийдиганлар бордир.

— Уни танийдиганлар жуда оз. Бу гал ундан ҳам бошқа ҳеч ким қўлга тушмади. Мен у бўйнига олади, деб ўйламайман.

Жаврия инграб юборди:

— Оҳ, пешонам мунча шўр бўлмаса...

Қаддини ростлади. Бутун бошли Истанбул унга энди турмадай тор ва ғам-бода бўлиб қолган эди.

Жаврия бўғилиб кетаётгандек бўлаверди.

Унинг бир ёқдан ўлим хавфи остида эканлигини, иккинчи ёқдан турмада эканлигини билиш Жаврияни қаттиқ азобга солиб қўйган эди.

Ўзи турма азобини бир йил тортди. Темир эшиклару темир панжаралар ортидаги ғамни ўзи тотиб кўрган. У бу уқубат не эканлигини яхши билади.

Ўз эркига ўзи хўжайин бўлмаслик аламини тотиб кўрган. Ўзгалар томонидан белгилаб берилган чегарадан чиқмай яшашга мажбур бўлиш нақадар оғир машаққат эканлигини тушунар эди.

Турманинг тўрт девори ортида ётган чоқларида у тақиқларсиз, жандармсиз, соқчисиз, деворсиз ва эшиксиз бир дунёда роҳат қилиб юриш иштиёқида ёнган, эмин-эркин, хоҳлаганини қилиш истагида ўртанган эди.

Орузсини рўёбга чиқариш учун ёниб-қуйган, аммо ҳеч кимга бу ҳақда оғиз очолмаган эди. Турмада арзимаган бир истагини рўёбга чиқариш учун ҳам назоратчилардан руҳсат сўрашга тўғри келарди. Шунинг учун у ҳатто энг майда, арзимаган, оддий хоҳиш-истакларидан ҳам воз кечганди.

Жаврия унинг нелар тортаётганини яхши биларди. Бу ҳам етмагандай, унинг ҳаёти ҳам хавф остида эди.

Уни сўзлатиш учун, ким билади, қандай қийноқларга гирифторм этишади...

— Оға, мен хитларни биламан, — деди. — Уларда дин, имон деган нарса ни кундуз кун чироқ ёқиб тополмайсиз. Балки қийноққа солиб, уни сўзлатишлари мумкин. Уни қутқарайлик. Қўл қовуштириб ўтирмай, бирон чорасини топайлик.

Жаврия Каримнинг “Кўлимиздан не ҳам келарди?” демоқчидай ёзилган қўллари орасига ўзини ташлаб, елкасига бош қўйганча хўнг-хўнг йиғлади.

## IV

## “СЕНДА ҚОРАСАВДО БОР”

Удчи куйлашда давом этарди:

“Сенда қорасавдо бор”

Ҳа, унда қорасавдо бор эди.

Жаврия буни чуқур ҳис қиларди. Жаврия “Ҳозиргача шу дунёда ҳеч ким бировни мён уни севганчалик севган эмас” деб ўйларди.

Гоят тушқунликка тушган, ичини қутурган ит таталаётгандек бўларди.

Кўча-қўйда фарёд ургиси, уни қутқариш учун бутун дунёни оёққа турғизгиси келарди.

Каримдан жинояти не эканлигини сўрамади. Бунчалик яхши киши қандай қилиб ўлим жазосига лойиқ жиноят қилганини ҳеч тушуниб етолмасди.

Дунёда унга ўхшайдиган, унингдек хушфёъл, жиддий, раҳмдил, меҳр-мурувватли бир киши кўрмаган.

Ким бўлса бўлсин, қандай жиноят қилган бўлса бўлсин, исми ҳам нима бўлса бўлсин, унинг тирик қолишини истарди.

Бир неча бор полиция мудириятига бориб, уни кўргиси келди. Бироқ унинг исми нима? Исмини билган тақдирда ҳам уни излаб бориш хавфли. Уни танийдиган, биладиган бирор кишини топиш учун полициячилар, ким биладди, нелар қилаётган экан. Ўзини ҳам Бўлуга жўнатиб юборишлари мумкин. Орқасидан биров сўраб, излаб келмайдиган маҳбус дунёдаги энг ғариб маҳбус.

Гоҳ-гоҳ Каримнинг ёнига бориб турди. Бир гал ундан:

— Онаси бор-ку, уни излаб боряптими? — деб сўради.

— Қандай қилиб борсин?! Борса унинг кимлигини дарров билиб олишадди-ку! Бечора она ўғлининг уйида бор барча суратларини ёқиб ташлади. Мабодо уни юзлаштиришган тақдирда ҳам бу менинг ўғлим эмас деб тонади.

Турмада ўтирганида боғдаги чоғроққина ҳовуз сувига тикилиб, денгизни тасаввур қилар эди. Энди бўлса, Мармар денгизига тикилиб, турма ҳовузини эсларди.

Истанбулда юриш ҳам энди унга завқ-шавқ бағишламай қўйди. Бу кўчалар турма ҳужрасидан баттароқ ғамбода.

Ора-сира Каримга учраб ундан хабар олиб туриш ва Бўлуга жўнатиб юбормасликлари учун полициядан қочиб, яширинча яшаб юрди.

Бу ҳам Жаврияни жуда эзиб, сиқиб юборди.

Яшаш учун пул ҳам топиши керак.

Кундузлари гоҳ Барбаникида, гоҳ Сумбул Дудуникида ухлар, сўнг тонггача кўча кезарди.

Пули бўлган тақдирда ҳам шундай қилган бўларди. Чунки кечалари ичини куйдираётган ғам-аламга чидай олмай лойга ботган кўчаларда югургиси, ловуллаб ёнаётган юзларини ёмғирда совутгиси келгандай телбаларча у ёқдан бу ёққа чопгиси келарди.

Ана шундай кечалардан бирида Галатанинг энг машҳур санчма расм устасига икки билагига кишан расмини санчтирди. Ичига чироқ ёқса ёришмас, ҳеч қайёққа сиғмас эди. Полициядан қочиб юрганига қарамай кечаларни кўпинча ғавғо-жанжал билан охирига етказарди.

Бирор эркакни йўлдан оздирар, кейин у билан ичкиликбозликни бошлаб юборарди. Бўкиб ичар, оқибатда ўзини қўлга ололмас, қадаҳларни уриб синдиришга ўтар, ғавғо кўтарар, ёнидагиларга тирғилар, худа-бехудага бошқа столларда ўтирганларга шиша ота бошлар эди. Баъзан кимнингдир бошини ёрар, баъзан ўзи калтак ер ёки ким биландир ёқалашарди. Хуллас, ўзини билмай, йиқилиб қолгунча тинчимасди.

Севгилисининг кишанбанд эканлигини эслаб туриш ва эслаб азобланиш учун билакларига кишан расмини солдирганди.

Билагига кишан расмини солдиргач, Жаврияга севгилисининг азобини бироз енгиллаштиргандек, маҳбуслик азобини баҳам кўргандек туюларди.

Уни кутқариш учун ҳеч нарса қилмай ўтиришдан қаттиқ азобланарди. Шу кишан расмларига боқиб, уни бу балодан кутқаришга кучи етмаслигини кўргиси ва бундан янада баттарроқ аҳволга тушгиси келарди.

Сумбул Дуду унга:

“Қорасавдолигинам” дерди.

Банги Шавки унинг аҳволини билар, тушунарди. Унга:

— Опажон! Кел, мана шу жаннат мойидан бир татиб кўрсанг-чи, — дея қорадори таклиф қиларди. — Худо ҳаққи, бу жудаям кетворган нарса. Ғам-ҳасрат деганинг тарқайди кетади. Соғлик учун ҳам фойдали, — шундай деб у қўлидаги мошдеккина қорадорини алқаб, давом этарди:

— Қоражоним менинг, ҳаётда икки нарсам бор: бири Гуллим, иккинчиси, мана шу қоражоним... Бошқа ҳеч нарсам йўқ...

Жаврия гиёҳванд бўлиб қолишдан қаттиқ қўрқарди. Гарчи бир-икки марта тортиб кўрган бўлса-да, қорадорига берилмади.

— Бундан арслон сути минг марта яхши.. Кўз очиб кўрганимиздан айирмасин! — дерди.

Каримнинг кўкрагига бош қўйиб тўйиб йиғлаган ўша кундан сўнг Жавриянинг кўзи нам кўрмади. Кўзлари ҳам, дудоқлари ҳам, томоғи ҳам қуриб қолганга ўхшарди.

Айтармикан, айтмасмикан? Кимлигига иқрор бўлармикан? Олдинги ўлим ҳукмини ҳам қайтадан бўйнига илишармикан?

Жаврия мана шундан қўриқиб, шу ваҳима ичида яшарди. Тонг қоронғусида Султон Аҳмад майдонига тикилган дор ва маҳкум кўз олдида кетмас эди.

Унутганига неча йил бўлган ўша қатл манзараси бутун икир-чикиригача кўз олдида гавдаланарди. Юзлари кўқарган, дадил нигоҳли ўша киши кўз олдида пайдо бўлар, бироқ сиртмоқ бўйнига тушди деганча, бирданига чеҳраси ўзгариб, “у” нга айланиб қоларди.

Унинг юзи... у сиртмоқда... шундай пайтларда Жаврия ҳеч қаёққа сиғмай қолар, кўчаларга отилар, майхоналарда улфат қидирар, ўзини дуч келган бирининг кучоғига ташлар, унутмоқ, унутмоқ, унутмоқ, бу манзарани кўз ўнгидан йўқотмоқ истарди.

Бироқ белига икки қўл чирмашиб, ичкиликнинг бадбўй ҳиди анқиган сўлжайган бир оғиз хансираб дудоқларини излаб қолган чоқда, кўпинча Жаврия бирданига у кишини итариб ташлаб, бу қўллардан сирғалиб чиқар, ҳақорат сўзлари ёғдириб, қочиб қолар эди.

Ибодатдан сўнг киши қалби ажойиб бир нурли туйғуларга тўлгани сингари Жавриянинг қалбига ёпирилиб кирган бу тотли севги туйғулари энди уни ғам-ҳасрат кучоғига ташлаб, бир офат каби қовурмоқда эди.

Хуллас, стол ёнида ўтирган Жаврия анча пишиб қолганди.

Кичик майхона унга тор кўринаётган, бу қўшиқ, Зомби Ражабнинг кучоқлашлари, ишқилиб, ҳамма-ҳаммаси унинг учун чидаб бўлмайдиган бир азобга айлана бошлаган эди.

Доим шунақа қиларди. Зомби ҳам ўрнидан туриб, унга эргашиди.

Ташқарида ҳаво совуқ, осмонда тўлин ой сузади, юлдузлар порлайди.

Жаврия совуқ ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олганча, юриб кета бошлади. Зомби Ражаб дағал товуща:

— Хўш, қаёққа кетяпсан? — деб орқасидан чақирди. Катта-катта қадам ташлаб, унга етиб олди-да, белидан кучди. Жаврия нима деяётганини ўзи ҳам билмас эди.

— Қўйвор, — деб гўлдиради у. — Қўйвор дейман, мени тинч қўй.

— Нима, нима? Охирида думингни тутқазмай қочиб кетишинг учун сента дастурхон ёздикми? Ёки ўн олти ёшлик бокирадай ноз қилишга ўтдингми?

Жаврия уйқусирагандай одим отди. Ён-вериди не бор-йўқлигини кўрмаётгандек кетиб бораётган эди.

У оғзини тўлдириб, сўқинди:

— Торт аравангни, бор йўқол!

Зомби кучли қўллари билан белидан тортиб, уни тўхтатди.

— Орқага қайт, манжалақи, бошқаларга қиладиган ўйининг менга ўтмайди, билдингми?..

Жаврия ярим инсон, ярим ҳайвонга ўхшаш бу қўрқинчли одамга тикилди, бироқ мастликдан ғилайлашган кўзи олдида Зомбининг юзи гоҳ сузилар, гоҳ буришар, ё катгайиб, ё кичраяр, ажабтовур шаклларга кирарди. Жаврия зўрга бош кўтариб ундан:

— Мендан не истайсан? — деб сўради.

Зомби Ражабнинг белига чирмашган қўли энди уни тобора қаттиқроқ тортаётган эди.

— Мендан не истайсан? — деб такрорлади.

Кўз олдида Ражабнинг юзи шундай алкаш-чалкаш бўлиб кетдики, ортиқ қараб тура олмади. Юзини унинг кўксига босди.

Мастона ғўлдираб:

— Кўрмаяпсанми? — деди. — Ҳолимни кўрмаяпсанми?

Майхонанинг очиқ эшигидан удчининг овози эшитиларди.

“Кўзларингдан аёндир, Жаврия,  
Сенда қорасавдо...”

Жаврия:

— Менда қорасавдо бор! — деди. — Кўрмаяпсанми, менда қорасавдо бор!

Ва бирданига хўнграб юборди.

Қанчалик отмасин, бўкиб қолгунча ичмасин ҳеч унута олмас, унинг ўлимга ҳукм қилинганини, унинг ҳаёти шу онда хавф остида эканлигини, у туфайли қаттиқ изтироб чекаётганини ҳеч унута олмас эди.

Зомби Ражаб уни кўксига босиб, қаттиқ сиқди.

Кўкда ой совуқ нур сочади. Ер совуқдан тарс ёрилган. Удчи бўлса қўшиқ куйлашда давом этмоқда:

“Оҳ менинг Фосфорлим,  
Воҳ менинг Фосфорлим”.

Жавриянинг қулоқлари остида қўшиқ сўзлари тўхтовсиз жарангларди:

“Яша жоним Фосфорлим,  
Оҳ менинг Фосфорлим”.

Ҳа, Истанбул кўчалари, кулбалари ва майхоналарининг Фосфорлиси, ўша машҳур Фосфорли Жаврияси энди чексиз қўркув гирдобини ичида қалтираётган мана шу қизмиди? Утиришларнинг гули бўлган шўху шодон Жаврия шуми? Зомбининг елкасига бош қўйганча хўнграётган бечора қиз ўша Фосфорли Жавриямиди?

Жаврия бирданига Зомбининг кўкрагидан бош кўтарди. Бу кескин ҳаракат туфайли сочлари жимираб кетди. Муштумчалари билан кўзларини, кафтининг орқаси билан бурнини артди-да:

— Кетдик ичкарига! — деди. — Ичкарига кирамиз... Бир ўйнамоқчиман.

Йигитни қўлидан ушлаб, эшиги очиқ майхона томон судради.

Жаврия энди майхонанинг ўртасида туриб олганча, қўшиқ айтишга киришган эди:

“Кўприк усти бандаргоҳ,  
Аскар бўлдинг баногоҳ.  
Оймас, йилмас, уч йил оҳ  
Қандай ўтар, Жавриям...”

Бошқалар қарсақ уриб, бир овоздан жўр бўлишди:

“Оҳ менинг Фосфорлим,  
Воҳ менинг Фосфорлим”.

Фосфорли удчига:

— Ҳой Абдўш, “Чодиримнинг устига”ни чал! — деб бақирди.

Удчи оҳангни ўзгартирди. Жаврия ўртада ҳам қўшиқ айтар, ҳам ўйнар эди. Гир айланиб хиромон этар экан, дуч келган стол ва курсиларни бир тепиб ағдариб кетаверарди. Ҳеч ким унингдек гўзал рақс туша олмас эди.

Бутун вужуди куй оҳангига уйғун ҳаракат қилар, елкалари титрар, бели буралар, оёқлари худди ердан узилгандек, учиб хиромон этарди. Зомби эшик олдида туриб ҳиссизларча унга бақрайиб турарди.

Бошқалари қарсақ уришарди.

Банги Шавқининг боши Гуллининг тарвуздай кўкраклари устида, кўзлари ғилайлашган. Гулли қарсақ уриб:

— Яша Фосфорли! — деб қичқирарди.

Абжир Шараф:

— Опажон... жоним қурбон сенга, сен учун ўлмаган номард! — деб қийқирарди.

Жаврия ўйнайверди, ўйнайверди.

— Кетини узма, Абдўш! — деб қичқирарди у. — Бўлмаса, кўр кўзингни пичоқ билан ўйиб оламан! Энди “Сени менга берсалар вой-эй”ни чал!.. Узма! Абдининг саси майхонадагиларни борган сари жўштириб борарди.

“Сочлари қорагинам, вой-эй,  
Сени менга берсалар, вой-эй,  
Кулинг бўлиб ишларам, вой-эй”.

Сўқир удчи сел бўлиб қўшиқ айтарди:

Дедилар: ёринг хаста, вой-эй,  
Етишдим сўнг нафасда, вой-эй”.

Жаврия ҳеч кутилмаганда бақириб берди:

— Овозингни учир! Жим бўл, Абдўш! Каллантни ёраман бўлмаса!

Ўртада аъзойи бадани қалт-қалт титраб турарди.

Столда бир шишани олди-ю, азот кўтарди.

“Етишдим сўнг нафасда...” Улим... Сўнгги нафас... Дор майдони... Тонг қоронғуси...

Боши айланди... Майхона гир айланиб кетди... Дунё гир айланди... Қиёмат қойим бўлган эди.

Абжир Шараф ўқдай отилиб бориб, шишага чанг солди.

— Опажон... Ёндирдинг, адо қилдинг. Эй, яша Фосфорли!.. — деди у.

Жаврия шишани бермаслик учун анчагача Абжир Шараф билан юлқилашди. Бироқ ҳар ҳолда у эркак, у бўлса аёл, бунинг устига оёқда туролмайдиган даражада маст эди.

Абжир Шараф кўлидаги шишани тортиб олиши билан, ўроқ тушган жўхоридек ерга гул этиб йиқилди. Ерда думалаб, ўкраб йиглаб юборди.

Банги Шавқи:

— Бўкиб қопти-ку бу! — деди.

Абжир Шараф:

— Бўкканда ҳам роса ғирт бўлгунча... — деди.

Зомби бўлса салмоқлаб:

— Ғирт эмас, тамом бўлган бу, — дея унга яқинлашди. Елкасидан тортиб, ердан азот кўтарди, сўнг белидан кучоқлаб, стол томонга олиб борди-да, зўрга ёнига ўтқазди.

Гулли:

— Ҳой Фосфорли, не бўлди сенга? — деди. — Не бўлди?

Жаврия ҳиқиллай-ҳиқиллай:

— Менда қорасавдо бор, — деб ингради. — Менда қорасавдо бор.

Унинг қорасавдо касали энди ўлғунига қалар тузалмайдиганга ўхшарди.

Бу дарддан қутулишга ҳеч қандай умид йўқ.

На ичкилик, на айш-ишрат, на сайру томоша, ҳеч нарса Жаврияга татимас, уни лоақал бир дақиқага унуттира олмасди. Жавриянинг бутун фикризикри унинг бошига келган хавф-хатарда эди.

Жаврия энди олдингидек даврон суриши, аввалгиси каби ўз ҳаётидан завқланиши мумкин бўлмай қолганди. Аҳволи, вазияти ҳам ночор.

Полиция қўлига тушиб қолса Бўлуга жўнатишлари аниқ. Кайфи тарқалгандан кейин кеча гавфо кўтарганидан уялар, қилмишига пушаймон бўлар, ўзига-ўзи: “Худо бир сақлабди-да, бўлмаса қорақўлга тушиб қоладиган иш қилган эканмиз-да!” деб қўярди.

Кундузи пастқам кўчалардан ошиб, Сумбул Дудунинг эшигини тақиллатарди.

Сумбул Дуду уни ҳар доим очиқ чехра билан кутиб оларди:

— Оҳ! Ягонагинам ўзингсан! — деб илтифот қилар, сўнг: — Бир кун келмай қолсанг, Дурдонам қаерда қолди экан, деб сиқилиб ўламан, — деб илова қилиб қўярди.

Жаврияга қаҳва қайнатиб берар, қаҳвани охиригача ичишга ундар, фол очар, пастки қаватдаги хонада оқшомга қадар ухлаб олишга рухсат берарди. Жаврия сўзласа суҳбатга қўшилар, сўзламаса овозини чиқармас эди.

Одатдагидай келган меҳмонларга хизмат қилар, юқорига таом ва рақи келтиришни буюришса, улардан орттириб Жаврияга ҳам бир патнис тузаб келарди.

Қаҳвага қараб фол очишга Жаврия жуда қизиқарди.

— Қани, Сумбул Дуду, финжонни битирдик, бир кўриб қўй-чи, — дея сас берарди.

Кекса аёл дераза олдига келиб ўтирар, ўзини бир оз орқага ташлаган кўйи фол очишга киришар эди.

— Жавриям, Жавриям, бошингга нелар тушибди-я?! Юрагинг зулматдек қорайиб кетибди. Юрагингнинг устига тегирмон тоши бостиришибди. Ҳали кўп кўзёши тўкадиганга ўхшайсан, Жавриям... Бироқ ёшсан, ўзингни ўтгачўққа уриб, майиб бўлма. Не бўлса Оллоҳдан. Қўлингдаги хунарингдан топганинг етиб ортади...

Жаврия унга умидвор тикилади:

— Яна не бор, Сумбул Дуду?

— Яна не ҳам бўларди... Яна нелар йўқ дейсан... Бир жойда бир йигит қўлини иягига тираган ҳолда ўтириб, чин кўнгилдан, юрак-юракдан сени ўйламоқда... Борим ҳам Фосфорлим, йўғим ҳам Фосфорли деяпти... Аммо ораларингизда тўсиқлар бор. Аммо бу тўсиқдан ўтишларингиз мумкин. Икковлон бир бўлса, бўлмаганни бўлдиран...

Сумбул Дуду Жавриянинг кўзларидан, ўзи фарқига бормаи, ошиқ эканлигини билдириб қўйган сўзларидан гап нимада эканлигини тусмоллаб, унга ёқадиган гаплар тўқир ва тасалли берар эди.

— Жавриям, Жаврияжоним... Хотиржам бўл!.. Яқинда юлдузинг туғади. Тумшуғида қисмат тутган мана бу товус сен гўё Исқандар Зулқарнайннинг қизидек, оёқларинг остига ўзини ташлагай. Омадинг бор, толеъинг ёр... Бироқ сен уларни кўролмаёсан. Сенга қандай тушунтирсам экан?.. Оҳ, менинг мусичагинам... Сени гўё жаҳаннамнинг қоқ ўртасига отишибди... Қанча қанот қоқсангда, учолмаяпсан... Учолмаяпсан, Жаврияжоним! Инсон юраги мисоли булбул, фарёд урмаса қоқ ўртасидан ёрилади. Ишқ дегани ҳам бир оташ, унга тушган ёниб, кабоб бўлади. Сенда қорасавдо бор, Жаврияжоним... Сен бу савдодан кеч... Воз кеч ундан, қара, сенга роҳат-фароғат йўли очилиб турибди. Олдинга боқ, орқага қайрилма... Ўтмишинг мозий, еганинг кўзи бўлсин, дейдилар... Фолингда кўринган ишоратларни тушунган бўлсанг, ҳаёт сенга хўмрайиб эмас, кулиб боқади... Аммо сенда қорасавдо бор!..

Жаврия гапни ҳазилга бурмоқчи бўлади:

— Сумбул Дуду, қара-чи, хушгоримни яна бир марта кўрармиканми ёки йўқми?

— Кетган қайтганида Ипакчи Артин Истанбулга волий бўлар эди... Кетганининг қайтганини ҳеч кўрганмисан?.. Қўлингдан неча-неча хушгор ўтди. Омад келганда отиб қол. Жаврияжоним, ишқ дегани қовурилган балиққа ўхшайди, иссиғида мазали... Совудими, мазаси қочади. Биринчи жаҳон уруши вақтида бир олмон матроси билан ошиқ-маъшүқ бўлгандик. У маъшүр бир олмон ширининг файласуфона сўзларини айтиб юргувчи эди. Трамвайга чиқиб, кетиб



қолган севгилинингнинг орқасидан кўзёши тўкиб ўтирма, кўп ўтмай бошқа трамвай келади, дегувчи эди.

Жаврия унга тикилиб, такрорларди:

— Демак, ҳеч қандай ишорат йўқ, дегин. Уни ҳеч қачон кўролмаймамми?

— Кўрасан, Жаврияжоним, кўрасан, лекин сенга не десам экан, бир ой десамми, бир йил десамми... Бир кун эмас, бир ҳафта эмас, анча вақт ўтади, — деб уни овуғарди.

— Мени ўйлармикан?

— Фосфорлини бир кўрган уни унута оларми ҳеч?!.. Сен ўзингни кўпам ерга урма, кўзичоғим. Сен билан таништириб қўйган мижозларимнинг биронтаси ҳануз шикоят қилганича йўқ. Ҳаммаси сен учун ўлишга ҳам тайёр. Қайси бирига қарама: “Жавриям қаерда? Уни топиб бер!” деб эшигимнинг турумини бузиб ётишипти-ку! Ўша ўзимизнинг Ҳожжи оғани айтмайсанми? Яна Истанбулга келибди, сени излаб юрибди. Не бўлса бўлсин, сенга уй ижарага олмоқчи, сени бошдан-оёқ ясантирмоқчи.

Жаврия, волиданг бўлмасам ҳам, сенга опанг ўрнидаман. Ишқ дегани бир яра, малҳами топилмайдиган бир чишқон, ёшлик дегани бўлса гунчага ўхшайди, гуллагандан сўнг сўлиши ҳам бор. Кўзингни оч, Жаврияжоним! Сўнгги пушаймон ўзинга душман. Кемага кечиксанг, бандаргоҳда йиғлаб қолаверасан. Бир вақтлар бир файласуф бир зўр гап айтган:

“Ёшликнинг қадрини бил,  
Кексалик етмай туриб.  
Йигитлик қадрини бил,  
Кувватинг кетмай туриб”.

Оҳ, ҳозир билмайсан, Жаврияжоним, ёшсан. Бироқ бу ишқ дегани инсонни покизалайди ҳам. Эски китобларни ўқисанг, эҳ-ҳе, нелар ёзилмаган дейсан?! Биз ҳам бир вақтлар марҳум Абдураззоқ афандининг театрида “Эрнани”, “Золим чўпон”ни ўйнаганмиз... Ана уларда кўр ишқ деганини. Отеллонинг қўлини қон қилган, Дездемонани ўн гулидан бир гули очилмай сўлдирган, Офелияни ақдан оздирган не эканини биласанми? Ўша ишқ, ўша савдо эмасми?!.. Ишқдан фойда кўрган борми ўзи?!.. Исқандар Зулқарнайн ҳам ишқ балосидан ўлиб кетган. Мен тарихни яхши биламан, ёшлигимни беҳуда ўтказмадим. “Лайли ва Мажнун”ни ўқитганмисан?!.. Шоир айтганки,

“Ишқдир мени ўлдирган,  
Воҳ, шундан бир кутулсам...”

Зўр гап айтган. Тушундингми, зўр гап-а?!.. Бу ҳақда катта одамлар айтган гаплар ҳамон қулоғим остида жаранглайди. Биз ишқ не эканлигини сал-пал биламиз, Жаврияжоним. Бу чеки-чегараси, соҳили бўлмаган бир денгиз, тушсанг ўртасида чўкасан, соҳилига етолмайсан. Бир вақтлар Холдор Ҳойганўш дегани бор эди. Галатада машҳур эди. Севилиб, севмаслик энг катта бахт, дегувчи эди. Олгин қидириб, Американинг шимолига кетган жанубликлар ўзлари олгин устида ўтирганларидан беҳабар бўлганлар. Христофор Колумб тухум савдоси деб океандан ошди, ўз ҳаётини хавф остига қўйди. Ваҳоланки, севдириб севмаган ўша маъданининг устида ўтирган экан у ҳам.

Сумбул Дуду сўзлар экан, Жавриянинг кўзлари оҳиста-оҳиста сузилиб кетар, уйқу истаги қовоқлари устига бостириб келарди.

Бир-икки ой ана шундай ўтди.

Гоҳ-гоҳ Каримга учраб турса-да, Жаврия ундан тайинли бир хабар ололмади.

Омбор қоровулхонасида, ўчоқ ёнида ўтириб суҳбатлашишарди.

Карим унга чой дамлаб берарди. Икковлон чой хўшлаб, у ҳақда сўз юришти Жаврия учун бениҳоя мароқли эди.

Бир оқшом у титроқ товушда:

— Қандай жиноят қилганки, уни ўлимга ҳукм этдилар?!.. — деб сўрашга журъат қилди. Бироқ Карим жавоб бермасданоқ йиғлаб юборди.

— Нега йиғеляяпсан? — деди Карим унга яқинлашиб.

Ёноқларини кафтлари орасига олди. Сўнг бошини кўкрагига босди.

— Уни жуда севасанми? — деб сўради.

Бу Жаврия учун ҳаётининг энг масъуд лаҳзаси бўлди. Уни севишини кимгадир айтиш эҳтиёжи лабларини ёндирар, севишини айтиб майдонларда бақиргиси келарди. Бу ишқ Жавриянинг гурури, ифтихори эди. Уни севиб қолгандан сўнг улғайдим, ҳозирга қадар эришмаган баланд мартабага эришдим, деб ўйларди Жаврия.

Кўзлари жикқа ёшга тўлиб унга қаради.

— Уни жуда севасанми?

— Ўлгудек!.. — деди Жаврия. — Уни ўлгудек яхши кўраман.

Елкасидан тоғ ағдарилгандек, чуқур нафас олди.

Карим унга меҳр-шафқат билан боққанини кўриб турарди.

Бир томонда ўчоқда ўт чирсиллаб ёнади, ўчоқ устида қирмизи қумғон қайнайди, қумғон устидаги чойнакка чой дамланган.

Нимқоронғи хонани чойнинг хушбўй ҳиди тунган.

Карим унинг елкалари ва ёноқларини силади:

— Бечора бола!..

Жаврия энди ўзини босолмай қолди. У ҳозирга қадар ўйлаган, ҳис қилган ва тушуниб етмаган нарсалар тўғрисида сўзлай бошлади:

— Уни ўлардай яхши кўраман, Акажон. Балки, ишонмасан. Мени кўчада юрган бир ирkit, шилиқт қиз, ёлғон айтяпти, деб ўйлашинг мумкин. Аммо, худо урсин, тўғрисини айтяпман. Ёлғон айтсам, еган нон-тузим мени кўр қилсин, унинг ёнига келганимда ўзимни эркак зоти кўлини ушламаган ўн олти яшар бокира қиздек ҳис қиламан. Унинг ёнида ҳатто сўзлашга тортинаман. Унга ҳеч нарса дея олмасдим. Ўйлаб кўргин-а, Акажон, астафуруллоҳ, инсон Оллоҳни қандай севгани ва бу севгисига жавоб кутмагани сингари севаман уни. Хоҳласа мени севсин, хоҳламаса севмасин. Не бўлса бўлсин, унинг тирик юришини истайман. Мабодо унинг бошига бир бало келса... Нима деса экан... Тушунтиролмаймаман... У қўлга тушганини билганимдан буён барча одамлар кўзимга душман бўлиб кўринаяпти. Уни ўлдиришлари мумкинлигини ўйладим дегунча оламга ўт кўйгим, одамларни уриб-йиққим, деразаларни синдиргим, кутурган итга ўхшаб улигим келади. У тирик қолсин, мен ўлсам майлига. Яхшиси мен ўлай... Ёш чоғимда ва ҳаётга тўймай турибоқ ўлақолай... Бу азиз жонимни Оллоҳ танамдан олса ҳам парвойимга келмайди. Парвойимга келмайди, Акажон... Турманинг не эканини мен яхши биламан. Оғир, кулфлог эшиклар, темир панжаралар, кишанлар не эканини ўз кўзим билан кўрганман. Соқчиларнинг қўпол муомаласи-ю, бир бардақ сув учун бировга мўлти-раш азоби не эканини биламан. Ташқарида ранг-баранг олам, кўча-кўйлар, эмин-эркин инсонлар, очиқ ҳаво, қуёш, осмону денгиз бўлса-ю, сен бу ёқда, ёпиқ дарвозалар, баланд деворлар ортида ўтирсанг. Тутқунлик не эканини яхши биламан. Кишан тақмаган қўллар унинг оғирлигини қайдан билсин?! Қамоқда ўтирганимда, Акажон, кўчалар хаёлимдан кетмасди. Ёмғир ботқоққа беланган, совуқ ва балчиқ кўчаларни ўйлаб, оёқларимга тикилардим. Оёқларимга тикилиб ўтириб, ўша лой кўчаларда ялангоёқ бўлиб юравергим, сўнг чопгим келар эди. Лой кўчаларда, қоронғу кечаларда сайр қилишни, ёмғирда ивишни, кўприк остида тунашни, ҳатто ҳаво ёмон бўлган тақдирда ҳам соҳилда ўтириб, оёқларимни соллангирганча, денгизни томоша қилишни, Гулхона боғида бир чеккада ўтирволиб, елкамни офтобга солишни орзу қилардим. Шуларни ўйлаб ғамга ботардим. Кетаверсам, кетаверсам, олдимда девор ҳам, эшик ҳам бўлмаса, ҳеч ким: “Тўхта! Ўтма, тақиқланган!” демаса, узоқ-узоқларга кетаверсам дердим ичимда. Ҳориб-чарчаб йиқилгунга қадар кишансиз, соқчисиз юришни истардим. Ҳозир унинг бошига нелар тушганини билмайманми?.. Ҳозир у тор бир жойда учи-кети кўринмайдиган чексиз, нурга тўла йўлларни ўйлаб, қафасдаги арслондек у ёқдан бу ёққа бориб келаётганини шундоқ кўриб турибман-ку! Унга урилган кишанлар худди менинг билакларимга урилгандек, қўлларим қақшаб кетаётир. Қани энди, бир зилзила бўлса-ю, у ўтирган қамоқнинг темир эшиклари-ю, деворлари кулаб тушса. Улишни хоҳлайман. Тушунтира олмайман бунини... Мени бўғизлашаётганга ўхшайди. Бор овозим билан ба-

қиришни, майдонларга чиқиб ҳайқиришни, бошимни тошларга уриб ёришни, дуч келган бири билан ёқа бўғишишни истайман.

Уни кутқаришни хоҳлайман. Унинг қутулиб чиқиб, бошқалардек кишансиз, атрофида жандармсиз юришни истайман. Унинг юришини, одим отган оёқларини кўришни хоҳлайман. Узун бир йўл бўйлаб унинг юриб кетаётганини кўриш мен учун Оллоҳнинг энг катта мукофоти бўлган бўлурди.

Бир оз жим қолди. Сўнг:

— Уни кутқарайлик, Карим ака, — деди.

Карим олдинга қараб ўтирар, қошлари чимирилган эди. Ниманидир ўйлаётгани кўриниб турарди. Бир қарорга келган одамдай бирдан бошини кўтарди ва:

— Унинг кимлигини билдирмаслик уни бу балодан кутқариш йўлидир. Сен унга ёрдам қилишинг мумкин, — деди.

— Ростданми, Карим ака? — дея кулимсиради. Кўз ёшлари ҳали қуриманган эди.

— Ўтган кеча яна икки кишини тутишибди. Улардан бири мени танийди. Унинг бу ерда бўлганлигини тахмин қилиши мумкин. У валдираб қўйса, иш чатоқ бўлади. Полициячилар унинг юқоридаги баъзи нарсаларини топса, ким эканлигини билиб олишлари мумкин. У нарсаларни ёқиб, йўқ қилиб бўлмайди, темир нарса. Уларни денгизга ташлаб юбориш керак. Уларни ташиб, денгизга ташлашда менга ёрдам бера оласанми?

— Албатта.

— Ундай бўлса, қош қорайгач, бу ерга кел. Сенга бир тугун берман. Бу анча оғир тугун. Мен ҳам иккита тугун олволаман ва...

Карим бу кеча қаердан қайиққа чиқишларини яхшилаб тушунтирди. Улар тугунларни денгизнинг энг чуқур жойи бўлган Қизқалъа яқинида сувга отадиган бўлдилар.

Карим унга тушунтириб бўлгач, қўлидан ушлади:

— У қутулиб чиққанида сенинг бу ёрдамингни эшитиб, сендан ғурурланади, — деди.

Жаврия:

— Фахрланадими?... — дея сўради. Ҳаяжондан кўзлари ёшга тўлди. — Агар унга кўнгил қўймаганимда ҳам бу ишни қилган бўлардим. Умримда фақат угина менга хонимлардек муомала қилди. Мени инсон деб билди.

Февраль ойи бўлишига қарамай кеча анча илиқ. Бу ёлгончи ҳавога алданиб, бодомлар гуллаган пайт эди.

Уйларнинг ичи ҳали совуқ бўлса-да, ташқарида баҳор ели юзларни силаб-сийпайди.

Келишилган пайтда Жаврия Каримнинг ёнига бориб, тугунни олди.

Режани пишириб олишган. Келишувга мувофиқ, Финдиқли соҳилида боғлаб қўйилган қайиққа олдинига Жаврия чиқадиган ва Каримни кутадиган бўлди. Сўнгра денгизга чиқиб, тугунларни чўктирадиган, иш битгач, бошқа жойдан соҳилга чиқадиган ва бошқа-бошқа томонга кетадиган бўлишди. Эсон-омонликни билиш учун эртасига қоқ туш маҳали Қорақўйда калла-поча сотадиган қассобхона олдида учрашадиган, бироқ бир-бирини танимайдиган кишилардек ўтиб кетадиган бўлишди. Бир ойдан сўнг Жаврия Каримни бориб кўрадиган бўлди.

— У сен билан фахрланади, — деган эди Карим.

Жаврия бу оғир тугунни кўтариб, хилват кўчалардан кетиб бораркан, хаёли фақат шу сўзда эди.

Қутулиб чиқса ва яна дийдор кўришишса у:

— Сен билан фахрланаман, — деган бўлур эди.

Бунинг учун эса зиммасига олган ишни уйдлашши, олган топшириқни бажариши керак.

Уни кутқариш учун бу ишга бел боғлаган ва шунинг учун чумчуқ пир этса, юраги шир этарди. Орқадан хуштак чалиб келган ўткинчидан, девордан сакраб, рўпара томонга югуриб ўтган мушукдан, кўча чироғида бирдан олдига тушган ўз соясидан ҳам кўрқиб кетарди.

Кимсасиз йўлиар тутади. Энди кўчага чиқиши керак. Энди биронта таниш-билишига, полициячига дуч келиб, қўлга тушиш ва уни тутиб бериш эҳти-моли кучайган эди.

Эски этигининг пошнаси бу тош йўлларда бунчалик қаттиқ тақилламаса?! Ҳеч қачон унинг этиги бу қадар қаттиқ тақилламасди-ку!

Кўча бошига чиқиб, нафасини ростлади. Кўча бу соатларда у қўрққанчаллик гавжум эмасди.

“Кўрққанга қўша кўринар, дейишади. Шу маҳалда ким ҳам кўчага чиқар эди?!”

Ёруғ кўчада анча юрди, бир чашма ёнидан денгиз томонга қайрилди. Йўлда унга бир эркак дуч келди. У маҳалла қоровули эди. Жавриянинг юраги кўксини ёриб чиқар даражада потирлади. “Булар хитлардан ҳам ёмон, — деб ўйлади у. — Бемаҳалда каттакон тутун кўтариб, соҳил томонга бораётган кишидан шубҳаланишлари турган гап. Яна бунинг устига кимсасиз, хилват жойда...”

Қоровул қўлидаги фонарни ёқиб, унинг юзига тўғрилади. Қўрқувдан Жаврия ҳушидан кетаёзди. “Бу томонларга кўп келмайман-ку, иншооллоҳ, мени танимас”, деб ўйлади ва мадорсизгина одим отиб, йўлида давом этди.

Қоровул ҳамон қоққан қозикдай қаққайиб турар эди. Жаврия орқага ўтирилиб қарамаса-да, унинг жойидан жилмай қотиб турганини ҳис қиларди. Жавриядан гумонсирагани аниқ.

Шу ёғоч уйдан ўтиб кетса бас, унинг кўз олдидан ғойиб бўлади, элик-олтмиш қадам нарида кичик бандагҳода боғлиқ турган қайиққа етиб олади.

Ичида: “Эшкакни эркаклардан яхшироқ эшаман, қоровулнинг кучи етса орқамдан сузиб етиб олақолсин” деди. Иншооллоҳ, Карим ундан олдинроқ соҳилга келиб, уни қайиқда кутаётган чиқар.

Жаврия муюлишдан ўтиши биланоқ чопа кетди. Қоровул уни кўролмаслигини ҳисобга олган, бироқ чопган пайти тақиллаган оёқ товушини эшитиши мумкинлигини ҳечам ўйламаган эди. Қоровул каттакон тутун қўлтиқлаган бу кўча қизининг ташқи кўринишини ёқтирмаган ва унга дуч келганидан сўнг югуришга бошлаганини эшитар-эшитмас, дарҳол ўша томонга чопган эди. Энди у Жавриянинг орқасидан қичқира бошлади:

— Ҳой... Ҳой, тўхта!.. Тўхта дейман!.. Қочма!..

Унинг овозини эшитди дегунча Жаврия янада тезроқ чопди. Ичига мудҳиш бир қўрқув тушган, ўз-ўзига: “Ё Оллоҳ... Ё Оллоҳ, мени ўзинг асра! — дерди. — Қўлга тушсам унга ёмон бўлади, устига-устак, у мени сотди деб ўйлаши мумкин...”

Каттакон тутун кўтариб қочиб кетаётган хотиннинг ё ўғри, ёки контрабандист эканлигига кўзи етган қоровул бесўнақай гавдаси билан уни қувиб етолмаслигини англади ва ҳушпагини чуриллата бошлади.

Жаврия қоровулнинг ҳушпагига бошқа бир ҳушпак жавоб берганини эшитди. Қадам товушлари... чопиб келаётган қадам товушлари қулоғини қоматта келтиргандек бўлди.

Тутун жуда оғир, бу оғир тутунни қўлтиқлаб чопиш ундан ҳам оғир эди. Эҳ, қани энди йигирма-ўттиз қадам отса, шунда қайиқ боғланган соҳилга етиб олган бўлурди. Қочиб бораркан, бир неча бор қоқилиб, мункиб кетди, бироқ ўзини ўнглаб олди. Ниҳоят қирғоққа етди. Орқалан: “Тўхта!” деган қичқирикларга парво ҳам қилмай, қайиққа сакраб чиқди. Карим ҳали келмаган эди. Энди не қилади? Қайиқ боғланган арқонни бўшатди. Бу ерни полициячилар ва қоровул босганини сезса Карим асло яқинлашмайди, қочиб кетади, албатта. Истар-истамас, эшкак отиб, соҳилдан узоқлаша бошлади.

Бутун кучини ишга солиб, эшкак эшиб кетаверди. Денгиз ҳувиллаб ётган уйдек тинч ва осуда. Чор тарафда сукунат ҳукмрон, сас-садо эшитилмайди. Фақат у эшаётган эшкакнинг шалоплаши эшитилар ва жуда қўрқинчли туюлар эди. Қирғоқдан хийла узоқлашди. Бу кеча омади чопди: бўғоз суви ҳам унга қўл келиб, тез оқар ва уни соҳилдан узоқлаштиради. Жаврия: “Мушукдек томдан тўрт оёғим билан тушаман-а”, деб омади чопганига яна бир бор ҳайрон бўлди. Бироқ уни хавотирга солаётган бир нарса ҳам бор эди: “Шу тунука эшкакларнинг падарига лаънат, шалоплашини қаранг-а”, деб сўзланди у. Шалоқлатмай эшмоқчи бўлса-да, шошгани учун эшкакларни сувга янада қаттиқроқ урар ва шалоқлаган товуш соҳилда кучлироқ акс-садо берапти, деб тахмин қиларди.

Орқасидан қувиб келган одамлар бу зимзиё тунда уни кўролмасалар-да, эшкак товушларини эшитиб, унинг сузиб кетганини билиб олишлари турган

гап. Жаврия соҳиддан анча узоқлашган бўлишига қарамай, оёқ ва ҳуштак товушларини, эркакларнинг бақир-чақирларини эшитиб борарди.

Ҳар доимгидай некбинлик билан: “Етиб келишолмайди! — деб ўйлади. — Бандаргоҳда бошқа қайиқ йўқ эди”. Шуни ўйлаб, ғайрат билан эшкак эша кетди. Эшкак эшаркан, ўз-ўзидан: “Тугунни ҳозироқ сувга ташласаммикан? — деб сўрарди. — Карим ака соҳиддан узоқларга ташлаш кераклигини айтганди... Не қилсам экан?.. Сувга ташласам қидириб топармикан бу золим хитлар?..”

Бирдан кўрқиб кетди. Не бўлди ўзи?.. Тескари оқимга дуч келиб қолдимиз ёки ваҳима босиб, кўрқиб кетдимиз? Гуё денгиз бирданига қуюқлашиб, оғирлашгандай бўлди, эшкак эшиши ҳам оғирлашди. Жаврия худди денгизда сузиб бораётгандек эмас, ботқоқлик қаърига чўкиб кетаётгандек кўрқувга тушди.

Жаврия нафасини ичига ютганча, қирғоқда у ёқдан бу ёққа чопган электр фонарларни ва фонарлар нури остида югуришгаётган қўланкаларни кўрди. “Бутун умрим давомида хитлардан кўрқиб яшадим, аммо ҳеч қачон бунчалар кўрқарман деб ҳеч ўйламагандим”, дея хаёлидан ўтказди у.

Совуқ қиш кечалари, пулсиз қолган вақтлари уни тутиб, қорақўлга олиб боришларини хоҳлар, ҳатто қорақўлларни ўз бошпанасидек хуш кўрарди... Айниқса Бейўғлидаги қорақўл. Ўша томонларда қўлга тушса Жаврия:

“Қорақўлда ойна бор...”

деб хиргойи қиларди. Жаврия ўзини бу қорақўлнинг ойнасига солишни ва ўзига оро беришни жуда ёқтирарди. Аввалги вақтларда унинг учун буларнинг ҳаммаси бир ўйин эди, аммо энди... энди уни кўрганлар:

“Қиз қўлида тамға бор!”

дейишарди... Ҳа, Жавриянинг қўлида тамға бор эди... Игна санчиб туширилган кишан тасвири эди бу тамғалар... Жаврия унинг маҳбуслигини баҳам кўриш учун қўлига кишан расми санчтирган эди.

Жавриянинг қўлларида тамға бўлганидек, кўзлари ҳам чеккан азоб-уқубатларини ошкор этиб турарди. Шунинг учун бу Сумбул Дулу унга ҳамиша:

— Сенда бир гап бор, Жаврия, — дерди.

“Кўзларингдан аёндир Жаврия,  
Сенда қорасавдо бор...”

Унга бўлган муҳаббати ошиқликдан ҳам кучлироқ бир нарса эди... Бу бир қорасавдо эди... Бемор бўлган ўша кечаси уни уйига олиб келган ва ундан бугунгача бошқа эркаклар истаган нарсани истамаган, бу бояқишнинг фоҳиша эканлигини пайқамандек кўринган, уни ҳурмат қилган, унга инсонлик гурурини қайтариб берган бу кишини, бу бечора маҳбусни Жаврия қорасавдонини эслатадиган бир муҳаббат билан севарди.

Унинг бошига таҳлика тушганини билганидан бери уни қорасавдога чалинган одамдай севарди.

“Мени “сиз”лаган биринчи ва охириги киши ҳам у эди, — дерди Жаврия. — Жоним садақа унга... Фосфорли Жаврия полициячи, қоровул деганларидан ҳеч кўрққан эмас”. Фақат қорасавдога чалингани учун бўлса керак, шошқалоқлик қилди. Қоровул юзига тикилган пайтда ҳамишаги совуққонлигини йўқотиб, югуришга тушиб қолди.

“Ишнинг пачавасини чиқардим, кутурган кўпшак тўдаси изимга тушди”, деб ўйларди у.

Учларида сув томчилари жимирлаётган бу эшкаклар тобора оғирлашиб бораверди. Шу лаънати эшкаклар. Қатрон денгизига тушиб, қайтиб чиқмаётган шу эшкаклар...

Жавриянинг билаклари зирқираб оғрий бошлади. Мармар денгизда сузиб катта бўлган, яхши эшкакчи бўлган бу қиз толиққан... кўрқётган эди... У шошқалоқлик ва кўрқув ичида эшкак эшишни унутиб қўйган ва қўлларини

бир-бирига ураётган эди. Чунки денгиз устида эшкак, мотор ва одам овозлари эшигила бошлаган эди.

Бармоқлар тош қотди, билаклари тош босгандай оғирлашди. Билакларидagi тамғалар ҳақиқий кишандек қўлларини қисаётганга ўхшарди.

Денгизни прожектор нурлари тилимлади. Кўп ўтмай Жаврия ўзини нур ичида кўрди.

— Энди ўлдим! — дея инграб юборди у.

Қўлга тушган эди. Мотор товуши тобора яқинлашиб келаверди. Бир-икки сониягача эшкакларни ташламай қотиб қолди, сўнг нурга дуч келган парводанадай прожектор нури остида тўлғанди. Бирдан эшкакларга ёпишиб, бу нур остидан қочиб, зулмат қаърига кириб йўқолишни истади. Ҳа, зулмат, фақат зулматга қочишни хоҳлар экан, денгиз устидан келаётган овозларни: “Ҳа, уни бу ерда... тутдик” деган сўзларни эшитгандек бўлди.

Бир йўлини топиши, қўлидаги тугунни йўқ қилиши лозим. Ўрнидан сакраб турди-да, тугунни азот кўтариб, денгизга улоқтирди. Бироқ у бу ҳаракатни шу қадар кескин бажардики, қайиқ мувозанатини йўқотди. Қайиқ ағдариларкан, Жаврия ўзининг денгизга қулаётганини ҳис қилди. Жаврия балиқдек суза оларди, шунинг учун беҳосдан сувга тушиб кетганидан қўрқмади, фақат бу кеча денгиз суви жуда совуқ бўлишини ўйлади ва хаёлидан: “Бу оқшом бўлар иш бўлди, муздек сувга чўмилиб оладиган ҳам бўлдик” деган фикр йилт этиб ўтди.

Бу унинг охирги ўйи бўлди: Жаврия денгизга учиб тушаётганида ағдарилаётган қайиқ четига боши зарб билан урилиб, ҳушдан кетган эди.

Ғарқ бўларкан, қўрқувдан қалтираб, ўз-ўзидан: “Шу кўкка осилган, кўксимга тақмоқчи бўлган лаънати юлдузим учдими ё?” деб сўрашга улгурмади ҳам.

Холбуки, ўша юлдуз учиб сувга тушганга ўхшарди, чунки Жаврия ғарқ бўлган жойда сув худди устига юлдуз тушиб, парчалангандек жимирлар эди.

Денгиз устида моторнинг гуриллаши, ҳуштак товушлари ва одамларнинг ҳайқириклари бир-бирига қоришиб кетди. Денгизга лангар ташлаган кичкина кема устида ёлғиз ўтирган бир денгизчи тепаликлар ортидан бирдан кўтарилган қип-қирмизи ойни томоша қилганча, жура<sup>1</sup> чалар ва бир вақтлар тилдан тилга кўчиб машҳур бўлиб кетган бир кўшиқни куйлар эди. Бу кўшиқ ўзини қорақўлдаги ойналарга солган, қўллари тамғали, қорасавдоси борлиги кўзларидан аён бўлиб турадиган бир фосфорли гўзал ҳақида эди. Қоронғи кечада кўкдан тушиб, парчаланган юлдуздек сув устида нурли из қолдириб ғойиб бўлган Фосфорли Жаврия ҳақида эди бу кўшиқ...

“Мен денгизнинг қуми-ю,  
Балиқларнинг тангаси.  
Оч қўйнингни, Жаврия,  
Мен ҳам Оллоҳ бандаси”.

Т а м о м.

Бобоҳон МУҲАММАД ШАРИФ  
таржимаси.



<sup>1</sup> Ж у р а — торли мусиқа асбоби.

Абдулла АЪЗАМ

# Жек Лондон эртагининг НИҲОЯСИ

*Икки пардали драма*

ҚАТНАШАДИЛАР:

С а й ё р (Messner) — кема капитани.  
А к б а р (Grant Lindy) — доктор, тадқиқотчи.  
М а ж и я (Mage) — космонавт.  
Ж о н т е м и р — робот.  
М у д и р.  
Ҳ а м ш и р а.  
Р а с с о м.  
Г ў з а л.  
Х и з р И л ё с.  
Қ у д р а т (Rex Streng).  
(Қ о п л о н).

Воқеалар олис коинотда бўлиб ўтади.

Саҳна ва томошабинлар залида фантастик дунё манзараси: гаройиб юлдузлар, юлдуз туркумлари, галактикалар, туманликлар, астероидлар, кометалар, сайёралар, сайёралар йўлдошлари, ҳалқалари. Уларнинг бир қисми доим ҳаракатда. Учар юлдузлар. Бутун спектакль давомида воқеага монанд манзара, манзарага монанд мусиқа, мусиқага монанд хореографик эффектлар жўр бўлиб, чексиз коинот туйғусини ҳосил қилади.

## 1-ПАРДА

Сайёр, Акбар ва Жонтемир.

Қўнаётган космик станция овози. Қаҳрамонлар овози дастлаб радиодан эшитилади. Сўнгра парда очилади.

**С** а й ё р. Худого шукур, етиб келдик.  
А к б а р. Бу гадойтопмас сайёрадан бирор иш чиқсин-да, ишқилиб.  
С а й ё р. Ҳойнаҳой.  
А к б а р. Барча маълумотни титиб ҳам пичоққа илинадиган нарса топмадим. Аммо барибир сирли, нимаси биландир ўзига тортади.

---

Чамаси, пьесанинг номи шарҳланишга муҳтождай. Гап шундаки, у Жек Лондоннинг икки ҳикояси асосида ёзилган. Ҳикоялар Америка қитъасининг шимолий ҳудудларида олтин излаш билан овора таваккалчилар ҳаётига бағишланган бўлиб, айти бир мавзуда: олтин кидирувчининг жуфти ҳалоли бошқа харидор билан кетворади, лекин тақдир тақозоси билан унга аламини олиш учун имконият туғилади: "Бир кеча тунаш" ҳикоясида аламзада хушторларнинг шундай таъзирини берадики, улар соғ-омон қолган тақдирда ҳам бир умр эсларидан чиқмайдиган бўлади. "Эртақдан сўнг" ҳикоясида эса...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

71

С а й ё р. Мен ҳам шу фикрдаман. Лекин жуда ҳам чекка деб бўлмас. Буюк Сомон йўлидан атиги миллиард километр ёнбошда. Йўл устида деса ҳам бўлади.

А к б а р. Йўл устида бўлгани билан бўм-бўш-ку.

С а й ё р. Бир неча экспедиция нобуд бўлган-да. Ўта радиоактив. Миллион километрда ҳам сезилади. Ҳамма четлаб ўтишга ҳаракат қилади.

А к б а р. (Уйчан.) Радиоактивлиги-ю, майли — кемамизнинг ҳимояси жойида, лекин...

С а й ё р. Яна нимаси ёқмаяпти? Сайёрамисан, сайёра.

А к б а р. Сенга сайру сайёра бўлса, бас. Мен эса умримни фанга бағишладим, аммо ҳали-ҳануз арзирли ҳеч нарса қилганимча йўқ.

С а й ё р. Камтарликни қўйсанг-чи. Қанча одам сенга ҳавас, ҳатто ҳасад қилганини кўрганман. Ишларинг Марказ кутубхонасида бир метр жойни эгаллаб ётибди — юздан ортиқ лазер диск тўла.

А к б а р. Гап сондами? Кўнгил тўладиган кашфиётим йўқ ҳали.

С а й ё р. Шунинг учун мени бу авантюрага тортидингми?

А к б а р. Ўзинг-у қўймаган, сафар бўлса, қойил қиладиган бўлсин деб.

С а й ё р. (Қулади.) Тўғри. Сайёра айни менбоп.

А к б а р. Қани, бўлмасам, сен темирингни ҳушига келтириб тур-чи. Мен бир излаб кўрай, балки яқин орада биздан бошқа одам зоти учраб қолар (Компьютерда ишлай бошлайди. Сайёр Жонтемирни ҳушига келтиради.)

Ж о н т е м и р. Ассалому алайкум, капитан.

С а й ё р. Ваалайкум. Кайфият қалай?

Ж о н т е м и р. Темирдай.

С а й ё р. Сайёра ҳақида нима дейсан?

Ж о н т е м и р. Бир дақиқа. (Қўлини бир неча йўналишида узатиб.) Ҳаммаси жойида, капитан. Координатлари 103га 47. Куёшгача уч ёруғлик йили.

С а й ё р. Тарихини яна бир қайтар-чи.

Ж о н т е м и р. Биринчи марта “Магеллан” экспедицияси яқинлашган. Кўнмасдан умумий маълумот йиғиб қайтган. Олпита экспедиция ёнидан ўтиб кетган. Иккита экспедиция кўнган, иккаласи ҳам ҳалок бўлган.

С а й ё р. Сабаб?

Ж о н т е м и р. Радиация.

С а й ё р. Қолдиқларини топсак яхши бўлар эди. (Жонтемир жим.) Ҳа, топиб бўлмайдими, демоқчимисан?

Ж о н т е м и р. Сайёра қобиғи фаол тектоник ҳаракатда. Мана, бошланаяпти. (Станция титрай бошлайди.) 10 бал.

Аслида Жек Лондон ҳикояларига асос бўлган вазиятлар кўпроқ оврупа, балки айнан Шимолий Америка муҳитидаги ҳаёт тарзига хос. Лекин...

Дунёда мингга яқин эл ва элатларнинг ҳар бири муайян хусусиятлар мажмуасига эга. Бу хусусиятлар орасида фақат шу элу элатга хос, уни бошқалардан ажратиб турадиган, менталитетини белгилайдигани ҳам, ва аксинча, бошқа кўглаб халқларга хос бўлганлари ҳам топилади. Одамларга хос феълу атвор нафақат элдан-элга, юртдан-юртга, замондан-замонга ўзгариб туради. Бироқ сонсаноксиз хусусиятлар ичида шундайлари ҳам борки, улар қайси замонда бўлмасин, қайси халқда бўлмасин, қайси тоифада бўлмасин олий дея тан олинади. Ана шундай олий инсоний ҳодисалардан бири — олижанобликдир.

Бу ўринда олижаноблик фалсафаси ёки тарихига шўнғишга ҳожат йўқ. Қолаверса, пьеса айнан шу мавзуга бағишланган. Фақат бир гапни айтиб ўтиш жоиз. Шарқда олижаноблик футувват ёки жўмардлик деб аталган бус-бутун тизим даражасигача ривожлантирилган. Бу ҳақда Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи Султоний” асаридан ўқиб, аждодларимиз олижанобликнинг нақадар юксак марраларига кўтарилганига шохид бўлиш мумкин. Худонинг кароматини қарангки, ўз иқтисодий салоҳияти ва қудрати билан бутун дунёда олий мавқени эгаллаб турган, Жек Лондоннинг ватани бўлмиш Америка Қўшма Штатлари дунёга келишида ва тараққий қилишида ҳам Вашингтон, Франклин, Грант каби тарихий шахсларнинг олижанобликлари жуда муҳим роль ўйнаган...

Хуллас, олижаноблик — умумбашарий ва айни пайтда, ҳар бир шахсни том маънодаги шахсга айлантурувчи гавҳардир. Тарозиди тортилса, олижанобликни яна нима босиши мумкин?.. Шундай экан, у Адабиёт мавзуси эканлиги — шак-шубҳасиз.



А к б а р. Зилзиласи ҳам бинойидек.

С а й ё р. Ҳа, кучли радиация ҳам шундан-да.

А к б а р. Яна қанақа қилиқлар чиқарар экан?

С а й ё р. Роса изладинг, қилиғи кўпини. Нолима энди.

А к б а р. Хотиржам бўл. Жуда мамнунман. Кайфият қалай, Жонтемир?

Ж о н т е м и р. Кумушдай, доктор.

А к б а р. Унда об-ҳавони бил-чи, бўлмаса. *(Сайёр ишора қилади. Жонтемир шлюздан ўтиб кема ташқарисига чиқади. Ҳар хил ўлчаилар бажаради. Аста сакраб ўйинга туша бошлайди.)*

А к б а р. *(Таажжуб билан Сайёрга қарайди. У ҳам таажжубда.)* Оғзи кулоғида-ю? *(Жонтемирнинг рақси тезлашади.)*

С а й ё р. *(Микрофонга.)* Нима гап?

Ж о н т е м и р. Босим ўн атмосфера.

С а й ё р ва А к б а р. Э-э!

Ж о н т е м и р. Температура юз градус.

С а й ё р ва А к б а р. У-у!

Ж о н т е м и р. Радиация минг кюри.

С а й ё р ва А к б а р. У-ў! Кайфият қалай, кайфият?

Ж о н т е м и р. Симобдай! Альфа-бета-гамма зарраларни тўйиб шимиряпман. Аккумуляторнинг кераги йўқ. Мазза!

С а й ё р. Биз-чи?

Ж о н т е м и р. Кемадан чиқиш одам организми учун ўта хавфли.

С а й ё р. Шуям роботгарчиликми?

А к б а р. Бунақа эгоистни биринчи кўришим. Бизни шу қадар ожиз демокчимми?

С а й ё р. Кўйсанг-чи! Ожиз бўлмай нимамиз? *(Жонтемирга.)* Скафандрда қанча юриш мумкин?

Ж о н т е м и р. 30 секунддан ортиқ эмас.

А к б а р. Устимиздан кулишини қара!

С а й ё р. Кулгани-ку йўқ. Темир-да, тўғри гап баъзан оғир ботишини билмайди.

А к б а р. Демак, биз кемада биқиниб ўтираверамиз, ҳамма завқу шавқ эса Жонтемирга буюрсин, шундайми? Бунақа темирнинг “Жон”ини олиб ташлаш керак.

С а й ё р. *(Ранжигандай.)* У бўлмаганда нима қила олар эдик?

А к б а р. Ҳозиргача робот одамга кўмак берган. Биз эса... сен ҳайдовчи-ю, мен хизматчи бўлибман. Ҳа, майли. Қани, чақир бўлмаса. Ишни бошлайлик. *(Сайёр фармойиши билан Жонтемир кириб ойна орқасида тўхтади. Ундан нур таралиб, учкунлар чатнаб туради.)*

С а й ё р. Тадқиқотта тайёرمىсан?

Ж о н т е м и р. Албатта.

А к б а р. Ҳар турли жинслардан намуналар йиғасан. Энергия манбаларига алоҳида диққат қил.

Ж о н т е м и р. Иш тартиби қатъий инструкция бўйичами ё ташаббусга рухсат борми?

А к б а р. Бор, фақат ҳар бир гайриоддий ва фавқулудда ҳодиса ҳақида дарҳол ахборот берасан.

С а й ё р. Хавфсизликни таъминлаш — биринчи вазифа. Муҳият — бир соат. Масофа — бир километргача. Бунақа радиацияда алоқа узилиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Агар узилгудай бўлса, дарҳол изингга қайтасан.

Ж о н т е м и р. Тушунарли. *(Кўти кўтариб чиқиб кетар экан.)* Кайфиятингиз олтиндай бўлишини тилайман. *(Экранда ғаройиб манзаралар алмашишиб туради.)*

А к б а р *(Сайёрга)*. Зап роботинг бор-да.

С а й ё р. Вафодор, содиқ, меҳрибон.

А к б а р. Бу таърифлар темирга нисбатан эриш туюлсаям, ҳақсан.

С а й ё р. Айниқса, 20 йил бирга бўлганимиз учун мени жуда яхши англайдиган бўлиб кетган.

А к б а р. Қачон топгансан?

С а й ё р. Э-э, бу қизиқ ҳикоя. Унда мен талаба эдим. Амалиётни 111- заводда ўтказганман — радиоактив моддалар билан ишлашда роботшуносликдан диплом ёзишим керак эди.

## 1-КИЧИК КЎРИНИШ

М у д и р, Ҳ а м ш и р а, Ж о н т е м и р в а С а й ё р.

Кўриниш саҳнанинг пешида ўйналади. Бир томонда “Кадрлар бўлими”. Тўрқовоқда бедана. Мудир кириб ўтиради. Иккинчи томонда “Тиббий бўлим”. Ҳамшира кириб ўтиради. Кулоғида плейер. Юлдуз куйлайди: “Сени осмонимга олиб кетаман...”. Ўртада қаҳвахона. Замонавий гарб мусиқаси янграб туради.

Сайёр қаҳва ичиб ўтирибди.

Жонтемир кириб, Мудирга рўбарў бўлади.

Ж о н т е м и р. Ассалому алайкум.

М у д и р. Ваалайкум (*бошини кўтариб, таажжубда*), э-э, а-ас-са-лом?! Хизмат, э-э, мулла робот?

Ж о н т е м и р (*қоғоз узатиб*). Менинг йўлланмам.

М у д и р (*танишиб*). Ишга юборишибди-да. Бошлиқнинг визаси ҳам бор, қаранг. Энди темирни ҳам одам каби ишга оларканмиз-да. Тавба. Дастгоҳ деб қабул қилса бўлмас эканми?

Ж о н т е м и р. (*Фурур билан.*) Менинг конструкциям замондан 40 йил илтарилаб кетган.

М у д и р. (*Энсаси қотиб.*) Хўп, қани ўтиринг-чи!

Ж о н т е м и р. Раҳмат, менга тик туриш қулай.

М у д и р. Э-э, мулла робот. Бу камтарликми ё? Одамнинг тепасида қаққайиб асабга тегманг-да, қулайми, ноқулайми, ўтиринг. Мана буни тўлдиришингиз лозим. (*Жонтемир бесўнақай ўтиради.*) Қани, хужжатларингизни бир кўрай-чи. Э-э, бу инструкция-ку! Ўзингизга сийлов. Менга анкета керак. Тўлдиринг. (*Узатади.*)

Ж о н т е м и р. Мен ҳақимдаги ҳамма маълумот шу хужжатда бор.

М у д и р. Ҳали маҳмадоналикни ҳам биламан, денг? Э-э, инструкция бошқа, анкета бошқа. Савод борми?

Ж о н т е м и р. Савод?

М у д и р. Ўқиш-ёзишни биларсиз?

Ж о н т е м и р. Мингта тилда ўқийман, лазер, гаммазер дискларга ёзаман.

М у д и р. Қоғозга-чи, қоғозга?

Ж о н т е м и р. Қоғозга... ўргатишмаган, бу — кечаги кун.

М у д и р. Э-э, ҳали бизнинг ишимиз кечаги кун бўлдими?

Ж о н т е м и р. (*Мудирга тақлид қилиб.*) Э-э, иш эмас, э-э, қоғозбозлик.

М у д и р. Ҳали шунақами? Э-э, (*йўталиб олиб*), қайси доно ўргатди бу гапларни? Шу қадар бийрон робот ясаган, қоғоз билан ишлашнинг эплайдиган қилса, асакаси кетармиди? Э-э, майли, унда бизга иш қолмаслиги ҳам истисно эмас. Шуниси ҳам шукур. (*Бошлиқнинг визасига қараб олгач.*) Қани, бўлмаса, саволларга жавоб беринг. Лўнда-лўнда. Исмингиз?

Ж о н т е м и р. Ж — ноль — Н.

М у д и р. Ж — ноль — Н. Жон. Ўзи темир-у, исми жон эмиш. Туғилган йилингиз?

Ж о н т е м и р. 2047 йил.

М у д и р. Ие, ҳали чақалоқ экансиз-ку!

Ж о н т е м и р. Биз комбинатдан ишга тайёр ҳолда чиқариламиз.

М у д и р. (*Маъно уққанидан ажабланиб.*) Фаросат чакки эмас. Касбингиз?

Ж о н т е м и р. Радиоактив моддалар бўйича универсал мутахассис.

М у д и р. Ў-ў. Олгинчи цехда ишлар экансиз-да. Яхши, яхши. Э-э, жинсингиз?

Ж о н т е м и р. Жинс нима дегани?

М у д и р. Аёлмисиз, эркакмисиз, э-э, ўғил боламисан, қиз бола?

Ж о н т е м и р. (*Бироз кўзларини парциратиб турғач.*) Жинсим йўқ.

М у д и р. (*Бошини сарак-сарак қилиб.*) Э-э, бўлмайди.

Ж о н т е м и р. Нега, э-э, бўлмайди?

М у д и р. Жинс бўлиши керак. Анкетада шунақа графа бор. Тўлдириш керак.

Ж о н т е м и р. Унда... унда аёл деб ёза қолинг.

М у д и р. Аёл..., э-э, йўқ. Мен сизни ишга ололмайман. 6-цехда аёллар ишлаши ман этилади.

Ж о н т е м и р. Унда эркак деб ёзинг, бўлмаса.

М у д и р. Хў, бола! Ҳозир жинсим йўқ деган эдинг, энди ҳам аёлман, ҳам эркакман дейсан? Уялмайсанми, отанг тенги, э-э, энг улуғ устангдай одамни лақиллатгани? (*Жонтемир ҳайрон. Мудир визага яна бир нигоҳ ташлаб қўл силтади.*) Эркак бўлса, э-э-эркак-да. Саломатлигинг ҳақида маълумотнома?

Ж о н т е м и р. Мен ишга яроқлиман. Синовдан ўтганман. (*Истиҳола билан.*) Хужжатимда имзо ҳам бор.

М у д и р. Имзо? (*Қараб олиб.*) Э-э, кимнинг имзоси дебман. Умуман, ишга ярайдими, ярамайдими — бошқалар бош қотирсин. Менга саломатлик ҳақида маълумотнома керак!

Ж о н т е м и р. (*Ўзича.*) Саломатлик ҳақида маълумотнома... Қаердан оламан?

М у д и р. Тиббий бўлимдан.

Ж о н т е м и р. Тиббий бўлим қаерда?

М у д и р. (*Уф тортиб, ишора қилади.*) Топасан. Керак бўлгандан кейин. Ўзимизни одамлар билан ишлаш осон, барибир, қил деганингни индамай қилади.

Жонтемир чиқади. Сайёрга йўлиқади.

Ж о н т е м и р. Ассалому алайкум! Тиббий бўлим қаерда — айтиб беролмайсизми?

С а й ё р. Ваалайкум ассалом. (*Кўрсатади.*)

Ж о н т е м и р. (*Ҳамширага рўбарў бўлади.*) Ассалому алайкум!

Ҳ а м ш и р а. (*Қизиқсиниб, жилмаяди.*) Ие, Робот. Ваалайкум ассалом. Бу ер устахона эмас. Роботжон. Нима керак?

Ж о н т е м и р. Маълумотнома.

Ҳ а м ш и р а. Қанақа маълумотнома?

Ж о н т е м и р. Билмайман.

Ҳ а м ш и р а. Ие, сиз билмасангиз, мен биламанми? (*Жонтемир қийналади.* *Ҳамшира раҳмдиллик билан.*) Ким буюрувди?

Ж о н т е м и р. Кадрлар бўлими мудир.

Ҳ а м ш и р а. Бўпти. Сизга анкета очаман. Анализ топширасиз. (*Бармоқларини букиб.*) Қон, пешоб, яна... Ҳа, айтмоқчи, иш жойингиздан маълумотнома олиб келганмисиз?

Ж о н т е м и р. Йўқ.

Ҳ а м ш и р а. Ие, обкелиш керак, Роботжон. Бу идоравий муассаса.

Ж о н т е м и р. Ким беради?

Ҳ а м ш и р а. Қаерда ишлайсиз ўзи?

Ж о н т е м и р. Ҳали ишламайман.

Ҳ а м ш и р а. Унда пуллик поликлиникага учранг.

Ж о н т е м и р. Пул? Пулим йўқ. 111-заводга ишлашга юборилганман. Мен маош олмай ишлайман.

Ҳ а м ш и р а. Вой, бечора... Бу ерга ким юборди, дедингиз?

Ж о н т е м и р. Кадрлар бўлими мудир.

Ҳ а м ш и р а. Ўша мудирга учранг, иш жойингиз ҳақида маълумотнома берсин.

Жонтемир чиқади. Йўл-йўлакай “Иш жойидан маълумотнома” деб гўлдирайди. Сайёр билан саломлашиб ўтади. Мудирга рўбарў бўлади.

Жонтемир. Кечирим сўрайман. Маълумотнома бераркансиз.

Мудир. Берарканман? Ким айтди?

Жонтемир. Тиббий бўлимдаги ҳамшира, иш жойим ҳақида.

Мудир. Э-э, роботларнинг мияси, э-э-э калласи тушпа-тузук бўлади, десам... *(бармоғини бошига тираб)* ишлатиш керак. Ҳали сизни ишга олиш ҳақида буйруқ чиққани йўқ, қандай қилиб маълумотнома бераман?

Жонтемир. Буйруқ чиқиши учун нима қилишим керак?

Мудир. Мен айтгани. Олтинчи цех — хавфли цех. Унда ишлаш учун саломатлик ҳақида маълумотнома бўлиши шарт. Мустаҳкам саломатлик ҳақида. Бўлмаса мен сизни ишга расмийлаштира олмайман. Жавобгар бўламан. Жавоб-гар! Боринг, маълумотнома келтиринг. Соғлигингиз ҳақида.

Жонтемир чиқади. Ҳамширага яқинлашади.

Жонтемир. *(Ўзига-ўзи.)* Аввал ҳам маълумотномага келувдим. Маълумотнома учун маълумотнома сўрашади. Яна маълумотномага келаяпман. Ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Демак, яна маълумотнома сўрашади. *(Бироз ўйланиб туриб орқага қайтади. Мудирга яқинлашади. Яна бироз ўйланиб, орқага қайтади. Жонтемир икки стол ўртасида югуришга тушади. Тepasидан тутун чиқа бошлайди. Сайёр қучоқлаб тўхтатади.)*

Сайёр. Нима гап? Нима бўлди сенга?

Жонтемир. *(Типирчилаб.)* Кўйиб юборинг мени. Мен маълумотнома олишим керак. Маълумотнома олишим учун маълумотнома олишим керак, маълумотнома олишим учун маълумотнома олишим учун маълумотнома олишим керак,...

Сайёр. Қанақа маълумотнома? Бечора ақлдан озаёзибди, шекилли. *(Мурватини бурайди. Жонтемир тинчийди.)*

Чироқ ўчиб ёнади. Дастлабки сахна.

Акбар. Кейин нима бўлди?

Сайёр. Яроқсизга чиқаришди. Заводда унинг энг зарур блоки куйиб кетибди. Диплом ишим катта фойда келтирган эди, гонорарига роботни сўраб олдим. Таъмирладим. Етти йил бирга ишладик. Кейин мени энергия манбалари излаш дастурига таклиф қилиб қолишди. Фақат Жонтемир билан бирга ишласам деб шарт кўйдим. Қийинчилик билан бўлса ҳам кўндирдим. Буёғи ўзинга маълум. Бир марта эскирган деб комиссия қилмоқчи бўлишувди, бор маблағимни сарфлаб, қайта жиҳозладим. Янги роботлардан ҳам зўрроқ ўтди.

Акбар. Ҳа, роботлар ҳам тажриба йиғади, ўзини-ўзи такомиллаштириб ҳам боради.

Сайёр. Ҳозирги роботлар анча мукамал.

Акбар. Инжиқликда ҳам. Анча-мунча хотиндан ўтиб тушади.

Сайёр. Тўғри. Аммо Жонини ипидан-игнасигача ўрганганман. Пайти-пайти билан айрим блокларини замонавийлаштириб тураман, холос.

Акбар. Буни ўзи сезадими?

Сайёр. Кўп нарсани фаҳмлайди. Жуда зийрак. Масалан, менинг табиагимни ўзимдан ҳам яхши билса керак.

Акбар. Кутқариб қолган ҳам деб эшитганман.

Сайёр. Бир неча марта.

Акбар. Мен бошқа ҳолатни кўзда тутувдим.

Сайёр. Ҳа-а, хотиним марслик олмос қидирувчи билан кетиб қолганини айтасанми? Эшитган экансан-да.

Акбар. Ҳа.

Сайёр. Ҳамма нарсдан воз кечган эдим.

Акбар. Яхшигина мартабадан.

Сайёр. Мартаба нима бўлибди? Яшашнинг қадри қолмаган эди.

- А к б а р. Севганингдан-да?  
 С а й ё р. Ростини айтсам, ориятдан.  
 А к б а р. Ўшанда сақлаб қолганмиди? (*Сайёр боши билан жавоб беради.*)  
 Қандай пайқаган?  
 С а й ё р. Билмадим. Баъзан фаросати бор дегинг келади. Шарт кучоқлаб олган-у, қилт этгани кўймаган. Программасида одамни муҳофаза қилиш та-  
 мойили жуда кучли.  
 А к б а р. Инсон билан робот тақдири бу қадар чапишиб кетгани камдан-  
 кам учрайди. Ёзувчи бўлсам, роман ёзар эдим, “Салоқат” деган.  
 С а й ё р. (*Кутиб.*) Балки “Вафо” деган.  
 А к б а р. Хотинингни кейин учратдингми?  
 С а й ё р. Ҳа, тасодифан. Марсда эдим. Жазмани билан келиб қолди. Олмос  
 қидириб юришган экан, менга ўхшаб. Ўзи шамоллаган, марсликни ҳам ха-  
 мирдай эзиб ташлабди.  
 А к б а р. Қандай туйғуни бошдан кечирдинг?  
 С а й ё р. (*Қийналиб.*) Кўмсанг.. нафрат билан аралаш.  
 А к б а р. Ҳа-а... Тушунса бўлади. Кейин-чи?  
 С а й ё р. Станция фақат икки кишилик, уч киши сигмас эди. Биласан,  
 коинот низомига кўра улар бошқа станцияга кетишлари лозим.  
 А к б а р. Шундай.  
 С а й ё р. Лекин етиб боргунча саломатлиги тамом бўлиши нақд эди. Жаз-  
 мани мен билан ташлаб кетишни ҳам истамасди. Илтимос қилишга мажбур  
 бўлди, ҳар қандай шартга розиман деб.  
 А к б а р. Сен нима қилдинг?  
 С а й ё р. Аввал бағтар бўлишсин, деган фикр келди. Ўйласам, у марслик  
 аблаҳни балодан қутқариб, яхшилик қиладиганга ўхшайман. Ҳа, йўқ, шун-  
 дай қилайки, бир умр эсларингдан чиқмасин, дедим.  
 А к б а р. Қизиқ.  
 С а й ё р. Станцияни уларга қолдириб кетиш эвазига бор йиққан жавоҳи-  
 рини талаб қилдим.  
 А к б а р. Кўп эканми?  
 С а й ё р. Ким ҳисоблабди?! Йўлда ҳаммасини космосга улоқтирганман.  
 А к б а р. Қойил-э. Мен бундай қилолмасам керак.  
 С а й ё р. Албатта-да. Сенинг Мажиянг бутунлай бошқа аёл.  
 А к б а р. Барибир.  
 С а й ё р. Йўқ. Айтгансан-ку, расман ажралишганмиз деб. Демак, у сента  
 хиёнат қилмаган.  
 А к б а р. Шундай дейсан-у, лекин тўрт қўлли, икки юракли орионликни  
 мендан афзал кўргани алам қилмайдими?  
 С а й ё р. Сени севарди-ку?  
 А к б а р. Билмадим. Севадигандай туюларди.  
 С а й ё р. Сен-чи?  
 А к б а р. Ҳали ҳам севаман. (*Ўйчан.*) Ёмон яшамаётган эдик. Балки, мен-  
 дан ҳам ўтандир.  
 С а й ё р. Қандай қилиб?  
 А к б а р. Аёл кишини эркалатиш шарт эмас, деб ўйлаганман. Бор вақтим-  
 ни илмий ишга сарфладим. Туғаман деганда, кейинроқ дедим. Аввал тадқи-  
 қот, кейин диссертация, кейин монография, олис сайёраларда конференция-  
 лар. Ер бошқа цивилизациялар билан биринчи бор учрашган даврлар. Бутун  
 коинотни қойил қилишим керак деб ўйлаганман.  
 С а й ё р. Инсоният борки, оила билан фан ўртасида альтернатива мавжуд.  
 А к б а р. Оилани биринчи ўринга қўйиб тўғри қиласан.  
 С а й ё р. Нега унда шундай йўл тутмадинг?  
 А к б а р. Тушунганимда кеч бўлган эди. “Жавобимни бер” деб туриб олди.  
 С а й ё р. Беравердингми?  
 А к б а р. Йўқ, албатта. Аввал “Севаман. Бошимда кўтараман”, дедим. Йиғ-  
 лаб қон қилиб юборди. “Сен билан бахтли бўлмайман”, дегандан кейин...  
 С а й ё р. Мен аёлларни тушунмайман. Сен шу қадар севгансанки..  
 А к б а р. Ажралишга ажралишдим-у, дунё мен учун зулматга ботгандай  
 бўлди.

С а й ё р. Шунча йил ўтибди. Ҳамон юрагингда, чоғи.  
 А к б а р. Ҳарқалай, энди бошқа аёлни учратмасам керак.  
 С а й ё р. Ҳеч дарак топдингми? *(Акбар бошини сарак-сарак қилади.)* Яранг-ни кўзгаганим учун кечир.  
 А к б а р. Сен ҳам. *(Сукунат ичра мусиқа.)*

Ж о н т е м и р. *(Шод.)* Капитан!!  
 С а й ё р. Эшитаман.  
 Ж о н т е м и р. Кўл, денгиз.  
 А к б а р. Қанақа кўл? Қанақа денгиз? Бу сайёрада сув йўқ.  
 Ж о н т е м и р. Оддий сув эмас, доктор. Оғир сув. Дейтерий!  
 С а й ё р ва А к б а р. А?  
 А к б а р. Шошма. Бу Ердаги қонунларга зид.  
 С а й ё р. Қонунларни қўйсанг-чи! Биз Ерда эмасмиз-ку.  
 А к б а р. Ақлга сизмайди. Ҳозиргача қузатилмаган.  
 С а й ё р. Жони хато қилиши мумкин эмас. Тасвир! *(Экранда жимирлаб турган кўл кўринади.)* Нақ водород бомбанинг устига кўнган эканмизми?  
 А к б а р. Спектр? *(Саҳна камалакдай товлана бошлайди.)* Бомба ҳам гапми, минг йиллик энергия манбаи! *(Ҳаяжонда.)* Буюк кашфиёт. Мисли йўқ факт. Фанда революция! Йўқ. Суперреволюция!! Барча космик кемалар учун тайёр ёнилғи станцияси-я. Офарин, Жонтемир, йўқ, Жонитилла, Жониолмос! *(Шоша-пиша компьютерга маълумот кирита бошлайди.)*  
 С а й ё р. “Акбар денгизи” деб кирит, Беринг денгизи, Тасман денгизи каби номинг абадий муҳрлансин, дўстим.  
 А к б а р. Биринчи оғир сув денгизи. Робот номи билан... Йўқ. Робот эгасининг номи билан: Сайёр денгизи.  
 С а й ё р. Мен бунга рози эмасман.  
 А к б а р. Мен учун бу илмий кашфиётни эълон қилишнинг ўзи етади. Ҳамма космографлар ҳасаддан ўлади. *(Акбар ўйинга туша бошлайди. Сайёр хиргойи бошлайди.)*  
 Ж о н т е м и р. Капитан. Вақт тугаяпти. Нима қилай?  
 С а й ё р. Қайт, Жони. Бизни шод этдинг. Энди шодлигимизга шерик бўл.  
 А к б а р. Намуналарни авайла.  
 С а й ё р. Ҳа. Ўзингни ҳам эҳтиёт қил.

Ойнадан оғирлашган кути кўтарган Жонтемир кўринади. Мушакбозликка ўхшаган чақмоқ чақа бошлайди. Жонтемир яқинлашганда уни кетма-кет яшин уради. Гандираклайди. Чўккалайди. Кутини кўяди. Туради. Яна чўккалайди.

С а й ё р. Жон! Жони!  
 А к б а р. Жонтемир. Қадрдон! *(Сайёр ўзини эшикка уради. Акбар уни қучоқлаб олади.)* Тўхта, Сайёр. Ўласан.  
 С а й ё р. Йўлимни тўсма.  
 А к б а р. Аҳмоқлик қилма!  
 С а й ё р. Тушунсанг-чи, экспедиция барбод бўлади.  
 А к б а р. Унда мен чиқаман!  
 С а й ё р. *(Қатъий.)* Йўқ, дўстим. Менинг дунёдан илинжим қолган эмас.  
 А к б а р. Менинг ҳам.  
 С а й ё р. Сен Мажияни учрагасан. Мана, қараб турасан, у сенга қайтади.  
 А к б а р. Қўйсанг-чи! Сен капитан! Унутма, кемани бошқариш зиммангда.  
 С а й ё р. Ҳа, капитан — мен. Шунинг учун буюраман, йўлимни тўсма!  
 А к б а р. Кемани ким бошқаради, деярман сенга?  
 С а й ё р. Жони бошқаради.  
 А к б а р. *(Ҳаяжонда.)* Сайёр, жонингга қасд қилаяпсан. Бошқа чора излаш лозим.  
 С а й ё р. Ишдан чиқади! *(Яна чақмоқ. Жонтемир йиқилади.)* Куйиб кетади!  
 А к б а р. Кий! *(Скафандр тутади.)*  
 С а й ё р. Фойдасиз.

Акбар зўрлаб кийдиради. Сайёр чиқади. Жонтемирни суяб турғизади. Қўлтиқлаб олиб киради. Ҳар иккисидан нур таралади. Сайёр ҳолсизлана бошлайди.

Акбар скафандрни ечади.

А к б а р. Нима қилиб қўйдинг, Сайёр?

С а й ё р. *(Табассум билан.)* Ҳа, тараққиёт инсонни техникага қарам қилади. Биз роботсиз ҳеч нарса қилолмаймиз. Яхшилаб эшит, Акбар. Жонига қара. Кемада эҳтиёт қисмлар етарли. У ҳамма ишни ўзи қила олади. Ўзини ўзи таъмирлайди. Биз эса нақадар ожизмиз. Намуналарни Ерга етказа олмас эдик. Ҳатто кемага олиб ҳам киролмас эдик. Бари ҳаракатимиз зое кетарди.

А к б а р. Инсон ҳаётидан қимматли нима бор?

С а й ё р. Фалсафани қўй.

А к б а р. Жонини деб жонинга қасд қилдинг.

С а й ё р. Акбар. Сен ҳам Жонини авайла. Мана пулт. Пароли — Жек Лондон. Кемани ўзи Ерга элғади. Сенга хиёнат қилаётган бўлсам, кечир.

А к б а р. Менга бунақа илмий кашфиёт керак эмас. *(Муштини кўтаради.)* Лаънати, планета! Қотил! Осдим бойлигингни касофатинга қўшиб.

С а й ё р. Шаккоклик қилма. Табиат, тасодиф. Балки... омад. Ҳар кимга ҳам nasib қилмас. Кашфиёт ўта муҳим. Биласан. Ерни энергия билан таъмин этажак. Одамзотни инқироздан қутқаражак. *(Ҳолсизланади. Сукунатдан сўнг.)* Жони!

Ж о н т е м и р. Лаббай, капитан!

С а й ё р. Кел, видолашайлик. Бундан буён... Акбар... сен учун... капитан. Сўзи... қонун. Ҳа... Биринчи... навбатда... ўзини авайла. У мард... инсон. Дўст... темирдай. *(Жонтемир силкинади. Сайёр ҳушидан кетади.)*

Ж о н т е м и р. Капитан, капитан!

А к б а р. Сайёр! *(Укол қилади.)*

С а й ё р. *(Ҳушига келиб.)* Мен қанча... доза...?

А к б а р. 10 миллиграм.

Ж о н т е м и р. 10000 рентген.

С а й ё р. Ўҳ!

Ж о н т е м и р. Капитан, нима учун чиқдингиз? Биласиз, чиқиш мумкин эмас.

С а й ё р. Тушунтириш қийин, Жони. Қийнама.

А к б а р. Эҳ, темир! Сени деб...

Ж о н т е м и р. Уни даволанг, доктор!

А к б а р. Қани энди, жонимни берардим. *(Сайёрга сув тутади.)*

С а й ё р. Раҳмат. Жонига... буюр... шу ерга... Рози бўл. Алвидо...

А к б а р. Алвидо, дўстим, тақдирдошим! Бу сайёра сенга мақбара бўлди. Сағананг устига радиомаёқ ўрнаттираман. Сен йўл кўрсатувчи бўласан. Рухинг барча фазогирларга маёқ бўлади. Эслаб қол, Жонтемир, келгуси авлодларга етказишни унутма — Инсон руҳи нақадар нурафшон!

Видолашув куйи вальсга айланади. Саҳнага Қ у д р а т билан М а ж и я кириб келади. Улар бахтиёр. Рақс. Қоплон пайдо бўлади. Жуфтликка тажовуз қилади. Қудрат олишади. Бу кичик саҳнани хореография ҳамда цирк санъати элементлари билан ўтказиш тавсия этилади.

## 2-ПАРДА

А к б а р, М а ж и я, Қ у д р а т, Ж о н т е м и р.

Акбар билан Жонтемир космик кемада сузиб борапти.

Ж о н т е м и р. Доктор, ёрдам сўрашапти.

А к б а р. Ким? Қаерда?

Ж о н т е м и р. Шимоли-шарқда. Курсдан 17 градус. Аёл.

А к б а р. Аёл?

Ж о н т е м и р. Шошилинч доктор керак, деярти.

А к б а р. Бер-чи. *(Гўшакни олади.)* Мен — доктор. Эшитаман.

- А ё л о в о з и. Доктор. Эримга ёрдам керак. Аҳволи оғир. Мадад кутамиз.  
 А к б а р. Ҳолатини баён қилинг.  
 А ё л о в о з и. Бизга қоплон ҳужум қилди.  
 А к б а р. Қанақа қоплон?  
 А ё л о в о з и. Космик пантера.  
 А к б а р. Эси жойидами бу аёлнинг?!
- А ё л о в о з и. Ишонинг, доктор.  
 А к б а р. Сен эшитганмисан, Жонтемир?  
 Ж о н т е м и р. Ҳа, доктор. Кионот қароқчилари.  
 А к б а р. Пантера деяпти-ку!  
 Ж о н т е м и р. Қоплонга ўхшаш скафандр кийишади, қўлқопларининг бармоқларига турли қуроллар ўрнатишган, оёқларига — реактив двигатель. Космосда эркин сузиб юришади, кемаларга ҳужум қилишади.
- А к б а р. Хоним! Жароҳат қанақа?  
 А ё л о в о з и. Боши соғ, қўл-оёқлари титилган, кўкрагидан яраланган.  
 А к б а р. Қанча бўлди?  
 А ё л о в о з и. Уч кун-у етти соат.  
 А к б а р. Жонтемир, масофа қанча, вақт бўйича?  
 Ж о н т е м и р. 78 соат.  
 А к б а р. Умид йўқ, хоним. Тақдирга тан беринг.  
 А ё л о в о з и. Йўқ, доктор. Етиб келсангиз бас, уни авайлайман.  
 А к б а р. Фойдаси йўқ. Мен боргунча, тамом бўлади, барибир.  
 А ё л о в о з и. Ўлмайди. Сиз уни билмайсиз. Иродаси жуда мустаҳкам.  
 А к б а р. Хотинларга хос мангиқ.  
 А ё л о в о з и. Илтимос доктор, менинг дилимни оғритманг.  
 А к б а р. Нима бу — илтимосми, дўқми? (*Жонтемир ғалати қараб турганини кўриб.*) Ҳа?  
 Ж о н т е м и р. Ёрдам бериш керак!  
 А к б а р. Бўпти, бур. Қароқчилар... Ишонгинг келмайди. Бизга ҳеч учрамади-ку?  
 Ж о н т е м и р. Қани энди, учраса. Айни муддао бўлар эди.  
 А к б а р. А?  
 Ж о н т е м и р. Тутиб интерполга топширар эдим. Медаль беришарди.  
 А к б а р. Қассобга жон қайғу экан-да! Сен медални нима қиласан?  
 Ж о н т е м и р. Медаль ҳам темир, мен ҳам темир. Лекин одамлар нимага медалга ишқибоз — буни сира тушунмайман.  
 А к б а р. (*Йўталиб.*) Билмайсанми, одам қонида ҳам темир бор-да.  
 Ж о н т е м и р. Демак, сиз одамлар роботлардан келиб чиққан бўлиши мумкин деган назарияни инкор қилмайсиз?  
 А к б а р. Унчалик эмас-ов. Одам асосан оқсилдан иборат.  
 Ж о н т е м и р. Мен бир одамни биламан. Тўқсон фоиз аъзоси сунъий.  
 А к б а р. (*Ижирғиланиб.*) Гапинг-ку, тўғри. Лекин одамда руҳ ҳам бор.  
 Ж о н т е м и р. Руҳ? Роботларда одамга қараганда кўпроқ.  
 А к б а р. (*Кулади.*) Руҳ эмас, руҳ.  
 Ж о н т е м и р. (*Хижолат бўлгандай.*) Руҳ? Нима у?  
 А к б а р. Тушунтириш қийин.  
 Ж о н т е м и р. Уриниб кўринг.  
 А к б а р. Яхши. Сайёр нима қилганини эсла! Робот шундай қила оладими?  
 Ж о н т е м и р. Одамни қутқариш учун, албатта, қилади.  
 А к б а р. А-ҳа. Бошқа бир робот қийин аҳволга тушса-чи?  
 Ж о н т е м и р. Командага топширилган вазифани бажариш учун қилади.  
 А к б а р. Вазифага алоқаси бўлмаса-чи? Умуман, у робот бошқа сайёрадан бўлса-чи? (*Фаросатинг борми дегандай қилиб.*) У робот эмас, оддий машина бўлса-чи?  
 Ж о н т е м и р. Айтолмайман. Дастурда кўзда тутилмаган...  
 А к б а р. Кўрдингми? (*Роботни енганидан мамнун.*) Ана шу кўзда тутилмаган нарса — руҳ.  
 Ж о н т е м и р. (*Шод.*) Топдим. Агар ҳеч кимга зарари тегмаса, робот умумий манфаат учун ўзини қурбон қилиши мумкин!



А к б а р. Бўлди, бўлди. Ўша дастур тузган программачингдан ўргилдим.  
*(Жонтемир бироз ўйланади, сўнг ўрнида бир-икки айланади.)*  
 Ж о н т е м и р. Ўргилмадингиз-ку, доктор?  
 А к б а р. Ўргилдим, ўргилдим.

Чироқ ўчиб ёнади. Ўзга сайёра. Манзара совуқ. Коттеж айвони. Олисроқда ярим пачоқ кема. Мажия хонага кириб чиқиб туради. Соатга қарайди. Инграш эшитилади. Қўнаётган станция овози. Акбар қиради.

М а ж и я. Миннатдорман, доктор! Скафандрни олишингиз мумкин.  
 А к б а р. Мажия?!  
 М а ж и я. Акбар?! Кутилмаган учрашув.  
 А к б а р. Бахтга қарши. *(Орқасига қайтмоқчи бўлади.)*  
 М а ж и я. Тўхта, Акбар. *(Бушашиб.)* Нима қилмоқчисан?  
 А к б а р. Чарчаганман. Менинг юрагим битта, холос, билсанг. Бироз дам олиб, йўлга тушаман.  
 М а ж и я. *(Ичкарига ишора қилиб.)* Қудратга нима ёрдам бермоқчисан, деб сўраяпман?  
 А к б а р. Қудрат? Ҳа-а... Ёрдам беролмайман.  
 М а ж и я. Наҳотки бош тортсанг?  
 А к б а р. Қўлимдан келмайди. Мендан хафа бўлма, овозингни олисдан танимабман, бошқа доктор чақиритишни маслаҳат берар эдим.  
 М а ж и я. Сен мени ёмон кўрсанг ҳам, худо меҳрибон. Поёнсиз коинотда айни сенга рўбарў қилди.  
 А к б а р. Бунинг қувонарли жойи йўқ.  
 М а ж и я. Нега энди? Сен кучли докторсан!  
 А к б а р. Фақат унутма, нормал одамлар докториман. Юраги иккита, қўли тўртталарни даволаш — касбим эмас.  
 М а ж и я. Эшитганман. Юраги иккитасини ҳам даволагансан, юраги йўғини ҳам.  
 А к б а р. Бу бошқа ҳолат.  
 М а ж и я. У ҳам сендай астронавт.  
 А к б а р. Лекин мен хотин ўғриси эмасман.  
 М а ж и я. Йўқ, У айбдор эмас. Аслида ўзинг айбдорсан.  
 А к б а р. Самимий ҳукм учун ташаккур.  
 М а ж и я. Хўп-хўп. Мен айбдорман.  
 А к б а р. Фарқи йўқ.  
 М а ж и я. Фарқи бор, Акбар. Агар ажралиш хатини кўрсатмаганимда, мени олиб кетмас эди.  
 А к б а р. Уни деб ажрашгансан.  
 М а ж и я. Сенга барибир эмасми? Мен ёрдамга муҳтож бўлсам, қарамасликка ҳаққинг бўларди.  
 А к б а р. Ҳалиям балосан. Ақлинг билан унинг ҳар икки юрагини ҳам чарчатмадингми, ишқилиб?  
 М а ж и я. Эси бор одам севишни ҳам билади.  
 А к б а р. Эси бор одам атайлаб айб қилмайди.  
 М а ж и я. Демак, айб қилмаганимни тан оласан, шундай эмасми?  
 А к б а р. У, Мажия! Заковатингга тан бермай иложим йўқ. Балки бу бадбахт ҳам шу хусусиятинг учун ҳар икки юрагини сенга бағишлагандир. *(Мажия қоматини тиклайди, юзида ғурур ифодаланади. Бундан у яна гўзаллашиб кетади.)* Йўқ, Янглишдим. Сен тентак бўлганингда ҳам хоҳлаган одамни мафтун этардинг. Бу нигоҳ, бу чехра, бу қомат.  
 М а ж и я. Аввалгичалик эмас. Аммо сен ҳамон ўша-ўшасан.  
 А к б а р. Қандай, ўша?  
 М а ж и я. Женева қўли ёдингладир?  
 А к б а р. Мени-ку, бир умр ёдимдан чиқмас. Сен унутмаганингга ҳайронман.  
 М а ж и я. Ўтгани қайтариб бўлмайди. Ажралишган бўлсак ҳам дўст эдик. Дўстлик ҳаққи...

А к б а р. Жодугар. Олижаноблик кутма, қўлимдан келмайди.

М а ж и я. Ахир уни деб йўлингни ўзгартириб келдинг-ку?!

А к б а р. Хотиржам бўл, билганимда бир мўйин ҳам қилт этмаган бўларди.

М а ж и я. Лекин келдинг барибир. Қара инграшини.

А к б а р. Ҳайронман, қайси юраги билан инграпти?

М а ж и я. Бир қараб кўр.

А к б а р. Узр. Бировнинг юрагини кавлаш одатим йўқ. *(Кўзюлади.)*

М а ж и я. Акбар! У катта мавқега эга. Мен ҳамма гапни ҳозироқ Орион альфасига етказаман. Ёнидан ўтасан. Сени соғ кўйишмайди. Э, айтиб ўтирамми, ўзим портлатиб юбораман!

А к б а р. Тугоқма, Мажия, сенга ярашмас экан. Менинг кимлигимни унутибсан. Портлатишинг мумкин. Агар шу қўшпороклигини нафи тегса, бажонудил.

М а ж и я. *(Ўзини қўлга олиб.)* Акбар, мени тўғри тушун. Бу жазава эмас. Мен кўпни кўрган аёлман. Лекин... лекин уни йўқотишим мумкин. Ва бунга айни сен сабабчи бўлаяпсан, шунга чидай олмаяпман. Усиз менга дунё қоронғу, Акбар! Мени кечир, мен уни севаман. *(Кўз ёшини тия олмай.)* Сен келгунингча қанча кўзёш тўқдим, қанча умид қилдим. Илтимос қиламан, ялинаман, оёгингни ўпай, ёрдам бер...

А к б а р. *(Мажияни турғазади. Ютиниб.)* Шу қадар қаттиқ севасанми?

М а ж и я. *(Бош силкийд.)* Айтдим-ку!

А к б а р. Унинг учун ҳамма нарсага тайёрман, де?

М а ж и я. Ҳамма, ҳамма нарсага.

А к б а р. Хўп, даволадим, дейин. Кейин-чи? Кейин пачоқ кема билан қаерга борасиз?

М а ж и я. У омон қолса, бас. Шу ерда яшаб турамиз!

А к б а р. *(Атрофга боқиб.)* Шу саҳрои биёбонда-я?

М а ж и я.

Хушдур бўлсак икковлон ҳамдам сену мен,  
Бир-бирга десак, етишса ҳар ғам сену мен.  
Бўлсак бор эсак умрбод маҳрам сену мен,  
Дайр муғи аро бўлса ватан ҳам, сену мен.

А к б а р. *(Кўзлари ёниб.)* Навоий!

М а ж и я. Жек Лондон эмас.

А к б а р. Сен уни ўқимагансан.

М а ж и я. Аёлни чўчқа деб атаса бўлади, деган ёзувчини ўқиш мумкинми?

А к б а р. “Палуба соябони остида”ни айтасанми? Ҳикоя-да.

М а ж и я. Ҳикоя эмиш. Аёл зотига тухматдан иборат чўпчак.

А к б а р. Дарвоқе, ибратли чўпчаги бор. Эшит. Бор экан-да, йўқ экан, ёш, ниҳоятда гўзал жувон бўлган экан. Бир рассом бўлиб, у жувоннинг ҳуснига ошику шайдо экан.

## КИЧИК КЎРИНИШ

Рассом, Гўзал, Хизр Илёс.

Саҳна юқорисиди кўриниш ҳосил бўлади. Эртақ воқеалари шу кўринишда тасвирланади. Сюжет Акбар тилидан эмас, Рассом, Гўзал ва Хизр Илёс ишгирикда олиб борилиши ёки классик балет тарзида ифодаланиши мумкин.

А к б а р. Бир пайт келиб Рассом жувонни ўн кунча бетиним ялаб-юлқабди, эркалаб суйибди. Кейин ўзини қолдириб сафарга кетибди. Жувон эса уни севар экан.

М а ж и я. Қаттиқ севар эканми?

А к б а р. Билмадим. Сен мени Женевада севганингдан қаттиқроқ, ҳарқа-

лай. Жувон уни соғина бошлабди. Вақт ўтган сайин соғинчига соғинч қўшилибди. Соғинчдан уззукун йиғлабди. Йиғлайвериб гўзаллиги сўниб тамом бўлибди. Ўзинг биласан, айрим аёлларни қайғу сарғайтиради — модда алмашинуви бузилади-да.

**М а ж и я.** Кейин нима бўлибди?

**А к б а р.** Ҳа, чамаси рассомни ҳам гўзаллик урган бўлса керак (бу менинг версиям), сафарда кўзи кўр бўлиб қолибди. Ва жувоннинг даргоҳига қайтибди. Қайтишга қайтибди-ю, лекин қуп-қуруқ — сурат чизолмайди, бошқа ишга ярамайди. Аммо жувон бахтини қайта топганидан шод экан, ҳатто рассомнинг кўзи ожиз бўлиб қолганидан қувонибди ҳам. Ахир у жувоннинг ҳуснига ошиқ бўлган-да. Ҳуснидан эса асар ҳам қолмаган. Кўр рассом унинг ҳусни кузиг япроқдай сарғайиб сўлганини билмас, аввалгидай гўзал ҳисоблар, аввалгидай суяр экан, “Гўзалим” дея таърифлаб чарчамас экан. Фақат қувончи кемтик экан. Бир куни рассом жувонга юрагини ёрибди: “Бир буюк картина чизишни орзулаган эдим. Қани энди кўриш қобилиятим тикланса-ю, уни битирсам, мўйқаламларни қўйиб, томоша қилсам, армоним қолмас эди...”

Орадан кўп ўтмай жувонга Хизр Илёс йўлиқибди ва унинг қўлига тўтиё тутқазибди. Агар у рассомнинг кўзига суртилса, кўриш қобилияти тикланар, ҳатто аввалгидан ҳам ўтқирроқ бўлар экан.

**М а ж и я.** Аёл нима қилибди?

**А к б а р.** Тасаввур қил, бечора қандай руҳий қийноққа дучор бўлган — тўтиёни суртса, рассомнинг кўзи очилади, суратларини чизади, армони ушалади, лекин жувоннинг хунуклигини ҳам кўради. Кўргач эса бутунлай ташлаб кетиши тайин. Жувон беш кун азобда қоврилибди.

**М а ж и я.** Тушунарли. Аёл нима қилибди?

**А к б а р.** Охири тўтиёни суртишга қарор қилибди...

**М а ж и я.** Тўғри йўл тутган.

**А к б а р.** Сен (*ишора қилиб*) уни ана ўша аёл севганчалик севасанми?

**М а ж и я.** Фараз қилайлик.

**А к б а р.** Йўқ. Чиндан ҳам севасанми?

**М а ж и я.** Ундан кўп бўлса кўпки, кам эмас.

**А к б а р.** Ҳатто ўзингни, ўз бахтингни фидо қилишинг мумкин...

**М а ж и я.** Ҳа, албатта.

**А к б а р.** Демак, ундан воз кеча оласан?

**М а ж и я.** (*Қийналиб.*) Ҳа, деяпман-ку.

**А к б а р.** Мен билан кетасан, деб шарт қўйсам-чи? Кемада бир жой бўш.

**М а ж и я.** Розиман, фақат у соғайгандан кейин. Ўзи яшай оладиган бўлгач.

**А к б а р.** Мен яна Женевага қайтишни, сен билан бирга бўлишни истайман. (*Мажия боши билан жавоб беради.*) Уни даволаганим бўлсин. Менга ассистентлик қиласан. (*Хонага кириб кетишади.*)

Чироқ ўчиб ёнади. Аввалги сахна.

**М а ж и я.** У майиб бўлиб қоладими?

**А к б а р.** Эҳ, аёллар. Кеча тирик қолса бўлди деган, бугун энди бу кам. Мен сеҳргар эмасман. Лекин ҳаракат қиламан, сен учун. Майиб бўлмайди. Чўлоқ ҳам бўлмайди. Отдай кишнайдиган бўлади. Юз йил яшайди. Галактикани айланиб келишга кучи етади, яна пантералар йўлиқса, енгадиган бўлади.

**М а ж и я.** (*Мамнунлигини яширолмай.*) Миннатдорман, Акбар.

**А к б а р.** Шошма. Бу ҳали оз. У аввалгидай хушқомат бўлади. Тўла соғайгач, яна ҳам жозибатор бўлади. Аёл зоти дош беролмайдиган даражада.

**М а ж и я.** Маҳоратингга ишонаман.

**А к б а р.** Фақат энди у сен учун эмас, бошқалар учун яшайди. Буни унутма.

**М а ж и я.** Биламан. Муолажангни давом эттир. Ҳаммаси айтганингдай бўлсин.

**А к б а р.** Бўлади. Уч кун тинмай рақсга тушадиган бўлади. Аммо сен билан эмас.

**М а ж и я.** (*Ўзгармайди.*) Айтдим-ку, сен буюк докторсан деб.

А к б а р. Дарвоқе, у билан никоҳдамисан?

М а ж и я. Бўлмасам-чи.

А к б а р. Ажралишинг керак.

М а ж и я. Табиий.

А к б а р. Қара, балки рози бўлмас?

М а ж и я. Розилигини оламан, ташвиш қилма.

А к б а р. Демак, Женева кўлига бирга кетамиз?

М а ж и я. Ҳа.

А к б а р. Балки Ҳавайида яшармиз?

М а ж и я. Хоҳишинг.

А к б а р. Саҳрои Кабирда, десам-чи?

М а ж и я. Сен қаерда десанг, ўша ерда.

А к б а р. (*Раиш билан.*) Жин урсин. Унинг нимасини бу қадар ёқтирасан?

М а ж и я. Буни тушунтириш қийин.

А к б а р. Юраги иккиталиги учунми?

М а ж и я. Мен фарқига бормаганман.

А к б а р. Кўли тўртталиги учун эмасдир?

М а ж и я. Табиий.

А к б а р. (*Қизариб.*) Нима бўлмаса, нимаси мендан ортиқ?

М а ж и я. Мени қийнама. Севишимни айта оламан. Сабабини эса — йўқ. Биласанми, шу каби ҳолатда бир руҳоний деган экан: нима учун ситирнинг думи пастга қараб ўсади — билмайман, лекин айнан пастга қараб ўсишини аниқ тасдиқлайман.

А к б а р. Биламан-билмайман. Ўзингга керакли жавобни-ку биласан.

М а ж и я. Жаҳлинг чиқмасин. Сени худо етказди. Бўлмаса, бу томонларда нима қилиб юрган эдинг?

А к б а р. Излаб юрган, деб ўйласанг, янглишасан. Хотининг кетиб қолгандан кейин, нима қилиш қоларди? Ҳеч ким бормаган жойларда, боришни истамайдиган жойларда дайдиш қолади-да. Сиз икковингизга нима етишмаган? Қайси жин бу ёқларга етаклаб келди, ўзи?

М а ж и я. Ерни соғинар эдим. Лекин... Ҳавоси Ердагига ўхшаш бўлгани учун Қудрат бу сайёрачани ижарага олди. Уни обод қилмоқчи эди. Мен учун... (*Бошини эгади.*)

А к б а р. Ҳали кеч эмас. Сўзингни қайтиб олишинг мумкин. Гина қилмайман.

М а ж и я. (*Қоматини тиклаб.*) Йўқ, йўқ. Қарорим қатъий. Берган сўзимда тураман. Муолажангни охирига етказ.

Чироқ ёниб ўчади. Аввалги саҳна. Акбар ёлғиз.

А к б а р. Нега? Нега? Ҳамма нарсани қилдим. Тўла соғайиши шарт эди. Бу орионлик организмда нимадир бор, кўзга кўринмас, таҳлилда билинмас. Даволашим шарт. Шарт. Қани энди маслаҳатлашадиган одам бўлса.

Булуғлар орасидан Х и з р И л ё с чиқиб келади.

Х и з р И л ё с. Ассалому алайкум, ҳаким.

А к б а р. Ваалайкум ассалом. Кимсиз?

Х и з р И л ё с. Нима аҳамияти бор, ҳаким?

А к б а р. Бу сайёрага қандай келиб қолдингиз?

Х и з р И л ё с. Мен руҳман. Руҳ учун замон ҳам, макон ҳам нисбий.

А к б а р. Демак, Сиз — Хизр? Хизр Илёс? Оллоҳнинг элчиси!

Х и з р И л ё с. Нега руҳинг безовта, ҳаким?

А к б а р. Бир фазогирни даволашга киришган эдим. Ҳамма муолажани қилдим. Соғайиб кетиши лозим эди. Лекин...

Х и з р И л ё с. Хўш?

А к б а р. Соғаймаяпти.

Х и з р И л ё с. Сабаб?

А к б а р. Ожизман. Тажрибамда биринчи марта.

Х и з р И л ё с. Иложи бўлмаса, тақдир экан-да.  
 А к б а р. Йўқ, йўқ. Даволашим шарт.  
 Х и з р И л ё с. Шак келтирма, ҳаким.  
 А к б а р. Астафуриллоҳ! Тангри номи билан, мадад беринг, ҳазрат.  
 Х и з р И л ё с. Мададнинг калити ўзингда.  
 А к б а р. Тушунмадим?  
 Х и з р И л ё с. Ниятинг холисмиди? *(Ақбар жим.)* Ўзингни алдама, ҳаким.  
 Унутмаки, заррача таъма аралашса, табибнинг амали бекор.  
 А к б а р. *(Боши хам.)* Қасд қилган эдим.  
 Х и з р И л ё с. Қасд — ҳаром, ҳаким!  
 А к б а р. Мен уни даволашим керак.  
 Х и з р И л ё с. Даволаш бу — бурчинг.  
 А к б а р. Ердамнингизга муҳтожман.  
 Х и з р И л ё с. Диққат билан қулоқ сол! Жек Лондон эртагининг ниҳояси борлигини унутма.  
 А к б а р. Тўтиё ҳақидагимиди?  
 Х и з р И л ё с. Тўтиё — бир рамз. Кўр кўзни очадиган — аслида бошқа нарса.  
 А к б а р. Англамадим, ҳазрат.  
 Х и з р И л ё с. Ўйлаб кўр, кўр кўзни очишга кучи етадиган тўтиё йўқолган гўзалликни тиклай олмайдимиди?

Хизр кўздан ғойиб бўлади. Куй. Ақбар кириб кетади. Тасвирлар ва куйлар ёруғлаша бошлайди. Ақбар қайтиб чиқади. Кема ичидаги Жонтемир билан қўлтеелефонда гаплашади.

А к б а р. Жонтемир!  
 Ж о н т е м и р. *(Кема ичидан.)* Эшитаман, доктор!  
 А к б а р. Кетишга ҳозирлан.  
 Ж о н т е м и р. Тайёрман. *(Ичкаридан Қудрат чиқади.)*  
 Қ у д р а т. Миннатдорман, доктор. Сеҳргар экансиз.  
 Ж о н т е м и р. Сиз ҳали тўла соғайганингизча йўқ.  
 Қ у д р а т. Сезяпман. Лекин барибир миннатдорман. Оёққа турғиздингиз.  
 Онадан қайта туғилгандайман.  
 Ж о н т е м и р. Мен батамом соғайиб кетишингизни истайман.  
 Қ у д р а т. Ишонаман. Мажия ҳаммасини айтди.  
 А к б а р. Мажия сўзлагани сизнинг розилигингизга боғлиқ.  
 Қ у д р а т. Розиман, албатта. Ерликлар сиздақа олижаноб бўлишини билмас эканман. Мажия учун авф этишингизни сўрайман. Менга сиз ҳақингизда аввал ҳеч нарса демаган эди. Самимий тилагимни қабул этинг. Бахтли бўлишингизни тилайман.  
 А к б а р. Сиз ҳам олижаноб экансиз, Қудрат. Лекин даволашни охирига етказиш лозим.  
 Қ у д р а т. Яна қандай муолажа қилмоқчисиз?  
 А к б а р. Руҳий.  
 Қ у д р а т. Буюринг.  
 А к б а р. Ерда бўлганмисиз?  
 Қ у д р а т. Йўқ, бўлмаганман. Боришга Мажия кўнмаган. Сабабини энди пайқаяпман.  
 А к б а р. Энди борасиз. Ер нақадар гўзал ва руҳафзо эканини кўринг.  
 Қ у д р а т. Афсуски, кемам яроқсиз. Ердам етиб келишини кутишга тўғри келади.  
 А к б а р. Бизнинг кемада борасиз.  
 Қ у д р а т. Бишимча, кемангиз фақат икки ўринли?  
 А к б а р. Бунда муаммо йўқ.  
 Қ у д р а т. Мен уни бошқара олмасам керак.  
 А к б а р. Хотиржам бўлинг. Робот бошқаради.  
 Қ у д р а т. Мажия... Ҳа. Сиз мени деб бу сайёрада қолмоқчимисиз?  
 А к б а р. Мен докторман. Биринчи навбатда мижоз ҳақида қайғуриш бурчим.

Қ у д р а т. Орионга хабар жўнатаман. Йўлга чиққанлар сизнинг ихтиёрингизда бўлишди. Нима истасангиз, бажо этишди.

А к б а р. Ташвиш чекманг.

Қ у д р а т. Мени қарз қилмоқдасиз.

А к б а р. Суришиб кетармиз.

Қ у д р а т. Ерда нима қилишим лозим?

А к б а р. Мана бунга ёзилган. *(Дискет узатади.)*

Қ у д р а т. Муолажани Орионда давом этгирсам бўлмайдим?

А к б а р. Айтолмайман. Бўлмаслиги мумкин.

Қ у д р а т. Яхши. Ерни кўришни ният қилиб юрар эдим.

А к б а р. Демак, келишдик.

Қ у д р а т. Қачон учишим лозим?

А к б а р. Кемага чиқишингиз мумкин.

Қ у д р а т. Яхши. Мажия билан хайрлашишга рухсат берасизми?

А к б а р. Бу соғлигингизга салбий таъсир қилармикан деб кўркаман.

Қ у д р а т. Тушунарли. Балки шунда ҳаммамизга ҳам енгилроқ бўлар. Хайр.

А к б а р. Оқ йўл.

Қудрат кемага киради. Ичкаридан Мажия чиқади.

М а ж и я. Сўзингнинг устидан чиқдинг, Акбар. *(Атрофга аланглаб.)* Уни сайрга жўнатдингми? Мен тайёрман.

А к б а р. *(Мажиянинг кўлидан олади, кема пиллапоясига етаклайди.)* Чиқ.

М а ж и я. Чиқдим. Сен нега чиқмай турибсан?

А к б а р. Жек Лондон эртаги эсингдами?

М а ж и я. Эсимда, лекин ҳозир бу нимага керак?

А к б а р. Ниҳоясини айтмаган эдим.

М а ж и я. Йўлда айтаверасан.

А к б а р. Йўқ. Аввал тингла. Дикқат билан. Аёл тўтиёни рассомнинг кўзига суртибди. Сўнг ўзини қўлга ташлашга қарор қилибди. Сув лабига бориб қараса, аввалгидан ҳам гўзалроқ аёлнинг акси кўринибди.

М а ж и я. Жек Лондонда-я? Жуда ажиб.

А к б а р. Мен бу ерда қоламан, Мажия.

М а ж и я. Нима? Қоласан? Шошма. Қудрат-чи?

А к б а р. У кемада, сени кутяпти.

М а ж и я. Кемада?.. Кутяпти?

А к б а р. Ҳа. Бирга учасиз. *(Кема эшигини очади.)* Кир.

М а ж и я. Нималар деяпсан? Нималар қляпсан?

А к б а р. Қарорим шу. Уни Женева кўлига олиб борасан! Бутунлай соғайиб кетади.

М а ж и я. Акбар, Акбар! *(Бирдан хўнграб йиғлаб юборади, ўзини Акбарнинг елкасига ташлайди.)*

А к б а р. Ўзингни туг. Сен жуда иродали аёлсан. Олижаноб, гўзал аёлсан. Йиғлаш керак эмас. *(Елкасига қоқади. Кемага киритади.)* Омон бўл. *(Кема эшигини ёпади.)* Жонтемир! Ерга томон марш!

Ж о н т е м и р. Хўп, доктор. Кемага чиқинг.

А к б а р. Мен бу ерда қоламан.

Ж о н т е м и р. Йўқ, доктор. Сизни ташлаб кетмайман.

А к б а р. Буюраман. Марш деяпман!

Ж о н т е м и р. Бу буйруғингизни бажара олмайман.

А к б а р. Уҳ, темиртан. Нима учун бажармайсан?

Ж о н т е м и р. Кемага чиқинг.

А к б а р. Кемангда жой йўқ менга.

Ж о н т е м и р. Жой топаман.

А к б а р. Аҳмоқ. Жой топилади. Мен учун жой йўқ.

Ж о н т е м и р. Тушунмадим, доктор!

А к б а р. Каллаварам. Кемангда иккита йўловчи бор. Сенга буйруқ: уларни соғ-омон Ерга олиб борасан.

Ж о н т е м и р. Сизсиз ҳеч қаяққа жилмайман.

А к б а р. Жилмайсанми? (*Ёнидан тўппонча чиқаради.*)

Ж о н т е м и р. (*Бироз тараддудланиб.*) Йў-ўқ.

А к б а р. Уйлайсанки, одамдан ақлимдан деб? (*Тўппончани пешонасига олиб боради.*)

Ж о н т е м и р. Доктор, доктор! Нима қиялпсиз?

А к б а р. Яримўтказгич миянгни ишга сол. Нолгача санайман. Ноль деганда жўнамасанг, тўппонча отилади. Уч (*ғийқиллаган овозлар чиқади*). Икки (*кема двигателлари ишга тушади*). Бир.

Ж о н т е м и р. Жўнаяпман, доктор! (*Жон-жаҳди билан бақиради. Овозида даҳшат, йиғи ва ҳаяжон қоришиқ.*) Жўнаяпман!! (*Кема аста кўтарилиб узоқлашади.*)

А к б а р. Алвидо! (*Акс садо янграб аста сусаяди.*)

## КОИНОТ ҚОНУНИ

Муҳаббат, муҳаббат — осмоним менинг,  
Куёшим, юлдузим, Чўлпоним менинг.  
Баногоҳ қадрига етмай йўқотган  
Қалбим интизори — армоним менинг.


Еру самолардан изладим сени,  
Олис фазолардан изладим сени,  
Тунда йўл ахтарган сайёҳ мисоли  
Нурдан, зиёлардан изладим сени.

Сен сабр қушига қанот эмасми?  
Излаб топмаганга сабот эмасми?  
Йўлин йўқотгани йўлловчи юлдуз,  
Ҳориган ожизга нажот эмасми?

Ҳаётнинг мазмуни — сенсан, муҳаббат!  
Кўнгилининг очуни — сенсан, муҳаббат!  
Оламни бор этиб тутиб турувчи  
Коинот қонуни — сенсан, муҳаббат!

1999 йил, Тошкент.

П а р д а



Владислав ХОДАСЕВИЧ

(1886-1939)

## Борлигимни чулғайди севинч

\* \* \*

**Д**ўстларим, бир ажиб кунлар келади,  
Йўқламас ҳаттоки тушимни андуҳ.  
Қаранг, қўлларимда сабр гуллади,  
Шу гуллар рангидан ранг олади руҳ.

Узаман ҳавойи ўйлар занжирин,  
Нақ камон устида сайрар қўнгулни  
Кўрдим, товушларга сочилар сирим,  
Осмонга кўтаргим келмоқда гулни.

Билганим шу бўлди — тўлмоқда нурга  
Гул тўла йўлларим, хув, йироқларда.  
Қанийди, кетсангиз мен билан бирга  
Жаннати ишқ истаб ўшал ёқларга!

\* \* \*

Бурама йўлларда, дарё лабида,  
Кечиккан турналар хонишларида  
Ёлғиз кезинаман, сезинаман жим  
Бағри кенг далалар ёнишларида.

Борган сари ўйлар сирли, шиддатли,  
Қамиш шивирида учади видо.  
Оҳиста қулаган сўнгги япроқни  
Қумликка қўмади паришон дарё.

*Ойгул Суюндиқова  
таржимаси.*

Владислав Ходасевич (1886-1939) номи яқин йиллар ичида яна она диёри Россия, шеърият ихлосмандларига Гумилёв, Замятин, Набоков, Георгий Ивановлар қаторида қайтиб келди. Ҳассос шоир, моҳир таржимон, нозиктаъб мунаққид ўз ижодини 15 дан зиёд тўпламларига жойлади. 1922 йилдан бошлаб мусофирлик қисматини бошидан кечирган шоирнинг сўнгги кунлари Парижда кечди. Умр бўйи туғилган уйига интилиб яшаган Владислав Ходасевич шеъриятида Ватанига ўтли муҳаббат, сўнмас садоқат, юракнинг сўлим туйғулари, соғинч изтироблари, умиднинг рангинлиги бетақроп тимсолларда берилади.



## ЁМФИР

Борлигимни чулғайди севинч,  
Томлар узра тиниқ шом ранги.  
Ёмфир юва бошлар шаҳарни,  
Томчиларнинг кумуш жаранги.

Борлигимни чулғайди севинч,  
Ташқарини кузатаман жим.  
Елдай учиб ўтдинг кўчамдан,  
Туйғуларим ичра, ёлғизим.

Борлигимни чулғайди севинч,  
Панароқда тин олиб бир зум,

Силкиб-силкиб соябонингни  
Шошиласан, лабда табассум.

Борлигимни чулғайди севинч,  
Билмайсанки, сендадир кўзим.  
Мен томонга боқмайсан қиё,  
Мен томонга тушмайди изинг.

Борлигимни чулғайди севинч,  
Майли, мени билмай ўтсанг ҳам,  
Сенинг каби тоза, бебаҳо  
Келаётир энг азиз кўклам.

\* \* \*

Атиргулли боғларга эмас,  
Куйи дардли чоғларга эмас,  
Армони кўп тоғларга эмас,  
Мен кўнгилга энаяпман, холос.

Булар — ҳамма биладиган сир,  
Булар — ҳамма кўрадиган нур.  
Бари бекор, бари бўлмағур,  
Мен кўнгилга энаяпман, ахир.

Тонг ортидан келар тонгни кут!  
Тутун, туман, эриган булут  
Кабир оғир тушларни унут,  
Кўнгилга эн, ўз кўнглингни тут!

## САЙР

Яхшиямки, ҳали оламда  
Тунлар ойдин, тунлар сеҳрли.  
Бойчечакдай бўйли кўкламда  
Баландлаган қайинлар меҳри  
Урилгай ойма.

Яхшиямки, бамисли қанот  
Йўлақларда ҳалқа-ҳалқа нур.  
Сояларда титранар ҳайрат,  
Эгилар жим, тебранар ҳарир,  
Тим қора рўмол.

Яхшиямки, ҳали оламда  
Мўъжизалар кутади юрак.  
Муҳаббатга тўла оқшомда  
Маликага фақат сен керак.

Яхшиямки, ўйлар севинчли,  
Майли, сени севмаса севмас!  
Уша дилбар кеча ва ўтинч  
Маликани тинч қўймаса бас!

## МЕНИ ИЗЛА

Кўклам келаётган чоғларда изла,  
Қанотман, кўзларга илганмас, бедор.  
Товушим, нафасим боғларда изла,  
Шуъламан, у борки, билки, мен ҳам бор.

Бизни айрилиқлар енголмас, дўстим!  
Тингла, ўтган умр сўроқларини.  
Кундуз оташлари сўнмабди, сездим  
Ҳароратли қўлинг титроқларини.

Шошилмасдан изла. Кўзларингни юм.  
Мен томон бир қадам боса олсанг бас.  
Бармоғинг учига қўнаман, жоним,  
Оловли учқунга айландим бесас.

\* \* \*

Ёруғ юлдуз, қадрдон осмон,  
Тун эрийди майин ҳавода.  
Тангрим, мени сақлайди омон  
Эҳсонларинг, ишқинг дунёда.

Хаёлимда тиклана бошлар  
Денгизларинг, тоғларинг, даштинг.  
Қуёшингда шарафлар яшар,  
Бу нурларнинг боқийдир гашти.

Тўкилади дув-дув ҳавасим,  
Гарчи кўнглим тўла ишқ-сурур.  
Болакайнинг қоғоз қалъаси  
Каби дунё омонат эрур.

## БАЛЛАДА

Ўлтирибман хонамда ёлғиз,  
Гир айлана ёруғ ва баланд.  
Ўн олгита ёруғ шам бу кез,  
Тўртбурчакли кўкка ҳавасмаңд.

О, бу нутқлар нечоғли кескир!  
Гарчанд фикр йўқдир ҳайратли.  
Лек товушлар дилбар ва ўткир,  
Сўзлар борган сари қудратли.

Нурли уйим, мендан ҳам бой йўқ,  
Жиҳозлар жим, курсилар тилсиз.  
Қўлларимни қўярга жой йўқ,  
Юрагимда ҳислар тизгинсиз.

Бу оҳанглар тобора маҳзун  
Сингиб борар сўнгалларимга.  
Узун, узун, йўлдан ҳам узун  
Тиф ботади кўкракларимга.

Аёзда ҳам оғочлар оппоқ  
Гуллаётир беғам, бетакрор.  
Вақт оқади, йўлида қайноқ  
Ҳар лаҳзаси хаёлдай дилдор.

Юлдузларнинг ўтинчларида,  
Қадамимда олов ўрлайди.  
Ўсаяпман севинчларимда,  
Дилни янги туйғу нурлайди.

Умри қисқа бундай гафлатга  
Қайда ечим, қайдадир имкон?  
Лойиқманми шундай ҳаётга,  
Қани мени кутган кенг осмон?

Кўзларимни очаман, тиниқ  
Кўраяпман илонларни ҳам.  
Улар юта бошлайди аниқ  
Барча бахтсиз давронларни ҳам.

Тебранаман, тиззамни туғиб,  
Қўлларим-ла боғлаб ташлайман.  
Бу дунёни буткул унутиб,  
Шеърим билан суҳбат бошлайман.

Айланади, рақсга тушади,  
Мўъжизага тўлади хона.  
Қуйлар шамол билан жўшади,  
Борлигимда яйрар тантана.

Ўн олгита ёруғ шам бу кез —  
Тўртбурчакли осмон йўқолар.  
Қояларда мен каби ёлғиз  
Орфей қўлга созини олар.

## ШОМ

Изиллар қиш ва қор бўралар,  
Музликларда совуқ рангинлик.  
Кенгликларга ҳасрат ўралар,  
Худойим, бу қандай ғамгинлик?!

Тундлашади тўрт тараф — тўрт йўл,  
Шафқатларинг кимга қаратдинг?  
Тангрим, ўлим ҳақ экан буткул,  
Кенгликларни нечун яратдинг?

Кимга аён бу синоат, сир,  
Ҳасратларда яширин роҳат.  
Ёшинг ўғиб борар, барибир  
Сендан айро тушмас муҳаббат.

## МАРТ

Борлиқ илиқлашди, борлиқ ивиди,  
Ойна йўлақларга дилинг кетади.  
Тиниққан нафасга тўлдириб кўксинг  
Осмон қўшигини ёмғир айтади.

Мўъжиза эмасми? Тундли ва оғир  
Чехрамизга биллур томчилар қўнди.  
Узатсак, қўлимиз етгудай кўкка  
Ердаги залворли туйғулар инди.

\* \* \*

Асога суяниб ўтди қаландар, —  
Бирдан кўз ўнгимга келдинг, азизим.  
Қизил филдиракли арава елар, —  
Сен ҳам хаёлимда елдинг, азизим.

Шом чоғи йўлақда ёруғ чироқлар, —  
Сени эслатади менга, азизим.  
Шу замин, шу осмон, денгиз, йироқлар, —  
Сени излатади менга, азизим.

## СТАНСЛАР

Бир лаҳзага бутун умрингни  
Бергинг келар дамлар бўлади.  
Бу онларда дил сурурини  
Ким куйласа, гами ўлади.

Билганим шу — олис юлдузлар  
Чарақласа таралгай жаранг.  
Кўрганим шу — майса ҳам сўзлар,  
Сочларимга қўнар кумуш ранг.

Бугун эса буткул бошқа кун,  
Кўпайгандан кўпаяр ажин.  
Донишманддай айланган кун-тун  
Кучоғида дарёлар сокин.

Қатралари уммон хаёлот,  
Кўринмас нур тўлқинланади.  
Яхши-ёмон, паст-баланд ҳаёт  
Илҳом билан ёлқинланади.

Кексалигим — кўшиқ бир ҳовуч,  
Қўлдан келар ишим — бахшилиқ.  
Қунимга кун қўшаётган куч —  
Ёмонликни енгган яхшилиқ.

## ҲАЙКАЛ

Қайдан олган дунё бардошни,  
Кўрмадим бош, охирини ҳам.  
Икки аср-икки қондошни  
Шеърим билан боғладим маҳкам.

Янги Русга бағишлаб сурур  
Тикланади ҳайкалим, албат!  
Асрларни кутаман мағрур,  
Оқаверар ўлим билмас Вақт...



Уильям ВОРДСВОРТ

## Хур ҳаёт қасидаси

### САЪВА ҚЎШИҒИ

**Э**шиқ қоқиб ниҳоят баҳор,  
Қирғогидан тошиб шўх анҳор,  
Шабнамларга чўмилиб наҳор,  
Ложувард тус олганда фалак;  
Кучогига чорлагай чаман,  
Чечакларни хурдай кучаман,  
Самоларда хуррам учаман —  
Қанот боғлаб бамисли малак.

О, айниқса, саъважон, тиниқ,  
Таронангга интизор, интиқ,  
Зумрад қушим, эркатой, тантиқ,  
Куйларингнинг шайдосиман мен.  
Салом сенга, дўсти қадрдон,  
Бебаҳосан, бебаҳо чунон,  
Қалбим қасрин этган чароғон,  
Таронангнинг адосиман мен.

Бор бу дунё ўзи бир томон,  
Қўшиқларинг — куйинг бир жаҳон,  
Эй қадрдон куйчим, жонажон,  
Яшай мудом асиринг бўлиб.  
Шўх куйларинг саҳар сабоси,  
Ҳасратнишин диллар давоси,  
Булбулнинг-да келгай ҳаваси,  
Ғар куйласанг завқ-шавққа тўлиб.

Шўх таронанг таърифга сизмас,  
Жамолинг ҳам айлар мени маст,  
Парвозингдан сармастман, сармаст,  
Хурриятнинг жарчиси масрур.  
Қанотларинг сержило, инжа,  
Гузалмас, ҳей бунча гул-ғунча,  
Куйлайтвр шод дунё тургунча,  
Завққа тўлиб баҳорларда хур.

Суйган гўшанг боғу роғ сенинг,  
Не боғу роғ, сўлу соғ сенинг,  
Қалбинг қувноқ, мудом чоғ сенинг,  
Юрагимнинг ўтли улфати.

---

**Абдул ҲАМИД**  
таржималари.

Уильям Вордсворт (1770-1850 йй.) инглиз адабиётида лирик шеърлари, фалсафий дostonлари, шунингдек "Ирландия ёхуд шoirона тафаккурнинг ўсиши", "Сайр" dostonлари билан салмоқли из қолдирган шoir. Байрон, Китс, Шелли сингари машхур шoirлар билан замондош бу ижодкор ҳам инглиз романтик шеъриятининг йирик вакили сифатида тан олинган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

92

Куйла, кўзлар тўлғай ёшларга,  
 Забон битгай ҳатто тошларга,  
 Ҳумо мангу қўниб бошларга,  
 Қолмас ғамнинг алам, кулфати.

## НАВБАҲОР

Шовуллайди ям-яшил ўрмон,  
 Навбаҳорнинг васфини куйлар.  
 Гарчи кўклам, бағримни ҳамон  
 Эзаётир аламли ўйлар.

Табиатнинг гулдек жамоли,  
 Паривашдай қиларкан мафтун,  
 Нечун аҳли башар аҳволи,  
 Мушкуллашиб борар кундан-кун.

Қир-адирлар атлас ранг-баранг,  
 Камалакдай сержило гуллар.  
 Юракларни сел қилар, қаранг,  
 Сайроқи хур қумри, булбуллар.

Кўҳна кенту овуллар обод,  
 Майсазорлар барра, расида,  
 Дов-дарахту жумла мавжудод,  
 Ҳур ҳаётга айтар қасида.

Ҳилпирайди шаббода майин,  
 Беғубор соф, мунаввар олам.  
 Яшнаб борар ҳар лаҳза сайин  
 Ва дунёдин чекинар алам.

Безамиш гар Замин юзини,  
 Жаннатмонанд Ҳақ, Парвардигор,  
 Нечун аҳли башар ўзини,  
 Балоларга этар боз дучор?!

## ЎРОҚЧИ ЖУВОН

Адирликда ёлғиз бир жувон,  
 Буғдой ўриб куйлайди равон.  
 Қўшиғига ўзи асира —  
 Ҳалал берманг, бермангиз сира.  
 Тоққа туташ бепоён дала,  
 Жувон қўшиқ куйлар баралла.  
 Ҳасратини тўкар боз куйлаб,  
 Кўшиқ янграр адирлик бўйлаб.

Саратонда билмайин тиним,  
 Терга ботиб меҳнат қилар ким.  
 Безор этса гар офир иши,  
 Ёқарми ҳеч булбул хониши.  
 Ҳар юмушнинг ўз мавриди бор,  
 Бузилса гар мезон ҳам меъёр,  
 Татимагай ҳаттоки бол ҳам,  
 Кулфат — ҳалдан зиёд иқбол ҳам.

Бироқ жувон қўшиғи равон,  
 Хонишида қай бир сир пинҳон.  
 Хазин нола, хазин ниҳоят,  
 Мозийданми сўйлар ривоят.  
 Маъсум қалбин дод-фарёдими,  
 Муҳаббатнинг аччиқ ёдими.  
 Ё қисматдан нолишми экан,  
 Қўшиқдан қасд олишми экан?!

Куйлар жувон ҳимояси йўқ,  
 Қўшиғининг ниҳояси йўқ.  
 Юксалгани сайин хониши,  
 Таажжубки, унарди иши.  
 Фикру зикрим ҳасрати билан  
 Асир этди бу маҳзун ўлан.  
 Ҳамдард, ҳамроҳ шу куй-тарона,  
 Манзилимга бўлдим равона.

## ЛОНДОН. 1802 йил. МИЛЬТОН

Мильтон, сенсиз Англия хароб,  
 Мудраб ётар ғафлат ичра у.  
 Ҳою ҳавас бамисли сароб,  
 Асир этмиш барчамиз, ёху.

Сен эмасми юртга бир замон,  
 Улуғворлик бахш этган даҳо.  
 Қайтгил яна хароба, вайрон,  
 Ватан бўлгай улуғ, бебаҳо.

Оташ қалбинг офтобдай қайноқ,  
 Даъватларинг бамисли бўрон.  
 Самодай чўнг, булутдай оппоқ,  
 Бағри дарё, жўмард қахрамон.

То куйлабсан шоҳона баёт,  
 Барҳаётсан, мангу барҳаёт!

## АНГЛИЯ. 1802 йил

Қаллобларнинг дегани деган,  
 Маккорларнинг чошпан омади.  
 Эзгуликнинг гамини еган —  
 Биронта ҳам жўмард қолмади.

Бамисоли куз ҳавосидай  
 Турланмасанг ўтмагай кунинг.  
 Улуғворлик мозий сасидай,  
 Афсус, ҳеч бир қадри йўқ унинг.

Айшу ишрат, ўғирлик, таъма —  
 Тўрт томонга ташлаган соя.  
 Ҳақни гўё унутган ҳамма,

Ҳақни ҳеч ким қилмас ҳимоя.  
Қайда толе хур дориломон,  
Қайда Ишонч, Эътиқод, Иймон?!

\* \* \*

Ҳолимдан ҳеч олмайсан хабар,  
Ваъдаларинг наҳот унутдинг?!  
Раҳм қилмай ҳолимга, дилбар,  
Айрилиқнинг шаробин тутдинг.

Асирингман ва лекин ҳамон,  
Сендан ўзга қўринмас кўзга.  
Тиланчидай ташналаб, инон,  
Интизорман сендек юлдузга.

Ишқинг бир пайт айлаган сархуш,  
Қалбим, эй ёр, кулбадай хароб.  
Васлинг наҳот энди ширин туш.

Наҳот армон насибам, ё раб,  
Аҳволимни фаҳм қил, фаҳм,  
Ошиғингга раҳим қил, раҳим.

## ЛҶЛИЛАР

Эркагу аёл ҳам, қарию ёш ҳам,  
Аридай бир тўпга бўлиб олган жам;  
Яйлов ўша, давра ҳам ўша,  
Найрангбозлар қўша ҳам қўша;  
Тун бўйи ловуллар гулханлар алвон,  
Тўрт томон қип-қизил сачрагандай қон —  
Чеҳраларда шуъла айланар,  
Алвон ҳатто чодир-чайлалар...  
Қайларда тентираб, қайларда кездим,  
Сайру саёҳатдан совудим-бездим, —  
Қавми лўли ҳамон бир жойда,  
Кимга зарар, ким учун фойда...  
Сайёҳдай сарғайиб ботаркан қуёш,  
Кетма-кет чарақлаб юлдузлар нурпош —  
Азалий сафарга шайланар,  
Оҳиста шоҳлардай айланар.  
Ой ҳам тарк айлагач юксак тахтини,  
Кўргайсиз юлдузлар шиддат-шаҳдини.  
Чарақлайди улар басма-бас,  
Лўлилар-чи ҳатто эсламас.  
Бундайин беташвиш турмушдан ғариб,  
Дунё кезган афзал толе ахтариб,  
Ором билмай юлдузлар ана,  
Чарх урарлар, қилар тантана.  
Гарчи безовта ҳам беором дунё,  
Лўлиларга таъна қилмасман асло.  
Инсоният наслидан, бироқ —  
Сизу биздан йироқ, хўп йироқ!

## СОНЕТ

Вестминстер кўпригида 1802 йил  
3 сентябрда ёзилган

Тонг оқарар, гўзал, беқиёс,  
Жозибаси айлар маҳлиё.  
Ҳашаматли шоҳона либос  
Зийнатидан ёшаргай дунё.

Алп бинолар муаззам, кўркам,  
Сарбаланд чўнг ибодатхона.  
Мисли биллур тасма дарё ҳам,  
Манзараки, асл дурдона.

Қуёш бунча балқмаган ҳеч соз,  
Сирли саҳар — соҳибқаромат —  
Осойишта, осуда, ҳамроз,

Жаннатга хос файзу тароват.  
Шаҳар мудрар. Йўловчилар оз,  
Қалбимда хур роҳат, фароғат.





# Ибн Батута

**А**тлантлик океани қирғоқларига ястанган, шимоли ғарб бурчагидан Африка қитъасига, бандаргоҳнинг ўнг томонидан Гибралтар бўғозига туташган, қадимда финикия ва карфагенлик жомалар истиқомат этган Марокашга қарашли Танжир шаҳарлик тақводор Абдуллоҳ ал-Лаваттий хонадониди 1304 йил ўзининчи июлида ўғил дунёга келди.

Гўдак таваллуд топган куннинг еттинчи куни тонгдан бошлаб, ал-Лаватий хонадониди шодиёналик бошланиб, ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Барча қариндошлар, яқин ёр-дўстлар бу хонадонни самимий табриклаб, муборақбод этишди. Ўша куни анъанавий тантаналар анча вақтларга қадар давом этди. Карнай-сурнай ва ноғоралар овози янграб ҳамма дилхушлик-хурсандчилик қилдилар. Гўдакка Муҳаммад деб исм қўйилди. Бу исм айна бир вақтга кўч эзгу ишлардан дарак берадиган ҳол эди. Бу гўдак кейинчалик Ибн Батута (арабча ўрдак ёки ўрдакча деган маънони англатар экан — Х.З.) нисбаси билан аталди.

Бўлажак сайёҳ мактаб ёшига етганда бошланғич саводни маҳалла гузаридаги мактабда олгач, шаҳардаги мадрасага кириб, уни ҳам аъло даражада тамомлаган. Шундан сўнг, у дунёвий илмларни муқаммал эгаллаш мақсадида ота-онасидан оқ фотиҳа олиб, 1323 йили савдо карвонига ҳамроҳ бўлган ҳолда илк бор ўша вақтлардаги Шарқнинг донгдор билим ўчоқларидан ҳисобланган Макка ва Мадина шаҳарларига ҳам ҳаж қилиш, ҳам илм эгаллаш мақсадида йўл олади. Ана шу сафар сабаб, унинг сасъатли фаолияти қарийб бошланган эди дейиш мумкин эди.

Ибн Батута Макка шаҳридаги олий маҳадни тугаллаб ижоза (диплом) олиб, Мадинага келгач, бу ўлкада ҳам у обрў-этибор топиб, иззат-ҳурматта сазовор бўлди. Бу шаҳарнинг кўпгина илм аҳлининг баҳс-мунозаралари ва маърузаларида иштирок этиб, билим доирасини бойитишга эришади.

Ўз ватани Танжирга қайтган Ибн Батута кўп турмайди.

У, Бағдод, Қуддус Шариф, Сурия, Ливия, Тунис, Судан, Яман, Урдун, Мавритания, қатор хабаш ўлкалари каби

араб ва араб бўлмаган ўлкаларни зиёрат этиб, сўнг ўша вақтлардаги мамлюклар мамлаката бўлиши қадимий ўлка Мисрга боради.

Ибн Батута Мисрнинг Искандария шаҳрига келган дастлабки кунларининг бирида ўша ерлик Ҳалиф исмли олим ва шайх билан учрашган. У билан қилган суҳбатда унга ўзининг сафар таассуротларини гапириб берган.

— Менинг билишимча сен саёҳат қилишни яхши кўрадиган одамга ўхшайсан, — дейди Ибн Батутага шайх. — Сен олис Ҳиндистондаги менинг Фаридиддин Синддаги (ҳозирги Покистон) Рукниддин, Бурхониддин исмли акаларимни бориб кўрмоқлигинг ва аларга шахсан менинг саломимни етказмоқлигинг керак бўлади, — деган экан.

Бу ерда шуни тан олиб айтиш керак бўладики, Ибн Батута то ўша юқорида исми қайд этилган киши билан учрашгунга қадар Ҳиндистон ҳақида ва у мамлакатта саёҳат қилишни мутлақо ҳаёлига ҳам келтирмаганлигини, аммо бу суҳбатдан кейин унда ўша афсонавий юртга сафар қилишга кучли иштиёқ туилганини ёзади “Саёҳати Ибн Батута” асарининг дебوحасида.

Искандария учрашуви ёш сайёҳнинг ҳаётидаги туб бурилишга, воқеаларга бой, тўла саргузаштли, аммо хатарли йўлини узил-кесил танлаши учун асосий туртки бўлган. Искандарияга қарашли Даманхур деган кичик шаҳарчадаги дарвешлар маҳалласида яшовчи шайх Муршидий деган зоти шариф билан учрашув эса бу танжирлик ўртаҳол зиёратчи ҳожининг қалб тугунларини ечиб юбориб, унинг то Магеланга қадар буюқ тадқиқотчи, ҳақиқий сайёҳга айланажаклигини ҳам белгилаган эди.

Ибн Батута Мисрдан Кичик Осиёга ўтади, ундан кейин ғарб ўлкалари — Англия, Франция, Испания, Италия, Австрия, Олмония, Болгария, Албания, Польша, Сербия, Чехословакия, Венгрия, Руминия, Молдовия, Болтиқ бўйидаги давлатларда бўлиб, сўнгра Кримга йўл олади. Сўнгра Кавказ ва Кавказ орти ўлкаларида бўлади. Озарбойжон, ундан кейин эса Илхонлар ҳукмронлигидаги Эронда бўлиб, бу ердан Олтин Ўрдага боради.

Олтин Ғрдада ўша замоннинг энг қудратли ҳукмдори саналган султон Муҳаммад Ғзбекхон (1312-1342) сайёҳни иззат-ҳурмат билан кутиб олган. Олтин Ғрдада Ибн Батута тилмоч шайх Абдул Ҳамид ва бошқа бир қанча юқори мартабали уламолар ҳамроҳлигида Ғзбекхон қабулига тақлиф этилган:

“Боргоҳнинг ички қисмлари ғоятда дид билан шоҳона зийнатланган бўлиб, унинг марказий томонида ярқираб кўзни қамаштирувчи олтин ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан безатилган улкан тахт жойлашган эди. Тахтнинг тўрттала оёғи соф кумушдан ишланган эди. Тахтнинг ўртасида хоқони ҳозиқ султон Муҳаммад Ғзбекхон ўтирарди. Ҳукмдорнинг ўнг томонида унинг бош хотини малика Тутуғлибека ва Кабек хотун, султоннинг чап томонида Боёлун хотун ва Арачи хотунлар дабдаба ҳамда шуқуҳ билан савлат тўкиб ўтиришарди.

Тахтнинг олди томонида қудратли ҳукмдор султон Ғзбекхоннинг фарзандлари жой олган эдилар. Подшоҳнинг ўнг томонида унинг суюкли тўнғич ўғли, валиаҳд Танибек, ўртада эса Ийд Гужук исмли қизи, унинг чап томонида эса юқорида исми зикр этилган шаҳар оқсоқоли шайх Ибн Абдул Ҳамиднинг тарбияланувчиси бўлмиш ўғли Жонибекхон ўтиришарди.

Тахтнинг ўнг ва сўл томонларига қўйилган курсиларда номдор нўёнлар ва иш бошқарувчилар жой олган эдилар. Боргоҳнинг қуйроқ қисмида ҳам эътиборли амиру амалдорларнинг фарзандлари, улар ортидан унвонлари пастроқ кўшин бошлиқлари жой олган эдилар”, — деб ёзди сайёҳ ўша қабул ҳақида.

Ибн Батута боргоҳда дин пешволарининг нечоғлик улкан ҳурмат ва обрўга сазовор эканлигини дастлабки қарашларидаёқ пайқанлигини унинг ёзганларидан билишимиз мумкин. Боргоҳда уламою икром, муллою забардастларнинг барчасига энг муносиб ўринлар ажратилганлигига эътибор берган. Ҳатто бу дин пешволари ҳукмдор Ғзбекхоннинг сўровларига ўринларидан турмасдан жавоб беришларига ҳам тўла ҳақли ҳисобланганликларини алоҳида қайд этади. Бундан бошқа Ибн Батута яна шу тантаналарга шахсан жавобгар бўлган “юртчи” деб аталмиш бошқарувчи, “бовурчи”, “шарбатчи” деб аталувчи хизматкорларни ҳам қаламга оларкан, бовурчилар зирворлар билан пишириб олтин ва кумуш баркашларда келтирилган от, мол гўштларини махсус пичоқлар билан меҳмонлар олдига маҳоратла сўнгаларини ажратмаган ҳолда тўғрашганини ёзар экан, мўғуллар гўштни сўнгалсиз асло емасликлари ва бундай ҳол уларнинг азалий одатлари эканлигини ҳам ёзади. Шарбатчилар эса меҳмонлар олдидagi қадаҳларга ўткир ичимликлар қуйиб чиқишларини келтиради.

Албатта бу борада сайёҳ яна уламо-

лар қатори ўта ҳудожўй, тақводор бўлган Ғзбекхон ҳам Қуръоннинг ояти каримасида: “Жаннатдан ато этилган қовсар суви” деб таърифланган қимизни ҳаммадан афзал кўрганлигини ҳам баён этган. Қолаверса шу нарсани ҳам айтиб ўтишга тўғри келадикки, Ибн Батута Олтин Ғрдадаги бозорларда ва боргоҳда ҳам сўзсиз рус тўралари ҳамда тижоратчи боёнларини ҳам кўрган. Аммо нечундир у асарида ер юзида гўё “рус” деган миллатнинг ўзи умуман бўлмагандай, улар тўғрисида лом-мим ҳам демаган.

Ибн Батута Олтин Ғрдада анча вақт туриб қолган. Унинг сафарни давом эттиришини Ғзбекхон пайсалга солган. Сайёҳнинг ёзишича, кунларнинг бирида сафарини давом эттириш учун кулай вазият юзага келган. Яъни, ҳукмдорнинг кенжа хотини — Византия императорининг қизи бўлган Боёлун хотун оғир-оёқлиги боис, ота-онаси ҳузурига бориб, ўша ерда кўзи ёриши учун эридан руҳсат сўраган. Бундан хабар топган Ибн Батута ҳукмдордан маликани Румга кузатиб боришга ижозат этишни истаган. Бунга жавобан: “Боёлун отаси, румлик василевлар ҳузурига кетаяпти. Подшоҳ қизини шоҳона қабул этадилар. Сенга эса табиийки, у ерда гайридин ва душман сифатида қарайдилар. Ким билади яна, у ерда биронтаси ортиндан аҳмоқона ханжар уриб қўймасин, мен сени қадрлаганимдан эҳтиёт қиламан, сенинг беҳуда ҳалок бўлишингни истамайман. Албатта бориш-бормаслик бу сенинг ишинг, ва лекин менинг маслаҳатимга кўнсанг шу ерда қол. Йўқ десанг мен йўлингга нима лозим бўлса барча нарсани бераман”, — деган Ғзбекхон.

Охири Ибн Батута Ғзбекхоннинг ишончли элчиси сифатида ёрлик билан Византияга маликани кузатиб боришга рухсат олган ва ҳукмдор хотини Боёлунни карвонга бириктирган ҳолда ўзи уч кунлик йўлгача кузатиб қўйган экан.

Сайёҳ Византияга етиб бориб у ерда ҳаммаси бўлиб, бир ойю 6 кун тургандан сўнг яна шундай муваффақиятли тарзда 1334 йилнинг бошларида Аштархон (Астрахан) орқали Олтин Ғрданинг пойтахти бўлмиш Сарой Беркага қайтиб келган. Орадан бироз вақт ўтиб, катта карвон билан Ғрта Осиёга қараб йўлга чиққан.

“Мен Олтин Ғрдан қавс ойининг 1 куни (10 декабр) карвон билан йўлга чиққандан буён Далв ойининг 10 куни (1335 йил 1 феврал) Хоразмга етиб келиб, унинг пойтахти Урганч шаҳрининг ташқарисида чошғоқ маҳали тўхтадим. Ҳамроҳларимдан бири шаҳар қозиси Садр Абу Ҳафс албакрий деган кишининг ҳузурига йўл олди. У эса (шаҳар қозиси демоқчи — Ҳ.З.) менга ўз ноибни Нурил Ислом деган кишини юборди. Нурил Ислом келиб мен билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, ўз хўжасининг олдига қайтиб кетди. Шундан сўнг

қозининг ўзи ўз одамлари ҳамроҳлигида келиб, мен билан кўришди. Қози ёш эрсада, хизматлари улуг бўлган унинг икки ноиб бор эди. Булардан бири ҳозиргина эслатилган Нурил Ислоом бўлиб, иккинчиси эса Оллоҳу таолога эътиқоди устивор ва фақиҳ, диний ва дунёвий илмлари сув қилиб смирган Нуриддин ал-Кермонийдир. Қози билан учрашув чоғимизда у менга шундай деди: “Шаҳримизда кундуз кунни азбарои одамларнинг кўпчилиги ҳамда тирбандлигидан йўл топиб юришингиз амримақолдир. Йўл боис ноибимиз Нурил Ислоом бошчилигида фақатгина тонгга яқин шаҳарга кира олурсизлар”. Рози бўлмасликка иложимиз ҳам қолмади. Бироқ тан олиб айтишим керакки, қози ва унинг ноиблари менда жуда яхши таассурот қолдирган эди. Биз вақтинча анчадан бери бўш турган эски бир мадрасага кўндик. Эртаси кунни бомдод намозидан кейин ҳузури-мизга юқорида номи қайд этилган қози ва у билан шаҳарнинг кўзга кўринган бообрў, номдор мартабали кишилари ҳам ташириф буюрдилар. Улар орасида мавлоно Ҳумомиддин, мавлоно Зайниддин ал-Мақсадий, мавлоно Риойиддин ал-Ридовий, мавлоно Жалолиддин ал-Имодий ва Хоразм амирининг имоми бўлмиш Шамсиддин ас-Синжорийлар ҳам бўлиб, уларнинг ҳаммаси катта ҳурматга муносиб одамлар эди”, — дер экан, айни бир вақтда улуг амир Қутлуғ Темур ҳақида ҳам қалам суриб қуйида шундай деб ёзади:

“Хоразм амири дарҳақиқатан ҳам олдинроқ унинг ҳақида эшитганимдай исми-жисмига монанд киши эди. У, султон Муҳаммад Ўзбекхоннинг она томонидан холасининг ўғли бўлиб, унинг улуг амирларидан бири эди. Бу шахс бир пайтлар Ўзбекхоннинг Олтин Урда тахтига ўтиришида кўп саъий ҳаракатлар ила куч қарган ҳам экан. Ҳозирда у шунингдек, Хуросоннинг валийси ҳамдир. Унинг ўғли Хорунбек султон Муҳаммад Ўзбекхоннинг қизига уйлانган... Қози мен билан кўришгани келганда шундай деди: “Амир сени кўргани келмоқчи эди, бироқ тоби қочиб қолгани боис, ўзининг узурини айтиб юборди”. Кейин мен амирдан ҳолаҳвол сўрагани ўшал қози ва унинг аёнлари билан бирга унинг боргоҳига томон йўл олдим.

Биз қуббаси ўймакор нақшлар билан зийнатланган кичик уйга кирдик. Унинг деворларига ранго-ранг палаклар ёзилган, шипларига гўзал миллий ипак сўзаналар, шоҳи зардўзлар илиб қўйилган. Амир шоҳи кўрпачада оғриқ оёғини узун чўзиб ўтирарди, оёғининг боди кўзигани учун кўрпачага ўраб олган эди. Бу хасталик айниқса турклар орасида кенг тарқалган экан. Бориб амир билан кўришдим ва у мени мамнуният билан ўз ёнига ўтказди. Шунингдек, қозилар ва фақиҳлар ҳам ўзларига тегишли жойларга ўтиришди. Амир фотиҳ султон Муҳаммад

Ўзбекхон ҳақида сўраб-суриштирди. Боёлу хотун ва унинг отаси ҳамда Қўстантания (Константинополь — ҳозирги Истанбул — Ҳ.З.) шаҳри ҳақида ҳам сўради. Мен унга билганимча ҳаммасини гапириб бердим. Кейин дастурхонларга таомлар тортила бошланди. Қовурилган товуқлар, турна ва кабутарлар, зира ва заъфар билан сулранган каклик гўшларининг димоғни қитиқловчи, ҳамда иштаҳани очиб юборувчи хушбўй ҳидлари анқиб турган димламалари, алоҳида маҳсус қизартириб пиширилган чўртан балиқлар, бўрсилдоқ нонлар, ҳолвалар, бўғирсоқлар, мойли кулчалар ва турлитуман қандолатлар ҳам келтирилди. Ундан сўнг баркашларда олтин ва кумуш тахсимчаларга солинган ҳўл мевалар ҳам узатилди. Давомида қовун-тарвузлар, пўстлоғи тозаланган ширин анорлар олдинма-кетин дастурхонларга тортилди. Уларнинг ёнида олтин ва ёғоч қошиқлар ҳам бор эди. Бир қанча ироқи чинни идишлардаги узум ва ажойиб тарвуз шарбатлари кишининг иштаҳасини яна-да, очиб юборарди...”

Шубҳасиз, Ибн Батута келтирган бу жумлалар XIV асрнинг Ўзбекхон замонасида, ислом дини Олтин Урда жамияти юқори табақасининг ҳукмрон идеологияси бўлиб қолгандан кейин ҳам суд ишларининг бир қисми ҳамон ёрғучилар қўлида, яъни мўғулларнинг одатдаги ўзгармай келаётган қонуни бўлмиш Чингизхон ясаги (низоми) асосида ҳукм қилувчи ҳакамлар қўлида бўлганлигини яққол кўрсатади.

Шунингдек, сайёҳ Хоразм амири Қутлуғ Темурни одил, фуқаропарвар, унинг назм ва насрларда мадҳ этилган, ақл-заковат, ҳусн-латофатда ягона, мамлакат ва халқ фаровонлиги йўлидаги улуг мақсадларга қаратилган эзгуликларга тўла сифатлари билан ўша даврларда ҳали ҳаёт чоғидаёқ эл орасида ривоятли нақлларга сабаб ҳам бўлган такводор, товфиқли машҳур завжаси, замонасининг Билқиси, даврон Сўбайдасига айланган Тўрабекхонимга асаридеда алоҳида боб ажратиб, буларнинг саъий-ҳаракатлари билан Урганч ва Хоразмнинг бошқа талай жойларида олиб борилган юксак, оламшумул бунёдкорликлар, ободонлаштириш ишларининг адоғи кўринмаслигини, ўша даврларда то мўғуллар истилоси (1221 йил)га қадар Хоразмда аҳоли қандай зич яшаган бўлсалар амир Қутлуғ Темур даврида ҳам худди шундай зич яшаганлигини, ҳатто тонгдан то шомгача ҳам бозорлар, кўчаларда тирбанд ҳаракат қилганлиги туфайли шаҳар гўё чайқалиб турган денгизга ўхшашлигини ҳам алоҳида мароқ билан тўлқинланиб ҳикоя қиладики, бу тафсилотлар бизнинг кўз олдимизда маданияти ҳар томонлама тараққий этиб, камол топган, савдо ишлари ривожланган қудратли давлатни бевосита рўйи рост гавдалантиради.

Ибн Батута Хоразмда қисқа вақт тур-

гандан кейин ўша даврлардаги Фарбий Чигатой улуси бўлмиш Мовароуннаҳр томон сафарини давом эттиради. Умуман, у қасрда бўлмасин, ҳамшира ҳамма ерларда ҳам бирдай катта ҳурмат, иззат-икром билан кутиб олинганлигини мамнуният билан баён қилади. У дастлаб азалдан оламга машҳур шаҳарлардан бири бўлиб келган Бухорога бораётиб, унинг туманларидан бири Вобкентда тўхтаганлигини ёзиб шундай таърифлайди:

“Бу туман Бухоро шаҳрига бир кунлик манзилда жойлашган, ҳовузлири, дилқушо боғ-роғларига эга фойз-тароватли, ўзига хос гўзал шаҳарчадир. Бу ернинг аҳолиси асосан узум етиштириб, уни йил давомида сақлайдилар. Уларда яна айниқса, бир нав мева бўлиб, уни алаллу (олхўри) деб атайдилар. Унинг етилиб пишган меваларини сувга чайиб ичадилар. Улар янги пишган вақтда ширин — қуритилганда эса нордонроқ бўлар экан. Қуритилган бу мевани одамлар Ҳиндистон ва Хитойга элладилар. Бу мева кўп юмшоқки, бундайини мен Андалузияда (Испания) ҳам, Сурияда ҳам кўрмаганман”.

Шундан кейин у, сафарини давом эттириб, кун бўйи буткул боғлар, ҳовузлар, дарахтзорлару кўм-кўк экинзорлар оралаб Бухорога етиб борган. Шаҳарни зиёрат қилар экан, сайёҳ бу ўлкада унча кўп бўлмаган ва омон қолган баъзи бир айрим иншоотлардан бошқа мўғуллар босқинчилиги даврида вайрон этилган ҳамда кўпгина аҳоли зич яшайдиган турар жойлар, муассасалар, масжид, мадраса ва усти епик комполли бозорлар ҳанузгача хароба ҳолида ётганлигини қаттиқ ачиниш билан гапирди. Ундан сўнг Бухородан унча узоқ бўлмаган Фатҳобод деган мавзегга ташриф буюради.

Ибн Батуа Бухорога қилган ташрифини тугатиб, Муҳаммад Тормаширин ҳукмронлигидаги янги мўғулистон — фарбий Чигатой улусининг маркази бўлмиш Қарши (аввалги номи Насаф бўлган — Ҳ.3.) томон йўналган. У Қаршига етиб боргач, Ўрдан унча олис бўлмаган жойда ўз чодирини тиктирган. У ерда ҳам сайёҳ шундай юксак ҳурматда кутиб олинган. У кўп ўтмай Тормашириннинг қабулида бўлган. Мўғул ҳукмдори билан қилган диққатга сазовор ҳамда қизиқарли мулоқотлари ва бу ҳукмдорнинг эшитишига кўра, яна аввалги тахтдошларининг сифатлари, ҳамма-ҳаммаси ҳақида муҳим тарихий маълумотларни ҳам келтиради...

Сайёҳ Қашқадарёдан кейин яна бир донгдор ўлка — Самарқандга борган. Бу маълум ва машҳур азим шаҳарда сайёҳ илгарч эшитганларидан ҳам кўпроқ нарсаларни билди, кўп нарсаларни эса ўз кўзи билан кўрди. Бу қадимий ўлка ҳақида нафақат араб журғойий олимлари ўзларининг оташин шеърый мисраю, насрларини қоғозга туширганлар, балки, бутун

дунё мусулмонлар олами ана шу талай асрлар билан бўйлашадиган, тарихий шахс Афросиёб (Али Эр Тунга) ватани шаҳри Самарқанд ҳақида: “Мағрибдан Маширикқача бўлган бутун сарзаминни кезсанг-да, ундан гўзалроқ ўлжани тополмайсизлар”, — деб ёзганларини қайд этади.

Сайёҳ Самарқанднинг барча ерларини бориб кўрган, шу жумладан, Ҳартанг мавзегига ҳам бориб, у ерда буюк муҳаддис, ислом оламининг ёрқин юлдузи бўлмиш Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмойил ал-Бухорий (810-870) қабрини зиёрат этган экан.

Ибн Батуа Ўрта Осиёга қилган саёҳатини шу ўлкада якунлаб, Афғонистон ва Ҳиндикуш орқали 1335 йил 12 сентябрда кўпдан буён орзу қилган яна бир афсонавий мамлакат — Ҳиндистонга борган ва у ерда турли сабабларга кўра, қарийб саккиз йилга яқин туриб қолган. Сўнгра яна бир орзу этган ва эндиликда дунё бўйлаб қилган сўнгги сафарини Хитойга боришга ҳам мушарраф бўлган. У бутун Хитой бўйлаб сафарини давом эттирар экан, бу заминда кўрган, билган, эшитган ҳар бир диққатга сазовор масалаларни синчиклаб ўрганган ҳолда кундалигига қайд этиб борган. Масалан, унинг Хитойда илганларидан бири узунлиги бир қарича яқин бўлган, эни кафтдек пуллар муомилада бўлганлиги, бу қоғоз пуллар гарчи ўз давлатларида олтин қимматига тенглаштирилган ва қадрли ҳисобланса-да, у фақат Хитойнинг ўзидагина ишлатилган холос. Хорижда бу пуллар мутлақо тан олинмаганини ҳам ёзади. Шунга қарамай хорижга чиққан хитойлик тижоратчи савдогарлар мол айрибош қилишар, ўз молларини ўша ерликларнинг олтин танга — динорлари, дирхамларига ҳам сотишар, бу тангаларга яна ўз юртларида зарур ҳисобланган молларни сотиб олиш билан тижорат этишларини ва бошқалар ҳақида Ибн Батуадан бир асрдан зиёдроқ олдин ўтган ва Хитойда бўлган венециялик сайёҳ Марко Поло маълумотларига қараганда бирмунча тўлиқ билиш имкониятига эга бўламиз.

Ибн Батуа Хитой бўйлаб саёҳатини давом эттирар экан, у ерларда анчагина гўзал нарсалар бўлишига қарамай, бу мамлакат унга ёқмаганлигини ҳам қайд этади. “Мен у ерда ўзимда то бунгача ҳеч қачон пайдо бўлмаган кучли умидсизликдан ғамнок эдим. У ерда бирорта диндошларимдан учратсам худди ўз оила аъзоларимдан бирини ёки қариндошимни учратгандай қувониб кетардим”, — деб бунгача туймаган мусофирчиликни энди қалбан ҳис этганини алоҳида ёзади Ибн Батуа.

Сайёҳ, албатта, Хитойда мусулмонларни ҳам учратганини ёзади. Бироқ бу мусулмонларнинг тили хитойча бўлиб, у бу тилларни билмасди. Бу ҳол ҳам унинг умидини пучга чиқарган.

Тарихий манбаларга қараганда, Ибн Батута қаламга олган мазкур мусулмонлар VII асрнинг биринчи чорақларида Муҳаммад пайгамбар саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳали ҳаёт вақтларида 628 йили ўзининг яқин сафдоши ва амакиси Воҳоб ибн Абу Қабшоҳ бошчилигида беш ярим минг кишидан иборат яхши уюштирилган сафар гуруҳини Хитойга йўналтирган. Бошқа баъзи ривоятларга қарайдиган бўлсак, пайгамбарнинг амакиси ўша даврдаги Хитой пойтахти Чанъанга етиб борган. Лекин, Хитой императорлиги мусулмонларнинг Хитойга шахсан ташриф буюришларининг сабабини сўраб-суриштирамай, уларни душман ҳисоблаб куч ишлатишга қарор қилганлар. Аммо, Оллоҳнинг марҳамат қилиб: “Мен мўминларга нусрат ато этдим” деган ояти каримасига биноан икки ўртада бўлиб ўтган қисқа ва шиддатли жангда мусулмонларга нисбатан ўн баробар кўп бўлган Хитой қўшинларининг сараланган отлик ва пиёда авангарди тамомила тор-мор келтирилгач, Хитой императорлиги томонидан олиб борилган музокарадаги келишувга кўра, хитойликлар мусулмонларнинг талабларига ён босишга мажбур бўлганлар ва Гуанчжоу деган шаҳарда масжид, ислом мактаби, мадраса, карвонсарой ҳамда яна бир қанча муассаса иншоотларининг қурилишига розилик берилган экан. Шундай қилиб биринчи масжид ва ислом дини ақидаларига мос ва хос бўлган қатор иншоотлар ўша даврлардаёқ вужудга келган эмиш. У ерда ислом динини қабул қилган бир қисм хитойликлар ўзларини “Тунган” ёки “Дунгонлар” деб аташган. Бу сўз хитойчада “Оллоҳнинг мўминлари” деган маънони англатар эмиш.

Умуман, Ибн Батута дунёнинг энг чекка сарҳади бўлмиш Хитойда ҳам бўлгач, бориб кўрадиган бошқа шаҳарлари жуда оз қолган эди. Унинг ўз она ватани Танжирга қайтиш иштиёқи кўпроқ туғён ура бошлаган эди...

У пойқадами етган ҳар бир ўлкаларнинг, биз саҳифамиз давомида қисман кўриб ўтганимиздай ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёти, тарихи, жуғрофий шароити, маданияти, халқларнинг урф-одатлари, барчасига диққатини жалб эта-


ди. Кўрган-кечирганларидан ташқари, зарур деб тошган-эшитганлари, афсона, ривоятларини ҳам табиий назар-эътиборидан қочирмаган ҳолда оқизмай-томизмай ўз кундалигида қайд этиб борганлигини мисолларда қисқача кўриб ўтдик.

Ибн Батута ўзининг узлуксиз ва давомли саёҳатларида шахсан ўзининг ёзганларига кўра, Оллоҳнинг ўзи мулк эгаси бўлиб, уни истаган кишисига берганидек, беҳисоб бойликларга эга бўлган. Унинг биринчи босқичдаги бу бойлигини Хитойга сафари даврида қароқчиларга бор-будини олдириб, якка ўзи яширинишга ва шу билан муқаррар ўлимдан унга кўмакка етиб келган яхши одамлар томонидан омон қолишга муяссар бўлган. Иккинчи марта ҳам шундай бойликка эга бўлган, уларни ҳам юқоридагидай ҳолда олдириб қўйган. Учинчи бор бойликка эга бўлгандагина эсон-омон ўз ватанига қайтиб келган. У ўзининг қадрдон юртига кириб келганда фалакнинг кажрафторлигини қарангки, падари бузрукворининг рихлат этганига бир ой, волидаи муҳтарамасининг ўели билан кўришолмай армон билан оламдан кўз юмганига ўн беш кун бўлган экан. Сайёҳ бу шум хабарларни, ҳар қанча оғир бўлмасин, мардона туриб қарши олишга мажбур бўлган.

Саёҳатта отланганда Ибн Батута ўн тўққиз-йигирма ёшлардаги навқирон йигит бўлган бўлса, 1354 йил ўрталарида эллик ёшларга бориб қолган салобатли, салоҳиятли, гоятда билимдон, маълум-машҳур бир ҳақиқий олим сифатида юртига — қариндошлари бағрига қайтиб келган ва қолган умрини ўз ватанида илмий-ижодий ишларга бахшида этиб яшаган. Унинг буюк сайёҳ ва олим эканлиги нафақат бизнинг давримиздагина эмас, балки сайёҳнинг ҳали ўзи ҳаётлик чоғларида ва ундан кейинги қатор даврларда ҳам эътироф этилиб келинганлиги манбаларда қайд этилади. У 1377 йили 73 ёшида оламдан кўз юмган.

Мана неча асрлар ўтса-да, ҳануз унинг дунё миқёсидаги “Саёҳати Ибн Батута” номли нодир асари ўзининг ҳеч бир қиймагини заррача йўқотмаган ҳолда доимо инсонларни, илм-фан аҳлларини баҳраманд этиб келмоқда.

*Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН.*



Франсуа БЕРНЬЕ

# Бобурийлар салтанатининг сўнгги тарихи

**О**ламни кўриш иштиғи мени Фаластин ва Мисрга равона бўлишимни тақозо этарди. Бироқ, мен бу билан кифояланиб қололмас эдим. Қизил денгизни у чеккасидан бу чеккасигача ўз кўзим билан кўриб, яқиндан танишиш дилимдаги эзгу ниятга айланганди. Мен бир йилча истиқомат қилганим шаҳри азим Қоҳирадан чиқдим-да, карвон йўли билан нақд 32 соат юриб, Сувайшгача етиб келдим, бу ерда кўп эшакли кемага ўлтирдим, у мени 17 кун деганда Маккадан ярим кунлик масофада жойлашган Жидда бандаргоҳига элтиб қўйди. Бу ерда ўзим кутмаган ҳолда ҳамда Қизил денгиз дарғасининг ваъдасига зид ўлароқ, агар қул бўлмаса, насронийнинг оёғи тегиши мумкин бўлмаган ушбу муқаддас Муҳаммад сарзаминига қўнишимга тўғри келди. Жиддада мен 34 кун бўлдим, шундан сўнг чоққина кемага ўлтирдим, у мени Арабистон соҳиллари бўйлаб Боб-ал-Мандаб қўлтиғи яқинидаги Мокага элтиб қўйди. Сўнгра Гобеш мамлақати, ёш ҳабашлар салтанатининг пойтахти Гондерга етиб олишим учун у ердан Массова ороли ва Аркикога ўтиб кетмоқчи эдим. Бироқ она-малика иғвоси натижасида у ердаги барча португаллар улар Гоадан олиб келган иезуит-патриарх билан биргаликда қириб ташланганлиги ёки қувиб юборилганлиги боисидан у ер католиклар учун хатарли бўлиб қолганлигидан хабар топдим, ҳатто мамлакатга кириб олмоқчи бўлгани учунгина бир шўрлик капучин<sup>1</sup> Суакенда бошидан жудо қилинганди. Тўғри, ўзимни юнон ёки армени қиёфасига солиб, мен бундай хатардан сақланиб қолар эдим, борди-ю, шоҳ мени таниб қолгудек бўлса, мен унга бирон-бир нарсада асқотар, агар пулим бўлганида сотиб олган қулларимни ишлайтиш учун менга ер ҳам берган бўларди. Бироқ, мени уйланишга мажбур қиларди, яқинда у ерга юнон табиби қиёфасида кириб олган бир руҳонийни худди шундай қилишга мажбур этишганди, кейин эса мен умрбод мамлакатдан чиқиб кетолмас эдим.

Бу ва бундан кейин ҳикоя қилиб беришим мумкин бўлган баъзи мулоҳазалар менга ўз режамни ўзгартиришимга туртки берди. Мен ҳинд кемасига

<sup>1</sup> Таркидунё қилган католик қоҳини (тарж.).

**Амир ФАЙЗУЛЛА ва  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
таржимаси.**

Табиб, файласуф ва фаройиб сайёҳ Франсуа Бернье — 1620 йилда Франциянинг Конкорд шаҳрида туғилган. Мониелье тиббиёт университетини тугатган. Касби врач — табиб. 1654 йилдан бошлаб Шарқ мамлакатлари, хусусан, Фаластин, Сурия, Саудия Арабистони ва Мисрга саёҳат қилади. 1658 йилда Ҳиндистонга келади ва ўн икки йил Бобурийлар сулоласи саройида табиблик қилади. Ф.Бернье 1688 йилда вафот этган. Муаллифнинг ушбу асари ҳам тарихий, ҳам сиёсий жиҳатдан ғоят ноёб манба ҳисобланади.

ўтирдим, қўлтиқдан сузиб ўтдим ва йнгирма кун деганда Буюк Бобурийлар салтанати — Ҳиндистоннинг Сураат бандаргоҳига етиб келдим. Бу пайтда у ерда Шоҳ Жаҳон ҳукмронлик қиларди. У Жаҳонгир Мирзонинг ўғли, шоҳ Акбарнинг невараси эди. Акбарнинг отаси Ҳумоюн ва ундан олдинги аждодлар шажараси бўйича Шоҳ Жаҳон Амир Темурнинг ўнинчи авлоди ҳисобланади. У фотиҳлик галабалари билан зўр шуҳрат қозонди ва ўзининг яқин қардошларидан, мўғуллар, шоҳининг ёлғиз қизига уйланди. Ҳиндлар мамлақати Ҳиндистоннинг айни пайтдаги ўзга юртлиқ ҳукмдорларини шу ном билан аташарди; бироқ турли мансаблар, ҳатто қўшиндаги олий мансабларни ҳар доим ҳам мўғул ирқидagi шахслар эгаллайвермас эдилар, аксар ҳолларда турли мамлакатлардан келган, асосан форслар, гоҳо араблар ва турклар ҳамда бошқа элат вакиллари шу ном билан аталар эди. Айни вақтда эса мўғул бўлиш учун оқ юзли ажнабий ва мусулмон бўлиш кифоя қиларди, қора рангли ҳиндлар, мажусийлар ва Оврўподан келган “фаранги” насронийларни уларга қўшмас эдилар.

Бу ерга келганимдан сўнг етмиш ёшни уриб қўйган Шоҳ Жаҳоннинг тўртта ўғли ва икки қизи борлигини билдим. Бир неча йил муқаддам у тўрттала ўғлини ҳам тўртта энг йирик вилоят, ёки қиролликка навобзода ( вице-қирол ёки губернатор) қилиб қўйганди. Менинг келишимдан бир йил аввал у қаттиқ бетоб бўлиб қолган, тузалишга умид қолмаган экан. Бу ҳол тахтга даъвогарлик қилувчи тўрттала ака-ука ўртасида низо пайдо бўлишга олиб келди ва улар ўзаро жангга киришиб кетишди, уруш беш йилча чўзилди. Саккиз йил саройда бўлганим боисидан айрим муҳим воқеаларни ўз кўзим билан кўрдим ва уларни қандай содир бўлган бўлса, шундайлигича тасвирлашга аҳд қилдим. Аввал тақдир, қолаверса, қароқчилар билан тўқнашувлар оқибатида бисотимда арзимаган маблағ қолиши, Сураатдан Агра ва Деҳлигача бўлган қирқ олти кунлик йўлдан узлуксиз давом этган саёҳатга кетган харажатлар табиб сифатида бобурийлар хизматига киришимга мажбур этди, бир оз ўтгач эса бошқа бир саргузашт мени Осиёнинг алломаси, “бахши” ёки отлиқ сарбозлар саркардаси лавозимини эгаллаб турган, саройдаги энг қудратли ва нуфузли собиқ амирлардан бири Донишмандхон хизматига бошлаб келди.

Шоҳ Жаҳоннинг тўрттала ўлидан тўнғичини Доро дер эдилар, иккинчи ўғлининг исми Султон Шужо бўлиб, “шижоатли султон” маъносини англатарди, учинчисининг исми Аврангзеб, яъни “тахт безаги”, тўртинчи — кенжасининг исми Муродбахш, яъни “яхши ниятларга етиш” эди. Икки нафар қизидан тўнғичини Бегим Соҳиб, яъни “бош малика”, кичигини Равшаноно Бегим — “юзидан нур ёғиб турадиган малика” дер эдилар. Мамлакатда шаҳзода ва маликаларга ана шундай дабдабали исмлар қўйиш урф эди. Масалан, Шоҳ Жаҳоннинг гўзалликда мисли йўқ хотини Аржуманд Бегим Тож Маҳал, яъни “сарой тожи” деб аталган ва унинг хотирасига тикланган, жаҳоннинг етти мўъжизасидан бири саналган, Мисрнинг тош уюмларидан иборат улкан ва бесўнақай эҳромларидан фарқли ўлароқ, ажойиб санъат намунаси бўлган қасрга ҳам айнан шу ном берилган. Узоқ вақт тахтда ҳукмронлик қилган, кайфу сафодан боши чиқмаган Жаҳонгир Мирзонинг хотини ҳам аввал Нур Маҳал, яъни “сарой нури”, сўнграқ эса Нур Жаҳон Бегим — “жаҳон нури” деб аталган. Оврўпода бўлганидек, шаҳзода ва маликаларни хонлик ё мулклар номи билан эмас, юқоридагидек сифатлар билан аталишининг сабаби шунда эдики, давлатнинг барча ери подшога қарар эди. Ҳиндистонда номи зодагонларга бериладиган хонлик ва мулклар бўлмаган. Барча зодагонлар маош билан таъминланганлар, бу маошни улар нақд пул сифатида ёки ерлардан келадиган даромад турида олганлар, подшоҳ эса ўз хоҳишига қараб бу маош ва даромадни белгиллаган, оширган, қисқартирган ва зарур пайтларда бекор қилган. Шу боис амирлар ҳам қуйидагидек лақабларга эга бўлганлар: дейлик, бири Роз Андозхон бўлса, бошқаси Софе Чаканхон, яна бири Барқ Андозхон ёки Диёнатхон, Донишмандхон, Фозилхон ва ҳоказо (булар “чақмоқ чақувчи”, “душман сафларини ёрувчи”, “содиқ хон”, “олим хон”, “фазлу қарамда тенгсиз” деган маъноларни англатган).

Доронинг яхши фазилатлари кўп эди: у хушмуомала, топқир, бағоят одобли ва ҳаддан ортиқ сахий эди, бироқ шу билан бирга ўзига ортиқ даражада бино

қўйган бўлиб, ўзини ҳамма ишда устаси фаранг деб биларди, бирон-бир кишининг маслаҳатига муҳтож бўларман деган нарсани хаёлига келтирмасди. Унга маслаҳат бермоқчи бўлганларнинг ортидан роса мағзава ағдарарди, шунинг учун ҳам унга энг содиқ ҳисобланган кишилар ҳам унинг оғайнилари иғвоси ҳақида Доро ҳузурда оғиз очишга журъат эта олмасдилар. Бундан ташқари, у жудаям қизиққон эди, ҳаттоки энг юқори мартабали амирлар ёки хонларни ҳам аяб ўтирмасди — уларга дўқ урар, ҳақорат қилар ва қаттиқ хафа қилиб қўярди, бироқ қанчалик тез ғазабга минса, ёнган похолдек шунчалик тез шаштидан қайтар эди. Гарчанд у комил мусулмон бўлиб, диний расм-русмларни мукаммал адо этса-да, шунга қарамай шахсий ҳаётида мажусийлар билан мажусийдек, насронийлар билан насронийдек муомала қилар эди. Унинг ҳузурда мудом пандитлар, яъни ҳинд уламолари ёки мажусий олимларни кўриш мумкин эди; у уларга хийла катта миқдорда нафақа тўларди, улар эса, айтишларича, мамлакат динига зид келувчи ўз ғояларини унинг миясига синдиришга ҳаракат қилар эдилар; бу ҳақда мен ҳиндлар ёки мажусийлар дини тўғрисида сўз кетганда гапириб ўтарман. Яқин вақтлардан буён у католик роҳиблар пешвоси бўлмиш ота Бюзенинг суҳбатларини мароқ билан тингламоқда экан, католик пешвонинг нутқи унга жуда ёқиб қолганмиш. Бироқ, айрим кишиларнинг гапига қараганда, у мутлақо динга ишонмас эмиш ва унинг бу борадаги барча хатти-ҳаракатлари шунчаки эрмак ва ўйиндан иборат эмиш, яна баъзиларнинг айтишича, унинг қўшинида кўпчиликни ташқил қилувчи насронийларни ўзи томон оғдириб олиш ва хусусан, салтанатга ўлпон тўловчи мажусий ҳукмдорлар, яъни рожаларнинг меҳрини қозониб, зарур ҳолларда уларни ўз тарафдори сифатида сақлаб қолиш учун атайлаб қилинган йўл, сиёсат эмиш. Нима бўлганда ҳам бу унинг ишида унчалик қўл келмади, аксинча, кейинчалик биз шу нарсанинг гувоҳи бўлдикки, Аврангзеб уни кофирликда айблаб, шўрлик шаҳзоданинг бошини танасидан жудо қилди.

Султон Шужо ҳам феъл-атворда деярли Дородан фарқ қилмасди, лекин у хийла пишиқ ва маҳкам эди, нозик дамларда ўзини яхши тутар, сир бой бермасди, фитна уюшгирганда ишни хамирдан қил суғургандек бажарарди, совға-саломлар воситасида у дўстларни зимдан ўзи томон оғдириб олишга уста эди. Хусусан, Жессомсенг ва бошқа шу каби мартабали рожа ва амирларга нисбатан шундай йўл тутганди. Бироқ у айш-ишратга қаттиқ ружу қўйганди, унинг сон-саноксиз хотинлари бор эди, уларнинг муҳитига тушиб олиб, тун ва кунларини ичкиликбозлик, қўшиқбозлик ва ўйинбозликда ўтказарди; у хотинларига қимматбаҳо кийим-кечаклар олиб берар, уларнинг нафақаларини ўз ихтиёри билан оширар ва қисқарттирар эди. Уни бу муҳитдан ситиб олиб чиқишга уринганларга асло шафқат қилмасди. Бунинг оқибатида унинг кўплаб ишлари ҳал этилмай, узоқ вақтларгача галга солиниб келар, одамларнинг ундан кўнгли қолиб, юзкўрмас бўлиб кетар эдилар.

Гарчанд Шоҳ Жаҳон ва унинг барча оға-инилари турклар динига мансуб бўлсалар-да, Султон Шужо форслар динига ўтган эди. Ислом бир қанча мазҳабларга бўлинади; машҳур “Тулистон”нинг муаллифи Шайх Саъдий ҳам ўзининг бир қитъасида бу ҳақда эслатиб ўтган: “Мен — дарвишман ва майпарастман, менинг тайинли бир диним йўқ деса бўлади, мени барча етмиш икки мазҳаб билади.” Лекин булар ичида иккитаси асосийси ҳисобланарди; уларнинг тарафдорлари бир-бирига қон душман саналади. Биринчиси — турклар мазҳаби бўлиб, форслар уларни Усмонли деб аташади ва улар халифа Усмон тарафдорларидир, чунки турклар уни Муҳаммад (с. а. в.)нинг ҳақиқий ва қонуний вориси, буюк халифа ёки Қуръони Каримни тафсирлаш ҳамда фикҳ илмида учрайдиган қийин масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлган ягона авлиё деб биладилар. Иккинчиси — форслар мазҳаби бўлиб, турклар уларни “шиалар”, “рофейлар”, “алимардонийлар” (ихтилофчилар, бидъатчилар, Али маслақдошлари) деб атайдилар, зеро турклардан фарқли ўлароқ, улар мен ҳозиргина эслатиб ўтганим ушбу ворислик ва ягона авлиё ҳокимлигини бутунлай Муҳаммад (с. а. в.)нинг куёвлари Алига мансуб берадилар. Давлат манфаати нуқтаи назаридан Султон Шужо айнан шу мазҳабга ўтган эди, чунки барча форслар — шиалар пайт топилди дегунча, унинг тарафига ўтишига умид



боғлаган эди, зеро шиа тарафдорларининг ўзлари ёки уларнинг фарзандлари Бобурийлар саройида энг қудратли кишилар ҳисобланар ва давлатдаги энг муҳим лавозимларни эгаллаб олган эдилар.

Авраңгзеб Доро каби ўткир зеҳн эгаси, ажойиб суҳандонлик қобилияти соҳиби сифатида ажралиб турмаса-да, ундан кўра мушоҳадалироқ эди, одамларни яхши биларди, кимдан қандай иш чиқишини тўғри баҳоларди, кимга ва қачон саховат кўрсатиш бобида синчков эди. У ўзига етганча қув, айёр ва шу қадар сурбет эдики, узоқ вақтгача ўзини таркидунё қилган дарвиш қиёфасига солиб юрди. У ўзини тахту тож билан сира иши йўқдай, бирдан-бир орзуси — тинч ҳаётдан, тоат-ибодатда бўлишдан ва савоб ишлар қилишдан нборатдай қилиб кўрсатарди. Айниқса, Дакан вилоятининг навоби этиб тайинлангандан кейин у саройда ўзгалар устидан фитналар уюштиришга энг шимариб киришиб кетди. Лекин у бу ишларни ғоят хушёрлик билан, деярли ҳеч кимга билдирмай бажарар эди. У отаси Шоҳ Жаҳон билан дўстона муносабат ўрнатишга муваффақ бўлганди. Тўғри, Шоҳ Жаҳон Дорони қаттиқ ҳурмат қилса-да, тахт бошқаришга қобилиятли деб ҳисоблаган ҳолда Авраңгзебга нисбатан хайрхоҳлигини ҳам яширмасди. Отасининг Авраңгзебга хайрхоҳлиги Доро қалбида кучли рашк оловини ёндирар ва у дўстлари ҳузурида ўқтин-ўқтин шундай сўзларни айтиб юборишдан ўзини тиёлмай қоларди: “Барча ака-укаларим ичида мен битга мана шу намозчидан кўраман”.

Ака-укаларнинг кенжаси бўлмиш Мурод Бахш у қадар эпчил ва у қадар мушоҳадакор эмас эди. Унинг ўйлагани нуқул кайф-сафо, майхўрлик, шикор ва камондозлик эди. Шундай бўлса-да, унинг ҳам ўзига яраша фазилатлари йўқ эмасди. У жудаям сипо ва қўли очиқ йигит эди. У сир яширишни гуноҳ деб билар, саройдаги фисқу фасодлардан нафрат қилар ва мен фақат билагим кучи ва шамширим тингга ишонаман деб очиқ-ойдин мақтаниб гапирарди. Дарҳақиқат, у ғоят жасур эди, агар бу жасурлик кучли ирода билан омухта бўлиб кетганида эди, у барча акаларидан устун келиб, бутун Ҳиндистонга ҳукмдор бўлар эди.

Қизларига келса, Бегим Соҳиб ғоят гўзал ва ақлли эди, отаси уни жонидан яхши кўрарди. Ҳатто шундай миш-мишлар юрардики, азбаройи қизини яхши кўрганидан ота телба бўлиш даражасига етганмиш. Ҳатто отанинг ўзи ҳам иқроор бўлиб, муллалар ҳукмига кўра, ўзи эккан дарахтнинг мевасини ейишга муяссар бўлган ягона падар мен бўламан, деркан. Қизига ишонгани шунчаликки, дастурхонга тортиладиган таомдан татиб, уни назорат қилишни унга топширганди. Қиз энг муҳим ишларда ҳам отасини ўзи учун манфаатли бўлган томонга оғдиришга муваффақ бўлар эди. Бегим Соҳиб ғоят бой эди, ишларни битиришдан ташвиш-тадориклар учун унга ҳар томондан совға-саломлар ёмғирдай ёғар эди, азбаройи қўли очиқлигидан қиз ҳам сахийлик билан бойликларини харажат қилар эди. У Дорога қаттиқ меҳр қўйган эди, доим унинг тарафини олар ва ҳар гапда уни ошкора қўллаб-қувватлар эди. Бу эса Доронинг муваффақият қозонишига ва унинг отаси билан дўстона муносабатини барқарор сақлашга имкон туғдирар эди, зеро зарур пайтларда Бегим Соҳиб шу акасини қўллаб-қувватлар ва ҳар бир нарсдан уни огоҳ этиб турарди. Лекин бунга сабаб улар иккаласининг оилада тўнғич фарзандлар бўлгани ҳам эмасди, бунга сабаб шу эдики, Доро сингисига, агар шоҳ бўлсам, сени ўзим бош бўлиб турмушга чиқараман, деб ваъда қиларди. Чунки Ҳиндистонда деярли ҳеч қачон бундай қилмайдилар, зеро маликанинг эри албатта муқаррар қудратга эга бўлади ва унинг ҳар бир ҳаракати тожни эгаллашга бўлган интилиш деб гумон қилинаверади. Бундан ташқари, шоҳлар ўз қонларини шунақа юқори қадрайдишларки, қизларига муносиб жуфтни топишга ҳар доим ҳам муваффақ бўлавермайдилар.

Бегим Соҳибнинг ҳарамда сақланиши ва бошқалар билан теппа-тенг кўриқланишига қарамай, бу маликанинг ишқий найранглари ҳақида икки оғиз гапириб ўтишни ўзим учун жоиз деб ҳисоблайман. Роман ёздиган биронта ёзувчи учун мавзу тайёрлаётибди деган таънадан асло чўчимаيمان. Бу бизлардаги олифтанамо ва кулгили саргузаштларга ўхшаш ишқий найрангларга асло ўхшамайди. Булар ортидан ҳар доим даҳшатли ва мудҳиш ҳодисотлар содир бўлади.

Айтишларича, малика мансаби юқори бўлмаган, аммо хушрўй ва хушқо-

мат бир йигитни ҳарамга олиб киришга муваффақ бўлган. Бирталай ҳасадгўй ва рашкчи хотинлар орасида у бу ишни сир сақлай олмаган. Бу гап тезда Шоҳ Жаҳоннинг ҳам қулоғига бориб етган ва қизини кўргани келиш баҳонаси билан ошиқ-маъшукларни тўсатдан тутиб олишга аҳд қилган. Шоҳ Жаҳоннинг қўққисдан пайдо бўлишини кутмаган малика шўрлик йигитни каттакон қозонга солиб яширишга улгурган, холос, бироқ бу ишни у отаси сезиб қолмайдиган даражада уддабуронлик билан бажаролмаган. Шоҳ Жаҳон шовқин солиб, дўқ-пўписа қилмаган, балки, одатдагидек узоқ гап сотиб ўтираверган, охирида эса қизига, жуда кирланиб кетибсан, яхшилаб чўмилиб олмасанг бўлмайди, деган. Тезда ўчоққа ўт ёқиб, сув иситишни амр қилган. Ҳарам оғаси шўрлик йигит тамом бўлгани ҳақида ишора қилгандан кейингина хонадан чиқиб кетган.

Бирмунча муддатдан сўнг қиз бошқа бир найранг кўрсатган. Назирхон исмли бир форс йигитни ўзига кори замон, яъни биздаги иш юритувчига ўхшаш мансабга тайинлаган. Бу ёшгина амир сарой аъёнлари ичида ҳам ўн гулидан бир гули очилмаган бағоят сипо ва хушрўй йигитлардан бўлган. Уни ҳамма бирдай яхши кўрар экан. Ҳатто Аврангзебнинг тоғаси Шоҳ Ҳаётхон уни маликага уйланишни таклиф ҳам қилган экан. Бироқ Шоҳ Жаҳон бу таклифга асло рўйхуш билдирмаган. Шу билан боғлиқ айрим сирли найранглардан воқиф бўлгач эса, у Назирхондан халос бўлишга қарор қилган ва буни зудлик билан ижро этишни буюрган. У, гўёки ҳурмат юзасидан йигитга пон манзират қилган, мамлакатдаги одатга кўра, пон тезда чайналиши лозим эди. Пон — бу орасига денгиз чиганоғи кукунлари сепилган хушбўй япроқ бўлиб, чайнаганда оғизни қип-қизил қилиб ташлар ва ёқимли ҳид таратар эди. Ёш аъён поннинг заҳарлаб қўйилганини хаёлига ҳам келтирмаган; у маҳфидан мамнун ва хуррам бир ҳолда чиққан ва ўз тахтиравонига ўлтирган, бироқ заҳар шунчалик кучли бўлганки, уйга унинг жонсиз жасадигина етиб келган<sup>1</sup>.

Равшаноро Бегим Соҳибдан гўзал ҳам, ақли ҳам ҳисобланмас эди, лекин у жудаям қувноқ ва дали-гули эди, ишратга эса Бегим Соҳибдан кам кўнгул қўймаганди. У Аврангзебга ҳаддан ташқари содиқ бўлганидан Бегим Соҳиб ва Доронинг душманига айланганди. Шу сабабдан ҳам унинг маблағи унчалик кўп эмасди, ишларда у қадар кўп иштирок этмасди, бироқ ҳарамда истиқомат қилар экан, ўзига яраша фаҳму фаросатга эга бўлганидан айбоқчилари орқали кўплаб муҳим сирлардан воқиф бўлиб турар ва бу ҳақда Аврангзебга зимдан хабар етказар эди. Фитна-фасодлар бошланишидан бир неча йил муқаддам қаршимда балоғат ёшига етган, уйланган, тахтга даъвогарлик қилиб турган, бир-бирига қарши тиш қайраб, зимдан адоватда бўлган тўрт бирдай шаҳзодани кўриб, Шоҳ Жаҳон улар билан нима қилишини билмай қолди, охирида нима бўлишини олдиндан сезганди, ўз ҳаёти кўзига омонатдай кўриниб кетди. Уларни Гвалиорда ҳибсда сақлаш осон иш эмасди (бу ердаги қалъага кириб бориш ғоят қийин бўлиб, унга одатда шаҳзодаларни қамайдилар, сабаби, қалъа тик қояли тоғ устида жойлашган, горнизон сақлаш учун унда озик-овқат ва сув етарли эди). Шаҳзодалар анча қудратли бўлиб олишганди, ҳар бирининг ўз ҳовли-жойи бор эди, шунинг учун уларни ўзидан четлаштириш, ўзлари келиб чиққан бирон-бир вилоятни бошқаришга имкон бермаслик ҳам одоб юзасидан ҳисобланмасди. Шу билан бирга у шаҳзодаларнинг қалъа ичида мустаҳкам ўрнашиб олиб, мустақил подшочалар сифатида найранглар кўрсатишларидан ҳайиқар эди, аммо барибир охири шундай бўлди ҳам. Лекин саройда доимий қолиб кетишса, оталарининг кўз ўнгида бир-бирларини сўйиб ташлашдан ҳам тоймасликларини ўйлаб, уларни четлаштиришга аҳд қилди. Шоҳ Жаҳон Султон Шужони Бангол қиролигига, Аврангзебни Даканга, Мурод Бахшни Гужаротга жўнатди, Дорога эса Кобул билан Мўлтонни берди. Дастлабки учала шаҳзода ўз вилоятларига мамнун ҳолда жўнаб кетди, у ерда ўзларини чинакам шоҳлардай тута бошлашди, ўлканинг барча даромадларини ўз фойдаларига олиб қола бошлашди ҳамда фуқаро ва

<sup>1</sup> Бу ўринда муаллиф воқеаларни чалкаштириб юборганга ўхшайди. Чунки юқорида зикр қилинган ҳар икки воқеа бошқа манбаларда Аврангзеб ва қизи Зебуннисо ўртасида бўлиб ўтганлиги таъкидланади — *ред.*

қўшинларни тутиб туриш баҳонаси билан кўплаб қўшинга эга бўлиб олишди. Дорога келсак, ўғиллар ичида тўнғичи бўлганлиги ва тахтга биринчи даъвогар ҳисобланганлиги учун у саройдан узоқлашмади ва афтидан, бу Шоҳ Жаҳоннинг ниятларига мос келар эди. Ўлганимдан кейин ворисим шу бўлади, деб у Дорога катта умид билан қарамоқда эди. Шоҳ Жаҳон ҳатто унинг номидан буйруқлар чиқаришга рухсат ҳам берганди ва ўзиникидан хийла қуйи-роқ турадиган бир тахтга эга ҳам қилиб қўйганди, шунинг учун саройда икки-кита подшоҳ ўғиргандек туюларди. Бироқ икки ҳукмдорнинг муроса билан яшаши гоят мушкул эди, шу боис гарчи Доро унга ҳар доим чуқур иззат-икром кўрсатса-да, Шоҳ Жаҳон унга жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўларди. Хусусан, у заҳарлаб қўйишларидан қўрқарди, Аврангзебнинг феъл-ни билганлиги ва унинг давлатни бошқаришда анча қобилиятлилигини ҳисобга олганлиги учун, у, айтишларича, Аврангзеб билан бевосита муносабатда бўлар экан. Тўрт шаҳзода ва уларнинг оталари Шоҳ Жаҳон ҳақида айтмоқчи бўлган гапларим мана шулар эди, бундан кейинги воқеалар моҳиятини англаш учун бу гапларни айтиб ўтишим зарур эди.

\* \* \*

Йккала малика ҳақида гапирмасдан ўтиш имконини тополмадим, чунки улар фожиада иштирок этувчи энг муҳим шахслар сирасидан эди. Кустантанья ва бошқа кўплаб жойларда бўлгани каби Ҳиндистонда хотин-қизлар йирик воқеа-ҳодисаларда аксар бош ролни ўйнайдилар, ҳолбуки, кўпинча бунга эътибор қилмайдилар ва мазкур воқеа-ҳодисалар сабабини бошқа жойлардан қидириш устида бош қотирадилар. Бу барча воқеаларга аниқлик киритиш учун гапни узоқдан бошлаш ва низоларгача Голконда ҳукмдори Аврангзеб билан вазири Амир Жумла ўртасида бирмунча муддат нималар бўлганини ҳикоя қилиш керак бўлади. Бутун ҳикоя қаҳрамони ва Ҳиндистон подшоҳи бўладиган Аврангзебнинг феъл-хўйи ва заковати мана шунданоқ яққол кўрингусидир. Аврангзебнинг шоҳ бўлиши учун Амир Жумла қандай асос яратганини кўриб чиқайлик.

## БИРИНЧИ ЗАРБА

Аврангзеб Даканда бўлган вақтида Гўлкўнда ҳукмдорининг вазири ва унинг қўшини қўмондони, ҳозиргина айтганимдек, бутун Ҳиндистонда машҳур форс Амир Жумла эди. У олий насабли бўлмаса-да, катта иш тажрибасига, ажойиб заковатга ва қобилиятга эга буюк саркарда эди, у на фақат ушбу бой ҳокимликдан улкан бойлик тўплаганди, балки кемалардаги савдо-сотиклардан келувчи даромадлардан ҳам хазинасини тўлдириб юборганди. Кемаларни ҳар томонга тижорат учун тарқатиб юборарди, унинг ижарага қўйган одамлари жонини жабборга бериб ишларди ва шунинг натижаси ўлароқ, беҳисоб олмос хазинаси жамғарганди, унинг олмослари қоп-қоп бўлиб, ҳамманинг оғзига тушганди. Унинг гоят қудратли ва бообрў бўлиб кетишига яна бир сабаб: лашкардан ташқари, у ажойиб шахсий қўшинга ҳам эга эди, кўп сонли “Фарангйлар”, яъни қўмондонлари насроний бўлган замбаракли бўлуқлари бор эди.

Хуллас, айниқса Карнатак салтанатига бостириб киргандан ва у ердан қадимги мажусийлик эҳромларини талагандан кейин у бирданига бойиб, кучайиб кетди. Бу Гўлкўнда султонининг юрагида ҳасад ўгини гуриллатиб юборди ва зимдан унга қарши тиш қайрай бошлади. Хусусан, Амир Жумланинг ҳали ҳам кўҳлилигини йўқотмаган маҳди улё — бош малика билан дон олишиб юриши ҳақидаги миш-мишлар султоннинг қаттиқ ғазабини келтирмоқда эди. Бироқ султон дилидаги ниятини ҳеч кимга билдирмади, қўшини билан Карнатакда турган амирнинг қайтишини сабр билан кута бошлади.

Бироқ малика ва амир ўртасида бўлиб ўтган алоҳида ҳангомалар тафсилотини сўзлаб беришганида у ўзини тутиб туролмади, очиқчасига сўкишга, дўқ уришга ва ғазабини сочишга киришди. Бундан тезда амирни огоҳ этишди, чунки саройда унинг хотинининг кўплаб қариндош-уруғлари бор эди ва бу

қариндош-уруеларию дўстлари юқори мансабларни эгаллаб олган эдилар; султоннинг онаси ҳам кўп ўтмай бундан воқиф бўлди. Шу боис амир ўша вақтда султон ҳузурда бўлган ёлғиз ўғли Маҳамат Аширхонга мактуб йўллади ва шикорми ё бошқа биронта баҳона биланми — қандай қилиб бўлмасин саройни тарк этишни ва хузурга келишни буюрди. Маҳамат Амирхон буйруқни бажаришга бир неча бор уриниб кўрди, бироқ, султон унинг устидан шундай назорат ўрнатган эдики, биронта ҳам уриниши наф бермади. Бу амирни қийин аҳволга солиб қўйди ва ўта қатъий чора қўллашга ундади. Бунинг оқибатида султон тожи билан бирга ҳаётидан ҳам маҳрум бўлиш хавфи остида қолганди. Дарҳақиқат, ўзини тута билмаган шоҳ ҳукмдорлик ҳам қила олмайди.

Амир Жумла ўша вақтда Гўлкўндадан ўн беш-ўн олти кунлик масофадаги Давлатободда турган Аврангзебга мактуб йўллади ва “менинг эл юз-кўзида кўрсатган улкан хизматларимга қарамай, Гўлкўнда султони мен ва менинг хонадонимни йўқ қилишга бел боғлади”, дея огоҳ этди. “Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бундай адолатсизлик мени қанотингиз остига олишингизни илтимос қилиб мурожаат этишга мажбур этаётир. Агар маслаҳатларимга қулоқ солишни истасангиз ва менга ишонсангиз, султонни ҳам, салтанатни ҳам оёғингиз тагига келтириб ташлайман”. “Бунинг учун Сиз, — деб ёзган эди у мактубда, — ўзингиз билан сара қўшинларингиз ичидан тўрт-беш минг суворийни олишингиз ва катта довоилар оша Гўлкўнда томон ҳаракат қилишингиз тақозо этилади. Йўл бўйи муҳим иш юзасидан султонни Боғнагарда тутишга шошилаётган Шоҳ Жаҳоннинг элчиси келаяпти, деган овозани тарқатасиз. Султонни огоҳ этиш учун Сиз мурожаат қиладиган дастлабки дабир (сарой аъёни) менинг иттифоқдошим, гумаштам, менга жонини фидо қилган содиқ одам; фақат тезроқ ҳаракат қилиш чорасини кўринг, мен ишни шундай ташкил этаманки, Боғнагар дарвозасига етиб келганингизда Сизни ҳеч ким танимайди. Одатга кўра султон мактубни олиш учун чиқиб келганда Сиз уни, сўнгра бутун хонадонини ҳам осонлик ила қўлга олишингиз ва улар билан ўзингиз хоҳлагандек муомала қилишингиз мумкин; бунинг осон томони шундаки, у одатда истиқомат қиладиган Боғнагардаги уй на қалъа девори, на ҳандақлар, на истехкомлар билан муҳофаза қилинган”. Яна шуни қўшимча қилдики, бу тadbирни у ўз ҳисобидан амалга оширади ва юриш чоғида шаҳзодага кунига элик минг рупия таклиф этади.

Бундай қулай фурсатни пойлаб ўтирган Аврангзеб темирни қизигида бошига қарор қилади. У дарҳол йўлга отланади ва тadbирни шу қадар муваффақият билан амалга оширадики, Боғнагарга Шоҳ Жаҳоннинг элчиси сифатида ҳеч кимга билдирмай етиб келади. Бу сохта элчининг етиб келганиги ҳақида огоҳ этилган Гўлкўнда султони меҳмонни одатга кўра, иззат-икром ила қарши олгани боққа чиқади ва бахтга қарши ғанимининг қўлига тушадди-қўяди. Олдиндан кўзда тутилганидек, ўн-ўн икки ғулом туржи уни ҳибсга олишга тутинганида унинг аҳволига ачинган бир амир чидаб туrolмайди ва Жумланинг тарафдори ва арзандаси бўлишга қарамай, хитоб қилади: “Аъло ҳазрат, кўрмаяпсизми, ахир бу Аврангзеб-ку! Кетинг бу ердан, сизни қўлга олишади!” Қаттиқ кўрқиб кетган султон шартга изига қайтади-да, тўғри келган бир отга ирғиб минади ва бу ердан икки чақиримча нарида жойлашган Гўлкўнда қалъаси томон елдай учиб кетади. Режаси барбод бўлганини кўрган Аврангзеб амирнинг ўз қўшини билан унга ҳамла қилмаслигини билиб, саросимага тушмади, у зудлик билан султон уйини эгаллаб олди, у ердаги барча қимматбаҳо ва чиройли нарсаларни ўмарди, бироқ султоннинг барча хотинларини эгасига қайтариб юборди (бунга бутун Ҳиндистонда қатъий риоя қилинади), кейин эса қалъани қамал қилишга киришди. Аммо зарур қурол-аслаҳалар олиб келинмаганлиги боисидан қамал икки ойдан кўпроқ вақтга чўзилиб кетди, охирида Аврангзеб Шоҳ Жаҳондан қамални тўхтатиш ва Даканга қайтиши ҳақида буйруқ олди. Шундай қилиб, гарчи озиқ-овқат ва қурол-яроғлар йўқлигидан қалъа аянчли аҳволда қолган бўлса-да, у ўз тadbирдан воз кечишга мажбур бўлди. Аврангзебнинг ҳаддан ташқари қудратли бўлиб кетишидан хавотирланиб, Доро ва Бегим Соҳиб Шоҳ Жаҳон унга шундай буйруқ беришга ундашини шаҳзода яхши билар эди. Бироқ у заррача афсусланмади ва Шоҳ Жаҳоннинг буйруқларини бажариш вожиб, деди холос.

Дарвоқе, ўз йўл харажатлари эвазига мўмайгина маблағни ими-жимидда қўлга киритганча у кетди; у ҳатто ўгли Султон Маҳмудни султоннинг катта қизига уйлантириб ҳам қўйди, султон эса уни ўзига валиахд қилишга ваъда берди, ҳамир учидан патир сифатида Ромгир қалъаси ва теварак-атрофидаги ерларни инъом қилди. Бундан ташқари у бундан кейин салтанатда зарб қилинадиган барча кумуш тангаларнинг бир томонида Шоҳ Жаҳон муҳри туширилиши учун султоннинг розилигини олишга ва Амир Жумланинг ўз хонадони ва мол-мулки, қўшини ва замбараклари билан кетиши учун рухсатни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Бу икки буюк инсон қисқа вақт ичида биргаликда катта ишларни амалга оширишди: йўл-йўлакай улар Бижапурнинг энг кучли ва муҳим қалъаларидан бири Бидарни қамал қилдилар ва қўлга киритдилар. У ердан улар Давлатободга йўл олишди. Давлатободда улар шу қадар қил ўтмас дўстга айланишдики, Аврангзеб ҳам, амир ҳам бир кунда икки бор кўришмаса туролмайдиган бўлиб қолди. Уларнинг иттифоқи ишни олга силжитиб юборди ва Аврангзеб ҳукмронлиги учун пойдевор яратди.

Бу аён шундай устамонлик билан иш тутдики, уни Шоҳ Жаҳон ҳузурига бир неча бор чақиришди, ниҳоят у гоят қимматбаҳо ва улур совғалар билан Арага йўл олди ва унга ўз хизматларини таклиф этди, шохни Гўлкўнда султони, Бижапур султони ва португаллар билан жанг бошлашга ундади. Бошламаси учун дунёда тенги йўқ катта олмос — Кўҳи Нурни инъом этди. Бу билан у Гўлкўнда тошлари Қандаҳор қояларидан кўра қимматлироқ эканига шама қилди (ўша вақтларда Шоҳ Жаҳон бу шаҳарга қарши юриш қилишни дилига тугиб қўйганди) Ҳиндистонни Коморин бурнигача забт этиш учун айнан Гўлкўнда томонга қараб ҳарбий ҳаракатлар бошлаш лозим эди.

Амирнинг олмоси Шоҳ Жаҳоннинг кўзини қамашгирдим, йўқми, ёки баъзиларнинг ҳақиқатга яқин эътироф этишларича, Дорони жиловлаб туриш учун қўшинини ҳарбий юриш ҳолатига ўтказишни маъқул топдим, буни айтиш қийин: Доро ҳақиқатан ҳам ҳокимиятни кўпроқ қўлга олган эди, у ҳатто Шоҳ Жаҳон қаттиқ севадиган, Ҳиндистон тарихидаги энг буюк давлат одами деб атайдиган вазир Саъдуллахонни ҳеч бир ҳадик-падиксиз ҳақорат қилишга ҳам журъат этганди. Сўнги вақтларда Доро ҳатто уни заҳарлашга ҳам фармон берганди, бунга сабаб, вазир унинг тарафини олмаганди, балки Султон Шужо томонга оғиб кетганди. Ёки яна шунинг учун бўлса керакки, Саъдуллахон унга ҳаддан ташқари қудратли ва Шоҳ Жаҳон ўлиmidан кейин тож тақдирини ҳал этиш қобилиятига эгадек кўриниб кетганди. Яна бир — сўнги сабаб шу бўлиши мумкин эдики, на ўзи форс, на форс фуқароси, балки таги-зоти ҳинд бўлган Саъдуллахон тўғрисида ҳасадгўйлар турли-туман миш-мишлар тарқатган эдилар, эмишк, унинг турли жойларда кўплаб патҳан ҳарбий дасталари бормиш, уларга яхши маош тўланармиш, жангта ҳар лаҳзада тайёр турармиш, чунки унинг ўзи подшоҳ бўлмоқчи ёки тахтга ўз ўглини ўтқазмоқчи эмиш, хуллас, охир-оқибатда мўғулларни қувиб юбориб, хотинининг аждоди бўлган патҳан халқига тахтни қайтариб олиб бермоқчи эмиш. Шундайми, йўқми, ҳарҳолда Шоҳ Жаҳон Амир Жумла бошчилигида қўшинини Даканга юборишга қарор қилди.

Кўрилаётган тadbирнинг муҳимлигини ҳисобга олган ва бу мамлакатга қўшин юбориш Аврангзебнинг мавқеини мустаҳкамлашни англатишини тушунган Доро бу қарорга қаттиқ қаршилиқ кўрсатди ва юришнинг бошланишига ҳалақит бериш учун бор кучини сарфлади. Бироқ Шоҳ Жаҳоннинг қарориди маҳкамлигини кўргач, истаса-истамаса рози бўлишдан ўзга чора тополмади. Фақат бир шарт билангина шундай қилинди, яъни Аврангзеб Давлатободда фақат мамлакат ҳукмдори сифатида қолади ва ҳарбий ишлар ва қўмондонлик қилиш билан шуғулланмайди, амир бош қўмондон сифатида мутлақо мустақил иш тутади ва содиқликка гаров сифатида бутун оила аҳлини саройда қолдиради. Амир бу сўнги шартга зўрға рози бўлди, бироқ Шоҳ Жаҳон ундан Доронинг гапига кўнишни сўрагани ва кўп ўтмай унга хотини ва болачақаларини орқасидан жўнатиб юборишга ваъда бергани учун у, ниҳоят, хўп деди ва ажойиб қўшин билан бетўхтов қайдасан Деҳли дея Аврангзеб сари йўл олди, Бижапур сарзаминига кириб борди ва кучли Камияни қалъасини қамал қилди.

Шоҳ Жаҳон қаттиқ бетоб бўлиб қолганида Ҳиндистондаги вазият тахминан ана шундай эди. Бу ўринда унинг бетоблиги ҳақида гапириб ўтирмайман, касаллик хусусиятига ҳам дахл қилмайман, фақат шунини айтмоқчиманки, бу касаллик етмишдан ошган чол учун у қадар муносиб эмасди, чунки бу ёшдаги одам кучини сарфлаш эмас, балки кўпроқ уни сақлаб қолиш ҳақида ўйлашни керак.

Бу касаллик бутун Ҳиндистонда ташвиш ва ҳаяжонга сабаб бўлди. Доро давлатининг ҳар иккала пойтахти — Деҳли ва Аграда қудратли кўшин тўплади, Банголда Султон Шужо, Даканда Аврангзеб ва Гужаратда Мурод Бахш ҳам шундай қилдилар. Барча тўрт ака-ука атрофларига ўз иттифоқдошларини тўплади, тўртталови тўрт томондан туриб мактублар ёзар, ваъдалар қилар ва ифволар тарқатар эдилар. Бундай мактублардан талайини қўлга туширган Доро хатларни Шоҳ Жаҳонга кўрсатди ва теварагида катта тўполон кўтарди; ҳукмдорни қолган ака-укаларига қарши гижтижлатиш учун синглиси Бегим Соҳиб фурсатдан фойдаланиб қолди, бироқ Шоҳ Жаҳон Дорога ишонмади, уни заҳарлаб қўйишидан қўрқиб, дастурхонга тортиладиган таомларни ўта диққат билан кузатиб боришни буюрди. Ҳатто, айтишларича, бу ҳақда Аврангзебга мактуб ҳам йўллаган эмиш. Бундан хабар топган Доронинг фиғони фалакка чиқиб, газабидан ўт бўлиб ёнди. Бу орада Шоҳ Жаҳоннинг бетоблиги чўзилиб кетмоқда эди ва унинг ўлгани ҳақида миш-мишлар тарқалганди. Саройда бирдан тартибсизлик бошланиб кетди, дўконлар бир неча кунгача ёпиб қўйилди ва тўрттала шаҳзода ҳар бири ўз томонидан очиқ-ошқора тайёргарлик кўра бошлади. Нафсиламрини айтганда, уларнинг урушга тайёргарлик кўриши бежиз эмасди: уларнинг барчаси раҳм-шафқат кутиб ўтирадиган палла эмаслигини, ё ҳаёт, ё мамот учун шай бўлиш кераклигини, ё шоҳ бўлиш ёки ўлиб кетиш лозимлигини жуда яхши биларди; улар шу нарсани ҳам билар эдики, энгги чиққан бошқа барча ака-укаларидан воз кечади, ўз вақтида уларнинг оталари Шоҳ Жаҳон ҳам ўз ака-укаларига нисбатан шундай қилганди.

Султон Шужо бадавлат Банголда кўплаб рожалар, ёки ҳокимларни хонавайрон қилиб, катта ҳазина тўплади ва бошқа вилоятлардан беҳисоб миқдордаги маблағни сўриб олди, катта қўшини билан ҳарбий юришга биригичи бўлиб одим ташлади. Барча форс амирлар ёрдамига умид болаган ҳолда (чунки у уларнинг мазҳабига ўтган эди) ҳаммага Шоҳ Жаҳон ўлди, уни Доро заҳарлаб қўйди, энди мен отам ўлими учун интиқом олгани кетмоқдаман, хуллас, Доро тахтини эгалламоқчиман, дея овоза қилганча шиддат билан Агра томонга қараб юрди. Бу билан у Шоҳ Жаҳонни мактуб битишга, мактубда унинг олға қараб юришини тақиқлашини, касаллиги жиддий эмаслиги, у аллақачон тузала бошлаганини айтишга мажбур қилди. Бироқ, Султон Шужонинг саройда дўстлари бор эди, улар Шоҳ Жаҳоннинг касали хатарли эканини айтишгани учун унинг ўлганига амин бўлишгани, борди-ю, агар ҳукмдор тирик бўлса, у унинг оёғини ўпишга ва фармонларига қулоқ солишга тайёр эканини баҳона қилиб, олға қараб юришда давом этди.

У билан кетма-кет ва қарийб бир вақтда катта шовқин кўтарган ва Аграда боришга тайёр бўлган ҳолда Дакан томондан Аврангзеб ҳам қўшин тортиб йўлга тушди.

Шоҳ Жаҳон томонидан ҳам, Доро томонидан ҳам унга ўшандай тақиқловчи мактубни етказишди, Доронинг мактубида қўшимча тарзда дўқ-пўписалар ҳам бор эди. Бироқ у ҳам Султон Шужо қандай йўл тутган бўлса, шундай йўл тутади ва ўшандай жавоб қайтаради. Лекин молия томондан сикилиб қолганини ва шахсий тасарруфидаги аскарларнинг ночорлигини кўриб, у иккига ҳийла ўйлаб топади ва уларни усталик билан амалга оширади — бири Мурод Бахшга, иккинчиси Амир Жумлага нисбатан қўлланганди.

Мурод Бахшга у чиройли қилиб шошилинч мактуб йўллади, мактубда унинг самимий ва қиёматлик дўсти эканини, тахтга асло даъво қилмаслигини, умр бўйи дарвешона ҳаёт кечириб келаётганини айтади. Лекин Доро давлатни бошқаришга ноқобил одам, кофир-мажусий, барча бош амирлар жиндан ёмон кўрадиган нусха, Султон Шужо эса форсий, тақводор, бинобарин, Ҳиндистоннинг душмани ва гулчамбар тожига номуносиб, демак, қисқа қилиб айтганда, фақат у, яъни Мурод Бахш тожга даъвогарлик қилиш учун

чинакам асосларга эга, уни саройда кутиб туришибди, унинг шон-шавкати-ни яхши билган сарой аҳли унинг тарафида бўлади. Шахсан Аврангзебнинг ўзига келганда эса, борди-ю, тахтга чиққудек бўлса, Мурод Бахш унга салтанатнинг бир бурчагида тинчгина яшаши, қолган умрини тоат-ибодатда ўтказишга имкон бераман деб ваъда қилади, Аврангзеб унга бориб қўшилишга, маслаҳатлари, дўстлари билан унга ёрдам беришга, Доро ва Султон Шужо билан олишув учун бутун қўшинини унинг ихтиёрига топширишга тайёр эканини билдиради. Ҳозирча унга юз минг рупия жўнатади (бизнинг пулда тахминан эллик минг экюга тўғри келади) ва уни дўстлиги гарови сифатида қабул қилишини сўрайди. Унга яна Сурат қалъасини қандай қилиб тезда эгаллашни маслаҳат беради, унга маълум бўлган давлат хазинаси қаерда жойлашганини айтади.

Унчалик бадавлат ва қудратли бўлмаган Мурод Бахш Аврангзебнинг таклифларини ва унга юборилган юз минг рупияни зўр севинч билан қабул қилди. У Аврангзебнинг мактубини барчага кўрсатди, ёшларни қўлга қурол олишга ва унинг тарафига ўтишга даъват этди, йирик савдогарлардан эса уни пул билан тезроқ таъминлашни қаттиқ туриб талаб қилди. У жиддий равишда ўзини ҳукмдор деб ҳисоблай бошлаганди, ҳаммага тоғ-тоғ ваъдалар берарди ва пировардида ажабтовур қўшинини жангга шай қилишга муваффақ бўлди, ундан Сурат қалъасини қамал қилиш учун, гарчи ахта бўлса-да, жасоратли жангчи Шох Аббос бошчилигида уч минг одамни ажратиб олди.

Аврангзеб Гўлкўнда султонининг қизини олиб берган тўнғич ўғли Султон Маҳмудни ҳамон Калиани қалъасини қамал қилиб турган Амир Жумла ҳузурига юборди ва унинг олдига, Давлатободга етиб келишини астойдил илтимос қилди, унга айтадиган ҳаддан ташқари муҳим гапи борлигини айтди. Нима гаплигидан шубҳаланган Амир Давлатободга боришдан бош тортди, Шох Жаҳон ўлмаганини, бу борада ишончли далиллари борлигини очиқ-ошқора маълум қилди. Бундан ташқари унинг бутун оила аҳли Аграда, Доронинг қўлида турибди, шу боисдан ҳам у Аврангзебга ёрдам ҳам беролмайди, ўзини унинг тарафдори деб эълон ҳам қиюлмайди. Ҳеч нарсага эришолмай ва амирдан қаттиқ хафа бўлиб, Султон Маҳмуд Давлатободга қайтиб кетди.

Бироқ Аврангзеб эсанкираб қолмади ва амир ҳузурига яна одам юборди, лекин Султон Маҳмудни эмас, иккинчи ўғли Султон Аъзамни юборди, у отасининг мактубини элтиб берди ва ўзининг ҳалимлиги ва дўстлик борасидаги ишончли сўзлари билан амирни шундай авраб ташладики, амир тан беришга мажбур бўлди. Калиани қамалини тезлаштириб, у имтиёзли шартлар билан қамалдагиларни таслим бўлишга ундади, қўшинининг сара аскарларини олди-да, жадал суръатлар ила Султон Аъзам билан бирга кетди.

У етиб келгач, Аврангзеб уни “бобо”, “бобожон” деб сўйиб-эркалаб қарши олди, юз бора бағрига босиб, кучоқлади, сўнг бир четга олиб борди-да, “Ишончли одамларим келтирган гапларга қараганда, модомики амирнинг оила аҳли саройда, Доро ёнида экан, таваккал қилиши ва унинг (Аврангзебнинг) фойдасига ошқора бирон тadbир қўллаши тўғри келмайди, аммо бир оз ҳийла ёрдамида бартараф этиб бўлмайдиган у қадар катта қийинчиликлар йўқ”, — деди у. “Сизга, — деб сўзида давом этди у, — бир қарашда ғалати туюладиган бир режани таклиф этсам, бироқ, гаровда турган хотин ва бола-чақаларингиздан хавотир олганингиз учун мен уларнинг хавфсизлигини таъминлаш воситаси сифатида сизни хўжакўрсинга ҳибсга олишимга ва зиндонга солишимга изн беришингизни таклиф этаман. Шубҳа йўқки, ҳамма бунни жиддий деб ўйлайди, тўғри-да, сиздек одамни шунчаки ҳавас учун зиндонда ўтиради, деб кимнинг ҳам хаёлига келарди. Шу билан бирга сизнинг қўшин ва замбарақларингиздан ҳам фойдаланиб қоламан, чунки сиз бунни қулай деб топгайсиз. Ўзингиз илтари кўп мароталаб таклиф қилганингиздек, сиз менга бирмунча пулни қарзга бериб туришингиз мумкин, шуларнинг барчасига эга бўлгач, назаримда, мен бахтимни синаб кўра олар эдим ва биз биргаликда чоралар кўра олар ва менинг нима қилишим кераклигини атрофлича фикрлаб олар эдик. Агар сиз ундан ташқари ўзингиз тўла хўжайини бўладиган ва сизни менинг ўз ўелим Султон Маҳмуд ёки Султон Аъзам кўриқлайдиган Давлатобод қалъасига олиб боришим учун изн берсангиз, олам гулистон бўлар

эди. Бунга Доро нима дейиши, хотинингиз ва бола-чақаларингизни таҳқирлаш учун унда қандай асослар бўлиши мумкинлигини тасаввур этолмайсиз”.

У Аврангзебга қилган дўстона саждасиданми, ёки олган буюк ваъдалариданми, ёхуд ёнгинасида тиш-тирноғи билан қуролашиб олган Султон Аъзам ва укасининг гапига киргани учун унга хўмрайиб қараб турган Султон Маҳмуддан кўрққаниданми (унинг таклифини рад этгани учун бўлса керак, у кириб келганида гўё урмоқчи бўлгандек Султон Маҳмуд ҳатто бир оёғини кўтариб қўйган эди) — ҳар қалай, амир Аврангзебнинг барча истаklarини бажаришга рози бўлди ва зиндонга тушиш борасидаги режани маъқуллади. Шунда Аврангзеб узоқлашиши ҳамон унинг тўпчибошиси виқор билан амирга яқинлашди-да, Аврангзеб номидан орқасидан юришга амр этди ва хона эшигини қулфлаб, ишончли посбон қўйиб қўйди; ўша вақтда Аврангзеб қўл остида бўлган барча аскарлар уй атрофида саф тортган эди.

Амир Жумланинг ҳибсга олингани ҳақидаги овозалар тарқалар-тарқалмас дарҳол катта ғалаён бошланди. Гарчи содир бўлган воқеадан ҳайратга тушган бўлишса-да, у ўзи билан олиб келган барча одамлар уни озод этишга қарор қилишди ва посбонни ўлдириб, зиндонни бузиб ташлаш учун қўлларида қурол билан югуриб келишди; бундай қилиш уларга чўт эмас эди, чунки бундай кескин тадбир учун Аврангзеб етарлича қўшин тўпламагани ва Амир Жумла исмининг ўзиёқ барчани зир титратиб юборарди. Бироқ бу ердаги барча ишлар хўжақўрсинга бўлаётганидан ғалаёнлар тезда тинчлантирилди, бунда амининг қўшин бошлиқларига усталлик билан тушунтиришлари ва Аврангзебнинг ҳозир бўлиши кифоя қилди. Аврангзеб иккала фарзанди билан ўша ерда турган бўлиб, гоҳ униси, гоҳ буниси билан гаплашар ва ўзини ўта жиддий тугмоқда эди. Ниҳоят, уларга инъом этилган совға-саломлар ва ваъдалар ҳам ўз ишини қилганди; натижада амининг барча қўшини ва ҳатто Шоҳ Жаҳон қўшинининг катта қисми бу ерда зўр англашилмовчилик бўлганини ва йўлбошчиларидан маҳрум бўлишганини кўриб, Аврангзеб томонга ўтишди; Шоҳ Жаҳон ўлганлиги ёки ўлим тўшагида ётганлиги, улар маошининг ошганлиги ва ҳозироқ уч ой олдин тўланиши ҳақидаги ваъда хабари ҳам таъсир кўрсатди.

Амининг барча от-аравалари, ҳатто туялари ва чодиригача қўлга олган Аврангзеб Суратни қамал қилиш ва уни забт этишни жадаллаштириш мақсадида ҳарбий юришни бошлаб юборди, чунки Мурод Бахш жуда қийин аҳволга тушиб қолганди: унинг энг сара қўшини мана шу қамал билан банд эди, аммо улар шунақанги қаршилиққа дуч келишдики, бунақасини у кутмаганди. Бироқ бир неча кунлик юришдан кейин Аврангзеб навоб қалъани топширганидан хабар топди; у Мурод Бахшга табрикнома йўллади ва шу билан бирга унга Амир Жумла воқеасини баён этди, саройда унинг етарлича миқдорда кучи, маблағи ва алоқалари борлигини, ҳеч нимадан камчилиги йўқлигини, тўғри Брамipur ва Аграга боражанини ва уни йўлда кутиб туражанини айтди ва тезроқ бўлишини илтимос қилди.

Тўғри, Мурод Бахш Сурат қалъасида ўзи мўлжаллаганчалик маблағни топмади: бунга сабаб ё у ростданам шу миқдордаги маблағ бўлмаган (унга шундай дейишган) ёки, баъзилар айтганидек, навоб уларнинг бир қисмини ўзлаштириб юборган. Бироқ у ерда топган ўша озгина бисот унга Суратнинг буюк хазинасидан бойиб олиш пайида хизматга кирган аскарларга ҳақ тўлашда ёрдам берди. Тўғрисини айтиш керак, бу қалъани олиш билан жудаям мақтанишга унда асос йўқ эди, чунки унинг мустаҳкам истеҳкомлари йўқ эди; шундай бўлса-да, қамал бир ойдан зиёдроқ вақтга чўзилди; агар мина қўйиб портлатишни ўйлаб чиқарган голландлар бўлмаганида, қалъа ҳеч қачон қўлга кирмасди ҳам. Мина портлаб, деворнинг катта бўлаги ўпирилиб тушди, бу қамалдагиларни ҳанг-манг қилиб қўйди ва таслим бўлишга мажбур этди. Бу шаҳарнинг олиниши Мурод Бахш режасига ёрдам берди; Мурод Бахш Суратни олибди, у деворни қавлаб, мина қўйибди (бу ишни яхши билмаган ҳиндлар озмунча ҳайратга тушмадилар) ва у ердан катта хазина топиб олибди, деган овоза ҳар томонга ёйилди. Бу барча шов-шувлар ва дастлабки ютуқларга қадимий (Аврангзебнинг қатор мактублари ва йирик ваъдалари ҳам шуни тасдиқлайди), ўтқир сеҳнли, ўта жасоратли ва ўз хўжаси манфаатларига гоят содиқ ахта Шоҳ Аббос Мурод Бахш Аврангзеб билан ҳаддан ташқари апоқ-



чапоқ бўлмаслиги ва у билан қўшилиб кетишга у қадар шошмаслиги керак, деган фикрда эди. Бунинг ўрнига, у билан музокаралар олиб бориши, Аграга унинг бир ўзи кириб бориши учун имкон туғдириши лозим. Боз устига Шоҳ Жаҳоннинг бетоблиги ҳақида ишончли хабарлар келиб турарди ва иш қандай тус олишини олдиндан кўриш мумкин эди. Даромадлари дурустгина бўлган катта ҳудудда ҳукмронликни таъминловчи ажойиб маскан бўлмиш Суратни мустақамлаш мумкин бўларди. Эҳтимол, вақти келиб ҳатто Брампури ҳам эгаллашга муваффақ бўлишармиди. Брампур гоят муҳим йўл бўлиб, Даканга кириш дарвозаси вазифасини ўтарди.

Бироқ қўшин, аслаҳалар ва пулнинг етарли миқдорда эмаслиги муносабатин билан Аврангзебнинг қатор мактублари ва тўхтовсиз ундовлари, шунингдек, кўр-кўрона такаббурлик ва ортиқ даражада ҳукмрон бўлиш истаги Мурод Бахшнинг бу барча мулоҳазаларни бир чақага олмасликка, Аҳмадобод шаҳридан чиқиб кетишга, Гужаратни тарк этиб, Аврангзеб икки-уч кундан бери уни кутиб турган учрашув жойига шошилгинч этиб келиши учун тоғ ва ўрмонлар оша олга силжишга ундади.

Иккала қўшиннинг бирлашиши шарафига катта тантана ва ўйин-кулгилар ташкил этилганди, шаҳзодалар бир-бирлариникига ташриф буюришди. Аврангзеб Мурод Бахшга ваъдаларни қалаштириб ташлади, ўзининг дўстлигига мингинчи марта ишонтириб, тагин тантанали равишда онг ичиб айтдики, у зинҳор салтанатга даъвогарлик қилмайди, унинг умумий душмани бўлмиш Дорога қарши курашда унга ёрдам кўрсатиш, мунтазир турган тахтга уни миндириш, вассалом. Шу кўришув ва дўстлик исботидан кейин ҳар иккала қўшин олга силжиди, бунинг устига Аврангзеб бутун юриш давомида Мурод Бахшга ўзининг дўстлиги ва садоқатини ифодалашда давом этди, кўпчилик орасида ҳам, ўзаро суҳбатларда ҳам унга “ҳазрат” деб мурожаат қилди. Натижада Мурод Бахш шу нарсага узил-кесил амин бўлдики, Аврангзебнинг унга нисбатан дўстона туйғуси беҳад ва самимий. Гўлкўндадаги бир оз олдинги воқеаларни эслаш ва салтанатни эгаллаш учун ҳамма нарсадан воз кечишга тайёр одамнинг дарवेशона яшаш ва ўлишга қодирлигини тушуниш ўрнига, унинг оғзидан итоаткорлик ва эҳтиром туйғуларининг тумтароқли изҳори тушмаётганди.

Бирлашган иккала қўшин анча катта дастани ташкил этди, бу саройда зўр шовқин-сурон қўтарилишига сабаб бўлди, нафақат Дорони, балки Аврангзебнинг зеҳн кучи ва қатъиятини ва Мурод Бахшнинг жасоратини ўчириш гоят қийин бўладиган ёнғиннинг аланга олишини олдиндан кўра билган Шоҳ Жаҳонни ҳам ўйлатиб қўйди. Соелигим яхшиланаяпти, ҳар бирингиз ўз вилоятингизга қайтиб кетинг, ўтган ишга салават, ҳаммасини эсимдан чиқардим, деб у беҳуда мактуб устига мактуб ёзарди. Бу мактублар уларнинг олга томон силжиб боришларига асло халақит бермасди; Шоҳ Жаҳоннинг бетоблиги ҳамон хатарли бўлган ва буни тасдиқлайдиган одамлар, етарли миқдорда мавжудлиги учун улар ҳамон ўжарлик қилишдан тийилишмаётганди, бу хабарларни Доро атайлаб ёзаётганди деб ўйлашаётганди.

Фармонларини назар-писанд қилмаётган ўғилларини кўриб турган, ҳар бири ўз қўшинига бош бўлиб, Агра томон шитоб ила ҳаракат қилаётгани ҳақидаги хабарлардан соат сайин воқиф бўлиб турган шўрлик шаҳаншоҳ Шоҳ Жаҳон нима қилсин?

Боз устига, бемор бу одам олган ҳар бир нафасидан уруш ҳиди анқиб турувчи, ака-укаларини кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ Дородек одамнинг қўлида бўлса. Бундай аҳволда у нима ҳам қила оларди? Хазинани Дорога топширишдан, ундан Доронинг бемалол тасарруф этишига имкон беришдан, Шоҳ Жаҳоннинг билишича, Дорони ёқтирмайдиган ўзининг энг ишончли ва кекса лашкарбошилларини чақириб олишдан, уларни Доро учун ўзининг пуштикамаридан бўлган, Дородан минг карра ортиқ яхши кўралдиган фарзандларига қарши жангга отланишга даъват этишдан ўзга иложи қолмайди. У зудлик билан Султон Шужога қарши лашкар юбориши лозим, чунки у бошқалардан кўра кўпроқ илгарилаб кетганди, тобора яқинлашиб келаётган Аврангзеб ва Мурод Бахшга қарши бошқа қўшинни юбориш чорасини кўрмоғи зарур.

Султон Шужога қарши юборилган қўшинга Доронинг тўнғич ўғли Су-

лаймон Шайх қўмондон қилиб тайинланганди. У йигирма беш ёшлардаги хушбичим, ақлли ва яхши хулқ-атворли шаҳзода бўлиб, очиқкўнгиллиги ва саховатлилиги учун уни ҳамма, айниқса, Шоҳ Жаҳон жуда яхши кўрарди. Дордан кўра ўшани валиаҳдликка кўпроқ муносиб билиб, кўплаб бойликлар билан сарафроз этганди. Шу билан бирга Султон Шужонинг Бангалияга қайтиб кетишини Шоҳ Жаҳон афзал деб биларди. Қонли жанг бошлаш Шоҳ Жаҳоннинг ўзи учун ҳам яхши оқибатларга олиб келмасди, чунки бундай таваккалли иш туфайли фарзандларидан бири билан видолашиши турган гап эди, шунинг учун шаҳзодага ҳамроҳ қилиб бутун Ҳиндистоннинг энг бой ва қудратли рожаларидан бири Жессинг исмли кекса рожани юборди. У ўзининг элчиллиги билан бутун салтанатда ном қозонганди. Фақат сира иложи қолмагандагина жангга киришиш ва Султон Шужони нима қилиб бўлмасин, чекинишга ундаш, Шоҳ Жаҳоннинг касали тузалиб, Аврангзеб ва Мурод Бахш устидан ғалаба қозонилгунча ўз кучларини сақлаш ҳақида яширинча фармон берилганди.

Бироқ, айни куч-қувватга тўлган, қандайдир йирик жасорат билан ўзини кўрсатиш иштиёқида ёнган Сулаймон Шайх жанг қилишни хоҳларди. Султон Шужо эса Аврангзеб жангда ғалаба қозониб, давлат пойтахтлари Агра ва Деҳлини эгаллаб олишдан кўрқарди. Шу боис Жессинг жанг олдини олишга ночор қолади. Қўшинларнинг бир-бирига кўзи тушиши ҳаманоқ улар жангга шай бўлдилар ва бирмунча муддат ўтар-ўтмас салом-алик маъносида бир-бирга қараб замбараклардан ўт очишди. Мен бу жанг тафсилотларини баён қилиб ўтирмайман: тафсилот у қадар узун бўлмай, мароқли ҳам эмасди; бундан кейин каттароқ жанглар ҳақида тўхталишимизга тўғри келади ва ўшалардан майда жанглар тафсилотини билиб олиш мумкин бўлади. Биринчи тўқнашув ҳар иккала томон учун ҳам гоят шафқатсизларча ва қаттиқ кечганини айтиб ўтиш кифоя қилар деб ўйлайман. Бироқ, охирида Сулаймон Шайх Шужо устига шунақанги қатъият ва шиддат ила ҳамла қилдики, унинг қўшинларини тум-тарақай қилиб юборди, аскарлар чекинишга мажбур бўлишди ва сўнгра қоча бошлашди. Агар Жессинг ва дастлабки саркардалардан бири, гоят жасоратли киши, аммо рожанинг энг қилўтмас дўсти, унинг чизган чизгидан бир энлик ҳам чиқмайдиган патҳан Далилхон Сулаймон Шайхни астойдил қўллаб-қувватлашни истаганларида эди, тахмин қилишларича, Шужонинг қўшини ер билан яксон қилинган ва унинг ўзи асир тушган бўлар эди. Бироқ, рожанинг режасида уни ўлдириш тўғрисида гап йўқ эди, айнан тескари фармойиш берган Шоҳ Жаҳон ҳам буни режасига киритмаганди. Боз устига, Жессинг ўта нозик сиёсатдон бўлиб, ўз ҳукмдорининг пуштикамаридан бўлган фарзанд қонига қўлини бўяшни зинҳор истамасди.

Шужонинг чекинишга имкони етарли эди ва ҳатто кўп одам йўқотмаганди ҳам. Шундай бўлса-да, жанг майдони ҳамда бир қанча замбарак Сулаймон Шайхнинг қўлида қолганидан саройда Султон Шужо тор-мор этилибди, деган миш-миш яшин тезлигида тарқалди. Бу Сулаймон Шайхнинг нуфузини жуда кўтариб юборди ва Султон Шужо бирданига ҳамманинг назаридан тушиб кетди, илгари унга хайрхоҳ бўлган форслар ундан қаттиқ совиди.

Шужо ортидан бир неча кун таъқиб қилганидан кейин саройдан ҳар кунни хабар олиб турган, Аврангзеб ва Мурод Бахшнинг шиддат билан яқинлашиб келаётганидан хабар тошан Сулаймон Шайх Шужони таъқиб қилишни тўхтатди. Унинг отаси Доро дангалчи одам эканини ва кўплаб махфий душманлари борлигини у яхши биларди, чунончи зудлик билан Аграга қайтишни лозим топди, бу ерда афтидан Доро Аврангзеб ва Мурод Бахш билан жангга киришишни керак эди. Бунда яхши қарорга келиш ҳам амримаҳол эди, зеро, у ўз вақтида етиб келгудай бўлса, Аврангзебнинг ғалаба қозонолмаслигига ҳеч ким шубҳа қилмасди. Унинг ҳеч қачон жанг қилишга юраги бетламасди дейишдан ҳам тойишмасди, чунки кучлар ўртасидаги тафовут ҳаддан ташқари катта эди. Бироқ Доронинг мудҳиш тақдири бундай бўлишига йўл қўймади.

Жамна дарёси Ганга дарёси билан туташган жой — Оллоҳобод яқинида шу воқеалар содир бўлиб турганида Аградаги вазият мутлақо ўзгача тус олганди. Аврангзебнинг Брампура яқинида дарёдан кечиб ва тоғлардаги гоят оғир йўллардан юриб ўтгани ҳақидаги хабар саройни ҳанг-манг қилиб қўйди. Унинг Бнас

дарёсидан кечиб ўтишига халақит бериш учун шошилини равишда бир қанча дасталар юборилди, бу орада эса бутун қўшин жангга шай турарди.

Шу мақсадда қўмондон сифатида икки энг нуфузли ва қудратли аъён танланди. Шулардан бири Козимхон эди, у машҳур саркарда бўлиб, Шоҳ Жаҳонга ғоят содиқ эди, бироқ, Дорони унчалик хуш кўрмасди. Нима қилиб бўлса ҳам Шоҳ Жаҳонга ёқиб учун у ўз ихтиёрига қарши иш тутди, Шоҳ Жаҳон Доронинг қўл остида эканини у кўриб турарди. Иккинчи аъён Жессомсенг бўлиб, қудрат борасида Жессингдан асло қолишмасди. У Акбар замонида яшаган Рожа Ранага куёв бўлар эди ва шу қадар қудратли эдики, сал бўлмаसा рожаларнинг султони деб ҳисобланарди.

Уларнинг йўлга тушиши олдида Доро уларга катта дўстона илтифот кўрсатди ва ажойиб совғалар инъом этди. Бироқ уларнинг жўнаб кетишидан илгари Шоҳ Жаҳон рожа Жессинг Сулаймон Шайх билан биргаликда Султон Шужога қарши йўлга тушганида нималар деганини уларга сирли равишда шипшиб кўйишга улгурди. Шу боис улар юриш давомида фурсатни қўлдан бермай бир неча марта Аврангзеб ва Мурод Бахшга чопарлар юборди ва орқага қайтиб кетишни маслаҳат беришди; бироқ, барча уришишлар беҳуда кетди: улар юборган чопарлар қайтиб келмадилар, қўшин эса шу қадар шиддат билан олға интилар эдики, уни дарёдан унча узоқ бўлмаган тепаликлар устида кутылмаганидан анча илгарироқ кўришди.

Бу воқеалар ёзининг айна жазирама иссиқ кунларида бўлиб, дарёни саёз жойларидан кечиб ўтиш мумкин эди, шу боис Козимхон ва рожа зудлик билан жангга шайлана бошлашди; бундан ташқари Аврангзебнинг бу шахтидан шу нарсани англашдики, у буларнинг устига ҳамла қилмоқчи; бироқ ҳали унинг барча қўшини етиб келмаган эди, шунинг учун у уларни бир неча замбарак ўқи билан қарши олди, бундан мақсад: уларнинг ўзи дарёдан кечиб ўтиб, на фақат Козимхон қўшинининг сувга бориш йўлини кесиб кўйишлари мумкин эди, балки, унинг қўшини дам олиб, қулай жойни эгаллаб олиши ҳеч гап эмасди, шунга халақит бериш учун бирмунча муддат уларнинг диққатини чалғитиб туриш лозим эди. Дарҳақиқат, унинг қўшини мутлақо бетартиб ҳолда етиб келди, йўл уларни шунақанги қоқиб ташлаган, иссиқдан шунақанги силлалари қуриган эдики, агар уларга дафъатан ҳамла қилишганда ва сувдан четлатилганда борми, у албатта ортиқча қаршиликсиз янчиб ташланган бўлар эди. Бу биринчи тўқнашувда мен йўқ эдим, бироқ, ҳамма шу гапни айтарди, кейинчалик Аврангзеб қўшинида тўпларда хизмат қилувчи французлар ҳам менга шуларни ҳикоя қилиб беришган эди. Бироқ, Доро қўшини олган буйруққа биноан Аврангзебнинг дарёдан кечиб ўтишига халақит бериш мақсадида қирғоқда қолиш билан чекланиб қўя қолди.

Аврангзеб қўшинига атиги икки-уч кунгина дам олишга имкон берди ва мудом ғанимининг диққатини чалғитишга ҳаракат қилиб, уни дарёни кечиб ўтишга тайёрлаб борди. Кейин у жуда қулай жойда ўрнашиб олган тўпларини ишга солди ва отишма панасидан сувга тушишга буйруқ берди. Козимхон ва рожа ҳам ғанимни ҳайдаб юбориш ва дарёдан кечиб ўтишга халақит беришга ҳаракат қилиб, ўз томонларидан тўпларни ишга солишди. Аввалига жанг ғоят қизгин ва шиддатли кечди, чунки, Жессомсенг ҳаддан ташқари жасорат кўрсатмоқда эди. Козимхонга келсак, у яхши саркарда ва ботир киши бўлса-да, бироқ, ушбу ҳолатда ўз шавкати тўла намойиш эта олмади; айримлар ҳатто уни сотқинликда айблашди, ўқ-дори ва замбарак ўқларини тунда қум остига беркитиб қўйди, деб гап тарқатишди, чунки, тўплар икки-уч бор гумбурлагандан кейин жимиб қолган эди. Нима бўлганда ҳам, ҳали айтганимдай, жанг шиддатли кечди ва ғанимнинг дарёни кечиб ўтишига йўл кўйишмади. Дарё ўзанидаги харсангтошлар кечувни қийинлаштирарди ва қирғоқ ҳам айрим жойларда ғоят тик ва баланд эди. Бироқ, Мурод Бахш сувга шу қадар шиддат билан отилди ва шунақанги жасорат кўрсатдики, унга қаршилиқ кўрсатишнинг иложи қолмаганди. У дарёни кечиб ўтди ва унинг орқасидан қўшиннинг талай қисми ҳам иккинчи қирғоқда пайдо бўлди. Шунда Козимхон чекинишга мажбур бўлди, Жессомсенг эса шахсан катта хавф остида қолганди, чунки у барча душманларга қарши бир ўзи жанг қилиши лозим эди. Агар унинг ражпут аскарлари фавқулудда қатъият кўрсатишмаганда, у жойидан

бир қадам ҳам жилолмаган бўларди — ражпут аскарлари деярли битта қолмай унинг теварагида жон берганди. Бу жангда унинг хатар остида қолганини шу билан изоҳлаш мумкинки, у бир амаллаб душманлардан халос бўлгач, катта талафот кўрганидан Аграга боришдан воз кечиб, ўз мулкларига қайтиб кетди. У ўзи билан жангга олиб кетган етти-саккиз минг ражпут аскарларидан жуда нари борса беш ё олти юз қолган эди, холос.

Ўзларини ражпут, яъни рожанинг зурёдлари деб атовчи бу қавм авлоддан-авлодга фақат ҳарбий иш билан шуғулланиб келади. Улар бўйсунувчи рожалар ражпутларга ер беришади, шу шарт биланки, фармон берилган вақтда улар ҳар доим жангга киришишга тайёр бўлмоқлари лозим. Модомики, рожалар уларга мерос бўлиб қолувчи ер берар экан, уларни мажусий зодагонлар деб аташ мумкин. Улар катта афъюнкўрлардир, улар ютган афъюн миқдорини кўриб, ўзим неча бор ҳайратга тушганман, тўғри, улар бунга болалиқдан ўрганадилар. Жанг кунларида улар икки барабар кўп афъюн ютишади: бу гиёҳвандлик моддаси уларни руждангирса керак ёки, аниқроғи, маст қилса, хавфни сезмайдиган, карахт қилиб кўйса керак, чунки улар жангга қочиб нима-лигини билмай, шердай ташланадилар ва сабот билан жанг қилаётган рожалари оёғи остида жон берадилар. Уларга фақат тартиб-интизом етишмасди, жасорат деганларни ошиб-тошиб ётарди; афъюндан бошлари хумдай шишганча ўлишга қасд қилган одамлардай жанг олдида бир-бирлари билан кучоқлашишларини кўриш кишига зўр лаззат бағишлайди.

Буюк Бобуришоҳ, ўзи мажусийлар душмани бўлган ҳолда, хизматида кўплаб рожаларни сақлагани сабаби ҳам шунда эди; борди-ю, улар мусулмон қавмидан бўлганда ҳам кўшинда улар хизматидан фойдаланар экан, уларни бошқа амирлар билан бир сафга кўярди. Жессомсенг енгилиб қочгандан кейин унинг хотини, Рананинг қизи ўз эрини қанчалик совуқ қарши олганини тасвирлашмасдан ўтолмайман. Эрининг яқинлашиб келаётганини, жанг майдонида унинг нечоғли матонат билан жанг қилганини, висотида бор-йўғи тўрт-беш юз одам қолган ва ортиқ туришга бардоши етмай чекинишга мажбур бўлганини сўзлаб беришганида, хотини уни қарши олиш ва кўнглини кўтариш учун бировни юбориш ўрнига қуруққина қилиб қалъа дарвозасини ёпиб кўйишни ва бу аблаҳ одамни ичкарига кўймасликни буюрди. У менинг эрим эмас, мен уни кўришни истамайман, буюк Рананинг куёви бу қадар тубан бўлиши мумкин эмас, дебди. Бундай аслзодалар хонадонига кириб келгач, у бу хонадон шавкатидан ибрат олмоғи лозим эди, хуллас, у ё енгилши, ё ўлиши керак эди. Зум ўтмай унинг миясида бошқа ўйлар чарх уради: у гулхан ёқишга амр этади, мени алдашайпти, менинг эрим жангда ҳалок бўлган, бундан бошқача бўлиши мумкин эмас, мен ўзимни тириклай ўтда куйдирмоқчиман, дейди. Бир оз ўтгач, у қарорини тагин ўзгартиради, ғазабга минади, эрини қарғишларга кўмиб юборади. Хуллас, саккиз ё тўққиз кунни у ана шундай тутақиб ўтказди, то онаси келмагунча эрини қалъа ичкарисига киритмайди. Онаси келиб, уни бир оз тинчлантиради ва юпантиради, рожа бирпас дам олиб олсин, янгитдан кўшин тўплаб, Аврангзебга қарши жанг қилади ва қандай қилиб бўлмасин, ўз шаънини тиклайди, деб ваъда беради. Шу муносабат билан бу мамлакат хотин-қизларининг жасорати ҳақида фикр юритиш мумкин; бунга мен шунни қўшимча қилмоқчиманки, эри ўлгандан кейин хотинларнинг ўзини тириклай оловда ёққанини бир неча бор ўз кўзим билан кўрганман. Бироқ, яна шу нарсани таъкидлайманки, номус ҳақида жамоатчилик фикри, инон-этиқоди, удуми, умиди ва тушунчасидан кўра кучлироқ ҳеч нарса йўқ.

Дарё бўйида содир бўлган воқеалардан хабар топгач, Доронинг Козимхондан шунақанги ғазаб келдики, агар у қўли остида бўлганида, ҳеч шубҳасиз, шартта калласини олган бўларди. Биринчи ва асосий айбдор сифатида Амир Жумладан ҳам қаттиқ ғазабланди, чунки Аврангзебга одамларни, пулларни ва тўпларни у берган эди-да, Доро унинг ўғли Муҳаммад Амирхонни ўлдирди, унинг хотини ва қизини бозорга, яъни фоҳиша хотинлар сотиладиган бозорга юборишга аҳд қилди. Агар Шоҳ Жаҳон жуда уddaбуронлик ва юмшоқлик билан уни ғазабдан туширмаганида у бундан бешбаттарини ҳам қилишдан тоймасди. Шоҳ Жаҳон айтдики, Амир Жумланинг кўлидан бундай аҳмоқлик келиши ва оиласи манфаати деб Аврангзеб билан дўст бўлиши мумкин

эмас. Шубҳасиз, Аврангзеб ўзининг аблаҳона айёрликлари билан уни алдаган ва у тузоққа тушган.

Аврангзеб ва Мурод Бахшга келсак, биринчи тўқнашувнинг яхши якун-ланиши уларнинг кайфиятини шу қадар кўтариб ва улар қўшинини шу қадар руҳлантириб юбордики, улар ўзларини шу дамдан ҳеч қачон енгилмас ва ҳар қандай тўсиқни бемалол бартараф этишга қодир деб биладилар. Ўз аскарларини янада руҳлантириш учун Аврангзеб Доро қўшини ичда унга содиқ сарбозлардан ўттиз минг нафари бор деб баралла мақтана бошлади; кейинчалик маълум бўлдики, бу қуруқ гап эмас, бориб турган ҳақиқат экан.

Мурод Бахш, айниқса, жанг деса ўзини томдан ташларди, иложи борица тезроқ олға юришни истарди, бироқ уни шахтидан қайтариш учун Аврангзеб бу ажойиб дарё қирғоғида қўшин бирмунча муддат дам олиши зарур дерди, бу орада ўзининг барча дўстларига хат ёзади-да, саройдаги аҳвол ва ишнинг қандайлигини яхшилаб билиб олади. Шу боис у бир неча кун дам олгандан кейингина Агра томонга йўл олди, иложи борица қунт билан ва ўз вақтида чоралар кўришни яхшилаб дилида пишитиб олиш учун у гоят секин ҳаракат қилмоқда эди.

Аврангзеб ва Мурод Бахшнинг ниятларини яққол кўриб турган ва уларни орқага қайтаришга умид йўқлигини тушунган Шоҳ Жаҳон ҳаддан ташқари қийин аҳволга тушиб қолди ва нима қилишини билмай боши қотди. Катта мусибатни олдиндан кўрган ҳолда у Доро қизғин тайёрланаётган бу ҳал қилувчи жангга халақит бермоқчи бўлди. Хўш, халақит бериш учун у нима ҳам қила оларди? Касалликдан кейин у гоят заифлашиб қолганди ва мен илгари ҳам айтганимдек, ўзи унчалик ишонмайдиган Доронинг бутунлай қўл остида эканини тушунарди. У Доро нимани истаса, ҳаммасига “хўп” деб туришга, ундан бор кучини ва давлат маблағларини аямасликка ва барча лашкарбошилар унга бўйсунинглар деб фармон беришга мажбур эди. Ҳамма тезлик билан қуроқланди. Билмадим, Ҳиндистон ҳеч қачон бундай ажойиб қўшинни кўрганмикан. Чамамда, унда камида юз минг суворий ва саксонга тўп билан йигирма мингдан ортиқ пиёда аскар бор эди, тинч вақтда бўлганидек, уруш вақтида ҳам қўшинни таъминлаш учун зарур бўлган беҳисоб хизматкорлару савдогарлар бу ҳисобдан ташқари. Менимча, кўп ҳолларда уларни ҳам жангчилар қаторига қўшар эдилар. Уч юз ёки тўрт юз минг нафар одами бўлган бундай улкан қўшин ҳақида кўп китобларда айтилган. Гарчи бу қўшин гоят мукамал ва ҳаракатчан, Аврангзебникидақа қўшиндан икки ёки уч бараварини ҳам тариқдай тирқиратиб юбориш даражасида кучли бўлса-да (ҳолбуки Аврангзеб қўшинида бор-йўғи ўттиз беш-қирқ минг нафар одам бор эди, улар ҳам энг жазирама иссиқ вақтдаги ҳарбий юришлардан сўнг қаттиқ силласи қуриганди, тўплари ҳам Доро тўпларига қараганда хийла кам эди), шунга қарамасдан (ажабланарли жойи ҳам шунда эди) Доронинг галаба қозонишига деярли ҳеч ким ишонмасди. Гап шундаки, нуфузли амирларнинг кўпчилиги унга нисбатан адоватда эди ва у ишонадиган энг яхши аскарлар Сулаймон Шайх қўшинида эди. Унинг дўстлари ичидан энг содиқлари ва ҳушёрлари ва Шоҳ Жаҳоннинг ўзи ҳам унинг жангга киришидан хавотирланишлари боиси ҳам шунда эди. Шоҳ Жаҳон касаллигига қарамасдан Аврангзебга қарши жангга ўзи боришни таклиф қилди, бу сулҳ ишига ва Шоҳ Жаҳон манфаатларига яхши ёрдам бериши тайин эди, чунки Аврангзеб ва Мурод Бахш ҳеч қачон ўз оталарига қарши жанг қилишга журъат этишолмасди, борди-ю, бунга журъат қилганларида ҳам охири бахайр бўлмасди: имкониятлар ҳаддан ташқари номутаносиб эди ва барча асосий амирлар Шоҳ Жаҳонга шу қадар содиқ эдиларки, агар қўшин тепасида унинг ўзи турганини кўришгудек бўлса, жон олиб-жон бериб жанг қилишларига заррача шубҳа йўқ эди. Ҳатто Аврангзеб ва Мурод Бахш лашкарбошилари ҳам бу ҳукмдорни севар ва ҳурмат қилар эдилар, чунки улардан кўпчилигини Шоҳ Жаҳоннинг ўзи тарбиялаб ўстирган бўлиб, айтиш мумкинки, бутун қўшин унинг шогирдлари ҳисобланарди. Улар ичидан биронтасининг ҳам унга қарши қилич яланғочлаб чиқишига ҳеч кимнинг кўзи етмасди.

Бундан ташқари Дорога шундай маслаҳат беришганди: борди-ю, уларнинг кўрсатмаларига риоя қилишни истамайдиган бўлса, у, жилла қурмаганда, шо-

шилмасин, ҳарбий ҳаракатларни пайсалга солиб турсин ва уларга келиб қўшилиш учун келаётган Сулаймон Шайхга фурсат берсин. Бу ҳам ёмон маслаҳат эмасди, чунки шаҳзодани ҳамма севарди, у доим галаба билан қайтарди ва илгари айтганимдек, Доро ихтиёрида нечтаки содиқ хизматкор ва жасур жангчилар бўлса, барчалари унинг қўшинида эди. Бироқ, Доро ҳеч кимнинг таклифини эшитишни истамади, у тезроқ жанг бошлана қолсаю, Аврангзебга қарши бир ўзи жанг қилса — фақат шуни ўйларди, холос. Балки, агар у ўз тақдирини ўзи ҳал қилишга қодир ва ўз режаларини муваффақиятли адо этишга кўзи етгудек бўлса, бу унинг шаъни ва шахсий манфаати учун ёмон бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Унинг миясида тахминан шундай фикрлар чарх урар ва улардан баъзиларини ҳатто очиқ-ошкор айтарди ҳам. У Шоҳ Жаҳонни ўз қўлида тутиб турган ва уни истаган кўйига сола оладиган ҳукмдор қиёфасида кўриб турарди. Шу билан бирга Шоҳ Жаҳоннинг бутун хазинаси ва давлат қўшини унинг ҳукми остида эди. Султон Шужони энди чалажон ҳукмдор деб ҳисобласа бўлаверарди, қолган иккала укаси ўзларининг заиф ва ҳолдан тойган қўшини билан ўзларини унинг қўлига топшириб қўйишганди. Борди-ю, Доро жангда ютиб чиққудек бўлса, улар ундан қутулиб чиқа олишмасди ва Доро ўша заҳоти барча давлат ишларини бутунлай қўлга оларди. Доро айнан шу нарсага жон-жаҳди билан интилмоқда ва ҳеч ким унга қаршилик кўрсатиш ва ёки ундан салтанатни тортиб олишга журъат қилолмасди. Борди-ю, Шоҳ Жаҳон жангга киргудек бўлса, барча ишлар жой-жойига тушади-қолади, ака-укалар ўз вилоятларига қайтишади, бутунлай соғайиб кетган Шоҳ Жаҳон яна давлат тизгинини қўлга олади — ҳуллас, ҳамма нарса яна ўзининг олдинги ҳолатига қайтади. Борди-ю, у Сулаймон Шайхни кутиб турадиган бўлса, Шоҳ Жаҳон унинг учун номақбул бўлган қандайдир режалар тузиши ёки Аврангзеб билан биргаликда нимадир қилиши мумкин. Агар бу ҳолда жангда ютиб чиққудек бўлишса, унинг хизмати ҳар қанча улуг бўлмасин, барибир, Сулаймон Шайхнинг шунчалик баланд обрў-эътиборига қарамай, галабадан келган барча шон-шухрат тагин шу Сулаймон Шайх номига ёзилган бўлур эди. Шунча шон-шухрат ва муваффақиятдан гурурланиб кетган, айниқса, Шоҳ Жаҳон ва амирларнинг кўпчилиги ўртасидаги дўстлиги ва уларнинг марҳаматига суянган Сулаймон Шайхга қарши бирон-бир чора кўришга уларнинг қандай ҳадди сиғарди? Унинг оз бўлса-да, ўзини қўлга ола билишига, отасини ҳурмат қилишига ким кафолат бера олади? Унинг бу манманлиги охир-оқибатда нималарга олиб келмайдиган?

Мана шу мулоҳазалар Дорони атрофдагиларнинг маслаҳатига қулоқ солмасликка ва ўз йўлидан қайтмасликка ундарди. Бинобарин, у зудлик билан юришни бошлаш ҳақида қўшинга фармон берди. Хайрлашгани бу пайтда Агра қалъасида турган Шоҳ Жаҳон ҳузурига келди. Бечора қария ўғлини кучиб, йиғлаб юборди, бироқ ўзини қўлга олиб, барибир қатъий оҳангда шундай деди: “Хўп, Доро, модомики ўз билганинча иш тутмоқчи экансан, бора қол, худо ўзи сенга ёр бўлсин. Бироқ, гапларим эсингда бўлсин: борди-ю, жангни бой берсанг, ҳузуримга оёқ босма”. Бу гап ўлига заррача таъсир қилмади, у тез чиқиб кетди, отга ўтирди. Аградан йигирма чақиримча наридан Чамбил дарёси кечувини эгаллаш учун йўлга тушди. Бироқ, у ўзига етганча айёр ва ақлли эди. Ҳамма нарсани миридан-сирингача етказиб турадиган айғоқчи ва хос одамлари беҳисоб эди. Бу кечув гоят оғирлигини унинг ўзи ҳам билар эди, чунончи, ундан кечиб ўтишга уринмай, эҳтиёткорлик юзасидан бу фикрдан қайтди. У кечув яқинига бориб жойлашди, чунки Доронинг ўрдасидан унинг чодирлари кафтдагидек кўриниб турарди. Ие, у нималар қилипти, ўзи? У Шемпет исми кўзғолон кўтарган рожалардан бири билан музокара олиб борарди, унга совға-саломлар инъом қилар ва агар у унинг ерларидан ўтишга имкон берса, янада кўпроқ берар эди. Бу ерларга етиб олса, дарёни бемалол кечиб ўтса бўладиган жой борлигини у биларди-да, Шемпет рози бўлди ва ўз мамлакатининг тоғ ва ўрмонлари оша ўтадиган йўлни кўрсатишини айтди. Аврангзеб ўша кун тундаёқ шовқин-суронсиз ўрдасини олди, Доронинг кўзини шамғалат қилиш учун бир нечта чодирни қолдирди. Кечасию кундузи шовқинчи йўл босиб, то Доро бундан хабар топгунга қадар дарёнинг нариги тарафига ўтиб олди. Шундай қилиб, Доро ўзининг дарёдаги жойини тарк этиш-

га, истеҳкомини ташлаб кетишга ва душманини таъқиб қилиш учун олға ҳаракат қилишга мажбур бўлди. Унга хабар қилишларича, Жамна дарёсигача етиб олиш ва у ерда ҳеч бир қийинчиликсиз қулай жойлашиб олиш, сувдан фойдаланиш, кучларини яхшилаб жойлаштириб олиш ва Дорони кутиб туриш учун Аврангзеб шиддат билан Агра томон кетиб борарди. У Аградан беш чақиримча нарида ўрда қуриб олди, бир вақтлар у Самонгир деб аталарди, ҳозир эса Фотиҳобод, яъни ғалаба жойи номи билан машҳур эди. Бирмунча муддатдан сўнг Доро ҳам ўша дарёнинг соҳилидан унча узоқ бўлмаган жойда, Агра билан Аврангзеб қўшини ўртасида ўрда қурди.

Уч-тўрт кунгача ҳар иккала қўшин жангга киришмай, бир-бирига юзмаюз турди. Бу орада Шоҳ Жаҳон Дорога бир неча мактуб йўллади, Сулаймон Шайх яқиндалигини, шошмасликни, Аграга яқинроқ келишни, қулай жойни эгаллашни ва маҳкам ўрнашиб олишни, Сулаймонни кутишни айтди. Бироқ, Доро унга, уч кун ичидаёқ Аврангзеб ва Мурод Бахшнинг қўл-оёғидан боғлаб оёғингиз тагига келтириб ташлайман, ундан кейин уларни нима қилсангиз ўзингиз биласиз, деб жавоб қайтарди. Узоқ кутиб ўтирмасдан у қўшинларини жой-жойига қўйди-да, жангга ҳозирлик кўра бошлади.

Суворийлар йўлини тўсиш учун у биринчи қаторга бир-бирини занжир билан боғлаб, тўшларни териб қўйишни буюрди. Замбарақларнинг ортидан кўллаб салт туяларни сафлади, уларнинг олд томонидан катталиги икки пилта милтиқча келадиган майда тўшларни боғлаттирди (бу бизнинг соллар четига палахмонларни ўрнатиб қўйишимизга ўхшаб кетарди), туяда ўтирган одамлар тушмасдан бу тўшларни ўқлай ва ўқдан бўшата оларди. Бу туялар ортидан катта миқдордаги пилта милтиқчилар саф тортганди. Қолган қўшин асосан қилич, ўқ-ёй билан қуролланган сарбозлардан иборат эди, улар, одатда, мўғуллар каби қуролиланган эди (яъни шу маънодаки, ҳозирги тушунчамизда — мусулмон динига кирган оқ танли одамлар: форслар, турклар, араблар ва ўзбеклар эди) ёки одатда қилич ва найза билан қуролланган оддий ражпутлар эди. Мана шу жангчилардан ташқари яна, менинг наздимда, уч турлик даста тuzилганди. Унг қанот ўтгиз минг мўғулга қўмондонлик қиладиган Халилуллоҳонга топширилди. У бу пайтда менинг оғам бўлган Донишмандхон ўрнига буюк бахши, яъни барча суворийларнинг бош лашкарбошиси бўлди. Донишмандхон бу мансабни ўз ихтиёри билан рад этди, у Шоҳ Жаҳоннинг Дорога қарши туришларини ҳар доим очиқ-ойдин қўллаб-қувватлагани ва Шоҳ Жаҳон бундан мамнун бўлгани учун Доро уни ёқтирмаганидан шундай қилганди. Агар ўз ихтиёри билан кетмаса, Доро уни зўрлаб ҳайдаб юборишдан хавфсирарди. Чап қанот рожа Чатресал ва рожа Ромсинҳ Рутле билан биргаликда жуда таниқли ва жасур саркарда Рустамхон Даҳнийга топширилди.

Аврангзеб билан Мурод Бахш ҳам ўз навбатида қўшинларини деярли мана шу тартибда жойлаштиришганди, бироқ, ўнг ва сўл қанолларда турган айрим амирларнинг қўшинлари орасига улар бир қанча кичик дала тўшларини яширган эдилар. Айтишларича, бу Амир Жумла ўйлаб топган ҳийла бўлиб, мақтовга сазовор деса бўларди. Бошқа ҳарбий ҳийлалар ўйлаб топилмаганди, фақат онда сонда таёқ учига боғлаб қўйилган гранатага ўхшаш “бани” улоқтирувчилар қўйиб чиқилганди. “Бани”ларни узоқдан суворийларга қараб улоқтирилар, отларни қаттиқ чўчитиб юборилар, гоҳо ярадор қилиб, ўлдирар ҳам эди. Тўғриси айтганда, бу суворийлар жуда тез ҳаракат қилар ва ёйдан шиддат билан ўқ ёғдирар эди. Пилта милтиқдан икки марта ўқ узилгунга қадар суворий камондан олти мартагача пайкон йўллашга улгурарди. Суворийлар саф-саф, тўда-тўда бўлиб, алоҳида қўмондон раҳбарлиги остида зич ҳолда турарди. Айниқса, шамширга навбат келганида яна ҳам жипслашиб кетар эди. Бироқ, умуман олганда, бизнинг яхши қуролланган қўшинларимизга нисбатан бу қўшинни у қадар мақтагулик деб бўлмасди. Бу ҳақда мен кейинроқ яна сўз юритаман.

Барча қўшинлар жой-жойига қўйиб бўлингач, ҳар икки томондан тўшлар отишмаси бошланди. Уларда жангни, одатда, тўшлар бошлаб беради. Кейин пайконлар уча кетди, бироқ тўсатдан шунақанги шаррос ёмғир ёға бошладикки, жанг тўхтаб қолди. Ёмғир тингач, яна тўшлар гумбурлай кетди ва шу аснода улкан пейлон филида Доро пайдо бўлди. У бутун қўшин бўйлаб ҳам-

лага ўтишга буйруқ берди. Ўзи эса каттакон суворийлар тўдаси ўртасида тўғри душман тўпчилари устига қараб ҳаракат қила бошлади. Тўплар уни шиддат ила қарши олар, унинг атрофидагиларни тутдай тўкар эди, бундан нафақат у кўмондонлик қилаётган тўладаги суворийлар, ҳатто орқадан келаётган суворийлар ҳам саросимага тушиб қолди. Бироқ, Доронинг ҳамон филда ўтирганини, чекинишни хаёлига ҳам келтирмаётганини, қўли билан имлаб ҳаммани унинг ортидан олға қараб ҳаракат қилишни кўрсатаётганини кўриб, суворийлар ўзларини ўнглаб олишди. Ҳар ким сафда ўз ўрнини эгаллади ва Доро ортидан олға силжий бошлади. Бироқ, у душман тўпчиларига янада яқинроқ борганида тўплардан иккинчи марта ўқлар узилди ва яна суворийларни тўзғитиб юборди, кўплар орқага чекинишга мажбур бўлди. Лекин Доро саросимага тушмади, маҳкам турганча одамларини олға ундаб, вақтни бой бермасдан қўли билан олға қараб тезроқ ҳаракат қилиш лозимлигини кўрсата бошлади. Шиддат билан ҳаракат қилганча у тўплар сафини ёриб ўтди, занжирларни узиб, тўпларни ажратиб ташлади, ўртага кириб борди ва туялар, пиёдалар, йўлда ким тўғри келса барчасини қочишга мажбур қилди, бу билан ортидан келаётган суворийларга ажабтовур йўл очиб берди. Шунда душман суворийлари билан шиддатли жанг бошланиб кетди. Аввалига у томондан ҳам, бу томондан ҳам ўқлар ёмғирдай ёғди, Доронинг ўзи ҳам пайконлар отар эди. Бироқ, нафсиларини айтганда, пайконлар айтарли иш бермаётганди, деярли ўндан тўққиз қисми ҳавода кўздан йўқолар, нишонга бориб тегиш ўрнига ерга санчилиб, синар эди. Дастлабки тўп гумбуридан кейин душманлар бири-бирига яқинлашадилар ва ниҳоят навбат қиличбозликка етади, сафлар аралаш-қуралаш бўлиб кетади, қўл жанги бошланиб, ҳар икки томон жоғ олиб-жон бериб олишади. Доро ҳамон фил устида маҳкам ўтирганча далда берад, қичқирад ва ҳар томонга қараб ишоралар қилар эди. Ниҳоят у шиддат билан шунақанги олға ингиладики, душман суворийларини тумтарақай қилиб чекинишга ва орқага қочишга мажбур этди.

Ўша ердан сал нарида фил устида бўлган Аврангзеб ҳам бу тартибсизликни кўриб, бор кучи билан аҳволни яхшилашга уринди, бироқ, бефойда. Доронинг тазйиқини тўхтатишга ҳаракат қилганча у ўзининг энг яхши суворийлар дастасини олдинга сурди, бироқ бир неча муддатдан сўнг бу даста ҳам тирқираб кетиб, чекинишга мажбур бўлди. Аврангзебнинг бунга халақит бериш учун қилган барча уринишлари зое кетди. Бироқ унинг жасорати ва қатъиятига эътибор қилмай иложимиз йўқ: у бутун қўшиннинг пароканда бўлганини ва қоча бошлаганини кўриб турарди, қаттиқ туриб жанг қилаётган аскарларининг сони мингтадан кўп эмасди (баъзиларнинг менга айтишича, улар беш юзгача эди, холос), йўлнинг нобоплиги, айрим жойларда жарликлар ва ўнқир-чўнқирликлар бўлишига қарамай, Доронинг устига бостириб келмоқчи бўлаётганини ҳам кўриб турарди, — шундай бўлишига қарамай, у матонатини йўқотмади, чекиниш ҳақидаги фикрни хаёлига ҳам келтирмай, маҳкам турарди. Атрофида жипслашган ўзининг энг яхши саркардаларини исми билан чақириб, уларга “Далерона!” деб қичқирарди. Бу — “Бардам бўлинглар, дўстларим!” деган маънони беради. “Худа ҳе!” (“Худо бор!”) қўшимча қиларди яна, — қочишингиздан умидингиз нима? Дакан вилоятимиз қаердалигини билмайсизми ё? Худа ҳе! Худа ҳе!” Ҳеч қанақанги баҳона билан унинг қочишга аҳд қилмаётганига ишончлари комил бўлган саркардаю аскарларига у, агар ўз жасорату қатъият кўрсатишга юрагингиз бўлмаса, филмининг оёғини занжирбанд этиб, тушовлаб қўйинглар, дея буйруқ берди (шунақаси ҳам бўлар экан-да!).

Бу орада Доро ҳақиқатан ҳам узоқда бўлишига ва ўнқир-чўнқир йўллар юришга халақит бераётганига ҳам қарамай, Аврангзеб устига бостириб келишга ҳаракат қиларди. Тепаликлар ва водийлар суворийларга тўлиб кетганди, гарчи улар тартибсиз ҳолда бўлса-да, қаршилиқ кўрсатишга муваффақ бўлаётганди. Шу билан бирга шу тариқа ҳаракат қилганча у галаба қозониши ва жангни ўз фойдасига ҳал этиши ҳеч гап эмасди. Аврангзеб эса ўзининг камсонли аскарлари билан бу тазйиққа бардош беролмаслиги тобора кўпроқ аён бўлмоқда эди. Бироқ Доро ўз афзалликларидан фойдалана олмади. Аврангзебнинг қийин вазиятдан қутулиб чиқишига ва Доронинг вақтинча галаба қозонишига, мана, нималар сабаб бўлганди:



Доро чап қанот қаттиқ тартибсизликка гирифтор бўлганини кўрди, унга Рустамхон ва Чатресал ўлди, Рамсинҳ Рутле эса жуда олдинга кетиб қолди, душман сафларини ёриб ўтди ва ўзига йўл очиб олди, бироқ чор атрофдан қуршовга тушиб, катта хавф остида қолди, деб хабар қилишди. Шу нарса Доронинг Аврангзеб устига тўғри бостириб бориши ва чап қанотга ёрдам бериш учун ҳаракат қилиш ниятидан қайтарди. Жуда шиддатли жанг бошланди, бироқ охир-оқибатда қаршисидан учраганларни ағдар-тўнтар қилганча ва душманни қаттиқ саросимага солганча ғалаба ҳам қилди; шундай бўлса-да, у мудом қаршиликка дуч келмоқда ва у ушланиб қолмоқда эди. Рамсинҳ Рутле эса ҳайратомуз даражада матонат ва мардлик билан жанг қиларди, у Мурод Бахшни ярадор қилди ва унга шу қадар яқин бордики, унинг фили айилларини кесиб ташлаб, ўзини ерга улоқтиришга ҳозирлик кўра бошлади. Бироқ Мурод Бахшнинг шавкати ва толен унинг нияти амалга ошишига йўл қўймади. Шу кун ичун ким Мурод Бахшдек шу қадар жасорат билан жанг қилмади. Рамсинҳ Рутленинг ражпутлари ярадор қилган ва исканжага олган Мурод Бахш устига ваҳшийларча бостириб борганларида ҳам у асло чўчимади, бир қадам ҳам ортга чекинмади ва қулай фурсатлардан шунақанги усталик билан фойдаландики, гарчи эгарига ёнма-ён ўтқазиб олган етти ёки саккиз яшар ўғлини қалқон билан ҳимоя қилишга мажбур бўлаётганига ҳам қарамай, у Рамсинҳ Рутлени камонидан нишонга ола билди ва у жон бериб, ерга қулади.

Доро бу мудҳиш хабардан жуда тез воқиф бўлди, бироқ шу билан бирга унга шундай хабарни ҳам етказишдики, Мурод Бахш катта хавф остида қолган, ражпутлар ўз соҳибларининг ўлими учун қасос олиш ниятида шердек олишмоқдалар. Гарчи бу томондан йўлнинг ғоят оғирлигини, йўлда эса унга қаршилиқ кўрсатаётган ва кечиктириб кўяётган кичик-кичик тўдалар мудом учраб турганини билса-да, у Мурод Бахш томон ҳаракат қилиш аҳдидан қайтмади. У илгарироқ Аврангзеб устига бостириб бормади, хатосини тўғрилаш мумкин бўлган бу энг яхши режа эди; бироқ унинг бахтиқаролиги деймизми ёки энг мудҳиш сотқинлик деймизми, ё бўлмаса илгари ҳеч мисли кўрилмаган энг катта хатоликми, нима бўлганда ҳам айнан шу нарса Доронинг тўла тормор этилиши ва ўлимига сабаб бўлди.

Доро ва қўшиннинг чап қаноти жон-жаҳди билан ва ҳатто муваффақиятли олишиб турган бир вақтда ўнг қанотда ўттиз минг мўғул лашкарига кўмондонлик қилаётган Халилуллохон, гўё жангда иштирок этмаётгандек, бир четда қўл қовуштириб турарди. Қолбуки ташқи ёрдамсиз улар Аврангзебнинг бутун қўшинини тор-мор этишга қодир эди. У захирага қўйилгани ва қўлида фавқулодда ҳолатдагина жангга киришиши ҳақида буйруқ борлиги баҳонаси остида ўз сарбозларидан биронтасига ҳам камондан ўқ узишга имкон бермаётганди. Бироқ юрагининг тубида сақлаб келаётган ҳақиқий сабаб эса Доронинг уни богуш (мўғулларнинг оёқ кийими) билан бир неча бор уришга буйруқ бериб, ҳақоратлангани эди. Агар ўша ярамас шу қўл қовуштириб туриши билан чекланиб қўя қолганида ҳам бир нав эди: шу билан Доро жангда ютиб чиқиши ҳам мумкин эди. Бироқ унинг ғазаби ва ўч олишга ташналиги жуда даҳшатли тус олди: Халилуллоҳ ўзининг асосий дастасидан ажралиб чиқди-да, озсонли аёнлари ҳамроҳлигида шиддат билан Доро устига қараб от солди. Доро Мурод Бахш устига бостириб боришга ҳозирлик кўриб турган бир вақтда у киши овози етгулик масофа қолганда овозининг борица ҳайқира бошлади: “Муборақбод, Ҳазрат! Алҳамдулиллоҳ, Сиз ғалаба қозондингиз! Ҳазратим, энди фил устида ўтирганингиз нимаси? Шунча вақт ҳаётингизни хавф остига қўйганингиз етмайдимми?! Муборақ чакмонингизни тилка-пора қилган пайконлардан биронтаси баданингизга текканда биз нима қила олар эдик? Бу қўшинда сотқинлар озмунчами? Худо ҳақи, пастга тушинг-да, тезроқ отга мининг. Энди бу қочоқларни таъқиб қилиш қолган, холос. Уларнинг қўлдан чиқиб кетишларига йўл қўймайлик!”

Ёлгонни фош этишга ва филдан тушиб, ундан кўз узмай турган қўшин нигоҳидан бир лаҳза пана бўлгудек бўлса нималар бўлишига озгина фаросати етганда эди, у ғалдор сотқиннинг ўша заҳоти бошини олишга буйруқ берган бўлар эди. Бироқ оққўнгил шаҳзода бир маккорнинг гапига кириб, ширин сўзлардан эриб кетди. Жуда самимий ва тўғридек бўлиб кўринган маслаҳатга

кулоқ солганча у филдан тушди ва отга минди. Бироқ орадан чорак соатча вақт ўтдими-йўқми, у Халилulloҳнинг макрини англаб қолди ва йўл қўйган хатосидан пушаймон бўла бошлади. У, қани ўша сотқин, ўлдираман уни, дея кўзи билан ён-атрофни қидира кетди, бироқ сотқин аллақачон жуфтакни ростлаб қолган бўлиб, фурсат бой берилган эди. Ишонасизми, кўшин Доронинг фил устида йўқлигини кўриб, уни ўлдига чиқарди ва бутун кўшинни даҳшат чулғади. Ҳар ким энди қандай қилиб Аврангзеб қўлидан қутулиб чиқишу жон сақлашни ўйлар эди. Нимасини ҳам айтай? Ҳаммаси бирваракай оёғи осмондан бўлганди, ҳамма ҳар томонга тумтарақай қочар эди. Ҳозиргина голиб бўлганлар тўсатдан мағлубга, ташландиққа айланиб, жонини сақлашга мажбур бўлаётти! Хуллас, фил устида чорак соатгина чидаб ўтирган Аврангзеб Ҳиндистон тахтини эгаллаган, фил устидан бир озгина олдин ерга тушган Доро эса тахтдан ағдарилган ва дунёдаги энг бахтиқаро шаҳзодага айланган эди. Арзимаган бир ҳаракат туфайли жанг натижаси ва буюк салтанатнинг келажаги ҳал бўлган-қўйган эди.

Бу ҳайратомуз икки улкан кўшин гоҳо одамни тонг қолдирар эди, аммо кўркув ва саросималик дегани шундай бир балои азим бўлар эканки, бир хуружга солса уни ҳеч нарса билан тўхтатишнинг иложи бўлмай қоларкан. У бамисоли тўғонни бузиб юборган тошқин дарёга ўхшаркан. Йўлида учраган ҳамма нарсани ювиб, ўпириб, бузиб, оқизиб кетаркан...

...Бундай қутилмаган муваффақиятдан руҳланган Аврангзеб ўзидаги бор жасоратни, эпчилликни, айёрликни ишга сола кетди — темирни қизигида босиш учун жонини жабборга бера бошлади. Халилulloҳ зумда унинг қошига етиб келди ва унинг хизматига тайёрлигини билдирди. Аврангзеб унга зўр илтифотлар кўрсатди ва кўп ваъдалар берди, бироқ Халилulloҳнинг таклифига дарров хўп дейишдан олдин уни дарҳол Мурод Бахш ҳузурига олиб борди. Албатта, Мурод Бахш уни кучоғини кенг очиб қарши олди. Аврангзеб эса жанг чоғида кўрсатган шавкати ва матонати учун Мурод Бахшни кўкларга кўтариб мақтади, Халилulloҳ олдида уни давлатпаноҳ деб атаб, ғалабанинг бош сабабчиси сифатида алқади. Халилulloҳнинг ўзини эса чинакам фуқаро ва салтанат мулозими деб шарафлаган бўлди. Шундан сўнг у кечасио кундузи тер тўкиб меҳнат қила бошлади, барча амирларга мактублар ёзиб, бутун бирига, эртага бошқасига ёрдам қўлини чўзиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлар эди. Унинг амакиси, Доронинг эски ва кучли душмани Шоҳ Жастхон ҳам бир вақтлари ҳақоратлангани учун бошлаб ўчини олди — у ҳам Дорони хумордан чиққунча ҳақорат қилди. Ҳолбуки, бутун Ҳиндистонда ўзининг хушнавислиги ва гапга чечанлиги билан машҳур бўлгани боисидан, ҳамма жойда Дорога қарши ҳаракат қилишга уринган ҳолда, кўплаб фитналарни уюштириб берди ва Аврангзебнинг муваффақиятларини таъминлаб турди. Бироқ Аврангзебнинг айёрлиги ва риёкорлигини айтиб ўтиш керак: у ниманики қилса, нимаики битим тузса, нимаики ваъда берса — гўё бу нарсалар Аврангзеб учун эмас ва унинг номидан ҳам эмас, унинг бирдан-бир нияти — дарвешона яшаш, бу ҳам бўлса фақатгина Мурод Бахш учун. Мурод Бахшнинг айтгани айтган, дегани деган, Аврангзеб унинг олдида ҳеч ким эмас, ҳаммасини Мурод Бахш қилаётти, у давлатпаноҳ бўлиши керак, вассалом.

Шўрлик Дорога келсак, у ўзини йўқотган кўйи Аграга шошिलाди, аммо Шоҳ Жаҳон ҳузурига боришга журъат қилолмайди. Жанг олдидан хайрлаша туриб унга шафқатсизларча айтган сўзларини эслайди: “Билиб қўй, Доро, борди-ю, енгилгудек бўлсанг, олдимга қайтиб келма!” Шундай бўлса-да, кекса Шоҳ Жаҳон маҳрамларидан бирини унинг ҳузурига йўллаб, Дорони юпатишни, уни жонидан яхши кўришини айтишни буюради. Унинг енгилганидан афсус қилаётганини, бироқ руҳи чўкмаслигини, ҳали ҳаммаси қўлдан кетмаганлигини, унда Сулаймон Шайх бошлиқ яхши кўшини борлигини эслатади. У тўғри Деҳлига бориши кераклигини, у ерда давлат отхонасидан мингта от олишини, қалъа доруғаси эса пул ва филлар беришини тайинлайди. Хуллас, иложи борича узоққа кетмасин, Шоҳ Жаҳон унга мактублар ёзиб туради ва Аврангзебнинг доғда таъзирини бериб қўяди ва ҳоказо, ва ҳоказо. Менга айтишларича, Доро бу пайтда ўзини шунақанги эзилган ва йўқотиб қўйган эдики, маҳрамга бир оғиз бир нима деб жавоб қайтаришга ҳам, биронга одамни

Шоҳ Жаҳон ҳузурига йўллашга ҳам мажоли етмайди. Бир неча чопарини Бегим Соҳибга юборади-да, хотини, қизи ва набираси Сафо Шайхни олиб ярим тунда жўнаб кетади. Баъзи гапларга қараганда, унга кўпи билан уч юз ё тўрт юз одам ҳамроҳ бўлиб кетган. Доро Деҳли томонга кетаверсин, биз Аврангзебнинг қандай эпчиллик билан ўз ишларини тўғрилаганини кўриш учун Аграда тура турамиз.

Доро ва унинг тарафдорлари Сулаймон Шайхнинг ғолиб қўшинига умид боғлаши мумкинлигини Аврангзеб яхши биларди. Шунинг учун бу қўшинни ундан тортиб олишга ёки жуда бўлмаганда уни сафдан чиқаришга аҳд қилди. Шу мақсадда у рожа Жессинга ва Сулаймон Шайх қўшинининг бош саркардаси Далилхонга кетма-кет мактублар йўллайди. Мактубларда энди Доронинг аскарларига ишонч қолмаганини, жангни бой бергач, Доро кўшинсиз бир ўзи Деҳлига қочиб кетганини, у қўлдан чиқиб кетиши мумкинлигини ва уни тутиш учун ҳамма жойга буйруқлар тарқатилганини айтади. Шоҳ Жаҳонга келсак, у шундай ҳолатдаки, унинг соғайиб кетишига ҳеч қандай умид қолмаган. Бундан кейин қандай иш тутиш лозимлиги устида яхшилаб ўйлаб кўришни таклиф этади: борди-ю улар ақлли одамлардек, унинг омадидан ибрат олиб, у билан дўст тутинишса, Сулаймон Шайхни қўлга олишсин-да, унинг ҳузурига олиб келишсин.

Жессинг нима қилишсини билмай икки ўт орасида қолди. У ҳамон Шоҳ Жаҳон ва Дородан кўрқар, ундан ҳам кўпроқ қўли шаҳзода қони билан бўялишидан чўчирди. Эртами-кечми, гарчи Аврангзебнинг ўз қўли билан бўлса ҳам, шундай бахтиқаролик албатта юз бериши мумкинлигини биларди. Бундан ташқари, у Сулаймон Шайхнинг қўлга тушишдан кўра ўлимни афзал кўрадиган даражада ботирлигини ҳам биларди. Пировардида қалин дўсти бўлмиш Далилхон билан маслаҳатлашиб, у шундай тўхтама келади: бир-бирларига садоқатда бўлишга яна бир онг ичишиб, у уни сабрсизлик билан кутаётган Сулаймон Шайх ҳодирита йўл олади. Доронинг тор-мор этилганидан у ҳам воқиф бўлиб, Жессинга бир неча одам юборган эди. Жессинг унга ҳамма гапни очиқ-ойдин сўзлаб берди, Аврангзебнинг мактубини, уни тутиш ҳақидаги фармонни кўрсатди ва уни хатардан огоҳ этди, Далилхонга ёки Довудхонга ёки қўшин ичидан бошқа биронтасига ишониш учун ҳеч қандай асос йўқлигига эътибор қаратди. Дўст сифатида унга иложи борича тезроқ Сринагарга етиб олишга ҳаракат қилишсини маслаҳат берди, чунки қийин аҳволдан чиқиб кетиш учун бундан яхшироқ чора йўқ. Одам оёғи етиши қийин бўлган ерда жойлашган бу юрт рожаси Аврангзебдан хавотир олмайди ва уни кучогини кенг очиб кутиб олади. У ерда бундан кейин иш қандай тус олишини кўради ва зарур бўлганда тоғдан бемалол тушиб келаверади. Бу гаплардан ёш шаҳзода рожага энди суяниб бўлмаслигини ва ҳаёти хавф остида қолганини англайди, боз устига Далилхон бутунлай рожага содиқ эди, чунончи бу маслаҳатни қабул қилишдан ўзга чораси қолмагани унга кундай равшан бўлади. У зудлик билан юкларни уловларга ортишга ва тоққа қараб равона бўлишга фармон беради. Мансабдорлар, саидлар каби унга кўпроқ содиқ бўлган айрим одамлар унинг ортидан боришни ўзлари учун вожиб деб биладилар, бундай қарордан қаттиқ таажжубга тушган бошқалар эса рожа билан қолишади. Бироқ рожа ва Далилхон унинг карвонига ҳужум қилиш учун одамларини юбориши ажабгавур рожа томонидан содир этилган ўта аблаҳлик ва беқиёс шафқатсизлик эди. Бошқа буюмлар билан бир қаторда олтин рупиялар ортилган филни ҳам тортиб олишади. Бу ҳужум шаҳзодага ҳамроҳлик қилган камсонли тўдани бутунлай эсанкиратиб қўяди. Кўплар карвонни ташлаб, изларига қайтиб кетдилар. Буни кўриб, деҳқонлар ҳам унинг одамларига ҳужум қиладилар, бор буд-шудларини талаб, айримларини ҳатто ўлдирадилар. Шунга қарамай, шаҳзода хотини ва болалари билан бир амаллаб тоққача етиб келади. Сринагар рожаси уни ғоят иззат-икром ила кутиб олади, бу ерда унга ҳеч нарса хавф сола олмаслигига ишонтиради, ҳатто бу юртга ўзингиз ҳукмдор бўлиб қўя қолинг, мен ўзим сизни ҳамоя қиламан ва қўлимдан келганча корингизга ярайман, дейди. Бу орада Аграда шундай воқеа юз беради.

Самонгир жангидан уч ё тўрт кун ўтгач, Аврангзеб Мурод Бахш билан бирга тўғри қалъадан бир милча наридаги боғ дарвозаси томон йўл олди. Ўша

ердан Аврангзеб ўзи қаттиқ ишонган чаққон маҳрамларидан бирини Шоҳ Жаҳон ҳузурига юборади. Отам билан салом-алиқдан кейин унга содиқлигимни ва мутелигимни яхшилаб англат, бўлиб ўтган ишлардан қаттиқ афсусдалигимни билдир, деб тайинлади. Яна, Доронинг манманлиги ва макри туфайли шундай кескин чоралар кўришга мажбур бўлганимни ва ҳукмдорнинг соғлиғи ҳақидаги хушхабардан севинчдан теримга сизмай кетганимни, бу ерга эса Шоҳ Жаҳондан амру фармонлар олгани келганимни айт, деди. У маҳрамнинг барча гапларини диққат билан тинглади, гарчи иш ҳалдан ташқари чигаллашиб кетганини кўриб турса-да, ўглининг ошқора севинч билан ифода этган итоаткорлигини қабул қилди. Аврангзебнинг ичимдагини тошлығы ва қувлигини ва ҳукмдор бўлишдан пинҳоний иштиёқини яхши билган ҳолда у унинг ўзигаю мулоғим сўзига асло ишонмаслик кераклигини тушунарди. Шу билан бирга ён беришни маъқул топди. Энг ишончли усул билан ҳаракат қилиш, талбиркорликни намоён этиш, ўзини шаҳар бўйлаб тахтиравонда олиб юриш, мажбурлаб эл кўзига кўриниб туриш, ўзининг барча амирларини тўшлаш ўрнига (ҳали ҳам вақт кеч эмасди), у айёрликда устаси фаранг Аврангзебни қўлга туширишга ҳаракат қиларди. Ўглини туширмоқчи бўлган тузоққа охирида Шоҳ Жаҳоннинг ўзи илиниб қолди. У Аврангзебга маҳрамини юборди. Бу билан у Доронинг аҳмоқона қилиқларини ва ҳатто ноқобиллигини яхши билишини англатмоқчи эди. Маҳрамидан Аврангзебни аввалгидай яхши кўришини, бунга заррача шубҳа бўлиши мумкин эмаслигини айтди. Шунинг учун иложи борича тезроқ ҳузурига етиб келишини, чигалликларни бирга ҳал қилишини сўради, ҳаммадан ҳам суякли ўглини бир карра бағрига босиб, қучишга интиқ эканлигини алоҳида таъкидлади. Ўз томонидан Аврангзеб Шоҳ Жаҳоннинг сўзларига жуда ҳам ишонмасликни, боз устига, ўзига душман деб билгани Бегим Соҳиб туну кун отасининг қошидан жилмай, унинг қулоғини пиштигиб туришини фаҳмларди. Қалъага киргудек бўлса, уни тутиб олишларидан ва шу билан ҳамма иш унинг зарарига ҳал бўлишидан кўрқарди. Дарҳақиқат, айтишларича, айнан шу қарорга келишиб олишганди ҳам, шу мақсадда ҳарамдаги семиз-семиз оқсоч хотинларни тиш-тирноғигача қуроллантириб қўйилганди, Аврангзеб ичкарига қадам қўйиши билан ҳаммалари унга ташланиши керак эди. Нима бўлганда ҳам Аврангзеб таваккал қилишни истамади, лекин ҳар эҳтимолга қарши эрта-индин отамнинг ҳузурига йўл оламан, деб гап тарқатди. Бироқ тайинланган кун келиши билан учрашувни эртага қолдириб, вақтни чўзгани-чўзган эди, бу кун энди қачон келишини ҳеч ким аниқ айта олмасди. У зимдан фитна уюштиришда давом этмоқда ва барча бош амирларни ўз режасини амалга оширишга руҳлантирмоқда эди. Ниҳоят, унинг режаларини амалга ошириш учун ҳамма нарса зимдан шай этиб қўйилди деганда, бирданга ҳамманинг оғзи ланг очилиб қолди: Шоҳ Жаҳон билан музокаралар олиб бориш баҳонасида Аврангзебнинг қалъага юборилган жасур ва удабурон катта ўғли Султон Маҳмуд ҳаммани суриб, эшик тагида кўриқчиликда турган посбонга ташланди, олдиндан қўйиб қўйилган талай одамлар фурсатни бой бермай ичкарига отилиб кирдилар-да, қалъа деворларини эгаллаб олдилар.

Ўзининг тузоққа илинганини кўриб Шоҳ Жаҳон донг қотиб қолди, бировга қазиган чоҳга ўзи қулаганди, Аврангзеб эса қалъани эгаллаганди. Айтишларича, Султон Маҳмуднинг руҳини кўтариш учун зудлик билан унга одам юборган, унга тахтни ваъда қилган ва агар менга содиқ қолса ёрдам бераман, уни ҳукмдор қиламан деб Куръон номи билан қасам ичган. Фурсатни бой бермай тезда хосхонамга етиб келсин деб амр қилган. Бу иши билан у худонинг марҳаматига ва абадий шон-шухратга сазовор бўлишини айтган: Султон Маҳмуд бобом Шоҳ Жаҳонни зиндондан озод қилган деб умримнинг охиригача айтиб юраман деган. Ҳақиқатан ҳам, борди-ю, шундай иш қилишга Султон Маҳмуднинг журъати етгудек ва Шоҳ Жаҳон очиқ шаҳарга чиқиб жангга отлангудек бўлганида, ҳеч шубҳасиз, барча нуфузли амирлар унинг ортидан борган бўларди. Шунда Аврангзебнинг бевосита ўз отасига қарши курашиши учун журъати ҳам, шахти ҳам етмаган бўларди, боз устига ундан ҳамма, эҳтимолки, Мурод Бахш ҳам юз ўтирарди.

Шоҳ Жаҳоннинг хатоси шундан иборат эдики, жангдан ва Доронинг қочиб

кетганидан кейин у қалъадан чиқмади. Бироқ Шоҳ Жаҳон гўё жуда оқилона иш тутди дегувчи одамларни учратдим. Бу масала сиёсатчилар орасида қизғин муҳокамага сабаб бўлди ва шу фикрларни қўллаб-қувватловчи ҳулосалар баён этилди. Масалан, шундай дер эдилар: қизик, воқеалар ҳақида ҳеч қачон унинг қандай анжом топганига қараб ҳукм чиқармайдилар; кўп ҳолларда аҳмоқона тadbирлар муваффақиятли тугалланади, шунинг учун ҳам ҳамма уни маъқуллайди; борди-ю, Шоҳ Жаҳоннинг режаси амалга ошганида эди, у ёруғ оламдаги энг ақлли ва уddaбурон одам саналган бўларди; бироқ у тузоққа тушиб, Бегим Соҳибдай бир аёлнинг гапига кирган соддадил, ишонувчан чолга айланиб қолди. Бу аёл эса ўзига жуда ҳам бино кўйиб юборган, ҳаммани оёқ учида кўрсатарди. Чунончи, у билан кўришгани Аврангзеб ўз оёғи билан келди, қарабсизки, қуш ўзи қафасга келиб кўнади, деб ишонганди. Жуда бўлмаганида Аврангзеб ҳеч қачон қалъани олишга журъат қилолмайди ва бу унинг кўлидан келмайди ҳам дерди. Худди шу одамлар астойдил таъкидлар эдиларки, Султон Маҳмуд йўл кўйиши мумкин бўлган бирдан-бир хато энг савобли ва ноёб бир иш ёрдамида тожни эгаллаб олишдек имкониятдан фойдалана олмаганидир: бунинг учун бобоси Шоҳ Жаҳонни озод қилиши, бу билан олий ҳакамлик ҳуқуқини адолатли равишда қўлга киритиши керак эди. Бунинг ўрнига у кейинчалик ёруғ олам билан видолашгани Гвалиорга бош олиб кетди. Нима бўлганда ҳам Султон Маҳмуд (Шоҳ Жаҳон уни алдашидан ва қалъа ичида ҳибсга олишидан кўрқдимиз ёки ўз отаси Аврангзеб ишончини оқла-масликка журъат этмадимиз) бу ҳақда эшитишни ҳам, бундай йўл тутишни ҳам истамади. У ҳукмдорнинг хосхонасига киришдан бош тортиди, Шоҳ Жаҳон устига бостириб боришга отамдан буйруқ олганим йўқ деб совуққина жавоб берди, холос. Фақат отам бемалол қайтиб келиши ва мен қиблагҳимнинг оёғини пойбўс қилишим учун барча қалъа дарвозаларининг калитлари билан қайтиб келишдан ўзга чорам йўқ деб иқрор бўлди. Икки кунча вақт ўтди, Шоҳ Жаҳон ҳамон калитларни беришга қарор қилмаётганди. Бу вақт ичида Султон Маҳмуд ўз одамлари билан кечасиго кундузи қалъа ичида ҳеч қасққа жилмай тураверди. Кичик эшик тагига қўйган одамларининг аста-секин қочиб кетаётганини кўргач, ниҳоят, Шоҳ Жаҳон кимга суянишини билмай, калитларни топширди. Агар чиндан ҳам ақлли бўлса, Аврангзеб ҳузуримга келсин, мен унга гоят муҳим гапларни айтмоқчиман, деб фармон берди. Бироқ унинг ўзи тушуниб турардики, Аврангзеб бундай кўпол хатога йўл қўядиган анойилардан эмас. Аксинча, бунинг ўрнига у ўша заҳоти маҳрами Ўғтиборхонни қалъа доруғаси этиб тайинлади; у эса тезлик билан Шоҳ Жаҳонни Бегим Соҳиб ва бошқа барча хотинлари билан биргаликда энг тўрдаги хоналарга қамаб қўйди. Биров билан гаплашмаслиги, хат олиб-хат бермаслиги ва ҳаттоки руҳсатсиз хонасидан чиқмаслиги учун бир қанча эшиклар қурдирди.

Бу орада Аврангзеб Шоҳ Жаҳонга мактуб битди, уни муҳрлашидан олдин ҳаммага кўрсатиб чиқди. Мактубда у ҳарҳолда анчайин совуққонлик билан хабар қилар эдики, гўёки унга ишончли манбалардан қуйидагилар маълум: Шоҳ Жаҳоннинг Аврангзебга азбаройи ҳурмати баландлиги ва Дорога нисбатан нафрати зўрлигига қарамай, барибир у Дорога олгин рупиялар ортилган икки филни юборган, бу билан унинг соғайиб кетиши ва урушни қайтадан бошлаши учун ёрдам бермоқчи бўлган. Шундай қилиб, Аврангзеб эмас, балки Доро уни озод бўлиш имкониятидан маҳрум этди дейиш тўғрироқ бўлади. Шоҳ Жаҳон ўз бошига тушган барча мусибатлар учун гуноҳкор ҳисобланган Дородан хафа бўлиши керак. Агар Доро бўлмаганида, у, яъни Аврангзеб, биринчи кунидек унинг ҳузурига келган ва ота ўз фарзандидан кутиши мумкин бўлган барча фарзларни адо этган бўлар эди. Бинобарин, унинг афвларини инобатга олади ва барчасига чидашни илтимос қилади. Доронинг риёкорона режаларини амалга ошириш имкониятларидан маҳрум этган заҳоти унинг ўзи зудлик билан ҳарам эшикларини очиш учун етиб келади. Бу ёзишма муносабати билан шу гапларни эшитишимга тўғри келадиги, Шоҳ Жаҳон ҳақиқатан ҳам Доро жўнаб кетган тундаёқ олгин рупиялар ортилган икки филни жўнатган ва Равшаноро Бегим бу ҳақда Аврангзебни воқиф этишга муваффақ бўлган. Бундан ташқари унга қуролли аёллар ҳужум қилажagидан огоҳлантирган. Ав-

рангзеб ҳатто Шоҳ Жаҳоннинг Дорога йўллаган бир қанча мактубини қўлга киритган.

Баъзилар эса менга булар бари уйдирма эканини айтишди. Аврангзеб барчага намоён қилган мактуб эса халқнинг кўзига чўп суқишдан, барча айбни Шоҳ Жаҳон ва Дорога тўнкаб, сувдан қуруқ чиқишга уринишдан бошқа нарса эмас. Чунки уни бундай йўл тутишга улар мажбур қилганлар. Хуллас, бу ишларни охиригача тўқис аниқлашнинг сира иложи йўқ. Нима бўлганда ҳам Шоҳ Жаҳоннинг ҳибсга олинганини кўргач, деярли барча амирлар Аврангзеб ва Мурод Бахш ҳузурига бош эгиб боришдан ўзга чора топмаганлар. Бундан ўзини тийишга ёки ўз давлатпаноҳи манфаатига бирон-бир тадбир кўришга журъат қиладиган битта ҳам мард топилмагани кишини таажжубга солади. Ҳолбуки, Шоҳ Жаҳон туфайли улар шундай даражаларга етишишганди, Шоҳ Жаҳон уларни ботқоққа ботиб кетишдан сақлаб қолганди, бўйинларини қуллик занжиридан соқит этганди. Султон суягини хорламас деганларидай, сарой шаронтида юксак шараф ва бекиёс сарват соҳиби этиб қўйиш тез-тез учраб турадиган ҳолдир. Тўғри, Донишмандхон ва шунга ўхшаш айрим зотлар бирон-бир тарафга ўтмай, ҳолислигича қолган эди, аммо улардан бошқа барча ақобирлар Аврангзеб томонига ўтиб кетгандилар.

Бироқ шу нарсани ҳам ёддан чиқармаслик керакки, аввал айтиб ўтганимдек, улар шундай йўл тутишга мажбур бўлишганди. Ҳиндистондаги ҳолат Франция ва бошқа насроний давлатлардан фарқ қилар эди. Бизларда сарой аъёнларининг катта-катта хусусий мулклари бўлади, булар талай даромад келтириб, маълум вақтгача ўз маблағларига тирикчилик қилиш имкониятини таъминлайди. Ҳиндистонда эса аъёнларга фақат нафақа тўланади, аввал таъкидлаганимдек, ҳукмдор уни исталган вақтда бекор қилиши ҳам мумкин, шунда улар бирдангина гадога айланиб қолар, гўё улар ҳеч қачон бўлмагандек, бир чақага олишмас ва улар бир чақа қарз ҳам ола олмас эдилар.

Шу тариқа Шоҳ Жаҳон ва барча амирлар хавфидан эмнн бўлиб олгач, Аврангзеб хазинасидаги пуллардан керагича олди ва сўнгра амакиси Шоҳ Жастхонни шаҳар доруғаси қилиб қолдириб, Мурод Бахш билан биргаликда Доро ортидан қувиб кетди.

Қўшин Аградан чиқиши керак бўлган кунда Мурод Бахшнинг ўз дўстлари, айниқса, унинг махрами Шоҳ Аббос ортиқча мулозимат ва эҳтиёткорлик рибкорликнинг одатдаги белгиси эканлигини яхши билар эдилар. Улар Мурод Бахшга, модомики, у давлатпаноҳ экан ва Аврангзебнинг ўзи шундай деб турган экан, Аврангзеб Доро ортидан бир ўзи таъқиб қилаверсин, Мурод Бахш эса ўз қўшини билан Агра ва Деҳли яқинида қолаверсин, деб маслаҳат беришди. Борди-ю, у шу маслаҳатга кирса, у Аврангзебни анча қийинчиликка дучор қилиб қўйган бўлур эди; бироқ кошқийди Мурод Бахш Аврангзебни ёмон кўрса. Аврангзебнинг бу борада ҳам омади чопган эди: Мурод Бахш унинг Куръонни ўртага қўйиб ичган онтларига чиппа-чин ишонган эди ва улар биргаликда Деҳли устига юришни давом эттирдилар.

Улар Аградан 3-4 кунлик йўл наридаги Матҳура шаҳрига етиб келганларида бир нарсанинг ҳидини олган Мурод Бахшнинг дўстлари тагин унга тазийқ ўтказишга ҳаракат қила бошладилар, Аврангзебнинг нияти бузуқлигини ва шубҳали хатти-ҳаракатлар қилаётганини уқдира бошладилар. Улар айтишдики, ҳар томондан шу ҳақдаги хабарлар келиб турибди ва шу кун Мурод Бахш ҳеч бир иш билан Аврангзебнинг чодирга бормасин. Ундан кўра, зарбанинг тезроқ келиб тушишидан огоҳ бўлмоқ керак: шу кун соғлиги ёмонлашиб қолганини баҳона қилиб, чодирга боришдан ўзини тийгани маъқул. Шунда Аврангзеб ўзи уни кўргани келади ва ёнида одамлари камроқ бўлади. Бироқ ҳар қанча уқдирганларига қарамай, Мурод Бахш биронтасининг гапига ишонмайди, унга берилган яхши маслаҳатларнинг биронтаси ҳам қулоғига кирмайди. Қайтага Аврангзеб билан дўстлигидан хурсандлигининг намоёниши сифатида ўша кун шомдаёқ униқига равона бўлди ва у билан овқатлангани ўша ерда қолди. У келиши билан унинг йўлига кўзини тўрт қилиб ўтирган Аврангзеб уни қучоқлаб қарши олди. У билан бирга олдиндан тайёр қилиб қўйилган Минка ва Аврангзебга содиқ уч-тўрт саркарда ҳам бор эди. Азбаройн унга меҳри ошганини билдириш ниятида эркалабгина рўмолча билан

унинг юзини силаб қўйди, тер ва чангини артган бўлди, оғзидан эса “олам-паноҳ, онҳазрат” каби сўзлар бир нафас тушмасди. Кўп ўтмай кечки овқат тортилади, улар еб-ичадилар, суҳбат қизитандан-қизиби кетади, гапирилмаган гаплар қолмайди. Ниҳоят, ажойиб шероз шароби келтирадилар, ёнида бошқа кобулий мусалласлар ҳам бор эди, хуллас, шаробхўрлик бошланиб кетади. Шунда ўзини ашаддий мусулмон деб билган ва шаробга қўлини ҳам урмаган Аврангзеб дастурхондан туриб кетади, Мурод Бахшга Минки ва бошқа саркардалар билан бемалол кўнгилхушлик қилишда давом этишини айтади, ётмоқчи бўлгандек, аста у ерни тарк этади. Ичкиликни жонидан яхши кўрган Мурод Бахшга май жуда ёқиб қолади ва бўкиб ичади. Ичиб-ичиб, ухлаб қолади. Айни шу нарса керак эди. Унинг мириқиб ухлаб олишга имкон бермоқчидай, хизматдаги барча мулозимларни тезда четлатадилар, Мурод Бахшнинг шамшири ва ханжарини олиб қўядилар. Кўп ўтмай уни уйғотгани Аврангзебнинг ўзи келади. У хонага киради-да, оёғи билан бир тепади. Мурод Бахш кўзини очиб қарайди, Аврангзеб кутилмаганда дўқ ура бошлайди: “Бу қанақаси?! Бу қандай шармандалик! Хукмдор дегани ҳам шунақа беғам бўладими? Шунақа ҳам ичадими? Мен тўғримда, сен тўғрингда нима деб ўйлашмайди одамлар? Йўқотинг бу ердан бу ярамас ичкиликбозни! Оёқ-қўлини боғлаб қўйинглар-да, то ўзига келмагунча эшиқдан чиқарманглар!” Айтилган сўз — отилган ўқ; Мурод Бахш минг қичқирмасин, ўзини урмасин, бефойда; беш-олти одам унга ташланади-да, оёқ ва қўлларига кишан солади. Яқин-атрофда турган унинг ақобирларидан айримлари бундан хабар топадилар ва шовқин кўтариб, куч билан ичкарига киришга ҳаракат қиладилар, бироқ Мурод Бахшнинг бош саркардаларидан бири ва тўпчибоши, аллақачон сотилиб кетган Оллоқули дўқ уриб, уларни тўхтатиб қолади ва тезда даф бўлишни айтади. Катта хавф туғдириши мумкин бўлган дастлабки ғалаённи тинчитиш учун бутун қўшн бўйлаб зудлик билан одамлар тарқатилади. Улар, биз ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўриб турдик, ҳеч гап бўлгани йўқ, фақат Мурод Бахш кўпроқ ичиб қўйди-да, тўполок кўтарди, ҳатто Аврангзебнинг ўзини ҳам сўка бошлади, маст ва кутурган Мурод Бахшни уйга қамаб қўйишга тўғри келди, эртага эрталаб мастлиги тарқагач, у ташқарига чиқади, дея халойиқни ишонтиришга уринар эдилар. Шу билан бирга тун бўйи бош саркардалар ва қўшиндаги бошқа зобитларга совғалар улашиб чиқилди, уларнинг маошлари оширилди, уларга кўпдан-кўп ваъдалар берилди, чунки шунга ўхшаш гаплар бўлишини анчадан бери кутишарди. Эртасигаёқ ҳамма деярли тинчиб қолди, кейинги тунда эса шўрлик шахзодани фил устига ўрнатилган усти ёпиқ кажава — “амборий”га қамашди-да, тўғри Деҳлига дарё ўртасида жойлашган мўъжазгина эски қалъага олиб кетишди.

Шу тариқа қаттиқ ташвишга тушган маҳрам Шоҳ Аббосдан бошқа барча одамлар тинчлангач, Аврангзеб Мурод Бахшнинг бутун қўшинини қабул қилиб олди ва катта-катта доволар оша Лоҳур томон кетиб бораётган ва ўша ерда маҳкам ўрнашиб, ўзига тарафдорлар тўплашни мақсад қилган Дорони таъқиб қила бошлади. Бироқ Аврангзеб шу қадар шитоб билан таъқиб қилмоқда эдики, Доро бирон-бир чора кўришга улгурмади ва ундан нари Мўлтон томон ҳаракат қилишга мажбур бўлди. Бироқ бу ерда ҳам тузукроқ ҳеч нарса қилолмади, қаттиқ жазирмага қарамай, у туну кун йўл юрарди. Унинг шошгани шунчаликки, гоҳо қўшинга далда бериш учун икки-уч чақирим олдинда борарди. Кўпинча бошқалар қатори бемаза сувдан ичишга, бир бурда қотган нон билан қаноат қилишга, йўл ўртасида қўшинини кутганча ва оддий аскардек қалқонини бошига қўйиб, дарахт тагида ётганча кутиб туришга мажбур бўларди. Бундай тезкор таъқиб оқибатида Доро Аврангзебга дуч келмаслик учун Мўлтонни ҳам тарк этишга мажбур бўлди — у рақибга қаршилик кўрсатишдан мутлақо ожиз эди. Маҳаллий сиёсатдонлар турли фикрларни баён этар эдилар, масалан, айтишардики, Лоҳурдан кетар чоғида агар Доро маслаҳатга кириб, Кобул хонлигида яширинганда эди, у ерда афгонлар, форслар ва ўзбекларга қарши мўлжалланган ўн минг жангчига эга бўлар эди. Аврангзебни жинидан ёмон кўрадиган, Ҳиндистондаги энг кекса ва қудратли амирлардан бири Маҳобатхон айнан шу қўшинга бошчилик қиларди. Бундан таш-

қари, Доро Форс ва Мовароуннахр дарвозалари тагига бориб олган бўларди. Бутун кўшин ва пули тошиб ётган Маҳобатхоннинг ўзи ҳам Доро томонга ўтар эди, шу тариқа у ҳам Мовароуннахрдан, ҳам Форсдан ёрдам олиш мумкин эди. Бир вақтлар форслар Ҳумоюнни ундан патҳанлар шоҳи Зоҳирхон тортиб олган тахтга ўтқазганда шундай бўлган эди. Бироқ ҳамма бало шунда эдики, Доро яхши маслаҳатга кирадиган одамлар сирасидан эмасди. Бунинг ўрнига у Синд томонга йўл олди ва Ҳинд дарёсининг ўрта қисмида жойлашган кучли ва машҳур Татабақар қалъасига ташланди.

Унинг шу йўлдан равона бўлганини, Кобул томон юрмаганини кўриб севинган Аврангзеб ортиқ таъқиб қилишни зарур деб топмади. У ўзининг кўкалдош укаси Мирбобо бошчилигидаги етти ёки саккиз минг одамни унинг изидан юбориш билан қаноатланиб қўя қолди. Аврангзеб Аградаги воқеа такрорланиб қолишидан чўчиб, шартта бурилли-да, ўшандай шитоб билан орқага йўл олди. Жессинг ёки Жессомсенг каби рожалардан бир қанчаси Шоҳ Жаҳонни қалъадан озод этишга ёки Сринагар рожалари билан бирга Сулаймон Шайхнинг тоғдан тушиб келишга, ва ниҳоят, Султон Шужонинг Аграга жуда яқин келишга ҳаракат қилишидан хавотирда эди. Унинг ҳаддан ташқари шошқалоқлик қилгани оқибатида мана бундай воқеа содир бўлганди.

Мўлтондан Лоҳурга қайтаётганида ва одатдаги шитоб ила ҳаракат қилиб бораётганида у унга қарама-қарши томондан яхши қуролланган тўрт ё беш минг рожпурт ҳамроҳлигида келаётган рожа Жессингни кўриб қолди; кўшини ўзидан ортда қолдириб келаётган Аврангзеб бу рожанинг Шоҳ Жаҳонга гоят содиқлигини биларди. Бу имкониятдан фойдаланиб, рожанинг уни қўлга олиши, Шоҳ Жаҳонни қалъадан озод қилиши ва давлат тўнтариши қилишидан нақ юраги ёрилаётди; айти дамда бундай қилиш ҳаддан ташқари осон эди. Аслида эса рожанинг бундай нияти бор-йўқлиги номаълум эди, чунки у шунчалик шитоб билан келаётган эдики, Аврангзеб ундан мутлақо беҳабар эди ва уни ҳали Деҳлида турибди деб тахмин қилаётган эди. Бироқ қатъият ва ўзини йўқотмасликда гап кўп экан! Аврангзеб ҳаяжонга тушмай ва ҳеч бир ҳадик-падиксиз тўғри рожа томон йўналди ва уни узоқдан кўрибоқ қўли билан имлаб чақираркан, шундай деб қичқирди: “Саломат бўлинг, рожа жий! Саломат бўлинг, бобо жий!” Рожа яқин келгач, у деди: “Мен сени сабрсизлик билан кутаётганим. Ҳаммаси тамом бўлди, Доро ўлди, у бир ўзи қолди, мен унинг орқасидан Мирбобони жўнатдим, у қочиб кетолмайди”. Сўнг азбаройи илтифот юзасидан бўйнидаги дур маржонни олди-да, уни рожанинг бўйнига тақиб қўйди. Ундан тезроқ ажралиш ниятида ва иложи борича мулоғим бўлишга ҳаракат қилиб (Аврангзеб унинг тезроқ қўзидан нари бўлишни хоҳлаётганди), у рожага деди: “Рожа, тезроқ Лоҳурга бор, менинг кўшиним чарчаган. Тезроқ боргин-да, ўша ерда мени кутиб тур: у ерда бирон кориҳол бўлишидан қўрқаман, сени шаҳарга ҳоким қилиб тайинлайман, ҳаммасини сенинг қўлинига топшираман. Сенинг мен учун, Сулаймон Шайхга қилган ишларинг учун сендан миннатдорман. Далилхонни қаерда қолдирдинг? Мен ундан ўч оламан. Қани, тезроқ бўл! Худо сени ўз паноҳида асрагай. Хайр”.

Татабақарга етиб келгач, Доро ақлли, жасур ва шавкатли маҳрамини қалъа доруғаси қилиб тайинлади, патҳан ва саййидлардан иборат ажойиб ўрдусини ва португаллар, инглизлар, французлар ва олмонлардан иборат катта миқдордаги гўлчи “фарангий”ларни қолдирди. Улар Доронинг катта ваъдаларига учиб, унга келиб қўшилган эдилар, улар агар иш бароридан келса ва Доро ҳукмдор бўлса, биз, “фарангий”лар, битта қолмай амирларга айланамиз, деб умид қилган эдилар. Доро у ерда хазинасининг катта қисмини ҳам қолдирганди: унинг хазинасида олтин ҳам, кумуш ҳам тўлиб-тошиб ётарди. Унинг ўзи эса у ерда бир неча кун тургач, икки ёки уч минг одам билан Ҳинд дарёсининг қуйи оқими бўйлаб Синдга етиб келди ва Кач рожасининг мулкларини шиддат билан кесиб ўтиб, Гужаратдаги Аҳмадобод дарвозасига яқинлашди. У ерда доруға Аврангзебнинг қайнотаси Шоҳ Навозхон эди. Унинг қаршилиқ кўрсатишига қодир ажойиб ҳарбий ўрдаси бор эди. Бироқ, у тўсатдан қўлга тушиб қолганиданми, ёки жасорати етмадими (зеро, уни ҳақиқий жангчи деб аташ қийин эди: у кўпроқ маишатни севувчи, гоят сертакалғуф ва сипо одам эди), ҳарҳолда қаршилиқ кўрсатиб ўтирмади, аксинча, у Дорони жуда иззат-ик-



ром билан қарши олди ва шундан кейин у билан шунақанги чиқиниб олдики, Доро оққўнғиллигига бориб унга ишониб қўя қолди, унга ўз режаларини баён қилди ва ҳаттоки унга келиб қўшилиш учун тўпланган дўстлари ва рожа Жессомсенгдан олган мактубларни кўрсатди. Шундан сўнг кўшлар нима деган бўлса, ўша бўлди, дўстлари эса Шоҳ Навозхон, албатта, сизни сотиб қўяди, деб ёзган эдилар.

Доронинг Аҳмадбодда эканидан хабар топгач, ҳеч ким Аврангзебчалик таажжубга тушмаган бўлса керак, чунки у Доронинг пули кўллигини ва ўзидан норозиларнинг кўшлари унга албатта бориб қўшилишларини билар эди. Агра ва Шоҳ Жаҳондан жудаям йироқлаб кетиб, Дорога қарши Аҳмадбодга бориш хатардан холи эмас, бу вилоятларда истиқомат қилувчи аллақандай Жессомсенг, Жессингта ўхшаш рожалар ерида тузоққа тушиб қолишим мумкин деб ҳисобларди. Бундан ташқари у Султон Шужо катта қўшин билан келаётганини, ҳозир у Оллоҳободда эканлигини, Сринагар рожаси эса Сулаймон Шайх билан биргаликда тоғдан тушиш тараддудида эканини билиб қолди. Шундай қилиб, у яна калавасини йўқотиб қўйди ва қаёққа қараб йўл олишини билмасди. Охирида у яхшиси Дорони Шоҳ Навозхон билан тинч қолдиришга ва Гангани кечиб ўтиб, Оллоҳободга келиб қолган Султон Шужога мурожаат қилишга қарор этди.

Султон Шужо Качҳул деб аталган кичик бир қишлоққа келиб қўнди ва йўл устида жойлашган катта қўлни банд қилиб олди. Аврангзеб ундан бир ярим чақиримча нарида, Агра томондан оқиб келувчи унча катта бўлмаган ирмоқ бўйида жойлашганди. Аврангзеб етиб келгани ҳамон эртаси куниёқ бу урушга хотима беришга шошилиб, карвонини ирмоқнинг нариги соҳилида қолдирганча Шужонинг ҳузурига йўл олди. Шужони қўлга олиш учун қилган саъй-ҳаракатларини таърифлашга сўз етишмайди. Оиласи бежавотир жойда бўлган, Дородан энди заррача ҳадик олмай қўйган Дакан асири Амир Жумла жанг кунининг ўзида етиб келди ва ўзининг барча ҳарбий маҳоратини намойиш этди. Бироқ Султон Шужо маҳкам ўрнашиб олгани ва яхши тўпларга эга бўлгани боисидан Аврангзеб қўшинни ёриб ўтиш ёки уни сувдан чекинишга мажбур этишга қодир эмас эди, аксинча зарбанинг зўридан унинг ўзи бир неча бор чекинишга мажбур бўлди. У қийин аҳволга тушиб қолганди. Султон Шужо на водий ичкарасига чуқур кириб боришни, на эгаллаб турган қулай жойидан жилишни истарди. У фақат ҳимояга ўтишни афзал билди ва бу оқилона тadbир эди. Аврангзебнинг у ерда узоқ қола олмаслигини, жазирама иссиқ туфайли албатта дарё томон қайтиб боришга мажбур бўлишини олдиндан биларди, шунда унга орқадан келиб зарба бериш осонроқ бўлар эди. Аврангзеб ҳам буни яхши тушунарди ва шу боис жуда шошмоқда эди, бироқ шу ерда яна бир қийинчилик пайдо бўлди.

Шу аснода унга хабар келтиришдики, у билан юзаки келишувчиликка борган рожа Жессомсенг унинг карвони ва хазинасини талон-торож этиб, тўсатдан ҳужумга ўтган. Бу хабар уни ҳанг-манг қилиб қўйди, бунинг устига шу пайтгача миш-миш бўлиб келаётган галаён унинг қўшинини қамраб олган эди, кўшлар тўғри келган томонга қоча бошлаган эди.

Бироқ у ўзини йўқотмади, агар изига қайтса, худди Доро билан бўлган жангдагидек, ҳамма нарсадан маҳрум бўлишини англади, нима қилиб бўлсада, энди бардош беришга ва иложи борича узоқроқ жилмай туришга қарор қилди. Бу орада унинг қўшини қаттиқ хавотирга тушиб қолганди. Пайтдан фойдаланган Шужо шиддат билан ҳужум қиларди. Аврангзеб филининг филбони камон ўқидан ҳалок бўлади, унинг ўзи устига эса камонлардан пайконлар ёмғирдай ёғарди. Аврангзеб ҳам бўш келмаётганди, бироқ фил ваҳимага тушиб чекина бошлайди. У шунақанги ночор аҳволга тушиб қолган эдики, ана-мана ерга чўк тушиб, ётиб оладигандек. Агар шу яқин орада жон олиб-жон бериб жанг қилаётган Амир Жумла қўлларини баланд кўтарганча: “Дакан, Дакан, қани Дакан?!” деб қичқирмаганда, унинг ҳоли нима кечишини ёлғиз худо биларди. Аврангзебнинг тақдири қил устида турарди. Унинг омон қолишига ҳеч бир умид йўқ эди. Бироқ омад деган нарса ҳамма нарсадан устун бўларкан. Султон Шужонинг пешонасига эса Доро каби мажақлаб ташланиш ва базўр жон сақлаб қолиш ёзилганди. Худди шу кун Авангзебнинг

голиб чиқиши ва Ҳиндистон ҳукмдори бўлиш тақдирини азал томонидан белгилаб қўйилганди.

Самонгир жангини ва Доронинг тор-мор этилишига сабабчи бўлган арзимаган воқеани эслайлик-а. Султон Шужо ҳам худди ўшандай хатолик, тўғрироғи, худди ўшандай хоинлик қурбони бўлди. Айримларнинг айтишича, душман томонга сотилган унинг бош саркардаларидан Оллобердихон худди Халилуллохон йўлини тутиб, ўшандай найранг ишлатди. Баъзилар, буни у атайлаб қилгани йўқ, дейишди, балки Аврангзеб қўшинининг саросимага тушганини кўриб, бу билан Султон Шужони табриклаш учун саркарда унга яқин келиб тилёғламалик қила бошлаган ва: “Муборак бўлсин, Зафар муборак бўлсин!” деб қичқира бошлаган. Бироқ Аврангзебнинг асли толеи баландлиги ва Султон Шужонинг омади қайтганлигини тан олган ҳолда воқеа ривожини кузатайлик. Дородан кўра фаросатлироқ бўлган Султон Шужо ҳам ўшандай хатоликка йўл қўйди: у ҳали фил устидан тушар-тушмас унинг кўздан йўқолганини кўриб, бутун қўшин саросимада қолди, ё хоинлик содир этилди, ёки Султон Шужо асир тушиб, ўлдирилди, деган ҳаёлда ҳар томонга сочилиб кета бошлади. Аврангзеб қўшини шу қадар зўр галабага эришдики, Султон Шужо учун ёлғиз жонини асраб қолиш ҳам чинакам бахтга айланган.

Бу хабарни эшитиб, Жессомсент бориға барака, деганча ўз мулкларига етиб олиш учун Агра томон йўл олди. Аграда эса Аврангзеб жангнинг бой берди, Амир Жумла билан биргаликда асирга олинди ва Султон Шужо уларни асир қилиб олиб юрибди, деган миш-мишлар тарқалганди. Иш шу даражага бориб етгандики, шаҳар доруғаси ва Аврангзебнинг амакиси Шоҳ Жастхон Жессомсентни шаҳар дарвозаси олдида кўриб, ўзининг ҳам куни битганига ишонч ҳосил қилганидан заҳар тўла пиёлани оғзига олиб борган. Агар хотинлари унга ташланиб, пиёлани тортиб олишмаганида, унинг заҳарланиб ўлиши тайин эди. Айтишларича, агар Жессомсент бир оз тошқирлик кўрсатиб, Аграда бирмунча вақт турганида, оз-моз дўқ-пўписалар ва ваъдалар қилиб, Шоҳ Жаҳонни қалъадан олиб чиқа олганида, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлар эди, бунинг устига бутун Агра Аврангзебнинг енгилганига ишонч ҳосил қилган эди. Бироқ аслида нима ташлигини яхши билган Жессомсент узоқ қолишга ва бирон-бир чора кўришга ботина олмади. У шаҳарни кесиб ўтди-да, шошапиша мулкларини томон от солиб кетди.

Аградаги вазиятдан ва Жессомсентнинг Шоҳ Жаҳонни озод этиши мумкинлигидан хавотир олган Аврангзеб бутун қўшини билан тезда Аграга қайтиб келди, Султон Шужони таъқиб этиб, вақтни бой беришни ҳам истамади. Бунинг устига Султон Шужо қочиб чоғида кўплаб одамлардан маҳрум бўлганини эшитди. У энди кўпроқ ўз мавқеини тиклашга зўр берди ва бунинг уддасидан чиқди ҳам. Чунки Султон Шужонинг ҳамон кучли душман эканини, қўли ниҳоятда очиқлигини, Ганганинг ҳар иккала томонидаги рожалар уни қўллаб-қувватлашларини, ўзи эса Оллохободда маҳкам ўрнашиб олганини биларди. Ганга кечуви эса Бангалияга олиб кирадиган ўзига хос дарвоза бўлиб, қудратли истехкомига ҳам эга эди.

Шунда Аврангзеб ўзига яқин масофада жойлашган икки шахсга кўпроқ эътибор қила бошлади, булар тўнғич ўғли Султон Маҳмуд ва Амир Жумла эди. Бироқ у кимки ўз ҳукмдорига катта хизматлар кўрсатса, кўпинча сурбет бўлиб кетишини, ҳукмдор ундайлардан қарздор бўлиб қолишини, уларнинг хизматини ҳеч бир мукофот билан тўлдириб бўлмаслигини яхши биларди. Ўғлининг ўзини бемалол тутаётганини ва кундан-кунга димоғдор бўлиб кетаётганини ҳам кўриб турарди. Айниқса, Агра қалъасини эгаллагандан кейин Шоҳ Жаҳон мясига келиши мумкин бўлган барча режаларнинг оёғини осмондан келтирганди. Амир Жумлага келсак, Аврангзеб унинг фаросати, сабр-бардоши ва шавкати, кучини жуда яхши биларди. Аммо у айнан шу нарсадан хавотир қиларди. Амирнинг гоятда бадавлатлигини, шон-шухрати зўрлигини, барча ишларда асосий дастак эканини ва Ҳиндистондаги энг абжир одам эканини билган ҳолда Аврангзеб ўғли Султон Маҳмуд каби амирнинг ҳам зўр режалари борлигига шубҳа қилмасди. Бу ҳар қандай одамни шошириб қўйиши мумкин эди, бироқ Аврангзеб унақа анойилардан эмасди, у бу иккала удлабуронни шу қадар одоб, шу қадар мулоғимлик билан ковушини тўғрилаб

қўйдики, униси ҳам, буниси ҳам шикоят қилишга бирон-бир баҳона тополмай қолди. У иккаласини ҳам кучли қўшин билан Султон Шужога қарши жўнатиб юборди. Амир Жумланинг қулоғига: “Ҳиндистондаги энг яхши Бангалия давлати абадий сеники бўлади, сен ўлганингдан кейин у ўғлингга қолади, бу менга қилган хизматларинг учун менинг сенга мукофотим бўлсин, Султон Шужога фақат сен бас кела оласан, уни гумдон қилишинг билан сени амирулумаро қилиб кўтараман”, деб шишшиб қўйди. Султон Маҳмудга эса бундай деди: “Билиб қўй, сен фарзандларим ичида тўнғичисан, сен ўзинг учун ўзинг жанг қилишинг керак. Сен кўп ишлар қилдинг, бироқ энг катта ва энг кучли душманамиз Султон Шужони қўлга олмасанг, бу ишларинг бир пул”. Шундай сўзлар билан у ҳар иккаласига одатдаги инъомлар, яъни қимматбаҳо сарполар, отлар ва яхши жиҳозланган филлар бериб, оқ йўл тилаб қолди. Шу билан бирга ғоят меҳрибонлик ила Амир Жумлани яқкаю ягона ўғли Маҳамат Амирхонни қолдириб кетишга кўндирди. Гарчи кўнги тинчлиги ва тарбия учун деб айтилган бўлса-да, аслида унинг садоқатига гаров қаторида эди. Султон Маҳмудни Аграда хотини — Гўлкўнда шохининг қизини қолдириб кетишга кўндирди. Бундай катта юришда уни олиб кетиниш ортиқча юк бўлиши уқдирилди.

Султон Шужо Қуйи Банголия рожаларининг унга қарши бош кўтаришидан доим хавотирланиб юрарди, у уларни жудаям сиқиб қўйганди. Ҳаммадан ҳам Амир Жумлага рўбарў бўлишдан юраги безилларди. Бу хабарни эшитиши биланоқ у Банголия йўлини боғлаб қўйишларидан ва амирнинг Гангани Оллоҳободдан қуйида ёки юқорида кечиб ўтишидан хавотир олиб, даст ўрнидан турди. У Банорас ва Патнага иниб келди, у ердан одатда Банголия хонлигининг эшиги деб аталувчи кичиккина Мунгер шаҳрига йўл олди. Мунгер шаҳри тоғ ва ўрмонлар оралиғида жойлашган дара ҳисобланади. У шу ерда қўниб, яхшилаб жойлашиб олишни маъқул топди, хавфсизлики таъминлаш учун шаҳар ва дарёдан тоққа қадар катта ҳандақ қазини буюрди (мен бу ҳандақни бир неча йил кейин шу ёқларга йўлим тушганда кўрдим). Шу ерда Амир Жумлани кутиб туриш ва у билан кечувда жанг қилишни кўнглига тутиб қўйди. Бироқ Амир Жумланинг Ганга бўйлаб оҳиста тушиб келаётган қўшини душманни чалғитиш мақсадида шундай қилганини, ўзи қўшин ичида йўқлигини, дарёнинг ўнг соҳилида жойлашган тоғлардаги рожаларни ўзи томонга оғдириб олганини, у ва Султон Маҳмуд иккаласи унинг йўлини тўсиш учун тўғри Ражмаҳал томон йўл олаётиб, сара қўшини билан довоңлар оша уларнинг мулкларидан ўтиб бораётганини эшитиб, ҳайратдан донг қотиб қолди. Шу тариқа у ўз истеҳкомидан тезроқ жўнаб кетишга мажбур бўлди. Лекин у шу қадар тез ҳаракат қилдики, Ганганинг чап томони кескин бурилган жойида оқим бўйлаб катта илмоқ ҳосил қилишга муваффақ бўлди, нима бўлганда ҳам у Амир Жумладан бир неча кунга илгарилаб олди ва Ражмаҳалга биринчи бўлиб келди. У ерда ўрнашиб олишга улгурди, чунки унинг Мунгердан кетганини билган амир чап томонга қайрилди ва Гангага олиб борувчи жуда ёмон йўллардан юриб кетди. Оғир тўплар ва карвони бўлган қўшиннинг дарё ёқалаб етиб келишини шу ерда кутишга қарор қилди. Қўшин етиб келиши биланоқ у Султон Шужо устига ҳамла қилди, Султон Шужо беш-олти кунгача яхшигина ҳимояланиб турди. Бироқ тўхтовсиз ўт очиб турган амир тўплари унинг ғовак тупроқ, қум ва шох-шаббадан ясалган истеҳкомини дабдала қилиб ташлаётганини кўриб ва эндигина бошланган ёмғиргарчилик фаслида бу истеҳкомда узоқ туриб бўлмаслигини тушуниб, у икки катта замбаракни ташлаганча тун қоронғилигида чекинишга мажбур бўлди. Биронта пистирмага дуч келиб қолишдан қўрқиб, амир уни таъқиб қилишга киришмади ва тонг отишини пойлай бошлади, бироқ Шужонинг бахтига тонг чоғи ёмғир ёғиб қолди ва уч кунгача бир дам тинмади, шу боис амир нафақат Ражмаҳалдан чиқа олмади, балки у ерда қишлаб ҳам қолишга мажбур бўлди. Июл, август, сентябр ва октябр — мана шу тўрт ой давомида бу ерларда ёмғир шунақанги қаттиқ ёғадикки, бу пайтда қўшин ҳеч қаёққа жиоломайди.

Шундай қилиб, Султон Шужо қочиб қолиш ва ўзи хоҳлаган жойни танлаш имконига эга бўлди. Қўшинини мустаҳкамлаш. Қуйи Банголиядан бир қанча тўп ва тупроғининг серҳосиллиги учун бу ерга кўчиб келган португал-

лардан бир қанчасини олиб келиши учун вақти бемалол эди. Шунини айтиш керакки, у шу вилоятда истиқомат қилувчи португал роҳибларига ҳаддан ортиқ даражада ғамхўрлик кўрсатар, ҳаммаларингизни бойитиб юбораман ва ис-таган жойингизда черков қуришингизга рухсат бераман деб ваъдалар қиларди. Улар шубҳасиз сидқидилдан хизмат қилишга тайёр эдилар: ишонч билан ай-тиш мумкинки, Бангол хонлигида асли Португалиядан келиб чиққан ёки ду-рагай бўлган саккиз ёки тўққиз минг фарангий оиласи истиқомат қиларди.

Мен кўрсатиб ўтган сабаблар билан гердаиб кетган Султон Маҳмуд ўз ҳаддидан ошиб, қўшинга қўмондонлик қилишни талаб этар ва Амир Жумла менинг буйруқларимга бўйсунсин деб талаб қиларди. Ўқтин-ўқтин отаси Ав-рангзебга нисбатан ҳам гурурга тўла сўзлар оғзидан чиқиб кетар, у менга тожни бериши керак дер, Амир Жумлани эса кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди. Бунинг натижаси ўлароқ ота ва бола ўртасида узоқ вақтгача совуқлик ҳукм сурди. Охирида унинг хулқидан отаси норози бўлаётганини билгач, амир-нинг уни ҳибс этишидан қўриқиб, бир неча аёни билан Султон Шужонинг олдига кетди. У Шужога зўр ваъдалар берди ва содиқлигига онт ичди. Бироқ Шужо бу Аврангзеб ва Амир Жумланинг найрангларида бири эканлигидан қўриқиб, унга ишонишга журъат этмади ва муҳим қўмондонлик лавозими бер-мади. Бундан Султон Маҳмуднинг Шужодан шунақанги ҳафсаласи пир бўлдики, бир неча ойдан кейин қаёққа боришини билмай, ундан кетишга қарор қилди ва Амир Жумла ҳузурига қайтди. Амир уни илиқ қарши олди, сен ҳақингда Аврангзебга яхши гаплар ёзаман ва бу гапларни эсидан чиқариб юбориши учун қўлимдан келганча ҳаракат қиламан, деди.

Кези келганда шу нарсани таъкидлашни истар эдимки, Султон Маҳмуд-нинг бу барча кирдикорлари керак бўлса ўғлининг жонини ҳам қурбон бе-ришга тайёр Аврангзебнинг саъй-ҳаракатлари ва қилмишлари туфайли содир бўлганди. Аврангзебга Султон Шужо йўқ бўлса-ю, ўғлини хавфсиз жойга жўнатиб юборса — фақат шу керак эди. Нима бўлганда ҳам унинг хатти-ҳаракатларидан қаттиқ ғазабда эканини айтди ва “тезда Деҳлига қайт” деб унга жуда кескин маънода хат ёзди. Шу билан бирга унинг Деҳлигача етиб келолмаслиги учун олдиндан тараддуд ҳам кўриб қўйди. Шу тариқа Султон Маҳмуд Гангадан ўтар-ўтмас, пойлаб турган кишилар уни қўлга олиб қамаб қўйдилар. Сўнг, одамларнинг фикрича, ҳеч қачон қайтиб чиқа олмайдиган Гвалиор зиндонига олиб кетишди. Бу билан Аврангзеб катта қийинчиликдан фориғ бўлди ва иккинчи ўғли Султон Аъзамга: давлатни бошқариш шунча-лик нозик ишки, давлат бошлиғи ҳатто ўз соясига ҳам ишонмаслиги керак, ақл-фаросат билан иш тутмасанг, акангнинг ҳолига тушишинг ҳеч гап эмас, деб тушунтирди. Мен отаси Жаҳонгирга қарши иш тутган Шоҳ Жаҳон; ёки яқингинада Шоҳ Жаҳонга қарши иш тутган одамлардан эмасман, деди. Яна шунини ҳам таъкидлаб ўтишимиз жоизки, агар ўғли бундан кейин ўзини яна қадимгидай тутадиган бўлса, Аврангзебнинг ундан гумон қилишига ва хафа бўлишига ўрин қолмайди. Содиқлик борасида қул ҳам унинг олдида ип эшол-маса керак. Ҳатто Аврангзебнинг ўзи ҳам камтарлик ва хоксорликда ўғли Аъзамга етолмасди. Шу билан бирга мен шундай ақлли одамларни кўрдимки, улар бу ишлар бежиз эмас, балки бунинг замирида, унинг отаси мисолида кўрганимиздек, ғоят нозик ва пинҳоний сиёсат ётибди деб таъкидлар эдилар. Буни келажак кўрсатади, ҳозир эса ҳикоямизни давом эттираемиз.

Бангалияда шу воқеалар содир бўлиб турар, Амир Жумлага қарши кура-шаман деб Султон Шужо нуқул Ганга, бирон анҳор ёки дарёнинг у соҳили-дан бу соҳилига кечиб ўтиш билан овора экан (мамлакатда бундай оқар сув-лар тўлиб-тошиб ётибди), Аврангзеб Агра остонасидан ҳеч қаёққа жилмади.

Ниҳоят, Мурод Бахшни кўргани Гвалиорга йўл олгандан кейин у Деҳлига етиб келди ва чинакамига ва ошкора тарзда ҳукмдорлик вазифасини адо этишга киришиб кетди. У салтанатнинг барча ишларини қўлга олди ва ҳаммадан ҳам Дорони тутиш борасида кўпроқ бош қотира бошлади. Илгари айтиб ўтганим-дек, Доро унинг учун қўлаб қийинчиликлар туғдираётганди. Бироқ катта толе ва Аврангзебга хос эпчиллик кўп ўтмай унинг жонига ора кирди. Бу мана бундай бўлганди.

Борига барака деб ўз мулкларига равона бўлган Жессомсенг кучли қўшин

тўйлади ва Дорога: “Тезроқ Аграга етиб кел, йўлда мен сенга келиб қўшиламан” деб мактуб ёзди. Кўп миқдорда қўшин тўлаган (тўғриси айтганда, бу кўпроқ қаланғи-қасанғилар оломони эди) ва агар у Аграга яқинлашса, уни Жессомсенг билан бирга кўрган эски дўстлари албатта унга келиб қўшилишига умид боғлаган Доро зудлик билан Аҳмадободни тарк этади ва тезда Аградан етти-сақкиз кунлик масофада жойлашган Ажмерга келади. Бироқ Жессомсенг ўз ваъдасида турмади. Ишга рожа Жессинг аралашди. У ўзи билан Аврангзеб ўртасидаги муносабатни яхшилашни, Жессомсенгни бутунлай Аврангзеб гуруҳига жалб қилишни ёки жуда бўлмаганда унинг ўзини йўқ қилиш ва бошқа рожалар ўртасида ғалаён чиқаришга қодир бўлган унинг режаларига халақит беришни истар эди. У катта хавфга ишора қилиб ва Доро ишидек манфур ишни қўллаб-қувватлаб, бир неча марта мактуб ёзди. Мактубда аввал яхшилаб ўйлаб кўриш лозимлигини, зеро у ўзи ва оиласини ҳалок этишга таваккал қилаётганини аниқлади, чунки Аврангзеб ҳаргиз уни кечирмайди, Жессинг ҳам Жессомсенг каби оддий бир рожа, шу боис рожпутлар қонини асраб қолиш ҳақида ўйлаб кўриши керак. Борди-ю, у рожаларни ўз томонига оғдиришни ўйлаётган бўлса, у бунга халақит берадиган одамларга дуч келади. Хуллас, бу барча ҳиндулар, яъни барча мажусийларга дахлдордир, уларни катта хатар кутиб турибди, агар бу хатар олов олгудек бўлса, уни ҳеч қачон ўчириш имкони бўлмайди. Борди-ю, Дорога ўз ишини ўзи ҳал қилишига имкон бергудек бўлса, Аврангзеб бутун ўтмишни эсдан чиқаради, унга қўлга киритган ҳамма бисотини инъом қилади ва зудлик билан унга Гужарат ҳокимлигини топширади, бу эса вилоятнинг унинг мулкларига яқинлиги туфайли унга ҳаддан ташқари кўп қулайликлар юзага келтиради: у бу ерда мутлақо осойишта ва ўзи хоҳлаган муддатга хавфсиз яшай оладиган бўлади. Жессинг ҳамма жиҳатдан уни қўллаб-қувватлашга тайёр. Хуллас, рожа Жессинг Жессомсенгни ўз мулкларига қайтиб келишга кўндирди, бу орада Аврангзеб ўз қўшини билан Ажмерга яқинлашиб келди ва Доро ўрдаси қаршида жойлашиб олди.

Барча умидлари чилпарчин бўлган бечора шаҳзода Доро нима ҳам қила оларди? У, бутун қўшиним билан Аҳмадободга эсон-омон қайтиб келишим амримаҳол, деб ўйлайди. Бунинг учун айни жазирама ёзда ўттиз беш кун йўл босиши талаб этиларди, у сув тақчиллигидан қийналган бўларди, мудом рожалар дўстлари ёки Жессомсенг иттифоқдошлари мулкларидан ўтишига тўғри келарди; ундан кўра камроқ азият чеккан Аврангзеб қўшини уни таъқиб этиши турган гап эди.

Ундан кўра шу ерда ўлганим афзал, деди у ўзига-ўзи. Гарчи кучлар мутлақо нотенг бўлса-да, таваккал қиламиз ва яна бир карра жанг қиламиз. Бироқ қандай қилиб? Ундан нафақат ҳамма юз ўтирганди, ҳатто ишонган одами шоҳ Навозхон ҳам уни албатта сотади ва унинг ҳарбий режаларини Аврангзебга етказди. Тўғри, жанг чоғида Шоҳ Навозхон ўлиб кетганди. Менга кўпчилик одамлар айтганидек, у Доро кўлидан ўлган ёки (кўпроқ эҳтимол тугилгани) Аврангзеб қўшин ичидаги Доронинг хуфия тарафдорлари томонидан ўлдирилган эди. Бироқ Шоҳ Навозхоннинг ўлиmidан Дорога қанчалик фойда бор? Ундан кўра аввалроқ дўстлар маслаҳатига қулоқ солгани ва Шоҳ Навозхонга ишонмагани маъқул эди.

Жанг соат тўққиз-ўнларда бошланди; Доронинг тепалик устида қулай жойлашган тўшлари узлуксиз ўт очар эди, бироқ айтишларича, унга хонлик қилишлари шу даражага етган эдики, отилган ҳар бир ўқ пахтаванд экан. Бу жангнинг бошқа тафсилотларини айтиб ўтиришга ҳожат йўқ, бу аслида жанг бўлмай, турган-битгани ер билан яқсон қилиш эди. Фақат шуни айтايки, жанг бошланиши ҳамон Жессинг Дорога жуда яқин жойда пайдо бўлган ва унга: “Тезроқ қочиб қол, бўлмаса асир тушасан”, деган гапларни айтган. Бутунлай ўзини йўқотган шаҳзода қочишга мажбур бўлган, шошгани ва саросимага тушгани шунчаликки, ҳатто юкларини ортишга ҳам улгуролмаган. У ердан хотини ва бошқа оила аъзоларини олиб чиқиш амримаҳол бўлиб қолган.

Шу нарса шубҳасиз эдики, агар рожа Жессинг бир озгина шошганида ҳам Доронинг қутулиб қолишига имкон бўлмасди. Бироқ Жессинг ҳар доим шоҳ

хонадонига ҳурмат кўзи билан қарар эди ёки ўта дидли сиёсатдон бўлиши ўлароқ, келажак ҳақида ўйлар, шаҳзода қонига қўлини бўяшни истамасди.

Шўрлик шаҳзода икки мингдан сал кўпроқ одами билан айна ёз жазирасида чодирсиз ва юкларсиз Ажмердан қарийб Аҳмадободгача чўзилган барча рожалар мулкларидан ўтишга мажбур бўлди. Боз устига, бу жойлардан “кулийлар, яъни Ҳиндистон аҳолиси ичида энг ёвуз деҳқонлар ва энг катта қароқчилар туну кун унинг ортидан таъқиб қилар, аскарларни шунақанги шафқатсизларча ўлдирар эдиларки, асосий тўдадан икки юз қадамча ортда қолган одам зумда қип-яланғоч ҳолатга тушиши ёки озгина қаршилик кўрсатиб ўлиб кетиши” муқаррар эди. Шунга қарамай, Доро бир-икки кун ичида шаҳарга кириб бориш, ҳордиқ чиқариш ва яна бир карра унча-мунча қўшин тўплаш ниятида Аҳмадободдан бир кунлик масофадаги жойгача етиб олди. Бироқ маълумлар ва бахтсизларни омадсизлик таъқиб қилгани-қилган экан.

Аҳмадобод қалъасида у қолдирган доруға Аврангзебдан дўқ-пўписалар ва шу билан бирга ваъдалар тўла мактуб олди: у бутунлай мардлигини йўқотиб, сотқинлик йўлини ихтиёр этди. У Дорога, яқинлашма, дарвозалар ёпиқ бўлади ва ҳаммамиз тиш-тирноғимизгача қуролланганмиз, деб мактуб ёзди. Мен мутлақо тасодиф билан шаҳзодага дуч келиб қолишимдан уч кун бурун у менга “орқамдан юринг” деди, чунки унинг табиби йўқ эди. Уша кундан бир кун аввал кечқурун унга бу хабарни келтиришганида у шу қадар хушқол эдики, тунда кулийлар мени ўлдириб кетишларидан хавотир олиб ўз карвонсаройига киришимга рухсат берди. Зодагон одамлар ўз хотинларидан рашк қиладиган Ҳиндистондек жойда бундай бўлишига ишониш қийин эди. Мен шаҳзоданинг хотинларига шу қадар яқин жойда турардимки, номаҳрамлар нигоҳидан тўсиб турувчи арқонлар (ҳатто ўзининг эски-туски чодирчи ҳам йўқ эди-да) менинг аравам чархларига боғлаб қўйилганди. Йўл-йўлакай бу тафсилотларни баён этишим сабаби шу эдики, унинг нечоғли ночор аҳволга тушиб қолганига эътиборингизни жалб этмоқчиман, холос. Хотинлар бу нохуш хабарни эшитишлари билан (эслатиб ўтмоқчиманки, бу тонг чоғида бўлганди) улар бирданига, уввос солиб юбордилар ва шу қадар ачинарли ва мунгли йиғилай бошлашдики, беихтиёр менинг кўзларимга ҳам ёш тўлди. Ҳаммамиз саросимага тушиб қолдик, ҳамма бир-бирига қарарди, ҳеч ким нима қилишини, қаёққа бош уришини билмасди. Шундан кейин тезгина тирик мурдадай Доро кириб келди ва ҳали у, ҳали бу одамга, ҳатто оддий аскарга қараб мурожаат қила бошлади. Қарасаки, ҳамма тушкунликка тушган, уни ташлаб кетмоқчи бўлиб турибди. Хўш, у нима бўлади? Қаёққа боради? Ҳаялламаздан йўлга тушмоқ керак, вассалом. Шу воқеадан ҳам аҳволнинг нечоғли ночорлигини ўзингиз фаҳм қилаверинг. Менинг аравамни тортиб бораётган уч йирик гужарат ҳўкизимдан биттаси кеча ўлиб қолганди, иккинчиси сўнгги нафасини олаятти, учинчисининг эса қимирлашга ҳам мажолли қолмаган (чунки мен Доро билан бўлган мана шу уч кун мобайнида чидаб бўлмас иссиқ ва чангда туну кун йўл босмоқда эдим). Шундай бўлса-да, у ҳар қанча айтмасин ва фармон бермасин, ўзи учун, бир оёғидан яраланган хотинларидан бири учун ва мен учун на от, на ҳўкиз, на туя топа олганди. Хуллас, менинг бахтимга, у мени шу ерда қолдиришга мажбур бўлди. Тўғриси уни айтсам, икки фил ва тўрт ёки беш суворий ҳамроҳлигида унинг кетишини кўриб, кўзларим ёшланди. Айтишларича, филларга олтин ва кумуш ортилган экан. Эшитишимча, Доро ҳеч иложини тополмай Татабақарга йўл олибди, ҳолбуки бисотидаги одамлар билан ёз жазирасидан бир кўлтум ичимлик сувсиз бепоян саҳрони кесиб ўтиши амримаҳол экан. Дарҳақиқат, у билан бирга кетганларнинг кўпчилиги ва хотинларидан бир нечтаси ташналикдан, ёмон сувдан, чарчоқдан ва очликдан ўлиб кетибди ёки бўлмаса кулийларга таланибди. Шуларга қарамай, у жон-жаҳди билан ҳаракат қилиб, Кач рожаси ерларига етиб борибди. Шўрлик, бундан кўра унинг ўзи ҳам ўлиб кета қолгани дуруст эди.

Кач рожаси аввалига уни яхши қарши олибди, кучи борича ёрдам беришга ваъда қилибди, бунинг эвазига Доро қизини рожанинг ўлига эрга бериши лозим бўлибди. Бироқ кўп ўтмай Жессинг бу рожага ҳам таъсирини ўтказибди ва Доро бир қулай кунда, бу ваҳший рожа билан ораларига совуқчилик тушганини ва бу ерда қолиш хатарли эканини ҳис қилгач, тезгина қайдасан Татабақар деб йўлга отланибди.

Менинг жаноби кулидан ёки қароқчилардан қандай ажралиб қолганимни, қандай қилиб уларда ҳамдардлик уйғотганимни, унча кўп бўлмаган бисотимнинг катта қисмини қандай сақлаб қолганимни, ўзи зўр бериб мақтаниб юрганим тиббиёт билимим туфайли улар билан дўстлашганимни, мендан кўпроқ қўрқиб кетган ва ўзларини йўқотиб қўйган аравакашим ва хизматкорим мени дунёдаги энг зўр табиб дея мақташганини, Доронинг одамлари кетмиш олдидан бисотимдаги энг яхши нарсаларимни қандай тортиб олганларини айтиб ўтирмасам ҳам бўлади. Мени етти-саккиз кун тутиб туришида, бирдан инсофга келиб қолган кулийлар менга битта ҳўкиз бердилар-да, Аҳмадобод миноралари кўриниб турадиган жойгача элтиб қўйдилар. Бир неча кун ўтгач, ниҳоят, мен тасодифан Дехлига бораётган бир амирни учратиб қолдим ва бир амаллаб Дехлигача етиб олдим. Йўлда ўқтин-ўқтин Доронинг шўрлик кўшинлари қолдиқлари бўлмиш одамлар, филлар, ҳўкизлар, туялар ва отларнинг жасадлари учрар эди. Бироқ уларни батафсил ҳикоя қилишни маъқул топмадим.

Бу ерда Доро Татабақар томон силжиб борар экан, Бангалиядаги уруш ҳамон давом этар ва қутилмаганидан кўпроқ муддатга чўзилмоқда эди. Султон Шужо жон-жаҳди билан ҳаракат қилар ва Амир Жумлага қарши бор воситаларни ишга солар эди. Бангалиядан Аграгача узоқлигини билиб, Аврангзеб бундан ортиқ ташвиш қилмаётганди, у Амир Жумланинг заковати ва шавкатига ишонарди. У кўпроқ деярли Агра дарвозаларига яқинроқ жойлашган Сулаймон Шайхдан хавотир оларди (Аградан тоғларгача кўпи билан саккиз кунлик йўл эди), Аврангзеб уни бир ёқлик қилишнинг улдасидан чиқолмаётганди. Сулаймон Шайхнинг рожалар билан тоғдан тушиб келаётгани ҳақидаги миш-мишлар унга тинчлик бермаётганди. Уни у ёқдан алдаб олиб келиш ғоят қийин эди. Энди Аврангзеб уни қандай қўлга олганини бир кўрайлик-чи.

У рожа Жессомсенгни Сринагар рожасига мактуб йўллашга ва агар у Сулаймон Шайхни тутиб берса, кўпдан-кўп ваъдалар билан қўйинни пуч ёнғоққа тўлдиришга ундади. Бир вақтнинг ўзида у гапга киргиси келмаса, уруш билан қўрқитишини талаб этди. Сринагар рожаси, бундай аблаҳлик қилганидан кўра тахтимдан воз кечиб қўя қоламан, деб жавоб қайтарди. Унинг бу қатъиятгни кўриб, Аврангзеб юришга отланади, тўғри тоғ этагига яқинлашади, харсангларни олиб ташлаб, йўлни кенгайтириш учун талай тошйўнарларни ишга солади. Бироқ бу рожа учун мутлақо қўрқинчли эмасди. Бу томондан хавф қилмаса ҳам бўларди: Аврангзеб ҳар қанча тошни кўпормасин, барибир, олдин айтганимдек, тоғлардан қўшин юриб ўтолмасди, тошларнинг ўзи бир йўла тўртта Ҳиндистонни офатлардан сақлаб қола оларди. Охири Аврангзеб ҳеч бир натижасиз қайтиб кетишга мажбур бўлди.

Бу вақтда Доро ўзининг Татабақар қалъасига яқинлашиб келади. Икки ёки уч кунлик йўл қолди деганда қалъани анчадан бери қамал қилиб турган Мирбобо уни дабдала қилиб ташлагани ҳақидаги хабарни эшитади. Мен буни кейинчалик ўша ерда бўлган бизнинг французлардан ва бошқа фарангйлардан билдим. Бир парча эт ёки гуручнинг қиймати осмон баравар бўлиб кетган, бошқа захиралар қиймати ҳам шунга қараб баҳоланар эди. Шунга қарамай, доруға ҳамон бўш келмас, Мирбобо саъй-ҳаракатларию Аврангзебнинг дўқ-пўписалари устидан кулганча мисли кўрилмаган эҳтиёткорлик, жасорат ва содиқликни намоён этмоқда эди, бу эса душманни таҳликага солмай қўймасди, албатта.

Французлар ва у ерда бўлган бошқа фарангйлардан мен мана шу гапларни ҳам эшитдим. Бунга қўшимча қилиб айтишдики, Мирбобо Доронинг яқинлашиб келаётганини билгач, икки баравар сахийлик кўрсата бошлаган ва шу тариқа аскарлар руҳини кўтарган. Аскарлар ҳам қандай қилиб бўлмасин, душман сафини бузиб, қамални олиб ташлаш ва Дорони ичкарига киритиш учун олдингидан ҳам кўра кўпроқ жасорат кўрсатишган. Жосуслар ёрдамида душман қўшини ичида Доронинг катта қўшин билан яқинлашиб келаётгани ҳақидаги миш-мишни тарқатади, натижада бундан ваҳимага тушиб қолган душман аскарлари агар Доро чиндан етиб келгудек бўлса, дарҳол унинг сафига қўшилишга тайёр бўлади. Бироқ Доронинг жуда омади қайтган эди, у қўллаган

бирон-бир тадбир сира кўнгилдагидек чиқмаётганди. Камсонли аскарлар тўдаси ёрдамида қамални олиб ташлашнинг иложи йўқлигини кўргач, у Ҳинд дарёсидан кечиб ўтиб, Форс мамлакатига етиб олишга қарор қилди. Ҳолбуки, ичимлик суви бўлмаган ва саҳро йўлидан иборат бу масофани босиб ўтишнинг ўзи бўлмасди. Бундан ташқари бутун йўл бўйлаб на форсларни, на бобурийларни тан оладиган майда рожалар ва патҳанлар яшар эдилар. Бироқ хотини уни бу ниятидан қайтарди: унинг сўзларига кўра, бундай қилиш улар наслининг улуглигига путур етказди — наҳотки, у хотини ва қизининг форс шоҳи чўриларига айланишини истаса? Бундай шармандагарчиликдан кўра ўлиб кетган минг марта афзал. Нақл қилишларича, бир вақтлар Ҳумоюннинг хотини шоҳ чўриси бўлган экан.

Шундай қийин аҳволга тушиб қолган Доро шу орада Жионхон деган қудратли патҳан яшашини эслаб қолди. Шоҳ Жаҳон уни бир неча марта фил оёғи тагига ташлашни буюрганида, Доро уни икки марта ўлимдан сақлаб қолганди. У Татабақар қалъаси қамалини олиб ташлашга қодир ёрдам олиш умидида унинг олдига боришга аҳд қилди. Бунда у Татабақар хазинасидаги пулларини олишни, сўнгра эса Қандаҳор орқали ўтиб, Кобул хонлигигача етиб боришни кўзда тутганди. Бу ерда у қудратли ва жасур доруға, маҳаллий халқ жуда яхши кўрадиган, Доро ёрдамида мансабга ўтирган Маҳобатхонга катта умидлар боғлаётганди.

Унинг набираси Сафо Шайх, гарчи ҳали жуда ёш бўлса-да, унинг ниятини тушунди-ю, бу патҳаннинг ерига қадамнингизни босманг, дея худони ўртага қўйиб ёлбора бошлади. Хотини ва қизи ҳам шундай қилишди, у бир қароқчи ва исёнкор бўлса, уни албатта сотиб қўйишини айтишди. Қамални олиб ташлашга интилиш бефойдалигини, ундан кўра тезроқ Кобулга етиб олиш зарурлигини уқдиришди. Бу — бўладиган иш, бунинг устига Мирбобо уни таъқиб қилиш ва Кобулга етиб олишига халақит бериш учун қамални ташлаб кетмайди.

Асли бахтиқароликка туғилган Доро бу маслаҳатларни рад этди, у ҳеч кимнинг гапини эшитишни истамасди. Унинг айтишича, доволон оғир ва хатарлидир (ҳақиқатан ҳам шундай эди) ва барча одамлар шунча яхшиликлардан кейин Жионхон қанақасига сотқинлик қилиши мумкин деб уқдирмоқда. Йўқ-йўқ дейишларига ҳам қарамай, у Жионхон сари равона бўлди. Аҳмоқ одамга ишонмаслик кераклигини Доро жони қил устида қолгандагина англаб етди.

Доронинг ортидан кўплаб одамлар келаётган бўлса керак деб ўйлаган бу муттаҳам аввалига уни тантанали қабул қилди, сиртдан зўр ҳурмат кўрсатиб, ғоятда дўстона тарзда кутиб олди, аскарларини фуқаролари орасида жойлади ва иложи борича иззат-икром билан яхшилаб меҳмон қилишни буюрди. Бироқ унинг бисотида атиги икки-уч юз одам борлигини билгач, ўзининг асил ҳолатига қайтди. У Аврангзебдан бирон мактуб-пактуб олгани ёки қароқчи ва талончилардан асраб-авайлаб олиб келгани олтин-кумуш ортилган бир қанча ҳўкизларни кўриб, нафси ҳакалак отиб кетдими, нима бўлганда ҳам бир куни эрталаб ҳамма ўзини бежавотир ҳис қилганча дам олиб турганда бу хиёнаткор тун бўйи ҳар томондан қуролли одамларни тўплаб Доро ва Сафо Шайхга ташланиб қолди. Ҳимоя қилмоқчи бўлган бир қанча одамларни ўлдирди, юкларни ва хотинларнинг қимматбаҳо тақинчоқларини тортиб олди; кейин Доронинг қўл-оёқларини боғлади-да, филнинг устига боғлаб қўйди, орқасидан жаллодни мингаштириб, агар озод қилишларини сўраб, қаршилиқ кўрсатгудек бўлса, бошини олишни буюрди. Мана шундай мудҳиш бир ҳолатда уни Татабақарни қамал қилиб турган қўшинга олиб борди ва Мирбобо қўлига топширди. Мирбобо эса айнан шу сотқин ҳамроҳлигида уни Лоҳурга, у ердан Деҳлига жўнатди.

Улар Деҳли дарвозасига етиб келганларида Аврангзеб уни Гвалиорга жўнатишдан олдин шаҳар ичидан сазойи қилиб олиб ўтиш керакми ёки йўқми деган масала устида ўйлай бошлади. Баъзилар бундай қилишдан эҳтиёт бўлиш керак, тўполон келиб чиқиши, уни қутқариб қолишлари мумкин дейишди, қолаверса бу шоҳ хонадони учун зўр ҳақорат ҳисобланади. Яна баъзилар бунинг тескарисини айтишди, уни шаҳар ичидан сазойи қилиб олиб ўтиш керак, Аврангзебнинг қудрати чексизлигини одамлар кўриб қўйсин, бунинг чин-



дан ҳам Доро эканига ҳамма ишонч ҳосил қилсин, дейишди. Чунки айрим амирлар бунга ишонмаётганди. Қолаверса, унга нисбатан дўстона муносабатда бўлганларнинг сўнги умидларини ҳам пучга чиқариш кўзда тутилганди. Кейинги гапни айтганларнинг маслаҳати жоиз деб топилди. Дорони филга ўтқозишди, унинг ёнидан набираси Сафо Шайхни боғлашди, орқа томондан жаллод ўрнига Баҳодурхон ўлтирди. Бу илгаригидек кажаваси зардўзи мато билан қопланган, ўриндиқлари маҳобатли Цейлон ёки Пегу филларидан эмасди. Бу кекса, шарти кетиб, парти қолган, қирчанғи, ифлос, кажаваси очиқ, ёпқиси титилиб кетган фил эди. Доронинг бўйнида одатда шаҳзодалар тақадиган на йирик дур маржони, на жимжимадор, салласи ва чопони бор эди, бирдан-бир кийими оқ бўздан тикилган яктагу оддий хизматкорлар ўрайдиган исқирт шолдан иборат эди. Набираси Сафо Шайх ҳам худди шундай либосда эди. Мана шундай таҳқирли бир ҳолатда халқ унинг Доро эканига тўла амин бўлиши учун шаҳар бўйлаб катта бозорлар, савдо қизиб турган кўчалардан олиб ўтишди.

Мен бўлсам, аввалига биз қандайдир хунрезлик гувоҳи бўламиз деб ўйлагандим ва уларни шу алфозда шаҳардан олиб ўтишга кимнинг юраги дов берди экан деб ҳайратга тушгандим, чунки бу ишни бажараётган одам жуда ёмон кўриқланаётганди-да. Дорони оддий халқ яхши кўрарди, айни пайтда ўз отаси Шоҳ Жаҳонни, ўғли Султон Маҳмудни ва укаси Мурод Бахшни зиндонда сақлаётган Аврангзебнинг шафқатсизлиги ва бедодлигидан газабланиб, овозининг борича қичқирмоқда эди. Мен ҳамма нарсага тайёр турардим ва икки бақувват мулозим билан яхши бир отда икки дўстимни ёнимга олиб, Доро ўтиши керак бўлган катта бозорга йўл олдим. Бироқ қўлига қилич олишга журъат этадиган биронта ҳам одам бўлмади. Фақат бир неча дарвеш ва бозордаги гадоларгина отда ҳамроҳлик қилиб бораётган ифлос патҳанни кўриб, уни бўралаб сўка кетдилар, сотқин дея унга тошлар отдилар. Дарҳақиқат, барча айвону дўконлар аччиқ кўзёши тўкаётган одамларга лиммо-лим эди, Жионхон шаънига айтилган сўкиш ва ҳақоратлар, фарёдлар, шикоятлар ҳавони тўлдиранди; хуллас, ҳамма — эркагу аёллар, ўсмиру болалар (ҳиндлар жудаям кўнгличан бўладилар) кўзёши тўкар ва чуқур ҳамдардлик билдирар эдилар. Бироқ ҳеч ким қилич яланғочлаб чиқмади. Шу тариқа шаҳардан олиб ўтишгандан кейин Дорони Ҳайдаробод деб аталувчи унинг боғига жойлаштиришди.

Энг аввало Дорони олиб ўтаётганларида бутун халқ кўзёши тўкканини, уни ҳибсга олган патҳанга лаънатлар айтганини, тошлар отиб уни сал бўлмаса ўлдириб қўяёзганини Аврангзебга оқизмай-томизмай етказишди. Исён кўтарилиб, катта хатар юзага келиши аниқ эди. Шуни назарда тутиб, Доронинг тақдирини ҳал этиш учун янги машварат чақирилди: илгари қарор қилинганга нидек, уни Гвалиорга жўнатилишини ёки ҳеч қасққа юбормай шу ернинг ўзида тинчитиб қўя қолишсини. Айримлар кучли кўриқчилар билан уни Гвалиорга жўнатиб юборилгани маъқул деган фикрда тўхтадилар; Гарчи Доронинг азалий душмани бўлса-да, Донишмандхон шундай қилиш тарафида эди, бироқ Равшаноро Бегим азбаройи акасига нафрати зўрлигидан Аврангзебни Дорони шу ерда ўлдириб қўя қолишга астойдил ундарди, чунки Дорони Гвалиорга олиб бориш хатарли эди. Доронинг эски душманлари Халилulloхон ва Шоҳ Жастхон ҳам шу фикрни қўллаб чиқдилар; Форсдан қочиб келган, илгари Ҳаким Довуд деб аталган, кейин катта амир Тақарубхон бўлиб олган тилёлама табиб айниқса шунга жони койирди. Бу заҳартабиат одам давлат манфаати учун уни дарҳол ўлдириш керак, бунинг устига Доро мусулмон эмас, кофир, бутпараст, даҳрий, мен унинг гуноҳини бўйнимга олганим бўлсин, деб томоқ йиртиб қичқирарди. Дарҳақиқат, у гуноҳ ва қарғишларни бўйнига олди, чунки кўп ўтмай унинг устидан ўлим ҳукми чиқарилди: ҳукм шундай ижро этилдики, ярамас итдай ўлиб кетди. Охирида Аврангзеб мана шу маслаҳатларга кирди-да, Дорони ўлимга ҳукм қилди. Сафо Шайхни эса Гвалиорга олиб кетишди.

Бу мудҳиш қатл ижросини Шоҳ Жаҳон тарбиялаган ва, айгишларича, қачонлардир Доро калтаклаган Назар исмли қулга юклашди.

Бу жаллод ўзига ўхшаш уч-тўрт қотил ҳамроҳлигида Дорони заҳарлаб

қўйишларидан хавотир олиб, унинг қаршисида пайдо бўлади, бу пайтда у Сафо Шайхга шўрва қайнатиш билан овора эди. Узоқдан Назарга кўзи тушиши билан у ўғлига қараб: “Ўғлим, ана, бизни ўлдиргани келишяпти!” деб қичқирди ва унга қолдиришган ягона қурол — жажжигина ошхона пичоғини қўлига олди. Жаллодлардан бири ўша заҳоти Сафо Шайхнинг қўл ва оёқларига ёпишди; кейин биргаллашиб Дорони ерга ағдаришди ва Назар уни сўйиб бўлгунча тағларига босиб туришди. Танадан ажратилган бошни бетўхтов қалъага, Аврангзебга олиб кетишди, у бошни баркашга қўйишни ва сув олиб келишни буюрди. Сўнг рўмолча сўради ва бош обдон ювилиб, қонлари артилгач, Аврангзеб унинг ҳақиқатан ҳам Доронинг боши эканига ишонч ҳосил қилди-да; “Оҳ бадбахт, оҳ бадбахт, буни олдимдан тезроқ йўқотинг, уни Ҳумоюн даҳмасига дафн этсинлар”, — деб йиғлай бошлади.

Кечқурун ҳарамга Доронинг қизини келтирдилар, уни Аврангзебдан талаб қилиб олган Шоҳ Жаҳон ва Бегим Соҳиб ҳузурига элтдилар. Доронинг хотинига келсак, у Лоҳурдаёқ ўз жонига қасд қилиб бўлган эди, эри билан иккаласининг мусибатини олдиндан кўрган ҳолда заҳар ичиб қўйганди. Сафо Шайх Гвалиорга олиб кетилганди. Ниҳоят, бир неча кундан кейин Аврангзеб ҳузурига машваратга Жононхонни чақирди, унга турли-туман совғалар инъом этишди ва жўнатиб юборишди; бироқ у ўз мулкларидан узоқлашмай турибоқ ундан ҳақли равишда ўч олинди: уни ўрмонда ўлдириб кетишди. Бу ёвуз инсон агар шоҳлар шундай илтифот кўрсатгудек бўлсалар, агар улар бундайларнинг фойдасига ён босгудек бўлсалар, барибир улар сотқинлардан доим қаттиқ нафрат қилишларини ва эртами, кечми, бунинг учун албатта жазолашларини билмас эди.

Татабақар доруғаси чорасиз қолган Доронинг буйруғига кўра қалъани топиши керак эди, бироқ у ўзи қўйган шартлар асосида, албатта. Лекин бунинг тагида яна бир шарт ётарди, яъни унга берилган ваъда ҳаққоний деб топилади. Лоҳурга етиб келиши билан шўрлик маҳрам ва унинг бир қанча одамлари Лоҳур доруғаси Халилуллоҳон томонидан ўлдирилган эди. Бунга таслим бўлиш шартларига риоя қилинмагани сабаб бўлганди, бундан ташқари шундай хабарлар келгандики, гўё у олтин тангаларни зимдан бизнинг фарангиларимизга аямай улашиб, тўғри Сулаймон Шайх ҳузурига жўнашга тайёрларлик кўрган эмиш.

Доронинг бугун хонадонидан фақат Сулаймон Шайх қолганди. Агар дастлабки пайтдагидек рожа маҳкам туриб берса, уни Сринагардан аглаб олиб чиқиш осон бўлмасди. Бироқ рожа Жессин билан олиб борилган хуфия музокаралар, Аврангзебнинг ваъда ва дўқлари, Доронинг ўлими, шунингдек тоғдаги рожаларнинг ва қўшинларининг сотиб олиниши ва Аврангзеб буйруғи ва унинг ҳисобига у билан урушишга тайёрланишлари — буларнинг барчаси ниҳоят қўрқоқ ҳукмдорнинг садоқатини дарз кетказди ва ундан нима талаб қилинса, шунга рози бўлишга мажбур этди. Бундан олдиндан оғоҳлантирилган Сулаймон Шайх овлоқ жойлар ва кимсасиз тоғлар орқали катта Тибетга қочди, бироқ тезда унинг изидан тушган рожанинг ўғли уни тошбўрон қилишга буйруқ берди, шўрлик шаҳзода яраланди, қўлга олинди ва Деҳлига келтирилди, бир вақтлар Мурод Бахш ётиб чиққан мўъжазгина Салимгир қалъасида зиндонбанд этилди.

Фурсатни ўтказмай, Аврангзеб Дорога нисбатан қўлланган тартибга риоя қилган ҳолда ҳамма унинг ҳақиқатан ҳам Сулаймон Шайх эканига ишонч ҳосил қилиши учун уни аёнлар ҳозирлигида саройга келтиришга амр қилинди. Тан олишим керакки, айни ҳолдаги манзаралар мени ҳаддан ташқари ўзига ром қилиб қўйганди. Эшикдан кираверишда унинг оёқларидаги кишанларни ечишди, афтидан олтин суви югуртирилган қўл кишанларига тегишмади. Бу барваста қоматли, хушбичим ва келишган йигит кириб келганда кўпгина амрлар кўзёши тўкишдан ўзларини тийиб турилмадилар. Шунингдек, парда ортдан беркиниб томоша қилишга рухсат олган сарой хонимлари ҳам йиғлаб юбордилар. Афтидан Аврангзебнинг ўзи ҳам Сулаймон Шайхнинг аҳволига қаттиқ ачинмоқда эди, у унга мулоийм сўзлар билан мурожаат қилиб, юпата бошлади, кўрқма, биз сенга ҳеч нима қилмаймиз, аксинча, сен билан яхши муомала қилишди, худонинг марҳамати кенг, ҳаргиз умидсизликка тушма,

гарчанд мен отангни ўлдиришга буйруқ берган бўлсам, бунга унинг ўзи сабабчи бўлди, диндан чиқиб, кофирга айланди, деди. Шундан сўнг шаҳзода мамлакат одатига кўра унга таъзим қилди, қўлларини ергача туширди ва кейин бошидан иложи борича тепароққа кўтарди, унга қараб ғоят қатъий оҳангда, агар менга оғу бериш буюрилган бўлса, подшоҳим ҳозироқ жонимни олиб кўя қолсинлар, мен бундан ғоят миннатдор бўлурмен, деди. Бироқ Аврангзеб барча аъёнлар олдида ваъда бердики, уни оғу ичишга мажбур қилмайди, бу томондан хотиржам бўлаверсин ва қайғуга тушмасин.

Шундай қилиб, йигит яна бир карра унга таъзим қилди ва шундан сўнг Аврангзеб томонидан олтин рупиялар ортилган филга тааллуқли бир қанча саволлар берди.

Оғу деганлари Гвалиордаги боши олдирилишини истаманган шаҳзода маҳбуслар учун ичимлик бўлиб, бир кеча сувда сақланган кўкнорни қириб тайёрланади. Буни эрталаблари беришади, то катта бир косани симирмагунча маҳбусга овқат ейиш ман этилади. Тўғрироғи, очдан ўлиб кетишга мажбур қилишади. Маҳбус қоқ суяк бўлиб озиб кетади, аста-секин қувватидан ҳам, ақлидан ҳам жудо бўлиб боради. Оғу уни уйқучи ва гаранг қилиб кўяди. Айтишларича, худди шу йўл билан Сафо Шайхни, Мурод Бахшнинг ўғлини ва Сулаймон Шайхнинг ўзини нариги дунёга жўнатганлар.

Мурод Бахшнинг ўзига келсак, уни бошқачароқ, ундан кўра азоблироқ усул билан ўлдиришган: Аврангзеб қарайдики, зиндонда ётгани билан ҳамма уни жуда яхши кўраяпти, унинг шавкатию, жасоратини тараннум этиб шорлар шеърлар ёзаяпти. У оғу ёрдамида уни нариги дунёга жўнатишни муносиб топмади. Унинг ўлимига шубҳа билан қараш қачонлардир ғалаён чиқишига сабаб бўлишидан қўрқди. Айтишларича, унга куйидагича айб қўйилган.

Мурод Бахш Аҳмадободаллик пайтида урушга тайёрланар экан, бир бой саййидни ўлдирган, барча бой савдогарлардан қарзга ва зўрлаб пул олган эди. Ўша саййиднинг болалари ҳақиқат қилишларини ва оталарининг хунига Мурод Бахшнинг бошини тўлашларини талаб қилиб, сарой машваратига шикоят билан келган эдилар. Амирлардан биронтаси ҳам буни инкор этишга журъат қилолмаганиди, чунки саййидлар, яъни Муҳаммад пайғамбарнинг авлодлари эди, уларни ҳамма ҳурмат қилар эди; бундан ташқари улар Аврангзебнинг ниятини жуда яхши билар эдилар. Аврангзеб учун ҳам бир қадар ҳақиқат юзасидан бу бир яхши баҳона бўлди. Шундай қилиб, уларнинг оталарини ўлдирган одамнинг боши узоқ пайсалга солиб ўтирилмай, уларга топшириб юборилди ва марҳум саййиднинг фарзандлари зарурий фармойишлар билан тезда Гвалиорга жўнаб кетишди.

Энди Аврангзебнинг оёғида Султон Шужодан бошқа зирагча қолмаганиди, у ҳамон Бангалияда турарди. Бироқ унинг ҳам Аврангзебнинг кучи ва омадига тан беришдан ўзга чораси йўқ эди. Унга қарши Амир Жумла тасарруфига шу қадар турли-туман қўшин турлари берилдики, улар охири Султон Шужога ҳаммаёқдан, Ганга дарёсининг ҳар иккала соҳили томонидан ва дарёнинг денгизга қуйилиш жойидан барча оролчалардан қуршаб олдилар. Султон Шужо Даккага қочишга мажбур бўлди. Фожиа денгиз бўйидаги Банголиянинг бу сўнги шаҳрида поёнига етди.

Денгизга тушиш учун кемаси бўлмаган ва энди қаёққа қочишини билмаган бу шаҳзода тўнғич ўғли Султон Банкни мажусий ва бутпараст Аракон ёки Муғ шоҳи ҳузурига юборади. Ундан бирмунча муддат унинг мамлакатига яшириниб туришга рухсат беришини, шамоллар фасли бошланганда эса Муғга ўтиб олиши учун кема бериб туришини сўрашни тайинлайди. У Маккага жўнамоқчи, у ердан Туркиягами ёки Эронгами ўтиб кетмоқчи эканини айтади. Шоҳ жавобан унинг азиз меҳмон бўлишини ва қўлидан келганча унга ёрдам беражагини айтади. Султон Банк Даккага фарангйлар бошқарадиган кўплаб замбараклар билан қайтиб келади ва (мен айтаётган одамлар қочоқ португаллар ва қаланғи-қасанғи насронийлар эди, улар бутун Қуйи Бангалия бўйлаб талон-торож ва босқинчиликдан бошқа ишга ярамай, ана шу шоҳ хизматига кирган эдилар). Султон Шужо бутун оиша аъзолари — хотини, учала ўғли ва қизлари билан ана шу кемага ўтиради. Уларни жуда яхши кутиб олишади, уларга бу мамлакатда яшаш учун керак бўладиган барча нарсалар шоҳ-

нинг ўзи томонидан муҳайё этилади. Бир неча ой ўтади, шамоллар фасли бошланади, гарчи султон текинга эмас, пулга сўраган бўлса-да, кема ҳақида гап-сўз бўлмайди. Султон Шужонинг бисотида ҳали олтин рупиялар, кумушлар ва қимматбаҳо жавоҳирлар талайгина эди. Бойликлари шу қадар кўп эдики, баъзи тахминларга кўра унинг ўлимига бевосита ёки билвосита айнан шу бойлик сабабчи бўлган эди. Бу каби талончи шоҳлар инсоф деган нарсани билмайдилар, улар сўзларининг устидан чиқмайдилар. Улар айна дамда фақат ўз нафсларини ўйлайдилар, қўлолликлари ва қайсарликлари ўзларининг бошига бало бўлиб қайтишини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Уларнинг қўлидан омон чиқиш учун ё жуда ҳам кучли, ёки уларнинг балойи нафсини кўзго-тиб юбормаслик учун ҳеч вақосиз бўлиш керак. Султон Шужонинг тезроқ кема беришларини сўраб қилган ҳаракатлари зое кетмоқда эди — иш олдинга силжимаётганди, аксинча, шоҳ унга совуққонлик билан муносабатда бўлаётганди, нега мени кўргани келмаяпти, деб тирноқ остидан кир қидирмоқда эди.

Билмадим, балки Султон Шужо шоҳни бориб кўришни ўзи учун раво кўрмагандир, ёки уйига қамаб, мени тутиб олади, бойлигимни талайди, ўзимни Амир Жумлага топширади деб кўрққандир. Чунки Амир Жумла Аврантзеб номидан уни тутиб берган одамга катта миқдордаги пул ва бошқа турли имтиёзлар ваъда қилганди. Нима бўлганда ҳам у шоҳни зиёрат қилгани бормади. Бунинг ўрнига ўгли Султон Банкни юбориб қўя қолганди. Султон Банк шоҳ саройига яқинлашар экан, сахийлигини намоён қилмоқчи бўлиб, йўл-йўлаккай ярим рупиялик, ҳатто бир рупиялик олтин, кумуш пулларни сочқи қилиб боради. У шоҳга кўллаб парча ва ноёб заргарлик буюмларини олиб келади. Отаси Султон Шужо номидан кечирим сўрайди, унинг бетоблигини сабаб қилиб кўрсатади ва шоҳга кема ва берган ваъдасини эслатади. Бироқ бундан ҳеч нарса чиқмайди, аксинча, беш ё олти кундан кейин шоҳ унинг қизларидан бирини хотинликка сўраб, одам юборади. Султон Шужо бунга зинҳор рози бўлмас эди ва бу билан ваҳший шоҳнинг қаттиқ газабини кўзгайди. Нима қилмоқ керак? Йилнинг қулай фасли охирида бормоқда. Уларнинг ҳоли нима кечади энди? Қандай тadbир кўрмоқ керак? Таваккал қилсинми ё? Ниҳоят, миясига шундай бир фикр келадикки, бунинг охири пушаймонликдан бошқа нарса келтирмайди.


Гарчи Аракан шоҳи мажусий бўлса-да, унинг давлатида кўплаб мусулмонлар яшарди. Айримлари унинг қаноти остидан паноҳ топган эди, лекин уларнинг катта қисми мен илгари айтиб ўтганим фарангйлар томонидан асир олинган қуллар эди. Султон Шужо ими-жимиди мана шу мусулмонларни ўзига оғдириб олади ва унга эргашиб Банголиядан келган икки-уч юз нафар жон билан ваҳший шоҳ устига бостириб киришга, қуролларни ишга солишга, ҳаммани қириб ташлаб, ўзини Аракан шоҳи деб эълон қилишга азму қарор этади. Бу оқил одамнинг эмас, балки жоҳил одамнинг миясига келган ғоят таваккалли тadbир эди. Менинг кўплаб ўша ерда бўлган мусулмонлар, португаллар ва голландлардан эшитганим ва сўраб билганларимга кўра, тadbир муваффақиятли яқун топиши мумкин эди. Бироқ ҳужум уюштириш кўзда тутилганидан бир кун олдин сир фoш бўлади. Бу Султон Шужо ишини узиликесил йўққа чиқаради ва унинг ўлимига сабаб бўлади, зеро, у ҳеч бир иложини тополмагач, Пегу орқали қочиб жон сақлашга уринади. Бироқ йўлдаги ўрмонлару тоғлиқлар, нарироққа бориб йўлнинг умуман йўқлиги туфайли бундай қилишга имкон бўлмайди. Бунинг устига унинг ортидан шунчалик зудлик билан таъқиб этишадикки, уни ўша куннинг ўзидаёқ қўлга олишади. У мардонаворларча ҳимояга ўтганини, киши ақли бовар қилмас даражада кўп ваҳшийларни қириб ташлаганини ҳар ким ҳам яхши тушунади. Бироқ шу қадар кўп одамлар ёпирилиб келадикки, у бунга бардош беролмай, жанг майдонини ташлаб қочиб кетмоқда бўлади.

Унчалик олдинга кетиб қолмаган Султон Банк ҳам отаси каби шердай олишади, бироқ охири унга отилаётган тошлардан бири тегиб, яраланади, дарҳол унга ташланиб, асир оладилар ва иккала укаси, сингиллари ва онаси билан бирга олиб кетадилар. Султон Шужога келсак, у ҳақда қуйидагиларни билдишга муваффақ бўлдик: хотинларидан бири, маҳрами ва яна икки одами

билан у тоғ чўққисигача етиб келган, ўша ерда бошига яна бир тош келиб теккан ва ерга кулаган, бироқ уни дарҳол ердан кўтаришган, маҳрами унинг бошини салла билан боғлаган ва ҳаммалари ўрмонга яширинишган.

Мен бу ҳақда ўша ерда бўлган кишилардан уч ё тўрт хилдаги тафсилотни эшитдим, айримлар уни жасадлар орасидан топиб олишди, дер эдилар, бироқ уни юзидан яхши таниёлмаганлар. Мен голланд савдо бошқармаси бошлигининг бу гапларни тасдиқлайдиган хатини кўрдим. Бироқ унга нима бўлганини тўла аниқлаш қийин эди, мана шу номаълумлик Дехлида бизни тез-тез ташвишга тушишимизга сабаб бўлди: гоҳ у Гўлкўнда ва Бижапур шоҳлари кўшилмасига Маслипатамга етиб келган деб хабар беришар, шоҳ Пегу ёки Снам шоҳидан олган қизил яловли икки кема билан Сурат яқинидан ўтиб кетди, деб уқдирар эдилар. Яна бировлар эса у Форсда ёки Шерозда, ундан кейин эса ҳатто Кобул хонлигига қарши ҳозирлик кўриб Қандаҳорда юрибди, деган гапларни айтар эдилар. Аврангзебнинг ўзи эса бир куни ҳазил қилибми ё бошқача ўйдами, ниҳоят Султон Шужо ҳожи бўлмоқ ниятида Маккага кетган, деб айтган. Ҳозир ҳам унинг Қустантаниядан кўп пул билан Форсга қайтиб келган деган гапга ишонадиганлар талайгина топилади. Бироқ бу барча миш-мишларнинг асоссизлиги голландларнинг хатларидан яққол аён бўлади. Бундан ташқари мен билан бирга Банголиядан Маслипатамга ўтган унинг маҳрамларидан бири, ҳамда Гўлкўнда шоҳи хизматидаги мен кўрган унинг тўпчибошчиси мени ишонтириб айтишдики, Султон Шужо аллақачон ўлиб кетган. Лекин улар менга шундан ортиқ бир нарса дейишни исташмади. Ниҳоят яқинда, мен ҳали Дехлидалик вақтимда Эрон ва Испаниядан келган бизнинг француз савдогарларимиз бу жойларда Султон Шужо ҳақида ҳеч нарса эшитишмабди. Бундан ташқари менга айтишдики, у енгилганидан бирмунча вақт кейин унинг ханжари, қиличи топилган. Шундай қилиб, хулоса чиқариш мумкинки, борди-ю, у жангда ўлдирилмаган бўлганда ҳам кейинчалик ё қароқчилар, ё бу мамлакат ўрмонларида тўлиб-тошиб ётган йўлбарсларми, филларми, шу каби йиртқич ҳайвонлар ҳамласидан ўлиб кетган. Нима бўлганда ҳам, мана шу ишдан кейин унинг бутун оиласини, хотинлари ва фарзандларини зиндонга ташлаганлар, уларга жуда кўпол муомалада бўлганлар. Дарвоқе бирмунча муддатдан кейин уларни озод қилишган ва юмшоқроқ муомала қила бошлашган. Шоҳ унинг тўнғич қизини олиб келишни амр этган ва уни хотинликка олган. Бу вақтда Султон Банкнинг бир қанча мулозимлари мен айтиб ўтганим мусулмонлар билан биргаликда аввалгисига ўхшаш бир фитна уюштириш дардига тушиб қолишган, бироқ уни амалга ошириш кuni етиб келганида фитначилардан бири ширакайф ҳолда ҳаммадан олдин ҳаракатга тушиб, ишнинг пачавасини чиқарган. Бу воқеа бўйича менга минглаб латифаомуз ҳикояларни айтишдики, қайси бирига ишонишни билмасдим. Шулар барчаси ичидан энг ишонарлиси шуки, азбаройи Шужонинг бу бадбахт оиласидан дарғазаб бўлган шоҳ ундаги ҳамма жонни қиличдан ўтказишга амр этган, ҳеч ким тирик қолмаган, ҳатто у уйланган тўнғич қиз ҳам, айтишларича, иккиқат бўлишига қарамай, шафқатсизларча ҳалок этилган. Султон Банк ва укаларининг бошини ўтмас болта билан чопиб узганлар, аёлларни уйга қамаб қўйишган ва улар очликдан ўша ерда ўлиб кетишган.

Тахту тожни эгаллаш мақсадида тўрт ака-ука ўртасида бошланган уруш ана шу тариқа барҳам топган. У беш ё олти йил, яъни тахминан 1655 йилдан 1660 ёки 1661 йилгача давом этган. Аврангзеб қудратли салтанат эгасига айланиб, тинчгина ҳукмронлик қила бошлаган.



Жон ГОЛСУОРСИ

# Олти адибнинг қиёфасига чизгилар

**М**ен биринчи навбатда 1812 йилда Лондонда туғилиб, 1870 йилда Гедхиллда вафот этган Чарльз Диккенснинг қиёфасини чизиб бермоқчиман. Уша йиллар қай бир даражада бўлса-да, илк викторианлик даврининг улуғвор йиллари бўлган эди. Инглиз романнавислари гарчи ижтимоий адолатсизлик ҳолатлари намоён бўлаётганини кўриб, жуда қаттиқ норози бўлишарди, тартиб-қоидаларни, ахлоқни, урф-одатларни, ўз даврининг белгилаб қўйилган тартибларини ҳарҳолда ҳурмат қилишарди, улар бутун қалблари билан яшамоқнинг соз эканига ишонганлар, умум томонидан қабул қилинган қадриятларнинг мутлақо барқарор эканига имон келтирганлар ва воқеликни фожией бир комедия тарзида киноя билан қабул қилмаганлар. Улар Тақдирнинг чеҳрасидаги истеҳзоли табассумни пайқамаганлар. Уларнинг асарларида деярли улуғвор даража касб этган самимият сезилиб турарди. Ўз асрининг чинакам фарзанди бўлмиш Диккенс ҳам айти ана шундай эди.

Диккенсдан икки юз эллик йил аввал яшаган Шекспир Диккенс билан таққос қилганда ўз-ўзини таҳлил қилишга ва мулоҳаза юритишга кўпроқ мойил бўлган.

Диккенс фавқуллода даражада сунъийликдан қочадиган адиб ва шунинг учун ҳам ҳаминша ўз истеъдодининг жиловини бутунлай бўшашиб қўяди. У турли-туман қувноқ майда-чуйдаларни тасвирлашга бениҳоя моҳир ва бениҳоя қудратли бир услуб эгасидир. У ровийлик санъатида туғма қобилиятга эга эди ва инсон табиатини ҳамда инсон характерини ҳаддан ташқари нозик ҳис қилар эди. Бу улуғ санъаткорда худди рождество таъгилидаги мактаб болаларидагига ўхшаган алланечук шўхлик бор эди.

Диккенс ҳар қандай сохтакорликнинг ашаддий душмани эди, у эҳтирос билан шафқатсизликдан ва нодонлиги сабаб ўзига-ўзи бино қўйган ақли қосирлардан ҳазар қиларди; у ўзининг бутун адабий фаолияти давомида ҳаёт йўлларида рўпара келган ижтимоий иллатларни узлуксиз фош қилиб келган. Диккенс бюрократизмни, мунофиқликни, амалини суиистеъмол қилишни фош қилган. У ҳар қанча ҳажвийётга мойил бўлмасин, асарда ҳар нарсадан аввал диққатни сюжетга ва характерларга жалб қилади. Унинг ўзига хос, ич-ичидан тўлқин уриб келадиган бой истеъдодида жўшқин эҳтиросли инсонийлик муҳри бор ва унинг нигоҳи гоятда кенг. “Одамлардан зинҳор-базинҳор миннатдорлик кутиш ҳақидаги фикрни хаёлга ҳам келтирмай, уларни деб ва улар учун яхши ишлар қилмоқ керак”, —деган эди у бир кун.

Афтидан, кўпгина романнависларга ўхшаб, Диккенс ўзини шоир деб ҳисоблаган бўлса керак. Аммо бизнинг ихтиёримизда унинг бу гуноҳини тасдиқловчи далилимиз кам. Диккенс асарларида мажусий ибтидо йўқ, унда нафақат юнон ва лотин маданиятининг, балки бошқа бирон-бир хорижий маданиятнинг таъсири сезилади. У ҳақиқий инглиз, Диккенснинг романилари орқали ҳатто ҳозир ҳам Англияни бошқа ҳар қандай асардан кўра яхшироқ тушуниб олса бўлади. Бу романлардаги баъзи бир персонажлар гаройиб қилиқлар қиладиган сиймолардан ўзга кимсалар эмас, аммо айти ана шу хусусияти

туфайли биз ёзувчи истеъдодини янада аниқроқ кўрамиз, негаки, биз уларни жонли одамлар тарзида қабул қиламиз. У жуда ширадор ёзар эди, унинг ёзганлари буюк ҳаётий қудратга эга эди. Диккенсда олижаноблик — олижаноблик, иллат — иллатдир, ҳолбуки, ўз-ўзидан аёнки, бизларнинг ижтимоий арбобларимизни истисно қилганда, кўпчилик одамларда олижаноблик — билан иллат бир-бирига қоришиб кетган бўлади. Диккенс инсоннинг маънавий қиёфасини кенг қўл ҳаракати билан чизади ва у яратган манзараларда жиндай бўлса-да, санъатга даъвогарлик бўлганида улар бизга қизил ранг буқага таъсир қилгандай таъсир қиларди. Аммо у пайтларда ёзувчилар ўз асарларининг санъат даражасида бўлиши устида кўп ҳам қайғуриб ўтирмасдилар. Назаримда, ўша пайтдаги адабий мажлисларда аскиялар қилишни, чиганоқлар тановвул қилиб, устидан шароб ичиб, сиёсат тўғрисида гап сотиб вақт ўтказишган бўлсалар керак. Диккенснинг улут замондоши Теккерейнинг қулоғига санъат тўғрисида у-бу гаплар чалинган ва у санъатни жиндай диққатга муносиб нарса деб ҳисоблаган, лекин Диккенс масаласига келсак, у санъатни бирон-бир “хорижий” нарса бўлса керак деб ҳисоблаган ва уларни ўз асарларига йўлатмаган.

Диккенс ўзига хос соғлом истеъдод эгаси эди, аммо ундан бор-йўғи икки юз миля нарида Проспер Меремедек баркамол санъаткор “Кармен” билан “Иль Вемера”сини, Тургенев “Тутун” ва “Баҳор сувлари”ни, океан ортида эса Натаниел Готорн “Қизил ҳариф”ини ва Эдгар По ўзининг “қўрқинчли ҳикоялари”ни яратиб турган бир вақтда, унинг тўғрисида ёзувчи сифатида гапириш алланечук галати туюлади. Ҳеч ким Диккенсдан роман ёзиш санъатини ўрганишни хаёлига ҳам келтирмайди, аммо гайришуурий тарзда ундан услуб асосларини ўзлаштиришлари мумкин, негаки, у туғма ёзувчи бўлган эди, гарча у файласуф бўлган бўлмаса-да, ундан фалсафа асосларини ҳам ўзлаштириб олса бўлади.

Мен учун Диккенс, шак-шубҳасиз, Англиянинг энг улут романнависидир ва роман тарихидаги чинакам истеъдод таптанасининг энг улут намунасидир. У табиий ҳаёлотининг кучи ва ёрқин бадиний тасвири билан одамлар хотирасида инсон табиати тўғрисида шу қадар хилма-хил ва рангдор тасаввурларни муҳрлаб қолдирганки, бунақа тасвирни ғарб романнависларидан бошқа ҳеч кимда учрата олмайсан.

Умумий маданий савия роман ёзишни ўргата олмайди. Тор маънода олинган маърифат сўзи ҳаёлот қувватини ривожлантиришдан кўра, бўғади. Асар ёзишни бошлашимдан аввал мента мактабда ва дорилфунунда ўргатган нарсаларининг деярлик ҳаммасини унутиб улгурган эди. Аниқ фанларнинг одамлари камдан-кам ҳолларда бақувват рассом бўладилар: улар ҳаддан ташқари кўп нарса билишади ва айни чоқда жуда кам нарса билишади. Ҳаёлотни бой бўлган одамлар эса ҳаётдан бошқа бирон нарсани синчиқлаб ўрганишга унча мойил эмаслар. Сўз туйғусини, нутқ оҳанглари ва рангларини шеър ўқиш ва яхши проза асарини мутолаа қилиш йўли билан одам ўзида ўстирса бўлади, аммо яхлит оладиган бўлсак, бу нарса кўпроқ туғма дилга ва мусиқий туйғуга боғлиқ. Композиция иқтидори ҳам табиат томонидан берилади, ифоданинг теранлигига туғма равишда эришилади, уларни ташқаридан ўзлаштириб олиб бўлмайди, уларни фақат ривожлантириш мумкин. Ҳеч ким ёзувчини ҳаётни бундай кўрмасликка ва бундай ҳис қилмасликка, балки бошқача ҳис қилиб, бошқача кўришга мажбур қилолмайди. Ўқиш ва ёзишни ўрганиб олгандан сўнг у бошқалардан фақат бир нарсани — қандай ёзмаслик кераклигинигина ўрганмоғи мумкин. Ёзувчининг ҳақиқий мураббийси — ҳаётнинг ўзидир.

Эндиликда биз роман тўғрисида гапирганда “санъат” сўзини қўллашни яхши кўрамиз. Модомики, шундоқ экан, биз роман тарихини эсламоғимиз керак. Бу тарих ҳозир ҳам давом этмоқда ва ғарбнинг биринчи улут романи — Сервантеснинг “Дон Кихот”идан бошлаб, ҳозирга қадар турли-туман шакллари ўзгартириб келмоқда. Ғарбнинг илк романлари саргузаштлар шаклини, “маккорликлар романи” шаклини олган эди. Улар битта ёки бир нечта марказий персонажларнинг бир қатор саргузаштларидан иборат бўларди. Унинг тузилиши қат-қат пиёзни эслатарди ва унинг таъми ҳам пиёзнинг таъмига ўхшаб кетарди. Қисмларнинг ўзаро нисбати ва бирлиги кўриб турганимиздек жуда жўн характерга эга эди ва бунинг ташвишини чекиб юришмас эдилар. У пайтларда роман узун бўларди, аммо унинг узунлигидан у на кенглик, на теранлик касб этарди. XIX асрнинг бошита келганда романнинг шакл-шамойили борган сари мураккаблаша борди. Диккенс ёзиб юрган кезларда унинг шакли

образли қилиб айтадиган бўлсак, бамисоли тухумга ўхшаб қолди, ўртаси семириб кетган, учи билан кети эса омади юришган адабиётчининг қадди-қоматидек ингичкалашиб қолганди. Аста-секин содир бўлган бундай ўзгариш нининг таъсирида рўй берганини аниқ айтиб беролмайман-у, лекин унинг ривожланиши Уйғониш давридаги расомликнинг ривожига ўхшаб кетади. Жейн Отсин, Диккенс, Бальзак, Стендал, Скотт, Дюма, Теккерей ва Гюголар ижода романининг қисмлари билан яхлитлиги ўртасида муайян нисбат майдонга келди, аммо романининг мутаносиблигини мукамал даражага етказмоқ учун, материал танлаш принципини жорий этиб, биз асарни санъат асари деб аташимизга имкон берувчи асар барпо этмоғимиз учун зарур бўлган қисмлар ва яхлитлик ўртасида тўла бирликка эришмоқ учун янада поэтикроқ дунёқарашга эга бўлган ёзувчининг майдонга келиши зарур эди. Бу ёзувчи Тургенев бўлиб чиқди — Диккенс қай даражада ясамаликдан холи ёзувчи бўлган бўлса, Тургенев романнавислик санъатини шу даражада эгаллаган ёзувчи эди.

Иван Тургенев 1818 йилда рус шаҳри Орелда таваллуд топган ва 1883 йилда Париж яқинидаги Буживал шаҳарчасида вафот этган. Мунаққиллар одатда Тургеневнинг туғишган рус маданиятидан узилиб қолгани тўғрисида, у билан стихияли гигант Гоголь ўртасидаги, шунингдек яна бир шакл-шамойили бетайинроқ гигант Достоевский ўртасидаги тафовут тўғрисида узундан-узоқ мулоҳаза юригишади. Улар ҳафсала билан Тургеневни “ғарбчилар” қаторига қўшар эканлар. Ғарб унга кўрсатган таъсирдан кўра у Ғарбга кўпроқ таъсир кўрсатганини пайқамай қолишди. Тургенев ўз-ўзича фавкуллода юксак мавқега кўтарилиб олди, у табиатан туғма шоир эди. Қачонлардир роман ёзган шоирлар ўртасида энг инжа, энг нозиктаъб шоир эди. Айни ана шу хислат уни улғур рус замондошларидан ажратиб турар эди ва адабиётда ҳамда Ғарбга таъсир қилишда бениҳоят катта ўрин тутишига олиб келган эди. Россия Тургеневни ёқтирмас эди, чунки ҳақиқатни айтишда унинг тилини тийиб туролмайдиган ярамас одати бор эди. Бу хусусият ҳамма жойда ҳам унчалик маъқул келавермайди, айниқса, ёзувчи одамнинг ҳақиқаттўйлигини ёқтиришмайди. Шунинг учун ҳам Россия уни бартараф қилди. Бироқ у Россияни тарк этмаганда ҳам, унинг асарлари қандай яралган бўлса, шундай бўлиб қолаверарди, чунки туғма шакл туйғуси уни бошқача ёзишга қўймасди. Тургенев тасвир санъатини бенуқсон ва бетакрор эгаллаган эди, у мавзуларни шу қадар чуқур ўйлаб чиқар ва ҳар томонлама пишитар эдики, уларни тўғридан-тўғри қоғозга кўчиравериш мумкин эди, ҳолбуки у обьектив воқеликка бепсанд қарамас эди, лекин шундай бўлса-да, унинг бадиий тафаккурини белгилайдиган нарса фактдан кўра кўпроқ кайфият воситалари бўларди. Тургенев — зодагон эди, юксак маданият одами эди, хорижий адабиётларни миридан-сиритача яхши биларди, музыка ва тасвирий санъатни ҳаддан зиёд яхши кўрар эди, у драматург эди ва шеърлар ёзарди. Шу инсонни Диккенсга яқинлаштириб турадиган учта муштарак, аммо айни чоқда ҳаддан ташқари муҳим аҳамиятга эга бўлган белги мавжуд: буларнинг бири инсон табиатини бағоят теран англаш, ҳаётга жуда теран қизиқиш билан қараш ҳамда зolimликка ва қалбакиликка чуқур нафрат билан қарашдир. Кимда-ким унинг ана шу нафратига гумон билан қараса, унинг “Муму” деган ҳикоясини ўқиб чиқсин. Бу ҳикоя соқов фаррош, крепостной Герасим ва унинг ити ҳақидаги ҳикоядир. Шу пайтга қадар ҳали ҳеч қачон санъат — зулмга ва шафқатсизликка қарши норозиликни бу қадар баланд пардада ифода қилган эмасдир. Диккенс ёзувчи сифатида воситаларни танлашда унчалик ҳам талабчан эмас эди. Тургенев эса бу ишга ҳаддан ташқари талабчанлик билан ёндашарди. Диккенс шафқатсизлик, суинистёмоллар ва ўзбошимчаликларни фош қилар экан буни ошқора тарзда ёхуд очикчасига масҳара қилиш йўли билан амалга оширарди. Тургенев эса ўз танқидини холисона бадиий тасвир шаклига ўраб берарди. Айтишлари-ча, Тургеневнинг услуби ҳам ғоятда нафис ва нозик бўлган, бунга ишониш учна қийин эмас, чунки ҳатто таржимада ҳам унинг услубининг лафофати ва муаттар бўйи яққол сезилиб туради. Тургеневда диалог жонли, енгил ва табиий, айни чоқда ғоятда мазмундор ҳамда характерларни жуда ажойиб тарзда очиб беради. Бу характерлар гарчи ёзувчини банд қилган асосий мавзуга ёхуд ғояга бўйсунсалар-да, жонли одамлар бўлишдан тўхтаб қолмаганлар. Тургеневда табиат тасвири бағоят гўзалдир. “Бежин ўтлоғи”нинг, “Учрашув”нинг, “Баҳор сувлари”нинг гўзаллиги, ҳусн-таровати бизни мангуга асир қилади. Унинг ҳамма асарлари алланечук ҳазин бир завққа чулганган. Одатда шоиро-



на табиатга эга бўлган одам табиат билан юзма-юз тўқнашганда шундай ҳолатга тушади. Тургеневнинг насрда ёзилган баъзи бир шеърлари унинг ҳикоялари ва романларига қараганда камроқ даражада шоирона характерга эга. Зўрма-зўракилик чинакам поэзияни барбод қилади, негаки чинакам поэзия шоирнинг ўзига деярлик боғлиқ бўлмаган ҳолда кайфиятдан ва туйғудан туғилади. Тургенев асарларида ҳали пародия унсурлари, ҳажвий муболаға белгилари, хуллас, эскириб, модадан тушиб қолган нарсаларнинг излари сезилиб турарди. Аммо унинг ижоди гуллаб-яшнаган замонлардан бери аллақачон олтмиш йил ўтиб кетганини инобатга олсак, унинг санъатининг замирида ётган мурувватлар шу қадар кам фикрлашгани кўриб, лол қолмасдан илож йўқ.

Инглиз романи, эҳтимол, бошқа исталган мамлакатнинг романига қараганда бойроқ ва хилма-хилроқ бўлиши мумкинлигига қарамай, ҳар қалай, бу роман — “Кларисса”дан тортиб “Улисс”гача, образли қилиб айтадиган бўлсак, ўз нуқсонларини кечиришга мойилроқ бўлган ва кўпинча ширакайф ҳолда ухлагани йўл олиб турган. Агар мабодо ҳозирги пайтда инглиз романи бирон-бир ўзига хосликка ва нафосатга эга бўлса, бунинг учун у ҳаммадан аввал Тургеневнинг олдида бурчдордир. Инглиз романи маънавий ва техник шогирдлик мактабини айнан Тургеневда ва Мопассанда ўтаган. Бунақа мактабни ҳар бир ёш ёзувчи у ёки бу кекса устанинг қўлида алланечук ички бир қардошликнинг даъватига кўра ўтади.

Ҳатто жуда ёрқин ва маҳоратли санъатнинг авлиёси бўлмиш Флобер ҳам инглиз ёзувчиларига Тургеневчалик таъсир кўрсата олган эмас. Флобер асарларида муайян бир биқиклик бор, ундаги кайфият торроқ кўламга эга. Тургеневга ҳеч қачон шу масалада таъна қилинган эмас, ҳатто 1907 йилдан кейин ҳам таъна қилинган эмас. Ҳолбуки, бу даврга келиб, Англияда Тургенев тўғрисида беписанд гапириш расм бўлган эди. Негаки, бизнинг баъзи бир мунаққидларимиз (афсуски, жуда кеч қолиб) рус адабиётидаги янги машъални — Достоевскийни кашф қилинган эди. Бир қараганда, ҳар иккала истеъдод эгалари учун ҳам жой етадигандек кўринган эди, аммо адабиёт дунёсида бор янги машъални ёқишдан олдин аввалгисини сўндириш одати бор. Эндиликда бу нарса ўтмишда қолиб кетди ва Тургеневнинг номи яна аввалгидек машҳур бўлиб қолди, лекин у энди одамлар тафаккурига аввалги таъсирини йўқотиб бўлган эди. Янги давр учун Тургенев ортиқ даражада босиқ ва шоирона табиат эгаси бўлиб чиқди.

Энди учинчи адибнинг шамойилгига ўтаман. Баъзиларнинг айтишига қараганда, бу одамнинг асарларини ватанида, Францияда ҳамон ўқишда давом этмоқда эканлар, бошқа баъзи бир танқидчиларнинг гапига қараганда унинг китобларини аллақачон тахлаб, тоқчаларга йиғиб қўйишган.

1850 йилда туғилиб, 1893 йилда вафот этган Ги де Мопассаннинг буюк адабий муваффақиятлари ўн икки йилни ўз ичига оладиган унча катта бўлмаган даврга тўғри келди. Мопассан кўпроқ ҳикоянавис сифатида танилган, лекин, менимча, бу ёзувчининг истеъдоди тўла-тўқис романлари ва қиссаларида, масалан, “Дўндиқча” ва “Иветта” деган асарларида намоён бўлган. Унинг ҳамма катта-кичик асарлари фожеона ҳодисаларни тасвирлайдими ёхуд кундалик оддий воқеалардан ҳикоя қиладими — барибир, асос-эътибори билан жуда тيران драматизм билан суғорилган эди. Ҳолбуки, Мопассан театр учун жуда кам асар ёзган бўлса-да, у йирик драматург фазилатларига эга эди. Услуб масаласида-ку у олий мартабали устозлар қаторидан ўрин олади, кузатувчанликда, фикрнинг ўткирлигида, уларнинг барини ихчам ва лўнда шаклга жойлашда ҳали ҳеч ким уни орқада қолдириб кетгани йўқ. Ҳар қандай одамдан кўпроқ даражада Мопассан бизни ортиқча китобларимизни ташлаб юборишга ўргатди. У ҳар қандай одамдан ортиқроқ даражада Флобернинг васиятига амал қилган эди: “Предметни бошқа предметлардан ажратиб турадиган муҳим фарқларини билиб олганингизга қадар ва буни сўзларда ифодалай оладиган бўлгунча ўрганинг!” Мопассаннинг ижоди кўпинча санъат ўрнида қабул қиладиганимиз чалкашликка, юзак экспрессионализмга ва мавҳум субъективизмга қарши қаратилган жонли таъмадир. Бутун вужуди билан интизомли ёзувчи бўлгани важдан у инсон туйғуларининг ич-ичига кириб бора олади ва уларни кўрсатиб беради. Унинг чақиб оладиган табиати хурофотлардан ва ҳамоқатлардан нафратланарди, камдан-кам ёзувчиларда одамларга нисбатан Мопассаникидай чинакам ва қайноқ хайрхоҳлик, ҳамдардликни топиш мумкин, у ҳар нарсани билишга қизиқадиган, назаркарда ва сезгир одам эди. Буларнинг бари унга ҳаётни тўғри акс эттиришга ёрдам берди.

Баъзан Мопассан шундай ҳикоялар ҳам ёзар эдики, улар унинг қаламига муносиб эмасди. Унинг баъзи бир асарлари ўзини мажбурлаб ёзилганга ўхшайди. Ҳаётининг сўнггида у руҳий хасталикка чалиниб қолди, унинг баъзи бир сўнгги асарларида бу хасталик ҳалокатли таъсир кўрсатди. Аммо шунга қарамай мен ҳам Толстойга эргашиб, услуб масалаларида ҳам, оригиналлик жиҳатидан ҳам Мопассанни унинг устози Флобердан юқори кўяман.

Мопассаннинг қалами остида шаклан баркамол ҳикоя, объектив метод во-ситасида инсон қалбининг сирли уммонларини ва инсон қалбининг саёзлик-ларини очиб бериши керак бўлган нурли проза чўққиларга кўтарилади ва беғараз, қатъий санъатнинг шундай бир шакли майдонга келадикки, бу шакл ёрдамида муаллиф темпераменти фақат мавзу ва характерларни таллашдагина ўз эркинлигини сақлаб қолади. Англияда Мопассанни бир замонлар шафқат-сиз реалист деб ҳисоблаганлар. Ҳозирги адабий ёшлар учун у ҳисчан, бола-лардек анойи романтикдан ортиқ эмас, унинг услубини эса “эскирган ва дра-матизм билан сугорилган” услуб деб ҳисоблашади. Мен унинг “Пьер ва Жан” романига ёзган муқаддимасидан бир парча келтираман: “Моҳиятан ҳозир ки-тобхонлар оммаси кўпдан-кўп гуруҳлардан ташкил топади. Уларнинг ҳар қай-сиси бизга мурожаат қилиб, “менга тасалли беринг”, “Менинг кўнглимни хушланг”, “Менга бироз ҳазинлик ато этинг”, “Менга таъсир кўрсатиб, кўнглимни бўшатинг”, “Менинг орзу қилишимга имкон беринг”, “Менинг кўнглимни кўзганг”, “Мени ларзага солинг”, “Мени йиғлашга мажбур қилинг”, “Мени мулоҳаза юритишга мажбур қилинг” дея ҳайқирашади.<sup>1</sup>

Мопассаннинг идеали ўзининг темпераментига тўғри келадиган гўзал бир асар яратиш эди. “Гўзал” сўзи атрофида кети-охир кўринмайдиган баҳслар олиб борилаётган экан, таърифу тавсифлардан ўзимни тийиб туришга изн берсангиз. Фақат бир гапни айтиб ўтаман: ҳаққоний, бемалол ўзининг ҳаёти билан яшовчи асар яратадиган санъаткор ҳам гўзаллик чўққиларини забт эт-моғи мумкин — мен узоқ давом этган мулоҳазалардан кейин шундай хулоса-га келдим. Мопассан Гўзаллик деб аталган хуррак қушни бир неча марта қўлга киритишга муваффақ бўлган.

Шуниси эътиборга лойиқки, Мопассанга сира ўхшамайдиган Толстой ун-дан завқ олган.

Лев Толстой 1828 йилда Ясная Полянада туғилган ва 1910 йилда Астапо-вода вафот этган. Унинг ёшлиги фаол ўтган ва таассуротларга тўла бўлган. У йигирма тўрт ёшидан ёза бошлаган. Толстой Крим уруши вақтида армияда хизмат қилган ва ўша пайтларда унинг томонида ёзилган “Севастопол ҳико-ялари” унга тезгина вақт ичида машҳурлик олиб келади. Бу адабнинг энг дурдона асарлари “Уруш ва тинчлик” билан “Анна Каренина” бўлиб, улар 1864 — 1873 йиллар мобайнида яратилган.

Толстойни яхлит олиб қарасак, унинг кишини ҳаяжонга соладиган бир жумбоқ эканини кўрамиз. Битта одам шахсиятида санъаткор ва ислоҳотчи би-ригиб кетган яна бошқа бирор одамни топиш амримаҳол. Толстой умрининг сўнгги йилларида насихатгўй-тарғиботчи бўлиб қолди, ҳатто тарғиботчилик бу даврда унинг шахсиятида санъаткорликдан устун кела бошлади. Масалан, “Анна Каренина”да санъаткор Толстой тарғиботчи Толстойнинг соясида қолиб кета бошлаган. Ҳатто “Уруш ва тинчлик”дай монументал асарнинг охириги қис-мида ҳам баъзи жойларда Толстой насихатгўй тарзида қалам тебратади.

Сирасини айтганда, Толстойнинг бутун ижоди ҳам яхлитликдан маҳрум-дай кўринади. У бир жанг майдонига ўхшайди, унда доимий равишда кураш боради, улкан зиддиятларнинг аёвсиз тўқнашувлари рўй беради, бу тўқна-шувлар тўлқини бир кўтарилиб, бир пасайиб туради. Ҳозирги замон назария-сига ишонадиган бўлсак, характернинг ривожланиши безларнинг ҳолати би-лан белгиланади, шунинг учун бу сирли иккиланишнинг изоҳини шифокор-ларга қолдира қоламиз: уларнинг тасдиқлашча, одамнинг безлари кўпроқ миқдорда гармонлар ишлаб чиқарса — одам санъаткор, камроқ ишлаб чиқар-са — ахлоқпараст насихатгўй бўлар экан.

Агар ҳар хил саволлар ёғдириб, одамга ёрлик осиишни яхши кўрадиганлар меңдан унинг ёзганлари ичида қайси романини энг улуг асар деб аташ мум-кин?” дея сўрасалар, мен ҳеч иккиланмаган ҳолда “Уруш ва тинчлик” деб жавоб берардим. Толстой бу асарида худди циркдаги бирваракай иккита от

<sup>1</sup> У матн парчаси оригинал француз тилида келтирилган. Биз ўзбекча матни беришни лозим топдик. — *Таржимон.*

устида ҳунарини кўрсатувчи чавандоздай ҳаракат қилиб, аллақандай мўжизанинг қудрати билан отхонага лат емай эсон-омон етиб келади. Толстойнинг ижодий қудрати туфайли бу китобнинг ҳар саҳифаси ҳайрон қоларлик даражада мазмундор ва ёзувчи муваффақиятининг сири ҳам шунда. Роман одатдаги асарлардан олги барабар катгароқ, лекин унинг бирор қисми чўзилиб кетмаган ва кишини толиқтирмайди, ёзувчи томонидан яратилган инсоний эҳтирослар манзараси, тарихий ҳодисалар, ижтимоий ҳаёт, маиший турмуш манзаралари чиндан ҳам жуда улкан.

“Уруш ва тинчлик”да Толстой ўзининг бошқа асарларидаги каби умумлаштирувчи йиғма методдан фойдаланади — у сон-саноксиз миқдорда ҳодисалар ва тасвирий деталларни беради. У Тургеневга тескари иш қилади — Тургенев кўпроқ фактларни танлашга ва материални расамади билан жойлаштиришга, кайфиятга ва шоирона мувозанатга таяниб иш юритарди. Толстой эса китобхоннинг ҳаёлотини учун ҳеч қанақа озик қолдирмай, оралиқдаги бўшлиқни тугал тўлдириб ташлайди ва буни шу қадар катта катта катта билан, шу қадар самимият билан қиладики, муқаррар тарзда ўқувчини орқасидан эргаштирмай қўймайди. Толстойнинг “услуги” деган нарсани бу сўзнинг тор маъносидан олиб қарайдиган бўлсак, ҳеч нарсаси билан ажралиб турмайди. Унинг ҳамма асарларида китобхонга гапини қандай айтиш ташвиши билан эмас, нимани айтиш ташвиши билан андармон бўлган санъаткор шахсининг муҳри яққол сезилиб туради.

Маҳоратга берилган сон-саноксиз таърифлар бор — уларнинг ёнига яна биттасини қўшиб, маҳорат ёзувчининг ўзи билан китобхон орасидаги тўсиқни олиб ташлаш қобилиятидир десак, унда улар ўртасида яқинлик вужудга келган ҳоллардагина маҳорат чўққилари забт этилади. Бундай таъриф гарчи қўпгина ёзувчиларни истисно ҳолатга солиб қўйса-да, унга таяниб туриб Толстойга ёндашсак, Толстойни бағоят моҳир уста деб аташимиз керак бўлади. Чунки у бошқа ҳар қандай ёзувчидан ҳам ортиқроқ даражада ҳақиқий ҳаётни бевосита ҳис қилиб туришга имкон берадиган манзаралар яратади. Адабиётда ясамалик, зўрма-зўракилик бўлади, бу ҳол кўпинча энг инжа, энг нозиктаъб ёзувчиларнинг асарларини ҳам барбод қилади. Шу ясамалик Толстойга бутунлай ёт. Толстой ўзининг ижодий майлларига ҳам, ислоҳотчилик майлларига ҳам бутун вужуди билан берилиб кетади. Толстой ҳеч қачон сувни синаб кўрмоқ учун аввал бир оёғини, кейин иккинчи оёғини унга тикиб кўриб, соҳилда туриб қолмайди, ҳолбуки, бу ҳозирги санъатнинг одатдаги занфлигига айланаиб қолган. Ҳаётга ва маънога тўлиқ санъат санъаткор ўз мавзуга тўла-тўқис берилиб кетган ҳолдагина вужудга келади. Санъатдаги қолган нарса — ёзиш маҳорати борасидаги машқлардан ўзга нарса эмас. Бу маҳорат улғу ниётларни рўёбга чиқаришга ёрдам беради, лекин таассуфлар бўлмайкин, улғу ниётлар ҳар кунни ҳам тугилавермайди. Рассом умрининг ярмини бошини ҳар ёнга уриб, ким бўлсам экан деган масалани ҳал қилолмай изтироб ичида ўтказлади. У постимпрессионист бўлсинми, кубист бўлсинми, футурист ёки экспрессионист бўлсинми, ёки дадаист бўлгани маъқулми — ҳал қилолмай, боши қолади. Рассом тинимсиз равишда маълум бўлмаган аллақандай ажойиб бир шаклни топишга ҳаракат қилади. Шунга мувофиқ у ўзининг эстетик қарашларини ўзгартиради, лекин унинг бу ҳаракатларининг ҳаммаси беҳуда бўлиб чиқади. Бироқ санъаткор бутун вужуди билан мавзуга берилиб кетган фурсатда уни қандай ифодаласам экан деган масаладаги барча гумону шубҳалар тумандай тарқаб кетади — улар ўз-ўзидан ҳал бўлади ва қарабсизки, дурдона асар яратилади.

Толстой гарчи зодагон бўлса ҳам, Россияни ва рус деҳқонларини яхши биларди. Аммо у рус халқи ҳаётининг қайноғига Чеховчалик яқин эмасди. Чехов халқнинг ичидан чиққан эди ва у халқ ҳаётини ич томондан биларди. Толстой “Уруш ва тинчлик”да ҳамда “Анна Каренина”да тасвирлаган Россия — ўтмишдаги Россиядир, балки ўша Россиянинг фақат юқори қатламидир. Ҳозирги пайтда бу қатлам бутунлай мажақланиб ташланган ва йўқ қилинган. Не бахтки, ана шу ўтиб кетган ҳаётнинг икки улғу манзараси сақланиб қолган!

Мен бешинчи қиёфага — Конрад портретига ўтаман.

Жозеф Конрад (Юзеф Коженевский) 1857 йилда поляк заминдорининг оиласида дунёга келган. 1863 йилдаги исёндан сўнг унинг оиласи Россияга бадарға қилинади. Шу сабабдан унинг болалиги рус Польшасида ўтади. Унинг

ёшлиги дарбадарлик ва саргузаштлар ичида ўтган, у бора-бора Британия савдо флотининг офицери бўлиб олгандан сўнг, Конрад жуда бой ҳаётий таас-суротлар тўплайди, турли халқларнинг турмушини расм-русумларини, тилини ўрганади. Ўттиз йилча муқаддам у адабиёт билан шуғулланиш учун денгизни тарк этади ва Англияда ўрнашиб қолади-да, Жозеф Конрад деган ном билан асарлар эса бошлайди. Унинг прозаси йигирма жиқдан ортиқроқ бўлиб, она тилида ёзилмаган, лекин шундай бўлса-да, услубининг ғоятда бойлиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради — шу хусусияти билан бу наср адабиёт тарихида жуда ноёб ҳодисадир. Конраднинг ilk асарлари ҳайрон қолар даражада ёрқин ва тили образларга бой бўларди, кейинчалик балоғатга эриша боргани сари уларнинг ўрнига бошқа — қулоқроқ ва аниқроқ ранглар пайдо бўлди. Бироқ унинг ижодини яхлит олиб қарайдиган бўлсак, биронта ҳам инглиз ёзувчиси сўз билан тасвирлаш бобида ундан ўтиб кета олгани йўқ. Конраднинг асарлари композицияси жиқатидан бенуқсон эмас. Асосан у манзара тасвирига ҳамда ҳикоя қилишга уста бўлгани учун, у баъзан сюжетни жуда мураккаблаштириб юборади, бу қаҳрамонлар психологиясига ва ҳикоя муҳитига алоҳида назокат, бойлик ва теранлик бахш этади. Бироқ айни чоғда адиб у китобхонни субтропик ўрмонларнинг шунақа пучмоқларига олиб кириб қўярдики, у шўрлик баъзан бу пучмоқлардан қутулиб чиқишдан умидларини узиб ҳам қўяди. Лекин барибир охир-пировардида чангалзор зулматидан қутулиб, чарақлаган қуёш нурларида чўмилаётган нурафшон водийга етиб келасан. Конрад бунн маънавий кашфиёт деб атаган эди.

Конрад бошқа романнависларга қараганда кўпроқ даражада космос туйғусига эга эди. Унинг асарларининг саҳифалари бўйлаб ҳар нарсага қудрати етдиган сирли Тақдир кезиб юради, ҳар қанча кучли ва бақувват индивидуалликка эга бўлмасин, одамзод тўлалигича унга бўйсунди. Ана шу тақдирга тобеъликдан унинг образларига хос бўлган фожеона пафос ва ўта кучли таъсирчанлик ўсиб чиқади. Бу бутун умри мобайнида бир нарсага қарши кураш олиб борадиган, лекин охир-пировардида муқаррар тарзда ўша нарсадан мағлуб бўладиган одамларга хос бўлган ўзига хос эпикликдир. Конрад романларида кўпинча инсон ўзининг “мени”ни йўқотмаган ҳолда табиат билан улуғ муҳорабага киришади. Шўнга қарамай, романда табиатнинг инсондан юксак экани аён бўлиб туради. Ёзувчи бу туйғуни китобхонга мажбурлаб сингдирмайди, шундай бўлса-да, бу туйғу кишибилмас тарзда китобхонни чулғаб олади — ёзувчи истездодининг кучи шунақа.

Одамларда космос туйғуси унчалик кўп ҳам учраб турмайди, бизнинг кўпчилигимиз ҳаддан зиёд олампарастмиз ва ҳатто илоҳий нарсаларни ҳам инсоний нуқтан назардан тадқиқ қиламиз. Биз қадимий юнонларчалик ҳам эмасмиз — жаҳоний нарсалар тартиботида бизнинг ўрнимиз қандай эканини англамаймиз. Давлат — бизмиз, нарсалар тартиби бизимдир, биз дунёни ҳаракатлантираемиз. Эҳтимолки, бундай эътиқод инсон учун табиийдир, аммо ҳали одамлар истиқомат қилишга бошламаган замонлардан бери миллиард йиллар мобайнида ердан қўз узмай келаётган Вақт нуқтан назаридан эса ҳовлиққан ва мақтанчоқ гўдакнинг эътиқодидан ўзга нарса эмас. Ҳаётнинг келиб чиқиши ва тугаб битиши сабаблари, ҳатто одамлар ҳаётининг чиқиб келиш сабаблари ҳам теран бир сирга чулганган. Шу сирни тан олиш, эътироф этиш борлиққа муайян улуғворлик бахш этади. Ана шу улуғворликни биз Конрад ижодида учратамиз. Инсон психологияси, иштиёқлари, туйғуларининг энг но-зик жиқларини ифодалаб беришда бутун инглиз адабиётида Конраддан ўтиб кетган адиб бўлса, у ҳам Генри Жеймсдир. Ҳолбуки, на Конрад, на Жеймс инглиз эмас. Аммо уларнинг дунёни эмоционал қабул қилишлари деярлик бир-бирига зиддир. Истиорали қилиб айтганда, Генри Жеймс чой ичиб ўтган, Конрад эса шароб тановул қилган. Генри Жеймс санъаткор сифатида ўз ҳаёлотининг кучи билан барпо қилган дунёда яшаган. Бу дунёда инсон табиатининг стихияли ва ибтидоний сифатларига ўрин йўқ эди. У ўз қаҳрамонларининг дағал ёхуд жунбушли эҳтирослар оғушига берилишига йўл қўймаган. Жеймсда Ақл-Заковат шундай бир меҳварки, нарсалар тартиби шу меҳвар те-варатида айланади. Конрад дунёси эса, аксинча, турфа хил дунёдир, унда ҳамма нарса бор, ҳатто ёввойилик, ваҳшийлик ҳам мавжуд, бу дунёнинг яккаю ягона аҳли демаганда ҳам асосий аҳли ўзининг тизгинсизлигида чегара бил-майдиган табиатдир.

Конраднинг мафтункорлиги — бетакрор бир тарзда реаллик билан роман-

тиканинг кўшиб юборилганидадир. Конрад ўз асарларида номаълум денгизлар ва самолар, дарёлар, ўрмонлар ва одамлар дунёсини, кемалар ва олис кўрфазлар дунёсини, хуллас, бизнинг маҳлуд тасаввуримизда нимаики рутубатни мўъжизавий тажриба пардасига ўралган бўлса, шуни тасвирлайди. Конрад ўзига замондош бўлган ёзувчилардан фарқ қилароқ романтик ҳаётни яшаб ўтган. Ҳали ёзувчи бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмаган даврлардаёқ у кўп йиллар мобайнида ғайришуурий тарзда ўз ичида шу ҳаётнинг томир ураётганини сезиб юрган ва саргузаштларга мойил йигитнинг жамики жўшқин эҳтироси билан унга берилган. Ғайришуурий тарзда тўпланган тажриба ва таассуротлар заҳираси бўлмаса, қанчадан-қанча истъодлар нобуд бўлиб кетади. Қанчадан-қанча ёзувчилар тегиримонда ҳеч вақо бўлмаса ҳам ёғ чиқаришга уриниб ётадилар.

Конрад, айниқса, инглизларга ва умуман, қонида денгизга муҳаббат бўлган одамларга яқин. Биронта ҳам ёзувчи Конрадчалик денгизнинг кайфиятини ва латофатини, унинг қаърида яшириниб ётган хатарларни кўрсатиб беролган эмас. Бундан фақат Герман Мелвилл (“Оқ кит” романи) ва Пьер Лотигина (“Исланд балиқчиси” романи) мустасно, холос. Унинг асарларида денгиз манзаралари табиати қудрати қаршидаги ҳайронлик билан сугорилган ва денгиз билан ҳарб олишиб, уни енгаётган ёхуд унинг сўнгсиз турфа хиллиги қаршида бош эгаётган инсоннинг битмас-туганмас қизиқишига тўла. Конрадининг “Нарцисс”дан чиққан занжи”, “Бўрон”, “Ёшлик” асарлари чинакам дурдоналардир.

Сўнги, олгинчи адибнинг шаклу шамойилга ўтмоқ, нигоҳимни Малайя соҳилларидан Орлеан соҳилига қаратмоқ демакдир. Конрад ҳаётини драмасида саҳнада ўзи роль ўйнаган эди. 1844 йилда туғилиб 1924 йилда вафот этган Анато́л Франс бўлса умрининг энг сўнги кунларигача ҳаёт драмасини ўриндикда ўтириб кузатган.

Анато́л Франс холисона олим тафаккурига эга эди. Илмий муҳитда ўсиб улғайган бу одам китобий одам эди, ноёб билим эгаси эди ва бунинг устига-устак, қалами ҳам бағоят ўткир эди. Унинг ҳажвиёт қамчиси бағоят бежирим эди ва у ҳайрон қоладиган даражада одобу назокат билан саваларди. У фош қилмоқчи бўлган нарсаларини — хурофот ва санампарастликни шу қадар ажирлик билан дабдала қилар эдики, у етказган заҳаларни илғаб олиш ҳам қийин бўларди ва унинг қалтагини еганлар кўпинча шамолнинг қаёқдан эсаётганини билмай ҳам қолардилар. Унинг ёзувчилик фаолияти узоқ давом этган — у 1868 йилда ёзишга бошлаб, то вафотига қадар, яъни 1924 йилга қадар қўлидан қаламни қўймаган. Шу йиллар мобайнида — агар адашмасам, фақат уч мартагина соф романнавис сифатида қалам тебратган. “Сильвесрт Боннарнинг жинояти”, “Қизил Нилуфар” ва “Театрдаги воқеа” ёзиш усулига қараганда Франснинг бошқа асарларидан ажралиб туради. Фақат шу асарларидагина у кўпроқ инсон характерининг тадқиқотчиси ва ҳикоячи сифатида кўринади. Бошқа китобларида эса у биринчи навбатда файласуф ва ҳажвиётчи. Ҳатто “Танс”дек ажойиб санъат намунаси бўлган асар ҳам, моҳият эътибори билан олганда, танқидий йўналишга эга ва газабнок қалб алангасида тоблангандир. Бержер ҳақидаги романларда гарчи маҳорат билан чизилган портретлар сероб бўлса-да, улар ўз олдига характерларни тасвирлашни мақсад қилиб қўймаган, балки хурофотларни дабдала қилиш мақсадида кўлга қалам олган одам томонидан ёзилган. Ҳажман унча катта бўлмаган дурдона асар “Иудея прокуратори” бизга Понтий Пилатнинг унутилмас сувратини чизиб берган бўлса-да, у ҳажвий фикрни энг мукаммал даражага етказмоқ учунгина ёзилган асардир. Шўрлик Кренкебель — жуда инсоний образ, бироқ шунга қарамай, биз уни ҳаммадан аввал адолатсизликни фош қилувчи жонли тимсол сифатида биламиз ва қадрлаймиз. Ҳатто Рикс деган кучук ҳам думини қилшонлатиб, гўё одамларнинг феълу атворларини танқид қилаётгандай бўлади. Агар Вольтер қўлида ятагон билан иш юритган бўлса, Франс дуама қиличчини шунақа моҳирлик билан ишлатганки, унинг қурбонлари ҳанузга қадар ўзларининг ўлдирилганларидан беҳабар юришилти. Улар ёзувчи асарларини ўқишда давом этиб, ҳали ҳам уни “устоз” деб юришилти. Франснинг тиниқлиги ва нафислиги жиҳатидан тенги йўқ услуби — бу соф ақл поэзиясидир. У чинакамига соф француз эди. Француз заковатини ўзида бу даражада ёрқин тажассум этган яна бир бошқа одамни бундан кейин яна учратмоғимиз амримаҳол бўлса керак. Анато́л Франс ҳақини равишда ўзига ўз ватанининг номи билан оҳангдош тахаллус олгани бежиз эмас. Франс мўъжазгина

мақоламда қиёфаларини чизиб бермоқчи бўлганим ҳамма ёзувчилар ичида энг эътиқодли ва энг жасоратли гуманистдир. Франс гулханда ёндирилиш ёки қалласи кесилиш шарафига ноил бўлмай қолган, чунки у бизнинг бахтимизга у замонлардан анча кеч тугилган, лекин, барибир, унинг омади бор экан — Ватикан уни черковдан мосуво қилди. Унинг кўпчилиги асарлари одамларга теран ҳамдардлик билан суғорилган. Бу ҳамдардлик асл манбаи қаерда экани — юракдами ёхуд ақл-заковатдами экани тўғрисида мулоҳаза юритишни Анатоли Франсни шахсан таниган одамларга қолдирайлик. Бу ҳамдардлик шу қадар моҳирлик билан ва шу қадар назокатли тарзда беришга мойиллиги маълум даражада “бирон маънога эга бўлган ҳеч қандай гап айтмаслик керак ва қисқа ёзмаслик лозим” деган ақидага амал қиладиганларнинг ҳужумларидан асраб қолди. Франс ҳали модадан тушиб қолганича йўқ — ҳозирча у бундай шарафга ноил бўлгани йўқ, аммо Парижнинг айрим доираларида ва Нью-Йоркда баъзи бир фаросатсиз одамлар орасида унинг номини завқ-шавқ билан тилга олиш анча қалтис нарса. Комил ишонч билан таъкидлаш мумкинки, шафқатсизлик, маҳдудлик, кўполлик ва бошқа ҳар қандай чегарадан чиқишлар ҳамини унинг нафратини кўзгаган. Месью Бержерс Франснинг ўзи, тўғри, фақат адибнинг аччиқ захархандлари ва кинояси унга кўчган эмас. У жуда юксак савияга эришган одам ва маданиятдан ташқарида кун кечира олмайди. Анатоли Франсни Малайя оролларида, Россия далаларида, Лондоннинг пастқам жойларида ёки норманд деҳқонлари орасида тасаввур қилиб бўлмайди. Қадриятларни кинояли тарзда аралаш-қуралаш қилиб юборишда ҳали ҳеч ким Франсдан ўзиб кетаолгани йўқ. Бироқ унинг “Биби Марьям фокусчиси”ни олиб кўринг — унинг кинояси қанчалар майин бўлиши мумкин-а! У маъжусийликни ҳар қанча яхши кўрмасин, “Тоғдаги панд-насиҳат”ни ҳам ҳурмат қилмаслиги мумкин эмасди. Бу унинг “Бахтиёр чўллар”идан ҳам аён кўриниб туради. Бу асарда унинг кўпгина эртақлари замирида ётган панд-насиҳат бор. Франснинг деҳқонлари бир неча марта Муқаддас Бокира шарафига соф олтиндан ёки фил суягидан ҳайкал қўйишмоқчи бўлишадди, лекин ҳайкал ҳар гал йиқилиб тушаверадди, фақат уни оддий ёғочдан ясаганларидан кейингина ҳайкал ўрнатган жойларида туриб қолади. Франс ҳузур қилиб, христианликнинг қалб қаъридан жамикки мунофиқлик, сохталик ва ирим-сиримларни худди ўткир ов пичоғи билан кўчириб ташламоқчидай ҳаракат қиладди.

“Кренкебиль”ни ўқир экан, ҳар қандай кўринишдаги адолатсизлик унинг табиатига нақадар зид эканини кўриш мумкин. Дрейфус иши уни фалсафий мулоҳазалар ва ҳаёлот боғини тарқ этишга мажбур қиладди ва “Ноёб узук” ҳам худди Э.Золянинг “Мен айблайман”и сингари Адолат ишига қўшилган қудратли ҳисса бўлди. Гарчи Анатоли Франс ўзини социалист деб атаган, умрининг сўнгги йилларида эса ашаддий социалист деб ҳисоблаган бўлса-да, бошқа адабиётчиларга ўхшаб сиёсатга тузукроқ таъсир кўрсатишга муваффақ бўлган эмас. У бевосита сиёсий тарғибот ишлари билан шуғуллана бошлади, аммо бундан ҳам ҳеч қанақа самара бўлмади. Аммо унинг кўп қиррали ва эҳтиросли танқиди кўпгина хурфотларни илдизи билан суғуриб ташлади ва ўз даврининг ижтимоий тафаккурида жуда чуқур из қолдирди.

Агар мен бир гапни айтсам, ноҳақ бўлиб чиқармиканман? Ахир, биз бошимизга ўзимиз ташвиш ёғдириб, “модернизм” деб аталмиш нарсанинг кетидан ортиқча қувлаб юрмаяпмизми? Бу, ахир, янги расм бўлган, думини тутқазмайдиган бир қушдан иборат эмасми? Бундай қилсак, замон руҳи бизни бир модабоз олифтага айлантириб қўймаймими ва биз бутун вужудимиз билан бачкана нарсаларни тасвирлаб донг чиқариш пайига тушиб қолмаймизми? Ҳақиқий фикрий теранликка эга бўлмаган жимжимадор сўзларга, нотекис тарақ-туруқдан иборат бўлган музыка яратишга ишқибоз бўлиб қолмаймизми? Ва наҳотки, мен бошқа томондан қараганда, биз яна ўзимизнинг соғлом қосибчилигимизга қайтамиз ва ўзимизнинг “менимиз” кўрсатаётган масхарабозликларга номаъқул нигоҳ билан қарайдиган бўламиз деб ўйласам, наҳотки, хато қилган бўламан. Балки буларнинг барини биз атайин ўзимизга ўзимиз сингдираётгандирми? Бир нарсани рад қилиб бўлмайди — модернизмнинг, бу ажойиб парранданинг чиндан-да ўзига хос таъми бор ва бу, айниқса, уни дастурхонга тортганларида яққол сезилади. Уруш шароитида модернизмнинг бўлиши муқаррар эди. Уқтин-ўқтин тарихда бунақа портлашлар рўй бериб туради. Шунда воқеалар юзасида замон руҳи пайдо бўлиб қолади. У ўзига диққатни жалб қилмоқчи бўлиб, сув сатҳи бўйлаб одимлайди, кейин

енгилгина “шўлп” деган овоз чиқаради-ю, сув тагида ғойиб бўлади. Ундан енгилгина мавжлар қолади, холос. Адабиётда ҳеч қачон чинакамга турғунлик бўлмайдими, унинг асосий оқими ҳаминша муқаррар тарзда ўз ҳаракатини давом эттираверади. Сув сатҳидаги мавжлар ва тўлқин уришлар баъзан ҳалдан зиёд бўлишлари мумкин, баъзан эса улар кўринмай кетадилар. Лекин бу мавжларни ҳаминша майда балиқчалар ҳосил қилади, катта балиқлар эса ҳеч оғинмай ўз маконига ҳаракат қилишдан тўхтамайди. Ҳойнаҳой, сиз сезган бўлсангиз керак — тасвирий санъатда, рассомликда турли оқимлар бири кетидан бири пайдо бўлаверади, янги пайдо бўлган оқимга дарҳол ёрлик осишади, кейин у модадан чиқади, ундан бизга турли усталарнинг ноиларигина қолади — Тернер, Манэ, Милле, Уистлер, Гоген... Булар теграсида яна бошқа ўнлаб номлар айланиб юради. Адабиётда ҳам худди шу ҳодисанинг ўзи рўй беради ва фақат Вақтгина улуғларнинг баҳосини бера олади. Шакл аста-секин, сезилар-сезилмас тарзда ўзгариб боради, у ҳеч қачон саркаш йўли билан ўзгармайди, чунки консерватизм бунга тўсиқлик қилади. Санъат ҳам ҳаётга ўхшаган ички мантиққа эга бўлган нарса ва санъаткор қанчалик йирик бўлса, шунчалик тараққиётнинг асосий оқимиغا яқинроқ туришга ҳаракат қилади, унинг табиий суръатига яқин бўлишига интилади, ҳадеб ҳар томонга бош уравермайди, бундай қилса, бирор туриб қолган сувга шалоқлаб тушиб кетиши ва авжи ёз палласининг тиниқ кунига лойқа сув сачратиши мумкин.

Санъат теварагида, ҳатто роман санъати теварагида ҳам ҳаминша иккита эстетик мактаб ўртасида кураш борган. Бир мактаб санъатдан ҳаётни очиб беришни ва танқид қилишни талаб қилади, иккинчи мактаб эса фақат ёқимли гапларни тўқиб чиқаришни талаб қилади. Аммо кураш жараёнида қизишиб кетишганда иккала мактаб ҳам баъзан бир нарсани унутиб қўйишади — яъни санъат асари танқидий ёки фош қилувчи бўладими ёхуд тўқиб чиқарилган гапларни бежаб, пардозлаб кўрсатувчи бўладими — бундан қатъи назар, унинг моҳияти, яъни уни санъат асарига айлантирадиган нарса — “ҳаётийлик” деб аталмиш сирли нарсадан иборат бўлади. Хўш, ҳаётийликнинг санъат олдига қўядиган шарт-шароити қанақа? Энг зарурларидан бири шуки, асарда унинг қисмлари билан яхлитлик ўртасида муайян нисбат бўлмоғи керак. Шунингдек, асарда санъаткорнинг индивидуаллиги ҳам сезилиб турмоғи керак. Фақат шу унсурларгина асарга оригиналлик бахш этади, унинг жонли чиқишига сабаб бўлади.

Ҳақиқий санъат асарлари ҳаминша гўзал ва ҳаётий бўлиб қолаверади, бироқ моданинг кўтарилишлари ва тушишлари баъзан қисқа муддатга бўлса-да, уни саёз жойга ўтказиб қўйиши мумкин. У шунинг учун ҳам гўзал ва ҳаётий бўлиб қолаверадики, у ўзининг ҳаёти билан яшайди. Санъат асари табиат ва инсонни худди Еврейдил драмалари ёхуд Тургенев романлари янглиг тасвирлаши мумкин, ёки бўлмаса, Андерсеннинг эртаклари ёки “Ёз тунидаги туш” каби фантастик характерга эга бўлиши мумкин. Бундай асарлар тўғрисида тапирганимизда биз модани эсимиздан чиқарамиз.

Шунинг учун романда ҳаётнинг танқиди бўлиши керакми ёки йўқми деган мангу баҳс — беҳуда баҳсдир. Сирасини айтганда, романнавислар ҳар хил тусдаги одамлар бўлиши мумкин. Мопассан, Тургенев ва Конрадни соф санъаткорлар дейишади. Диккенс, Толстой ва Франсларда сатириклик йўналиши ёки тарғиботчилик кучли. Уларнинг олтовлари ҳам улуғ ёзувчилар эканини ва дастлабки уч ёзувчининг, яъни “соф санъаткорлар”нинг асарларида ҳам танқид унсурлари бор эканини ҳеч ким инкор этмайди. Гап шундаки, уларнинг олтовларининг ҳаммаси ҳам асарларида ҳаётни ўз шахсиятларининг призмаси орқали кўрсатганлар ва уларнинг кўламидаги санъаткор бу қадар қудратли бадний тасвир салоҳиятига эга бўлатуриб, воқеликнинг танқидчиси бўлмай тура олмайди. Ҳатто ҳолисликнинг пайгамбари ва эстетизмнинг ярим худоси бўлмиш Флорбер ҳам ўзининг “Оддий қалб”, “Автиё Юлиан ҳақида афсона”, “Бовари хоним” каби асарларида ҳаётнинг теран танқидини берган. Модомки, асосий нарса — ижодий руҳ ва ифоданинг теранлиги экан, очигини айтганда, тасвирланган манзара холисангликка тасвирга ўхшаб кетадими ёхуд матн замирида санъаткорнинг “мен”и сезилиб турадими-йўқми — бунинг нима аҳамияти бор?

Мен қиёфаларининг айрим чизгиларини чизиб берган олгита улуғ ёзувчининг ҳаммаси гуманистлардир. Уларнинг ижоди учун озуқа бўлиб хизмат қилган нарсалар инсоний туйғулардаги қинғирликлар, инсон юрагининг тепишидаги

нотекисликлар, бу дунёдаги умргузаронликнинг сон-саноқсиз пародокслари бўлди. Улар расман ҳар қандай қарашларнинг тарафдорлари бўлмасин, уларнинг чинакам эътиқодлари Гриммнинг эртагидаги Пакананинг қуйидаги сўзларида ифодаланган: “Инсоний сифатлар мен учун дунёдаги ҳамма бойликлардан ортиқроқдир”.

Бу ёзувчиларнинг ҳеч қайсисида адабий олифтагарчиликдан асар ҳам йўқ, улардан биронтаси, ҳатто Толстой ҳам назариячи бўлмаган, ҳаётни назарий қолипга тиқиштиришга, асарни эса шаблонга айлангиришга уринган эмас. Профессор Эйнштейн нисбийлик назариясини олдинга сурмасдан анча олдинроқ ҳаётний қадриятлар улар учун нисбий қимматга эга бўлган. Менинг ўйлашимча, уларнинг ҳаммаси воситалар мақсадни оқлашига ишонишган. Гарчи ҳар қандай мақолда бўлгани каби бу сўзларда ҳам бор-йўғи ярим ҳақиқат мужассам топган бўлса-да, улар ақидага ёпишиб олиш иллатини енгиб ўтган бизнинг асримизга мос келади. Ўз санъати учун ҳақиқий ҳаётдан материал сифатида фойдаланган улуг романнавис ўз асарларининг нури билан одамлар жамияти ривожининг тезлашишига қўмаклашади ва ўз даври ахлоқининг у ёки бу даражада жилваланишига йўл очади. У, албатта, онгли равишда устоз бўлиши ёхуд онгли равишда исёнчи бўлмоғи шарт эмас. Унга кенг нигоҳга эга бўлиш, теран ҳис қилиш, бошидан кечирган нарсадан ва ҳис қилган нарсалардан кейинчалик ўзининг янги ҳамда мазмундор ҳаёти билан яшай оладиган тимсоллар яратишининг ўзи кифоя. Ахир, рассом Мане “мен учун янги сувратни ишлай бошлаш, сузишни билмай туриб денгизга сакраш билан баробар” деб айтмаганмиди? Инсон ҳаётининг майсазорларида ўтлаб юрадиган романнавис тўғрисида ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин. Унинг ҳаракатларини ҳеч қандай ибрат, ҳеч қандай назария бирон йўналишга соломмайди. Ёзувчи кашшоф бўлмоғи керак. У ўзи акс эттирган ҳаётний хомашёдан ўзига ўрнак ясаб олмоғи керак.

Инсонпарварлик — мавжудлик жумбоқлари ҳудудида бахт борасида ҳам, ғам-ғусса борасида ҳам инсонлар тақдири охир-пировардида уларнинг ўз қўлларида эканига ишонганлар эътиқодидир. Ва бу олти адиб ўзининг жамики инсоний нарсаларга табиий дахлдорлиги билан ҳамда бадийи таъсирнинг улуг қудрати билан шундай бир ишончни мустаҳкамлашдики, эҳтимол, бу ишонч ҳозирги замон одами учун бирдан-бир суянч бўлиб қолиши мумкиндир.

1924 йил.

## ЯНА ТЎРТ АДИБ ҚИЁФАСИГА ЧИЗГИЛАР

Профессионал мунаққид деб аталмиш само аҳлига мансуб бўлмаган ёзувчи бошқа ёзувчилар тўғрисида мулоҳаза юритишга жаҳд қилар экан, фақат уларни дил-дилидан яхши кўргани учун бунга журъат қилади. Лекин тирик ёзувчи бошқа тирик ёзувчиларни дил-дилидан яхши кўриши камдан-кам бўладиган ҳодиса, аксинча, у одатда бошқа тирик ёзувчиларни дил-дилидан ёмон кўради. Шунинг учун ҳам мен вафот этиб кетган тўртта адиб тўғрисида гапирмоқчи бўляпман. Ҳаётдан кўз юмганлиги уларни бир-бирига боғлаб турган ягона риштадир. Аммо ҳаётликларида ўз олдиларига қўйган вазифаларига кўра ҳам, қиёфаларига кўра ҳам улар бир-бирларидан жуда фарқ қиладилар. Бу жиҳатдан улар баайни Лондон кўчаларидаги бир-бирига туташ тўртта уйнинг эгаларига ёки беморга ташхис қўяётган тўртта врачга ўхшайдилар.

Дюмани мен йигирма беш ёшимда — ҳали ғургина саргузашт талаб бир йигит ўлароқ олис сафарга отланганимда ўқий бошлаган эдим. Мен “Монте-Кристо”дан бошладим. Мен уни Ҳинд океанини кесиб ўтаётган “Торренс” деган елканли кемада, ўзим ҳам ҳаёлотим елканларини ёйиб юбориб, бу ажойиб романининг ақл бовар қилмайдиган кенгликлари бўйлаб сузиб юриб ўқиган эдим. Эсимда — денгиз тинч чоғларда мен яшил жилдли романини кўлтиқлаб олиб, кеманинг тумшуқ томонига ҳамроҳларимдан — бу реал дунёнинг аянчли сиймоларидан нарига бориб олардим-да, учар балиқлар ва романтика билан холи қолиб ўқийверардим, ўқийверардим. Кейинги тўрт йил мобайнида мен ичкиликка ўрганиб қолган одамдек Дюмадан ажралолмадим — “Мушкетчилар” туркумининг ва “Қиролича Марго” туркумининг муаллифи ўзига тортаверарди. Мен “Жозеф Бальзамо” билан “Қироличанинг мар-



жони”ни ҳам татиб кўрдим, аммо мен улардан бир културм ичдим-у, қолган тўқсонгадан ортиқ романнинг ҳеч қайсисига қўл теккизмадим. Аммо “Монте Кристо” билан ўша “Мушкетчилар” ва “Қиролича Марго” туркуми ҳар нима деганингизда ҳам йигирма беш жилдни ташкил қилади, бинобарин. Улар тўғрисида бемалол гаплаша бўлади. Балогатга етган одамнинг мулоҳазаларига кўра “Монте Кристо” “Қиролича Марго” даражасида эмас, бу туркум ҳам уч мушкетчи ҳақидаги трилогиядан анча берида туради, лекин ҳеч шубҳа йўқки, бу трилогия ўша пайтдаги тарихий романларнинг муаллифлари ўртасида Дюмага биринчи ўринни олиб берди. Чиндан-да, Дюманинг тарихни яратиш қобилияти ҳар қандай одамни ларзага солмай қолмайди. Дюма яратган Тарих шу қадар чин, шу қадар ҳаққонийки, тарихчилар яратган Тарих унинг олдида рангсиз ва туссиз бўлиб қолади ва бу шўрликлар ҳеч қанчалик муваффақиятга эриша олмай, ёзганлари билан шалвираб қолаверадилар. У шўрликлар сизга зорланиб, “йўқ, йўқ, ундай эмас, воқеалар унақа рўй бермаган, аслида фалондай ва фалондай бўлган” деб шикоят қилишади, “воқеаларнинг иштирокчилари ҳам аслида бошқа, фалончи-пистончилар” деб сизни ҳақиқатдан огоҳ қилади. Аммо сиз аллақачон бу тўғрида Дюманинг ёзганларини ўқиб бўлгансиз ва олимларнинг гапи сизга сариқ чақалик ҳам таъсир кўрсатмайди. Тарих йўлларида телбадай жавлон урган Дюма бу йўллари тарихчиларнинг қонсиз жасадаларига тўлдириб ташлади. Унинг бири биридан бой тўқималари орасида туссиз ҳақиқат ҳақ-ҳуқуқларидан мосуво қилинган арвоҳга ўхшайди. Ришелье ва Мазарини, Карл IX, Анна Австрийская, Лиза де ла Вольер, Улуғ подшо, герцог Гизлар Генрих Наваррский ва қиролича Марголар билан бирга Дюма мактабида таҳсил кўрган китобхонларнинг қай бири кейин улар тўғрисидаги тарихий асарларни ўқиркан? Мен ўзим марҳум бош вазириимиз билан мактабда бирга ўқиганман, аммо кейинчалик унинг тўғрисида жаннати одамлардан бири тўғрисида ёзилган гапларни ўқиганимда Гарвардда мендан яхшироқ ўқиган йигитни ва мен уни футбол майдонида чалиб йиқитганимни эслаёлдим, холос. Унинг хизмат пиллапояларидан кейинча омад билан кўтарилишларига мен доимо гумон билан қараганман. Худди шунга ўхшаб, Францияда Дюма саҳифаларида муҳрланиб қолгандан бошқа тарих бўлганми-йўқми экани кишида шубҳа туғдиради.

Сўнги пайларда марказида бирон-бир тарихий шахс турган биографик пьесалар ёки романлар модага кирмоқда. Дюмани муносиб баҳоламоқ учун ана шу ҳозирги асарларни улуғ француз яратган тарихий сиймолар билан ёнма-ён қўйиб кўринг — уларнинг нақадар нимжонлиги, уларда латофат ва жозоба нақадар кам эканини яққол кўрасиз-қўясиз. Кейин яна бир нарсани таққослаб кўринг — Дюманинг тарихий шахсларини унинг хаёлогчи кучи билан яратилган д’Артаньян, Арамис, Портос, Атос, Кокоина, Шико, Боссилар каби образлар билан ёнма-ён қўйиб кўринг. Бу образларнинг кўпчилиги ҳаётда прототипларга эга бўлган, бироқ бу билан кимнинг нима иши бор? Ҳаммадан аввал, уларнинг ўзларининг ҳеч қанақа иши йўқ. Бундай таққос оқибатида Дюманинг истеъдоди янада тўлароқ ва аниқроқ кўринади, негаки ҳеч нарса билан чекланмаган хаёлот кучи ёрдамида яратилган Дюма фарзандлари унинг тарихий сиймоларига қараганда тўлақонлироқ ва жонлироқ бўлиб чиқади. Эркаклар Дюмага аёлларга қараганда яхшироқ бўлиб кўринган. Анна Австрийская, Марго, Луиза, де Монсрон хоним ва герцогиня де Шаврез яхши чизилган образлар, лекин улар ҳаддан зиёд ёрқин яратилган эмас, Миледи-ку аёл либосидаги даҳшатли бир маҳлуқ, холос. Булардан бошқа унда тилга олишга арзийдиган тузукроқ аёл образининг ўзи йўқ. Аммо бунинг эвазига унинг эркаклари энг яхши адабий қаҳрамонлар билан беллаша олади: улар ўн йилликлар орқали мағрур қадам ташлаб ўтадилар, уларнинг қадди-қоматига қараб тўймайсан, киши. Қизиқарли ҳикоя қилиш қобилиятига кўра Дюма Диккенсга тенг келади, ёзувчига эса бундан ортиқ баҳо йўқ. Албатта, унинг баъзи бир арзон-гаров тасвирларидан бурун жийриш мумкин ёки инглиз адабининг тасвирдаги баъзи бир тийиқсизлигидан ҳам ранжиш мумкин, аммо у қадар йирик бўлмаган адибларда бизга малол келадиган қусурлар бу улуғ режиссёрларнинг асарларида мутлақо табиий кўринади. Мен баён қилиш санъатини тилга олганим учун минг бора узр сўрайман — бизнинг кунларимизда жуда кўпчилик бу шаклни аллақачон ўлган ва кўмиб юборилган деб ҳисоблайди — улар инсон ҳаётини бир-бири билан дефис орқали боғланган бир қатор портлашлар орқали ифодалашга ҳаракат қилишади. Шундоқ бўлгандан

кейин Дюма тўғрисида гапирганда бу мавзунинг четлаб ўтиб бўладими? У ўзининг энг яхши асарларида китобхоннинг диққатини сира чалғитмай, қаттиқ ушлаб тураолади — бунда унга деярлик ҳеч ким тенг келолмайди. Одатда у бир нечта сюжетни олади-ю, уларни аравага қўшилган тўртта отни бошқаргандай абжирлик билан бошқариб боради, отларнинг тезлиги ҳар қанча шиддатли бўлмасин, у равонлиқни йўқотиб қўймайди. Бир-бири билан ҳаддан зиёд мураккаб тарзда биригиб кетган эпизодлар ва характерларнинг кўпчилиги жиҳагидан унинг романлари орасида биринчи ўринни “Виконт де Бражелон” эгалласа керак. Ҳа, ҳеч шак-шубҳасиз, Дюма — улугъ ровий! Унда алланечук сеҳргарлик хислати бор, лекин у жоду қилганда ўзининг дори-дармонларини ҳақиқий ҳаётдан олиб ишлатади. У ёрқин рангларни ва ўткир зирворларни яхши кўради, лекин зинҳор-базинҳор куруқ гап сотмайди. Гомер замонларидан бери адабиётнинг олдига иккита талаб қўйиб келишади — унда сюжет бўлмоғи керак ва унда характер бўлмоғи шарт. Инсон табиати шу даражада секин ўзгарадиган нарса бўладими, минг йил муқаддам ўтган нарса ҳам унинг учун куни кеча рўй бергандек кўринади. Шунинг учун китобхон Чосер замонида қандай бўлса, бугун ҳам худди шундай тарзда сюжет билан характерни талаб қилаверади. Эклектиклар Дюмани рад қилишса қилаверишсин, унинг асарларини ҳозиргача ўқишмоқда, бундан кейин ҳам яна юз йил, яна уч юз йил ўтгандан кейин ҳам ўқий беришади. Айни чоғда, комил ишонч билан айтаманки, ҳозирги кунда бўтқа адабиёт деб атаса бўладиган, шакли йўқ, шаклсизликдан доимо лиқиллаб турадиган адабиёт асарлари ўттиз йилдан кейин хотираларда ҳеч қандай из қолдирмай ғойиб бўлиб кетади, ҳатто уларнинг номлари ҳам эсда қолмайди.

Реализм билан романтизм ўртасидаги фарқ ёзувчи ўз олдига қўядиган асосий мақсад билан белгиланади: биринчи навбатда китобхонни қизиқтириб, кўнглини чоғ қилишни мақсад қилиб олган ёзувчи романтик бўлади; тасвирлаётган нарсасини биринчи навбатда кўрсатиб беришни ёки агар истасангиз, талқин қилиб беришни мақсад қилиб олган ёзувчи реалистдир. Мен бу гапни илгари ҳам айтганман, лекин тажрибам шундан далолат берадики, бир айтган гапни яна такрорлаб турмоқ керак, акс ҳолда ҳеч ким унга эътибор бермайди. Шундай қилиб, Дюма биринчи навбатда китобхонни биронта жумбоққа қизиқтириб қўйишини эътиборга олиб, уни романтиклар сафига қўшмоқ керак. Унинг китобларига қараб Дюманинг ўзининг алланечук ғаразлари борми-йўқми — билиб бўлмайди, худди шунингдек, унда аввалдан пишиб қолган ўз қарашлари ёхуд бирон фалсафий тизими борми-йўқми — буни ҳам аниқлаш амри-маҳол. Унинг романларида воқелик танқид қилинмайди, унинг кайфиятига ўраб берилмайди. Инглиз ёзувчиларидан бунақа холис ёзувчи сифатида кўрсатсак, фақат Шекспирни кўрсатиш мумкиндир, холос. Аммо Дюма романтик бўлса-да, замин узра иккала оёғида мустаҳкам туради. Кайфиятига кўра романтик бўлган бу адиб ўзининг методига кўра реалист эди ва айрим ҳолларда эса у илҳом билан характерлар яратишга ҳам қизиққан. У яратган энг буюк образ, шак-шубҳасиз, д’Артаньяндир. У шундай бир меҳвардирки, ўн бир жилд асар учун асос бўлиб хизмат қилади. У бир вақтнинг ўзида саргузашталаб сарбоз ва ишончли қозонган мулозим. Кимда-ким олижанобликда ва довлоракликда унинг олдига туша олмаса, бундай одамга қиличини санчишга тайёр. Бундай одам оғир ва босиқ бўлса-да, д’Артаньян ҳамласидан қочиб қутулолмайди, чунки д’Артаньянга айни ана шу босиқлик ва оғирлик бутунлай бегона. Билмадим, ўзининг ҳаётийлиги ва типиклигига шу қадар ишончимизни қозона олган бирор адабий қаҳрамон адабиётда яна топилармикан? д’Артаньян биронта кимсадан ёрдамини аямайдиган одам, у шундай ишларни қилиб, шундай хатти-ҳаракатларни амалга оширадики, бошқалар бундай ҳаракатларидан олам-жаҳон фойда кўрадилар; у ҳали-замон ўзининг бахт қушини ушлаб оладигандек туюлади, лекин ҳаминша бошқаларнинг бахт-саодатини барпо қилиш учун елиб-югурган бўлиб чиқади ва бундан унинг жозибалорлиги заррача камайиб қолмади. Бунақа одамларни биз ҳаётда кам учратамизми! д’Артаньян образини яратган одамнинг ҳар қандай гуноҳидан ўтса арзийди.

Учар этигимизни оёққа илайлиг-у, Дюмадан рус ёзувчиси, ҳар қандай замондошларимиздан кўра бизга замондошроқ бўлган Чеховга ўтайлик.

Чехов тўғрисида гапирганда айтмоқ керакки, унинг ҳикояларининг на боши, на думи борга ўхшайди, улар баайни тошбақага ўхшаб, ўртанинг ўзи-

дан иборат. Аммо унга тақлид қилмоқчи бўлганларнинг кўпчилиги шуни тунунмадиларки, унинг ҳикояларида асарнинг боши ва думи ичкарига тортиб олинган, тошкосанинг тагига яшириб қўйилган. Уистлерга ўхшаб кўрмоқ ва ёзмоқ учун буни хоҳлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Худди шунга ўхшаш Чехов каби ҳис қилмоқ ва ёзмоқ учун унинг янгича ёзиш манераси сизга ёқадими-йўқми — шуни ҳал қилиш керак.

Чеховга ўхшаб ёзишга ҳеч ким муваффақ бўлмайди, фақат Кэтрин Мэнсфильд деган ҳозирги даврдаги бир ёш ёзувчи жувонгина бу қоидадан истисно бўла олди. Аммо у бошқалардан кўра яхшироқ тақлид қилишни эплагани учун шундай бўлгани йўқ, бунинг сабаби шундаки, бу адиба ҳам худди Чеховга ўхшаб таранг ва маҳзун туйғуларга эга эди, у ҳам худди Чеховдай ўйлар ва ҳис қиларди (таассуфлар бўлсинки, у ҳам ўша даҳшатли хасталик сабабидан вафот этган). Менинг фикримча, сўнгги йигирма йил мобайнида бир неча мамлакатда ёш ёзувчилар учун Чехов энг қудратли оҳанрабо бўлган эди. У жуда катта адиб эди, бироқ унинг таъсири кўпроқ заифлаштирувчи хусусиятга эга бўлди. Гап шундаки, унинг учун энгилдай бўлиб туюладиган бир усул билан ишламоқ табиий эди, аммо амалда текшириб кўрганда бу усул гарб ёзувчиси учун жуда қийин бўлиб чиқди. Унинг асарлари Фарбий Оврўпада шундай бир фурсатда шўхрат топдики, бу пайтда ёзувчилар кўпда ортиқча меҳнат сарф қилмай муваффақиятга эришиш дардига тушиб қолишган эди — бунақа руҳий ҳолат фақат ёзувчиларгагина хос эмас, балки уни водопроводчилар ўртасида ҳам, биржа корчалонлари орасида ҳам учратиш мумкин.

Чеховда кишининг хаёлини олиб қочадиган мафтункор бир имкониятни кўргандай бўлишди — Чехов гўё ардоқли мақсадга олиб борадиган энг яқин йўл эди, бироқ дадил айтмоқ мумкинки, бу йўлдан кетганларнинг биронгаси ҳам мақсадга етиб боргани йўқ. Унинг ижоди кўз илғамас тарзда дайдиб юрадиган бир шамчирокдир. Ёзувчи ўйлаши мумкинки, кундалик туйғулар ва ҳодисаларни ҳафсала билан қайд қилиб чиқса кифоя — унинг ҳам қалами остида Чеховники сингари ажойиб ҳикоя чиқади қўяди. Қаёқда дейсиз! Бирор асарни “ажойиб” деган билан у чиндан-да ажойиб бўлиб қолавермайди. Агар шундай бўлганда эди, бутун бизнинг тетраминизн қанчадан-қанча ажойиб асарлар қуршаб турган бўларди. Ҳикояда яққол кўриниб турган композициясиз қалам тебратиш рус ёзувчисига нисбатан гарб ёзувчисига қийинроқ. Лекин шуниси ҳам борки, кўпгина гарб ёзувчилари ҳозир бундай деб ўйламайди. Бизнинг “янги” адабиётимиз гўё аллақачон Чеховни орқада қолдириб кетди ва ҳатто ўзи отасини ҳам танимай қолди-ю, мен унинг ютуқларини ҳамда интилишларини етарли даражада қадрламайман деган тасаввур ҳосил қилмоқчи эмасман. Жуда қобилиятли ва жиддий ёзувчилар чин дилларидан ҳаётни ҳамма ранглари ва жилolari билан бутун турфа хиллигини сақлаган ҳолда акс эттиришга уриниб ётишипти, бунинг устига улар маҳзун ва киноявий бир фатализм билан суғорилганлар, бу фатализм уларга эҳтимол янги бир нарса бўлиб кўриниши мумкин. Уларнинг назарида бу фатализм Чехов ва яна бошқа кўпгина ёзувчилардан ўтган бўлиб туюлиши мумкин. Баъзи бир ана шу довурак новатор ёзувчиларимизнинг услуби ва методларида чиндан ҳам бир қадар янгиллик бор, лекин уларнинг ҳаётий фалсафаларида мен ҳар қанча уринмай, ҳеч қандай янгиллик топа олмайман. Улар сюжетдан ва характерлардан воз кечишган ёки аниқроқ қилиб айтганда, сюжет ва характерлар яратишда аввалги драматик усуллардан воз кечишган, лекин фалсафийлик жиҳатидан қараганда улар ўзларининг Тургенев, Мопассан, Флобер, Генри Жеймс, Мередит, Гарди, Франс, Коград каби ажлодларидан унчалик ўтиб кетганлари йўқ. Бу янги ёзувчилар биз мистицизм яратдик ва у тўлалигича бизнинг кашфиётимиздир деб даъво қилишади, ҳақиқатда эса уларнинг мистицизми юқорида номлари саналган катта ёзувчиларнинг ижодлари замирида ётган мистицизмдан ортиқроқ ёхуд ўткирроқ эмас, ахир, уларнинг бари етарли даражада равшанлик билан кўрсатдиларки, улар коинот тартибининг сирли ҳамда ўз-ўзига ҳоким маромини тан олишади, инсон ҳаётига бошдан-охир сингиб кетган гўзалликни, даҳшатни, мушфиқликни ва кинояни кўриб туришипти. Ҳа, менинг фикримга кўра, янги ёзувчиларимизнинг услуби ва методи уларнинг фалсафасига қараганда анча қизикроқдир. Мен уларнинг дадил усулларини кўриб қойил қоламан, ҳолбуки бу усул анча юзаки жойда ётади. Бейхтиёр савол туғилади: эҳтимол, эпчиллик ва дадиллик билан шаклни ҳамда

мунгазам сюжетни бартараф қилиб, улар бир ҳақиқатни назардан қочиргандирлар, бу ҳақиқатга кўра эса бизнинг тезкор ҳаракат қиладиган замонамизда инсон ҳаёти ҳар қанча ҳавойи кўринмасин, ҳақиқатда эса теран ва ўзига хос томирларга боғлаб қўйилгандир. Чехов бўлса ўзининг шаклсиздай кўринган ҳикояларида ҳеч қачон бу ҳақиқатни унутмайди ва ҳеч қачон унинг маҳорати мана мен деб туртиб ҳам турмайди.

Чехов 1860 йилда рус шаҳри Таганрогда таваллуд топган ва бор-йўғи қирқ тўрт йил умр кўриб, Шварцвальдда вафот этган. У деҳқонлар тоифасидан чиқиб келган, ўзи қишлоқ врач бўлган. Унинг авлодига мансуб бошқа рус ёзувчиларининг ҳеч қайсисида биз рус заковатини ва рус халқини бу қадар теран тушунишни кўрмаймиз, рус характерини бу қадар бехато ҳис қилишни учратмаймиз. Рус табиатига азалдан хос бўлган мужмалликни у қочиб қутулиб бўлмайдиган бир қисмат деб билади ва бутун ижоди давомида уни эринмай, узлуксиз тарзда ва холисанлилло очиб беришга ҳаракат қиладди. У қишлоқ врач бўлгани важидан, бошқа ҳар қандай одамдан ортиқроқ даражада инсон табиатини кузатиш имконига эга ва у бу табиатнинг ўз бардошидан бошқа ҳар қандай ёрдамдан маҳрум ҳолда оғир дардлар ва ёмон саргузаштлар зулми остида эзилиб ётганини кўради. Чехов гоятда сезир ва муайян усуллардан маҳрум бўлмаган инсон эди. Афтидан, ўз яқинларининг изтироб чекишларини кузатмоқ унинг учун гоятда оғир бўлган бўлса керак, уларнинг ўз характерларининг миллий белгиларидан куч-қувват олабилмасликларини кўриб янада қийналгандир. Ҳарҳолда, у буларнинг бари туғма санъаткор сифатида гоятда ўтгир бир нигоҳ билан кўрган. Билмадим, кўпгина турфа хил халқлар яшайдиган бир мамлакатда рус характери тўғрисида яхлит бир нарсасидай гапириш мумкинми-йўқми? Ҳарҳолда, рус характери вақт ва макон қадриятларига нисбатан бефарқдир, унинг учун энг муҳими — туйғулар, бундан ҳам ортиқ даражада муҳими туйғуларни ифодалаб беришдир. Шундай экан, у туйғуларнинг янги тўлқини уларни буткул ювиб кетмагунча ўз мақсадларига эришиб улгурмайди. Кўп масалаларда фавқулодда жозибадор бўлган рус кишиси, менинг назаримда, муайян бир нарсани ўзини тўхтатиб қолишга қодир эмас. Шунинг учун у доимо у ёки бу бюрократиянинг қурбони бўлиб келган ва менинг ўйлашимча, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Рус характери — узлуксиз равишда ёпирилиб келиб-кейтиб турадиган оқимдир ва соф рус сўзи бўлмиш “ничего!” (“ҳечқиси йўқ!”) бу адоқсиз иккиланишларнинг фатализмини яхши ифодалаб беради. Рус кишиси учун моддий қадриятлар ва уларнинг ортида турган принциплар — ҳаддан зиёд даражада камдир, туйғулар ва уларнинг ифодаси эса ҳаддан зиёд кўпдир. Менинг бу гапларим, албатта, бир инглиз нуқтаи назаридан айтилаётган гаплардир. Рус кишиси айтиши мумкин эдики, унинг учун моддий қадриятлар ва уларнинг ортида турган принциплар ҳаддан зиёд даражада кўп аҳамиятга эга, туйғулар ва уларнинг ифодаси эса ҳаддан зиёд даражада кам аҳамиятга эга. Икки миллий характер ўртасидаги айни ана шу зиддият важидан Чехов ҳикояларининг шакли инглиз ёзувчиларини ўзига шу қадар мафтун этади ва улар учун шу қадар ётдир. Бу шакл худди рус текисликлари каби яссидир. Чеховнинг муваффақияти шундаки, у ясси нарсани жон олгучи бир жозибадор нарсани айлантира олди, унинг жозибадорлиги преприя ёхуд саҳронинг биринчи бор кўришдаги жозибадорлигидан қолишмайди. Қандай қилиб унинг бунга эришгани сир, ва гарчи ўшандан бери кўпгина одамлар у сирнинг тагига етдик деб ўйлашсада, очигини айтмоғимиз керак — бу уларнинг назарида шундай туюлган, холос.

Чеховнинг пьесалари ҳам инглиз саҳналарида ҳеч қачон бизни тўла қаноатлангирган эмас, бунинг сабаби қисман шунда бўлса керакки, улар, афтидан, дунёда энг яхши бўлган рус актёрлари учун ёзилган, ва яна қисман шунинг учун бўлса керакки, бунга Чеховнинг характери ва методи сабаб бўлган бўлиши керак. Инглиз актёрлари Чехов пьесаларининг муҳитини ифодалашга қодир эмаслар. Чехов асарлари эса — хоҳланг улар пьеса бўлсин, хоҳланг — ҳикоя бўлсин — ўзларининг муҳити важидангина эсда қолишади. Илҳом ва инсоний туйғулар унинг нарсаларига ички шакл бахш этади, бу ички шакл драматик сюжетлар замиридаги шаклнинг ўрнини босади. Чехов биронта ҳам роман ёзган эмас, бунинг сабаби шу бўлса керакки, асар қанча узун бўлса, унда бирон муайян воқеанинг рўй бермоғи шунча муқаррар бўлмоғи керак бўлади. Характерлар масаласига келадиган бўлсак, ё улар ҳаддан ташқари бе-

восита ҳаётдан олинган, ёхуд ҳаддан зиёд тарзда русча характерлардир ва шунинг учун эса яхши сақланиб қолмайдилар. “Олчазор” ёки “Ваня тоға”даги персонажлар — уларнинг баъзи бирларини мен ҳатто номма-ном ҳам айтишим мумкин — жуда жонли, жуда ишончли одамлар сифатида хотирага келадилар, бироқ улар шу даражада кайфиятга ва муҳитга бўйсундирилганки, унчалик ёруғликда турганга ўхшамайдилар, балки аллақайларда нимқоронғилик ичида тентираб юргандай кўринадилар. Аммо шунга қарамай, Чеховнинг ижоди жуда катта қимматга эга, чунки у бизга буюк бир халқнинг қалбини кўрсатиб берди ва буни шовқин-суронсиз ва ҳеч қандай даъволарсиз амалга оширди.

Дюмадан Чеховга фақат учар этик ёрдамидагина сакраб ўтиш мумкин эди. Чеховдан Стивенсонга ўтиш учун эса икки баробар зўроқ учадиган этик керак. Агар санъат кишини эзадиган таъсир кўрсата олса, айтиш керакки, Чеховчалик кишини эзадиган ёзувчи йўқ. Кўнглингиз хуфтон бўлиб турган бўлса, ҳар қандай ёзувчидан кўра ҳам Чеховга камроқ талпинамиз. Шотландиялик Стивенсон эса бутунлай бошқа гап — биринчи навбатда айна шу ёзувчининг шапалоқдек китобларига жон-жаҳдимиз билан ёпишиб оламиз. Кези келганда бир нарсани сўраб олай — сезганингиз борми — фожей воқеаларни тасвирлайдиган ёзувчилар одатда ўта соғлом одамлар бўлади. Руслар бу ҳисобга кирмайди, улар ҳаминша ўзлари ҳис қилиб турган нарсаларни тасвирлашадди, бизга — Ғарб одамларига эса бошқача сифат хос — биз доимо ўз туйғуларимиз ва сезгиларимизга тескари борамиз. Биз агар ўзимизни ёмон ҳис қиладиган бўлсак, ижодда юморист бўлиб оламиз ёки жилла бўлмаса, романтик бўламиз. Стивенсон мустаҳкам солиққа эга бўлганида улуғ фожеанавис ёзувчи бўлиши мумкин эди, бироқ хасталиги сабабидан қувноқ ёзувчи бўлмоқдан ўзга иложи қолмади. У халос бўлиш иложини сиёҳдан қидирди, унинг учун энг катта бахт — қаламни ишга солиш эди. Ёшим ўтиб боргани сари мен уни кўпроқ қадрлайдиган бўлиб боряман. Менга айтишлари мумкинки, бу — қарилликдаги мия айнишининг белгиси деб. Ёшлигимда мен ўзим ҳам шунақа дердим. Негаки, мен у пайтларда француз ва рус елвизакларида ўтиришга ўрганиб қолгандим — ўша пайтдаги инглиз адабиётининг диққинасроқ хонаси бу елвизакка тўла эди. Бундан ташқари, ўша кезларда Стивенсонни ҳуда-беҳудага улуғлаб кўкларга кўтаравериш шу қадар меъдамга теккан эдики, у менинг назаримда “ёқимли сафсатабоз”га айланиб қолганди, ўзи бироз олифтароқ ва икки дунёда тузалмайдиган романтик эди. Эндиликда билдимки, мен мутлақо ҳақ эмас эканман. Ҳа, Стивенсон биринчи даражали романнавис эмас, унинг саломатлиги жиддийроқ фалсафий изланишлар билан шуғулланишга имкон бермасди ёхуд ҳар нарсани билишга чанқоқлигини фаол қондиришга ҳам йўл қўймасди. У шу лаҳзанинг ўзи билан яшар эди, яшаганда ҳам орқа-олдига ўтирилиб қарамай яшарди, бунақа одамлар эса психологияга чуқур кириб боришга ва ҳар нарсанинг бирламчи сабабини излаб топишга мойил бўлишмайди. Бироқ Стивенсон биринчи даражали ёзувчидир, бир вақтлар унинг услубидаги менга олифтарчиликдай туюлган жиҳатларда эса мен бугун ҳаддан ташқари ёрқин, нозик ва жасур қалбнинг табиий ифодасини кўраман. Деярлик ҳар бир жумлада бирор қутилмаган нарсани намоён этувчи унинг услуби жимжималор эмас ва унга зўрма-зўракилик бегона. Бу услубда ҳаминша дунёда бирор янги нарсани кўришга ҳозир турган қалб, ҳаётга сўнмас қизиқиш ифодаланган, унга материални эса ҳаминша гоётда ноёб кутувчанлиги ҳамда ва жуда ажойиб хотираси етказиб бериб турган. Мен унинг китобларидан бирининг дуч келган саҳифасини очаман ва унда қуйидаги иборатга рўпара келаман: “Манзара сўнгида юксак серқоя тоғлар виқор билан бўй чўзиб туришарди. Бу тоғлар қимматбаҳо жавоҳирдай мовий рангга чулганганди. Уларнинг ораларида эса тизмалар кетидан тизмалар елкама-елка қалашиб кетган, арчалар билан қопланган тик ёнбағирлар осмон сари интилганди, куёшда тошлар ярқирарди, пастқам чуқурликларда эса ерга қапишган пакана дарахтлар юқорига тармашиб, бўй ростлашга ҳаракат қилишарди. Буларнинг бари кўпол ва дағал, ўша энг бошида худо яратиб қўйган шаклда қолиб кетганди”.

“Тармашиб”, “дағал”, “энг бошида”... Стивенсон бу сўзларни атайин излаб топган бўлса керак деб ўйламайман. Улар умуман олганда жуда оддий жумлаларга бирдан қутилмаган унсурларни олиб кирадики, бу жуда ҳам

қимматлидир. Ҳайлайманки, улар унинг кўнглига ўз-ўзидан қуйилиб келган. Афтидан, бирон-бир бошқа инглиз ёзувчиси (Шекспирдан ташқари, албатта, ва эҳтимолки, яна мистер Водхауздан ҳам ташқари) қутилмаган унсурни жумлага бу қадар бевосита ва ўринли олиб кирган эмасди. Бу тўғрида шарҳловчилар ҳар нима дейишса дейиша берсин. Аммо мен Стивенсонни қайта ўқиганимда бунга яна қатъий ишонч ҳосил қилдим. Бу хусусият эса чиқдан-да жуда қимматлидир ва кўпгина нуқсонларнинг ўрнини босиб кетиши мумкин. Услуб бобида донг чиқарган баъзи бир ёзувчилардан фарқ қилароқ Стивенсон жумлама-жумла жуда енгил ўқилади, унинг қутилмаган сўзларида қоқилмай-сиз, унинг жумла тузишлари булоқ сувидек тип-типиқ, уларда на залварли оғир иборалар учрайди, на кескин ва кўпол жойларга рўпара келасиз, на адиб кишининг энсасини қотирадиган лузумсиз такрорлар билан таъсирчанликни оширишга ҳаракат қилади.

Дюмага ўхшаш Стивенсон ҳам романтик: турли тоифадаги одамларни кўрсатишдан ёхуд инсон ҳаётининг йўлларини тасвирлаб беришдан кўра қизикроқ воқеани ҳикоя қилиб бериш унинг учун муҳимроқдир. Тўғри, “Ўғирланган” ва “Катриона” да у деярлик барабар даражада сюжет ва характер яратиш ишига берилган, яъни “олтин меъёр”га яқин туради, умрининг охирига келиб эса “Тўлқиннинг қайтиши” ва “Гермистонлик Уир” да ҳаққонийликка мойиллик билдиради-ю, лекин, барибир, романтикнигича қолаверади. Эндир Лэнг Стивенсоннинг Стонтомда нашр этилган асарлар тўпламига ёзган муқаддимасида таъкидлаганидек, у ўз мавзуларини ҳеч қачон ҳозирги ҳаётнинг бош оқимларидан қидирмаган, ҳеч қачон китобхонларга уларга таниш воқеликни тушунтириб беришга уринмаган. Стивенсон ёзган нарсаларнинг ҳаммасида синчков ва жасур заковат эгаси сезилиб туради, у маиший масалаларда ҳамниша олижаноблик билан иш юритади, у ўз-ўзини оғриқли тарзда таҳлил қилишга мойил экан, бунда унинг гуноҳи йўқ, у ҳатто нарсаларнинг моҳиятини излашга ҳаддан ташқари берилиб кетиб адашиб қолишдан ҳам қўрқади. Унинг романнавис сифатидаги асосий камчилиги шундаки, кўпинча у ўз истеъдодига унча муносиб бўлмаган мавзуларга кўл уради. Мавзу “Доктор Жеккил ва мистер Хейде”даги каби етарли даражада жиддий бўлса, Стивенсон бундай мавзуларни охиригача очиб беришга журъат қилолмайди, натижада асар қай бир даражада кемтикроқ чиқади. “Тўлқиннинг қайтиши” да мавзуга ўзининг мурасасиз ёндашувидан ўзи анча ташвишга тушиб қолган, бизнинг танқидчиларимиз буни “ҳаётнинг авра-астари” деб аташни яхши кўришади. “Гермистонлик Уир”ни у қандай тугатиши мумкинлигини айтиб бериш қийин, лекин у, эҳтимол, белгилаб қўйилган фожеали йўналишдан ўзини олиб қочиши ҳам мумкин эди. (Эҳтимол, сизнинг эсингизда бўлса керак — унинг севгилилари муроду мақсадларига эришадилар, яъни аниқроқ айтганда, Америкага жўнаб кетишади).

Ровийлик бобида эса Стивенсон гарчи кичикроқ кўламда бўлса-да, Дюма ва Диккенсдан қолишмайди, ҳатто абжирлик ва тезлик жиҳатидан улардан ўзиб ҳам кетади. Стивенсонда чўзилиб кетган жойлар йўқ. Унинг мавзуи ҳамниша битта — ҳамма романтикларнинг мавзуси унинг ҳам диққат марказида — бу яхшилик билан ёвузлик ўртасидаги, қаҳрамон билан ёвуз одам ўртасидаги курашдир. Лекин шуниси ҳам борки, бундай курашда қаҳрамон аёл кўпинча иштираётган этмайди, балки, бирон тўсиқлик орқасидан қараб туради, холос.

Чунки Стивенсонда алланечук мангу навқирон бир нарсаси бордирки, унинг “Қизлар ва йигитларга” деган ҳикоялар тўпламини яратгани ҳам бежиз эмас.

Унинг романларидан “Ўғирланган” билан “Катриона” биргаликда шак-шубҳасиз бошқа асарларнинг ҳаммасидан кўра салмоқлироқдир. Буларда асар фабуласининг қизиқарли бўлишидан ташқари, маҳорат билан чизиб берилган типлар бор. Алан Брек билан Давид Вальфурлар бир умрга тоғли Шотландиянинг ҳам, Шотландия водийсининг ҳам тасвирчилари бўлиб қолиш имконига эгадирлар. Катриона билан Барбара Грант эса адиб яратган аёл характерлари ичида энг яхшиларидир. Бундан ташқари бу асарлар бошдан-оёқ Шотландияга нисбатан мағрур бир муҳаббатга йўғрилган, ҳамма нарсаси ўрмонлар ва денгизнинг хушбўй ҳиди билан сўғорилган, камдан-кам асарда оилавий муҳит бу қадар теран ва ёрқин ифодаланган. Иккинчи ўринга мен “Балантрэнинг эгаси”ни қўяман. Бу китоб биринчи шахс номидан ҳикоя қилинган, бу усулнинг ўзига хос қийинчиликлари ва мураккаблиги бор, лекин адиб унинг

удласидан чиққан. Балангрэнинг эгаси эса уччига чиққан разил одам. Мен “Қора ўқ”ни ҳам жуда маъқул кўраман, унинг воқеалари бениҳоя қизиқарли ва унда ўрта асрлар ҳаётининг манзаралари камдан-кам учрайдиган тарзда жонли тасвирланган. Ўз-ўзидан равшанки, “Ҳазиналар ороли” алоҳида ажралиб туради. У соф ҳолда тўқима асардир. “Тўлқиннинг қайтиши” ва “Денгиз ўлак-сахўри”да воқеалар тасвири бироз хира тортгандек кўринади, аммо иккита муаллиф шерик бўлиб ёзган асарларда одатда муқаррар тарзда шунақа бўлади, шундай бўлса-да, мен уларни завқ билан мароқланиб ўқийман. “Сент-Ив” эслаб қолиш қийин бўлган ажойиб китоблар сирасига кирди, лекин уни ҳамини қайта ўқиса бўлади. Бу асар аслида тугалланмай қолганида яхши бўлар эди. “Мушкулотлар исканжасида” — чинакамига қувноқ асардир. “Доктор Жеквил ва мистер Зайд” сиз ҳам менинг куним ўтаверар эди. Бу асар Стивенсон ёзган асарлар ичидан энг кам даражада Стивенсонникига ўхшайди, ҳолбуки — китобхон оммасининг туғма зиддиятли руҳи шунақаки, айни ана шу асар унга жуда катта шухрат келтирди, мен яқинда ўқиганимга қараганда, ҳозирга қадар бу асар унинг ижодининг чўққиси ҳисобланар экан. “Гермистонлик Уир” масаласига келсак, айтишим керакки, мен шу пайтга қадар сэр Сидней Кольвиннинг фикрига қўшилмайман. Унинг фикрича, бу китоб Стивенсоннинг энг яхши асари бўлиб қолмоғи керак эди. Бу китоб қизиқарли, чунки унда романтизмдан қутулишга қатъий ҳаракат қилинган, аммо унда Стивенсоннинг бир заифлиги сезилиб қолган. Бу, айниқса, инсоннинг ички дунёсини очишда яққол кўриниб қолади. Арчи маваффақиятли чиққан эмас, менинг назаримда, Кристинанинг бошига ҳам шу қисмат тушган.

Стивенсон шу даражада ёрқин ва салобатли одам эдики, унинг саёҳатлари ва бутун турмуш тарзи шу даражада ранго-ранг, унинг очерклари ва мактублари шу қадар кўп ва қизиқ, унинг шеърлари шу қадар ёқимли эдики, шахсиятининг бунақа кўп қирралилиги ундаги романнависни тўсиб қолган эди. Бироқ сиз унинг китоблари билан ундан кейин ёзилган романтик қиссаларнинг ҳаммасини, ҳатто донг чиқарган ёқимтой эгизаклар — Энтони Хоупнинг “Зенда маҳбуси” билан “Рупент фон Хенцау” романларини таққослаб кўринг — Стивенсоннинг қанчалки юқори туришига яна бир қарра амин бўласиз. Чиндан ҳам Дюмадан кейин у романтик йўналишдаги ҳамма носирнавислар орасида яхшисидир, Англияда-ку, албатта, энг яхшиси. Агар борди-ю, бизнинг давримизда бирорта одам чиқиб, уни бу ўриндан сиқиб чиқариб қўйса, мен бунга гоятда ҳайрон қолган бўлардим. Негаки, дунё ҳали романтик адабиётдан лаззат ололмайдиган даражада қариб қолган бўлмаса-да, менинг фикримча, у Стивенсонга ўхшаган шодмон қалбли ва бу қадар навқирон ҳаёлот қувватига эга бўлган ёзувчини барпо этишга борган сари ноқобилроқ бўлиб бормоқда. Хўш, шундоқ экан, биз ўзимиз ўқгин-ўқгин қаламимизни романтик ҳаёлот сиёҳдонига ботириб турсак бўлмайдами? Аммо Дюма билан Стивенсон ёзабошлаган замонлардан бери нимадир рўй берди. Бу дунёни куй деган нарса тарк этди. Бизнинг кунларимизда романтиклар жуда абжирлик билан бочкалар ичидан яшириб қўйилган мурдалар ҳақидаги ва шунга ўхшаш бошқа ваҳима гапларни тўкиб ташлайверадилар-у, аммо Илҳом отини жилолаб олишни истаган одам, айттайлик, Жон Мэнсфильд “Сарда Харкер”нинг ёхуд “Жон Бьюкен”нинг муаллифи сифатида романтика деган жонворда қанот бўлмоғи кераклигини анча-мунча яхши билади. Романтиклар ўз китобларига 9,15 даги поездни киритишга тўла ҳақлидирлар, аммо бу поездда Чизлхерстдаги ёки Лейдондаги корчалонлар юради. Биз ҳаммамиз лимузинлар ва самолётлар деган жойда ақлимиз шошиб қоладиган бўлиб қолдик. Романтик адабиётга машиналар суқилиб кириб олишди — миянга машина гувиллаб турса, қулоғингга най навоси кирмас экан. Шунинг учун менинг назаримда биз Стивенсонни шоҳсупасидан ағдариб ташлайдиган замонларга етиб боролмаймиз. Ва мен деярлик шунга аминманки, Стивенсон XIX асрда яшаган ҳамма инглиз ёзувчилари орасида Диккенсдан кейин энг узоқ умр кўрадигани бўлади.

Гарчи У.Г.Хадсон кўпроқ табиатни кузатувчи ва табиат шайдоси сифатида шухрат топган бўлса-да, мен унинг тағрисида фақат санъаткор сифатида — “Қирмизи замин”, “Эль омбу” ва “Зантори кулба” каби романларнинг муал-

<sup>1</sup> Бу асарни Стивенсон ўғай ўғли Ллойд Осберн билан ҳамкорликда ёзган.

лифи сифатида гапираман. Бу асарларнинг ҳар бири бир дурдонадир. Хадсон катта истеъдод эгаси, аммо мен бу катта истеъдодни Табиат деб аталмиш маккора нозанин тўғри йўлдан уриб чалғитди ва нобуд қилди деган гапни айтмоқчи эмасман. Мен ҳатто бадиий ижод қилмоқ учун унда ортиқроқ материалнинг ўзи бўлмаган бўлиши мумкин деб ўйлайман, чунки қатъият билан айтиш мумкинки, ёзувчи одам ёзадиганини ёзмай қўймайди. Аммо ана шу уч китобнинг ҳар бири ёзувчи эришган ўзига хос катта ғалабадир. “Қирмизи замин” — сўнгги юз йилдан ортиқроқ вақт ичида инглиз тилида яратилган энг яхши ҳазил-мутойибали романдир: “Эль омбу” — жўн ва фожеий қиссанинг жуда гўзал бир намунасидир, “Зангори кулба” эса бизнинг давримиздаги энг жимжимадор фантазиядир. Хадсон — мутлақо ўзига хос бир адибдир, у гоятда эркин ва самимий. У ҳеч қандай мактабга мансуб эмас, у ўз ижодида бирон-бир маҳоратли санъаткорнинг таъсирини кўрган эмас. У ўзи туғилиб ўсган жойлардаги Пампа шамоли каби эркин шамол қанотларида адабиётга кириб келди. Ёки у Кормуэл бўронларидан гоятда завқланар эди — у адабиётга ана шу бўронлардан бири янглиғ ёпирилиб келди. “Қирмизи замин” саксонинчи йилларда ёзилган эди, шекилли, балки олдинроқ ҳам ёзилгандир. Бу асар бир замонлардаги Аргентинада ёш йигитнинг бошидан кечирганлари тўғрисидаги ҳикоядир. Афтидан, китобда автобиографик унсурлар бор ёки айрим-айрим шахсий хотиралар мавжуд — шак-шубҳа йўқ — айрим воқеалар муаллифнинг бошидан кечгани яққол кўриниб туради, баъзан вазиятларни эса муаллиф ўзидан ўғирлаб олган. Агар асардаги Дики Лемб Хадсоннинг ўзи бўлмаган тақдирда ҳам, кўриниб туриптики, Хадсоннинг ёшлик пайтидаги саргузаштлари ва таниш-билишларидан яхши хабардор. Бу тоифа романларнинг моҳияти янги маконларга ва янги одамларга қизиқишининг кучли эканида, унда, айниқса, аёл кишининг табиати ва қисматига қизиқиш зўр, табиийки, “Қирмизи замин”нинг ҳам моҳияти айнан шундай. Бу китоб ҳаётга ошиқ одамнинг асари, шунинг учун ҳам у ҳеч қачон тузукроқ муваффақият қозонган эмас. Кўпчилик одамлар ҳаётни яхши кўрмайди, улар ҳаётга парвоз вақтида ўқ узишмайди, улар ҳаётнинг кўнишини пойлаб туришади, шунда ҳам аввал уни тановвул қилиш мумкинми-йўқми эканига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг унга қарата ўқ уздилар. Биз ўзимизга наф келтирмайдиган куруқ саргузаштларни ёқтирмаймиз: биз кафолатлар даврида яшамоқдамиз. “Қирмизи замин” — бошқа дунё ҳақидаги ҳикоядир, унда шундай кунлар тасвирланганки, у пайтларда ҳеч қандай кафолатлар бўлган эмас — одамлар эса ғалаба ва муҳаббатга эришмоқ ниятида сафарларга жўнайверганлар. Бундан ташқари, китобда Испаниянинг таъми сезилиб туради, инглиз тили тарқалган мамлакатларда бу китобнинг совуқ қабул қилинишининг сабабларидан бири ҳам ана шунда. Ахир, бизни гитаралардан кўра панд-насихатлар кўпроқ қизиқтиради.

“Эль омбу” — Хадсоннинг иккинчи китобининг марказий қиссаси, унинг умуминсоний мавзун фожеона характерга эга, лекин мен уни Тургеневнинг “Чўл қироли Лир” ёки “Баҳор сувлари”, Конраднинг “Ёшлик”, “Зулмат қалби” ва “Бўрон” асарлари ёхуд Мерименинг “Кармен”и, Мопассаннинг “Дундиқча”си, ё Флобернинг “Оддий қалб”, ё мистер Моэмнинг “Ёмғир” каби асарлари қаторига қўймаган бўлардим. Бу қиссаларнинг ҳаммаси ҳажмига кўра тахминан “Эль омбу” билан бир хил ҳажмга эга, уларнинг ҳаммаси умуминсоний мавзуларда ёзилган, “Ёшлик” билан “Бўрон”дан бошқа ҳаммасининг мазмуни фожеона. “Эль омбу” ҳикоясининг номи шу ҳикояда тасвирланган улкан дарахтнинг номидан олинган. Гарчи бу дарахт ҳикояда ҳамма қисмларни бирлаштириб турадиган бир омил сифатида кўринса-да, унда юқорида зикр этилган ажойиб қиссалардаги каби мустаҳкам устун йўқ ва муқаррарлик туйғуси ҳам мавжуд эмас. Кекса чўпон тилидан ҳикоя қилинадиган, бир-бири билан унча боғланмаган лавҳалардан ташкил топган бу асар — кулфатлар ва бахтсизликларнинг чамбарчас уланиб кетган занжири тўғрисидадир — у инсоний эҳтирослар қуюни ҳақидаги мавзунинг ўзига хос кўринишларидан биридир. Аммо асар тилига хос бўлган ажиб бир соддалик ва асарнинг умумий муҳити унга салмоқ бахш этиб турипти. Афтидан, у ҳам “Қирмизи замин” каби фактларга асосланган бўлса ажаб эмас, асар Панападаги халқ ижоди материалларидан тўқилган ва бу материаллар анча рангдор ҳамда долғали бўлган қадимги замонларда майдонга келган. Кези келганда айтмоқ керакки, Конраднинг ижодида денгиз қандай ўрин турса, Хадсоннинг ижодида текислик



ҳам шундай ўрин тутади. Фақат фарқи шундаки, Хадсонда табиат муҳаббатни кўзгайди, Конрадда эса у кишини даҳшатга солади. Масалан, Конраднинг “Зулмат қалби”даги ўрмон билан Хадсоннинг “Зангори кулба”сидаги ўрмонни таққослаб кўринг, уларнинг биринчиси мудҳиш, юракларни орзиқтирувчи хатар, иккинчиси эса хилватдаги ажиб бир бошпана.

“Зангори кулба” — Хадсонга катта ёзувчи деган номни олишга ҳуқуқ берувчи учинчи китобидир. Бу асар шу даражада ўзига хос, бошқа адабий асарларга шу даражада ўхшамайдиган асарки, биринчи марта ўқиганимда унинг гўзаллигини ҳатто ҳис қилолганим ҳам йўқ. Орадан ўн йил ўтиб, уни иккинчи марта ўқиганимдагина мен бу китобнинг қадрига етдим. У менга маълум бўлган шундай бир ягона китобки, унда “ўрмондаги шовур-шувур овозларни бир оҳангга жамлашга муваффақ бўлинган”. Асарда Райма деган ўрмон қизи бор — у айни чоқда қуш ҳам. Бу қуш — қиз бир вақтнинг ўзида табиатнинг сеҳркор жозибасини ҳам, инсоннинг табиат билан бирикиб кетишга иштиёқини ҳам ўзида тажассум этади. Афсуски, ўз-ўзини таҳлил қилишнинг кучайишими ёхуд, айтайлик, бизнинг шаҳарда яшашга кўникиб қолганимизми — бизни ана шу табиат билан бирикиб кетиш имконидан маҳрум этган. Ана шу Райма ўзининг гайримоддий гўзаллиги билан ўзига хос тарздаги ягона адабий қаҳрамондир. Бундан уч йил муқаддам Ҳайд-паркда Райманинг ҳайкалини ўрнатишди. Ҳайкал атрофида қизгин баҳслар бўлиб ўтди. Очигини айтсам, ҳайкал менга сира ёқмади. Дарҳақиқат, бу ҳатто шу даражадаги ўзига хос санъаткор учун ҳам бажариш мумкин бўлмаган вазифа эди. Сезгилар билан сезиб кўриш, кўл билан ушлаб, кўриш мумкин бўлмаган нарсани тасвирлаш учун металл билан тош ярамайди. Райма образида Хадсон бошқа ҳар қандай одамдан кўра ўткирроқ ҳис қилган нарсасини — инсондан бошқа ҳамма жонзотларга ва, айниқса, ширин-ширин куйлар куйлайдиган паррандаларга раббатини ифодалашга ҳаракат қилган. Шунинг учун ҳам Хадсонни билган одамлар учун ҳайкалтарошнинг устахонасидан чиққан ана шу оғирдан-оғир буюмда қандайдир куфрона ва таҳқирли жиҳат бор. Бунақа нарсани фақат жаҳл устидагина ясаб кўйиб, кейин бекорчиликда ашасини тутиб юрса бўлади.

Хадсонни шахсан билган одамлар учун унинг шассиятида инсон ёзувчидан кўра устунроқ эди: у ўз даврининг энг ҳайрон қоладиган, энг бетакрор одами эди, ҳеч кимнинг диққат-эътибори соф инсоний худудлардан ташқарида бу қадар олисларга йўналтирилмаган эди, ҳеч ким табиат қиёфасини унингчалик аниқ-таниқ кўришга муваффақ бўлмаган эди. У ҳар қанча маърифатли ва маданиятли бўлмасин, унда ибтидоий одамга хос бўлган қандайдир жиҳатлар бор эди, ҳаттоки унинг ўзи яхши кўрадиган жониворлар ва паррандаларда нимадир бор эди. Шундай бўлганда ҳам, агар у ўзидан шахс сифатида бирон хотира қолдирмаган бўлса ва табиат ҳақида махсус асарлар қолдирмаган бўлса-да, фақат юқорида зикр этганимиз учта бадиий асарнигина қолдирган тақдирда ҳам уни жуда ажойиб бир сиймо деб ва ниҳоятда йирик ижодкор деб эътироф этмоқ лозим бўларди.

Муҳаррирлар баъзан мендан “келажак романини қандай тасаввур қиласиз?” деб сўрашади. Бу саволга ҳеч ким жавоб бера олмайди. Романнинг келажаги ёзувчилик услубидаги у ёки бу модага боғлиқ эмас. У бирон-бир иқтисодий шароитга ҳам боғлиқ эмас. Романнинг келажаги фақат бир нарсага боғлиқ — иккита хусусият мавжуд — уларнинг икковини ҳам таърифлаш анча қийин — тасодиф ана шу сифатлардан бирига эга бўлган ёки янада яхшиси ҳар иккала хусусиятга эга бўлган ёзувчини барпо қиладими-йўқми — роман истиқболи ана шунга боғлиқ. Бу хусусиятлар — Улуғворлик ва Жозибадорликдир. Ургача сонлар қонуниятига кўра ҳар ўн йилликда тахминан баравар миқдорда бундай ёзувчилар пайдо бўлиб турмоғи лозим, аммо менинг ўйлашимча, биз ўтмишни ўрганар эканмиз, бундай ёзувчилар пайдо бўлмаган даврларни кўшлаб учратамиз, ҳозирги даврни ўрганадиган бўлсак, эҳтимол, келажак масаласида анча ташвишга тушиб қолишимиз ҳам мумкин. Бизнинг давримизда улуғворликка душман бўлган алланечук бир нарса бор. Ҳатто инсоннинг индивидуал белгилари ҳам реклама таъсирида, лампа чироқларида, стандартлаштирилган мутахассислаштирилган таъсирида, суръати тез алоқа воситалари ваҳидан секин-аста едирилиб, йўқ бўлиб бормоқда. Ҳар қанча ғалати кўринмасин, ҳеч қандай шак-шубҳа йўқки, менимча, биз амалий ақл-заковат деб атайдиган хусусият улуғворликка батамом ётдир, бизнинг давримиз эса бағоят оқил ва кун сайин оқилроқ бўлиб бормоқда.

Жозибадорликка хавф солиб турган хатар, эҳтимол, унчалик жиддий эмасдир, лекин нима бўлганда ҳам, жозибадорлик тепасида хатар бор. Негаки, жозибадорлик интим хусусиятдир, шойиста сифатдир, ҳаётимизда эса шойисталик борган сари камайиб бормоқда. Биз шу даражада мукаммаллашиб бормоқдамизки, аввалги барқарор хомаки умргузаронлигимиздан ҳадемай ҳеч вақо қолмайди. Бу умргузаронлик одамлар қалбига ўз муҳрини босиб улгурган ва уларнинг фикрлари учун сеvimли ёхуд ёқимсиз иқлим яратган.

Ҳаёт бўронларидан юқориқ кўтарилишга қобил бўлган ёхуд мийғида кула оладиган санъатнинг илдизлари анча теран бўлади ва у жўшқин ҳамда ардоқли туйғуларга асосланади. Биз ўз давримизда фикрларимиз ва туйғуларимизнинг ўзига хослигини қанчалик сақлаб қола олишимизни ўзингиз ўйлаб кўринг.

Шундай қилиб, улуғворлик ёхуд жозибадорлик ёки баъзан уларнинг иккови ҳам биргаликда — бизни бир китобнинг ўзига иккинчи ва ҳатто учинчи марта қайтишимизга мажбур қилади. Гап шундаки, бизни ўқгин-ўқгин ўзига қайтариб турадиган китобгина умрбоқий бўлиши мумкин. Китоб босиб чиқаришнинг охир-кети кўринмайди, унинг тўғрисидаги гап-сўзлар эса авж олгандан авж олиб бормоқда. Шунинг учун мен мақоламни ўша гапирадиганлар тўғрисида айтилган уч-тўрт оғиз гап билан якунламоқчи бўлдим. Бу гапирадиганлар сирасига ўзимни ҳам қўшаман, албатта. Ҳеч қандай гап-сўзлар билан муаллифга ёки унинг китобига обрў орттириб бериб бўлмайди. Мен қўлимга қалам олгандан бери ўтган ўттиз йил мобайнида ўйлаб китоблар тўғрисида гап-сўзлар бўлган, уларни гўё мангу умр кўрадиган асарлар сифатида баҳс юритишган, бугун эса гўё у китоблар, умуман ҳеч қачон бўлмагандек, уларни паққос унутиб юборишди. Таркибида “ҳаёт” деб аталмиш сеҳрли буюмдан асар ҳам бўлмаган нимаки бўлса, ҳаммасини Вақтнинг кўз илғамас шамоли учириб олиб кетади. Бирон ҳазилкаш солномачи оғзаки гап-сўзлар билан обрў орттирган асарларни ва бу обрўнинг нақадар бардавом бўлганини ёзиб чиқмоқчи бўлса, бизнинг танқидий дидларимиз тўғрисида кўп галати тасаввурлар ҳосил қилган бўларди. Шунинг учун мен ўзим ўзимга ва китобга ёхуд адибга обрў олиб берадиган, оғиздан-оғизга кўчиб юрадиган қанотли гаплар гапирадиганларнинг ҳаммасига қарата шундай дейман: “Ҳа, албатта, ўз дидларингга таяниб иш юритинглар, бироқ тарих сабоқлари ҳамиша ёдингизда бўлсин ва ўзингизнинг дидингиз анча тамизсиз экани тўғрисидаги фикрга тан беринг!”

1928 йил.

Озод ШАРАФИДДИНОВ  
таржимаси.



## “Абдуллонома” ўзбек тилида

Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. “Абдуллонома”.  
Тошкент, “Шарқ” нашриёти, 1 — 2-китоб. 1999-2000 йил.

Ўлкамизда бир аср (1501-1601) ҳукмронлик қилган шайбонийлар сулоласи даври Ўзбекистон тарихининг нисбатан кам ўрганилган саҳифаларидан бирини ташкил қилади. Ҳолбуки, бу даврда ўзбек ва форс тилларида бир қатор нодир тарихий манбалар яратилиб, уларнинг қўлёзма нусхалари жаҳоннинг кўпгина машҳур кутубхоналарида сақланмоқда. Шу пайтгача кўпроқ сулола асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510) фаолиятига оид Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Фазлуллоҳ Рўзбехоннинг “Меҳмоннамои Бухоро”, муаллифи номаълум “Нусратнома” каби асарлар нашр этилган эди. Шайбонийлар сулоласининг энг йирик ҳукмдорларидан бири Абдуллахон қарийб қирқ йил (1557-1598 ва бундан йигирма беш йили (1557-1582) отаси Искандархон номидан) давлатни бошқарди. У Ўрта Осиёни ягона давлатга бирлаштирган сўнгги ҳукмдор эди. Бухоро шаҳридаги бугунги кунда жаҳоннинг турли мамлакатларидан минглаб сайёҳлар келиб томоша қилаётган меъморий обидаларнинг анчагинаси Абдуллахон даврида ва унинг фармойишига кўра қурилган. Абдуллахон тими (усту ёпиқ бозор), Абдуллахон ва Модарихон (Хон онаси) мадрасалари, Чорбакр меъморий мажмуаси шулар жумласидандир. Бундан ташқари Мовароуннаҳр, ҳатто ундан чеккадаги кўплаб сардобалар, қарвонсаройлар, тўғонлар ва бошқа иншоотларнинг қурувчиси сифатида Абдуллахон номи тилга олинади. Абдуллахоннинг бунёдкорлик фаолияти шу қадар тилларда дoston бўлиб кетганки, халқ орасида бошқа кишилар тарафидан қурдирилган баъзи иншоотлар ҳам Амир Темур ёки Абдуллахонга нисбат берилган.

Табиийки, меъморий обидалар билан бир қаторда Абдуллахон даврига оид ёзма манбалар ҳам жуда кўпдир. Булар ўша замон муаррихлари асарлари, жамиятда юксак мавқега эга бўлган йирик нақшбандия шайхлари

— Бухородаги Жўйбор хожалар фаолиятига оид китоблар, вақф ва савдосотиқ хужжатлари, кенг кўламдаги ёзишмалар, меъморий обидалар ва қабртошлардаги битиклар ва ҳоказолардир. Аммо соҳибқирон Амир Темур фаолиятига оид манбалар орасида мавлоно Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асари ажралиб тургани каби, Абдуллахон даврига оид нодир манбалар орасида ҳам етук муаррих Ҳофиз Таниш ал-Бухорийнинг форстожик тилида битилган “Абдуллонома” ёки бошқача номи “Шарафномаи шохий” бўлган китоби бир қатор фазилатларига кўра алоҳида мақомга эгадир. Чунки асар муаллифи Ҳофиз Таниш ёшлик пайтлариданоқ Абдуллахонга мулозим бўлиб, унинг саройида хизмат қилган, хоннинг йирик ҳарбий сафарларида иштирок этиб, ўз асарида ўша давр воқеаларини анча батафсил тарзда қаламга олган. Марказий Осиё тарихи учун қимматли манба бўлган бу асар устида В.В.Вельяминов-Зернов, Л.А.Зимин, И.И.Умняков, С.Мирзаев, М.А.Салоҳиддинова, Б.А.Аҳмедов, Н.Сайфиев каби олимлар самарали илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Ўтган аср ўрталаридаёқ Ўзбекистон Фанлар академиясида “Абдуллонома”ни ўзбек тилига таржима қилиб, чоп этишга киришилган эди. Асарнинг салмоқли қисмини йирик шарқшунос олим Содиқ Мирзаев (1885-1961) таржима қилган бўлиб, унинг вафотидан сўнг мазкур таржиманинг бир қисми домланинг ҳамкасблари томонидан нашрга тайёрланиб 1966-1969 йилларда икки жилдда чоп этилган эди. Асарнинг сўнгги қисмлари ҳам Юнусхон домла Ҳакимжонов (1893-1974) тарафидан таржима қилинган бўлса-да, аммо ўша пайтда нашр қилинмасдан қолиб кетди.

“Абдуллонома” татар олимаси М.Салоҳиддинова томонидан рус тилига таржима қилиниб, 1983-1989 йилларда Москвада икки жилдда аслият

қўлёзмаси факсимилеси (фотонусхаси) билан чоп этилган бўлса-да, бу нашр ҳам асарни тўлиқ қамраб олмаган эди.

“Абдуллонома”ни ўзбек тилида илк бор тўлиқ ҳолида нашр этиш истиқлол даврида рўёбга чиқди. 1999–2000 йилларда асар икки каттакон жилдда Содиқ Мирзаев ва Юнусхон Ҳакимжонов таржималарида нашр этилди. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи академик Бўрибой Аҳмедовдир. Мазкур нашр ўзбек манбашунослик фанининг улкан ютуғидир. Чунки шу пайтгача доимий равишда турли мамлакатлардаги олимлар диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келаётган бу асар бошқа бирон-бир тилда тўлиқ ҳолида нашр этилмаган эди. Аслият наشري бўлмагани туфайли таржимонлар “Абдуллонома”ни фақат қўлёзма нусхалар асосида ўгирган эдилар. Таржима ва нашрга тайёрлаш жараёнида олимларимиз тарафидан асарнинг турли пайтларда кўчирилган ва ҳозирда турли мамлакатларда сақланаётган қўлёзма нусхалари бир-бирига қиёсланиб, муҳим матншунослик ишлари ҳам амалга оширилди.

“Абдуллонома” асарининг муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорийнинг таржимаи ҳоли ҳақида манбаларда кам маълумот сақланиб қолган. Унга замондош бўлган тазкиранавислар Ҳасанхожа Нисорий ва Мутрибий Самарқандий Ҳофиз Таниш шоирлик ва тарихнависликда етук бўлиб, “Нахлий” тахаллуси билан шеърлар ёзгани, ХҲII асрда ёзилган “Рисолаи мусиқий” асари муаллифи Дарвишали Чангий эса булардан ташқари у мусиқа соҳасида ҳам ўз истеъдодини намоён этганини таъкидлайди. Ҳофиз Таниш ўз шеърларидан 18 ёшидаёқ девон тартиб қилгани ҳақида ҳам маълумот бордир. Муаллифнинг ҳаётига оид баъзи фактларни бевосита ўз асари “Абдуллонома”дан ҳам билиб олиш мумкин. Ҳофиз Танишнинг асосий асари бўлмиш “Абдуллонома” ёзилган даврдан бошлабоқ катта шухрат қозонди ва у янги даврда ҳам ўрта асрлар Шарқининг энг йирик муаррихларидан бири сифатида эътироф этилди. “Кимки Абдуллахон даври воқеаларини билмоқчи бўлса, Ҳофиз Таниш асарини ўқисин” деб ёзган эди Мутрибий Самарқандий ўз тазкирасида.

Кўпгина мақола ва тадқиқотларда Ҳофиз Таниш Бухорий “Абдуллонома”ни ёзишга бошлаганида (1585 й.) 36 ёшга кирганига ишора қилганига асосланиб, унинг 1549 йилда туғилгани айтилса-да, М.Салоҳиддинова бунга шубҳа билдиради. Чунки, “Абдулла-

нома”да 1560 йилда Абдуллахоннинг отаси Искандархон тахтга ўтириши муносабати билан Ҳофиз Таниш ўзи ёзган қасидани келтиради. Бундай қасидани 11 ёшли бола ёзиши даргумонлиги туфайли, М.Салоҳиддинова у 1549 йилдан олдинроқ туғилган, деган фикрни билдирган. Лекин, Ҳофиз Танишнинг болалик пайтидан адиблик истеъдодини намоён этгани ва хушовоз бўлгани туфайли Абдуллахон даргоҳида юргани манбалар маълумотларидан маълумдир. Эҳтимол, у болалик пайтда ёзган қасидасини ёши улғайганида қайта таҳрир қилиб “Абдуллонома”га киритгандир. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг вафот этган йили ҳақида ҳам аниқ маълумот йўқдир. “Абдуллонома”даги воқеалар баёни 1589 йилгача етказилгани учун муаллиф шу йили вафот этган бўлса керак, деган фикрлар ҳам билдирилган. Мутрибий Самарқандийнинг 1605 йилда ёзиб туғатилган “Тазкират уш-шуаро” асарида Ҳофиз Таниш номи марҳум сифатида тилга олинади.

“Абдуллонома” сажъ, яъни қофияли наср билан ёзилган. Унда жимжимадор ва баландпарвоз иборалар ҳамда шеъринг парчалар кўп ишлатилган. Умуман олганда, асар хос китобхонларга мўлжаллаб ёзилган. Бу ҳол таржима тилининг ҳам бирмунча оғир бўлишига олиб келган. Аммо бир оз кунт ва чидам кўрсатиб, асарнинг оҳангига тушиб олган китобхон ҳам унинг бадиий гўзаллигидан завқ туяди ва ўлкамиз тарихига оид кўпгина муҳим маълумотларни билиб олади.

Муқаддимада муаллиф Абдуллахоннинг узоқ-яқин аждодлари ҳақида маълумотлар беради. Буларни ёзишда у “Уғузнома” ва “Тарихий Абдулхайрхон” каби асарлардан фойдалангани англашилади. Асарнинг асосий қисми, яъни Абдуллахон даври воқеаларини ёритишда муаллиф шохидлардан эшитиб тўплаган ёки ўзи кўриб-билганлари натижасида йигилган материаллардан фойдаланган ва шу сабабли бу давр учун “Абдуллонома” асл ва бирламчи манба ҳисобланади.

Асар қаҳрамони, дастлаб Миёнкол вилояти ҳокими Искандархоннинг ўғли бўлган Абдулла султон тез орада кўп сонли шайбоний султонлар орасидан ажралиб, уларнинг устидан бирин-кетин ғалаба қозониб, узоқ-яқин мамлакатлар томонидан эътироф этилган йирик давлат хукмдорига айланади. Муаллиф Абдуллахоннинг қачон туғилганини айтишдан илгарийёқ унинг муршиди нақшбандия тариқатининг ўша пайтдаги пешвоси Хожа Жўйборий лақаби билан машҳур

бўлган шайхулислом Хожа Муҳаммад Ислоом бўлганлиги ҳақида хабар беради. Бу бежиз эмас, албатта. Бу даврда нақшбандия шайхлари мамлакат сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишган. Бухоронинг машхур жўйбор шайхлари марказлашган ҳукумат тарафдори бўлиб, мамлакатнинг сиёсий тарққлигига қарши ғайрат билан кураш бошлаган ёш Абдуллохонни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашган, лозим пайтларда эса уни нотўғри тадбирларни амалга оширишдан сақлаб қолишган. Масалан, Бадриддин Кашмирийнинг «Равзат ур-ризвон» асарида келтирилишича, ёшлик йилларида Абдуллохон Балх шаҳрини ўзининг пойтахти қилмоқчи бўлиб, амакиси Пирмуҳаммадхон билан Бухорони Балхга алишиш ҳақида музокаралар олиб борганида, Хожа Муҳаммад Ислоом кескин норозилик билдиради, натижада Абдуллохон бу ниятидан воз кечади. Ўтмишдаги йирик диний арбобларга уларнинг фаолияти мамлакат ва халқ манфаатларига қанчалик уйғун бўлганига қараб баҳо бериш лозим, албатта. Баъзи шахзодаларнинг пинжиги кириб олиб, тожу тахт учун мамлакатни хароб, халқни хонавайрон қилувчи ўзаро урушларга фатво берган руҳонийлар ҳам бўлган.

Абдуллохон Мовароуннаҳрни бирлаштиришга киришар экан, деярли ҳар бир шаҳар ва қалъаларни ўз рақибларига қарши оғир кураш ва қонли жанглар билан қўлга киритади. Шу сабабли «Абдуллонома»нинг аксар боблари жангу жадаллар ҳақидадир. Унда ўша даврда лашкарнинг қуролланиши, жанг усуллари, Абдуллохон ва бошқа саркардаларнинг ҳарбий маҳоратлари батафсил тасвирланган. Абдуллохоннинг сиёсий ва ҳарбий ютуқлари натижасида мамлакатнинг катта қисми бирлаштирилгач, иқтисодиёт ҳам юксала боргани шундан кўринадики, асарда хон томонидан мадраса, масжид, бозор ва бошқа иншоотларнинг қурилиши ҳақидаги маълумотлар тобора кўпроқ учраб боради, Мовароуннаҳр ободлиги ва бойлиги муаллиф томонидан таъриф тавсиф қилинади.

Асарнинг сўнгги қисмларида Мовароуннаҳрни бирлаштириб бўлган Абдуллохоннинг Балху Бадахшон, Дашту Қипчоқ, Хоразм ва Хуросонга қилган ҳарбий юришлари тасвирланади. Бу даврда Ҳиндистонда бобурийлар, Эронда сафавийлар, Туркияда усмонийлар давлатлари ўз қудратларининг чўққисига чиққан эдилар. Маскўв давлати ҳам кучайиб, ўз худудини шарққа ва жанубга томон кенгайтириб борарди. Абдуллохон Туронда ҳам ушбу

мамлакатлар билан буюклик ва куч-қудратда рақобатлаша оладиган давлат барпо этишга киришди ва маълум маънода бунга эришди. Турон давлати ташқи сиёсат соҳасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритди. Бобурийлар ва сафавийлар кўз тикиб турган Балх ва Хуросон вилоятлари Туронга қўшиб олинди. «Абдуллонома» ва бошқа тарихий манбалардан хоннинг Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Маскўв каби давлатлар билан мунтазам дипломатик алоқалар олиб боргани, мамлакатлараро савдосотиқ кенг миқёсда йўлга қўйилгани маълум бўлади. Абдуллохон чет мамлакатлар элчиларини ўз пойтахти Бухоро ёки бошқа шаҳарлардагина эмас, балки ҳарбий сафарлари пайтида қўнган мавзеларда ҳам қабул қилаверган. Масалан, Ҳиндистон подшоси Жалолиддин Муҳаммад Акбарнинг элчиси Зомин яқинидаги Ипор кўруғида хон ҳузурига кириб, ўз ҳукмдори мактуб ва совғаларини топширади.

Абдуллохон ўз давлатида илму фан равнақиға ҳам катта эътибор билан қараган. Бу мақсадда янги бунёд этилган мадрасаларда дарс бериш учун ажнабий олимларни ҳам таклиф қилган. Масалан, у эронлик йирик олим Мирзажон Шерозийни Хон мадрасасининг мударрислигига тайин этади. Абдуллохон иштирокида махсус мажлис чақирилиб, унда Мирзажон Шерозий Мовароуннаҳрнинг етук олимлари билан мунозара ва баҳсга киришиб, ўз илмий салоҳиятини намоён қилади.

«Абдуллонома»нинг ҳар иккала жилди устоз манбашунос олим, марҳум Бўрибой Аҳмедов томонидан нашрга тайёрланган. А.Айтбоев, У.Уватов каби шарқшунос олимлар бу ишда домлага ёрдам беришган. Иккала жилд матни учун жами 2615 та изоҳ тузилган. Сермашаққат изланишлар натижасида юзага келган бу изоҳлар матн мазмунини чуқурроқ тушунишда ўқувчиларга катта ёрдам беради.

Табиийки, ҳар бир йирик ишда бўладиганидек, нашр айрим камчилик ва нуқсонлардан холи эмас. Таржима матнида баъзан ғализ ва маъносиз ноаниқ жумлалар ҳам кўзга ташланади. «Абдуллонома» тарихимизнинг ушбу даврига қизиқувчи мутахассислар ва ўқувчилар тез-тез мурожаат этадиган йирик илмий нашр эканлиги ҳисобга олиниб, китоб охирига фасллар сарлавҳалари (мундарижа) ва шахс ҳамда жуғрофий номлар кўрсаткичлари илова қилинганида, фойдаланувчилар ўзларига зарур маълумотларни топиб олишлари анча ўнғай бўларди.

Нашрга ёзилган сўзбошидаги «Абдуллонома» муаллифи Ҳофиз Таниш

Бухорий ҳақида келтирилган баъзи маълумотлар мунозаралидир. Чунончи, сўзбошида Ҳофиз Таниш Абдуллаҳон вафотидан сўнг аштархонийлар сулоласидан бўлган Имомқулихон (1611-1642) саройида яшаб, унга атаб 7200 мисрадан ортиқ шеър ёзгани ва тахминан ХҲ асрнинг 30-40 йиллари орасида вафот этгани таъкидланади. 1963 йилда нашр этилган Б.Аҳмедов ва Қ.Мунировлар қаламига мансуб "Ҳофиз Таниш Бухорий" рисоласи ва тожик олими Н.Сайфиевнинг шу йил ёқланган "Нахлий ва унинг ижоди" номли номзодлик ишида Ҳофиз Таниш Бухорий ва аштархонийлар сулоласининг сарой шоири Нахлий Бухорий бир одам сифатида кўрсатилган. Бунга сабаб баъзи тазкираларда Ҳофиз Танишнинг "Нахлий" тахаллуси билан шеърлар ёзгани ҳақида маълумот берилганидир. Шунга асосланиб, Абу Райҳон Беруний институтида сақланаётган, 1640 йилда тузилган "Девони Нахлий" номли кўлёзма китоб муаллифи ҳам Ҳофиз Таниш Бухорий ҳисобланарди. Аммо бу соҳадаги ўз тадқиқотларини давом эттирган Н.Сайфиев кейинчалик манбалардаги рад қилиб бўлмайдиган далиллар асосида Ҳофиз Таниш Бухорий ва Имомқулихон даврида яшаб ижод этган Нахлий Бухорий бошқа-бошқа одамлардир, деган хулосага келди ва уларнинг ҳар бири ҳақидаги рисоаларни Душанбада тожик тилида нашр қилдирди. М.Салоҳиддинова "Абдуллонома"нинг русча таржимаси нашрига ёзган сўзбошида Н.Сайфиев фикрларини қабул қилади. Бундан бир неча йил олдин мазкур масалага янада кўпроқ ойдинлик киритадиган ноёб манбалардан бири, яъни Мутрибий Самарқандийнинг 1624-1627 йилларда, Имомқулихон замонида ёзилган ва ягона кўлёмаси Англияда сақланаётган "Нусхаи зебои Жаҳонгирий" тазкираси фото-

нусхаси асосида ўзбек олими Исмоил Бекчон ва эронлик олим Саййид Али Мўжжоний томонидан нашрга тайёрланиб, Эроннинг Қум шаҳрида чоп этилди. Бу асарда Ҳофиз Танишга ва Нахлий Бухорийга алоҳида мақолалар бағишланган, яъни Ҳофиз Таниш ҳақидаги маълумотлар Абдуллаҳон даврида яшаган ва ҳозирда марҳум бўлган фозил кишилар бўлимида келтирилса, мавлоно Нахлий Бухорий эса бу даврда ҳаёт ва замон ҳукмдори Имомқулихон саройидаги машҳур шоирларнинг бири бўлиб, хон наздида иззат-икромга сазовор эканлиги таъкидланади.

Ушбу янги топилган фактлар мазкур давр билан шугулланаётган ўзбек олимларига яхши маълумлиги шундан ҳам кўринадики, "Миллий энциклопедия"нинг биринчи жилдида (2000 й.) Нахлий Бухорий ҳақида алоҳида мақола берилган. Аммо шуларга қарамай "Абдуллонома"га ёзилган сўз бошида Ҳофиз Таниш Бухорий ва Имомқулихоннинг сарой шоири Нахлий Бухорий яна бир одам деб кўрсатилиши таажжубланарлидир. Фанда аллақачон ҳал этилган бу чалкашликнинг "Абдуллонома" сўзбоши ва бошқа баъзи нашрларда (масалан, 1998 йилда нашр этилган "Тарихий кўлёмалар каталоги"да) қайта такрорланишининг олди олинганда яхши бўларди.

Ушбу камчиликлардан қатъи назар, жонажон ўлкамиз тарихига оид шох асарлардан бири "Абдуллонома"нинг ўзбек тилида нашр этилиши фоят катта илмий-маърифий аҳамиятга эга. "Абдуллонома" нашри Ўзбекистон тарихининг қатор саҳифаларини мукамалроқ ёзишга имкон туғдиради. Мазкур даврда ва ундан сўнграқ ёзилган бошқа ноёб манбаларни ўзбек тилида нашрга тайёрлашда ҳам "Абдуллонома"нинг тўлиқ нашри ўзига хос таянч вазифасини ўтаб, ушбу зарур жараённи тезлаштиришга ёрдам беради.

Фулом КАРИМ,  
Абу Райҳон Беруний номидаги  
Шарқшунослик институти  
илмий ходими.



Дэвид ВЕЙС

## Моцартнинг ўлими

Роман

### 9. ИТАЛЬЯН ОПЕРАСИ

**Ж**эсон извош тўхтатиб, извошчига тезроқ юришни буюрди. У да Понтедан Энн Сторейс номини эшитган кунидан буён Италиян операсига келишни интиқлик билан кутарди.

Либретточига хотираси панд бермаган экан. Италиян операси ростдан ҳам Ҳаймаркетда жойлашган эди. Жэсонни бинонинг улуғворлиги ҳайратта солди. Америкада бунақасини кўрмаганди, бинобарин, Лондонга келганига биринчи бор мамнун бўлди.

Жэсон афишаларни томоша қиларкан, “Фигаронинг уйланиши”га кўзи тушиб, суюнганидан қичқириб юбора ёзди. Аммо бош ижрочилар рўйхатида Энн Сторейс номини учратмади. Афишанинг тепасига йирик ҳарфлар билан “Вольфганг Амадей Моцарт”, куйироққа эса майдароқ ҳарфларда “Лоренцо да Понте” деб ёзилганди. Энн Сторейсни балки театрдагилар билишар, ўйлади Жэсон ва шошиб артистлар кириб-чиқадиган йўлакка қараб юрди.

Саҳнада репетиция бўлаётганди. Ажойиб манзарадан у турган жойида қотиб қолди. Баланд овозли хонанда аёл куйлаётган ария ниҳоятда зўр эди. Эҳтимол, Энн Сторейс деганлари шу аёлдир? Ўрта ёшлардаги қора соч хонанданинг овози ғоят ширали ва жозибадор эди. Мусиқа ҳам, гарчи Жэсон уни илгари эшитмаган бўлса-да, жуда танишга ўхшайди. Саҳнага яқинроқ борди, аммо хизматчи унинг йўлини тўсиб, чиқиб кетишни илтимос қилди.

— Мени Моцартнинг эски дўсти Лоренцо да Понте жўнатди, — тушунтиришга уринди Жэсон.

Уларга “жим!” деган ишора бўлди. Саҳнада кўрсатма бераётган баланд бўйли озгин йигит Жэсоннинг ёнига чоғиб келиб, уни бир четга тортиди.

— Сизга ким керак?

— Энн Сторейсни қидириб юрибман.

— Ким?

— У Моцартни куйлаган, кейинчалик, да Понтенинг айтишича, Италиян операсининг етакчи кўшиқчиси бўлган.

— Да Понте йигирма йилдан бери бу ерда яшамайди.

— Энн Сторейс-чи, у ҳам театрдан кетганми?

— Бу номни биринчи эшитишим.

— Лекин у Моцарт арияларининг машҳур ижрочиси! “Фигаро”ни кўйяп-сизми?

Режиссёр ёрдамчиси кулди.

— Ҳазиллашаётганим йўқ, — деди Жэсон. — Энн Сторейс “Фигаро”нинг Венадаги биринчи спектаклида иштирок этган.

— Америкаликмисиз?

— Ҳа.

Давоми. Боши ўтган сонда.

— Сизнингча, ҳозир нимани репетиция қиляпмиз? — у Жэсонни мусиқа яхшироқ эшитилиши учун сахна ичкарасига бошлади.

Муаззам ария янграрди. Бу фақат Моцарт бўлиши мумкин, ўйлади Жэсон. Бундай мукамал куй яратиш, унга бу қадар самимий туйғу, соф ва лирик ифодани жо қилиш бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Мусиқада бениҳоя тиниқлик, оҳангнинг ажабтовур тебранишлари, сўнгсиз жозиба ва нафосат мужассам эди. Қанийди бу куй эрталабгача тутамаса!

Жэсон сездирмай олдинроққа силжиган эди, ҳалиги йигит тирсагидан ушлаб, тўхтатди.

— Бусиз ҳам сизни ортиқча сийлавордим. Репетицияга бегона одам кирганини билиб қолишса, теримга сомон тиқишади.

Жэсон худди жаннат ҳаловатидан маҳрум қилингандай, хафа бўлиб кетди.

— Бир неча кундан кейин премьер, — деди режиссёр ёрдамчиси. — Ўшанда “Фигаро”ни мириқиб эшитасиз.

— Энн Сторейс-чи? — жонҳолатда сўради Жэсон. — Балки театрингизда Моцартни шахсан танийдиган бирорта одам бордир?

— Уни Михаэл О’Келли танирди.

— Ким у?

— Илгари опера компаниясининг бошқарувчиси, етакчи хонанда ва композитор бўлган. Айтишларича, Моцарт тириклигида “Фигаро”нинг премьерасида қатнашган. Михаэль О’Келли Моцартни тилидан қўймайди.

— Айни муддао! — Жэсон суюниб кетди.

— Аммо у кўп йиллар муқаддам, овози айнигани сабабли сахнани тарк этган.

— Ҳозир қаерда?

Йигит Жэсонни усти ёпиқ йўлак орқали кичкина китоб дўкони ёнига олиб чиқди. Эшик тепасида “Михаэль О’Келли, китоб соғувчи ва композитор” деган ёрлиқ бор эди.

— Бу йўлак операдан бебилиска чиқиб кетишни хоҳлаган хонимлар ва жаноблар учун курилган, — тушунтирди режиссёр ёрдамчиси. — О’Келли бошқарувчи бўлиб ишлаган пайтида курдирган: тўппа-тўғри китоб дўконига олиб чиқади. Тўғри, дўкон ҳозир унга тегишли эмас, фақат ёрлиги қолган. Ҳозир О’Келли таниқли кўшиқнавис. Лекин соатлаб шу ерда ўтиради, Моцартни эслаб, нималарнидир ёзади. Эшитишимча, композитор тўғрисида хотиралар битаётганмиш.

Дўконда ҳеч ким кўринмади. Йигит овоз берди:

— О’Келли!

Дўкон ичкарасидан паст бўйли, юзлари қип-қизил, оқ соч киши чиқиб келди. Қўлида бир шиша портвейн, таништирувни ҳам кутмай, Жэсонни саволга тутди:

— Моцартни суриштиргани келдингизми? — кейин режиссёр ёрдамчиси га гаҳи қолдиришни ишора қилди. — Унга кўп одам қизиқади.

Жэсон гарантсиз қолди. Наҳотки яна бошқа биров шу вазифани ўз зиммасига олган бўлса? Йўқ, бу юмуш фақат унга тегишли.

— Хўш, Моцарт тўғрисида нималарни билмоқчисиз? У ҳақда китоб ёзма-яписизми ишқилиб? — О’Келли Жэсонга шубҳаланиб қаради. — Портвейнга қалайсиз? Мияни тиниқлаштиради.

— Энг аввало Энн Сторейс ҳақида сўрамоқчи эдим. Уни танийсизми?

— О, Сторейсни унутиб бўларканми? — О’Келли хомуш тортиди. — У қазо қилган.

— Қазо қилган? Лекин да Понте...

— Да Понте! — бирдан хитоб қилди О’Келли. — У фирибгар ҳалиям тирикми?

— Соппа-соф. Нью-Йоркда яшайди. Италиян тилидан дарс беради.

— Да Понтени биламан. Мен ҳақимда гапирмадимми?

— Йўқ, Энн Сторейс, Моцарт, Эттвуд ва Сальберилар тўғрисида сўзлаб берди.

— Сальери... — О’Келлининг юзи жиддийлашди. — Сальерининг дўсти эмас-мисиз?



— Йўқ, Моцарт унинг дўсти эдимиз.

— Моцарт ҳалол, оқ кўнгил ва олийжаноб инсон бўлган.

О'Келлининг кўзларига ёш келди, Жэсон сездики, бу одамга ишонса бўлади.

— Моцарт мени ҳаммага дўстим Михаэль Охелли деб таништирарди. Италия операсига қабул қилиш учун Венада исмиمنى италиянча талаффузга мослаштирганидан Моцарт куларди. Болалигида Италияга борганида ўзини ҳам Амадео Вольфганго Моцарто деб аташган экан.

— Да Понтенинг гапига қараганда, Моцартнинг душманлари кўп бўлган экан. Шу ростми?

— Талантли одамларнинг душмани ҳаммаша кўп бўлади. Моцарт эса ақл бовар қилмайдиган даражада талантли эди.

— Бемаҳал ўлимига шу сабаб бўлган, демоқчимисиз?

— У вафот этганда Венада йўқ эдим. Сальери ҳали тирикми?

— Ҳа, лекин оғир касал.

— Нима учун бунақанги тафсилотларга қизиқиб қолдингиз?

— Қанақа тафсилотлар?

— Моцартнинг ўлимига-да! Фақат шуни сўраб-суриштиряпсиз.

— Мен унинг мусиқасини ўрганяпман. Композиторман, ахир.

— Кийинишингиздан унақага ўхшамасиз. Моцартнинг тақдири нега бунчалик қизиқтиради сизни?

— Аввалига мусиқасини севиб қолдим, кейин ўзига ҳам меҳрим тушди.

— Бу табиий. Лекин унинг ўлими сабабларига қизиқишингиз оддий синчковликдан эмас. Лондонга нима мақсадда келгансиз?

Жэсон мусиқачи сифатида Моцарт ва унинг ижодига катта ихлос билан қарашини, шу сабабли уни билган одамларни қидириб юрганини айтди. Аммо Моцартнинг ўлимида Сальеридан шубҳаси борлигини О'Келлидан яширди, чунки у бунга ишонмаслиги мумкин эди.

— Қаерга жойлашдингиз? — бирдан сўраб қолди О'Келли, жавобни эшитгач, давом этди: — Лондондаги энг яхши меҳмонхоналардан бири. Сизни Эттвуд билан таништираман, у Моцартнинг сеvimли шоғирди бўлган. Дарвоқе, “Фигаронинг уйланиши”ни тинглаганмисиз?

— Йўқ, Америкада Моцартнинг операларини билишмайди.

— “Фигаро”нинг биринчи кўйилишида ария ижро этганман. Англияда унинг асарлари кўп йиллардан бери намоёниш қилинади. — О'Келли гурур билан санай кетди: — “Фигаронинг уйланиши”, “Дон Жуан”, “Ҳамма шундай қилади”, “Сеҳрли най”. “Фигаро”ни эшитмоқчимисиз?

— Бахтиёр бўлардим!

— Жуда соз. Сиз учун ложа оламан. Лекин қимматроқ.

— Қанча? — сўради Жэсон.

— Тўрт кишилик ложа, — рафиқангиз билан Эттвудни ҳам унутманг, — йигирма фунт. Эттвуд Георг IV нинг сарой композитори. У қиролнинг тахтга ўтириш маросимига мусиқа ёзган. Энг фахрли жойга ўтқазмасам, Эттвуд таклифимни қабул қилмайди.

Жэсон О'Келлига йигирма фунт узатди, америкалик йигитнинг бир ўрам пулни ёнида олиб юрганини кўрган ирландияликнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Балки Эттвуддан композиция бўйича сабоқ олишни хоҳларсиз? — таклиф этиб қолди О'Келли. — У ростдан ҳам Моцартнинг энг ардоқли шоғирди эди.

— Эттвуд икковинглар Моцарт билан неча йил таниш-билиш бўлгансизлар?

— Тўрт ёки беш йил. Лекин менга бир умрдай туюлади. Мулоким, истарали чехраси мудом кўз ўнгимда.

— Энн Сторейс қачон вафот этган?

— Ўн йилча бўлди. Моцарт уни яхши кўрарди. Англияда Сторейс кўнгил кўйган одам билан сизни албатта таништиришим керак. Жон Браэм, машҳур хонанда.

— Моцартни Англияда яна кимлар танирди?

— Уни Эттвуд иккаламизчалик яхши биладиган одам йўқ. Мана кўрасиз, Эттвуд сизга маъқул бўлади. Сўнги пайтларда сал кеккайдиган одат чиқазди — бир ёқдан шон-шухрат, иккинчи томондан кексалик — лекин Моцарта қизиқшингизни эшитса, бутунлай ўзгариб кетади. Энг зўр ложани оламан. — О'Келли кўлидаги йигирма фунтга суқланиб тикилди.

Кекса санъаткор гапининг устидан чиқди. Бир ҳафтадан сўнг Жэсон, Дебора ва Эттвудни Қироллик театрида Италия операси томонидан саҳналаштирилган “Фигаронинг уйланиши”га таклиф этди. Бу катта воқеа эди, чунки театрга қирол оиласининг ташрифи кутилаётганди. О'Келли яхши ложалардан бирини олишга муваффақ бўлганидан беҳад шод эди.

— Эттвуд ҳамма вақт охирги дақиқаларда келади, — тушунтирди у Жэсонга. — Иззатини билди-да. Минг қилса ҳам, мусиқа оламида қиролдан кейинги энг мўътабар шахс.

О'Келли Жэсон билан Деборага донги кетган Қироллик театри ҳақида ҳикоя қилиб берди:

— Бу дунёдаги энг машҳур опера театрларидан бири. Чет элдан Англияга келадиган операларнинг бари шу саҳнада намойиш этилади. Бино 1705 йилда қурилган (меъморлар Ванбру ва Конгрив), 1789 йилги ёнғиндан кейин — бу ёнғинни ўз кўзим билан кўрганман — уни каттароқ қилиб қайтадан тиклашди. 1818 йилда бинони яна ҳам мукамаллаштиришди, ҳозир дунёдаги энг йирик театр шу бўлса керак. Саҳнаси тақа шаклида. Бунақа саҳна Англиянинг бирорта театрида йўқ. Ажойиб янгилик. Газ қандиллари эса — аср мўъжизаси. Хўш, айтинг-чи, Отис хоним, шунга ўхшаган санъат кошонасини яна қаерда кўргансиз?

Дебора ҳеч қаерда кўрмаганига иқроор бўлди. Қироллик театрини қўш қаватли газ мугузларидан иборат улкан қандил ёритиб турар, гўё шифтдан биллур офтоб шуъла ёғдираётганга ўхшарди. Нур жудаям кучли, юз териси хунук аёлларга ёқмайди, деган ўй кечди Деборанинг кўнглидан, лекин ўзидан хавотири йўқ эди. Улар ўтирган ложадан саҳна ва бутун зал кўзга ташланарди.

— Бу ложа баобрў кишиларга мўлжалланган, — деди О'Келли.

Деборага О'Келлининг муомалаю мулозаматлари ёқди. Аммо Жэсон тумшайиб ўтирарди: бу ерга келганларидан бери бир огиз ҳам гапирмади.

Қирол оиласи залга қариб келган пайтда Эттвуд ҳам ложада пайдо бўлди. О'Келли уни меҳмонларига таништирди, композитор хиёл таъзим қилди. Эттвуд ортиқча салом-алиқлардан қочиб, атайлаб спектакль бошланишига саноқли сониялар қолганда келганини Дебора пайқайди.

Эттвуднинг ташқи қиёфаси Деборанинг эътиборини тортди. Баланд бўйли, юз тархи нозик, кўзлари чиройли киши эди. Ёши олгмишга яқинлашиб, сочларига оқ оралаган бўлса-да, қариллик аломатлари сезилмасди. Қора рангли узун белбурма камзулда у ўзини мавқеига муносиб равишда тутарди.

Жэсон биринчи пардани бошдан-оёқ унсиз ҳайрат ичида тинглади. Куй кутганидан ҳам зиёда эди. Мусиқага маҳлиё бўлиб ўтираркан, ҳеч қачон бу қадар маҳорат ва камолотга эришолмаслигини ўқинч билан тан олди.

Парда ёпилагач, актёрлар саҳна олдига чиқишди, шунда Эттвуд залда ўтирган номдор жамоа назарига тушиш мақсадида ўрнидан турди. Қирол ложасидан унга қўл силкишганини кўриб, яйраб кетди. Кейин улар сафига қўшилишга ошиқди. О'Келли Жэсон билан Деборани унга эргашинга даъват этди, аммо ложадан чиқаётганларида Тотхиллга тўқнаш келишди.

Банкир ўзини таажжублангандай тутди, аммо Жэсон бу учрашув тасодифий эмаслигини фаҳмлади. Ноилож саломлашишди. Бу гал Тотхилл ўз устидан қарийб бир шиша атирни қуйиб юборгандай эди.

Жэсон Эттвуднинг энсаси қогади деб ўйлаган эди, Тотхилл ўзини таништиргач, у ипақдай бўлиб қолди.

— “Тотхилл ва Тотхилл” компаниясини эшитмаган одам борми! — деди у. — Томас Эттвуд, аъло ҳазратлари саройининг композитори.

— Э, ҳа. Авлиё Павел черковида орган ҳам чаласиз. Мен у ерга ибодатта бориб тураман.

— Булар менинг дўстларим жаноб Отис билан Отис хоним. Бостондан, — кўшиб қўйди О'Келли.

— Танишини шарафига аллақачон мушарраф бўлганман. Отис хонимнинг отаси — баобрў ҳамкасбим. Америкада энг ҳурматли банкирлардан бири.

— Ана холос! — деди Эттвуд. — Демак, сиз бу ерда жаноб Отиснинг хизматига камарбаста экансиз-да.

— Шунақа деса ҳам бўлади. Агар хоҳлашса, америкалик дўстларимга бундан ҳам яхшироқ шароит яратиб бераман.

Эттвуднинг унга қилган муомаласини кўриб, Жэсон ҳам хиёл бош эгиб қўйди.

Тотхилл мамнун эди. Меҳмонхона хизматчиларидан буларнинг театрга кетганини эшитиб, шу ёққа қараб югурди. Ишқилиб, Отиснинг ишончини қозонса бўлди. Эттвуднинг кимлигини билади. У Мейферда, дангиллама уйда яшайди. Сарой композитори бўлгани билан бунақа қасрда яшаш учун озмунча пул керакми! Тотхилл Эттвуднинг унга эҳтиром кўрсатишига шубҳа қилмасди. Юқорироқ поғонага кўтарилган композитор борки, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Тотхиллга муте бўлади-қолади.

“Тотхилл ва Тотхилл” Англиядаги энг нуфузли банкирлар хонадони бўлиб, сарой билан алоқаси мустаҳкам эди. Эттвуд буни биларди. Жэсоннинг пулдорлиги, Моцартга ихлосмандлиги, демак, нафи тегадиган шогирд бўлиши мумкинлигини О'Келли унга шама қилган эди, Эттвуд эътибор бермади, чунки у ошнасига ишонмасди. О'Келли пул ишига нўноқ; мана шу туфайли опера бошқарувчиси лавозимидан ҳам, китоб дўконидан ҳам айрилди. Аммо ҳозирги таклифи чакки эмас. Эттвуд Моцартни бошқалардан кам севмайди. Қизиқ, банкирнинг қўлидаги бриллиантлар қанча тураркин, ўйлади Эттвуд, жудаям зўр-ку!

— Жаноб Эттвуд, — эслатди Жэсон, — нариги ложага ўтмоқчи эдик шекилли?

— Кечикдик. Оломон орасидан ўтиш қийин. Моцартга ихлосингиз баланд эмиш, тўғрими гапим? “Фигаро” маъқул бўлдимми?

— Ҳеч қачон бунақа мусиқани эшитмаганман. Моцартни яхши танирмидингиз?

— Э, нимасини айтасиз! Гапириб беришга вақт керак. Бизникида бир шиёла чой ичсангиз, бошим осмонга етарди. Моцарт ҳақида мириқиб суҳбатлашардик. Куйларингиздан чалиб берардингиз, баҳолиқудрат ожиз фикримни билдирардим.

— Миннатдорман, жаноб Эттвуд, жаноб О'Келли-чи?

— Михаэль ҳам меҳмоним бўлади. Жаноб Тотхилл ҳам таклифимни рад этмайди, деб умид қиламан.

— Бош устига! — деди Тотхилл.

— Сторейс билан узоқ йиллар ошиқ-маъшуқ бўлган Браэмни ҳам чақираман. Моцарт тўғрисида у кўп нарсаларни эшитган бўлиши керак, чунки Энн Моцартни яхши биларди, — деди Эттвуд.

— Шунча меҳмонни кутиш оғирлик қилмайдими, жаноб Эттвуд? — сўради Тотхилл. Эттвуд пинагини бузмай жавоб қайтарди:

— Ошхонамнинг ўзига бемалол ўн икки киши сиғади.

Жэсоннинг иккиланаётганини кўриб, О'Келли кўшиб қўйди:

— Лондонда бундай шарафга муяссар бўлганлар ўзларини бахтиёр ҳисоблашади, жаноб Отис.

Жэсон опера тутагунча Эттвудни кузатиб ўтирди, таажжубки, унинг чеҳрасида бирор ифода зоҳир бўлмади. Мусиқанинг бутун латофатини зарофати Жэсоннинг шуурига худди қабрдан янграётган узундан-узоқ ваъздай сингиб борарди. Моцарт ўлган бўлса ҳам, шу тобда Жэсон: “Йўқ, Моцарт тирик!” — деб қичқиришдан ўзини аранг тийиб ўтирар, композиторнинг қони арияларда жунбушга келаётгандай туюларди.

Агар худо бор бўлса, ўйлади Жэсон, у “Фигаро” дай буюк асар қаърида яшайди. Мусиқа шу даражада жонли ва ёрқинки, унинг ижодкори қабрда ётганига ақл бовар қилмайди. Йўқ, Моцарт тирик!

## 10. МОЦАРТНИНГ АНГЛИЯДАГИ ДЎСТЛАРИ

Жэсон кутганидай, Эттвуднинг Курзон-стригдаги уйи жуда дабдабали эди. — Мундоғроқ курса ҳам бўларди, — деди Жэсон Деборага извошдан тунашётганларида. — Тўғри, бино чиройли, лекин эгасининг бойлиги ва нуфусини кўз-кўз қилиб турипти.

— Демак, у мен ўйлагандай, нозик дидли одам, — жавоб берди Дебора.

Хизматкор уларни меҳмонхонага бошлаб кирди. Меэбон мунгазир экан. Бошқалар мусиқа хонасида, деди Эттвуд. У тантанали қабул маросими ўтказаятгандай, узун кўк камзул, камзулнинг қизил ёқасига мослаб, оёққа ёпишиб турадиган қип-қизил тор шим кийиб олганди, бўйнида оппоқ галстук, кўксига бир жуфт қироллик ордени.

Деборанинг мебелларни суқланиб томоша қилаётганини пайқаб, Эттвуд изох берди:

— Ҳақиқий Шератон. Устасининг ўзидан харид қилганман.

Шифтда Қироллик театридаги қандилдан қолишмайдиган газ қандили осилиб турарди, Эттвуд кўшиб қўйди:

— Янги ихтиро. Лондонда газ билан ёритиладиган уйлар санокли.

Камин тоқчасига Гендель билан Веллингтоннинг бюстлари қўйилган, тепа-роққа эса Авлиё Павел черкови тасвирланган сурат осилганди.

— Бировлар буни, Христофор Врен ўз қўли билан чизган асл нусха, дейишади. Лекин ҳали бу даъвони исбот қилолганим йўқ, — деди Эттвуд хўрсиниб. — Шу гап рост чиқса, бу сурат беҳисоб бойликка айланади.

У Жэсон билан Деборанинг тирсагидан ушлаб, мусиқа хонасига олиб кирди. Тотхилл, О'Келли ва Жон Браэм сармойяни ҳинд савдосига йўналтирганда кўриладиган фойдани муҳокама қилишарди. Хонанданинг Деборага кўзи тушиб, сапчиб ўрнидан турди.

— Марҳабо, марҳабо!

Браэм инглизларга хос бўлмаган даражада қорача, ўрта ёшлардаги киши эди; чўзинчоқ юзи, қирғий бурунлиги да Понтени эслатарди.

— Мени Моцартнинг дўсти деб ҳисоблаганингиздан бахтиёрман, жаноб Отис, — деди у. — Лекин мен уни қадрдоним раҳматли Энн орқалигина билман.

— Улар яқин бўлишганми? — сўради Жэсон.

— Жудаям. Сторейснинг гапига қараганда, Моцарт уни хонанда сифатида беҳад эъзозларкан.

— Энн мусиқага муккасидан кетган аёл эди, — қўшиб қўйди О'Келли. — Айниқса, Моцарт куйларига. Улар бир-бирларини қаттиқ севишган, деган мишмишлар ҳам йўқ эмас.

— Шу гап ростми?

— Билмадим, — жавоб берди Браэм. — Ҳарқалай мен уларнинг орқасидан ёмон гап эшитмаганман. Қолаверса, Венада композиторлар билан хонанда аёллар ўртасидаги муносабатларга бефарқ қарашган. Моцарт хотинини бошига кўтарарди, бировга зиёни тегмасди.

— Бунга ёзган мусиқалари гувоҳ.

— Ҳа энди, беайб парвардигор. У ҳам, ҳаммага ўхшаб, ўйин-кулгини, хурсандчиликни, ширин таом билан шаробни яхши кўрарди. Гузалликнинг шайдоси эди. Ҳозир орамизда бўлганида, мана бу мусиқа хонасидан завқланиб, тасаннолар айтарди.

Кенг залга орган, фортепьяно ва клавиқордлар қўйилганди. Махсус столда Эттвуд, Гендель ва Моцарт асарларининг ноталари турипти. Деворга Моцарт, Гайдн ва Глюкнинг дастхатли суратлари осилган.

— Жаноб Отис, балки бирор нарса чалиб берарсиз? — таклиф этиб қолди қутилмаганда Эттвуд.

Жэсон каловланиб қолди. Моцартга яқинлашгани сари ўзининг мусиқавий қобилиятига ишончи сусайиб борарди.

— Кейинроқ, — деди у. Хайрият, Эттвуд зўрламади, ҳаммани дастурхонга таклиф қилди.

Ошхона кенг-мўл эди. Қизил ёғочдан ясалган кенг стол, ярқираган ли-

копчалар, опшоқ қўлсочиқлар, столда акси кўриниб турган биллур қадахлар — бари кўзни ўйнатади.

Аввал шароб, кетидан салат, қовурилган гўшт, янги узилган кулупнай, сўнг қаҳва келтиришди. Таом устида гап-сўз кам бўлди, зиёфат охирлаб қолганда Браэм Жэсондан бирорта куй чалиб беришни илтимос қилди.

— Йўқ деманг, жаноб Отис, — унинг ёнига қўшилди Эттвуд. — Мириқиб бир эшитайлик.

Жэсон дарров мавзуни четта бурди:

— Бирортангиз Моцартникида тамадди қилганмисиз?

— Ҳисоби йўқ, — деди О'Келли. — Моцарт овқатга ўч эди, лекин ўзини тиярди. Айрим таомлар ошқозонига ёқмасди.

— Қанақа таомлар?

— Бу фақат таомга эмас, унинг қанча ишлагани, мусиқасини тингловчилар қандай қабул қилганига ҳам боғлиқ эди.

— Сальери бун билармиди?

Эттвуд О'Келлига сергак назар ташлади, аммо у пайқамади.

— Албатта, — О'Келли мезбонга ўтиришди. — Да Понте бизни меҳмонга чақиргани ёдингиздами, Эттвуд? Ўшанда Моцарт билан Сальери ҳам бор эди.

Эттвуд бир ижирганиб қўйди.

— Сира эсимдан чиқмайди, — давом этди О'Келли, — суҳбат роса қизиган, қаттиқ баҳс-мунозара, тортишувлар бўлган.

— Моцарт билан Сальери ўртасида гап қочганми? — сўради Жэсон.

— Ҳеч қачон уларнинг гапи-тапига тўғри келган эмас.

— Бундан ҳар хил хаёлга бориш ўринсиз, — деди Эттвуд. — Нима, Сальери Моцартга ғанимлик қилганими? Тўғри, у Вольфгангни ёмон кўрарди, шуни рўкач қилиб, уни душманга чиқазиб қўйиш нотўғри. Ҳеч қайсимиз ҳам фаришта эмасмиз.

— Ғанимлик қилган пайтлари ҳам бўлган, — деди О'Келли.

— Қачон? Негадир эслолмайман, — деди Эттвуд елкасини қисиб.

— Сальери “Фигаро”даги ролдан мени олиб ташлашга тиришганларини унутдингизми? Энг охирида-я! Премьера барбод бўлиши мумкин эди-ку!

— Орсини-Розенбернинг иши бу.

— Розенберг ҳамма вақт Сальери билан келишиб иш қиларди.

— Моцартни ростдан ҳам яхши билармидингиз? — сўради Дебора.

О'Келли бу саволдан ранжиди.

— Отис хоним, “Фигаро”нинг биринчи қўйилишида ишгирок этган актёрлардан тирик қолгани ёлғиз менман. Англияга Моцартни Эттвуд ва эрхотин Сторейслар билан бирга мен таништирганман. Италиян операсига ўн йил директорлик қилганман.

— Да Понтеникидаги зиёфатда нима бўлган эди? — эслатди Дебора.

О'Келли ўйланиб қолди. Моцарт билан ишлаган йилларини эслаб, ўзини қайтадан ёшаргандай ҳис қилди. Моцартнинг уйида уни кучоқ очиб кутиб олишарди, Эттвуд эса шунча йиллардан буён мана энди таклиф этиб турипти. О'Келли ўзига билдирилган юксак ишончни оқлолмади. Ҳозир уни Моцартнинг дўсти бўлгани учунгина эслаб туришади. Қачонлардир Венада О'Келлининг олдига тушадиган опера хонандаси йўқ эди. Англияга қайтгач, овози ҳали бузилмаган пайтлари, Друри-Лейндаги театрда ишлади, кейин Қироллик театри ва Италиян операсига ўн йил директор бўлди. Моцарт асарларини қайта-қайта қўявергани учун лавозимидан айрилди. Китоб дўкони очиб, вино ва ҳар хил ноталар сотиб кун кўриб юрган эди, даромадни учма-уч қилолмай, бу ишни ҳам йиғишгирди. Пьесаларга куйлар, сон-саноксиз инглизча, французча, италиянча қўшиқлар ёзди-ю, бари бир йил ўтмай унутилди. Ахир ҳамма ҳам Моцарт бўлавермайди-да! Лекин унинг хотираларига бировнинг тил теккизишга ҳаққи йўқ. Бари бўлган воқеалар. Ҳарқалай Шеридан ёки Эттвуддан кўра Моцарт унга қадрдонроқ эди.

— 1786 йил 1 май кuni Венада “Фигаронинг ўйланиши” қўйилди, орадан бир неча кун ўтгач, да Понте мени, Эттвудни, Энн Сторейсни, Моцарт ва унинг хотинини, Сальери ва ўйнаши Катарина Кавельерини уйига таклиф қилди, — деб ҳикоясини бошлади О'Келли. — Сальери бадавлат бир савдо-

гарнинг қизига уйлангани, аммо хотинини ҳеч ким кўрмаган, Сальери ҳар доим, уялмай-нетмай, ўйнаши Катарина Кавельери билан қўлтиқлашиб юрарди. Катарина чиройли, кўкси таранг хонанда бўлиб, азбаройи мартаба ўзига италиянча исм олган немис аёли эди. Моцартнинг хотини зиёфатга келмади. Сўрасам, Констанца ҳомилалор, Сальерини кўрса, асаби бузилади, деб жавоб берди Моцарт. Да Понте “Фигаро”нинг премьераси ҳамда Сальеридан янги буюртма олгани шарафига зиёфат бераётган эди. Аслида иккала композиторни яраштираб қўйиш мақсадида уюшгирган бўлиши ҳам мумкин баъзи жамшидди. Чунки Моцарт ҳам, Сальерига ҳам унинг иши тушиб турарди.

Да Понтенинг Кальмаркгдаги уйи Моцартнинг Гроссе Шулерштрасседаги ошёнидан дабдалироқ кўринди менга: меҳмонларга шоирнинг рўзгорини бошқарадиган аёл билан унинг ўн олти яшар кўҳлигина қизи елиб-югуриб хизмат қиларди. Аввалига ширин суҳбат қуриб ўтирдик, аммо да Понте ёнидан бриллиантлар билан безатилган тилла тамакидонни чиқазганида Сальерининг кўзлари ўйнаб кетди.

“Янги тамакидонми, Лоренцо?”

“Ҳа, янги, Антонио”, — деди да Понте виқор билан.

“Тамаки ҳидламасдингиз, шекилли?”

“Тўғри. Лекин шундоқ одамнинг совғасини олмасликка журъат этолмадим.”

“Ким экан у?”

“Император Иосифнинг туҳфаси бу”.

Сальери ишонқирамади. Да Понте яна мақтанди:

“Тамаки ҳам тўлдириб берди”.

“Намунча бу қадар сийлов?”

“Давлат олдидаги хизматларим учун-да. Балки “Фигаро” учун ҳамдир”.

“Эҳтимол!” — деди истехзоли кулиб Сальери.

“Ишонмаяпсизми?”

“Фигаро” учун денг! — Сальерининг овозидаги кесатиқ яна ҳам кучайди. — Тўғри, Лоренцо, мусиқа чиройли, ёш дўстларингиз Сторейс билан О’Келли ўз ролларини ёмон уддалашмади, бироқ асар воқеаси бошингизга ташвиш ортиради”.

“Иосиф операнинг қўйилишига рухсат берди, премьерада ишгирок этди. Масала ҳал, деб ўйлагандим”, — гапга аралашди Моцарт.

“Бари бир норозилик кайфияти қолди, — деди Сальери. — Австрия империясида тақиқланган китобларни ўқиш хатарли экани тўғрисида Лоренцони огоҳлантирганман, лекин у гапимга кулоқ солмади. Француз исёнчиларининг китоблари кони зарар”.

“Бомаршенинг асари ҳамми?” — таажжубланди Моцарт.

“Биринчи навбатда!” — чўрт кесди Сальери.

“Қанақа асарга мусиқа ёзишни ўзим биламан”, — Моцарт ҳам бўш келмади.

“Демак, сизнингча, гапириш ман этилган нарсани куйласа бўлаверар экан-да?”

“Тингловчи сўзга эмас, куйга эътибор беради”.

“Сўзга эътибор берганлар ҳам кўп бўлди, бари норози. Ўт билан ўйнашяпсиз, Вольфганг. Охири вой бўлмаса деб кўрқаман”.

Да Понтенинг ялингчоқ нигоҳини пайқаб, Моцарт сал паст тушди:

“Ташвишланганингиз учун раҳмат, маэстро Сальери. Бу ёғига нима маслаҳат берасиз?”

“Фигаро”ни сахнадан олиб ташлаш керак.”

Ҳамма анграйиб қолди. Шу пайтгача икки композиторни ярашгиришга уринаётган да Понте ҳозир газабини аранг тийиб турарди. Энг ҳайратдан ёқасини ушлади. Ҳатто мендан кўра устомонроқ Этгвуд ҳам кулоқларига ишонмасди. Сальери бундай дейишга қандай журъат этди? Фақат Моцартгина хотиржам эди.

“Осон иш эмас бу, маэстро”, — деди у.

“Ё тавба! — Да Понте чидаёлмади. — Наҳотки!”

“Ўзингизни босинг, Лоренцо, — Моцарт ҳамон вазмин эди. — Нима сабабдан “Фигаро”ни намойиш этишни тўхтатиш керак, деб ҳисоблайсиз, маэстро Сальери?”

“Сизларнинг фойдангизни кўзлаб”.

“Жудаям меҳрибонсиз”.

Моцарт ҳазиллашяптими, жиддий гапиряптими — англаш маҳол эди.

Шу тобда улар дуэлга чиққан икки қиличбозга ўхшашарди: икковлари ҳам чапдаст, икковлари ҳам қилич суришга абжир. Бироқ энг муҳим масалادا бир-бирларидан фарқ қилишарди. Сальери нуқул, мен ҳақман, дерди, аммо унга ишончмасди. Моцарт эса бу сўзни ишлатмасди, шунга қарамай, унга ҳаммавақт ишончарди. Сальери ўз мусиқасини харидоргир зеру забарлар билан безарди, аммо бу мусиқа ҳиссиёт кўзғамасди; Моцарт ҳаммаша енгил-елпи нарсалардан қочарди, лекин унинг куйлари инсон қалбини ларзага соларди. Сальери буни сезарди ва, табиийки, ундан ҳайқарди. Йўқ, Моцартга бас келиб бўлмайди.

“Қулоқ солинг, Моцарт, мен сизни дўстона оғоҳлантириб қўйяпман, — давом этди Сальери. — Кўпгина дворянлар “Фигаро”дан норози. Графни ҳадеб лақиллатишлари уларнинг ғазабини кўзғатапти. Ҳозирдаки шунақа жанжалли операга қўл урибсиз, охири нима бўлади? Иосифни боғлаб берган эмас, хабарингиз бор, озгина умри қолган, фарзанди йўқ, тахтга Леопольд ўтириши аниқ. Унинг қанақалигини яхши биласиз”.

“Шундан хавотирдамисиз, маэстро?”

“Бўлмасам-чи! Эшитишимга қараганда, “Фигаро” туфайли Махфий кенгаш Иосифдан матбаа нашрлари ва сахна асарлари устидан қаттиқ назорат ўрнатишни талаб этаётган эмиш. Бу операни, қолаверса, ҳаммамизни нобуд қилиши мумкин”.

Моцарт ўйга ботди. Мен чидаб туrolмадим. “Фигаро”даги иккита ролимни кўзим қиймасди. Қарасам, Энн гапиршга оғиз жуфтляяпти, ҳаммаша ўзини сипо тутадиган Этгвуд бетоқат, да Понте ҳам типирчилаб турипти. Улардан ўзгирлик қилдим:

“Жаноб Моцарт, бировларнинг ютуғини кўролмайдиган бадбинлардан бошқа ҳаммага мусиқангиз ёқади. Олқишларни эшитдингиз-ку. Қайта-қайта сахнага чақаришди. Император аралашмаганда опера эрталабгача давом этарди”.

“Император аралашганининг бошқа сабаблари ҳам бор”, — деди Сальери.

“Қанақа сабаб экан?” — сўради Моцарт.

“Ҳаммасини санаб санафига етиб бўлмайди. Менинг вазифам оғоҳлантириб қўйиш эди, мана, оғоҳлантирдим”.

“Маэстро, ўтинаман, операни тўхтатманг!” — хитоб қилдим мен.

Овозимдаги ёлбориш оҳангидан Моцартнинг юзига табассум қалқди.

“Наҳотки шунга рози бўлсам?”

“Маэстро Сальери ишонтиришга уста”.

“Бунга шубҳам йўқ. Аммо сизларнинг мақтовларингиз ҳар қандай гапдан ишончлироқ. — Моцарт ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди. Кейин Сальерига юзланди:

“Маэстро Сальери, балки сиз ҳақдирсиз, лекин мен дўстларимга ҳам, ўзимга ҳам хиёнат қилолмайман”.

Бу гапни эшитиб, елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Да Понте овқатга қўл урди, биз ҳам бирин-кетин тановулга киришдик. Моцартнинг шаробга тегинмагани мени таажжубга солди. Ширин таом билан шаробдан бош торгмасди-ку. Яна баҳс бошланиб кетмаса гўрга эди, ўйладим мен. Да Понте Моцартга “олинг-олинг” қилди.

“Уэр, ҳозир ичкилик ичолмайман”, — деди Моцарт.

“Сифатидан шубҳангиз борми?”

“Йўқ. Яхши узумдан тайёрланганига ишонаман. Кейинги пайтларда буйрагим безовта қияпти”.

“Шаробнинг зарари йўқ,” — деди Сальери.

“Бари бир эҳтиёт бўлган маъкул”.

“Қачондан бери эҳтиёткор бўлиб қолдингиз?”

“Соғлигим яхши-ёмонлигини ҳеч қачон сир тутмаганман”.

“Кўнглингизга олманг,” — деди Сальери.

“Нега кўнглимга оламан? — кулди Моцарт. — Шунчаки, парҳезга риоя қилишим зарурлигини айтмоқчиман, холос.”

Хизматдаги аёл Моцарт яхши кўрадиган ғоз жигарини келтирганда у бир-икки чўқилади-ю, ликопни нари суриб қўйди.

“Вольфганг, энг-да, атайин сиз учун буюртирганман,” — деди хафа бўлиб да Понте.

“Раҳмат, Лоренцо. Ўтган сафар ҳам шунақа таом еб, мазам қочди. Ҳаммаси буйракдан.”

“Буйракдан? — такрорлади Сальери. — Табиб ёки дўхтир билан маслаҳатлашмадингизми?”

“Табибга ҳам, дўхтирга ҳам ишонмайман.” — жавоб берди Моцарт хўрсиниб.

“Буйрак чатоқ, деб ўйлайсизми?”

“Шунақа дейишяпти. Белгилари ҳам ўхшаб турипти. Келинлар, касаллик ҳақида гаплашмайлик. Дам олгани йиғилганмиз-ку”.

Аммо Сальери хиралигини қўймади:

“Қанақа овқатлар ейиш мумкин экан?”

“Мева, сабзавот, ёғсиз гўшт, мурч ёки қалампир сепмасдан, албатта.”

Да Понте Моцарт айтган нарсаларни келтиришни буюрди. Кейин мавзуни яна “Фигаро”га бурди:

“Иосиф операни бошдан охиригача киприк қоқмай тинглади. Шу қадар мамнун бўлдики, роса қарсак чалди, бир неча марта “офарин” деб қичқирди.”

Сальери да Понтенинг сўзларини эшитмади. Ҳозир худди овқат масаласи муҳокама қилинаётгандай, гапнинг нишабини шу ёққа тортаверди:

“Мен билан маслаҳатлашишингиз керак эди, Моцарт. Баъзи таомлар айрим вазиятларда заҳардай таъсир қилади. Бу муаммони чуқур ўрганганман. Заҳар дегани — нисбий тушунча. У бировни ўлдиреди, бировга малҳам бўлади. Дард борки, ошқозонга ёпишади. Айтинг-чи, синьор Моцарт, қайси овқатлар сизга зиён қилмайди?”

“Ҳақиқий венецияликдай фикр юритасиз-а, Антонио,” — деди да Понте.

“Нега венециялик бўларканман, у ерлик эмаслигимни яхши биласиз-ку!” — Сальерининг жаҳди чиқиб кетди.

“Заҳарнинг тилига тушунадиганларнинг бари табиатан венециялик-да.”

“Мен заҳар ҳақида гапираётганим йўқ!” — бақириб берди Сальери.

“Нима тўғрисида гапиряпсиз бўлмаса?”

Иш ёқалашпигача бориши мумкин эди-ю, Моцарт дарров орага тушди:

“Маэстро Сальери унақа маънода гапиргани йўқ.”

Сальерига жон кирди:

“Албатта! Маслаҳат бериш учун қанақа таом ёқмаслигини аниқлаб олмоқчи эдим, холос.”

“Бари бир эҳтиёт бўлинг,” — деб пичирлади Энн Сторейс Моцартнинг кулоғига. Сўнг эркаланиб, елкасига бошини қўйди.

Моцарт яйраб кетди. Кулганда ранглар, сипо юзи офтобдай нур таратарди.

Таомдан кейин Моцарт Энн билан рақсга тушди, Эттвуд фортепьянода “Фигаро”дан куйлар чалиб турди. Рақсдан чарчаганларидан сўнг Энн кўшиқ айтди. Моцарт чалган бу куй менга нотаниш эди. Ҳузур қилиб эшитдим.

“Қачон ёзгансиз?” — деб сўрасам, Моцарт кулимсираб:

“Рақс пайтида”, — деди.

Сальери ишонмади, шунда Моцарт яна бир гўзал ария куйини чалди. Кейин Сальерига мурожаат қилди:

“Энди сиздан!”

Сальери унамади, Кавельери қистайвергач, ноилож рози бўлди. Аммо даб-дурустан шу соҳа кишиларини лол қолдирадиган мусиқа яратиш осонми! Сальери нима қиларини билмай, клавишларга мушт солди:

“Қанақасизлар ўзи! Ҳақиқий композитор илҳомсиз куй ярата оладими? Бунинг устига, фортепьяно яхши созланмаган.”

Моцарт бунга жавобан фортепьяно ёнига ўтириб, яна шунақа бир янги куй туҳфа этдики, ҳамманинг оғзи очилиб қолди.

“Ё Парвардигор, оҳанг ҳам шу қадар бокира бўладими?! — хитоб қилди Энн. — Мўъжиза! Қачон ёза қолдингиз, Вольфганг?”



“Сизлар “Фигаро”ни репетиция қилаётган пайтда.”

Нихоят, тарқаладиган вақт келди. Да Понте Моцартдан узр сўради.

“Яхши ўтирдик, Лоренцо, — деди Моцарт. — Меҳмондўстликни ўрнига қўйдингиз. Мента мусиқадан кейинги энг азиз нарса — таом, албатта, муҳаббатни ҳам истисно қилмайман.”

Моцарт дераза тагидаги яшиқларда муаттар ҳид таратиб турган гулларга термулди ва гул баргларида учта ўлган асаларини териб олди.

“Эсизгина, бевақт нобуд бўлишипти. Балки булар ҳам ёқмайдиган бирор нарса еб қўйишандир? — деди у ўзига ўзи гапиргандай. — Кечагина визиллаб учиб юрган арилар бугун жонсиз. Ўн тўрт яшар пайтимда иккита ўгрини дорга осишганини кўрганман. Бу воқеа кўз очиб-юмгунимча содир бўлганидан ҳайратда қолган эдим. Шундан бери қанча одам ҳаётдан бемаврид кўз юмди. Ўлим онамни, фарзандларимни, қарииндошу дўстларимни бағримдан юлиб кетди. Энди навбат мента келди шекилли...”

Ҳикоянинг охири ҳаммани қарахт қилиб қўйди. Узоқ сукутдан сўнг Жэсон тилга кириб, Эттвуддан сўради:

— Жаноб Эттвуд, сизнингча, Моцарт ўз ажали билан ўлганми ёки уни қасддан ўлдиришганми?

Уй эгаси анча ўйланиб, кейин жавоб қайтарди:

— Сизнинг ўрнингизда бўлганимда бунинг тагига етишга уринмасдим, — деди у. — Бировларнинг ишига аралашининг хосияти йўқ.

— Лекин жаноб О’Келлининг гапларига қўшиласизми?

— Ҳаммасига эмас. Тўғри, Моцарт буйрагидан шикоят қилди, деярли овқат емади. Сальерининг сўраб-суришгиргани ҳам рост, сабаби — у ўзини таомларнинг пири деб ҳисобларди. Лекин бундан...

— Жаноб Эттвуд, Моцарт билан алоқаларингиз қандай эди?

— Ундан охири мактубни ўлимидан сал илгари, Англияга келишдан умидини бугунлай узиб қўйган кезларда олганман. Хат шундай сўзлар билан тугайди: “Мени унутманг, Томас. Сизнинг самимий ва садоқатли дўстингиз В.А.Моцарт”. Сал ўтмай у вафот этди. Қўққисдан. Қутилмаганда. Модомики, Сальерининг Моцартга душманлигига ишончингиз шу қадар комил экан, айтинг-чи, унда нима учун Моцарт Сальери билан Кавельерини “Сехрли най”га таклиф этди, кейин Сальериникида овқатланишга рози бўлди? Хўш, менинг муҳтарам дўстим нега унинг таклифини қабул қилди?

Эттвуднинг гапларига диққат билан қулоқ солиб ўтирган Браэм суҳбатга қўшилди:

— Энн Сторейс мента Кавельеридан олган мактуби тўғрисида гапириб берган эди. Кавельери ҳам ўша ўтиришда иштирок этган экан.

— Бу ҳали ҳеч нарсадан далолат бермайди, — деди Эттвуд асабийлашиб.

— Кавельери хатни 1791 йилнинг декабрида ёзган.

— Алоқаси йўқ.

— Мактуб Моцартнинг ўлимидан кейинроқ жўнатилган. Афтидан Кавельери Сторейсга таъзия билдирмоқчи бўлган, чунки унинг Моцартга кўнгли борлигини биларди. Лекин Сторейсни бошқа нарса ўйлантириб қўйди. Кавельерининг ёзишча, Моцарт Сальериникида ўлимидан икки ҳафта олдин тамадди қилган, ўшанда соппа-соғ бўлган. Эртаси куни ётиб қолган. Қайтиб ўрнидан турмаган.

— Кавельерининг бир нарсадан шубҳаси бор, деб ўйлайсизми, жаноб Браэм? — сўради Жэсон.

— Йўқ. Менимча Сторейснинг ҳам хаёлига ёмон гап келмаган. Аммо ўша ўтириш билан ўлимнинг кетма-кет юз бериши кўнглига шубҳа солган бўлиши мумкин.

— Қизиқ, — деди Эттвуд истехзо билан. — Энн Сторейс мактубни 1791 йилда олган, ўттиз уч йилдан кейин кўнглига шубҳа тушган. Ё тавба! Ўша пайтда қаерда экан?

— Мана, ҳозир ўзингиз ҳам гапиришни хоҳламаяписиз-ку, балки шу сабабли индамай қўя қолгандир-да.

— Нимани гапиришим керак?! — Эттвуднинг жаҳли чиқиб кетди.

- Жаноб Браэм, Кавельери тирикми? — сўради Жэсон.
- Аллақачон бандаликни бажо келтирган.
- Хат масаласида янглишаётганингиз йўқми? — сўради ундан О'Келли.
- Мутлақо. Энн хатни ёддан биларди. Моцартнинг Сальериникига борганига ҳайрон бўлгани эсимда. Моцарт унга ишонмас эди-ку, деган эди Энн.
- Уша хат сақланиб қолганми? — сўради Жэсон.
- Билмадим. Энн вафот этмасидан анча олдин у билан алоқамиз узилган.
- Бу сирни фақат Моцартнинг хотини Констанца билиши мумкин, чунки синглиси Софи Моцарт жон бераётганда тепасида бўлган, — деди О'Келли. — Моцартнинг ўлими ҳақидаги даҳшатли хабарни эшитишим билан Констанцага хат ёзиб юбордим, лекин жавобни Софидан олдим. Констанца бошига тушган мусибатдан ҳалигача ўзига келолмаяпти, ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача Моцартга ўзим қараб турдим, деб ёзган эди у.
- Ўлимнинг сабаби ҳақида ёзмаганмиди? — сўради Дебора.
- Сал-пал ишора бор. Моцартнинг танаси ва қорни шишиб кетган, аъзойи бадани титраб-қақшаб, кўзлари тўнгиб қолган.
- Нимадан бўлиши мумкин?
- Буйрак хасталигидан, Отис хоним. Заҳарланганда ҳам одам шунақа аҳволга тушиши мумкин.
- Браэмга ўхшаб, сиз ҳам энди ёриляписизми? — кесатди Эттвуд.
- Бунақа нарсалар дарров одамнинг ҳаёлига келмайди. Башарти Сальери Моцартдан қутулмоқчи экан, унга заҳар бериши шарт эмас, буйракка ёқмай-диган таом едиришнинг ўзи кофоя.
- О'Келлининг сўзлари ўтирганларни ўйлантириб қўйди. Эттвуд шартга ўрнидан туриб, гапни бошқа ёққа бурди:
- Менимча, жаноб Жэсон бизни ўз санъатидан баҳраманд этишга журъат қилолмаяпти, шекилли. Балки мусиқага алоқаси йўқдир? Нима бўлганда ҳам Сальери таниқли композитор эди.
- Жэсон ўрнидан туришга мажбур бўлди. Аввалига меҳмонларнинг салобати босди, аммо аста-секин Моцартнинг мусиқаси уни ўз домига тортиб кетди. Эттвуд нотани Жэсоннинг рўпарасига қўйди, бу Моцартнинг бир маҳаллар унга Отто Мюллер танишгирган фантазияси эди. Лекин Жэсон ўзини бу асарни биринчи марта ижро этаётгандай тудди. Фожевий оханглар ва эҳтирослар куюнига тўла куйни қойиллатиб чалиб берди. Кейин Эттвудга ўтирилди:
- Фикрингизни айтсангиз, жаноб Эттвуд.
- Тиришқоқлигингизга тан бердим, — жавоб қайтарди Эттвуд. — Лекин баркамолликка ҳали анча бор. Ўзингиз ёзган куйлардан ҳам эшитсак бўлар-миди?
- Жэсон илоҳий мадҳияларидан бир нечтасини ижро этди. Аммо Моцарт мусиқаларига солишгирганда бу куйлар нақадар ғариб ва жозибасиз! Шундай бўлса ҳам Жэсон яна Эттвудга савол назари билан қаради. Тотхилл иккаласи истехзоли жилмайиб туришарди.
- Тотхилл уни ошкора мақтади:
- Мадҳияларингиз кулоққа ёқади.
- Сиз нима дейсиз, жаноб Эттвуд? — сўради Жэсон.
- Генделга жудаям тақлид қиларкансиз. Композициядан сабоқ олишингиз керак. Вақтим тигиз, лекин сиз учун бир неча соат ажратишим мумкин. Моцарт менга, ҳеч ким услубимни сизчалик ўзлашгирган эмас, деган эди.
- Мен иккинчи Моцарт бўлмоқчи эмасман, — жавоб берди Жэсон.
- Оқилона фикр. Қолаверса, Моцарт бўлиш осонмас. Лекин сиз унинг мусиқаларини ўрганмоқчисиз-ку, шундайми? Машгулотга қачон вақт ажрата оласиз?
- Тез кунда Венага жўнаб кетишим керак.
- Жаноб Отис, қобилиятингиз бор экан, Лондонда қолиб, маэстро Эттвуддан сабоқ олганингиз яхшимасми? Мана шунақа дангиллама уй топиб берардим. Нархи унчалик қиммат бўлмайди, — деди Тотхилл.
- Жэсоннинг иккиланаётганини кўриб, Эттвуд қўшиб қўйди:
- Мен билан танишлигингиз сизга Лондондаги бир қанча мўътабар хонадонларнинг эшикларини очиб берарди. Билиб қўйинг, мен фақат талантли йигит-қизларни шогирдликка оламан.

— Ёнроқ бўлганимда ҳаялламай Венага жўнардим, — деб қолди қутилмаганда О'Келли. — Констанца билан, Софи билан, Моцартни билган кишиларнинг ҳаммаси билан биттама-битта гаплашиб чиқардим.

Этгвуд О'Келлига ёвқараш қилди, аммо кекса хонанда буни пайқамади.

— Сизнинг ўрнингизда бўлганимда, жаноб Отис, бу ишни бир кун ҳам орқага сурмасдим, — такрорлади О'Келли.

— Сизга хат бор, жаноб Отис. Қайнотангиздан, — деди Тотхилл томдан тараша тушгандай.

— Нега шу пайтгача индамадингиз? — таажжубланди Жэсон.

— Гап билан овора бўлиб, хаёлимдан кўтарилипти.

“Муҳтарам жаноб Отис! — ўқий бошлади у. — Хат қўлингизга йўқолмай-нетмай етиб боради, деган умиддаман. Лондондаги адресингизни билмаганим учун уни ҳурматли жаноб Куинси Пикеринг орқали жўнатаяпман.

Бетоб бўлиб, узоқ ётиб қолдим. Лекин гап бунда эмас. Укамнинг ёзишича, Сальерининг аҳволи оғир эмиш. Ёши ҳам бир жойга бориб қолган. Сизда у билан кўришишнинг охириги имконияти бор. Моцартнинг хотини ҳам касал, сингиллари ҳам омонат. Энг афсусланарлиси, Моцартни билган кишиларнинг кўпчилиги оламдан ўтган. Ҳар бир кун ганимат.

Илтимос, тезроқ Венага жўнанг.

Эҳтимол, анча-мунча керакли маълумотларни тўплагандирсиз, орадан шунча йил ўтиб, зора ҳақиқат юзага чиқса. Сальерининг қаерда даволанаётганини укам аниқлапти, агар Венага кечикмасдан етиб борсангиз, уни кўришга улгуришингиз мумкин. Эрнест ўша шифохона хизматчиси билан таниш экан. Шошилинг.

Сизга содиқ Отто Мюллер”.

— Тинчликми? — сўради Дебора бетоқат бўлиб.

— Тинчлик. Фақат Сальери оғир ётганмиш. Моцартнинг рафиқаси ҳам қаттиқ бетобмиш.

Кўчага чиққанларида О'Келли маслаҳат берди:

— Агар Сальериникидаги ўтиришга гувоҳ бўлганлардан бирортасини топсанглар, ўша кунни Моцарт нима еб-ичганини суриштиринглар.

Дебора авайлабгина О'Келлининг қўлтиғидан олди.

— Моцартнинг захарланганини исботловчи далилларни топа оласизми-йўқми — олдиндан бир нарса дейиш қийин. Аммо бутунги суҳбатдан кейин менинг кўнглимга шубҳа тушиб қолди.

— Баракалла, Отис хоним, — деди О'Келли. — Мабодо бу шубҳа тасдиқланса, вазият жиддий тус олади. Ҳатто ҳаётинглар хавф остида қолиши мумкин. Чунки Венада фитнаю таъқиблар ҳануз авжида. Эҳтиёт бўлинглар.

## 11. САЁҲАТ ДАВОМ ЭТАДИ

Дуврга борадиган дилижон ёнида Жэсон билан Деборани Михаэль О'Келли кутиб турарди. Хайрлашув олдидан у буларга Моцартнинг таржимаи ҳолини тақдим этди.

— Бу китобга ишонса бўладими? — сўради Жэсон.

— Юз фоиз эмас, — деди О'Келли. — Баъзи далиллар нотўғри, муаллиф бегона гувоҳларнинг сўзларига ориқ даражада маҳлиё бўлиб қолган. Лекин Моцартнинг дўстлари, унинг беваси, қайнсингилларидан олинган анча-мунча маълумотлар ҳам бор. Композиторнинг ҳаёти тўғрисида тасаввур ҳосил қилишнинг шубҳасиз. Муаллиф менга ҳам мурожаат этган эди, ўзим китоб ёзаётганим сабабли энг муҳим далилларни унга бермаганман. Инглиз тилида Моцартга доир ҳали ҳеч нарса ёзилмаган, лекин сизларга билганларимнинг барини гапириб бердим.

Дилижон ўрнидан кўзгалди, аммо от туёқларининг тақир-туқури орасидан О'Келлининг нима деб қичқирганини англаб бўлмади, ҳар ҳолда қариянинг чехраси ташвишли эди. Дебора атрофини қуршаган туманга назар таш-

ларкан, Лондон атиги йўлнинг бошланиши экани, олдинда буларни яна нималар кутаётгани ҳақида ўйларди.

Диличон Дуврга бора-боргунча ўнқир-чўнқир йўлда силкиनावериб, силлани куригди. Жэсон таржимаи ҳолни ўқимоқчи эди, иложи бўлмади. Кўрфаздан ўтаётганларида эса денгизда пўртана бошланиб, икковларини ҳам ҳолдан тойдирди. Кичкина кема тўлқин кифтида писта пўчоғидай қалқир, қайнаб-тошаётган қорамтир сув ҳадемай ўз қаърига тортиб кетадигандай туюларди. Жэсон сузишни билмагани учун кема сатҳига қадам босиш у ёқда турсин, ҳатто каюгадан бош чиқазишга ҳам кўрқарди. Калегга етиб келганларидан сўнг Жэсон қайтиб сув йўлидан фойдаланмасликка аҳд қилди.

Меҳмонхонага жойлашишгач, у таржимаи ҳолни ўқишга киришди ва Моцартнинг онаси Парижда вафот этгани, авлиё Евстахий черкови ёнидаги қабристонга дафн этилганини билиб олди.

Черковни тошгунча роса қийналишди. Авлиё Евстахий ниҳоятда бефайз, улкан тош гумбазидан иборат бино экан. Черков атрофи ифлос, устунлар кўп йиллик чангдан қорайиб кетган. Бино деворларига қараб бўлмайди. Ерга тўшалган мрамрлардан ҳам, шифтдан ҳам, аллақачон кўкариб чиққан жангчиларнинг баҳайбат қабр тошларидан ҳам — ҳаммаёқдан совуқ ел уфураётганга ўхшайди. Дераза ойналаридан нур ўтмайди, черковни безаб турган фаришталар сурати буткул ис билан қопланган.

Жэсон чиқиб кетмоқчи бўлиб турган эди, Дебора аллақасдан мункилланган руҳонийни бошлаб келди. Ҳазрат Пьернинг шарти кетиб, парти қолган, қўллари тинимсиз қалтирар, шундай бўлса-да, нуқул Банопарт байроғи остида жанг қилгани билан мақтанарди.

Дебора унга Америкадан келганликларини айтиб, икки франк тутқазди. Ҳазрат Пьерга жон кирди, шу заҳоти уларни кичкина бир хонага бошлаб кирди-да, жавондан чанг босган қалин китобни олди.

— Бизга маълум бўлишича, Моцарт хоним 1778 йилнинг июлида вафот этган, — деди Дебора. Ҳазрат Пьер китобни очди.

— Қабристонга машҳур генераллар ва композитор Рамо дафн этилган, лекин умр бўйи шу черковнинг тупроғини ялаб келаётган бўлсам ҳам, Моцарт деган исми эслолмаяпман, — деб гўлдиради руҳоний.

Китоб саҳифалари тўкилиб кетай дерди. Жэсон иккиланиб қолди: ё ўша саҳифа йўқолган, ё булар бошқа черковга келиб қолишган, ёки котиб Моцарт хонимнинг исмини қайд этишни унутган.

Кетишга энди чоғланганларида Дебора хитоб қилиб қолди:

— Шошма! Мана бу ерда битта ёзув ўчиб кетай депти. Ўқишга уриниб кўраман.

Биратўла таржима қилиб, ўқий бошлади:

“1778 йил 4 июль, Анна Мария Пертль Моцарт, 57 ёшда, Зальцбург шаҳрининг капельмейстери Леопольд Моцартнинг рафиқаси, кеча Гро Шенэ кўчасида қазо қилган, ўғли Вольфганг Амадей Моцарт ҳамда оиланинг дўсти, Қироллик енгил кавалериясининг чолгучиси Франсуа Эйн гувоҳлигида мана шу қабристонга дафн этилди.

Имзо: Моцарт. Ф. Эйн. Ириссон, черков руҳонийси”.

— Моцарт хонимнинг қабри қайсилитини кўрсатиб бероласизми? — сўради Дебора ҳазрат Пьердан.

— Вой, қизим-эй, ўшандан буён қанча одам қўйилди-ю бу ерга. Ундан ташқари, қабристоннинг бир қисми инқилоб пайтида ағдар-тўнтар бўлиб кетган.

Кейинги кунлари Жэсон таржимаи ҳол мутолааси билан машғул бўлди. Нотаниш сўз ёки иборага дуч келганида Дебора инглизчага ағдариб турарди. Китобда Моцартнинг қасддан ўлдирилганига бирор ишора учрамади. Композитор болаглида кечирган касалликлар ҳам ўлимни тезлаштирган бўлиши мумкин-ку, ўйлай бошлади Жэсон.

Етти яшар Моцартнинг биринчи марта Парижга келишига бағишланган бобни ўқиётганларида Дебора шундай деб қолди:

— Ёшлигида у қандай дардларга чалинганини ҳам унутмаслигинг керак.

Моцарт кўп саёҳат қилган. Йўл азоби — гўр азоби, дейдилар. Бошимиздан ўтиб турибди-ку. Норасида болага осон бўлмагандир ҳарҳолда. Балки ўзига бирор касалликни юқтиргану шу бўйи қайтиб ўнланмагандир.

Жэсон деразага қаради: Париж худди Моцарт пайтидагидай яна қироллик шаҳрига айланган, аммо бу ерда ҳеч ким композиторни эсламасди. Французларни фақат Наполеон қизиқтирар, улар Банопартнинг голибона юришлари ҳақида гапиришни яхши кўришарди. Моцарт куйлари Парижда энди янграмасди. Глюк, Бетховен асарлари ижро этиларди, холос. Жэсон минг бош қотиргани билан бунга изоҳ тополмасди.

— Парижда кўп туриб қолдик, — деди у Деборага. — Оттонинг маслаҳатига амал қилиб, тезроқ Венага жўнаш керак.

Венага етгунча улар гоҳ извошда, гоҳ дилижонда юришди, аммо ҳар қанча яқин бўлмасин, сув йўлини орзу қилишмади.

Жэсон босиб ўтиладиган манзилларни батафсил белгилаб чиқди. Бу режага Моцарт қадам босган барча шаҳарлар кирарди: Тирлемон, Льеж, Ахен, Кёльн, Бонн, Кобленц, Франкфурт, Мангейм, Гейделберг, Шветцинген, Брухзаль, Людвигбург, Ульм, Аутсбург, Мюнхен ва ниҳоят, Вена, Деборани олдинда кутиб турган қийинчиликлар чўчитарди, аммо бунга эрига сездирмасликка ҳаракат қилди, аксинча, унга ёрдам бериш пайидан бўлди: харитани ўрганиб чиқди, ҳар турли йўлкўрсаткичларни, зарурат туғилганда, бошқаларнинг гап-сўзларини Жэсонга таржима қилиб турди. Францияни ортда қолдириб, Германияга кириб боришди. Аммо йўллар ўша-ўша эди: иссиқ пайтда тош-метинга айланиб, ўйдим-чуқур жойларда извош ичакни узгудай қаттиқ силкинар, ёмғир ёғганда билчилаб, базўр олға силжишарди. Извошчи йўқотилган вақтнинг ўрнини қоплаш мақсадида отларни аёвсиз саваларди. Бир неча марта йўл четдаги ариқча тушиб кета ёзишди, извош ағдарилиб кетишига ҳам сал қолди.

Аммо Жэсон белгиланган режасидан чекинмади.

Дуч келган ҳовлида, заранг ерда тунашга тўғри келди, Дебора адёл ёки чойшаб сўраса, хонадон эгалари таажжубланиб, елка қисишарди. Ис тегишидан кўрқиб, печкалар ёқилмасди; паиша, бит, суварак ва сичқонлар гузгон ўйнардди; ҳовли тўла ахлат ва нажас. Овқатни оғизга олиб бўлмайди. Саёҳат пайтида Моцартнинг тез-тез касал бўлганига Дебора энди шубҳаланмай қўйди.

Мангеймга етиб келгач, энг яхши ва энг қиммат меҳмонхонадан жой олишди: икковларининг ҳам тинка-мадорлари қуриганди. Жэсон Мангеймда бир неча кун қолиб, Моцарт мусиқаларини тингламоқчи эди. Аммо бу ерда унинг асарлари ижро этилмас экан.

Эртаси куни, йўл азобини енгиллатиш ниятида, тузукроқ извош сотиб олишга аҳд қилишди.

Ўртада даллол бўлиб турган меҳмонхона хўжайини Карл Линдер бир извошни кўрсатди. Извош чиройли ва мустаҳкам эди. Ичига тўрт йўловчи бемалол сиғади. Деразалари ёғин-сочиндан асрайди. Эшиklarини давлат тамгалари безаб турипти.

— Бундан зўрини тополмайсиз, — деди Карл Линдер. — Ҳузур қилиб кетасизлар, бу извош ҳали Венада ҳам асқотади.

Дебора извошни айланиб томоша қилди, Жэсон эса отларнинг пешонасини силаб турган ёшгина йигитга разм соларкан, олдинда яна қанча машаққатлар борлиги ҳақида ўйларди.

Меҳмонхона хўжайини ҳалиги йигитни извошчиликка тавсия этди.

— Ганс Денке асли шу ерлик. Лекин Венага кўчиб ўтмоқчи. Узоқ йўл, гаплашиб кетасизлар, — деди Линдер. — Бунинг устига, Ганс инглиз тилини яхши билади.

— Бир инглиз зодагоннинг қўлида ишлаганман, — изоҳ берди йигит. — Отларига қарардим. Ўқиш-ёзишни биламан.

— Мактабда ўқиганмисан?

— Йўқ, Отис хоним, отам ўргатган. У инглиз тилида ҳам, француз тилида ҳам бемалол гаплашарди.

— Нима иш қиларди отанг?

— У ўша зодагоннинг кўлида боғбон эди. Оламдан ўтган. Бу ерда ҳеч кимим қолмади.

— Венада-чи?

— Венада амаким, амакиваччаларим, опаларим бор.

Ганс ўрта бўйли, қорачадан келган, кўйкўз йиғит эди. Сочи чиройли олинган, билаклари бақувват.

Деборанинг унга ишонқирамай турганини сезиб, Ганс кўшиб кўйди:

— Отларнинг тилини биламан. Тақачилик ҳам қилпанман-да.

— Зўр экансан-ку!

— Кўлимдан ҳамма иш келади, хоним.

— Балки мусиқа ҳам чаларсан? — деди кулиб Дебора.

— Скрипкани сал-пал чаламан.

— Моцарт ким бўлган, биласанми? — сўради Жэсон.

— Ҳа, жаноб Отис.

— Мусиқалари сенга ёқадими?

— Албатта-да, нега ёқмас экан?

Жэсон мамнун бўлди, Дебора эса ҳамон иккиланарди. Бу бола Моцарт тўғрисида энтикиб гапиряпти, қолаверса, уларга ёқишга тиришяпти. Бир балоиси йўқмикан ишқилиб?

— Моцартни қаёқдан биласан? Отангдан эшитганмисан?

— Ҳа, Отис хоним. Мусиқаларини ҳам кўп тинглаганман.

— Зўр отбоқар экансан-ку!

— Тирикчилиكنинг айби йўқ, хоним.

— Хизмат ҳақиға қанча сўрайсан? — деди Жэсон.

— Еб-ичишим, ётиб-туришим сизнинг бўйингизда, бундан ташқари кунига тўрт гульдендан берасиз. Ҳали Венада ҳам керак бўп қолишим мумкин. Немисчани яхши биламан. Ишонмасангиз, хўжайиндан сўранг.

— У сизларга тилмочлик қилади, — деди меҳмонхона хўжайини.

Эртасига эрталаб барвақт йўлга тушишди. Дебора билан Жэсон ёлғиз қолганларидан хурсанд эдилар: дилижондаги ур-йиқит ва бегона ҳамроҳларидан халос бўлишганди. Икки ҳафтадан кейин Венага етиб олишди.

Дастлабки кунлари ҳаво яхши бўлди. Улар Гейделберг, Брухзаль, Людвигсбург ва Лутсбургдан омон-эсон ўтиб, Мюнхенга кириб боришди. Аммо Мюнхендан Зальцбургга қараб йўлга чиққанларида осмонни булут қоплади, тева-рак-атрофда жон сақлайдиган бонпана йўқ эди. Извош тоғ доvonига ўрлай бошлаганда ёмғир куйиб берди. Совуқ тушиб, ёмғир қорга айланди. Шом қоронгисиди Вассербург деган шаҳарчага етиб келишди. Булар тушган мусофирхона аянчли бўлса-да, Дебора бошпана топилганига суянди.

Эртаси кунни Зальцбургга етай деб қолганларида яна ёмғир бошлади. Шаҳарларнинг энг гўзали бўлмиш Зальцбург сув пардаси ортита беркинди. Ёмғир извош томини савалар, Моцарт туғилган уйга кириб ўтишни хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Меҳмонхона совуқ эди, дийдираб тонг оттиришди. Эртасига ҳам осмон ёришмаганини кўрган Жэсон ҳаялламай йўлга чиқишга аҳд қилди. Бўрон кечгача тинмади. Қор аралаш ёмғир кўзни очирмас, извош тошбақадай ўрмалар, аммо Ганс бу ёғи оз қолди, деб эр-хотинга далда берарди.

Тўртинчи кунни кечқурун Линца кириб боришди, ёмғирнинг шашти бир оз пасайди. Бу гал тузукроқ меҳмонхона топишга муваффақ бўлишди, овқатланиб ўтирганларида Жэсон Деборанинг кўнглини кўтарди:

— Сабр қил, Венага етиб олсак, йўл азоби эсдан чиқиб кетади.

— Меҳмонхона эгаси Дунай орқали баржада боришни маслаҳат берган эди. Йўл қисқаради, деганди.

— Яна сувми? Извошни нима қиламиз?

— Сотворамиз.

— Ганс-чи? Венагача бирга борамиз деб, ваъда берганмиз.

— Венага яқин қолди-ку. Ўзи кетаверади.

— Йўқ, — деди Жэсон. — Извош Венада ҳам бизга керак бўлади.

Эрталаб қуёш чарақлаб турган эди, бир соат ўтмай, ҳаво яна айниди. Жэсон извош деразасидан бошини чиқазиб, дарров тортиб олди.

— Ҳозир дўл ёғади.

Ганс манзила тезроқ етиш мақсадида отларни тинимсиз қамчиларди. Хайрият, дўл ёғмади, қора булутлар қандай тез бостириб келган бўлса, шундай тез ғойиб бўлди. Зум ўтмай, олам яна нурга тўлди.

Орадан бир неча кун ўтгач, улар Вена чегарасида, Бельведер саройи ёнидаги тепалик устида туришарди. Бу ердан шаҳар кафтдагидай кўзга ташланарди: эски қалъа девори билан ўралган қизғиш томли тирбанд бинолар. Вена Дебора кутандан кўра мўъжазроқ, аммо беҳад гўзал эди. Олисида тоғ тизмалари, уларнинг пойида қасрлар, черковлар ва муҳташам бинолар. Ҳаво беғубор, шаҳар тепасидаги осмон мовий чойшабни эслатади. Тип-тиниқ уфқ ҳошиясини фақат авлиё Стефан ибодатхонаси ва яна бир нечта черковларнинг минораларигина кесиб ўтган.

— Ажойиб манзара! — хитоб қилди Жэсон Деборанинг елкасига қўлини ташлаб. — Бу шаҳарда Моцартни биладиган юзлаб одамлар яшайди.

— Ҳа, Вена бениҳоя сўлим! — деди Дебора. — Ганс, шаҳар дарвозасигача яна кўп юрамизми?

— Бир неча минутлик йўл, холос, Отис хоним. Шаҳарга жойлашганингиздан сўнг хизматимга тагин зарурат туғилиб қолар?

— Кўрамиз, — совуққина жавоб берди Жэсон.

Йўл машаққати ортда қолган, Жэсон ўзида йўқ шод эди.

— Роса чарчадинг, — деди у Деборага. — Чеккан азиятларимиз эвазига тақдир бизни сийлайди. Бугун Моцартнинг меҳмони бўламиз.

## 12. ТЕКШИРУВ

Шаҳар дарвозаси олдида соқчилар шу қадар кўп эдики, Жэсонга гўё булар жиддий кўриқланадиган қалъага кириб бораётгандай туюлди. Бу манзара уни таажжубга солди. Мана, ўн йилдирки, Вена уруш нималигини билмайди, Габсбургларнинг ашаддий душмани саналмиш Наполеоннинг ўлганига эса қарийб уч йил бўлди. Шунга қарамай, қаёққа алангласин, соқчиларга кўзи тушади. Бир аскарнинг ишорасига кўра Ганс извошни тўхтатди, аммо аскар йўл четига чиқишни буюрди. Ганс имиллайвергач, ҳалигининг ўзи отларнинг юганидан тортиб, извошни бир четга чиқариб қўйди. Ҳаял ўтмай, дарвозадан императорнинг салобатли извоши куюндай отилиб чиқди. Соқчи енгил тин олди, Жэсон эса император йўлини бўшатмаганларида ўлиб кетишлари мумкинлигини дилидан ўтказди.

Ниҳоят уларга божхона кўригидан ўтиш учун навбатта туришни буюришди. Ҳали-вери навбат келмаслигини англаб, Жэсоннинг юраги сиқилди. Шу пайтгача уларни ҳеч ким тўхтатмаган эди, бу ерда эса ҳар битта ҳужжат ва қоғозни синчиклаб текшириб ётишипти. Божхона ҳовлиси савдогарлар, диндорлар, деҳқонлар, кўйинг-чи, турли-туман муҳожирларнинг извошларига тўлиб кетган. Атрофда изғиб юрган аскар ва амалдорлар Деборанинг кўнглига гулгула соларди. Демак, Вена кўпам осойишта шаҳар эмас экан-да?

Жэсон извош деразасидан бошини чиқазиб, аллақандай ғариб куйни ўз ҳолича палапартиш чалиб юрган дайди машшоқларни кўрди-ю, баттар авзойи бузилди. Австрия ҳудудига қадам босганларидан буён бирор марта ҳам Моцарт мусиқалари кулоғига чалинмади.

Ахири бадқовоқ бир божхона ходими буларнинг олдига келди. Извош эшикларидоғи тамғани кўриб, полиция зобитини чақирди.

— Манови извошни кўринг. Уғирланганмасмикин!

— Оғзингизга қараб гапиринг! — деди Дебора газаби қайнаб.

— Э, инглизмисизлар? — сўради божхона ходими.

— Америкаликмиз!

— Дворянлик тамғаси босилган извош америкаликларда нима қилади?

— Сотволганмиз.

Божхона ходими полиция зобитига юзланди:

— Нимани назарда тутганимни тушунгандирсиз, жаноб Жакнель?

Жакнель пак-пакана, чўтир, олдинги тишлари яккам-дуккам бир одам эди.

— Бизда васиқа бор! — деди Дебора.

Жэсон васиқани қидиришга тушди. Зобит уларнинг паспортларини олиб қўйди, очиб қарамади ҳам. Дебора Жэсоннинг муҳим ҳужжатларни китоб орасига яширишини эслаб, Лондон ва Парижда харид қилинган китобларни ва-рақдай бошлади, васиқани Бомарше тўплами ичидан топди. Божхона ходими китобни қўлига олди-ю:

— Юкларингизни текширишга тўғри келади, — деди.

Полиция зобити ўрнига шеригини қолдириб, ўзи бошқа извош томонга қараб кетди. Жаноб Швейн Шекспирнинг “Юлий Цезарь”ини кўриб қолгач, бошлиғи жаноб Путтлинни чақирди.

Швейн извош ичини ағдар-тўнтар қилиб, бошқа китобларни ҳам бошлиғига узатди. Булар Руссо ва Мольернинг асарлари эди. Барча китоблар мусодара қилинди. Жэсоннинг жон-пони чиқиб кетди. Нега Отто Мюллер уларни огоҳлантирмади? Дарвоқе, у қаёқдан ҳам билсин, Венадан кетганига қанча йиллар бўлган-ку! Жэсон китобларни қайтариб беришларини талаб қилди, аммо полициячи талабни рад этди.

— Бу француз китоблари исёнкорлик руҳи билан суғорилган, бинобарин, тақиқланган, — деди Путтлин.

— Наҳотки Мольер билан Шекспир инқилобчи бўлишса? — таажжубланди Жэсон.

— Уларнинг ғоялари нобоп, — бўш келмади Путтлин. — Бўлди, баҳслашмайлик. Шундоқ ҳам анча вақтим кетди. Сизларни Венага киритмаслик учун шу китобларнинг ўзи кифоя.

Жэсон ҳангу манг бўлиб қолди.

— Паспортларимиз жойидами? — сўради сўнг тушкун бир аҳволда.

— Буни полиция ҳал қилади.

— Вена банкида анча-мунча пулимиз бор, — деди Дебора.

— Қайси банкда?

— Антон Гроб банкида. Дўстларимиз ҳам бир талай.

— Кимлар?

Дебора Эрнест Мюллернинг номини айтиб юборишга сал қолди. Жэсон унга вақтида ишора қилишга улгурди.

— Билсак бўладими, дўстларингиз кимлар?

— Бунақа савол беришга нима ҳаққингиз бор?

— Ҳозир ички хавфсизлик хизмати ходимини чақираман! — ўдағайлади Швейн.

Ўзининг император хизматида эканини ҳамда полициядан ҳам, армиядан ҳам юқори туришини таъкидлаш мақсадида Губер икки енги ва ёқаларига Габсбурглар нишонини қадаб олган эди. Ўрта ёшлардаги бу суд терговчиси фақат империя канцлери князь Меттернихга бўйсунарди. Ияги туртиб чиққан, турки совуқ, кўзлари ифодасиз Губер инглиз, француз ва немис тилларини баб-баравар биларди. У текширув натижаларини бамайлихотир эшитди, кейин америкаликларнинг паспортига нигоҳ ташлаб, уларга инглизчалаб мурожаат қилди:

— Ёнингизда Бонапарт ҳақидаги китоблар ҳам борми, жаноб Отис?

— Йўқ.

— Ростини айтинг, — огоҳлантирди уни Жакнель. — Бари бир топиб оламиз.

— Йўқ дедим-ку. Наполеон тўғрисидаги китобларни нима қиламан?

— Наполеон ўлганидан кейин жафокаш инсон сифатида тилга олинадиган бўлиб қолди, — деди Губер. — Айниқса ёшлар орасида унга сажда қиладиганлар кўп. Сиз эса Наполеон ихлос қўйган муаллифлардан бўлмиш Бомаршенинг китобини кўтариб юрибсиз.

— Мен америкаликман, Наполеон мени қизиқтирмайди.

— Аммо-лекин Габсбурглар империясида тақиқланган “Фигаронинг уйланиши” пьесасини ўқийсиз.

— Операси тақиқланмаган.

— Хато иш бўлган. Хўп, Наполеон сизни қизиқтирмас экан, унда нима қизиқтиради сизни?

— Мен мусиқага қизиқаман. Венага мусиқа ўргангани келдим.



— Олис Америкадан-а? — сўради ишонқирамай Губер.  
 — Вена — Глюк, Гайдн, Сальери, Моцарт, Шуберт ва Бетховен каби буюк композиторларнинг ватани.  
 — Тўғри. Лекин асл мақсадингизни айтмаяпсиз?  
 — Мусиқани яхши кўраман, дедим-ку.  
 — Ҳокимиятни алдаганингиз учун сизни ҳибсга олишлари мумкин! — орага суқилди Жакнель.

Жэсон Деборага довдираб қаради.

— Эрим Венага Бетховен билан учрашиш учун келган, — тушунтирди Дебора. — Унда иши бор.

— Қанақа иш? Сиёсий ишми? Бетховен республикача қарашлари билан машхур.

— Йўқ, йўқ. Бостондаги Гендель ва Гайдн жамияти эримга Бетховенга оратория буюришни топширган.

Жэсон қўнтагидан Жамиятнинг мактубини чиқазиб, Губерга узатди.

— Бостондаги Жамиятингизга яна қанақа хизматлар кўрсатасиз? — сўради Губер хатни ўқиб чиққач.

— Мусиқалар ёзиб бераман. Қуйларимни Америка черковларида ижро этишади.

Губер Жэсоннинг юзига узоқ тикилди. Туппа-тузук йигитга ўхшайди, лекин анувнақа бемаъни китобларни нима мақсадда кўтариб юрипти? Бир балоси бор. Аммо унга панд беролмайди. Ҳар қанча муғамбирлик қилмасин, бари бир қопқонга илинади.

— Бетховеннинг мухлиси бўлсангиз керак, албатта? — сўради Дебора.

— Мухлиси? — Губер афгини буришгирди. — Бетховен сиёсий жиҳатдан ишончсиз одам. Аммо саройда нуфузли дўстлари бор, императорнинг укаси эрцгерцог Рудольф уни ҳар доим ҳимоя қилади. — Губер боядан бери ҳайкалдай қотиб турган ходимларига мурожаат қилди: — Буларнинг юклари текширилганми?

— Ҳа, жаноб Губер, — жавоб берди улардан бири.

— Бошқа ҳеч нарса топилмадими?

— Йўқ, жаноб Губер, — деди Жакнель.

— Қайтадан текширинглар, — буюрди Губер. — Шошмасдан текширинглар!

Бениҳоя таҳқирланган Жэсон билан Дебора миқ этмай туришарди. Аскарлар яна ҳаммаёқни титкилаб чиқишди, аммо ҳеч нарса топилмади, шунга қарамай, Губер узр сўрашни хаёлига ҳам келтирмади.

— Венага киришга рухсат берасизми? — сўради Жэсон.

— Қарда яшамоқчисизлар?

— Шаҳар марказидаги бирорта меҳмонхонада.

— Эм Гоф майдонидаги “Оқ буқа” меҳмонхонасини тавсия этаман.

— Нима учун?

— Биринчидан, яхши меҳмонхона, иккинчидан, полиция бошқармасига яқин.

— Паспортларимиз-чи? Қайтариб берасизми?

— Ҳозир эмас. Доим Венада бўласизлар-ку.

— Агар бирор жойга, масалан, Италиягами ёки қайтиб Мангеймгами бормоқчи бўлсак-чи?

— Унда қўшқўлаб тутқизаман.

Жэсоннинг боши қотиб қолди. Орзу қила-қила Венага аранг етиб келганида орқага чекинадими? Йўқ, ўлса ҳам бундай қилмайди.

— Маслаҳатингизни инobatта олиб, ўша меҳмонхонага жойлашсак-чи?

— Эртагача муваққат рухсатнома бераман. Эртага эса Грабендаги полиция бошқармасига келасизлар. Саволларимизнинг барчасига тўлиқ жавоб ололсак, паспортларингизни қайтариб берамиз. Шунда ҳам вақти-вақти билан маҳкамага учрашиб турасизлар.

Жэсон меҳмонхонанинг адреси билан омонат рухсатномани олсаммикин-олмасаммикин, дея ўйланиб турганида, Дебора, қанийди бир думалаб Бостонга бориб қолсам, деб орзу қиларди. У шу тобнинг ўзидаёқ қайтиб кетишга

рози эди-ю, аммо ҳозир Жэсонни қўлаб-қувватламаса, ундан бир умрга жудо бўлишини биларди.

— Меҳмонхона учун раҳмат, — деди Жэсон Губернинг қўлидан манзил ёзилган қоғоз билан рухсатномани оларкан. Эндигина извошга ўтираман деб турганида Губер уни тўхтатди.

— Извошчини нима қиламиз? У ҳар доим сизлар билан бирга бўладими? Хужжатига қараганда, мангеймлик экан.

— Уни Венагача ёллаганмиз, — деди Дебора.

— Агар сизларнинг хизматингизда қолса, извошчига ҳам жавоб берасизлар. Билиб қўйинглар, полиция бошқармасида уни ҳам суриштиришсади.

— Огоҳлантирганингиз учун ташаккур! — деди Жэсон. — Жилсак бўладими?

— Оқ йўл! Эртага эрталаб полиция бошқармасида кутаман.

Эм Гоф майдонидаги “Оқ буқа” меҳмонхонаси уларга маъқул бўлди. Меҳмонхона эгаси олти яшар Моцарт Венага биринчи марта келганида шу ерда турганини айтиб, мақтанди. Полиция бошқармаси бу ердан узоқ эмас эди.

Эрталаб ҳаво мусаффо, офтоб чарақлаб турган бўлса ҳам Жэсоннинг кўнгли хира эди. Шаҳар дарвозаси олдида кечган машашани у ҳамон унутолмасди. Тингув ва сўроқ ҳафсаласини шу қадар пир қилган эдики, бир маҳаллар Моцарт кўноқ бўлган меҳмонхонага жойлашганидан ҳозир қалбида зигирча ҳам фахр ҳиссини туймасди.

Извош Моцартнинг қалами теккан кўчалардан ўтиб бораркан, Жэсон тупроғини кўзига суришни орзу қилган шаҳар кўркидан завқланиш ўрнига бўлажак сўроқ ҳақида ўйларди.

Полиция бошқармаси деразаларига темир панжара ўрнатилган кулранг бинога жойлашганди. Жэсон Гансни кўчада қолдириб, Дебора билан бирга соқчи орқасидан эргашди. Нимқоронғи, ҳавоси бузуқ қабулхонадаги узун тахта курсиларда одам тирбанд бўлиб, уларнинг аксарияти Венага иш қидириб келган кимсалар эди.

— Узоқ кутамизми? — сўради Дебора соқчидан.

— Кечгача, балки эртагача. Баъзилар бир ҳафта ҳам кутишади.

— Бизга учрашув тайин қилинган.

Соқчи истеҳзоли жилайди.

Дебора унга икки гульден қистириб, шахсан Губернинг ўзи кутаётганини айтганидан сўнг, у буларни яна эргаштириб кетди.

Бефайз қабулхонадан сўнг Губернинг кабинетига кирган Жэсоннинг оғзи очилиб қолди. Деразаларга қип-қизил духоба парда осилган, оёқ остида юмшоқ гилам, чети зарҳал стуллар, Губернинг ўзи савлат тўкиб, тўрдаги мрамор стол ортида ўтирипти. Эғнида кулранг белбурма камзул, бўйнида чўғдай галстук.

Жэсон савол-жавобни кутиб ўтирмай, мақсадга ўтди:

— Жаноб Губер, кеча паспортларимизни қайтариб беришни ваъда қилган эдингиз?

— Ёлғон, кеча бугун эрталаб бошқармага келиб, саволларимизга жавоб беришни тайинлаганман. Ҳозирча бизнинг давлатимиз ҳудудида экансизлар, белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этишга мажбурсизлар.

— Қандай саволларингиз бор, жаноб Губер? — сўради Жэсон ўзини аранг босиб.

— Антон Гробнинг айтишича, сизда ишончли тавсиянома бор, қайнотангиз Бостоннинг нуфузли банкирларидан бири. У сизларнинг номингизга минг гульден пул жўнатган. Бу пулдан қандай мақсадларда фойдаланмоқчисизлар?

— Бу бизнинг шахсий ишимиз, — деди Дебора жаҳл билан.

— Саволимга жавоб беринг!

— Сизга алоқаси йўқ бунди.

— Отис хоним, Венадаги барча тирик жоннинг бизга алоқаси бор. Шаҳарда қанча муддат турмоқчисизлар?

— Ишимиз битпунча. Эрим Бетховен билан учрашиши керак.

— Бизга аниқ муддатни айтинг?

— Менга уч ойча вақт керак, жаноб Губер, — деди Жэсон.

- Бу вақтни қаерда ўтказмоқчисизлар?
- Венада.
- Фақат Венадами?
- Балки Зальцбургга борармиз.
- Нима учун?
- Чиройли шаҳар, дейишади.
- Бунинг устига, у ерда Моцарт туғилган, — писанда қилди Губер.
- Жэсон, менга бунинг аҳамияти йўқ, демоқчи эди-ю, Губер ўзгирлик қилди:
- Моцартга ихлосингиз баланд-ку, тўғрими? Гроб шубҳаларимни тасдиқлади, холос. Қайнотангиз банкирга ёзиб юборипти. Тушунимизча, жаноб Пикеринг мусиқа билан шуғулланишингизни маъқулламайди. Сизни Моцартнинг фақат мусиқалари қизиқтиради, шундайми?
- Айтдим-ку, жаноб Губер, мен композиторман. Бу ерда мусиқий маълумотимни ошириш имконияти бор.
- Бари бир Зальцбургга бориш учун махсус рухсатнома керак.
- Губер гуноҳ иш қилиб қўйган ўқувчини тергаётган муаллимдай, буларнинг қаерда ва қачон туғилгани, Америкада нима иш билан машғул эканликларини сўраб-суришгирди. Кейин:
- Австрия империясида қариндошларингиз борми? — деб сўради.
- Жэсон қариндошлари йўқлигини, лекин Бетховен, Гайдн, Моцартларнинг дўстлари билан танишиш ниятида эканини айтди.
- Сўроқ тугаганидан умид боғлаб турганларида Губер тўсатдан гапни бошқа ёққа буриб юборди:
- Талабамасмисиз?
- Йўқ. Лекин мени Бетховен ижодини ўрганаётган талаба деб ҳисоблайверишингиз мумкин.
- Бу ердаги университетга ўқишга кириш ниятингиз йўқми?
- Йўқ. Нима кераги бор менга?
- Лекин Гайдельбергга тўхтабсиз-ку?
- Тўғри. Гейдельберг йўл устида-да.
- Талабалар билан учрашмадингизми? Барча тартибсизликларнинг сабабчиси — университет талабалари, — деди Губер. — Айниқса, немис князликлари билан Гейдельбергда. Улардан узоқроқ юринглар.
- Хўп бўлади, жаноб Губер, — деди Дебора.
- Паспортларимизни энди қайтариб берса керак, деб туришган эди, аммо Губер уларга муваққат гувоҳномаларни узатди. Гувоҳномаларда: “Муддати 1825 йилнинг 1 январигача”, деган ёзув бор эди.
- Уч ойга. Агар узоқроқ турадиган бўлсанглр, яна менга учрашингиз керак.
- Лекин кеча... — деди Дебора.
- Агар ҳамма саволларга қаноатланарли жавоб берсангиз, паспортларингизни қайтариб бераман, дегандим. Лекин бундай бўлмади. Қолаверса, сизлардан тақиқланган китоблар топилди.
- Тақиқланганини билмаганмиз, — деди Жэсон.
- Бу далил эмас. Сизларни фақат ана шу китоблар учун ҳам ҳибсга олса бўлади. Мана, демократиянинг ҳалокатли оқибати. Венада яшаркансизлар, полицияга ҳисоб бериб туришингиз шарт. Энди ҳар бир рухсатнома учун йигирма гульдендан тўлашингиз лозим. Дарвоқе, извошчи нима бўлади?
- Биз билан қолса майлими?
- У ҳолда извошчи учун ҳам тўлашингизга тўғри келади.
- Жэсон индамай пулни тўлади.
- Қалай, меҳмонхонада Моцартнинг арвоҳига дуч келдингизми?
- Мен арвоҳга ишонмайман.
- Мабодо бошқа жойга кўчсангиз, бизга маълум қилиб қўйинг.
- Паспортларимизни қачон оламиз?
- Венадан чиқиб кетаётган пайтингизда.
- Жэсон бу одам билан баҳслашиш бефойда эканлигини тушунди.

Меҳмонхонага қайтач, Жэсон Гансни Антон Гробнинг ҳузурига жўнатиб, буларни қачон қабул қила олишини билиб келишни буюрди, банкир ҳам шу

заҳоти жавоб йўлади: Дебора билан Жэсонни эртага кечкурун уйида кутади. Жэсон вақтни беҳуда ўтказмаслик мақсадида олги ёшли Моцарт куй ижро этган Коллальто қасрини кўздан кечиришга аҳд қилди. Қаср Эм Гоф майдонининг нариги томонида бўлиб, меҳмонхона деразасидан кўришиб турарди.

Жэсон қаср олдида тўхтаб, деразалари сон-саноксиз беш қаватли баҳайбат бинога назар ташлади. Эшикни хизматкор очди.

— Бошқарувчини кўрсам бўладими? — сўради Жэсон. — Америкадан Моцарт ижодини ўрганиш учун келганман.

Хизматкор индамай бош ирғаб, изига қайтди. Салдан кейин буларнинг олдида баланд бўйли, озгин бир қария чиқди. У ўзини жаноб олийлари граф Коллальтоннинг иш бошқарувчиси Христоф Фукс деб танишгирди.

— Моцарт болалигида шу қасрда концерт бергани ростми? — сўради Жэсон.

— Ропша-рост. — Бошқарувчи тетикланиб, рўпарасида турган йигитга эҳтиром билан тикилди. — Куй чалганини ўз қулоғим билан эшитганман.

— Ахир бунга олгмиш йилдан ошди-ку! — Дебора ҳайратини яширолмади.

— Ўша кунни ҳануз унутолмайман. Йигирма ёшда эдим. У пайтда бу ерда отам бошқарувчилик қиларди. Бунақа мўъжизани умримда кўрмаганман. Моцарт чиндан ҳам мўъжиза бола эди.

— Кейин-чи? Моцартга яна дуч келдингизми?

— Эҳ-ҳе, дуч келиш ҳам гапми! Орадан кўп йиллар ўтгач, ўлимидан сал илгарироқ, Вольфганг бу ердан сал нарида, Юденграссе кўчасида истиқомат қила бошлади. Бу пайтга келиб, у барча бадавлат ҳомийларидан жудо бўлган эди. Бир куни, ўлимидан бир йилми, икки йилми бурун, уни ёнимиздаги черков эшиги олдида кўрдим, черковда Моцартнинг ибодат куйи ижро этиларди. Хўжайиним граф Коллальто гўё уни танимайдигандай, ёнидан индамай ўтиб кетди. Лол бўлиб қолдим.

— Ўзингиз-чи? У билан гаплашдингизми?

— Графнинг қораси ўчганидан кейин.

— Моцарт сиз билан суҳбатлашдингизми?

— Вой, хоним-ей, биз кўпинча битта қовоқхонада овқатланардик.

— Демак, уни яхши биларкансиз-да.

— Мен концертлар ташкил этиш ва шартномалар тузиш билан шуғулланардим.

— Моцарт амалдорлар ундан юз ўтиргани ҳақида гапирганмиди? — сўради Жэсон.

— Казо-казоларнинг кўпчилиги унга ёрдам бермай қўйганди, лекин Моцарт бу ҳақда оғиз очмасди, биров сўраса, елкасини қисиб қўя қоларди. У ижоддан бошқа ҳамма нарсага бефарқ қарарди.

— Оғир касалга чалинганини ўзи билармиди?

— Оғир касал? Ўлимидан икки ой олдин бутун бошли иккита операни ёзиб тугатганди.

— Нега бунчалик ёш кетди бўлмаса?

— Мен ҳам бу ҳақда кўп ўйлайман. Назаримда, дўхтирлар айбдор.

— Шунга ишончингиз комилми? — сўради Дебора.

— Бунини мендан кўра Йозеф Дейнер яхшироқ билади. У Моцарт мунтазам кириб турадиган қовоқxonанинг хўжайини эди. Тўсатдан композиторнинг тоби қочиб қолганда дўхтирни ўша одам чақирган.

— Дейнер тирикми?

— Билмадим. Кўчага чиқмаганимга анча йиллар бўлди.

— Қаерда яшайди?

— Қовоқxonаси... — Фукс ночор уҳ тортди. — Эслолмайман. 1790 йилда бу қовоқхона Грибенда ҳам, Кольмарктда ҳам эмас, Моцартнинг ўша пайтдаги уйига яқин аллақандай бир кўчада эди. Шунинг учун ҳам Моцарт кўпинча ўша ерда овқатланарди.

— Сальерини танийсизми?

— Император капельмейстерими? Танийман, албатта. Лекин Дейнернинг қовоқxonаси хаёлимдан кўтарилипти.

— Балки бошқа куни келганим маъкулдир?

— Ҳожати йўқ. Ҳозир эслолмаган, кейин эслолармидим. Сиз Моцарт умрини сўнги кунларида яшаган уйни топишга уриниб кўринг. Ҳарҳолда Дейнернинг қовоқхонасидан узоқ бўлмаслиги керак. Моцартнинг мазаси қочганда Дейнер уни уйига олиб бориб қўйган экан. Шундан кейин Моцарт қайтиб ўрнидан турмаган, — Фукснинг кайфияти бузилди. — Умр бўйи бир ҳўжайинга хизмат қилсанг-у, пировардида чиқитга чиқиб, ортиқча кимсага айланиб қолсанг, алам қиларкан. Ҳўжайин мени ишдан бўшатяпти.

Қария кўнғироқ ипини тортди, зипиллаб келган хизматкор Фукснинг кўлтиғидан олиб, кўҳна қасрнинг вазмин сукунати сари етаклади.

Чарақлаб турган офтоб ва Эм Гоф майдоидаги ғала-ғовур Жэсоннинг миясини ғовлатган ноҳуш ўйларни бир оз тарқатди; бу шаҳарнинг қайсидир кунжакларида Йозеф Дейнерни ёки Моцартни даволаган дўхтирлардан бирортасини топишга ёрдам берадиган одамлар яшаб юргандир, ахир.

### 13. АНТОН ГРОБ

Эртаси куни Антон Гроб ўз меҳмонхонасида Жэсон билан Деборани эски қадрдонларидай кучоқ очиб кутиб олди. Банкир паст бўйли, семиз, сочлари ошпоқ, икки юзи қип-қизил, букчайганроқ одам эди.

— Сизлар учун мусиқа оқшоми ташкил этишни мўлжаллаб қўйганман, — деди Гроб. — Вена билан танишишнинг энг яхши йўли шу. Ўзим ҳаваскор мусиқачиман. Моцарт билан Бетховен квартетларини тинглашдан бош тортмасанглр керак, деб ўйлайман.

— Айни муддао, — жавоб берди Жэсон.

— Энди, ижозатингиз билан, яшаб турган кулбам билан таништираман.

— Қреслоларингиз қирол саройига муносиб, — деди Дебора.

— Дидингизга балли.

Банкир аста одимлаганча уларни меҳмонхона ичида айлантира бошлади. Деворлар зарҳал билан нақшланган оқ рангда, хонанинг тўрида бир жуфт антиқа кўзгу, боққа қараган баланд-баланд деразалар, кўзни қамаштирадиган қандил.

Деборанинг энтикиб кетаётганини сезган Гроб изоҳ берган бўлди:

— Худди шунақа қандил Гофбург шифтида осилиб турипти.

Аммо банкирнинг суянган тоғи — меҳмонхонага қўйилган санъат асарлари эди: Бернини ишлаган бюстлар, ўн еттинчи асрга дахлдор ва қачонлардир қайсидир попнинг мулки бўлмиш эман ёғочидан ясалган иккита стол, Челлини ясаган тилла шамдонлар ҳамда болалигида гўё Мария Антуанеттага тегишли бўлган соат.

Банкирнинг уйи Кольмаркт кўчасида, Венанинг қоқ марказида эди, бу ердан Гофбург ва авлиё Стефан ибодатхонасига кўл узатса етади.

Кейин Гроб меҳмонларни мусиқа хонасига бошлаб кириб, энг сўнги нусхадаги фортепьянони кўрсатди. Дебора унинг мусиқага бу қадар қизиқишидан ажабланган эди, Гроб елкасини қисиб, жавоб берди:

— Табиий ҳол бу. Венадаги ҳар бир зиёли одамнинг уйида фортепьяно бор. Чалиб кўрасизми, жаноб Отис?

— Ҳозир эмас.

Гроб девор жавонидан Моцартнинг фортепьяно учун ёзилган сонатасини олиб, нотани эҳтиром билан Жэсонга узатди.

— Асл нусха, — кўшиб қўйди у кетидан.

Жэсоннинг юраги дукурлаб кетди, шу оннинг ўзидаёқ миясида соната оҳанги жонлана бошлади. Ниҳоятда ҳазин куй эди, Жэсон сонатани ижро этаркан, ўзини Моцарт билан ғойибона дардлашаётгандай ҳис этарди.

Гроб билан Дебора уни қарсақ чалиб олқишлашди. Соната ҳазин бўлишига қарамай, айни пайтда, бениҳоя жозибали эди.

— Бундай мусиқага ихлосманд одамни қандай қилиб топдинг? — сўради Жэсон Деборадан.

— Дадамдан пулимизни мусиқани тушунадиган кишининг банкига жўнатишни илтимос қилган эдим. Венада бунақа инсонлар бисёрлигини билардим.

Жэсон Деборанинг топқирлигидан мамнун бўлди. Хотини унга ҳали кўп асқотади.

— Моцартга замондошсиз, шундайми? — сўради Жэсон Гробдан.

— Ҳа. Олтмишга кирдим. 1764 йилда туғилганман. Моцартдан саккиз ёш кичикман, холос.

— Уни танирмидингиз?

— Шахсан таниш эмас эдик, лекин муסיқаларини эшитганман. Бир оғайним ундан сабоқ олган. Сизларга таништираман. Жаноб Пикеринг Моцартга сажда қилишингиз ҳақида ёзган эди.

— Қайнотам ошпирворигги. Моцарт куйларини ёқтираман, холос. Сиз-чи, ёқтирмайсизми?

— Моцартни тан олмаган одамни Венада жоҳил деб ҳисоблашади.

— Бетховенни танийсизми?

— Иш юзасидан учрашганман, лекин дўст эмасмиз. Хоҳласангиз, таништириб қўйишим мумкин. Унга оратория буюрмоқчи экансиз. Ёрдам беришга тайёрман.

Гробнинг ҳожатбарорлигидан севиниб кетган Жэсон:

— Сальерини-чи, уни ҳам танийсизми? — деб сўради.

— Учрашганмиз.

— Таништириб қўёлмайсизми?

— Иложи йўқ.

— Нега?

— У бетоб. Ўз яқинларидан бошқа ҳеч ким билан кўришмайди.

— Ақлдан озган дейишади. Шу гап тўғрими?

— Ақлдан озган? — ҳайрон бўлди Гроб. — Йўғ-э, унақамас. Эс-ҳуши жойида, тоби қочган, холос. Қолаверса, вақтингизни беҳуда сарфлаб нима қиласиз? Венага бунинг учун келмагансиз-ку, тўғрими?

— Эрим Бетховен билан кўришиш ниятида келган, — деди Дебора. — Фурсатдан фойдаланиб, муסיқий билимини ошпириш мақсади ҳам йўқ эмас.

— Унда Сальери билан учрашишнинг нима кераги бор?

— Бетоб композиторни кўриб қўйиш — савоб-ку.

— Бу ҳақда жаноб Губер билан гаплашдингизми?

— Йўқ.

— Яхши қилсиз. Сизлар Венага қадам қўйган кунингизоқ у олдимга келди. Бежиз келмаганини дарров пайқадим.

— У билан танишмисиз?

— Сал-пал. Губер Венадаги энг нуфузли шахс бўлмиш князь Меттернихдан кейинги ўринда турадиган полиция комиссари граф Седельницкийга бўйсунди. У сиёсий масалалар билан шуғулланади. Лекин сиз хавотирланманг. Венага Бетховен билан учрашиш мақсадида келганингиз, Моцартга эса фақат композитор сифатида қизиқишингизга уни ишонтирдим. Менимча, у банка катта пул қўйганингиздан шубҳаланяпти.

— Пул хотинимники.

— Менга суянаверинг, жаноб Отис. Қўлимдан келган ёрдамни аямайман.

Аммо Жэсоннинг унга нисбатан ишончи сўнган эди.

— Раҳмат. Паспортларимизни қайтариб олсак ёмон бўлмасди.

— Уриниб кўраман. Ёнингиздан ҳалигидақа китоблар чиққани учун шундай бўлган назаримда.

— Шекспир айбдорми?

— Шекспирни ҳурмат қиламиз, аммо унинг пьесаларидаги айрим кўринишлар бизга тўғри келмайди. Вена билан танишувингиз кўнгилсиз бошланганидан афсусланаман, начора, Бонапартнинг дастидан мана шундай чоратадбирлар қўлаш зарур бўлиб қолди. Албатта, Бостонда тартиб-қоида бошқача. Франциянинг Австрия билан уруши узоққа чўзилди. Наполеоннинг тарафдорлари ҳали кўп, айниқса, талабалар орасида. Полициянинг зиммасига француз инқилоби таъсирига қарши курашиш вазифаси юкланган. Бонапарт тормор этилганидан кейин махфий полиция кучайтирилди. Лекин бунинг сизга алоқаси йўқ. Сизни муסיқадан бошқа нарса қизиқтирмаслигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнг тинч қўйишади.

Шу пайт таклиф этилган меҳмонлар кириб келишди, Гроб сўзиға якун ясади:

— Сальери билан учрашишга уринманг, жаноб Отис.

Меҳмонлар мезбон билан бирга Моцарт ва Бетховен квартетларини ижро этишди. Жэсон ҳайратда қолди: бу қадар мукамал ижрони кутмаганди. Чолғучилар куйга бор қалбларини жо қилишганди.

Жэсон билан Дебора уларни астойдил қутлашди. Мусиқа ношири, баланд бўйли, озгин Фриц Оффнер хиёл жилмайиб, таъзим қилди. Фаллафуруш бой Игнац Клаус эса:

— Моцарт куйларини чалганингда ҳамма нарсани унутгасан, — деди энти-киб.

Гапга Альберт Лутц қўшилди:

— Болалигим Моцарт билан бирга ўтган. Тўғри, мен ўзимни тиббиётга бағишладим, лекин унинг асарларини ҳузур қилиб чаламан. Ундан сабоқ олган пайтларимни ҳеч қачон унутмайман.

— Моцарт мусиқалари кўнгилни мусаффо қилади, — деди Гроб.

— Моцартни даволаган дўхтирни танирмидингиз? — сўради Жэсон Лутцдан.

— Йўқ, у пайтда тиббиётга эндигина қадам қўйган эдим.

— Нимадан ўлган бўлиши мумкин?

— Мен қаяқдан биламан? Уни даволамаган бўлсам. Моцарт ҳақида китоб ёзмоқчимисиз дейман?

— Балки ёзарман.

— Ёсангиз арзийди, — деди Оффнер. — Моцарт вафотидан кейин асарларининг партитуралари ноёб бойликка айланди. Моцарт туфайли ноширлик ишларим ҳам юришиб кетди.

— Лекин Моцартнинг ўзи бу дунёда роҳат кўрмади, — деди Лутц. — Охириги учрашувимиз сира эслан чиқмайди. Ушанда аҳволи ниҳоятда абгор эди.

— Буни қандай тушуниш керак?

— Ҳам бетоб, ҳам қашшоқ эди.

— Уша учрашувингиз ҳақида батафсилроқ гапириб берсангиз.

— 1791 йилнинг ноябрь оқшоми эди, — бошлади Лутц. — Уша йили қиш қаттиқ келди, Моцартникига бора туриб, роса совқотдим, манзилга тезроқ етволсаму олов лангиллаб турган камин олдида маза қилиб исинсам, дердим. Бунинг устига, ичим гаш эди, чунки Моцарт бир ой бурун берган уй вази-фасини бажармагандим, бу ҳам етмагандай, ҳозир бориб устозимга сабоқни бутунлай тўхтатмоқчилигимни айтишим керак эди. Албатта бундан мусиқа ола-ми ҳеч нарса йўқотмасди. Аммо Моцарт мен тўлаб келаётган пула муҳтожли-гини сезардим.

Эшикни Моцарт эмас, устозим тез-тез кириб турадиган қовоқхона эгаси очди. Хайрон бўлдим:

“Жаноб Моцартнинг шогирдиман”, — дейишим билан у гапимни бўлди:

“Жаноб капельмейстер бетоб, уч-тўрт кундан кейин келинг”.

Шунда тепадан Моцартнинг овози эшитилди:

“Кираверсин. Юрагим қон бўлиб кетди”.

“Нима қилди устозга?” — сўрадим мен.

“Мазаси йўқ, — деди қовоқхона эгаси. — Ошқозони оғрияпти. Суюқ овқатдан бошқа таомни тановвул қилолмайди. Қўлдан келганча дардини енгил-латишга уриниб ётибман”.

“Хотини қаерда?”

“Баденда, даволянапти. Моцарт касаллигини хотинига билдирмасликни ил-тимос қилди. Хавотирга тушишини истамаяпти”.

“Дўхтир кўрдими?”

“Бир марта келиб кетди. Маэстро кимникидандир меҳмондорчиликдан қайт-ганидан сўнг ўзини ёмон ҳис эта бошлади. Эртаси куни ҳушидан кетди, дўхтир буни чарчаганликка йўйди. Аммо оғриқ босилмаяпти. Сиз Моцартнинг тала-ба-дўхтир шогирдимисиз?”

Мен бош ирғадим.

“Бир кўриб қўйсангиз-чи? Балки касаллик сабабини аниқлаб, дардига малҳам бўларсиз”.

“Дўхтирки аниқ бир гап айтолмапти, талабанинг қўлидан нима келарди?”

Моцартнинг овози суҳбатимизни бўлди:

“Нима деб пичирлаяпсизлар? Мендан ниманидир яширяпсизлар, а? Жаноб Лутцни бу ёққа олиб чиқинг. Дарсни бошлаймиз”.

Қоронғи пиллапойдан иккинчи қаватта кўтарилаётганимизда қовоқхона эгаси кулоғимга шивирлади:

“Ўзини соғпа-соғдай кўрсатмоқчи бўляпти. Илтимос, толиқтириб қўйманг. Акс ҳолда дарди батгар оғирлашади”.

Моцартнинг хонасига кирдик. Бир ойнинг ичида ҳаммаёқ ўзгариб кетипти. Қаҳва ичиладиган кумуш идишлар йиғмаси, композитор беҳад эъзозлайдиган бир жуфт кўркам шамдон ғойиб бўпти, мусиқа хонасида эса фортепьяно билан алытдан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Моцарт стол ёнида кийинган ҳолда ўтирар, олдида ноталар турарди. Эгнида эски камзул, бошмоғининг чилвирлари ифлос, ҳамма вақт сип-силлик турадиган сочлари тўзғиб кетган. Афтидан, касал бўлишига қарамай, ижод қилишдан тўхтамаганини намоён этиётган кишига ўхшарди.

У менга пешвоз чиқиш учун ўрнидан турган эди, чайқалиб кетиб, столга суяниб қолди. Икки юзи салқиган, ранги захил. Хона ҳаддан ташқари совуқ, печкадаги олов аранг милгираб турипти.

Чопиб бориб сўрашдим, ўзи озиб кетган бўлса-да, қўллари шишинқиргандай туюлди менга.

“Келганингиз яхши бўлди, Альберт, — деди у. — Қайтиб кўрмайманми деб кўрқувдим. Учта дарсни ўтказиб юбордингиз”.

“Охирги курсдаман, машғулотлар тигизлашиб кетди”.

“Демак, ҳадемай мени ўзингиз даволаркансиз-да?”

“Ажабмас”.

Унга ёрдам бергим келарди-ю, лекин нима қилишимни билмасдим. Мен ўқиш ҳақи сифатида тўлайдиган икки гульден унга ҳозир жудаям асқотаётганини тушунардим, лекин арзимаган бу пул билан турмуши яхши бўлиб кетмаслиги ҳам аниқ эди.

“Шу кунларда мотам қуйи устида ишляпман, — деди Моцарт. — Ишқилиб, илк бор ўз жанозамда чалинмаса бўлгани. Миямга нукул шу ўй келаверади. Ётиб қолмасимдан уни поёнига етказишим керак”.

“Сиз дам олишингиз зарур”.

“Фақат дам оладиган пайтлар ҳам келади, Альберт”.

“Ўзингизни сира аямайсиз”, — суҳбатта қўшилди қовоқхона эгаси.

Моцарт унга эътибор бермади.

“Мендан сабоқ олишни хоҳлайсиз-ку, шундайми, Альберт? Ўзим дарс беришни ёмон кўраман, лекин бутунлай шогирдсиз қолиш — даҳшат!”

Мусиқа дарсидан воз кечиш ниятида бўлсам ҳам:

“Албатта хоҳлайман”, — деб жавоб бердим.

Моцарт мамнун жилмайди.

“Хайрият, биттагина шогирдим қоларкан. Ҳозир концертлар ҳам, буюртмалар ҳам йўқ”.

“Сехрли най” машҳур бўлиб кетди”, — эслатди қовоқхона эгаси.

“Лоақал тинглаёлмайман! — Моцартнинг кўзлари ёшланди. — Театрга боришга дармоним етмайди”.

“Ҳадемай отдай бўлиб кетасиз, маэстро”, — далда бердим унга.

“Яна келасизми?”

“Албатта, — ваъда бердим мен. — Олдин сал қувватта келинг, жаноб капельмейстер”.

Кетишга чоғланган пайтимда Моцарт тирсагимдан ушлади.

“Мотам қуйининг ярми тайёр. Икки гульден бериб туролмайсизми? Тўғри, меҳнат ҳақини олдиндан сўраш яхшимас, лекин дўхтир... Эшитишимча, “Сехрли най” қўйилганда театрда бўш жой топилмасмиш, премьерга ўтганига бир ярим ой бўлди, ҳалигача сариқ чақа ҳам олганим йўқ. Кўриб турганингиздай, тиланчилик қилиб ўтирибман...”

Шошиб икки гульден чиқазиб бердим.



“Кейинги ҳафта келинг, — деди у тангаларни стол устига ташлаб. — Мусиқани астойдил севасиз-ку, шунақамасми, Альберт? — Жавоб беришга улгурмасимдан қўшиб қўйди. — Қалби қарахт одамгина мусиқага лоқайд бўлади”.

Моцарт толиққанидан қаддини базўр тутиб турарди, қовоқхона эгаси менга кетишни ишора қилди. Ҳай-ҳайлашимга қарамай, композитор мени остонага-ча кузатиб қўйди.

“Миннатдорман, жаноб Моцарт”.

“Демак, мусиқадан кўра тиббиётни афзал кўраркансиз-да”.

“Шунақага ўхшайди”, — жавоб бердим хижолат чекиб.

“Агар мени даволай олганингизда, бу шаштингизни маъқуллаган бўлардим”, — деди Моцарт ўйчан бир қиёфада.

Кейин ортимдан эшикни ёпди.

— Дардига малҳам бўлолмаганимдан ҳанузгача афсусланаман, — деди дўхтир Лутц. — Балки ўшанда таваккал қилиб, бир текшириб кўрсам бўлармиди...

Ҳеч қайсимиздан садо чиқмади.

— Бир-икки кундан кейин хабар олишим мумкин эди, лекин ўзимдан ортмадим. Келганимда эса... Моцарт оламдан ўтган эди.

— Орадан неча кун ўтгач, уникига бордингиз?

— Эсимда йўқ. Икки-уч ҳафтадан кейин бўлса керак. Ўлганини эшитиб қаттиқ изтиробга тушдим. Ахир уни донғи кетган, тажрибали дўхтир даволаётган эди-да.

— Уни танирмидингиз?

— Йўқ, орқаворатдан билардим.

— Исми нима эди?

— Эслолмайман.

— Сизнингча, Моцартни асраб қолиш мумкинмиди? — сўради Жэсон.

— Ким билади дейсиз. Қанақа дардга чалинганидан ҳануз бехабарман.

— Сизга эшикни очган қовоқхона эгасининг исми Йозеф Дейнермиди?

— Эсимда йўқ. Орадан ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтди, ахир.

— Моцарт яшаган уй ёдингиздир?

— Албатта, жаноб Отис. Буни унутиб бўларканми! Раухенштейнгасседа, авлиё Стефан ибодатхонаси яқинида. Уйнинг рақами хотирамдан кўтарилипти, лекин Моцартга жаноза ўқилган черковнинг дафтарида аниқласа бўлади.

Меҳмонлар кетишгач, Гроб Жэсон билан Деборага яна бир оз ўтиришни илтимос қилди.

— Марҳумларни тинч қўйиб, бугунги гаплардан гаплашайлик, — деди у. — Мана, Отис хоним пулни икковингларни номингларга қўйиб, зўр иш қилган. Олийҳиммат аёл экан. Оврупада бизнинг банкимизчалик ишончли банк йўқ. Князь Меттернихнинг саъйи ҳаракати туфайли Венада осойишталик ҳукмрон.

— Паспортларимизни қайтариб олишга ёрдамлашасизми?

— Кўлимдан келган ҳамма ишни қиламан.

— Унда мен ҳам пулимни банкингизга қўяман.

— Менинг маслаҳатимга кулоқ солсангиз, ишингиз юришаверади, — деди Глоб хайрлашиш олдидан. — Моцарт ўз ажали билан ўлмаган, деган миш-мишларга ишонманг. Бу ишнинг тагига етиб бўлмайди, вақтни беҳуда совурганингиз қолади.

Уйга қайтарканлар, Жэсон йўл-йўлакай, Моцартнинг ўлими сабабларига қизиқётганимни Гроб қаердан билдиркин, деган саволга жавоб излади. Ким айтиши мумкин? Наҳотки Деборанинг иши бўлса?

— Уни биринчи марта кўриб турибман-ку, — деди Дебора хафа бўлиб. — Дадамдан хат олгани аниқ. Лекин Гроб Губер билан гаплашганини ҳам унутмаслик керак.

Эрталаб Жэсон қатъий қарорга келди. Ҳар қанча хатарли бўлмасин, у ўз режасидан воз кечмаслиги ва Моцартни яқиндан билган кишиларнинг ҳаммаси билан учрашиши шарт. Биринчи навбатда Эрнест Мюллер билан. Ҳарҳолда Отто Мюллернинг укаси ундан ҳеч нарсани яширмайди.

## 14. ЭРНЕСТ МЮЛЛЕР

Эртасига Жэсон Деборага Эрнест Мюллерникига бир ўзи бормоқчилигини айтганида хотини эътироз билдирди:

— Меҳмонхонада ёлғиз қолишга кўрқаман, — деди у.

— Ўзингни хавф остига қўйиб нима қиласан? Эрнест Мюллер ҳам Губернинг назоратида бўлиши мумкин.

— Гамжўрлигинг учун раҳмат. Лекин мен сенинг хотинингман, ҳар доим ёнингда бўлишим керак.

— Офарин! — деди кулиб Жэсон.

— Жиддий гапиряпман, — Дебора эркаланиб, Жэсоннинг бағрига суқилди. — Хавф-хатар ҳақида да Понте бизни огоҳлантирган эди-ку. Михаэль О'Келли-чи?

— Ўшаларнинг гапига ишонасанми?

— “Фигаронинг уйланиши” билан боғлиқ кўнгилсизликлар тўғрисида да Понте айтган гапларнинг аксарияти тўғрига ўхшайди. Бомаршенинг китобини тортиб олишди-ку.

— Отто Мюллер мени огоҳлантирган бўлса ҳам, ҳокимият вакиллари Сальери билан учрашимга ёки Моцарт ўлимининг сабабларини аниқлашга уринишимга тўсқинлик қилишлари ҳақида лом-мим демаган эди.

— Отто бу ердаги вазиятдан беҳабар бўлиши мумкин.

— Барча далилларни бир ерга жамлаб, ёзиб қўйишим керак, — деди Жэсон. Кейин стол ёнига ўтириб, бир нималарни ёза бошлади.

— Бу ишинг хавфли, — деди Дебора. — Ёзувни топиб олишса, балога қоласан.

— Ёдлаб олиб, ёқиб юбораман.

— Мени ҳам ола кет, Жэсон, — ёлворди Дебора. — Бу ерда қололмайман. Жэсон ноилож рози бўлди.

Эрнест Мюллернинг уйигача пиёда боришга аҳд қилишди, Жэсон Гансга рухсат бериб юборди.

— Қаерга кетаётганимизни извошчи билмай қўя қолгани маъқул, — деди у Деборага.

Эрнест Мюллер Вейбургтасседа яшарди. Улар халойиқ ва извошларга тўла Грабен кўчасини бу бошидан-у бошигача босиб ўтишди. Вена гўзал эди. Качонлардир шу кўчада Моцарт сайр қилиб юрганини Дебора хаёлидан ўтказди, ҳатто унга оломон орасида композиторнинг шарпаси кўрингандай бўлди.

Гробнинг дабдабали қасри олдида Мюллернинг уйи гариб бир кулбага ўхшаб қолди. Жиҳозлар ҳам шунга яраша.

Эрнест паст бўйли, сочлари оппоқ, икки юзи қип-қизил, миқтигина одам эди. Нигоҳининг ўткирлигига қараганда ҳақини бировга берадиганлардан эмас.

— Жаноб Мюллер, банкир Антон Гроб билан танишимизлар?

— Йўқ. Нега Венага келишинглар чўзилиб кетди, жаноб Отис?

— Йўл азоби — гўр азоби, дейишади-ку. Кечикмадикми ишқилиб?

— Айни вақтида келдингиз. Айтишларича, Сальерининг кун сайин мазаси қочаётганмиш. Акамга ёзган хатимни ўқидингизми?

— Ҳа. Сальери билан учраша олармикинман?

— Уриниб кўрамиз. Бир танишим бор, ўша одам ёрдам бериши мумкин.

Сальери ётган жойни руҳий хасталиклар шифохонаси дейишади, аслида турманинг ўзи. Деразаларига темир панжара қоқилган, дарвозасида ҳар доим кулф осиглиқ. Айтишларича, Габсбургларга кўрсатган садоқати эвазига Сальерига алоҳида хона ажратилиб, иккига хизматчи тайинланган. Улар айни пайтда соқчилик вазифасини ҳам ўташади.

— У ерга бориш хавфли эмасмикин? — сўради Дебора ташвишланиб.

— Венага шу мақсадда келгансизлар-ку, ахир. Бунинг устига Моцартнинг хотини ҳам қасал.

— Жаноб Мюллер, Моцартнинг ўлими сабабларини аниқлаш билан нима учун ўзингиз шугулланмайсиз?

— Аниқлаганимдан нима фойда? Ўзим билан гўрга олиб кетаманми? Мени Венадан чиқазишмайди-ку. Сизлар америкаликсиз, хоҳлаган пайтингизда мамлакатдан чиқиб кетаверасиз. Биланларингиздан оламни огоҳ этиш имкониятингиз бор.

— Лекин хатарли иш бу, — деди Дебора.

— Шаҳар дарвозаси олдидаги текширувни хотиним ҳамон унутолмайди.

Жэсон Эрнестга китоблар мусодара қилингани, Губер паспортларини олиб қўйгани ҳақида сўзлаб берди.

— Акангиз Венадан нима учун кетган? — сўради Дебора, — сиёсий қарашлари сабаблими?

— Йўқ. Бонапарт билан уруш бошланганидан кейин Отто тинчроқ яшаш мақсадида Америкага кетворди. У мендан тўрт ёш катга. Ҳозир етмишга чиқдим, худога шукур, бировнинг ёрдамига муҳтож эмасман, ҳалиям мусиқадан дарс бераман.

— Моцартнинг сирли ўлими акангизни ҳам, сизни ҳам ҳанузгача изтиробга солади. Боиси нимада? — сўради Дебора.

— Биринчидан, ҳақиқат юзага чиқишини хоҳлаймиз. Иккинчидан, акам иккаламиз Моцартга инсон сифатида беҳад ихлос қўйганмиз. Моцарт туфайли Отто концертмейстер бўлди. У менга ҳам кўп ёрдам берди. Олийжаноб одам эди. Моцарт бўлмаганда аллақачон ўлиб кетармидим...

Эрнест шундай деб, ҳикоясини бошлади.

— Бу воқеа 1787 йили, Моцарт айни “Дон Жуан” операси устида ишлаётган кунларда юз берган. Мен камер оркестрида биринчи скрипка учун ёзилган партияни ижро этишим керак эди. Оркестрни Моцарт Ландштрасседаги янги уйда концерт уюштириш учун ёлланганди. Уйланганига беш йил тўлиши муносабати билан композитор бу тантанага бағишлаб янги серенада яратганди. Безгак хуружидан эндигина халос бўлганлигим сабабли, таклифни қабул қилишга журъат этмадим, лекин Моцарт ҳол-жонимга қўймади. Бунга қадар, “Фигаронинг уйланиши” ва унинг бошқа кўпгина концертларида қатнашгандим. У мени мусиқачи сифатида жуда эъзозларди. Бинобарин, юзидан ўтолмадим, қолаверса, пулга ҳам муҳтож эдим.

Моцартнинг боғида Сальерини кўриб, таажжубга тушдим. Гайдн билан да Понтенинг бўлиши-ку табиий, — Гайдн Моцартнинг дўсти, да Понте эса унинг либретточиси, — лекин Сальери Моцартни хуш кўрмаслигини ҳамма билади-ку. Назаримда, уни да Понте бошлаб келган.

Сальерини жиним суймасди. Операларидан бирининг ижросида оркестрда қатнашганман, ўша кунлардан менда жуда ёмон хотира қолган.

Биринчи репетициядаёқ Сальери немис созандаларини итальянлардан ажратди, гўё биз паст тоифали мусиқачилар эмишимиз. Уялмай-нетмай, ижрочилар етишмагани сабабли сизларнинг хизматингиздан фойдаланишга мажбур бўляпман, деди. Шундан кейин ундан кўнглимиз қолди.

Айниқса, репетициялардан бирида хунук иш бўлди. “Фигаронинг уйланиши” Прагада катта муваффақият қозонгани, опера тез кунларда Венада ҳам қўйилиши ҳақида овоза тарқалган, Сальери оёғи қуйган товукдек типирчилаб қолган кезлар эди. Куйини энди бошлашимиз билан унинг: “Тўхтанглар!” — деган бақирини эшитилди. Кейин император ложасидан оркестр олдига чопиб тушиб, ёнимда ўтирган шеригимнинг юзига тарсаки тортиб юборди. Шўрликнинг оғзи-бурни қонга беланди. “Чўчка! — деб ўшқирди у. — Намунча хурхурлайсан!”

Унинг ёнини олган эдим, — аслида бизнинг ижромиз эмас, Сальерининг мусиқаси бемаъни эди, — менга ёпишиб кетди. Қўлимдан скрипкани юлқиб олиб, тепага кўтарди. Кўзлари ола-кула. “Тамом, бошдан айрилдим”, — дедим ичимда. Хайрият, инсофга келдимми ёки атрофдаги одамлардан уялдимми, урмади. Урмади-ю, ургандан баттар қилди.

Скрипкани зарб билан нотатиргагичча солиб, чил-чил қилди. Дамим ичимга тушиб кетди, — бу скрипкани сотиб олиш учун узоқ йиллар емай-ичмай пул тўплагандим, энди ҳеч қачон бундай соз менга насиб этмаслигини билардим.

Башарасига мушт туширмоқчи бўлдим-у, вақтида ўзимни босдим. Император капелмейстери қаёқдаю мен қаёқда! Сальерини уриш у ёқда турсин, ҳатто чертган тақдиримда ҳам ё қамоққа тушардим, ёки театрдан ҳайдалардим, у пайтларда оддий мусиқачи учун бу оғир фожеа эди.

Ҳазабимни яшириш мақсадида менга кўп йиллар хизмат қилган скрипка парчаларини йиғиштирмоқчи бўлган кишидай ерга энгашган эдим, Сальери уларни нарига тегиб юборди.

“Бу сенга сабоқ бўлади, немис чўчкаси!” — деди у гезариб.

Сезиб турибманки, Моцартга яқин одам бўлганим учун чидаёлмаганидан шундай қилипти.

Лекин тишни тишга босишдан бошқа чорам йўқ эди.

“Йўқол! Кўзимга кўринма! Ҳозир бошингни ёриб қўяман!” — деб қичқирди у.

Эрнест сукутга толди.

— Оркестрдан кетдингизми? — сўради Жэсон.

— Йложим қанча? Янги скрипка сотиб олганимда эса вақт ўтган эди, оркестрга қайтолмасдим, Сальери ҳам бунга йўл қўймасди. Репетиция учун бизга ҳақ тўлашмасди, шу боис қарзга ботиб кетдим, турмуш ташвишларидан эзилиб, касал бўлиб қолдим.

— Сизнинг ҳеч қандай айбингиз йўқ-ку.

— Сальери бундай фикрда эмасди-да. Мусиқа оламида у танҳо ҳукмрон эди.

— Моцарт-чи?

— Глюк вафотидан кейин Моцарт император саройининг учинчи капелмейстери лавозимига тайинланган бўлса-да, Сальерининг руҳсатисиз ҳеч нарса қилолмасди.

— Ўша куни Сальерини Моцартникида кўриб, ўзимни қўйгани жой тополмай қолдим, — давом этди Эрнест. — Аммо ҳамманинг кайфияти байрамона эди. Бунинг устига, Моцарт мени очиқ чеҳра билан кутиб олди. Мана шу ҳолат менга андак тасалли берди.

“Яхши бўлиб кетдингизми, Эрнест? — сўради у. — Бетоблигингизни эшитиб, гоят изтироб чекдим”.

“Худога шукур, отдайман, жаноб капелмейстер”, — жавоб бердим мен, аслида оёқда зўрға турардим.

Тантанавор муҳитни бузишга ҳаддим сиғармиди? Бахтимга, концерт тушлик қилишдан бошланди. Анча кундан буён тўйиб овқат емаган эдим. Стол устида денг, одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор: балиқ дейсизми, қовурилган қисқичбақа, қирговул дейсизми, мева-чеваю ичимликларни қўйверинг. Одатта зид ўлароқ, биз созандаларни ҳам меҳмонлар қаторига ўтқозишди. Аксарият композиторлар оркестрчилардан ўзларини баланд тутишар, бунақа жойларда улар билан гаплашишмасди. Мен овқатдан бош кўтармадим, лекин аҳён-аҳён Сальерининг ўқрайиб қараб қўйганини сезиб турардим.

Концерт бошланди. Биз Моцартнинг рафиқасига атаб ёзган янги серенадасини ижро этдик. Моцартнинг ўзи дирижёрлик қилди. Бу куй кейинчалик “Тунги жажжи серенада” номи билан машҳур бўлиб кетди.

Серенада мени ҳайратда қолдирди, илгари ҳеч қачон бу қадар нафосатга тўла оҳангни эшитмаган эдим. Куйни эндигина чалиб тугатган ҳам эдикки, тепадан Моцартнинг ўғли Карл Томаснинг йиғиси эшитилди. Отаси уни ётоқхонадан олиб тушди, ҳамманинг нигоҳи болага қадалди.

Меҳмонларнинг ўғлига эътиборидан Моцарт сармаст эди. Шунда да Понте, боланинг хархашаси жонига тегди шекилли, ўринсиз бир баҳсни бошлаб юборди.

“Менга қаранг, Моцарт, — деди у, — маэстро Сальери, Дон Жуан ҳақида опера ёзиш фирт нодонлик, деяпти”.

“Унақамас. Сюжетда янгилик йўқ, дедим, холос”, — ўзини оқлади Сальери.

Моцартнинг дўсти, кўриниши ёқимли, камсукум Гайдн:

“Вольфганг “Дон Жуан”ни бошлайди, — деди ишонч билан. — Барча оле-

ралардай, оҳанглари мутаносиб, бир вақтнинг ўзида ҳам қувноқ, ҳам фожеавий асар дунёга келади”.

“Шу пайтгача ёзганларидан зўрроқ бўлади”, — қўшимча қилди да Понте. Бу гап Сальерига ёқмади.

“Лекин Дон Жуаннинг ўзи ахлоқсиз шахс. У хотинбоз ва қотил кимса. Опера Венада қўйилмаётгани бежиз эмас”.

“Агар Прагада муваффақият қозонса, Венада ҳам қўйилади”, — жавоб берди Моцарт.

“Агар... — Сальери маънодор сукут қилди, кейин ёлгондакам жилмайди. — Сиз меҳмондўст мезбонсиз, маэстро. Бугун ҳаммамиз ҳузур қилдик”.

Гарчи оркестрчиларнинг хизмат ҳақи кейинроқ тўланишини билсам-да, кетишга шонилмадим. Моцартнинг кайфи чоғ эди. Секин олдига бордим.

“Сизга пул керак, шунақамасми?” — сўради у.

Индамай бош ирғадим. У менга бир ҳовуч пул тутқазди, кейин серенада ҳақидаги фикримни сўради.

“Бениҳоя гўзал асар!” — дедим мен.

“Билмадим, саройдагиларга маъқул бўлармикин... Лекин менга ҳақиқий мусиқачиларнинг фикри муҳимроқ. Фақат ўшаларга ишониш мумкин”.

Моцарт мусиқа хонасига кириб, бир варақ қоғоз кўтариб чиқди. Стол ёнига ўтирди-да, қоғозга нота чизиқларини тортиб, устига бениҳоя чаққонлик билан мусиқий белгилар чиза бошлади. Кейин қоғозни менга узатди.

“Балки бу Сальери скрипкангизни пачақлаб, етказган зарарининг ўрнини жилла бўлса ҳам қоплар”.

“Бундай совғани қабул қилолмайман, жаноб капельмейстер”, — дедим мен.

“Нима учун? Мусиқа ноширига беринг, эвазига уч-тўрт гульденлик бўлиб қолсангиз ажабмас”, — шундай деб, қоғоз тагига имзо чекди:

“Фольфганг Амадеус Моцарт”.

“Сальерини нега таклиф қилдингиз, маэстро? У одам сизга дўст бўлмайди”.

“Биламан. Да Понтенинг иши бу. Бизни яқинлаштиришга урингани уринган. Фойдаси тегади, дейишди. Бекорга овора бўлади. Уйингизга ўзингиз етиб оласизми?”

“Ҳа, ҳозир яхшиман. Раҳмат сизга, жаноб капельмейстер”.

“Арзимаёди. Дўхтир билан ҳисоб-китоб қилинг. Кўп сиқилманг. Пул керак бўлганда тортинмай келаверинг”.

Моцарт мен билан илиқ хайрлашди.

— Ўша куйга қанча тўлашди? — сўради Жэсон.

— Сотишга кўзим қиймади.

— Ўзингиздами?

— Ҳар доим ёнимда олиб юраман. — Мюллер чарм портфелдан нотани чиқазиб, Жэсонга узатди.

Вақт ўтиши билан қоғоз сарғайиб кетган бўлса-да, яхши сақланган эди. Жэсон табаррук имзодан узоқ вақт нигоҳини узолмади.

— Лекин бу куйдан одамларни бебаҳра қолдиролмасдим. Нотадан нусха кўчиртириб, тарқатдим. Асл нусхасини олиб қолдим.

Жэсон куйни чалиб кўрмоқчи бўлган эди, Мюллер уни шаштидан қайтарди.

— Ҳозир бундан кўра муҳимроқ ишлар бор. Меникига келишингизни Губерга айтганмисиз?

— Йўқ.

— Тўғри қипсиз. Полиция ходимларида шубҳа туғдирмаган маъқул.

— Моцартни вафотидан олдин қайси дўхтир даволаганидан хабарингиз борми? — сўради Жэсон.

— У пайтда Венада эмас эдим. Қайтганимда Моцарт оламдан ўтган эди.

— Йозеф Дейнер деган одамни-чи, билармидингиз?

— Қовоқхона хўжайиними? Моцартнинг дўсти-да. Ҳа, билардим. Лекин тирикмикин?

— Шунини аниқламоқчиман-да, — жавоб берди Жэсон. — Айтишларича, Дейнер Моцартнинг сўнгги кунларида тепасида бўлган экан.

- Уни анча йиллардан буён кўрганим йўқ, эҳтимол, тирикдир.
- Қовоқхонаси қаерда эди?
- Билмайман.
- Лоақал Моцарт яшаган охириги уйни аниқлаганимда ҳам майли эди.
- Янглишмасам, Раухенштейнгасседа яшаган. Нариги муюлишда. Юринг, кўрсатаман.

Жэсон Мюллерга эргашиди.

## 15. МОЦАРТНИНГ СЎНГГИ ОШЁНИ

Раухенштейнгасседаги Моцарт вафот этган уй чиндан ҳам кейинги муюлишда экан. Улар уч қаватли бино олдида тўхташди.

- Моцарт иккинчи қаватда яшаган, — деди Эрнест.
- Уникага сира келганмисиз? — сўради Жэсон.
- Албатта. Бир гал “Сеҳрли най” премьерасидан кейин келганман. Моцарт ўзида йўқ шод эди. Опера катта муваффақият билан кетма-кет қўйилаётганди. Моцарт маиший аҳволини ўнглаб олиш орзуси билан яшарди. Ушанда бу уй ҳаётидаги энг сўнги ошён эканини у хаёлига ҳам келтирмаган.

- Композиторни охириги марта қачон зиёрат қилгансиз?
- Ўлимидан бир ой бурун.
- Ушанда соғлиги яхшимиди?
- Кўп ишлагани сабабли қаттиқ толиққан эди, лекин саломатлигидан шикоят қилмаганди. Бу уйда унумли ишлаётгани ҳақида менга ҳам гапирганди. — Эрнест иккинчи қаватдаги баланд-баланд бешта деразани кўрсатди. — У мана шу деразаларни ёқтирарди. Бу ердан ҳаммаёқ кафтдагидай кўришиб туради, кабинетдан, — чапдаги энг охириги дераза, — Химмельпфортгассега маҳлиё бўлиб, яйраб ижод қиламан, деган эди у.

Жэсон хонадоннинг ҳозирги эгалари билан суҳбатлашмоқчи бўлган эди, Эрнест тўхтатди.

- Фойдаси йўқ. Улар Моцартни билишмайди, — деди у. — Мен ҳам гап-лашмоқчи бўлганимда шартта эшикни ёпиб олишган. Венада Моцартга лоқайд одамлар оз эмас.

Жэсон қулоқларига ишонмади. Қандай шаккоклик бу?! Кўчадан ўтаётган йўловчиларнинг кети узилмас, аммо ҳеч ким бу бинога лоақал назар ташлаб ҳам қўймасди. Гардини кўзга суртса арзийдиган иморат хароб аҳволда эди: сувоқлари кўчган, ёғочлари чириган, деворлари дарз кетган.

- Христоф Фукс деган бир одам, Дейнернинг қовоқхонаси Моцартнинг уйдан узоқ эмас, агар уй топилса, қовоқхона топилади, деган эди. Суриштириб кўрмаймизми? — деди Жэсон.

— Ҳозир эмас. Дейнерни кейин қидирамиз. Ундан кўра муҳимроқ жойларни кўрсатмоқчиман.

Мюллер Жэсон билан Деборанинг қўлтигидан олиб, бошқа тарафга етаклаб кетди.

- Мана бу авлиё Стефан ибодатхонаси, — деди у. — Шу ерда Моцартга жаноза ўқилган.

Улар черковга улуғвор жанубий минора томондан боришган, бинобарин, уни биринчи марта кўришаётгандай эди.

- Раухенштейнгасседан черковгача уч-тўрт минутлик йўл. Сиз Моцартнинг тобутини шу ергача кузатиб келмасмидингиз? Келардингиз. Аммо Моцартнинг хотини келмади. Кўпдан-кўп дўстлари ҳам. Жаноза уйнинг ёнгинасида ўқилган-а!

- Нега бундай бўлган?
- Гап-сўзларга қараганда Моцарт Габсбургларнинг қаҳрита учрагани учун кўп одам дафн маросимида қатнашишга кўрққанмиш.
- Дафн маросимида кимлар бўлган?
- Ван Свитен, Зюсмайер, Альбрехтсбергер ва Сальери.
- Сальери? — ҳайрон бўлди Жэсон.
- Ҳа, Сальери. Унинг Моцартга ғанимлигини ҳамма биларди. Шунинг учун

сарой капельмейстерининг маросимга келганидан атрофдагилар таажжубланишган. Сальери бу билан марҳумга дўстлигини кўз-кўз қилмоқчи бўлган-да.

— Айни пайтда, бегуноҳлигини ҳам, — қўшиб қўйди Жэсон.

— Эҳтимол, жиноят изини йўқотиш ниятида боргандир.

— Тушунмадим, — деди Дебора.

— Жасад бўлмагандан кейин далил ҳам йўқ-да. Қотилликка қўл урган одам сувдан қуруқ чиқишга тиришиши табиий. Моцартнинг жасади ғойиб бўлган. Изсиз йўқолган.

— Лекин бу унинг ўлдирилганига тўла асос бўлолмайди-ку, — эътироз билдирди Дебора.

— Унда нима учун тобутни ҳеч ким қабристонгача кузатиб бормаган?

— Буни жанозада ишгирок этганлардан сўраш керак, — деди Жэсон.

— Улар об-ҳавони баҳона қилишади. Гўё шаҳар дарвозасига етганларида бўрон кўтарилган, шунинг учун ҳамма изига қайтганмиш. Суриштириб кўрдим, ўша куни ҳаво очиқ бўлган.

— Демак, кимдир жанозага келганлар қабристонгача боришини хоҳламаган, бунинг чорасини ҳам кўрган.

— Менимча, шундай.

— Ўша одамларни топиб, гаплашиб кўриш зарур, — деди Жэсон.

— Ван Свитен, Зюсмайер ва Альбрехтсбергерлар қазо қилишган. Агар марҳумни қабристонгача ҳеч ким кузатиб қўймаганига Сальери сабабчилигини исбот этолсак, унинг тавба-газаруси ҳам тасдиқланарди. Қабристонга бир боришингиз керак. Бу ердан узоқ эмаслигига ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

— Майли, борамиз, — жавоб берди Жэсон иккиланмай.

Извошга ўтиришлари билан Эрнест уларни огоҳлантирди: бу сафаримиз хатарли, полициянинг қўлига тушиб қолмаслик учун эҳтиёт бўлишимиз керак, деди у.

— Меттерних тирик экан, озодлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, у эрктарварларнинг кушандаси.

Эски шаҳарнинг тор, эгри-бугри кўчаларидан чиқиб олгунларича Дебора ҳийла толиқди, аммо Венанинг Ландштрасседаги дарвозасидан ўтганларидан кейин эркин нафас олди. Кўп ўтмай улар авлиё Марк қабристонига етиб келишди.

— Кўрдингларми, нимаси узоқ? — деди Мюллер. — Марҳумни сўнгги манзилига кузатиб қўйишлари керакмиди-йўқмиди? Ҳеч ким бўлмаган. Шалогичиқан ридвон арава, саргиш тобут, от ва аравакашдан бошқа ҳеч ким бўлмаган, ҳатто ит ҳам бўлмаган! — Эрнестнинг овози титраб кетди.

— Балки дўстлари Моцартнинг ўлиmidан қаттиқ мутаассир бўлиб, бу ерга келишга бардошлари етмагандир, — деди Дебора.

Эрнест “қўйсангиз-чи” дегандай қўл силтади.

Улар кўримсизгина авлиё Марк черкови олдида извошдан тушдилар. Эрнест назоратчини излаб топди.

— Моцарт? Эшитмаганман. Шу ерга дафн этилганми?

Эрнест кимга мурожаат этмасин, ҳеч кимсадан жавоб ололмади.

Сукут фитнаси бу, ўйлади Жэсон алам билан. Қабристон черковдан баттар хароб эди. Ташландиқ чорбоғни эслатади. Дов-дарахт ва буталарга кўпдан буён инсон қўли тегмаган. Қабрлар тепасини ёввойи ўт босиб, ёдгорликларнинг айримлари қулаган, айримлари қийшайиб ётипти. Тошдаги ёзувлар ўқиб бўлмайдиган ҳолга келган.

— Наҳотки Моцарт қаерга қўйилганини ҳеч ким билмаса? — таажжубланди Дебора.

— Эшитиб турибсиз-ку.

Улар қабристонни қадамма-қадам айланиб чиқишди, ахири Эрнест ёлғизоёқ йўлдан тепаликдаги очиқ майдонга қараб юрди.

— Ўша ерда умумий қабр бор, Моцарт шу қабрга кўмилган бўлиши мумкин, деган тахмин ҳам йўқ эмас, — тушунтирди Мюллер.

— Нега энди? У шу қадар қашшоқмиди?

— Алоҳида қабрга оиланинг қурби етмаган бўлса, умумий қабрга кўмиб

кўя қолишган-да. Бунақа қабрларга ўнтадан юзтагача жасад кўйилади. Саёзгина хандакча мурдаларни қатор ётқизиб, хандақ оғзига наридан-бери тупроқ тортиб юборишади.

— Балки гўрков тирикдир? Қидириб топармиз?

— Гўрковлар тез-тез ўзгариб турган. Ўша пайтдаги гўрковни ким эслаб қопти, дейсиз?

— Нима учун Констанца қабристонга келмаган? — сўради Дебора.

— Бетобман, деган. У қабристонга 1818 йилдагина келган.

— Шунча йилгача эрининг қабрини зиёрат қилмаганми? Нега?

— Мен қаёқдан билай, Отис хоним.

— Балки Моцартга арази бордир, биз билмасмиз. Лоақал қабр тепасига бирон-бир белги қўйса бўларди-ку. Оддий ёғочдан ишланган хочми...

— Констанца буни черковнинг вазифаси деб ўйлаган. Кейинчалик унга танбеҳ беришганда, хоч ўрнатиб қўйишни тайинлаган эдим, деб ўзини оқлаган. Кўриб турибсизлар, на қабр бор, на хоч.

— Умумий қабр шу ердалигига ишончингиз комилми? — сўради Жэсон.

— Тахмин-да бу. Сабаби, текис жой умумий қабр қозишга қулай. Лекин аниқ ўрнини ҳеч ким билмайди.

Ҳаво айнаиб, ёмғир томчилай бошлади.

— На ёзув, на белги, на хоч. Қандай бедодлик!

— Бунинг устига, қабр тепасида бирон кимса икки калима тиловат қилмаган, — деди Эрнест ўкинч билан. — Моцарт бировларга атаб, қанчадан-қанча мотам қўйлари битган эди-я!

— Юринглар, кетайлик бу ердан, — Деборанинг ўпкаси тўлиб кетди. — Ортиқ чидаёлмайман!

— Энг муҳими, полициянинг шубҳасидан халос бўлиш, — деди Мюллер Жэсонга. — Сиз тезроқ Бетховен билан учрашинг, унга оратория буюртмасини топширинг, ишончини қозонишга урининг, иложи бўлса, мусикадан сабоқ олишни бошланг. Бу осон иш эмас. Бетховен билан учраштиришни банкир Гроб ўз зиммасига олсин. Композиторга банкир орқали мурожаат қилсангиз, ҳеч кимда шубҳа туғилмайди. Хусусий уйга кўчиб ўтинглар. Ҳеч қасрда Моцартни тилга олманг, Бетховен ҳақида гапираверинг.

Жэсон оёғи остидаги тупроққа маъюс тикилиб тураркан, гўё унинг кўз ўнгида қотиллик юз бергандай туюлди.

— Ҳеч қандай из йўқ. Бари ғойиб бўлган. Бари йўқ қилинган.

— Афсуски, шундай. Улар Моцартнинг жисмини йўқ қилишди-ю, аммо унинг руҳини одамларнинг хотирасидан ўчиришолмади. Бари аксинча бўлиб чиқди.

Осмонни қора булут босди.

— Ёмғир кучайяпти. Тезроқ кетайлик, — деди Дебора.

— Жаноб Мюллер, — Жэсон Англияни тарк этганларидан буён ўзини қийнаб келаётган саволни берди. — Катарина Кавельерини танийдиган бирорта одамни биласизми?

— Сальерининг ўйнашиними? Ўйлаб кўриш керак. Нима зарурати бор бунинг?

Жэсон Кавельерининг Энн Сторейсга йўллаган мактуби, унда Сальериникидаги меҳмондорчилик ва Моцартнинг ногаҳоний ўлими ҳақида ёзилганини сўзлаб берди.

— Бунга нима дейсиз, жаноб Мюллер?

— Бу фақат бизнинг тахминларимизни тасдиқлайди. Маълумки, ўлими олдидан Моцартнинг танаси шишиб кетган. Одам захарланганда ҳам шундай бўлиши мумкин.

Жэсон, гўё Моцартни ёлғиз қолдиришни истамаётгандай, ўрnidан кўзгалмади. Кейин энгашиб, ёмғир лойга айлангирган тупроқдан бир сиқим олди-да, Деборанинг ортидан эргацди.

— Шўрлик Моцарт! — деди Дебора ички бир дард билан.

Меҳмонхонага қайтганларида Венага шом қоронғуси тушганди. Кўп нарсалар Жэсон учун ҳамон жумбоқпигича қолмоқда. Нима сабабдан кузатувчилар



қабристонгача бормаи, орқага қайтганлар? Бунда Сальерининг қўли борми-йўқми? Нима учун жасад изсиз ғойиб бўлган? Бу саволлар Жэсонга тинчлик бермасди. Каттиқ чарчаганига қарамай, бутун кўрган-кечирганларини қайд этиш мақсадида ёзув столи ёнига ўтирди. Дебора эса хонага киришлари билан ўзини диванга ташлаган, кўзлари юмүк бўлса ҳам сира ухлаёлмас, ўқтин-ўқтин хўрсиниб қўярди. Уни ҳам мана шу ўйлар қийнаётгани аниқ эди.

Жэсон ўрнидан туриб, Деборанинг ёнига борди. Кейинги кунларда хотини ўзини анча олдириб қўйди. Чиройи хануз ўша-ўша бўлса ҳам, юзида сўлгинлик бор. У кафтини Деборанинг елкасига қўйиб, кўзларига тикилди.

— Ўзгариб кетибманми? — сўради Дебора.

— Сираям.

— Йўқ, ўзгарганман. Икковимиз ҳам ўзгарганмиз. Турмуш курганимизда орзуларимизнинг чеки йўқ эди, энди эса сен фақат ўтмиш билан оворасан, бутунги кунни унутгансан.

Нима ҳам дея оларди? Стол ёнига қайтиб, ҳар хил ёзувлар битилган қоғозларни кўздан кечирди, шунда уларга кимдир текканини пайқади. Ҳайрон бўлиб, хотинидан сўради.

— Мен текканим йўқ, — деди Дебора. — Нима бўпти?

— Қоғозлар маълум тартибда турган эди, ўрни ўзгариб қопти.

— Янглишмаяпсанми?

— Отоҳдантиришлардан кейин синамоқ учун қоғозларимни бир тартибда тахлаб қўйган эдим, — шундай деб, Жэсон китоб ва кийимларини текшириб чиқди.

— Моцарт ҳақидаги ёзувларимни кимдир ўқиган, — деди у. — Композиторнинг ўлими тасвирланган жойга хатчўп ташлаб қўйган эдим, ҳозир бошқа ерда турипти. Пальтомнинг чўнтақларини ҳам титкилашган. Биз йўқлигимизда хонага биров кирганга ўхшайди.

— Бирор нарсанг йўқолиптими?

— Дабдурустдан нима ҳам дея оламан.

— Ганснинг ишимикин бу?

— Ҳозир аниқлаймиз.

Жэсон Ганс билан гаплашиш ниятида йўлакка чиқди, — у отхонада яшарди, — шунда қўшни эшиклардан бирининг хиёл гийчиллагани эшитилди. Меҳмонхона хизматчисидан извошчини чақириб юборишни илгимос қилиб, изига қайтаётганда йўлакда бировнинг шарпаси кўрингандай бўлди, ё унга шундай туюлди...

Хонага кириши билан Дебора шикоят қилиб қолди:

— Ўтин йўқ. Печканинг олови ўчиб ётипти. Бунақада шамоллаб қолиш ҳеч гап эмас.

— Демак, хизматкор хонага кирмаган. Гансга айтаман, ўтин опкелиб, печкага олов ёқади.

Жэсоннинг юрагига гулгула тушган эди. Булар йўқлигида хонага ким кирган бўлиши мумкин? Ташқарида Ганснинг қадам товушлари эшитилди. Ҳозир извошчидан суриштириб кўради. Аммо оғиз очишга улгурмасидан Ганс бидирлаб кетди:

— Узр, тақсир, извошнинг у ёқ-бу ёғига қараётган эдим, чопиб келолмадим. Агар Зальцбургта бормоқчи бўлсанглар, бошқа извош топишга тўғри келади.

— Биз йўқлигимизда бу ерга кирмадингми?..

— Нега кираман?

— Биров кирипти.

— Оқсоч аёлдир-да. Уларда калит бўлади-ку.

— Рухсатсиз киришаверадимми?

— Хонани супуриб-сидириш керак-ку.

— Эрталаб биз борлигимизда супуриб чиқиб кетган эди.

Ганс елкасини қисди.

— Зальцбургта боришимизни қаёқдан биласан? — сўради Дебора.

— Ўзингиз айтгансиз, Отис хоним.

Аммо унга бу ҳақда гапирмаганини Дебора яхши эсларди. Қизик, буларнинг режаси извошчига қардан маълум бўла қолди?

— Илтимос, Ганс, — деди Дебора, — пастга тушиб, бугун кундузи хонамизга хизматчилардан қайси бири кирганини аниқлаб кел.

— Хўп бўлади, хоним.

— Дарвоқе, қариндошларинг тинч эканми, Ганс?

— Худога шукур, ҳаммалари яхши.

— Уларни кўрдингми?

— Бўлмасам-чи! Амакимни кўрдим, жиянларимни кўрдим.

— Қаерда яшашади?

— Узр, Отис хоним, айтганим билан бари бир шаҳарнинг ҳамма худудини яхши билмайсиз-ку.

— Балки биларман.

— Ландштрассе томонда.

— Шунча жойга яёв бордингми?

— Сизларнинг рухсатингизсиз извошни олиб кетолмайман-ку.

Дебора унинг гапига ишонмади. Қабристонга бора туриб, библиб бўлган: Ландштрассегача озмунча йўл эмас.

— Печкага ўтин опке, Ганс, — уларнинг суҳбатини бўлди Жэсон, — кейин сенга бошқа топшириқ ҳам бор.

Ганс чиқиб кетгач, Дебора эрига деди:

— Бунчалик патак бўлиши сени шубҳага солмаяптими? Қариндошлариникига борганига ишонмаяпман. Жавобини бериб қўя қолмайсанми?

— Ҳозир уни ҳайдасам, бизни кузатиб юрган кимсаларнинг шубҳаси баттар кучаяди. Сабр қилиш керак.

Ўтин кўтариб, Ганс кириб келди. Меҳмонхона эгаси, хонага ҳеч ким киргани йўқ, деганимиш.

Жэсон извошчининг гапини эшитиб бўлиб, қўлига хат тутқазди-да, жаноб Гробга топширгач, жавобини олиб қайтишни тайинлади.

— Гробдан Бетховен билан учрашгиришни илтимос қилдим, — деди Жэсон Деборага, Ганс чиқиб кетгач.

— Унга астойдил ишонасанми?

— Йўқ. Агар пулимни унинг банкига қўйсам, овози ўчади. Эҳтимол паспортларимизни ҳам қайтариб оларман.

— Хонамизни тинтув қилишипти-ку? Бу ёғи нима бўлади?

— Хусусий уйга кўчамиз, четдан хизматкор ёллаймиз. Дейнер билан Моцартни даволаган дўхтирни топишим керак.

Шундай деб, Жэсон эшикни ичкаридан қулфлади-да, ўзини каравотга отди. Аммо уйқусида ҳаловат бўлмади: эрталабгача аланг-жаланг тушлар кўриб чиқди.

## 16. ТЎҚҚИЗИНЧИ СИМФОНИЯ

Гроб Бетховен билан танишлигидан фахрланарди. Мендай тарбия кўрган ва диди нозик одам фақат мана шунақа улуғ шахслар билан мулоқотда бўлиши лозим, деб юрарди у. Жэсон билан Деборани ўз маҳкамасида қабул қилди: кутилаётган учрашувни композитор билан олдиндан келишиб олиш зарур эди.

— Бетховен билан гаплашдим, — деди Гроб меҳмонларига. — Ҳозир у Баденда даволянапти, тез кунда Венага қайтади. Сизлар билан учрашишга рози бўлди.

— Миннатдорман, жаноб Гроб, — деди Жэсон.

— Бетховен менинг кимлигимни билади, бинобарин, сўзимни ерда қолдирмади.

— Пул-мулга муҳтож эмасмикин?

— Муҳтожликка муҳтож. Бир неча ой муқаддам шу масалада катта жанжал чиқишига сал қолди.

— Пулнинг орқасидан-а? — сўради Дебора ҳайратланиб.

— Фақат пул туфайлимас, Отис хоним, бошқа сабаблари ҳам бор.

Жэсон Моцартнинг мудом пулга зориқиб юрганини эслади, Бетховеннинг ҳам қўли қисқалигини эшитиб, ғалати бўлиб кетди.

— Асарларига тўланадиган ҳақ сабаблими? — сўради Жэсон.  
 — Ҳа. Иккита янги асари ижро этилди.  
 — Қанақа асарлар?  
 — Бири диний мадҳия, иккинчиси Тўққизинчи симфония, — жавоб берди Гроб. — Кўп одам узоқ йиллик танаффусдан сўнг Бетховеннинг янги асар ярата олишига шубҳа билан қарар, бунинг устига, бу пайтга келиб, композиторнинг қулоғи том битган эди. Унинг дўстлари Бетховеннинг ҳали куч-қувватга тўла эканини исботлаш мақсадида катта концерт уюшгирмоқчи бўлишди.

Бошиданоқ қийинчилик туғилади. Бундай йирик асарларни ижро этиш учун театр биносини ижарага олиш керак эди, аммо бунга цензор қаршилик кўрсатади. Полиция бошлиғи ҳам диний мадҳияни театр саҳнасида ижро этишни шаккоклик деб ҳисоблайди. Аммо ҳокимият Бетховенга шубҳа билан қарашини ҳамма биларди. Айниқса, янги симфониянинг хотимаси Шиллер сўзларига ёзилгани маълум бўлганидан сўнг бу шубҳа баттар кучайди. Гарчи Бетховен мусиқалари тақиқланмаган бўлса-да, тождорлар томонидан ҳамма вақт ҳам маъқулланавермасди.

Бетховеннинг дўсти, саройда обрў-эътибори баланд князь Лихновский полиция бошлиғи князь Седельницкийдан концерт театрда қўйилишига рухсат беришни талаб қилади.

Қайси театрни танлаш хусусида баҳс бошланади. Князь Лихновский агар “Вена остонаси” театри танланса, рухсат тегиши муқаррарлигига Бетховенни ишонтиришга уринади. Аммо композитор бу театр раҳбарлари билан чиқишмасди, бинобарин, ҳали ҳокимият вакиллари билан рухсат олинмаганига қарамай, концерт “Кертнертор” театрида бўлиши керак, деб оёқ тираб туриб олади.

Шунда бошқа муаммо пайдо бўлади. Бетховен ўзига тўланадиган пул шартларига, хусусан, чипталарнинг баҳосига рози эмаслигини билдириб, уларнинг нархини кўтаришни талаб қилади. Бунга ҳам полиция маҳкамасининг рухсати керак эди. Полиция композиторнинг талабини рад этади. Бу орада Бетховен театрни ижарага олиб, оркестр, хор ва бошқа хизматлар ҳақини ўз ёнидан тўлайди.

Концертга атиги икки кун қолганда ҳам рухсатномадан дарак йўқ эди. Бетховеннинг қалин дўсти эрцгерцог Рудольф Оломоуцга кетганди, император ҳам Венада эмасди. Оёғи куйган товукдай типирчилаб қолган князь Лихновский Бетховеннинг нуфузли ҳомийларидан уч-тўрттасини ёнига олиб, полиция бошлиғининг ҳузурига боради. Бошлиқ, талабнома белгиланган тартиб ва шаклда ёзилмаган, шунинг учун кўриб чиқилмади, деб жавоб беради.

Князь Лихновский князь Седельницкийдан илтифот кўрсатишни сўраб, мадҳия эрцгерцог Рудольфга бағишлангани ва бу куй Рудольфнинг Оломоуц шаҳри архиепископи мартабасига кўтарилиши муносабати билан ёзилганини айтади.

Аммо князь Седельницкийдан ҳадеганда садо чиқмайди, шунда князь Лихновский императорнинг укасига бағишланган мусиқага эътиборсизлик императорнинг ўзига нисбатан ҳурматсизликдай баҳоланиши мумкинлигига шама қилади.

Табийки, бу ишора вазиятни жиндаё ўзгартиради. Князь Седельницкий огоҳлангиргани учун князь Лихновскийга миннатдорлик билдириб, эртага жавобини айтаман, дейди.

Концертга бир кун қолганда охирги репетиция белгиланади, шунда ҳам ҳеч ким бу машаа нима билан тугашини билмайди.

Бетховен асабийлашиб, театр эшиги олдида у ёқдан-бу ёққа юраркан: “Тамом. Концерт бўлмайди! Энди мусиқа ёзишдан фойда йўқ!” — деб бақиради. Шу орада полиция бошлиғи келиб қолади. У князь Лихновскийга қуйидагиларни маълум қилади: хор мадҳиянинг фақат якунловчи қисмини ижро этади, мусиқанинг номи ва асарнинг ноҳўя ўринлари олиб ташланади, шу шарт билан концерт қўйилишига рухсат берилади.

— Бу шартларга Бетховен қандай муносабат билдирди? — сўради Жэсон.  
 — Жон-пони чиқиб кетди. Менга ҳақир одамдай муомала қилишяпти, аса-

римнинг бундай аҳволда ижро этилишига йўл қўймайман, деб бақирди. Дўстларига унга ўзи янги симфонияни ижодининг гултожи деб ҳисоблаётгани ва уни минг гульденга сотмоқчилигини эслатганларидан кейингина жаҳлидан тушди.

Дебора концерт қандай ўтгани билан қизиқди.

— Мадҳия билан Тўққизинчи симфония тингловчиларга маъқул бўлдими?

— Бу саволга жавоб бериш осонмас. Ҳамма шунча гап-сўз ва тўсқинликлардан кейин концертга томошабин тушармикин, деган хавотирда эди. Аксинча бўлди. Жанжал қайтанга қизиқишни кучайтириб юборган экан, зал лиқ тўлди. Фақат император ложасигина бўш қолди. Император оиласидан ҳеч ким келмади. Сарой аҳлининг Бетховен ижодига муносабатини шундан ҳам билса бўлади.

Ложада мен билан бирга учта дўстим ҳам бор эди — уларни менинг уйимда кўргансизлар.

Бетховен асарларини чоп этиб, анча-мунча наф кўрган Фриц Оффнер композиторнинг янги симфониясини харид қилиш-қилмаслик ҳақида ўй сурарди. Бетховеннинг шон-шухратига қарамай, Оффнер эҳтиёткор одам эди, кўрадиган фойда-зарарининг ҳар бир тийинини чўтга ташлаб чиқарди.

Оркестр ижросини назорат қилиш мақсадида Бетховен дирижёрнинг ўнг томонига туриб олди. Кулоғи гаранг одам қандай назорат қилар экан — ҳамма ҳайрон.

Бир маҳал Оффнер кулоғимга шивирлади: “Таваккал қилмай қўя қолай. Шу соғлиги билан Бетховен узоққа бормайди. Ўлганидан кейин асарларининг нархи тушиб кетади”.

Гроб сукутга чўмди, бир оздан кейин сўзини яна давом эттирди:

— Дарвоқе, бир нарсани айтиш хаёлимдан кўтариллипти. Бетховен билан савдолашиш керак. У машҳур композитор, лекин пулга зориқиб турганида гурурни бир четта суриб қўйиб, оғзига сиққанини сўрайверади. Жамият ораторияга қанча тўламоқчи?

— Билмайман, — деди Жэсон. — Ҳаммаси вазиятга боғлиқ.

— Нима учун полиция бошлиғи қарорини ўзгартириб, концерт қўйилишига рухсат бердийкин? — сўради Дебора.

— Бетховеннинг мартабали ҳомийларига ёмон кўринишни хоҳламагандир-да.

— Концерт сизга ёқдими? Бетховеннинг янги асарлари қалай?

— Диний куйларни азалдан хушламайман, шунинг учун деярли кулоқ солганим йўқ. Аммо симфонияни бошидан охиригача киприк қоқмай тингладим. Асар ижро этиб бўлингач, залда гўё пўртана кўтарилгандай бўлди, қарсақлар гулдурос олқишларга айланиб кетди. Бунақа тантанани умримда кўрмаганман. Бетховен ҳамон тингловчиларга орқа ўтириб турарди — у ҳеч нарсани эшитмасди.

Шу пайт симфонияда қўшиқ айтган Каролина Унгер парда орқасидан саҳнага чиқиб, томошабинларга таъзим қилди, кейин Бетховенни тирсагидан ушлаб, залга қаратди, қарсақлардан театр яна ларзага келди. Қайнаб-тошаётган оломонни кўриб, композиторнинг кўзлари чақнаб кетди, юз берган ҳодисани англаб етган Бетховен мухлисларига бош эгди.

Бу ажабтовур дақиқалар эди! У жунбушга келган залга жовдираб термуларкан, гўё зулмат қаърини ёриб чиққан офтоб қаршисида турганга ўхшарди. Бу манзара хотирамга умрбод михланиб қолган.

“Князь Седельницкий концертни тақиқлаб қўймаганига пушаймон бўлаётгандир, — деб шивирлади менга доктор Лутц. — Энди Бетховен асарларига ҳеч ким тўсқинлик қилолмайди”.

Орадан бир неча ҳафта ўтгач, концерт қайтадан қўйилди, бу гал ҳокимият идоралари аралашмади.

— Бетховенга айтган пулини беришдими? — сўради Дебора.

— Йўқ. Концертдан икки минг гульдендан ортиқроқ даромад олинди, харажатлар чегириб ташлангач, унга тўрт юз гульден пул тегди. Бетховен қат-

тиқ хафа бўлди. Балки оратория буюртмасига қизиқаётгани шундандир. Ўзингиз-чи, жаноб Отис, пулингизни нима қилмоқчисиз?

— Банкингизга қўяман.

— Бу бошқа гап. Афсусланмайсиз.

Гробнинг суюниб кетгани шундоқ сезилиб турарди. Жэсон темирни қизигида босди:

— Паспортларимиз масаласида Губер билан бир гаплашсангиз яхши бўларди.

— Гаплашаман. Ташвишланманг, — деди Гроб.

— Э, яшанг. Меҳмонхонадан бошқа жойга кўчмоқчимиз. Нима дейсиз?

— Бу ер маъқул бўлмадимми?

Хоналари тинтув қилинганини айтгиси келмай, Жэсон бош ирғаб қўя қолди.

— Ихтиёрингиз. Хусусий уйда яшаш қулайроқ, албатта. Ўзингиздан бошқа одамда калит бўлмайди.

Жэсон Петерсплац кўчасидан уй топти. Лекин шоша-пиша Деборага ошкор қилмади. Хотини билан бирга янги маскан сари яёв йўлга тушганларида ҳам уй хусусида оғиз очмади. Улар Грабенни босиб ўтиб, Петерсплац майдонига бурилишди, кўҳна авлиё Пётр черковига яқинлашганларида Жэсон қаддини секинлатди.

Унинг кайфи чоғ эди. Моцартнинг сўнги кунлари кечган уйга жудаям ўхшаб кетадиган уч қаватли кулранг бино ёнида тўхтаб, ниҳоят, ёрилди:

— Шу ердан беш хонали уйни ижарага олдим. Уй бекаси биринчи қаватда яшайди. Биз иккинчи қаватга жойлашамиз. Гансга болахона ҳам бўлаверади. Извош билан отлар учун кичкина сарой бор. Уйнинг орқаси боғ. Хуллас, роҳати жон. Бу ерга Грабеннинг шовқини эшитилмайди, айна пайтда, шаҳарнинг қоқ марказида. Ҳозир сени уй бекаси билан таништираман.

Узоқ тақиллатганларидан сўнг залворли ёғоч эшик очилди. Эшикни очган хонадон соҳибаси хушфёъллик билан ўзини Марта Герцог деб танишгирди. У паст бўйли, озгин, юзини ажин босган кексагина аёл эди. Ичи тўлиб турган экан, эри билан икки ўгли Австрия-Франция урушида ҳалок бўлганини, бунга Габсбурглар айбдорлигини, бисотида фақат мана шу уй қолганини ҳаш-паш дегунча гапириб ташлади.

Жэсон Деборани устки қаватга бошлади. Йўлак қоронғи эди. Деборанинг таъби хира бўлди. Биринчи хона “қабулхонамиз” деди Жэсон, — бу хона торроқ бўлиб, одмигина жиҳозланган эди. “Меҳмонхона!” — гурур билан эълон қилди Отис. Кенг-мўл хонага кирган Деборанинг дили андак ёришди. Суянчиғига оппоқ гилоф кийдирилган стуллар, эман ёғочидан ясалган иккита каттакон стол, шифтда чиройли қандил.

Айниқса, мусиқа хонаси Деборани ҳайратга солди. Бу ерда салобатли қора фортепьяно ва анча-мунча китоб бор эди.

— Бу хонада бемалол ижод қилишим ҳам мумкин, — деди Жэсон.

Кейин ётоқхонага киришди. Ётоқхона деразалари гуркираган боғ ва фавворали, саришта ҳовлига қараганди. Дебора азамат дарахтлар ва ўртасига Зухро ҳайкали ўрнатилган фавворага маҳлиё бўлиб қолди.

— Қалай, чакки жоймас, а? — сўради Жэсон.

— Ҳар ҳолда меҳмонхонадан яхши.

— Моцарт яшаган уйнинг яқинлиги кишига руҳ бағишлаб туради.

Петерсплацга кўчиб ўтганларидан кейин Жэсон Губерга учрашиб кўйиш кераклигини эслади.

Полиция бошқармаси узоқ эмас эди. Бу гал улар Губернинг кабинетига тўхтовсиз, такаллуф билан ўтказиб юборишди.

— Гроб биз ҳақимизда гапирган шекилли, — пичирлади Дебора Жэсонга.

Губер ўрнидан туриб, илиқ саломлашди, эр-хотинга ўтиришни таклиф қилди.

— Маслаҳатимга қулоқ солиб, мени йўқлаганингиз учун ташаккур, — деди у.


— Гробнинг айтишича, Бетховенни кўрмоқчи экансиз.

— Ҳа, жаноб Губер. Венага қайтишини кутяшман.

- Ораториянинг матни борми?
- Битта эмас, бир неча матн бор. Бу ёғи композиторнинг ихтиёрига ҳавола.
- Ҳар ҳолда унга диний матнни тавсия қилсангиз керак?
- Албатта. Лекин Бетховенга оғир ботмасмикин?
- Оғир ботса ҳам, баъзан шундай қилишга тўғри келади. Янги жойда қачон-гача турмоқчисизлар? Меҳмондўстлигимизни сунистеъмол қилмаслигингиз лозим.
- Уч ойча турсак керак. Композитор буюртмамизни битказиб берган кунниёқ жўнаб кетамиз. Лекин ниҳоятда инжиқ одам дейишади.
- Ҳақ гап, — Губер буларнинг янги манзилини махсус дафтарга ёзиб кўйди.
- Жаноб Губер, паспортларимизни қайтариб берсангиз бўларди, — деди Жэсон.
- Вақти-соати келганда қайтариб берамиз, — Губер “гап тамом” дегандай ўрнидан турди. — Дарвоқе, қабристонни зиёрат қилганингиздан хурсандмисиз? У ёққа ким бошлаб борганини айтсангиз, паспорт масаласи ҳам ҳал бўлади.
- Эр-хотин анграйиб қолишди.
- Йўловчи бир одам, жаноб Губер, — жавоб берди Жэсон дарров ўзини ўнглаб. — Бошлаб боргани йўқ, йўлни кўрсатворди, холос. Қолаверса, марҳумларни зиёрат қилиш савоб.
- Излаган қабрингизни топдингизми ишқилиб?
- Э, нимасини айтасиз! Қабристон хароб. На қабр, на ёдгорлик, на ёзув бор.
- Бугун дунё шунга кўниккан. Сиз ҳам кўникинг.


*Давоми келгуси сонда.*

*Низом КОМИЛ  
таржимаси.*



## SUMMARY

The August issue of magazine open with the continuation of the novel "Phosphory Javriya" of famous Turkish writer Suat Darvish. The next literary work is named "The End of Jack London's fairy tale". This is a fantastic drama by Abdulla Agzam. Amateurs of poem will be introduced with the samples of Ivan Bunin's and William Wordsword's poems. Besides readers will read historical essays "Ibn Batuta" by H.Zayniddin and "The Last History of Baburiy's Dynasty" by Fransua Bernie. The articles "The Ethudes of Icons of Six Writers" by John Galsworthy, "Abdullanoma" by Gulom Karim and also the novel "The Death of Mozart" by David Ways can be read in this issue of the magazine.



## АЗИЗ ЖУРНАЛХОН!

«Жаҳон адабиёти» журналида 2003 йилда эълон қилинадиган асарлар рўйхатини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

ЯВУЗ БАҲОДИРЎҒЛИ (Туркия). «Хоразм ўт ичида». *Роман.*

УИЛКИ КОЛЛИНЗ (Англия). «Ойтош». *Роман.*

АМИН МААЛУФ (Франция). «Самарқанд». *Роман.*

МОРИС ДРЮОН (Франция). «Шато-Гайар асираси». *Роман.*

ПРЕМЧАНД (Ҳиндистон). «Фидойи». *Роман.*

РАДЕК ЙОН (Чехия). «Олтин игна». *Роман.*

НИКОЛАЙ ЭРДМАН (Россия). «Ўзимни отаман». *Драма.*

ТАРЪЕЙ ВЕСОС (Норвегия). «Кушлар». *Роман.*

ЯЦЕК РОЙ (Польша). Қора от кечалари ўлдирди. *Қисса.*

Булардан ташқари Фарб ва Шарқ шеъриятидан намуналар, фалсафий ва тарихий мақолалар, адабий-публицистик тадқиқотлар билан ҳам танишиб борасиз.

## Муҳтарам муштарийлар!

«Жаҳон адабиёти» журналига обуна бўлишни унутманг!

Индекс:

Якка тартибда — 828

Ташкилотлар учун — 829

Хоҳловчилар «Жаҳон адабиёти» журналининг аввалги сонларини таҳририятдан харид қилишлари мумкин.